


82 31391
A-21



ABECTO

421

АВЕСТО

Тарихий-адабий ёдгорлик



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001

Асқар МАҲКАМ таржимаси

Лойиҳа муаллифи ва ижодий гуруҳ раҳбари — **Нарзулла ЖҲРАЕВ**


Безакларни рассом **Акмал НУР** чизган

Т а ҳ р и р ҳ а й ъ а т и:

Нарзулла ЖҲРАЕВ (раис), **Алишер АЗИЗҲҲЖАЕВ**, **Бобур АЛИМОВ**, **Муҳаммадали АҲМЕДОВ**, **Эркин ВОҲИДОВ**, **Мирсодиқ ИСҲОҚОВ**, **Беҳзод ЙҲЛДОШЕВ**, **Ҳамидулла ҚАРОМАТОВ**, **Нажмиддин КОМИЛОВ**, **Тилаб МАҲМУДОВ**, **Тура МИРЗАЕВ**, **Абдулла ОРИПОВ**, **Акмал САИДОВ**, **Ҳамиджон ҚОМИДИЙ**

И ж о д и й г у р у ҳ:

Асқар МАҲКАМ, **Тилаб МАҲМУДОВ**, **Акмал НУР**, **Холмурод ХИДИРОВ**,
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА, **Динара АВЕЗОВА**



Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. — «Шарқ», 2001. — Т.: 384 б + 16 б. зарв.

ББК 823 (59)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ «АВЕСТО» ХУСУСИДА**

«Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умумий инсоният тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи буламиз».

**ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг якунловчи
155-сессиясида сўзлаган нутқидан.**

«Энг муътабар, қадимги қулёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

Тарихчи олимлар билан қилган суҳбатидан.

«Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминидан «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён уз ҳаёти, уз маданияти, уз тарихи билан яшаб келади.

Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқалган эмас, балки Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас».

**«Туркистон» газетаси муҳбирининг
саволларига жавобларидан.**



«АВЕСТО» ЗАРУРАТИ

Одатда инсоният тарихининг бурилиш нуқталарида, жамият ва инсон ҳаёти тубдан узгараётган паллада беихтиёр киши уз тарихига, қадимий маънавий ва маданий ёдгорликларни урганишга эҳтиёж сезади. Унга таянади, ундан мадад излайди. Зотан, инсон мавжудот сифатида кескин янгилашишлар, туб узгаришлар жараёнида узлигини англашга, узлигини тушунишга, инсон сифатидаги нуқсону фазилатларини, хулласки, яхлит қиёфасини кўз олдига келтиришга мажбур бўлади. Ана шу мажбурият утиш даврининг бутун моҳиятини, мазмунини, янгилашишлар самараси ва тараққиёт омилларини белгилайди.

XX асрнинг сунги ун йиллиги ўзбеклар ва Ўзбекистон ҳаётида ана шундай сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва руҳий янгилашишлар, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар, эзулик ва ёвузлик тўқнашуви силсилалари даври сифатида тарих саҳифаларида муҳрланмоқда. Бу тарихий жараён кўп қиррали ҳаётимиз сингари тафаккур тарзимишни, онгу шууримишни, феъл-атворимишни, муносабатларимишни бутунлай узгартирмоқда. Ана шу аснода жамият янгиланмоқда. Янги жамиятнинг баркамол кишилари шаклланмоқда.

Миллий уйғониш ва миллий тараққиётнинг бугунгидек тарихий босқичларида қадимий ўтмишимизга назар ташлаш эҳтиёжи тобора долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу бежиз эмас. Мустақиллик гоёси, истиқлол тушунчаси бугунги ўзбек тасодифий миллат эмаслигини, у инсоният ибтидоси билан тенгдош эканлигини, бугунги Ўзбекистон давлати эса эндигина жаҳон хариталарида пайдо бўлган «тақдир уйини» маъсули сифатидаги давлат эмаслигини, у қадимий давлатчилик анъаналарига эга эканлигини кўрсатмоқда.

У қарийб уч минг йиллик тарихимишни қайтадан кўздан кечиришимизни, турли даврлар ва мафкуралар таъсирида сохталаштирилган ўтмишимизга муносиб баҳо беришни, қадимий маданий ёдгорликлар ва маданий меросни яхлитлигича тадқиқ этишни зарурат даражасига кўтарди. Бу бевосита жаҳон меҳварида ўзининг бутун имкониятини, салоҳиятини кўрсата бошлаган Ўзбекистон учун янада аҳамиятли.

Тарихга муносабат бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зотан, бош ислохотчилик вазифасини бажарётган давлат, мустақил тараққиётимиз ташаббускори ва раҳнамоси Президент Ислом Каримовнинг ўтмишга муносабатида ана шунини англаш мумкин. «Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида кунин кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминнда «Авесто» пайдо бўлган замонлардан бунён уз ҳаёти, уз маданияти, уз тарихи билан яшаб келади», — деган эди Президент Ислом Каримов. Дарҳақиқат, бу кўҳна замин, қадимий Мовароуннаҳр буюк цивилизацияларга, инсоният ҳаётига ақл-идроқ, тафаккур ва маданият олиб кирган ноёб янгилашишларга она бўлган. Биз ана шу муътабар тупроқ ва илоҳий қудратга ворислик қилаётган авлодимиз.

«Авесто» буюк умуминсоний қадрият сифатида дунёга келди. У чексиз тафаккур ва тараққиёт гоёси, умумбашарий маданиятнинг юксак чўққисига айланди. «Авесто» жаҳон цивилизациясига даҳлдор бўлган умуминсоний қадриятларнинг ривож топишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган буюк фалсафадир.

«Авесто» фалсафаси одам ва одамиятни, шахс ва шахсиятни, кенг маънодаги инсонни ва инсониятни комилликка даъват этувчи, баркамолликка, етуқликка қадирувчи улкан ва ноёб қадриятдир.

«Авесто» фалсафаси — одам ва олам, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввуларнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжами, ифодаси. У инсоннинг ҳиссий ва ақлий оламга таъсир утказувчи, кишини фикрлашга даъват этувчи буюк қадрият.

«Авесто» фалсафаси — табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни маънавий-руҳий ва ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштирувчи, кишини қуршаб олган оламни, унинг тараққиёт омилларини урганишга, ҳаёт мазмунини англашга чорлагувчи фалсафа.

«Авесто» фалсафаси — ҳаракатдаги дунё, бутун мавжудот, жонли ва жонсиз оламга нисбатан инсон муносабатларини ақл-идрок, чексиз тафаккур орқали баркамоллаштириш гоёсини узида мужассам этади. Инсонга ҳиссий олам билан фикрат дунёсининг синтези шаклида таъсир утказиши.

«Авесто» фалсафаси — инсонга хос булган поклик, эзгу ният, покиза туйғу, тупроқни муқаддас билиш, Ватанин англаш сингари олижаноб фазилатларни юксак ахлоқий меъёрлар ва тафаккур тарзи орқали ифода этади.

Турли гоёлар, ақидалар авж олган, улар таъсиридаги одамлар муносабатлари бир-бирига зид булган, кулхудолик шаклидаги гоёвий курашлар таъсирида тараққиёт ва инсон ҳаёти чигал ҳолга келиб қолган бир пайтда «Авесто» яккахудолик гоёси остида мақсадлар муштараклиги, манфаатлар уйғунлиги, яхлит жамиятни вужудга келтириш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга даъват этувчи инсонпарвар фалсафа сифатида дунёга келди.

Абу Райҳон Бериунийнинг фикрича, «Авесто» айрим ҳолларда, ҳатто, давлат яхлитлиги ва бириктириш таъминлашда, бошқарувда умумманфаат ва гоёлар муштараклигини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнаган. Бу айниқса сосонийлар даври учун хос хусусият булган.

Одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг узоро курашида яхшилик тантанаси ва эзгулик голиблигини таъминлашга одамларга маънавий қудрат, маънавий рағбат, руҳий даъваткорлик вазифасини утайди. Бу нафақат зардуштийликка дахлдор булган одамларни, балки бутун инсониятни яхшилик сари буришга, кишилик ҳаётида юксак маънавият ва маданиятнинг кириб келишига сабаб булади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Авесто» сингари ноқадриятли ёдгорликлар қандай гоё ва мақсадга хизмат қилмасин, улар ўз давридаёқ умуминсоний қадриятга айланган. Демак, уларни урганиш, тадқиқ қилиш, ўқиш ва ўқиб зарур. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: Инсоният ҳамиша гоёсидан, мафкураси ва таълимотидан қатъи назар, тараққиётга хизмат қиладиган жиҳатларни ва омилларни урганади. Унга эҳтиёж сезади. Уни асраб-авайлайди. Зотан, ҳар қандай цивилизация гоёлар, мафкуралар ва таълимотлар туқнашувидан, улар орқали оламни англаш, идрок этишдан бошланади. Ана шу нуқтага назардан ҳам «Авесто»нинг бугунги мустақиллик шароитидаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий, фалсафий ва мантиқий аҳамияти катта.

Демак, бугун, миллий уйғониш, миллий ўзлигини англаш даврини бошдан кечираётган ва янги цивилизация остонасида турган бир пайтимизда «Авесто»нинг ўзбек тилига таржима қилиниши, уч минг йиллик тараққиёт давомида илк бор нашр этилаётганлиги бежиз эмас. Зотан, ҳозиргача ушбу улкан ёдгорлик франдуз, немис, инглиз, форс тилларига алақачон таржима қилинган ва бир неча марта нашр этилган. Чунки, улар «Авесто»га инсоният цивилизацияси нуқтаи назаридан қарашган ва ана шу қадриятга хизмат қиладиган ҳар қандай гоёни тор диний ва миллий манфаатлардан устун қўйишган.

«Авесто»нинг маънавий қадрияти шугина эмас. «Авесто» қадимий ёдгорлик сифатида ўзининг ноёблиги, муқаддаслиги билан бугунги кун одамларининг маънавий-руҳий ривожланиш ва камол топиш омили ҳамдир. Зотан, XX аср сунггида, янги юз йиллик ва янги минг йилликнинг дастлабки пайтларида яшайтган бир вақтимизда ҳаёт, келажак биздан комилликни, инсон сифатидаги етукликни, одам сифатидаги баркамолликни талаб этмоқда.

Янги юз йиллик тараққиёти бугун инсоният тарихида янги давр, янги эра бошланган бир пайтда цивилизациянинг муҳим омили сифатида ақл-идрок, бой тафаккур, теран фикр, маънавий-ахлоқий поклик ва руҳий покизалик катта аҳамият касб этаётганлиги ҳаммамизга аён. Зотан, Президент Ислом Қаримов «XXI аср маърифат асри бўлиши керак», — деб башорат қилганида айни шу эҳтиёжни назарда тутган эди. Яна у «XXI аср — Ўзбекистон асри бўлади», — деб хитоб қилган эди. Агар янги аср Ўзбе-





кнстон асри буладиган булса, янги аср Ўзбекистонда янги цивилизация, миллий уйғониш, миллий тараққиёт асри буладиган булса, биз қарийб уч минг йиллик тарихий тараққиёт жараёнларида шакланган турли синовлар, қиргин-қатагонлар, вайронгарликлар ва қурбонликларни энгиб миллатимиз қалбининг гавҳарига айланган ноёб қадимий қўлёзмаларни, маданий ёдгорликлар гоёларини қалбимизга сингадирмоғимиз, англамоғимиз лозим.

«Авесто»нинг узбеклар маънавий-руҳий оламидаги таъсири, унинг миллат сифатидаги шаклланиши, узбек феномени тушунчасининг мазмун-моҳиятига айланган жиҳатлари куп. Жумладан, узбеклар «Авесто» ва у сингари маънавий-ахлоқий етуклик ҳамда руҳий покизалик гоёлари таъсирида шаклланди, узининг соф миллий қиёфасига эга бўлди.

«Авесто»да «покиза сув ва Ёниб турган олов ҳаршисида густохлак қилган зотнинг дузаҳда тошғуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан муддишдир», деган гаплар бор. Бу бошқа халқлар қаторида узбек миллатининг ҳам турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маънавий-руҳий кечинмаларини ўзида мужассам этади. Айни учинчи минг йиллик узбеклари ҳамда «Авесто» даври одамлари ва «Авесто» фалсафаси уртасидаги узвийликни, давомийликни, ворисийликни курсатади. Фақат шугина эмас. «Сувга ту-пуриш гуноҳ, олов илоҳий муъжиза, покиза руҳ» сингари оталаримиз уғитларининг, бо-боларимиз тафаккурининг асоси эканлигидан ҳам далолат беради.

«Ҳақиқат — олий шарофатдир», дейилади «Авесто»да. Зотан, ҳақиқат буюк муъжиза. У асрлар мобайнида инсониятнинг олий мақсади, инсон қадру-қимматининг мислсиз улчови бўлиб келади. Одамлар ҳар дақиқада ҳақиқатга интиладилар, ундан нажот излайдилар. Айни ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Ана шу қудрат, «Авесто»да узининг бутун моҳияти билан ўз ифодасини топган.


«Маҳд этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жами эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишланаман, жумла Ёвуз фикрат, Ёвуз калом ва Ёвуз амаллардан юз бураман». Бундай муъжизакор даъват инсоннинг минг бир ҳужайрасини, тизгинсиз ва чегарасиз ҳаёлотини, орзу-мақсадларини жунбушга келтирадиган руҳий ҳолат, ахлоқий даъват, маънавий чақириқ ҳар қандай бағритош инсоннинг қалбини жунбушга келтиради. Унда меҳр-шафқат, яхшилик ҳисларини уйғотади. Оқибатда эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал — хатти-ҳаракат, муносабатлар, покиза ҳаёлот ва яхшиликлар билан яшаш умиди одамни чулғаб олади. Инсон узининг ҳаётини, умрини мана шу эзгуликларга бахшида этиб, жамики Ёвуз фикрат — Ёвуз ҳаёлот, Ёвуз орзу-умид, Ёвуз калом — Ёвуз сўз, муносабатлар, Ёвуз амал — Ёвуз хатти-ҳаракатлар ва фель-атворлардан юз буриб, комилликка интилади. Бу инсоннинг ички гузаллиги, ботиний камолоти ва зоҳирий амалиёти жамулжами — яхлит қиёфасининг бенуқсон суврати эмасми? Улуғ файласуф Форобийнинг «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти хатти-ҳаракатда билнади», деган ҳикматининг мазмуни ундан икки минг йил бурун дунёга келган ва бугун ҳам ўз қийматини йўқотмаган «Авесто»даги эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал тушунчаларидан келиб чиқмайдими? Бу уч унсурнинг яхлитлиги, уйғунлиги айни инсон моҳиятини, унинг бутун борлигини, қадриятини белгиламайдими?

*«Мамлакатни бузадир палид,
Ҳам лафзсиз тубан каззоблар.
Юзлаб аблаҳ муттаҳамлардан,
Баттар нобуд айлайди улар —
Яхшиларни, хайрлиларни».*

Бу қарийб уч минг йил аввал кўҳна Хоразмда дунёга келган, бугунгача нафақат қадимий Шарқ, балки бутун Ер шари аҳлини эзгуликка даъват этаётган муъжизакор ҳайқириқ. «Авесто»нинг улмаслиги, абадийлиги ва буюк қадрияти ана шунда. Зотан, миллат яшар экан, ҳаёт давом этар экан, эзгулик ва яратувчилик абадий. Миллат қонида, халқ қалби ва тафаккурида анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзи қатларига «Авесто» гоёлари яшайверади.

Нарзулла ЖУРАЕВ

БИРИНЧИ ДАФТАР



ГОХДАР



БИРИНЧИ ҚЎШИҚ (ГОҲ)¹

АҲУНАВАД ГОҲ²

ЯСНА', 28-ҶОТ

1

Эй, Мазда! Эй, улвий оламнинг уруги — асоси — бунёди!

Ибтидода ёзиқ қўлларим билан Сенга намоз келтирурман, истагим беҳрузлик ва шодмонлик.

Зора, Ашаҳ' — Ҳақиқат аъмоли, буткул донишмандлик ва Эзгу Ният' билан Гушварван' — олам руҳини хушнуд айласам!

2

Эй, Аҳура Мазда!

Эзгу ният билан Сенга юз бураман. Диногоҳларга қушойиш ва шодмонлик бахш айлагувчи, Ашаҳ — Ҳақиқатга тааллуқли ҳар икки олам — фано ва бақо саодатини насиб-рузи айла!

3

Эй, Мазда Аҳура!

Сени, Ашаҳ — Ҳақиқатни ва Эзгу Ниятни янги эътиқод қўшиғи деб қабул айладим. Токи бутун борлигимда Ормаитий' — Комил Ақл ва Олам Шаҳриёри' афзун булсин!

Ҳамиша сендан имдоод истасам, ҳузуримга етиб келурсан, менга беҳрузлик ва шодмонлик бахш айлаурсан.

4

— Мен Руҳимни Эзгу Ниятнинг кенг ва муҳташам саройига элтаман. Мазда Аҳура ҳар бир кирдор учун бахш этувчи ажру ниёздан огоҳмен.

Токи жисму жонимда заррача кучмадор устувор экан, инсониятни Ашаҳ — Ҳақиқатга томон бошлаб бораман.

5

Эй, Ашаҳ! Эй, Ҳақиқат!

Сени қачон топаман ва қачон фарзоналик билан Эзгу Ниятга ноил буламан?

Қачон буткул мавжудотдан қудратироқ булган Аҳура саройига йул оламан

ва унинг ҳаётбахш сузларидан баҳраманда буламан?

Ва бу илоҳий калом воситасида уз тилим билан гумроҳларни яхшилиқлар манзилга бошлагумдир.

6

Эй, Мазда Аҳура!

Эзгу Ният ва Ашаҳ — Ҳақиқат билан ҳузуримизга кел, ҳаққоний каломлар воситасида Зардуштга ва жамийки солиҳ инсонларга саодатли тириклик бахш айла!

Бизга шодмонлик ва олам қудратини ато қил, токи душман зулми ва озори муқобилида бирлашайлик.

7

Эй, Ашаҳ! Эй, Ҳақиқат!

Эзгу Ният учун тортиқ қилинажак ажр-мукофотингни бер!

Эй, Ормаитий! Эй, Комил Ақл!

Гуштасп¹⁰ ва менинг издошларим орзую аъмолларини рубебга чиқар!

Эй, Мазда!

Сени васф айлагувчиларга куч-қудрат бахш айла, токи улар илоҳий каломингни инсониятга етказсинлар!

8

Эй, мумтоз Ҳақиқат — Ашаҳга ҳамқадам Аҳура! Эй, барчадан мумтоз!

Утинч ва илтижойим шудирки, Сен баҳодир Фарашвтари¹¹ ва жамийким ёронларимга ҳамда бегумон абадий Эзгу Ният бахш айлаганинг зотларга энг гузал ҳаёт ато этгайдирсан!

9

Эй, Мазда Аҳура!

Бу илтифотинг ва атойинг туфайли ҳеч қачон Сени, Ашаҳ — Ҳақиқатни ва Эзгу Ниятни тарк қилмайман, озор еткармайман, ранжитмайман.

Сизларга олқиш ниёзини келтирурман. Зеро, Сизлар, бутун Олам Шаҳриёри, барча-барчадан қудратли, жамийки олқиш ва ниёзларга муносиброқсиз!



Эй, Мазда Ахура!

Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ниятга ҳаққу рост сазовор булганинг равшан назар фарзоналарнинг мақсудига восил айла. Ҳақиқатда билурманки, эзгу мақсадли, дил қаъридан чиққан олдишлар сизлар томондан инобатсиз қолмагай!

ЯСНА, 29-ЎОТ

1

Олам Руҳи Сиздан сўради:

«Мени нечун яратдинг? Ким мени ато айлади? Газаб ва адоват, қабиҳлик ва густоҳлик, эгрилик ва тубанлик мени буткул қуршаб олгандир.

Менинг сендан узга пушт-паноҳим йўқ. Менга уз зотинг ва номингга муносиб булган бир халоскор юбор!..»

2

Шунда оламини бунёд айлаган Зот Ашаҳ — Ҳақиқатга юз буриб, сўради:

— Кимни бу жаҳонда донишманда деб билурсан, сўйла! То бу олам ободлиги, файзу шукуҳини унга бахш айлайлик.

— Кимни бу олам соҳиблигига муносиб курурсен? Токи уша Зот дуруж — Ёлгон ва газабдан ер юзини буткул халос айласин?

3

Ашаҳ — Ҳақиқат унга жавоб берди:

— Бундай зот бу жаҳонга ва адолатсиз инсониятга арзимади. У меҳрибон ва беозордир. Инсонлар орасида солиҳларни ёвузлардан ҳимоя қилувчи, уларга пушт-паноҳ була билгувчи кимсани билмайман.

У инсонлар орасида сара ва қудратлироқ будмоғи керак. Мени уз ҳузурига чорлаганда, сузсиз етиб боргумдир...

4

...Шубҳа йўқки, Ахура девлар ва қабиҳ инсонлар утмишда нима қилгандилар ва келгусида нима қилажакларини ҳаммадан кура яхшироқ билади.

Ахура бу оламининг ягона адолатпеша ҳақамидир. У истаган нарса булади.

5

Ҳақиқатда, биз иккимиз — мен ва олам руҳи ёзиқ қўллар билан Ахурани

Бу июнатлар билан Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ниятнинг паноҳи булурман.

Эй, Мазда Ахура!

Сен мени уз оламингдан огоҳ эт! Сен менга уз тилинг билан бу олам ибтидоси ҳақида сўйлаб бер! У нима эди ва қандай бунёд будди?

6

олқишлаймиз. Ундан ягона хоҳишимиз шу: бу оламда порсолар ва уларнинг раҳбарларига ёвузлар томонидан шикаст ва озор етмагай!..

Шунда бу оламини донишмандлик билан бунёд айлаган Ахура Мазда деди:

— Наҳот, Сен Ҳақиқатга тўлиқ булган бу оламининг сардорини танимайсан? Яратгувчи Сени жамийки яратилмиш мавжудотга раҳбар ва асрагувчи этиб сайламаганимди?

7

Ҳақиқатга ҳамқадам Ахура яхшиликларни зиёда этгувчи узининг илоҳий каломини яратди ва жаҳон ишларининг унгарилиши, эзгу ниятли кимсаларнинг мақсуди ҳосил булишини истаб хитоб қилди:

— Эй, Эзгу Ният!

Кимдир улки сендандир? Ким у инсониятга ҳақиқатда мадад бергувчи зот?

8

— Бу жаҳонда бизнинг каломимизни жондилдан қабул қилгувчи мен билган ягона зот бу Сипийтмон Зардуштдир.

Ёлғиз у Мазда ва Ҳақиқатни олқишловчи қўшиқларни инсониятга элтмоқни жуадажуда истади. Шу боисдан Унга гоят ўткир ва малоҳатли нутқ бахш айлади.

9

Шунда Олам Руҳи хуруж қилди:

— Наҳот мен бир нотавон ва норасо эрнинг ҳимоя этмагимдан шод булишим ва унинг сузларига қулоқ осим керак? Ҳақиқатда, мен гоят қудратли бир пешвони орзу қилгандим.

Қачон менинг умидим ушалиб, бир қудратли зот узининг забардаст қўллари билан менга мадад беради?



9

— Эй, Аҳура! Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!
 Буларни* қудрат ва Олам Шаҳриёри-
 гидан огоҳ айла!
 — Эй, Эзгу Ният!
 Уларга шундай нусрат берким, яхши
 турмуш ва шодмонлик ҳамроҳ булсин!
 — Эй, Мазда!
 Мен ҳам Уни Сен яратган Зотларнинг
 энг улуги деб билгайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат, Эзгу Ният ва Олам
 Шаҳриёри қачон бизнинг қошимизга ши-
 тоб этадилар?
 Мен Сиз — инсонларни бу буюк ма-
 га¹ — таълимотни урганишга даъват қила-
 ман.
 Бизга нусрат келган экан, демак биз
 ҳам сизларга мадад бермакка шайдирмиз.

ЯСНА, 30-ҶОТ

1

Шундай қилиб, Аҳура ва Эзгу Ният
 шаънига ҳамдлар келтириб, истаганлар
 ҳамда огоҳ этилганларга икки буюк яра-
 тимлиш ҳодиса хусусида хабар бергаймиз!
 Эй, Эзгу Ниятли Зотлар!
 Бу каломни Аҳуранинг мунаввар сий-
 моси ҳузурида равшанлик ва шодмонлик
 билан қабул айлангиз!

2

Эй, ҳушёрлар!
 Қулоқларингиз билан пухта эшитин-
 гиз энг эзгу каломларни ва ёруг ният би-
 лан — хоҳ эр, хоҳ аёл — ҳар бирингиз
 назар ташлангиз, то буюк ҳодиса рўй
 бермасдан ва одимларимиз сўнгги ман-
 зилга етмасдан икки йўлдан бирини узин-
 гизга ихтиёр этингиз-да, бу каломларни
 ўзгаларга ҳам етказингиз!

3

Ибтидода бу икки тугишган — ҳам-
 зодлар андиша, калом ва амалда бири —
 эзулик; бири — ёмонлик узаро суҳбат
 курдилар.

Бу иккидан бири, яъни эзуликни ун-
 дан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар
 танладилар.

4

Бу икки олам бир-бирига ётлашгани-
 дан сўнг, илк бор «тириклик» ва «ноти-
 риклик»ни бунёд айладилар. Бу ҳол олам
 сўнгигача давом этаверди.

Эзгу ҳаёт Ашаҳ — Ҳақиқат пайравла-
 рига ва энг қабил тириклик дуруж —
 ёлгон тарафдорларига насиб қилади.

5

Уша икки оламдан ёлгон — дуружни
 ихтиёр этганлар энг ёмон амалларга бе-

ридилар ва абадий осмонни қоплаган со-
 лиҳ оламлар учун бунёд этилган Ашаҳ —
 Ҳақиқатга юз бурганлар уларининг эзгу
 амаллари ва озодликка муҳаббатлари ту-
 файли Аҳура Маздани хушнуд этдилар.

6

Девни ихтиёр этганлар ҳам икки олам-
 дан ростни эмас, ёлгонни танладилар,
 ёмон ниятга бўйинсундилар ва одам
 ҳаётини тубанлаштирмақ қасдида бир-
 лашган кўйи газабга томон шитоб этди-
 лар.

7

Олам Шаҳриёри, Эзгу Ният ва
 Ашаҳ — Ҳақиқат яхшиликларни ихтиёр
 этганларнинг қошига келдилар, уларга
 қудратли ҳаёт бахш айладилар.

Ҳақиқатда, Сенга тобе булганлар ва
 сенга насиб қилганлар темир синовлардан
 сўнг бахтга қовушадилар.

8

— Эй, Аҳура Мазда!

Қачонки гуноҳкор қавмнинг ҳуни би-
 таркан Олам Шаҳриёри Эзгу Ният нурла-
 ри остида ошкор булгуси ва дуруж —
 ёлгон аҳли Ашаҳ — Ҳақиқат қулига тош-
 ширилгуси.

9

— Эй, Мазда!

Биз оламу одам тириклигини янгилов-
 чи ва сенинг бўлмиш аҳуравийлар билан
 бирга яшамокни истаймиз.

Сен-да Ашаҳ — Ҳақиқат сиймоси ости-
 да бизга мадад айла. Ақд-идрокимиз
 ожизлашиб, эътиқодимиз сустлашган
 чоғда қўлагин, токи фикр, калом ва
 амалда биз иттифоқ булайлик.

* Бу ўринда эътимом Зардушт ва унинг ёрларига ёхуд, умуман, жаҳоннинг кейин келажак соҳибқудратларига ишора бул-
 ши мумкин. Рўқ уларнинг илҳомига куз тикмоқда.



Шунда дуруж — ёлгон шикаст ва магдубият топгай, азгулик билан танилган зотлар уз орзуларига етгайлар ва Эзгу Ният, Мазда ҳамда Ашаҳ — Ҳақиқатнинг хуш саройига дохил булгайлар.

ЯСНА, 31-ЎОТ

1

— Эй, хушёрлар!

Сизларни ҳали бирор бор эшитмаганингиз ҳодисалардан огоҳ қиламан.

Бегумон, бу сузлар дуруж — ёлгоннинг таълимини олганлар, Ашаҳ — Ҳақиқат оламини расво қилмоқчи булганларга хуш келмайди, аммо улар Маздага дил боғлаганларга гоятда ёқади.

2

Дуруж — ёлгонга қулоқ осганлар ва унинг таълимини олганларнинг оқибати гоят хунук экан, мен — Мазда ҳар икки гуруҳ учун ихтиёр этган зот барча-барчангизнинг ҳузурингизга келаман ва биз тирикликни буткул Ашаҳ — Ҳақиқат измига солгаймиз.

3

— Эй, Мазда!

Сен уз тилинг ва уз каломинг билан ҳар икки гуруҳга ҳам бахш этгунг ҳодисадан бизни огоҳ айла. Ашаҳ — Ҳақиқат дастёрларига ваъда қилганинг саодат, фирӯзлик ва бахтдан хабар бер, токи мен ушбу билан одам болаларини Сенинг динингга даъват қилай.

4

— Эй, Мазда! Эй, аҳуравийлар!

Бизнинг хитобимизга мутаважжиҳ булсангиз, у ҳолда умид қиламизки, Ашаҳ — Ҳақиқат, Ормаитий, Эзгу Ният ва қудрат соҳиби Олам Шаҳриёри бизнинг булгуси ва уларнинг шуълалари остида ёлгон — дуруж устидан нусрат қозонгаймиз.

5

— Эй, Мазда Аҳура!

Мени — неки руй бергуси ва неки руй бермагай — ҳодисалардан огоҳ айла, то-

— Эй, инсонлар!

Будир Мазда бизларга уқдирган икки фармон: хушлик ва нохушлик. Ёлгон — дуруж домига илинганларнинг ранж ва зиёни; Ҳақиқат — Ашаҳнинг издошлари топқуси оқибат мана шудир.

Бегумон бу синовлар ортидан тугрилик ва яхшиликларга қовушасиз.

ки Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ният ҳақамлигида узим учун афзал булган йулни ихтиёр этай ва менга берадиган мукофотинг туйфайли саодатга ноил булай.

6

Менинг энг олий мукофотим ҳақиқий Илоҳим пайгомларини инсонларга ошкор айлаган, уларни Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида комиллик ва абодият сари бошлаган зотга насиб этади.

Мазда Эзгу Ният ва Олам Шаҳриёрига мадад берувчи химсани юкскларга кўтаради.

7

У, илк донишмандирки, само чироқлари унинг шавкат ва шукуҳи таъсирида нур таратадилар. У уз хиради билан Ашаҳ — Ҳақиқатни яратди, у Эзгу Ниятни ҳимоя қилсин ва уз паноҳига олсин.

— Эй, Мазда Аҳура!

Сен ибтидода қандай эсанг, аини чоғда ҳам Ушасан. Бас, шундай экан, уз борлигинг билан бу шукуҳни зиёда айла.

8

— Эй, Мазда!

Қачонки мен сени бутун борлигим билан тирикликнинг ибтидо ва интиҳоси, Эзгу Ниятнинг отаси деб танидим, ушанда мен сени қалб кузи билан кўрдим. Сенсан Ашаҳ — Ҳақиқатнинг ҳаққоний яраттувчиси ва олам аҳли амалларининг ҳақами.

9

— Эй, Мазда Аҳура!

Ормаитий Сенинг эди. Дунени бунёд этган олам Тафаккури Сенинг эди. Ушанда Сен Унга (Одамзотга) йул танлаш озодлигини инъом этдинг, токи Ҳақиқат раҳбарига ёхуд ёлгон сарварига итоат айлассин.



Шунда у (Одам) бу иккиннинг орасидан ашаванлар* сарвари ва Эзгу Ниятни зиёда айлагувчини узига паноҳ ва раҳбар деб танлади.

— Эй, Мазда!

Алданганларнинг сардори ҳарчанда узини покдомон қилиб курсатмасин, у ҳеч қачон Сенинг пайгомларингни элтгучи булолмайди.

11

— Эй, Мазда!

Қачонки ибтидода сен бизнинг тан ва динимизни** ато айладиң,† қачонки уз ндрок-заковатингдан бизга хирад бахш этдиң, қачонки жонимизни вужудга ёвуқ келтирдиң, қачонки бизларга курашлар учун куч-қудрат иноят этдиң, шунда биздан ҳар ким уз эътиқоди йулида озода қадам ташлашини истадиң.

12

Шундан сунг, ҳар ким — хоҳ каззоб, хоҳ ростгўй, хоҳ нодон, хоҳ доно — уз қалби ва ниятидан бонг урди.

Ормаитий қаердаки жумбоқ ичида қолган андиша ва иккиланишлар булса, уларга раҳнамолик қила бошлади.

13

— Эй, Мазда!

Қачонки кимса ошкор ё пинҳон ниманидир сурса, кичик гуноҳлардан халос бўлиб, улкан гуноҳлардан парҳез қилмоқчи булса, сен уни узингнинг уткир нигоҳларинг билан назорат қил ва барчани Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида ҳидоятга бошла.

14

— Эй, Мазда!

Мен Сендан ана шуларни илтижо қиламан: айтгил, тириклик нечук ўтгандир ва нечук утгусидир? Ҳақиқат пайравлари ва муҳиблари, шунингдек, ёлгон — дуружга тобе булганларнинг тириклик дафтарига нималар чекилгусидир?

— Эй, Мазда!

Буларнинг бари энг сунгги ҳисоб-ки-тоб чогида нечук булгай?

— Эй, Аҳур!

Мен сендан ушбуни сурайман: бадният подшоҳнинг қувватини зиёда қилгучи,*** уз тириклиги давомида раҳбар ва инсонлар гуруҳи уртасига фитиа-адоват солишдан ўзга хунари булмаган кимсаларнинг жазоси қандай?

16

— Эй, Мазда Аҳур!

Мен сендан ушбуни сурайман:

Кимки некоғоҳлик билан хонумон, шаҳар ё буткул сарзаминнинг қудратини зиёда этмакка ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг мутлоқ пойдор бўлишига хизмат қилса, Сенга қовушадими?

Қачон ва қандай амаллар билан бунга сазовор булади?

17

Бу ҳар иккидан қай бири — ашаван ва дурванд† — ҳаммадан ухши йўлни танлагандир? Равшанназар ястоз толибни огоҳ этади.

Нодон кимсани алдайди ва гумроҳ қилади.

— Эй, Мазда Аҳур!

Сен бизга Эзгу Ниятдан сабоқ бер!

18

Бас, сизлардан ҳеч ким хонумон, шаҳар ва буткул сарзаминни вайрон этиб, харобага айлантиргувчи дурванднинг сўз ва таълимотига қулоқ османг, балки унинг қаршисида жанговар ҳолатда туринг!

19

Шундай зотнинг сўзларига қулоқ тутингки, у Ашаҳ — Ҳақиқат билан андиша қилсин; шундай фарзонага боғлангки, тирикликнинг дармонбахши булсин; шундай одамга юз бурингки, сўзда ростгўй, тавоно ва бурро тилдир.

— Эй, Мазда Аҳур!

Муҳаддас оловинг илоҳи бўлиш Озар билан ҳар икки гуруҳнинг энг сунгги манзилини ошкор айлагил!



* Ашаҳ — Ҳақиқат булида юргувчилар, Ҳақ-адоватда собит зотлар (5-изодаг қаранг).

** Бу уринда ва «Авесто»нинг аунлаб матнларида учрагучи «дин» бизнинг тасавуриимиздаги дин — яъни, эътиқод ва мазҳабдан тавфут қилади (12-изодаг қаранг — Терж.).

*** «Динқара»нинг тўққизинчи китобида келмишча, подшоҳларнинг ёмондан-ёмонки гуноҳсиз одами ҳатл ўтганлар. Шундай подшоҳларни қувватлаган кимсаларнинг охиридаг топадиган оқибати голтад даҳшатлидир.

20

Кимки Ашаҳ — Ҳақиқат ҳузурига келса, охиратда унинг манзили Ғруглик булади.

Аммо, зулмат бу — амалга ошмайдиган ният, суҳрилик, «во дариго» амидир. Ҳақиқатда, дин ва кирдикори шундай булган кимсаларнинг тириклиги пировард-натижада уларни зулмат қаърига тортиб кетади.

21

Мазда Аҳура ўзининг худовандлиги ва сарварлиги билан Ашаҳ — Ҳақиқат, ко-

миллик, абадийлик, Олам Шаҳриёрлиги, дустлик ва Эзгу Ниятни андиша ва амалда ўзининг дустни булган зотларгагина муяссар айлайди.

22

Бу каломлар яхшиликдан огоҳ булган, Эзгу Ният билан истай оладиган кимсаларга ошқордир.

Удир Олам Шаҳриёри ҳамда уз калому амаллари билан Ашаҳ — Ҳақиқатни асрайди.

— Эй, Мазда Аҳура!

У Сенинг ҳақиқий дуст — қабибинг саналади.

ЯСНА, 32-ЎОТ

1

— Эй, Мазда Аҳура!

Менинг қавм-қариндошларим, ҳамкорларим ва дустларим шодмонлик ва беҳрузлик иштиёқида Сенинг талабингданрлар.

— Эй, девлар!

Сизлар ҳам ана шу ниятда уни истанглар!

Зора, Сенинг қосидинг — хабарчинг булиб, Сенинг билан муҳорабага чоғланган нодонларни бу қабиҳ ва ношойиста кирдордан манъ эта олсак, қайтара билсак.

2

Мазда Аҳура Олам Шаҳриёри нурлари остида ёлғиз Эзгу Ният билан уларга жавоб берди:

— Сипандормазнинг энг солиҳ биродари булган порлоқ Ҳақиқат — Ашаҳни сизлар учун интихоб айладим. Зора, у сизнинг булса.

3

— Эй, девлар!

Сизнинг барчангиз қабиҳ ниятга қариндошсиз. Сизларни азалдан қуллаб-қувватлаб, асраб-авайлаб келаётган куч каззоб ва худбинликдан узга нарса эмас.

Бу ёлгон ва мунофиқона амалларингиз билан етти иқлимга ном таратдингиз ва охир-оқибат шарманда булдингиз.

4

Шу йул билан сизлар одамларни чалғитдингиз, улар энг қабиҳ амалларга қўл урдилар ва девларнинг муҳиблаари деб ном қозонадилар.

5

Шунингдек, қабиҳ ният жаҳонни ҳароб қилиш мақсадида сизга ва дурвандларга ургатган Ғвуз андиша, калом ва амал воситасида одамларни алладингиз ва абадий саодатдан бебаҳра қилдингиз.

6

— Эй, Аҳура!

У* гуноҳларининг зиёдалиги эвазига мақсадига эришди ва ҳатто гуноҳлар унинг поясини бандан — номдор айлади. Аммо Сен ҳамма-ҳаммасидан огоҳсен ва унинг охир-оқибат топадиган ажрини чандон яхши биласан.

— Эй, Мазда!

Амр-ироданг, Ашаҳ — Ҳақиқатга етишиш Сенинг Олам Шаҳриёринг туфайли раво булади.

7

Ҳақиқий саодат тирикликнинг узи бизга таълим бергани каби темир тоблагувчининг синовидек амал ва интилиш сунгидагина муяссар булишини бу гуноҳкорларнинг ҳеч бири билмайди.



13

* Бу уринда гап Ғвузлик илоҳи Аҳримен хусусида бормоқда.

— Эй, Мазда Аҳур!
Сен уларнинг оқибатидан огоҳсен!

8

Вайвангхон Жам ҳам узининг ва одамларнинг хушнудлиги учун жаҳон Раббини хор тутди. У ҳам машҳур гуноҳкорлардандир.

— Эй, Мазда!

Мен бу гуноҳкорлар оқибатда Сенинг адолатли ҳукмингга сазовор бўлишига шак-шубҳа қилмайман.

9

Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сузларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди.

Ҳақиқатда, у одамларни ростликнинг бебаҳо сармосидан ва Эзгу Ниятдан баҳрасиз айлайди.

Эй, Мазда! Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!

Менинг оламимдан бош кутарган ушбу каломлар билан сизларга қурбонлик келтираман.

10

Ҳақиқатда, у* қуёш ва заминни икки куз билан кўрмоқчи баттарин гуноҳ деб билади**. У илоҳий каломни тескари англаган кимсадир.

У доноларни каззоб дурванлар анжуманига бошлайди.

У экинзорларни пайғон қилади.

У ҳақиқатпараст ашаванларга яроқ уқталади.

11

Ҳақиқатда, ушалар тирикликни тубанликка итариб ташлашади. Улар каззоб дурванларни улуг санаб, кукларга кутарадилар. Аёл ва эрларни илоҳий каломлардан баҳрасиз қиладилар.

— Эй, Мазда!

Улар ҳақиқат йулидаги ашаванларга гов буладилар.

12

Улар бу таълимотлари билан инсонларни энг солиҳ амаллардан манъ этадилар.

Улар оламлар аҳли тириклигини узларининг адаштиргувчи ҳукмлари билан паршон этадилар.

Улар гириҳма,¹ унинг ёрларини, караплар² ва каззоб — дуружнинг шаҳриёрлигини истовчиларни Ашаҳ — Ҳақиқатдан мумтоз деб биладилар.

Мазданинг уларга ҳозирлаган мукофоти бор.

13

Эй, Мазда!

Гирихма ёмонликни ҳарчанд истамасин, қабиҳ ният шаҳриёрлигини неча хоҳламасин оқибатда бари бир ўз тириклигини барбод айлайди, вассалоом.

Ушанда улар Сенинг пайгомаларингни элтгувчи пайгамбарингга орзуманд буландлар ва Ашаҳ — Ҳақиқатни ҳамisha химояга олган Зотни соғинадилар.

14

Гирихма ва кавайлар³ узоқ муддатдан буён Зардуштни мағлуб этмоқ учун ақл ва қудратларини ишга соладилар.

Улар дурванлардан мадад истаб, дейдилар: «Тириклик хароб бўлиши ва улмин қайтаргувчи ҳавм усимлиги уларга — Зардушт издошларига — наф етказмаслиги лозим...»

15

Шундай қилиб, фаровон ва озод ҳаётни Зардушт қавмига раво кўрмаган гарпон ва кавайлар ҳақиқатда хор буладилар.

Гарпон ва кавайлардан озор чекканларни Хурод⁴ ва Амурод⁵ Эзгу Ният саройига бошлаб боради.

16

Ҳақиқатда энг эзгу таълим ростлик илми ва диногоҳликдир.

— Эй, Аҳура Мазда!

Жамийки менга озор истовчилар ва кўнглимга даҳшат солаётганлар устидан ҳукм юритасан. Менда дурванлар шаридан Сенинг дустларингни асрагайдирман.



14

* Одамларни ҳақ йўлдан ургувчи ёмон тарбиячи назарда тутилди.

** Бу уринда Зардушт ва издошларининг иссиқлик, фароғат сарнамаси бўлган қуёш дамда одамларга аятан — панҷ бўлган заминга гоянда қаттиқ эҳтиром билан даршларига ишора қилинмоқда. Кулаб таълиқотчилар ушбу ва бундан кейин келадиган бандлардан хулоса қилишиб, Зардушт ва унинг издошлари феодалликда «қуёшпарастлик» белгиларини эътироф этганлар. Зардуштийлар одатда қурбонликни қуёш нураири тушмайдиган ерларда қилганлар..

1

Ҳар ким бу дунёда тирикликни бунёд этгувчи қонун бўлган Ашаҳ — Ҳақиқат таълимоти асосида яшаши лозим.

Зардушт дурванд, ашаван Ҳуду эзгу ва қабих аъмоллари қоришиб кетган кимсани энг яхши равишу рафторга элтади.

2

Ҳар ким андиша, сўз Ҳуду икки қули билан дурваид — Ёлгон билан курашса, унинг издошларини яхши йулга бошлаёлса, Мазда Аҳуранинг муҳаббатини қозонади.

3

— Эй, Аҳурал

Ҳар ким ҳақиқат йулидаги ашаван билан — хоҳ қариндоши, хоҳ ҳамкори, хоҳ дуст-ери бўлсин — энг яхши алоқада бўлса ва кимдаким уз гайрати туфайли мавжудотни ҳифз-ҳимоя айласа, у Ҳақиқат — Ашаҳ ва Эзгу Ният саройида абадий саодатга восил бўлади.

4

— Эй, Мазда!

Мен Сени ардоқлайман ва Сендан утинман; ишочиқсизлик ва сустниятилик уртадан кутарилсин. Қариндош-уруғлар калтафаҳмлиқдан, ҳамкорлар яқинлар алдовидан, дуст-ерлар фитна аҳлидан омонлиқда бўлиб, олам ёмон раҳбарлардан халос бўлсин.

5

Мен узимнинг энг буюк армоним — Эзгу Ният Шаҳриёрлигидаги абадий тирикликка қовушмоқ учун ҳаммадан қудратлироқ бўлган илоҳларингни мададга чорлайман, токи уларнинг паноҳи ва имоди билан Ашаҳ — Ҳақиқат йулида қадам ташлайин ва Аҳура Мазда Шаҳриёри бўлган манзилга етиб борайин.

6

Мен Ашаҳ — Ҳақиқатнинг устувор куйчисман.

Энди бутун муҳаббатим, бутун борлигим билан Эзгу Ниятдан илтижо қиламан инсоиларга Сен — Аҳура Мазда истагани каби йул курсатмоқни, Уларга раҳбарлик қилмоқни истайман.

— Эй, Мазда Аҳурал

Сенинг дийдорингга етишмоқ ва сен билан суҳбат қурмоқ менинг орзуйимдир.

7

— Эй, Мазда!

— Эй, яхшиларнинг яхшироғи!

Менинг ҳузуримга кел. Менга намоён бўл Токи Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ният сиймоси остида инсонлар менинг сузларимга қулоқ оссинлар.

Зора, бизга лозим тоатлар ва сенга лозим ибодатлар эл аро ошкор бўлғай.

8

— Эй, Мазда!

Менинг энг сунги нишонамни аён айла, токи Эзгу Ният билан унга юз бурайн ва сенинг зотингга ниёзлар келтирай.

Ашаҳ — Ҳақиқатга йутрилган ҳамд-саноларим ҳаққи-ҳурматидан мени комиллик ва абадийлик билан пойдор қилғайсен.

9

— Эй, Мазда!

Ашаҳ — Ҳақиқат шуқуҳини зиёда этгувчи икки буюк олам — Хурдоод ва Амурдоодким Сенингдир пок назар ва теран ақл билан муяссар бўлгуси.

Шоядки, Эзгу Ният ягона руҳ соҳиби бўлиш бу икки оламнинг шуқуҳларини бизга-да насиб айласа.

10

— Эй, Мазда!

Сенинг бўлган бу тириклик оламининг жамийки эзгуликларини — бор эди, бор ва абадан бўлғай — уз лутфу караминг билан бизга манзур айлағайсан.

Эзгу Ният, Олам Шаҳриёри ва Ашаҳ — Ҳақиқат имоди билан абадий вужуд фарогатини насиб-рузи қил!

11

— Эй, Мазда Аҳурал Эй, қудрат соҳиб! Эй, Ормантий! Эй, Олам Ҳақиқати! Эй, Эзгу Ният! Эй, Олам Шаҳриёри!

Менга қулоқ осингиз! Ҳар бир инсоннинг амаллари ва ёвузликларини мағфират қиларкансиз, менинг ҳам саҳву хатоларимни афу этинг!

12

— Эй, Аҳурал! Менга дийдорингни насиб айла. Ормантий ҳимояси остида кучқувват бахш эт!

— Эй, Мазда!



Ҳамду саноларим, олқиш ва навозишларим эвазига Олам Халлоқидан яхшиликлар, Ашаҳ — Ҳақиқатдан улуг қудрат ва Эзгу Ниятдан сарварликни насиб айла!

13

— Эй, назари уткир Аҳурал

Менинг саодатим ва шодмонлигим учун Олам Шаҳриёри ва Эзгу Ниятинг булган бемислу монанд қудратингни ошкор қил!

— Эй, Мазда Аҳурал

Инсонларга Сен уларнинг калом, амал ва ибодатлари эвазига абадият, Ашаҳ — Ҳақиқат ва Олам Шаҳриёрига бахш айлайсан. Мен даставвал одамий зотларнинг жамий калом, амал ва ибодатларини Сенга ниёз келтираман.

2

— Эй, Мазда!

Эзгу Ниятли варжованд эр узининг Ашаҳ — Ҳақиқатга пайваста руҳини, буткул андиша ва амалларини танҳо Сенгагина ниёз келтиради.

Шоядки ибодат ва саловатлар билан Сенинг ҳузуринга ёвуқ кела олса!

3

— Эй, Аҳурал

Сен ва Ҳақиқатга шойишта булган жамийки нарсаларга намоз келтирамыз. Шоядки, жаҳонийлар Эзгу Ният билан Сенинг Олам Шаҳриёрига кимликка қовушсалар.

— Эй, Мазда!

Ҳақиқатда, яхшиликдан огоҳлар, сузсиз Сенингда фазлингдан огоҳ булгайлар.

4

— Эй, Мазда Аҳурал

Ҳақиқат — Ашаҳ ҳимоясида Сенинг Қудратли Озарингни истагайдирмиз. У абадийдир ва қудрат унингдир. Дустларига пайваста ошкор имод қўлини чузади. Душманлар озор ва гуноҳига нигоҳимиз унгида барҳам беради...

5

— Эй, Мазда!

Сенинг Олам Шаҳриёринг нечоғли буқодир!

Эй, Сипандорма!
Менинг динимга Ашаҳ — Ҳақиқат билан мағфират ва ёруглик бахш айла!

14

Шундай қилиб, Зардушт жону тан билан уз Эзгу Ниятини Аҳура ҳузурига ниёз келтирди. У калом, аъмол, диноғоҳлик ва бутун қудратини Ашаҳ — Ҳақиқат пойига армуғон қилди.

Сенга қовушмоқни қанчалик истайман. Ҳақиқат ва Эзгу Ният ҳимоясида Сенинг дарвишларинга паноҳ булмоқ истагидаман.

Ҳаммадан кўпроқ Сизларга* талпинаман, девлар ва озор етказувчи кимсалардан узоқлашаман.

6

— Эй, Мазда! Эй, Ашаҳ! Эй, Эзгу Ният!

Ҳақиқатда, мен Сизларга бутун борлигим билан талпинаман. Бас, бу дунё ҳаётининг барча баланду пастликлари ва эврилишларида менга раҳнамо бўлинг, мен дилиминг қар-қарларидан чиққан ва саловатлар билан ҳузурингизга шошилай!

7

— Эй, Мазда!

Сенинг аржуманд таълимotingни Эзгу Ният билан қабул этган баҳодирлар қаёқда?

Бу тирикликнинг бори озор ва қаттиқликларида ҳушёрлик билан Сенинг угитларингни туг айлаган эранлар қаёқда?

Мен Сендан узга ҳеч кимсани танимайман. Бас, Ҳақиқат соясида менга паноҳ бул!

8

— Эй, Мазда!

Ҳақиқатда, улар уз кирдикорлари билан бизга даҳшат солмоқ булдилар. Негаки, қудрат соҳиблари нотавонлар бошига кулфат ва озор етқарадилар ва сенинг иродангга қарши бориб, душманлик қилдилар.

* Мазда ва унинг икки нури — Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ният назарда тутилмади.



Улар Ҳақиқатни андиша этмайдилар.
Эзгу Ниятдан юз бурадилар.

— Эй, Мазда!

Уша бадкирдорлар Эзгу Ниятдан
гофилликлари туфайли солим ақлли до-
нолар ҳузурида буюк мартабали булган
Сен — Сипандормазни назар-писанд қил-
майдилар.

Улар Ҳақиқатдан узоқлашадилар. Ҳақ
уларга муяссар булмайди.

Бу бадкирдорлар биздан айродирлар.

10

Хирадманд зотлар уларга танбеҳ ва
панда бериб, Эзгу Ният билан амал қилиш-
ларини, Сипандормаз — Сен аслида
Ҳақиқат сарчашмаси — эканингни англа-
дилар.

— Эй, Аҳура Мазда!

Улар сенинг бу таълимotingга амал
қилганларида эди, Оламнинг Шаҳриёрли-
гига сузсиз йул топган булардилар.

11

— Шундай қилиб, Сенинг икки қудра-
тинг — абадият ва комиллик — ёруг йул
булиб, Ашаҳ — Ҳақиқат, Эзгу Ният,
Ормаитий пойдор тириклик бахш этади-
лар ва Олам Шаҳриёрлигини зиёда қила-
дилар.

— Эй, Мазда!

Сен уларга* — душманлар билан
муҳораба айлагувчиларга — нусрат бахш
этасан.

12

— Эй, Мазда!

Сенинг ҳукминг нима? Талабинг не-
чук? Қай бир олқиш, қайси бир ибодатни
ўзингга муносиброқ билурсан?

Айтгил, токи одамлар эшитсинлар.
Сенга эътиқод туфайли топқуси оқибат-
ларини аён билсинлар.

Ҳақиқат нурлари остида Эзгу Ният-
нинг равон йулларини бизларга курсат!..

13

— Эй, Мазда Аҳура!

Менга намоён этганинг Эзгу Ният-
нинг равон йуллари бу йул йуловчилари-
ни мағфират айлагуси.

Ҳақиқат нурлари остида комронлик
ва шодмонлик манзилига элтгувчидир.
Сен бу йулни эзгуликдан огоҳ зотлар
учун бино айладинг!

14

— Эй, Мазда Аҳура!

Сен бу буюк армонни бегумон Эзгу
Ният билан амал қилгувчилар, Ҳақиқат
нурлари остида эзгу идрок таълимotingни
элтгувчилар ва Сенинг иродангини эҳе ай-
лаб, борлиқ-оламнинг ривожига жидду-
жаҳд қилгувчиларга насиб айлайсан.

15


— Эй, Мазда!

Бизни энг эзгу амал ва каломлардан
огоҳ қил, токи Ҳақиқат нурлари остида
Эзгу Ният билан сени маҳэ тайлик!



17

* Мазда Аҳуранинг нурлари — Ашаҳ — Ҳақиқат, Эзгу Ният, комиллик ва абадият, Ормаитий ва Олам Шаҳриёри назарда тутилмади.



ИККИНЧИ ҚУШИҚ

УШТАВАД ГОҶ²⁰

ЯСНА, 43-ЎОТ



18

1

Дунёнинг жамийки ишларини ўз уҳда-сига олган Аҳура Мазда шундай дейди:
«Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кимсаларгагина яхшилик насиб этади».

Қудрат ва пойдорликни, ҳақиқатда, Сендан истаймиз!

— Эй, Ормаитий!

Эзгу Ният нурлари билан чулганган ва Ҳақиқат учун кечган курашларнинг мукофоти булган тирикликни бизларга насиб айла.

2

Энг олий мукофот унингдир.*

— Эй, Мазда!

Ўзгаларга еруглик истаган кимсаларга еруглик насиб этади.

Ҳақиқат нурлари остида, Эзгу Ниятдан яралган маърифатингдан бизларга ҳада қил, токи тириклигимизнинг ҳар лаҳза, ҳар соат, ҳар бир кунда шодмонликдан баҳраманд бўлайлик.

3

Ҳақиқатда, энг олий яхшилик заминий ва осмоний тириклигимизда бизларни саодатнинг тугри йулига — Аҳуранинг манзили булган Ҳақиқат оламига — ҳидоят қилган зотларга насиб қилади.

— Эй, Мазда!

Сенга кунгил боғлаганлар ва эътиқод қилганлар поклик ва эзгуликнинг нурлари остида пайваст буладилар.

4

— Эй, Мазда!

Қачонки, қудратинг соясида бизнинг орзуларимиз буй чузажагини англадим; қачонки, ҳақпарастлар ва девпарастларнинг ҳам топқуси ажру оқибати Сенинг илқингда эканини ҳис қилдим; қачонки Ҳақиқатдан қувватланган Озарингнинг

иссиқ тафтидан баҳраманд булган Эзгу Ният менга юз буришини англаб етдим — Сени қудратли ва пок деб билдим.

5

— Эй, Мазда Аҳура!

Тириклик ибтидо топган лаҳзада Сени курганимдан сунг ва тириклик интиҳосида ҳар бир калом ва амалларнинг ҳисоб-китоби руй бергуси соатда яхшиларга яхшилик, ёмонларга ёмонлик мукофотини ирода қилишингни англагач, Сени пок деб билдим.

6

— Эй, Мазда!

Қачонки, Сенинг Танланган Оламинг кенг ёйилиб, бу дунё Шаҳриёри ва Эзгу Ният башар фарзандини Ҳақиқат манзилига бошласа, Ормаитий мард эрларини Сенинг алданмас идрокинг сари йуллағайдир!

7

— Эй, Мазда Аҳура!

Қачонки Эзгу Ният менинг қошимга келди ва сурди:

— Кимсан? Қайси хонадондансан? Тирикликнинг абадий савол ва ваҳималари ичида бу оламда қай йулдасан ва қай йулни одамларга курсатгайсан?

8

Шунда илк бор унга жавоб бердим:

— Мен — Зардуштман. Бутун вужудим, жон-таним билан дев ва девпарастларнинг душмани, ҳақпарастларнинг паноҳиман.

— Эй, Мазда!

Токи мен Сенинг тоат ва ибодатингданман; токи тилим Сенинг ҳамдингни куйлагувчидир, чексиз Оламинг Шаҳриёридан ҳар лаҳза оғоҳ бўламоқни истайдирман.

Ҳақиқатда, мен Сени пок деб билдим.

* Ўзгаларга бахтли ҳаёт, яхшилик ва беҳрўзлик бағишлаган зотлар.

— Эй, Мазда Аҳура!

Қачонки Эзгу Ният менинг қошимга келди ва сурди:

— Сен узингни қандай қилиб танит-гайсен?

Мен унга жавоб бердим:

— Сенинг Озаринг ҳузурида келтир-гум намоз билан.

Токи вужудимда куч-қудрат бор экан, Ҳақиқат билан андиша қилгумдир.

Ҳақиқатда, мен Сени пок деб билдим.

10

Бас, мени узим ҳамиша интилган Ашаҳ — Ҳақиқат сари йуллагин, токи Ормаитийга пайравлик қилмоқни ундан урганайин.

Шундан сунг биздан сургил ва қандай истасанг ушандай имтиҳон қил. Зеро, сенинг суровинг ва синовинг ҳам йулбошчи-ларга қудрат ва афзаллик бахш этади.

11

Қачонки, Эзгу Ният менинг қошимга келди ва илк бор Сенинг каломингни эшит-дим, иқрор буладимки, уни одамлар орасига олиб бормоқ бағоят огирдир. Бироқ мен Сенинг энг эзгу булган каломингни, нима булмасин, сунгигача етқаргайман. Шундан сунг, мен Сени пок деб билдим.

12

Қачонки, менга амр қилдинг: «Ҳақиқат-га томон юз бур. Уни таниб ол!»

Мен ҳеч қачон эшитмаган сузни баён қилдинг:

— Калом ботинингга сингиб кетиши учун ҳаракат қил! Илоҳий нур остида ҳар икки гуруҳ топқуси оқибатни билгайдир-сан!

1

— Эй, Аҳура! Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер: Сенга кунгил боғлаганларнинг ибодат ва олқишлари қандай булмоғи лозим?

— Эй, Мазда! Изн бер, Сен каби бир дуст дустлигимиз ҳаққи уни бизларга ургатсин. Буюк Ҳақиқат нурлари соясида бизга мадад бер, токи Эзгу Ният ҳузури-мизга келсин.

13

— Эй, Мазда Аҳура!

Эзгу Ният менинг ҳузуримга орзу-аъмолим ниятида ташриф буурди:

— Сендан узга ҳеч ким бахш этолмай-диган боқий тирикликни насиб айла. Бу армонли тириклик ҳақида Олам Шаҳриёридан башорат булганди.

Шундан сунг, мен Сени пок деб билдим.

14

— Эй, Мазда!

Фарзона ва забардаст эр дустликка меҳрибонлик юзасидан паноҳ бағишлагани каби, Сен ҳам Олам Шаҳриёри билан Ҳақиқат нурлари остида менинг издошларимга паноҳ булгил, токи улар илоҳий мансараларни (каломларни) куйласинлар!

15

— Эй, Мазда!

Қачонки, Эзгу Ният менинг ҳузуримга келди ва ором-осудаликда андиша қилмоқ билим олишининг энг яхши йули эканини ургатди ва дедикки, раҳбар ҳеч қачон дев-парастларнинг хушнудлигига сабаб булмаслиги керак, зеро улар ҳақпараст ашаванларга хусуматадирлар.

Шундан сунг, мен Сени пок деб билдим.

16

— Эй, Мазда Аҳура!

Бас, Зардушт Сенинг Танланган Ола-мингга таважжуҳ қилди.

Шоядки, Ҳақиқат — Ашаҳ заминий ҳаётимизга куч ва қудрат бахш айласа.

Шоядки, Сенинг Ормаитинг ва Олам Шаҳриёри тириклигимизни мунавар ай-ласа.

Шоядки, Эзгу Ният амалларимизга муносиб ажр берса.

ЯСНА, 44-ЎҚ

2

— Эй, Аҳура! Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Саодатли тирикликнинг ибтидоси не-чукдир ва ҳақиқатда уни топмоққа ҳаракат қилган кимсанинг ажри қандай булади?

— Эй, Мазда!

Ҳақиқатда, у — покиза ва оламлар танлаган Зот — Ҳақиқат нурлари остида одамлар оламининг паноҳи, тирикликнинг маҳрами ва дармонбахшидир.



3

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Ибтидода борлиқнинг Яратгучиси ва Ҳақиқатнинг отаси ким эди?

Қуёш ва юдузлар гардишига илк бор асос солган Зот ким?

Ким у ойни дастлаб тулдиреди ва яна кичрайтиради?

— Эй, Мазда!

Мен буларни ва бошқа нарсаларни ҳам билмоқ истайдирман.

4

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Оёқларимиза остига тўшалган заминни ким яратди? Бошимизда йиқилмай турган осмонни яратган кимдир?

Сув ва гиёҳларни ким бунёд этди? Ким шамол ва қора булутларга шитоб бахш айлади?

— Эй, Мазда!

Эзгу Ниятни яратган ким?

5

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Қай бир устоз ёруглик ва зулумотни яратди?

Қай бир устоз уйқу ва бедорликни яратди?

Яратгучининг паймонини адо этиш учун тонг, туш ва тунни ким яратди?

6

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Мен элтадиган хабарларнинг барча-барчаси ростми?

Ормаитий уз амали билан Ҳақиқатни зиёда этадими ва эзгу амалли кишиларга Эзгу Ният паноҳи остида Олам Шаҳриёри юз курсатиши ҳақида мужда берадими?

Бу ширин турмуш ва хуррамбахш оламни ким учун бунёд этдинг?

7

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Олам Шаҳриёри ва муаззам Ормаитийни ким яратди?

Ким угилни отага дуст қилди?

— Эй, Мазда!

Сен ва Оламнинг Танлангани булган Зотни бутун борлиқнинг Яратгучиси деб биламан.

8

— Эй, Мазда Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Мен Сенинг таълимотинг билан андиша юритаман, Эзгу Ниятнинг сояси остида Сенинг амрингни истайман, зеро Ҳақиқат — Ашақ кумагида тирикликнинг сир-асроридан огоҳ бўлиб, руҳим шодмонлик билан парвоз айласин!

9

— Эй, Мазда Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Қандай қилиб динимни оёққа қўяйин ва ошуфталик билан Сенга ниёз келтирай, токи Сен — эй, ҳамма нарсадан огоҳ Худованд — ва Шаҳриёринг ургатган таълимот билан аржуманд Олам Шаҳриёри, Ҳақиқат ва Эзгу Ният бошчилигида Сенинг ягона саройингга йул топаёй?

10

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Тириклик оламига фаровонлик бахш этгучи, Ормаитий паноҳида бизнинг кирдор ва гуфторимизни ростлик томонга элтгучи ва бутун аҳли оламга яхшилик келтиргувчи Сенинг дининг қай бири?

— Эй, Мазда!

Мен уз билимим ва эътиқодим билан Сенинг динингга юз бураман.

11

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Ормаитий қандай қилиб дин урганувчиларнинг ботинига йул топади?

Мен ушбу иш учун танланганларнинг биринчисиман. Динсиз девпарастрларни олам душмани, деб биламан.

12

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:



Мен суҳбатлашганларнинг қай бири ҳақпараст ашаван, қай бири девпараст дурванддир? Қай бири томон юз бурай? Ёмонлик кўргангами ёхуд узи бадкор бўлгангами? Сенинг амалларинг баробарида биз билан жанг қилаётган дурванд кимдир? У, ҳақиқатда, бадкорми? Уни ёмон дейиш муносибми?

13

— Эй, Аҳурал

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Қандай қилиб ёлгон — дуружни ўзимиздан ҳайдайлик? Қандай қилиб бошдан оёқ бўйинсунмас булган кимсалардан узоқлашайлик? Улар на Ҳақиқат — Ашаҳга пайванд буладилар, на Эзгу Ниятдан угит олмоқни орзу қиладилар.

14

— Эй, Мазда Аҳурал

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Қандай қилиб ёлгон — дуружни Ҳақиқат илкига топширайин?

Токи Сенинг илоҳий каломинг ва таълимoting билан пок булсин ҳамда девпараст дурвандларнинг ёлгон ва душманликлари уртадан кутарилсин.

15

— Эй, Мазда Аҳурал

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Ҳақиқат нурлари остида динсиз, каззоб девпарастларнинг шарридан мени ҳамиша асрагайсан. Бир-бирига душман булган икки суворий узаро туқнаш келган чоғда уларнинг қай бирига қаерда нусрат багишлайсан?

16

— Эй, Аҳурал

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Сенинг эътиҳодингни органувчиларни уз паноҳида асрагувчи бахтиёр ким?

— Эй, Мазда!

Тирикликка дармон бахш этгувчи

малҳамни менга ошқора айлагил. Изн бергил, илоҳий калом ва Эзгу Ният Сенинг иродангни мувофиқ эстаган кимсага юз курсатсин.

17

— Эй, Мазда Аҳурал

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Сенинг паноҳингда менинг орзу ва аъмолим нечук рӯебга чиқади? Сенга қачон қовушаман? Қачон сузларим амалга ошадил? Қачон илоҳий калом — мансаралар билан энг яхши пешво булган Ҳақиқат нурлари остида одамларни ростлик ва абадият сари элтаман?

— Эй, Мазда Аҳурал

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Қандай қилиб, Ҳақиқат нурлари остида Сенинг розилигингни топаман?

Қандай қилиб унлик қудрат менга раҳбар ва йулимни чарогон этгувчи булади, токи улар билан ростлик ва абадиятга ноил булиб ҳар иккисини ҳам инсонларга бахш айлайин.

19

— Эй, Аҳурал!

Сендан утинаман, Ҳақиқат билан жавоб бер:

Ҳақ йулидаги ниёзмада зот бир ҳожат билан кимсанинг ҳузурига боради, бироқ кимса унинг ҳожатини чиқармайди. Мени шундай шахс топажак оқибатдан огоҳ айла.

Мен уша кимса оқибат топадиган ажрни била оламанми?

20

— Эй, Мазда!

Яна шуни ҳам билмоқчиман:

Ҳеч замонда девлар яхши хизматкор булганларми?

Улар билиб, куриб, томоша қилиб турдилар карап, кавай ва бошқа ёвуз кучлар жаҳонни зору азиятга тўлдиришларини ва олам аҳлининг зору нола чекишларини. Улар ҳеч қачон Ҳақиқат паноҳида жаҳоннинг обод бўлишини ва олдинга томон силжишини истамайдилар.



21

* Ушбу парча соҳларнинг энг мураккаб ва хилма-хил рамзан бандларидан биридир. «Улани ҳуарат» ва «йулимни чарогон этгувчи» таъбирлари матнда «ун урғоч, ун аркак ва вштар» тарзда ифодаланган. Ҳурааб шарҳинос олимларнинг таъдиқотларид юқоридаги таъбирлар шу тарзда ақс этган. Бу банддаги жониворлар янион ва рамзлар, асгувчилар уз фикрларини куйидаги тарзда исбот этдилар: унта урғоч жонивор одам вужудидаги унта саркаш ва гууроҳ айлагувчи ҳислар. Унта эркак ёкуд айгир от одам идрокнинг рамзи. Бу идрок юқоридаги унта саркаш ҳислар устидан зафар қозонгани ва уларга раъбарлик хилма-хил. Аштар эса, бу сайр ва сулукининг идрокси бўлиб, илоҳий фуруғга эришиб, абадий ёруғликка қовушмоқ асмаканд.

1

Нутқ ийрод қиламан: Эй, илм олмоқ ниятида узоқ-яқиндан келган инсонлар!

Алҳол, барчангиз қулоқ солингиз, менинг ошқора сўзларимни тинглангиз ва ёдингизда маҳкам сақлангиз:

«Ёмон тарбиячи ҳеч қачон ҳаётингизни тубанлаштирмасин, девпараст дурвандлар аврагувчи тил билан сизларни гумроҳ қилмасин».

2

Алҳол, икки олам хусусида сўзлайман. Оламу одам ибтидосида Сипандийну попоқлар оламига шундай деди:

— На ният, на таълим, на хирад, на ишонч, на амал, на дин ва на руҳимиз, — бу икки олам — ҳеч қачон бирлаша олмайдилар.

3

Алҳол, Мазда Аҳура тирикликнинг бунёди хусусида менга айтган сўзларни сизга етказмоқчиман:

— Ораларингиздан кимда-ким менинг илоҳий каломларим — мансараларни ўзим андиша қилганимдек ва сўзлаганимдек қўламас экан, тириклик сўнигидаги насибалари даригу дард бўлади.

4

Алҳол, тирикликда ҳамма нарсадан авло булган ҳодисалар хусусида сўзлайман:

Ашаҳ—Ҳақиқатдан эшитдимки, Аҳура унинг Яратгувчиси, Эзгу Ният унинг отаси ва Ормаитий унинг қизидир.

Ҳамма-ҳамма нарсадан огоҳ Аҳурани алдаш мумкин эмас.

5

Алҳол, Оламларни яратган Зот — Аҳура менга айтган нарсалар хусусида сўзламоқчиман. Одамларга ушбу сўзларни тингламоқлик энг улуг аъмолдир:

«Менинг таълимотимга амал қилганлар ва унга эргашганлар комиллик ва абдийликка етгайлар; Эзгу Ният амаллари билан Мазда Аҳурага қовушгайлар».

6

Алҳол, буюқларнинг буюги булган Зотдан сўз сўйлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида маъжуд ҳар нарсадан огоҳ булган зот ва унинг ҳамроҳларини мадҳ этаман.

Шоядки, Аҳура — Мазда уз Сипанд

мийнуси билан менинг олқишларимни тингласа.

Эзгу Ният нурлари остида унга қуёшли кундузда етмоққа шошиламан.

Шоядки, У ўз идроки билан мени дунёдаги энг яхши нарсалардан огоҳ этса.

7

У шундай Зотдирки барча — утганлар, борлар ва келгуси зотлар — энг ҳақ йўлни ёлғиз Ундангина утинганлар.

Ҳақпараст ашаваннинг руҳи абдийлик ва саодатга қовушгай, девпараст дурванднинг руҳи каззоб — дуруж билан бирга бўлади.

Ушбу амрни Мазда Аҳура Ўз Олами Шаҳриёрига ошкор қилди.

8

Ибодат ва олқишлар билан унга юз бураман, қалб ҳузи билан уни кўриб тураман. Мазда Аҳурани Ҳақиқат нурлари остида эзгу андиша, калом ва кирдор билан танийман. Ўз ибодатларим, сизингчларимни Аҳура Мазданинг олий макони — гарзмонга¹¹ элтаман.

9

Уни Эзгу Ният билан ҳушнуд қиламан. У ўз иродаси билан ёруғ кунни ҳам, зулумотли тунни ҳам биз учун ато қилди.

Шоядки, Мазда Аҳура узининг Олам Шаҳриёри воситасида бизга амал қилмоқ қудратини бахш айласа, токи Эзгу Ният ва Ҳақиқат нурлари остида некогоҳлик билан одамлар манфаати учун хизмат қилсак.

10

Уни Ормаитий имлоди билан мадҳ этамиз ва эҳтиром қиламиз. Аҳура Мазданинг номи билан эгиз тилга олинувчи Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ният паноҳида узининг Олам Шаҳриёрида бизга комиллик ва абдийликдан башорат берди. У бизга, шубҳасиз, саломатлик ва қудрат бахш айлайди.

11

Кимсаки девлар, одамлар ва уларнинг издошларига душман экан, унинг йўли Мазда Аҳурани хор тутиб, маломат қилгувчилар йўлидан айродир.

Бундай кимса Аҳуранинг покиза динига тобеинардан бўлиб, Мазда унинг биродари, бааки отасидир.



1

Қай заминга юз бурай? Қайёққа борай
ва кимдан нажот кутай?

Мени уз қардошларим ва меҳрибонларимдан узоқлаштирадилар. Бу заминда узимга ҳамкор бўлганлар ҳам, дурванд — девларга фармонраво бўлганлар ҳам мени хушнуд этолмайдилар.

— Эй, Мазда Аҳурал

Сени нечук хушнуд қила оламан?

2

— Эй, Мазда!

Нотавон эканимни мен нечук биламай?
Истагим ночиздир. Одамлар назарида ҳам ночизман. Улар мени назар-писанд қилмайдилар.

— Эй, Аҳурал

Бу нокомлигимдан сенинг ҳузурингга интиламан. Менинг аъмолу афкоримни узинг қўллагайсен.

Бир дилдор бир дилдодага багишлагувчи имдод ва лутфингга зорман.

Ашаҳ — Ҳақиқат паноҳида Эзгу Ниятнинг куч-қудратидан мени огоҳ айлагидирсан.

3

— Эй, Мазда!

Қачон ул қутлуг тонг отгайким, Ҳақиқат — Ашаҳ жаҳон ва унинг аҳлини асраш учун узининг донишмандона таълимоти билан бошимиз узра нур таратгайдир?

Эзгу Ният ҳимоясига ва имдодига келадиган зотлар кимлардир?

— Эй, Аҳурал!

Мен ёлғиз Сенинг таълимотингингизга қабул қиламан.

4

Бадном, бадкирдор ва тубанкор дурванд — девлар Ашаҳ — Ҳақиқат муҳибларини шаҳар ё буткул ер юзида тириклик қилишдан тухтатмоқ буладилар.

— Эй, Мазда!

Кимки жону дили, бутун куч-қудрати билан у (дев) билан жанг қиларкан, жаҳон аҳлини эзгу йўлдан огоҳлантиради ва уларга йулбошловчи бўлади.

5

— Эй, Мазда Аҳурал

Узи ҳаётда мустақим бўлган бир қудратли Ашаван — Ҳақиқат аҳли — имдод-

га муҳтож бўлган бир дурванд — девпарастни иссиқ қабул қилиб, хоҳ илоҳий амрлар била, хоҳ диний панду насихатлар билан огоҳлантириши ва тубанликдан қайтариб қолиши мумкин.

6

Агар бу қудратли эр уни қабул қилмаса, узи ошқора дурвандларга қўшилган бўлади. Зеро, ушал онданки, Аҳура динини бунёд этди, дурванд — девпарастга яхшилик истагувчи дурванд — девпарастнинг узидир ва ҳақиқий ашаван ашаванларга дўст бўлган зотдир.

7

— Эй, Мазда!

Қачонки, бир дурванд менга озор эткармоқ учун бел боғласа, ҳамма нарсадан огоҳ Ҳақиқат — Ашаҳ, Озар ва Эзгу Ниятдан ташқари ким менга паноҳ була олади?

— Эй, Аҳурал!

Менинг динимни ушбудан огоҳ эт!

8

— Эй, Мазда!

Жаҳон аҳлига озор еткармоқчи бўлганларнинг кирдоридан менга ҳеч ранж етмагайдир.

Бу душманона хатти-ҳаракатларнинг касри душманларнинг узига қайтгайдир.

У узини солиқ тирикликдан бенасиб қилганидек, душманларча аъмолу билан саодат манзилига йўл тополмайди.

9

Қайда уша марқим, жамийки амаллар ашаванининг пок сарвари бўлган Сен — Аҳура Маздага илк бор саловотлар ва сизинчлар келтиргомимиздан огоҳ айласа!

Эй, оламни яратган Зот, биз Эзгу Ният ва Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида Сенинг Ҳақиқат ҳақидаги жамулжам таълимотингни тугал англаб етмоқчимиз.

10

— Эй, Мазда Аҳурал!

Ростини сўздаймен: хоҳ эр, хоҳ аёл — ким бўлмасин, Сен тирикликда энг солиқ деб билган нарсани танласа, Эзгу Ният ғруглигида Ашаҳ — Ҳақиқат ва Олам Шаҳриерининг марҳаматидан огоҳ бўлгайдир.



Мен шундай зотларни Сенинг тоатинг-га чорлагайман ва уларнинг барчасини ҳакамлик кўпригидан (пули сирот) олиб ўтгаймен.

11

Караплар ва кавайлар ўз қудрат қули ва одамларнинг ёзуғлари воситасида уларнинг тириклигини тобора тубанлаштирадилар. Бироқ уларнинг руҳи ва динлари «ҳакамлик кўприги» (пули сирот) қошига ёвуқ келгач, даҳшату таҳликадан ларзага тушадилар. Улар, албат, дуруж кунюмининг¹¹ меҳмонлари булажақлар.

12

Қачонки Ашаҳ — Ҳақиқат туронлик нуфузли ва номдор фрэналар¹² сари юз бурар экан Ормаитий — Комил Ақлни жунбушга солади ва юксақликка кўтаради. Шунда Эзгу Ният уларни бир-бирларига қовуштиради ва Яратгувчи Аҳура Мазда уларнинг оқибатини хайрли қилиш мақсадида росткорлик билан мушарраф айлайди.

13

Мардумлар орасида ким ўз аъмолининг эзгу саранжоми билан Сипийтмон Зардуштни хушнуд қила олади?

Ҳақиқатда у баландовоза Гайдир.

Мазда Аҳура унга жовидона тириклик бахш айлайди. Эзгу Ният унинг борлигини афзун қилади. Биз, чиндан Ашаҳ — Ҳақиқатни дўсти дея суямиз.

14

— Эй, Зардушт!

Ким сенинг ашаван дўстинг?

Ким у ҳақиқатда баландовоза ва буюк маганинг хостори — истовчисиг?

Чиндан шундай зот қўрқмас Кай Гуштаспдир.

— Эй, Мазда Аҳура!

Мен яккаю ягона саройингдан манзил бергувчи булганинг зотларга Эзгу Ният билан эҳсон айлайман, чорлайман.

15

— Эй, ҳатаспийлар!¹⁴ Эй, сипийтмонийлар!

Мен сизларга тинглаш мақбул бўлган нарсаларнигина сўйлайман, токи донони нодондан ажрата билинг.

Шу туфайли Сиз Аҳуранинг энг бирламчи низоми. Ашаҳ — Ҳақиқатни жону дилдан қабул этдингиз.

16

— Эй, Фарашвстари Ҳвугва!

Биз саодатли булишларини орзу қилган бу жавонмардларга юз бур! Ашаҳ — Ҳақиқат ва Ормаитий — Комил Ақл пайваста бўлган манзилага юз бур! Эзгу Ният ва Олам Шаҳриёри ҳукмдор бўлган маконга таважжуҳ эт! Мазда Аҳуранинг шуқуҳи саройинга боқ!

17

— Эй, фарзона Жомосп Ҳвугва!

Энди мен сенга нопадаяста эмас, балки пайваста сўзлар билан мурожаат қиламан. Сен уларни кунгинг билан симири, дилиннга жо қил ва асраб-авайлагил!

Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат сиймосида донони нодондан фарқлагувчи кимсаларнинг қудратли паноҳи бўлгайдир.

18

Кимки менинг динимга эътиқод қилса, кимда-ким менинг таълимотимга пайванд бўлса, кимда-ким менинг даъватимга қулоқ осса, у менинг энг яқин ҳамроҳимдир ва мен унга Эзгу Ният сиймосида энг гузал муҳдаалар етказгумдир.

Аммо, ким бизнинг йўлимизга, динимизга, рафтору кирдоримизга гов бўлса, биз унга муқобилмиз. Биз унинг қаршисида муҳорабага ҳозирмиз.

— Эй, Мазда!

Мен Ашаҳ — Ҳақиқат сиймосида Сенинг муҳибларингни рўёбга чиқараман ва Сени хушнуд айлайман. Шундайдир менинг интиҳобим. Шудир ниятим ва фикратимнинг муқтазоси.

19

Кимда-ким Ашаҳ — Ҳақиқат сиймосида Зардуштнинг буюк орзуси — янги жаҳон қуриш матлабини чиндан қўлласса ва уни амалга ошириш учун оёққа қалқса, абадий ҳаётга қовушади ва бу мураккаб тубанлик оламида неники истаса ушанга муяссар бўлади.

— Эй, Мазда!

Эй огоҳларнинг огоҳи!

— Буларнинг барчасини сен менга ошкор айладинг!



УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

СИПАНТМАДА ГОҲ²⁵

ЯСНА, 47-ҶОТ

1

Мазда Аҳура узининг Олам Шаҳриери, Комил Ақл — Ормаитий ҳамроҳлигида яхши ният, мақбул амал билан Сипандмийну²⁴ ва Ашаҳ — Ҳақиқатга пайваст булган кишига баркамоллик ва абдиат бахш айлайди.

2

Кимда-ким Сипандмийну сиймосида энг хуш рафторга эгадир ва тили Эзгу Ният билан бийрондир, ушанинг илки Ормаитий — Комил Ақл билан ҳаракат қилади ва биргина андишага дилдан иқдор:

«Мазда Ашаҳ — Ҳақиқатнинг отасидир».

3

— Эй, Мазда!

Сен Сипандмийнунинг отасисан. Сен бу хуррамбахш жаҳонни одамзод учун яратдинг, бино қилдинг. Қачонки одам фарзанди ҳаётга қадам қўйди ва Эзгу Ниятга юзланди сен Ормаитий — Комил Ақлни икки дунё — замин ва жаҳоннинг ободлигига сафарбар, раҳбар айладинг.

4

— Эй, Мазда!

Сипандмийнудан юз бурган дурванд

лар озор топадилар, азият чекадилар. Аммо Ашаҳ — Ҳақиқат пайрави булган ашаванларга бу насиб қилмагайдир. Ашаван ҳар қанча бедаво булмасин, ҳар қанча забун булмасин, уни дусти деб билмоқ лозим, дурванд ҳар қанча қудрат соҳиби булса-да, унинг ғвуз ва бадҳоҳ деб билмоқ жоиз.

5

— Эй, Мазда Аҳура!

Сен Сипандмийну сиймосида жамийки гузааликларни, бори яхшиликларни ашаванларга армуғон этдинг. Аммо тирикчилигини бадҳуйлик ва гуноҳкорликка қурган дурвандлар сенинг меҳр-муҳаббатингдан баҳраманд була билмайдилар.

6

— Эй, Мазда Аҳура!

Сен Сипандмийну ва уз Озаринг сиймосида Ормаитий — Комил Ақл ва Ашаҳ — Ҳақиқат мададкорлигида ҳар икки гуруҳнинг ҳам аъмолу афъолларини, кирдор ва гуфторларини афу этгайсан.

Ҳақиқатда, жумла Ҳақ истовчилар, ростлик излаганлар сенинг динингга юз бургайдирлар.

ЯСНА, 48-ҶОТ

1

Жазо соатида, Ашаҳ — Ҳақиқат дурӯж устидан голиб булган замон девлар ва дурванд кимсаларнинг огоҳлантирилган ҳийла-макрлари ҳамиша ва ҳар қачонга ошкор булади.

Ул дам қудратинг партавида сенинг олқшинг, сенга булган меҳр-муҳаббат афзал булғай.

2

— Эй, Аҳура!

Узинг билган нарсалардан мени огоҳ эт.

Ҳақиқатда, менинг андишам, менинг ақлим ва зеҳним кашмақаш ва курашлардан бурун ашаваннинг дурванд устидан галаба қилишига ишониш учун қудрат топа биладимиз?





— Эй, Мазда!
Ҳақиқатда, бу голиблик тириклик-
нинг яхшилик билан интиқо топиши де-
макдир.

3

Бас, доно одамлар учун энг мақбул
тарбия яхшиликларнинг отаси бўлган
Аҳурани Ашаҳ — Ҳақиқат сиймосида
урганмоқдир, танимоқдир.

— Эй, Мазда!

Тафаккур аҳли, донолар, сенинг ро-
ларинг сиррини ургангучи шоғирлар хи-
рад ва Эзгу Ният партавида сенинг
ошигинг, мухлисинг ва муҳибинг бўлгуси.

4

— Эй, Мазда!

Эзгу андишали киши бегумон уз дини,
сўз ва аъмолини ҳам шунга муносиб қи-
лмоғи керак. Унинг хоҳиш-истаги озод ҳис-
ларининг пайрави бўлгай.

Сенинг идрокнинг интиқоси шу — У
ниҳоят яхшилик ва ёмонликини бир-бири-
дан жудо айлайди.

5

Шоядки, Комил Ақл — Ормаитий пар-
тави остида солиҳ, нек кирдор ва дониш-
манда ҳукмдорлар бошимизда ҳукмронлик
қилса.

Бадкирдор ва зolim ҳукмдорлардан
Яратгучининг Узи арасин!

Пок ва беайб туғилмоқ, ёзиқсиз
дунёга қадам қўймоқ одамлар тақдири ва
тириклигида нечоғли улуг толедир.

Оламининг ободлиги, жаҳоннинг осо-
йишталиги учун жидау жаҳд қилмоқ,
уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ
керак.

6

Ҳақиқатда, У (Ормаитий) бизнинг энг
яхши ланоҳимиздир. Туш ва товонимиз —
Эзгу Ниятнинг бу икки қудратини — У
бизга муяссар қилди.

Мазда Аҳура тирикликнинг ибтидоси-
дан эътиборан гиёҳларни Унинг туфайли
эхё айлади, яратди, парварип қилди.

7

— Эй, Эзгу Ниятга кунгил қўйган, дил
боғлаган зотлар, газабни ичга ютинг,
жаҳднинг баҳридан утинг, ўзни тундлик,
жоҳиллик қаршисида янада қудратлироқ
ва саботлироқ айланг. Ашаҳ — Ҳақиқат-
нинг ер юзида ёйилмоғи, пойдор ва усту-
вор бўлмоғи учун пок мардлар сафига
қушининг!

— Эй, Аҳура!

Улар — покиза эрлар, порсолар ва дин-

огоҳларга пайравлик қилганлар Сенинг са-
ройинг остонасига йул толгайлар.

8

— Эй, Мазда!

Сенинг Олам Шаҳриёрингдан бизга
манзур бўлгучи эзгу қудратинг қайсидир?
Менга ва менинг ёронларимга аталган
Сенинг ажр-муқофотинг недир?

— Эй, Аҳура!

Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ният нур-
лари остида юмушларимизнинг ҳал
бўлмағи, ишларимизнинг олга босмоғи
учун жавонмардлар ҳузурда аёну ошкор
булишингни нечоғли орзу қиламан!

9

— Эй, Мазда!

Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида Сен
бутун одам ва бизнинг бошимизга озору
азият, бадбахтлик ва ситам етказмоқчи
бўлганлар, ишларимизнинг олга босмоғи
нечук англамоғим мумкин?

Бизни ростлик билан Эзгу Ният та-
риқатидан огоҳ айла.

Йул бошловчи, огоҳ этгучи узининг
оқибатини билмоғи лозимдир.

10

— Эй, Мазда!

Одамлар, бу башар аҳли қачон Сенинг
таълимотингдан тўқис огоҳ бўладилар?

Қачон бу май палидликларини барта-
раф айлайсан, токи бадкор карапон одам-
ларни унинг воситасида чалгитмасин ва
олам ҳукмдорлари у туфайли сарзамин-
ларни девоналарча бошқармасинлар!

11

— Эй, Мазда!

Қачон Сенинг Оламинг Шаҳриёри
нурлари остида Ашаҳ — Ҳақиқат ва Ор-
маитий — Комил Ақл ҳузуримизга кел-
гайлар, ободу озод хонумон, серҳосил
сарзаминларни бизга инъом этгайлар?

Қонхур дурванлар устидан бизга нус-
рат бахш этувчилар кимлар экани ҳақида
мужда бер!

Эзгу Ният қарашларидан огоҳ бўлгучи
зотлар ҳақида суйлагин!

12

— Эй, Мазда!

Эзгу Ният билан Сенинг сарзаминингда
яшаб, унда барқарор тирикликни бунёд ай-
лагувчилар ана шундай зотлардир ва улар-
нинг кирдорлари Ашаҳ — Ҳақиқат асоси-
да, Сенинг мағфиратинг соясидадир.

Ҳақиқатда, улар газаб ва жаҳолатни
буткул синдириб ташлашга тақдир қилин-
ганлардир.

1

Узоқ вақтдан буён энг буюк душман биндва” менинг билан биргадир. Мен эса Ашаҳ — Ҳақиқат паноҳида гумроҳларга тугри йул курсатаман ва уларга хушнудлик истайман.

— Эй, Мазда!

Менинг ҳузуримга эзгу мукофот билан ташриф буюр, паноҳим бул, токи Эзгу Ниятнинг қудрати билан унга шикаст берай.

2

Неча вақтдан буён биндва — Ашаҳ — Ҳақиқатдан буйин товлаган бу каззоблар муаллими Сипандормаздан юз бурган ҳамда Эзгу Ниятни тарк этгандир. У мени гоят қаттиқ ташвишга солди.

3

— Эй, Мазда!

Сен, ҳақиқатда, бутун мавжудотга Ашаҳ — Ҳақиқатнинг манфаати ва дуружнинг зиёнкорлиги хусусида сабоқ бергансан, тарбия қилгансан.

Бас, мен Эзгу Ният билан қовушмоқни ва барчани дурвандларга қушилишларидан асрамоқни орзу қиламан.

4

Ул хирадсизлар уз тиллари билан жаҳл ва уқубатни зиёд қиладилар, ишга яроқли, парваришгар одамларни йулдан урадилар. Улар зиён етказувчилар, гуноҳкорлар булиб, эзуликни истамайдилар. Улар дурвандлар дини ҳисобланмиш девлар оламидирлар.

5

— Эй, Мазда!

Кимда-ким жону дил билан уз динини Эзгу Ниятга пайваст айласа, Комил Ақл булган Ормаитийга пайванд булади ва Ашаҳ — Ҳақиқат партави ёгдусида некоғоҳликка етишгай.

— Эй, Ахура!

Сенинг дусларинг булган бу нурларга етган одам Сенинг Оламинг Шаҳриёри паноҳидан жой топади.

6

— Эй, Мазда Ахура! Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!

Сизнинг андиша ва идрокингизни нур-

лантирган ҳақиқат каломларини дилдан англашга ва динингиз пайғомларини одамлар қулогига етказишга гайрат курсатаман.

7

— Эй, Мазда! Эй, Ахура!

Эзгу Ният билан Ашаҳ — Ҳақиқат сиймоси ёгдулари остида одамлар бу каломларни эшитсинлар ва узинг-да гувоҳ бул — дуслар, қон-қариндошлардан ким адолат билан тириклик қиляпти, уларгина мен билан ҳамкор була оладилар ва менинг муҳибларимга раҳнамолик қиладилар.

8

— Эй, Мазда! Эй, Ахура!

Сендан утинаман, тугриликнинг энг буюк сирини, Ашаҳ — Ҳақиқатга пайвасталик ва осудаликни Фарашвтарига насиб айла. Оламинг Шаҳриёри ёгдулари остида бу мукофотингни барча пайравларимга муяссар қил!

Шоядки, биз барчамиз Сенинг дусларинг сафида булсак.

9

— Эй, фарзона Жомосп!

Шоядки, динни асрагувчи ниғаҳбон — одамзодни қутқармоққа яратилган зот — бу таълимотингни тингласа:

«Тугри суз одам дурвандлар — девлар билан бирлашмоқ андишасидан жуда йироқдир».

Тугри суз зотларнинг дини энг гузал мукофотлардан баҳраманд булади ва ниҳоят Ашаҳ — Ҳақиқатга қовушади.

10

— Эй, Мазда! Эй, буюк Шаҳриёр!

Эзгу Ният, ашаванлар руҳи, Комил Ақл — Ормаитий олқишлар ва кунгиллар тугрини — барча-барчасини сенинг саройингга элтаман, токи Сен узингнинг пойдор қудратинг билан уларни абадул-абад паноҳингда асрагайсан.

41

Ёмонлик шаҳриёрларининг руҳлари — дурвандлар, ёмон ниятдилар, залолат дини пайравлари, бадгустор ва бадкирдорлар ёруғликдан зулматга томон юз бурадилар.

Ҳақиқатда, улар дуруж куноми — дузах аҳлидирлар.



— Эй, Мазда Аҳурал
 Мен — Зардуштман. Сенинг мададинга
 зорман, Сендан паноҳ истайман.
 Суйлагил, Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ният
 сиймосининг нурлари остида Сенинг

ёрларингдан ким менга имдод қўлини
 чўзгайдир?

Ҳақиқат ва покиза дил билан сени
 мадҳ этамаң, офаринлар айтаман ва буюк
 ҳикматинг, қудратинг, ҳимоятингга муш-
 тоқман.

ЯСНА, 50-ЎОТ

1

— Эй, Мазда Аҳурал
 Мен Сени имдодга чорлаган дақиқада
 Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ниятдан
 ташқари яна ким менинг руҳимга мадад
 қўлини чўзади?
 Ким у мен, ёрларим ва издошларимга
 паноҳбахш асрагувчи булгувчи зот?

ётган одамларга Сизнинг нигоҳингиз кура
 оладиган ҳолатда раҳнамо булмогимни ва
 одамзодни ёруғлик сари бошлашимни му-
 ваффақ қилгайсиз.

6

2

— Эй, Мазда!
 Жаҳонга хуррамлик баҳш айламоқни
 ва уни обод қилмоқни орзу қилган кимса
 Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари, Сенинг пор-
 лоқ шавкатинг паноҳида ва порсо зотлар
 орасида нечун тирикчилик қилгайдир,
 қандай умр кечиргайдир?
 Ҳақиқатда, Сен унга фарзандларинг
 саройидан макон яратгайсан.

— Эй, Мазда!
 Ҳақиқатда, мен Зардушт, Ашаҳ —
 Ҳақиқатнинг шайдоси сенга баланд овоз-
 да намоз келтираман.

Зора Яратгувчи Эзгу Ниятнинг ёр-
 қин нурлари остида мени уз амр-ирода-
 сидан огоҳ айласа, токи забоним одам-
 ларни донишмандлик йўлига бошлаб
 борса.

7

3

— Эй, Мазда!
 Ашаҳ — Ҳақиқат Олам Шаҳриёри ва
 Эзгу Ният раҳнамолик қилган кимсалар-
 гагина юз курсатади. Девлар ва қабоҳат
 қоплаган уз дунёларини уша қудратлар
 ёрдамида асрагувчи ва обод қилгувчи зот-
 ларга Ашаҳ — Ҳақиқат жамолини намобн
 қилади.

— Эй, Мазда!
 Сендан имдод ва бахт-саодат умидида
 энг улуг дуолар билан олқиш этаман ва
 сенга пайванд буламан.
 Шоядки, Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу
 Ниятнинг партави остида менинг дустим
 ва раҳнамоим булсанг.

8

4

— Эй, Мазда Аҳурал Сени, Ашаҳ —
 Ҳақиқатни ва Олам Шаҳриёрини олқиш-
 лайман, ибодатлар келтираман.
 Мен рост йулда, ҳақ кўчасида юр-
 моқни истайман, Сенинг жавонмардла-
 ринг каломига, қўлоқ тутмоқликни
 хоҳлайман.

— Эй, Мазда!
 Дил қаъридан отилиб чиққан баланд
 овоза қўшиқлар, ёзиқ қўллар билан Сен-
 га юз бураман, Ҳақиқат — Ашаҳ нурла-
 ри остида порсо каби намоз келтираман
 ва Эзгу Ният кумагида Сенга ёвуқ кела-
 ман.

9

5

— Эй, Мазда! Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!
 Сиз уз пайгамбарларингизга меҳри-
 бонсиз. Кенгликлардан унга томон юз бу-
 ринг. Бу дунёда кузлари йулдан адашган,
 тўғри йулдан озиб курларча кетиб бора-

— Эй, Мазда! Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!
 Бу қўшиқлар, Эзгу Ният кирдорлари
 ва олқишу навозишлар билан Сизга то-
 мон бораман.

Токи жоним бор экан, токи қудратим
 қойим экан, уз хоҳишим ва йўлбошчилар-
 им амр-иродаси билан некоғўликнигина
 истайман, эзгуликни истайман.



— Эй, Мазда Аҳур!

Бундан муқаддам қилган амалларим ва бундан кейин Эзгу Ният ҳидояти билан қилингуси амалларим Сенинг назарингга хуш ёққайдир.

Қуёшнинг фуруғи — чиқиши ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг тимсоли булган бомдодлар поклиги — буларнинг бари Сени олқишлаш учундир.

— Эй, Мазда!

Мен узимни Сенинг вассофинг деб биламан, токи Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидояти ва танамда жоним бор экан Сизларни васф этмоқдан тухтамасман.

Шоядки оламни яратган Зот Эзгу Ният ҳидояти билан солиҳ зотларнинг энг буюк армони — янги дунё қуришни муяссар айласа.

ТҮРТИНЧИ ҚҶШИҚ

ВУЗУВХШТАР ГОҶ²⁸

ЯСНА, 51-ҶОТ

1

— Эй, Мазда!

Сенинг эзгу Оламинг Шаҳриёри — Ашаҳ — Ҳақиқат нурларидан баҳраманд энг улуг муъжизанг — чин дилдан, ихлос ва самимият билан солиҳ амалларни адо этгувчиларга насиб қилади.

Энди бундан буён ёлғиз шу орзунинггина муяссар бўлишига дил-дилдан, бутун вужудим билан жаҳд этаман.

2

— Эй, Мазда Аҳур!

Бу самимий, чин ихлос ва эътимод билан адо этган амалларимни даставвал Сенга, Ашаҳ — Ҳақиқатга ва Комил Ақл бўлмиш буюк ва безавол Ормаитийга ниёз келтираман.

Сен-да тавонгарсан, тавоно ва азамат соҳибисан, келгил Оламинг Шаҳриёрини қошимда ҳувайдо қил, Сени мудом олқишлагувчи ҳабибингга Эзгу Ният ҳидояти билан тўғрилиқ, чинакам солиҳлик бахшида айла!

3

— Эй, Мазда Аҳур!

Амада ва хаёлда Сенга пайвандлик ва унс боғлаган зотларнинг барча-барчаси каломларингни жону дил билан қабул этадилар.

Сен Ашаҳ — Ҳақиқат сузи ва Эзгу Ният таълимоти билан уларга илк мураббий, устозсан!

4

— Эй, Мазда!

Тарбия қилгувчиларинг учун аталган поёнсиз меҳр-муҳаббатингни ато айла.

Сенинг уғит-пандларинг, ҳидоят ва маърифатинг қаерда?

Ашаҳ — Ҳақиқат имдодидан баҳраманд булган қудрат соҳиби қаерда?

Сипандормаз қаерда?

Эзгу Ният қаёқда?

Қаёқда Оламинг Шаҳриёри?

5

Мен Сендан утинаман ва ушбуларга жавоб истайман, Эй, Аҳур!

Сенга намозу ниёз келтиргувчи амали солиҳ, хирадманд, адолат ва ростлик соҳиби, кечиргувчи ва қудрат эгаси бўлмиш йулбошчи қандай қилиб Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида жаҳон аҳлини олга бошлай олади ва уни маъмур айлайди?

6

Мазда Аҳура — Олий Илоҳ Олам Шаҳриёри билан яхшилардан-да яхшироқ нарсани Узининг истак-иродасини батамом адо этган кимсагагина бахш этади ва даввор олам интиҳосида жаҳон маъмурлигига ҳаракат қилмаган кимсага ёмондан-ёмон нарсани беради.

7

— Эй, Мазда! Эй, замин, сув ва гиёҳларни халқ қилган мукаррам Зот!

Менга Уз Сипандмиининг билан комиллик ва боқийлик бахшида қил. Эзгу



Ният ҳидояти билан куч-қудрат ва пой-дорлик ато айла. Уз маърифатинг нуридан баҳраманда эт!

8

— Эй, Мазда!

Энди ростлик билан Сенинг номингдан доноларга юз бурдим:

«Бахти қаролик ва тийрарузлиқ дурванд — девларга насиб бўлади, саодат ва фирузлик Ашаҳ — Ҳақиқат поясига банд бўлганларга насиб қилади».

Бегумон бу мансара — дуони доноларга етказган одам саодатлидир.

9

— Эй, Мазда!

Сен ёниқ олов — Озаринг ва қизгин темиринг воситасида ҳар икки гуруҳни ҳам имтиҳон қиласан ва жазо — мукофотингни лойиқ кўрасан. Ушбу фармонингдан тирикликда нишона қолдирасан: «Ранж ва зиён дурванд — девники, шодмонлик ва самара ашаван — Ҳақиқат аҳлиникидир».

10

— Эй, Мазда!

Кимда-ким ушбу фармонга риоя қилмаса, дузах аҳлидир, дузах оламининг фарзанди — дузахзода, дуружзодадир. У жаҳонни тубанликка томон элтади.

Мен Ашаҳ — Ҳақиқатни ўзимнинг ва издошларимнинг ҳузурига чорлайман. Яхшиликнинг мукофотига мушарраф бўлишни истайман.

11

— Эй, Мазда!

Сипийтмон Зардуштнинг ёрони кимдир?

— У Ашаҳ — Ҳақиқат билан тиллаша олган ва Сипандормазга юз бурган одамдир.

— У ростлик, порсолик ва Эзгу Ният билан мағанинг таъсирида андиша юритган зотдир.

12

Бу дунёнинг йулларида Кавайга инониб, ақдан озганлар мен — Сипийтмон Зардуштни хушнуд қила олмайдилар. Зеро, улар ўз мақсад ва маромларини жушу хурушли руҳ оламидан эмас, бу моддий олам чуқурликлари, суқмоқ ва пучмоқларидан девоналарча қидирадилар.

13

Шундай қилиб, амал ва сузда Ашаҳ — Ҳақиқатдан бўйин товлаган, рост динли, эътиқодли кимсаларни йулдан чалғитган дурванд — девнинг руҳ — равони «ҳакамлик куприги» (пули сирот)да ошкора бўлгуси.

14

Караплар — девпарастлар бу дунёни адолат ва ростлик асосида барқарор бўлишини истамайдилар. Улар ўз кирдорлари ва таълимотлари билан жаҳонни обод қилгувчиларни тубанлик ва расволик чоҳига томон тортадилар. Бироқ, шундай таълимотлар ҳам бордирки, уларни — девпараст карапларни дуруж кноми — дузах қаърига ташлагай.

15

Зардушт мағаван мугларга хабар берган Аҳура Мазда тоат ва ибодатлар маскани — гарзмонга дохил бўлмоқ демаскидир. Бу макон ибтидодан Мазда Аҳуранинг саройидир.

Будир Эзгу Ниятнинг ҳидояти ва Ашаҳ — Ҳақиқат туфайли ҳувайдо бўлган ростлик. Мен улар ҳақида сизларни огоҳ этаман.

16

Кай Гуштасп муглар қудрати, Эзгу Ният қушиқлари билан шундай билим соҳиби бўлди. Покиза Мазда Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари билан бу билимни яратди ва у билан бизларни яхшиликлар сари етаклайди, ҳидоят қилади.

17

Фарашвштарӣ Ҳўгва тириклиги гавҳарини ўзининг эзгу дини учун ихлосмандлик билан менга топширди.*

Қудратли Мазда Аҳура унинг орзу ва аъмолини Ашаҳ — Ҳақиқат қўллари билан рўёбга чиқарди.

Донишманд Жомосп Ҳўгва фарашмандик истар эди. Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидояти билан илоҳий билимни танади ва Эзгу Ният билан Олам Шаҳриёрига мушарраф бўлди.

— Эй, Мазда Аҳура!

Сенга кўнгил боғладим ва сени ўз паноҳим деб билдим. Уша илоҳий таълимот гавҳарини менга ҳам насиб эт.



* Зардуштийлар орасида кенг тарқалган ақидага кўра бу жумла Фарашвштарининг қизига ишорадир. Маълумки, Зардушт Фарашвштарининг қизига уйланган. Бу фикрни инкор қилувчилар ҳам бор.

Бу эр — Мадявмоҳ Сипийтмон²⁹ — диноғоҳлик билан тириклик сўради. У узини менга бахш этгандир. У уз амаллари билан башар аҳлини Мазда динидан огоҳ қилади ва оламни янада яхшироқ бўлишига жаҳд курсатади.

— Эй, бир-бирига ҳамқадам бўлган одам болалари!

Комил Ақл — Ормаитий афзун қилгучи Ашаҳ — Ҳақиқат ва Эзгу Ниятни бизга муяссар айлан!

Сизларни намозларимизда алқаймиз. Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қилинг.

Ормаитий — Комил Ақл одамзотга поклик бахш айлайди, одам эса билим, сўз, амал ва дини билан Ашаҳ — Ҳақиқатга куч-қувват бахш этади.

Мазда Аҳура бу неъматларни Эзгу Ният ва Олам Шаҳриёри нурлари ҳамда имдоди билан муяссар айлайди.

Мен ҳам бу эзгу билимини истармен.

Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидоятчи билан энг гузал аъмолларни адо этгучиларни таний билади.

Мен ҳам бундай зотларни — улар бордирлар ва бўладилар — ном-баном олқишлайман ва саловотларим билан уларга ёвуқ келаман.

БЕШИНЧИ ҚЎШИҚ

ВАҲИЙШТВАЙШТ ГОҶ³⁰

ЯСНА, 53-ҶОТ

1

Сипийтмон Зардуштнинг энг эзгу тилаклари рӯёбга чиқди. Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари билан унга гузал ва узоқ тириклик бахш айлади.

Зардушт душманлари ҳам сўз ва амалда унинг динини ўргандилар.

2

Улар, ҳақиқатда, андиша, сўз ва амалда Мазданинг хушнудлигига интиломқлари керак. Яхши амаллар билан эмин-эркин Уни — Аҳурани олқишласинлар, ша-рафласинлар.

Кай Гуштасп — Сипийтмон Зардуштнинг ёронларидан бири — ва Фарашвштари тўғри йўл динини танладилар. Уларни Мазда Аҳура Зардуштга нозил айлади.

3

— Эй, Пуручиста,³¹ Ҳачтаспий Сипийтмоний!

— Эй, Зардуштнинг болига қизи!

Мазда Эзгу Ният ва Ашаҳ — Ҳақиқатга қаттиқ инонган зотни* сенга тирикликнинг йўлдоши айлайди.

Шундай экан, уз ақлинг ва гидрокин-дан савол айла, Сипандормаз мадади ила ҳушёрлигингни зиёда қил!

4

«Ҳамкорлар ва қон-қардошларга па-дарлик ва сарварлик мушарраф бўлган бу зотни шубҳасиз интихоб қилдим ва унга муҳаббатимни боғлағайдирман. Шоядки, тирикликда Эзгу Ният ёғдуси менга уз нурларини таратса ва ашаванлар орасида ашаван аёл бўлсам ва Аҳура Мазда энг буюқ дин таълимотини менга муяссар айласа**.»

* Матнда ушбу жумла кимга ишора қилаётгани равшан эмас. Аксарият гоҳларнинг тадқиқотчилари бу урида Жомспга ишорат борлигини эътироф этадилар. Бироқ бу масала ҳақиқатан тўғри ҳал бўлганича йўқ.

**Бу урида ҳам тадқиқотчилар уртасида яқинлик йўқ. Машҳур авестошунос Пураову бу банди Пуручиста тилани ай-тилаган, дейди.



Мен бу сузларим билан куёв танламоқчи булган болига қизларга ва сиз — икки танга ҳам насиҳат қиламан*. Менинг уғитларимга қулоқ солинглар ва уни ҳақиқатда хотирангизга жо қилинг ва уз динларингизни топинглар-да, уни амалда жорий этинглар.

Ҳар бирингизга лозимдирки, Эзгу Ният нурлари остида Ашаҳ — Ҳақиқат йулида талашингиз ва олдинги сафларга утишга ҳаракат қилингиз. Шубҳасиз, бу Унинг энг яхши мукофотдир.

6

— Эй, эрлар! Эй, аёллар!

Билингларки, дуруж — дев дунёда фирибгар, алдамчидир. Дуруж — девнинг олга босмоғи ва борлигингизни қамрамоғига йул қўйманг!

Тубанлик курсисда қўлга киритилган шодлик, ғам ва гуссанинг мяси — асосидир.

Шундай қилиб, ростликни тубанлаштирувчи дурвандлар уз тирикликлари оламини нест-нобуд қиладилар.

Тану жону дилингиз меҳр ва жуш-хуруш билан лиммо-лимдир ва бир-бирингиз билан қайноқ муҳаббат билан уйгунсиз — хоҳ кенгликлар-да, хоҳ тору тангликда булсангиз — муглар (мага) мукофотидан баҳраманда булгайдирсиз.

Аммо, агар девлар олами сизларг. голиб келса, у ҳолда муглардан юз бура сиз, оқибатда афсус-надомат бонгини чалгайсиз!

8

Шунингдек, барча қабиҳ кирдор кимсалар алданадилар, қулгу ва маззаматге дучор буладилар, ниҳоят шикаст топадилар.

Аммо яхшилик олами ҳуқумдорининг амр-иродаси билан қишлоқ ва хонумонларда аёллар ва эрлар шаънига қушиқлар янграгайдир.

Шояд, алданиш — ростликнинг буйнидаги улим занжири — чил-чил синиб битса.

Шояд, буюкларнинг буюғи — Мазда Аҳура ҳузуримизга шитоб айласа.

Уз мақсадларининг қулларига айланган ва ҳақиқатга инонмайдиган кимсалар ростликдан юз бурадилар, порсолардан жирканадилар, танланган зотларни — азизларни хор тутадилар. Улар узлари билан-да жангу жадалдадилар.

Қай бир ашаванлар сарвари ҳур ва озод жону дили билан уларга қарши курашади?

— Эй, Мазда!


Сен Уз Оламинг Шаҳриёри билан ҳақ йулда тириклик қилувчи дарвишларга омонлик, беҳрўзлик бахш айлайсан!



* 3 ва 4-бандларнинг мазмуни курсатиб турилганки, бу уринда Зардушт Пуручиста ва Жомоспаггина эмас, балки балоғат ёшига етган барча йигит-қизларга китоб қиламоқда.

Этот текст является частью документа, который был переведен с русского языка на узбекский язык. В нем содержится информация о том, что документ является частью архива, который был создан в 1990-х годах. В настоящее время этот документ находится в архиве Национального центра документации Узбекистана.

ИККИНЧИ ДАФТАР



ЯСНА



Этот текст является частью документа, который был переведен с русского языка на узбекский язык. В нем содержится информация о том, что документ является частью архива, который был создан в 1990-х годах. В настоящее время этот документ находится в архиве Национального центра документации Узбекистана.

ИБТИДО

1

«Ашим вуҳув...»³¹: Ашаҳ — Ҳақиқат энг улуғ эзгулик ва саодатмандликнинг моясидир. Саодат соҳиби улдирки, дуруст кирдордир ва буюк Ҳақиқат — Ашаҳга қулдир!

«Фравраниҳи...»³² Мен маздапараст, зардуштий девлар душмани ва аҳуравий эканлигимга иқрорман.

Ҳований³⁴ ашаван ва рад³⁵ ашаванга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва офаринлар булсин!

2

Эй, Аҳура Мазданинг углони — Озар!³⁶

Хушнудлик булсин сенга, эй, Озар — Аҳура Мазданинг углони; олқиш, ҳамд-сано ва офаринлар!

3

«Яса аҳу вайрю...»³⁷ — Завт³⁸ мени ҳамд этади: «У буюк рад жаҳон аҳлининг армони булгани каби мийну» ради ва бунёдкордир, тирикликнинг эзгу амал ва андишалари Мазда йўлидадир. Шаҳриёрлик Аҳурага хосдир. Аҳурадирикм Уни³⁹ дарвишларга паноҳ булиши учун танлади». Донишманд порсо дейди: «Асартуш ашот чийт ҳача...»⁴⁰

«Ашим вуҳув...»

«Яса аҳу вайрю...»

4

«Фирастуйҳи...»⁴¹ — эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалини олқишлайман.

Фикр, сўз ва амал оламидан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалини танлайман.

Мен барча ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз бураман.

5

— Эй, Амшосипандлар!

Мен узимнинг дуою олқишларимни фикрим, сузим, амалим, бутун вужудим, жону таним билан сизнинг ҳузурингизга элтаман.

6

Мен Ашаҳ — Ҳақиқат намозини келтираман.

«Ашим вуҳув...»

7

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканлигимга иқрорман.

Ҳований ашаван ва рад ашаванга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Савангҳий⁴² ва Вяся⁴³ ашаван, рад ашаванга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Кун, гоҳлар, ой, гаҳанбор⁴⁴ ва йилга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик мақтовлар булсин!

8

Раюманд⁴⁵ ва фарриҳманд⁴⁶ Аҳура Мазда, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр⁴⁷, яхши яйловлар бахш этгувчи Ром⁴⁸...

9

Юргун от соҳиби раюманд Хуршид (Қуёш)⁴⁹, жамийки мавжудотни кузатиб тургувчи забардаст Андарвай⁵⁰. Неки Сипандмиинуга хосдир, у сенга-да хосдир, эй Андарвай! Мазданинг ҳаққоният илми, маздапарастликнинг эзгу, ашаванона дини хилқати...

10

Амалдаги табаррук дуолар, девларга қарши низом, зардуштийлар қонунияти, маздапарастлар ойинининг қадимий ва эзгу равишлари, дуо — мансараларга инонмоқ, Мазда Яратган хилқат илми, Мазда илмининг таълими...

11

— Аҳура Мазданинг Озари!

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сен ва жамийки оловлар: Мазда бунёд айлаган Ушйдарина⁵¹ ва осудалик бахш этгувчи Ашаҳ — Ҳақиқат...

12

— Эй, мийнувий ва жаҳоний ашаван илоҳлар, қудратли фравашийлар,⁵² эй, дин ургатувчи илк фравашийлар, эй аждодларимиз фравашийлари...

Барчангизга хушнудлик, олқиш ва дуолар булсин!.



* Зардуштга ишора

Завт:
«Яса аху вайрю...» — Завт мени ҳамд
этади.

Роспий:¹
«Яса аху вайрю...» — Завт мени
олқишлайди.

Завт:
Донишманд порсо дейди: «Асартуш
ашот чийт ҳача...»
«Ашим вуҳув...»

1-ҶОТ

1

Завт ва Роспий:
Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман дадар², раюманд, фар
риҳманд, буюклардан буюк, гузаллардан
гузал, устуворлардан устуворроқ, дониш
мандлар донишманди, қудратли ва ягона
Аҳура Маздани.

У эзгу ниятли Зот ҳузур-ҳаловат бахш
этгувчидир. У ягоналар яғонаси бизларни
яратди. Вужудимизни бино этди. У бизни
парвариш қилди.

2

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Баҳман ва Ардабиҳишт,
Шаҳриёвар, Сипандормаз, Хурдоа ва
Амурдоа, Гивуш Ташана³, Гушварван ва
Аҳура Мазданинг Озари — буюк Амшо
сипандларни!

3

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман гоҳлар илоҳлари,
Ашаҳ — Ҳақиқат радлари, Ҳований аша
ван ва рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Савангҳий ва Всяя аша
ванни, ашаван радларни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман минг қулоқли, ун минг
қузли, кенг яйловли Меҳр, у буюк илоҳ —
яхши яйловлар бахш этгувчи Ромни!

4

Завт:
Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Раписвийн⁴ ашаван ва
рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман рад ашаванлар Фрадот
Фшу⁵ ва Зантум⁶ ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Ардабиҳишт ва Аҳура
Мазданинг Озарини!

14

Аҳура Маздага хушнудлик ва Аҳри
манга шикаст тилайман.

Аҳура Мазданинг ниятлари бус-бутун
руёбга чиқсин ва ошкор булсин!
«Ашим вуҳув...»

15

«Яса аху вайрю...»

5

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Узойарийн⁷ ашаван ва
рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман рад ашаван, Фрадот Вий
ра⁸ ва Дахйум⁹ ашаванни!

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман буюк рад Напат Алам
ни¹⁰ ва Мазда халқ этган жамийки сувлар
ни.

6

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Авийсрусрям¹¹ ашаван ва
рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Фрадот Виспам¹² ва Зар
душтум¹³ ашаван ҳамда рад ашаванлар
ни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман ашаван фравашийлар, улар
нинг аҳду аёли ва фарзандларини, Яйря
Ҳушитийни¹⁴, забардаст ва энг гузал яра
тилмиш булган Амани¹⁵, Аҳура халқ қил
ган Баҳромни¹⁶ ва фируз Авпаратотни¹⁷.

7

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман ашаван Ушоҳинни¹⁸ ва
рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман Бирижя¹⁹, Нманя²⁰ аша
ванларни ва ашаван радларни.

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман оламларга кенглик ва
фирузлик бахш айлагувчи порсо суруш²¹,
ҳақиқатгуй Рашн²² ва жаҳонпарвар Арш
тодни²³.

8

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман маҳтоб илоҳлари, аша
ван Андармоҳ ва рад ашаванларни.
Мужда бераман ва олқишлайман.



Мадҳ этаман ашаванлар Пурмоҳ⁶ ва Вайшаптасани⁷ ҳамда рад ашаванни.

9

Мужда бераман ва олқишлайман.
Мадҳ этаман ашаван Майдюзарим⁸ ва рад ашаванни.

Мадҳ этаман ашаван Майдюшамни⁹ ва рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман ашаван Патя Шҳимни¹⁰ ва рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман ашаван Айасрим¹¹, рад ашаван, ашаван Майдярим¹², рад ашаван ва ашаван Ҳамаспатмадам¹³, рад ашаванни.

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман йил илоҳлари ва ашаван радларни!

10

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман Ҳований измида бўлиш уттиз уч ашаван радларни.

Улар энг олий Ашаҳдирлар. Мазда таълим берди ва Зардушт хабар етказди.

11

Мужда бераман ва олқишлайман. Олқишлайман энг буюк ва қудратли ашаванлар бўлиш Аҳура ва Меҳрни; юлдузларни бино айлаган Сипандмийнуни; Тиштар юлдузини¹⁴; фарриҳманд ва раюмандни, сигир уругини узида асрагувчи Ойни¹⁵, Аҳура Мазданинг нигоҳи — учқур отли Куёшни, бутун сарзаминлар шахриёри — Меҳрни!

Мужда бераман ва олқишлайман.

Олқишлайман «Ҳурмаздруз»¹⁶, фарриҳманд ва раюмандни!

Мужда бераман ва олқишлайман.

Олқишлайман ашаванлар фравашийларининг ойини*.

12

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман сени, эй Озар, — Аҳура Мазданинг углони ва барча-барча — Озарлар, сизларни ҳам!

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман Мазда халқ қилган энг яхши сувлар, барча-барча сувлар ва ҳамма-ҳамма гиёҳларни.

13

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман яроқли варжованд мансарасини,¹⁷ девларни забун этгувчи низо, зардуштийлар низомини, энг антиқа ёругликни ва эзгу маздапарастлар динини!

14

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман Ашаҳга осойиш бергувчи, Мазда бунёд айлаган Ушийдарина тогини ва жамийки ашаҳларга осойишталик бахш этгувчи, Аҳура Мазда халқ қилган тоғларни, Мазда ато этган энгимас Фаррни!

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман эзгу Ашани¹⁸, эзгу Чистани¹⁹, эзгу Ирсини²⁰, эзгу Расасатни²¹, Фаррни ва Мазда яратган яхшиликларнинг жамини!

15

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман ашаваннинг эзгу олқишини, пок ашаван мардани, кучли қўллар соҳибни, қурқмас илоҳ Дамуиш Упаманани²².

16

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман жойлар, қишлоқлар, яйловлар, сувлоқлар, хонумонлар, сувлар, ерлар, гиёҳлар; замин у осмон; покиза бодлар, юлдуз, ой, қуёш ва абадий Анийрон²³, Сипандмийну яратган жамийки мавжудот, ашаван эрлар ва аёллар ҳамда жамийки рад ашаванларни!

17, 18

Ҳовангоҳ²⁴ чоги мужда бераман.

Мадҳ этаман буюк ашаванона радларни; кунлар, гоҳлар, ойлар радини, гаҳанборларни; мадҳ этаман ашаванларнинг қудратли ва фируз фравашийларини, дин ва эътиқоддан сабоқ берган донишманд мураббийларнинг фравашийларини, ажодлар фравашийлари ва узимнинг фравашийимни!

19

Мужда бераман ва олқишлайман.

Мадҳ этаман ашаванона радларни.

Мужда бераман ва олқишлайман.



* Фарварани (март-апрель) ойи назарда тутилмапти.

** Аҳуравий сўз, муқаддас илоҳий калом.

Мадаҳ этаман барча эзгулик бахш этгувчилар: мийнуий ва жаҳоний ашаван илоҳлар; Ашаҳ — Ҳақиқат низомига амал қилгувчилар. Сизлар, энг олий шаън соҳиблари, юксак олқишларга муносиб-сиз!

20

Эй, Ҳований ашаван — ашаванлар ради.

Эй, Савангҳий — ашаванлар ради.

Эй, Раписвийн ашаван — ашаванлар ради.

Эй, Узойирийн ашаван — ашаванлар ради.

Эй, Авийсурусрям ашаван — ашаванлар ради.

Эй, Ушоҳийн ашаван — ашаванлар ради.

21

Агар сени озурда этдим — ниятда, феълда, амалда; агар уз ихтиёрим ёхуд гайриихтиёрий сени ранжитдим, бас, альон сени олқишлайман.

Агар сендан юз бурдим, такрор сента олқиш ва дуо бирлан юзланаман.

22

Сизлар, эй, буюк ашаванлар ради, эй, ашаванлар ради!

Агар сизни озурда этдим — ниятда, феълда, амалда; агар уз ихтиёрим ёхуд гайриихтиёрий сизни ранжитдим, бас, альон сизни олқишлайман!

Агар сиздан юз бурдим, такрор дуою олқишлар билан сизга юзланаман!

23

Завт ва Роспий:

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравийман.

Ҳований ашаван — рад ашаванга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Ашаванлар — Савангҳий, Вяся, рад ашаванларга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Куи, гоҳ ва ой радлари, гаҳанбор ва йилга дуою олқишлар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!



2-ҶОТ

1

Завт ва Роспий:

Завр^а истарман олқишлаш учун. Барсам^а истарман олқишлаш учун.

Барсам истарман олқишлаш учун. Завр истарман олқишлаш учун.

Завр ва барсам истарман олқишлаш учун.

Барсам ва завр истарман олқишлаш учун.

Бу завр ва бу барсам билан олқишлашни истарман.

Бу барсам ва бу завр билан олқишлашни истарман.

Бу завр ва бу барсам билан олқишлашни истарман.

Завт:

Бу завр, завр ва бу барсам белбоги билан Ашаҳ — Ҳақиқат русумига ҳозирлашиб олқишламоқ истаيمان.

2

Бу завр ва бу барсам билан ашаван Аҳура Мазда — ашаван радим — Амшопиандлар, эзгу шаҳриёрларни олқишламоқ истаيمان.

3

Бу завр ва барсам билан ашаван радларим — гоҳлар илоҳлар; Ҳований ашаван — ашаван радим; Савангҳий, ашаван Вяся — ашаван радларимни олқишламоқ истаيمان.

Бу завр ва барсам билан олқишламоқ истаيمان минг қулоқли, ун минг кузли кенг яйловли Меҳр, у буюк илоҳ — яхши яйловлар бахш этувчи Ромни.

4

Бу завр ва барсам билан олқишламоқ истаيمان ашаваний радим ашаван Раписвийнни; олқишламоқ истаيمان Фрадот Фшу ва Зантум ашаванни, ашаваний радларимни.

Бу завр ва барсам билан олқишламоқ истаيمان Ардабиҳишт ва Аҳура Мазда-нинг углони Озарни.

5

Бу завр ва барсам билан ардоқламоқ истаيمان ашаваний радим, ашаван Узойирийни; олқишламоқ истаيمان ашаваний радларим Фрадот Вийра ва Даҳйум ашаванни.

Бу завр ва барсам билан олқишламоқ
истайман буюк рад, шаҳриёр ва учқур
тулпорли Апам Напатни; олқишламоқ,
мадҳ этмоқ истайман ашаваним Мазда
халқ қилган пок сувларни.

6

Бу завр ва барсам билан эъозламоқ
истагимдир ашаваний радим, ашаван
Авийсрусрямни; ардоқламоқ орзуимдир
Фрадот Виспани, ашаван Зардуштумни,
жамийки ашаван радларимни.

7

Бу завр ва барсам билан олқишламоқ
истайман ашаваний радларим — ашаван-
лар Бирижяҳ ва Иманяҳни; ушбу завр ва
барсам билан ардоқламоқ истайман аша-
ваний радим — оламларга фирузлик ва
кенглик бахш айлагувчи порсо Сурушни;
мадҳ этмоқ истайман ҳақиқатгуй Рашни;
олқишламоқ истайман жаҳонпарвар Арш-
тодимни.

8

Ушбу завр ва барсам воситасида ду-
лар қиларман ашаваний радларим —
маҳтоб илоҳларини; олқишламоқ истай-
ман ашаваний радим, ашаван Андар-
моҳни; ардоқламоқ истайман ашаваний
радларим Пурмоҳ — Тулин ой ва Вай-
шаптасани.

9

Ушбу завр ва барсам воситасида
олқишламоқ истагимдир ашаваний радла-
рим — ашаван гаҳанборлар илоҳларини;
ардоқламоқ ниятимдир ашаван радим —
Майдюзарим ашаванни;

ушбу завр ва барсам билан олқишла-
моқ истайман ашаваний радим — ашаван
Майдюшамни;

ушбу завр ва барсам воситасида ар-
доқламоқ истайман ашаваний радим —
ашаван Пата Шҳимни;

ушбу завр ва барсам воситасида
олқишламоқ истагимдир ашаваний рад-
им — ашаван Айсримни;

ушбу завр ва барсам воситасида эъ-
озламоқ истайман ашаваний радим —
ашаван Майдаримни;

ушбу завр ва барсам воситасида
олқишламоқ истайман ашаваний радим —
ашаван Ҳамаспатмадамни;

ушбу завр ва барсам воситасида
олқишламоқ истайман ашаваний радла-
рим — ашаван йил илоҳларини!

10

Ушбу завр ва барсам билан олқишла-
моқ истайман барча-барча ашаванона ра-
дарим; Ҳований ёнида бўлиш уттиз уч
ашаванларни. Улар энг олий Ашаҳдирлар.
Мазда таълим берди ва Зардушт хабар ет-
казди.

11

Ушбу завр ва барсам воситасида
олқишламоқ истайман энг буюк ва қуд-
ратли ашаванларим — Аҳура ва Меҳрни;
эъозламоқ истайман юдузларим, ою
куёшимни;

ушбу барсам билан олқишламоқ иста-
гимдир барча сарзаминларим шаҳриёри
Меҳрни;

ушбу завр ва барсам воситасида олқиш-
ламоқ истайман фарриҳманд ва раюман-
дим Хурмаздруз — Хурмузд кунини;

ушбу завр ва барсам билан олқишла-
моқ истайман эзгу, пок ва қудратли аша-
ванларим — фравашийларининг ойини.

12

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Ушбу завр ва барсам билан сени ва
барча озорларимни олқишламоқ истагим-
дир.

Ушбу завр ва барсам билан ашаваним
Мазда яратган энг яхши сувларни олқиш-
ламоқ истайман; ашаваним Мазда халқ
қилган барча-барча сувларни ардоқламоқ
истайман; ашаваним Мазда ато этган жа-
мийки гиёҳларни эъозламоқ истайман.

13

Ушбу завр ва барсам воситасида
яроқли варжованд мансарасини мадҳ эт-
моқ истайман; девларни нобуд айлагувчи
низомимни олқишламоқ истайман; қадим-
ий расм-русумларимни ардоқламоқ иста-
йман; эзгу мазапарастлик динимни эъ-
озламоқ истайман.

14

Ушбу завр ва барсам воситасида
Ашаҳ — Ҳақиқатга осойишталик бахш ай-
лагувчи Мазда бунёд айлаган Ушийдари-
на тоғини олқишламоқ истайман; жамий-
ки ашаҳларга осудалик ва фароғат бағиш-
ловчи Аҳура Мазда бунёд этган тоғла-
римни ардоқламоқ истайман; Мазда ярат-
ган энгилмас Фарримни эъозламоқ иста-
йман.

Бу завр ва барсам воситасида буюк
қудрат бахш этгувчи меҳрибон Ашамни



олқишламоқ истайман; Мазда бунёд этган Фарримни шод этмоқ истайман; Мазда инон-ихтиёрида булган жазо ва мукофоти мадҳ этмоқ истайман.

15

Ушбу завр ва барсам воситасида эзгу яратилмиш булмиш ашаванимни мадҳ этмоқ истайман; покиза марда ашаванимни ардоқламоқ истайман; забардаст билаклар соҳиби илоҳ Дамуйиш Упаманани эъзозламоқ истайман.

16

Ушбу завр ва барсам воситасида сувларим, ерларим, гиёҳларимни мадҳ этмоқ истайман; бу жойлар, қишлоқларим, яйловларим, хонумонларим, шух-шан жилга-

ларимни шод этмоқ истайман; бу қишлоқларимнинг соҳиби Аҳура Маздани олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам воситасида энг буюк радларим — кунлар, гоҳлар, ой, гаҳанбор ва йил илоҳларини олқишламоқ истайман.

Бу завр ва барсам воситасида қудратли, пок ва эзгу ашаванларим фравашийларини ардоқламоқ истайман.

18

Ушбу завр ва барсам воситасида барча-барча ашаван илоҳларимга ибодат келтирмоқ истайман; барча-барча ашаван радларимни олқишламоқ истайман; Ҳований ради замонидир, Савангҳий ради айёмидир, жамийки ашаван радлар фурсатидир бу фурсат.

ЯСНА, 3—8-ҲОТ СУРУШ ДРВАНА*

3-ҲОТ

1

Ҳовангоҳ маҳали барсамни қўйиб, завр ва миязда⁷ воситасида тотли сутлар инъом айлагувчи Хурдодим ва Амурдодимни олқишламоқ истайман; Аҳура Мазда ва Амшосипандларга хушнудлик булсин; оламларга фирузлик бахш этгувчи порсо Суруш хушнуд булсин!

2

Ҳавм⁸ ва праҳавми⁹ олқишламоқ истайман; ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийси хушнуд булсин!

Утин ва тутунни олқишламоқ истайман. Хушнуд бул, эй Аҳура Мазданинг уғлони Озар!

3

Ҳавми олқишламоқ истагимдир. Яхши сувар, Мазда яратган тотли суварга хушнудлик булсин!

Ҳавм сувини олқишламоқ истайман.

Покиза ва равон сутни шарафламоқ истайман. Ашаҳ — Ҳақиқат маросимида ҳазанаипата гиёҳини олқишламоқ истайман. Шарафламоқ истайман. Мазда ато этган суварга хушнудлик булсин!

4

Ашаҳ — Ҳақиқат маросимига назр келтирилган бу барсам, завт ва барсам

белбогини олқишламоқ истагимдир; Амшосипандларга хушнудлик булсин.

Эзгу ният, эзгу суз ва эзгу амал ҳақидаги сузларни олқишламоқ истайман; гоҳларни шарафламоқ истайман; яхшиликлар меҳвари булмиш илоҳимни ардоқламоқ истайман; ашаванлар тирикчилиги, уларнинг намозу ибодатлари ва писандийда радларни эъзозламоқ истайман; мийну ва дунё ашаван илоҳларига хушнудлик булсин; уз руҳимга хушнудлик тилайман.

5

Рад ашаванларим — гоҳлар илоҳларини шарафламоқ истайман.

Рад ашаваним — Ҳований ашаванни олқишламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Савангҳий ва ашаван Вясяни мадҳ этмоқ истайман.

Васф этмоқ истайман минг қулоқли, ун минг кузли, кенг яйловли Меҳр, у буюк илоҳ — яхши яйловлар бахш этгувчи Ромни!

6

Рад ашаваним — ашаван Раписвийинни шарафламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Фрадот Фшу ва ашаван Зантумни олқишламоқ истайман.

Ардабиҳишт ва Аҳура Мазда Озарини мадҳ этмоқ истайман.



39

Рад ашаваним — ашаван Узойарийнни шарафламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Фрадот Вийра ва ашаван Дахнунни олқишламоқ истайман.

Буюк рад Напат Апам ва Мазда яратган сувларни тараннум этмоқ истайман.

8

Рад ашаваним — Авийсрусрям ашавани шарафламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Фрадот Виспам ва Зардуштум ашаванларни олқишламоқ истайман.

Ашаванлар фравашийлари, уларнинг аёл ва фарзандлари; Яйря Хушитий; эзгу хилқат Ашаҳ;

Ахура яратган Баҳром ва фируз Авларотни шарафламоқ истайман.

9

Рад ашаваним — ашаван Ушоҳийнни олқишламоқ истайман.

Рад ашаванларим — ашаван Бирижяҳ, ашаван Иманяҳни шарафламоқ истайман.

Оламларга кенглик ва фирузлик ато айлагувчи порсо Суруш, ҳақиқатгуй Рашн ва жаҳонпарвар Арштодони олқишламоқ истайман.

10

Рад ашаванларим — ой илоҳларини мадҳ этмоқ истайман.

Рад ашаваним — ашаван Андармоҳни олқишламоқ истайман.

Рад ашаванларим — ашаван Пурмоҳ ва ашаван Вайшалтасани шарафламоқ истайман.

11

Рад ашаванларим — гаҳанбор илоҳларини шарафламоқ истайман.

Рад ашаваним — Майдюзарим ашавани эъозламоқ истайман.

Рад ашаваним — Майдюшам ашавани ардоқламоқ истайман.

Рад ашаваним — Патя Шҳим ашавани олқишламоқ истайман.

Рад ашаваним — Аяссрим ашавани мадҳ этмоқ истайман.

Рад ашаваним — Майдярим ашавани мадҳ этмоқ истайман.

Рад ашаваним — Ҳамаспатмадам ашавани тараннум этмоқ истайман.

Рад ашаванларим — йил илоҳларини шарафламоқ истагимдир.

Ҳований атрофида бўлиши уттиз уч ашаван радларни олқишламоқ истайман. Улар энг олий Ашаҳ — Ҳақиқатдирлар. Мазда таълим берди ва Зардушт хабар келтирди.

13

Буюк ва қудратли ашаванлар — Ахура ва Меҳр; юлдузларни ҳувайдо айлаган Сипандмийну; Тиштар юлдузи; фарриҳманд ва раюманд, сигир уругини узидасрагувчи Ой, Ахура Мазданинг нигоҳи — учқур тулпорли Қуёш, бутун сарзаминлар шахриёри Меҳрни ардоқламоқ, шарафламоқ ва мадҳ этмоқ истагимдир.

14

Эй, Озар — Ахура Мазданинг углони! Сени ва барча-барча озарларни олқишламоқ истайман.

Мазда яратган энг яхши сувлар, барча-барча сувлар ва жамийки гиёҳларни шарафламоқ истайман!

15

Варжованд мансарасини олқишламоқ истайман.

Девларни яксон айлагувчи адолат низоми, зардуштийлар низоми, энг антиқа ёруғлик ва эзгу маздаларастлар динини шарафламоқ истагим — матлабимдир.

16

Ашаҳ — Ҳақиқат осудалик бағишлагувчи, Мазда бунёд этган Ушийдарина тоғи ва жамийки Ашаҳларга фароғат бахш этгувчи Ахура Мазда халқ қилган тоғлар, Мазда ато этган енгилмас Фаррни шарафламоқ матлабим — орзу-аъмолимдир!

17

Ашаванинг эзгу алқовини, пок ашаван мардани, кучли билаклари соҳиб бўлиши жасорати илоҳ Дамауйнш Упамани олқишламоқ истайман.

18

Мазгиллар, қишлоқлар, яйловлар, сувлоқлар, хонумонлар, сувлар, ерлар, гиёҳлар; замини осмон покиза бодлар, юлдуз, ой, қуёш ва безавол Анийрон; Сипандмийну яратган жамийки мавжудот, ашаван эрлар ва аёллар ҳамда жамийки



рад ашаванларни шарафламоқ орзуйи аъмолимдир!

19

Ҳовангоҳ лайти буюк ашаванлар ради ни шарафламоқ истайман. Кун, гоҳлар, ой ва гаҳанборлар радлари — ашаван радларни олқишламоқ истайман.

20

Завт ва Роспий.

Миязда хуруши, тотли сутлар инъом айлагувчи Хурдодим ва Амурдодимни шарафламоқ матлабимдир. Жасоратли, танмансара, аҳуравий қудрат соҳиби, қаттиққўл ва порсо Суруш, бу номдор ва шухратманд илоҳга хушнудлик булсин!

21

Ҳавм ва праҳавми шарафламоқ истайман; ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийси хушнуд булсин. У номдор ва тамомий ҳамд ва алқовларга муносибдир.

Утин ва тутунни олқишламоқ истайман; хушнуд бул, эй Аҳура Мазданнинг углони — Озар, эй номдор илоҳ!

Миязда хурушини олқишламоқ орзу аъмолимдир.

22

Ашаванларнинг фируз ва забардаст фравашийларини олқишламоқ истайман;

дину иймондан сабоқ берган мураббий-муршидлар ва аждодларим фравашийларини шарафламоқ истайман.

23

Барча сарвар ашаванларимни мадҳ этмоқ истайман.

Барча-барча яхшилик багишлагувчи, эзгулик истовчилар — мийну ва жаҳон илоҳлари, энг гузал Ҳақиқат — Ашаҳ қонунларини ҳимоя қилувчилар олқиш ва ҳамду саного гоят сазовордирлар!

24

Мен — маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравийман.

Ҳований ашаван — рад ашаванга дуою олқишлар хушнудлик ва офаринлар булсин!

Ашаванлар — Савангҳий, Вяся рад ашаванларга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Кун, гоҳ ва ой радлари, гаҳанбор ва йилга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» — Завт мени ҳамд этади.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» — Завт мени ҳамд этади.

Завт:

Донишманд порсо дейди: «Асартуш ашот чийт ҳача...»



41

4-ҶОТ

1

Бу эзгу андишалар, эзгу сузлар ва эзгу амаллар; бу Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ёйилган ҳавмлар, мияздлар, заврлар; хушвақтлик бахш этувчи гўшт; Хурдод ва Амурдод; хуш кайфият бахш этувчи сут; ҳавм ва праҳавм; утин ва дуд; бу узгача баҳрамандлик багишлагувчи тириклик; ашаванлик; радлар ва гоҳларнинг манзури булган ибодат, эзгуликдангина иборат илоҳий фармон — барчасини тақдим қилурмиз.

2

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Аҳура Мазда, порсо Суруш, Амшосипандлар, ашаванларнинг фравашийлари, парҳезкорларнинг руҳлари, Аҳура Мазда

нинг Озари, бузругвор радлар ва саросар Ашаҳ — Ҳақиқат оламига мақтовлар, олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

3

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Бу эзгу андишалар, эзгу сузлар ва эзгу амаллар; бу Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ёйилган ҳавмлар, мияздлар, заврлар; хушвақтлик багишлагувчи гўшт; Хурдод ва Амурдод; хуш кайфият бахш этувчи сут; ҳавм ва праҳавм; утин ва дуд; бу узгача баҳрамандлик багишлагувчи тириклик; ашаванлик; радлар ва гоҳларнинг манзури булган ибодат; эзгуликдангина иборат булган илоҳий фармон — буларнинг барчасини тақдим қилурмиз.

4

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Амшосипандлар, эзгу ният билан умр кечиргувчи, абадул-абад яшагувчи, яхшиликлар муждасини бергувчи гузал Шаҳриёрлар ва аёл Амшосипандлар.

5

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Бу хонумонга қут-барака. Ундаги чорполар, ашаванзода мардлар ва бундан буён ушбу хонадонда таваллуд топгувчиларга қут-барака.

6

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаванларнинг эзгу ва қудратли Фравашийлари ашаванларга имдоҳ бергай.

7

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Фарриҳманд ва раюманд дадар Аҳура Маздага; мийнулар ва Амшосипандларга мақтов, олқиш, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

8

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Гоҳларнинг илоҳлари; ашаван радлари; ашаван Ҳований — ашаваний радга мақтов, олқиш, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаван Савангҳий ва Вяся, ашаваний радларга ҳамдлар, олқишлар, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

Кенг яйловли Мехр, уша минг қулоқли, ун минг қузли буюк илоҳ, кенг яйловлар бахш этгувчи Ромга олқиш ва мақтовлар, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

9

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван Раписвийн ашаванга ҳамд ва олқишлар, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаванлар — Фрадот Фшу ва Зантум ашаванларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва мақтовлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданинг Озарига ҳамд-санолар, хушнудлик ва олқишлар бўлсин!

10

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Узоирийн ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва олқишлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаванлар — ашаван Фрадот Вийра ва Дахйумига ҳамд-санолар, хушнудлик ва олқишлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Бузругвор рад Апам Напат ва Мазда яратган сувларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва мақтовлар бўлсин!

11

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Авийсрусрям ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаванлар — ашаван Фрадот Виспам ва Зардуштумга ҳамд-санолар, хушнудлик ва мақтовлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаванларнинг фравашийлари, аёллар ва уларнинг фарзандлари; Яйря Хушитий; эзгу яратилмиш булган Ама; Аҳура Мазда яратган Баҳром ва бахтиёр Упарантга ҳамд-санолар, олқиш ва мақтовлар бўлсин!

12

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Ушоҳин ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва мақтовлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаванлар — Бирижяҳ ва Нманияҳ ашаванларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва олқишлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Оламларга содат бахш айлагувчи пор-



со Суруш; энг ростгуй Раши; дунёга кенглик бергувчи жаҳонпарвар Арштодга ҳамданола, мақтов ва олқишлар булсин!

13

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ой илоҳлари — ашаван радлар; ашаван рад Андармоҳ ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаванлар — Вайшаптаса ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

14

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ғаҳанбор илоҳлари — рад ашаванлар — Майдюзарим ашаван — рад ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Рад ашаван — Майдюзам ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Патя Шҳим ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Аясрим ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Майдярим ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаванга ҳамданола, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Рад ашаванлар — йил илоҳларига ҳамданола, хушнудлик ва офаринлар булсин!

15

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ҳований теграсида будмиш уттиз уч рад ашаванлардан иборат ва энг олий Ашаҳ—Ҳақиқатга таалуқли булган; Мазда таълим бериб, Зардушт суйлаган рад-

ларга олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

16

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Завол билмас бузругвор ашаванлар Аҳура ва Меҳр; юлдузларни кашф айлаган Сипандмиину; фарриҳманда ва раюманда Тиштар юлдузи; сигир наслини (уругини) асрагувчи Ой; Аҳура Мазданинг Нигоҳи — учқур тулпорли Қуёш; буткул сарзаминларнинг шаҳриёри будмиш Меҳрға ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Фарриҳманда ва раюманда Ҳурмузд кунига ҳамданола, олқиш ва офаринлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаванлар ойи фравашийларига ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

17

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Сен, эй Аҳура Мазданинг углони Озар ва сиз, эй барча озарлар! Сизларга олқиш, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Эзгу сувлар ва Мазда яратган жамийки сувлар ва гиёҳларга ҳамданола, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

18

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Судманда варжованд мансараси; девларга қирон солгувчи низом — Зардушт низоми; энг антиқа равиш ва эзгу маздапарастлик динига ҳамданола, мақтов ва офаринлар булсин!

19

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Мазда бунёд айлаган, Ашаҳ — Ҳақиқатга осойишталик бахш этгувчи Ушийдарина тоғи; Ашаҳ — Ҳақиқатга осудалик инъом этгувчи Мазда яратган барча тоғлар; Мазда яратган каёний Фарр; Мазда халқ қилган буйинсунмас Фаррга ҳамданола, хушнудлик ва офаринлар булсин!



Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Эзгу Аша; эзгу Чиста, эзгу Ириси, эзгу Расастат, Фарр ва Мазда бунёд этган қазо ва қадарга ҳамд-санолар, олқиш ва мақтовлар булсин!

20

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаванинг эзгу алқови; мард ва пок ашаван, забардаст билаклар соҳиби Дамуйиш Упаманага ҳамд-санолар, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

21

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Бу мазгиллар, қишлоқлар, ййовлар, хонумонлар, шўх-шан жигалар, сувлар, заминлар, гиёҳлар; бу замин ва у осмон ва ашаван бод; юлдузлар, ой, қуёш; абдий Анийрон; Сипандмийну яратган жамийки мавжудот; рад ашавашлар ҳисобланмиш барча-барча ашаван эр-аёлларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва олқишлар булсин!

22

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Буюк ва бетимсол ашаванлар; кун, гоҳлар, ой, гаҳанборлар ва йилким ҳақиқий рад ашаванлардир, уларга ҳамд-сано, хушнудлик ва олқишлар булсин!

23

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Роспий:

Аҳура Мазда халқ қилган жанговар сиҳоҳди, қурқув билмас тан-мансара ва порсо Сурушга ҳамд-санолар, шодмонлик ва алқовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийсига ҳамд-санолар, шодмонлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Эй, Аҳура Мазданинг Озари, сенга шодмонлик, комронлик, фирузлик ва мақтовлар булсин!

24

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Ашаванларнинг забардаст ва фируз фравашийлариг; илк эътиқод ва иймондан сабоқ берган мураббийлар фравашийлари ва аждодлар фравашийларига ҳамд-санолар, шодмонлик ва олқишлар булсин!

25

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Барча рад ашаванларга ҳамд-сано, шодмонлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай тақдим қилурмиз:

Барча эзгулик уругини тарқатувчилар — мийну ва дунё нлоҳлари — Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг гузал одобларини башариятга ёйгувчиларга ҳамд-санолар, шодмонлик ва офаринлар булсин!

Амшосиландлар, комил хулқли шаҳриёрларни олқишлайман!

26

«Йинғи ҳотам...»¹⁰⁰: «Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида энг мақбул амалларни бажаргувчи зотларни билади. Мен ҳам шундай зотларниким, улар бор эдилар ва бундан кейин ҳам буладилар, номма-ном олқишлайман ва ҳамд-сано билан уларга яқин келаман...»

5-ДОТ

1

Завт:

Ниҳоят, Аҳура Маздани олқишлаймиз. Шаҳриёрдир, бузругвордир. Биз Уни мадҳ этамиз. Унинг зебо хилқатини куйлаймиз. У мумтоз олам ва Ашаҳ — Ҳақиқатни яратди. Сувлар ва эзгу гиёҳларни яратди. Еруглик, замин ва жамийки яхши нарсаарни ато айлади.

2

Унинг солиҳ амалли шаҳриёр ва бузругворларини энг мақбул алқовларимиз билан мадҳ этамиз. Улар оламни қуриқлайдилар, ҳифзу ҳимоят этадилар.

3

Уни, инчунин, пок аҳуравий ва мақбул маздовий исмлар воситасида олқишлаймиз.



Уни жону дилимиз билан олқишлаймиз.

Уни, ашаван мардлар ва ашаван аёллар фравашийларини мадҳ этамиз.

4

Шу жумладан, Ардабиҳишти мадҳ этамиз. У — энг зебо Амшосипанд, еруглик, бошдан-оёқ яхшиликдир.

5

Баҳман, Эзгу Шаҳриёвар, Эзгу Дин яхшилик тақдири, эзгу Сипандормазни мадҳ этамиз.

6

«Йинғи хотам...»

«Мазда Аҳура Ҳақиқат — Ашаҳ нурлари остида энг мақбул амалларни бажаргувчи зотларни билади. Мен ҳам шундай зотларниким, улар бор эдилар ва бундан кейин ҳам буладилар, номма-ном олқишлайман ва ҳамд-сано билан уларга яқин келаман».



45

6-ҶОТ

1

Дадар Аҳура Маздани олқишлаймиз. Амшосипандлар, эзгу ва солиҳ амалли Шаҳриёрларни мадҳ этамиз.

2

Гоҳларнинг ашаван илоҳлари — рад ашаванларни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Ҳований ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Саванғий ашаван, Вяся ашаванни олқишлаймиз.

Номдор илоҳ, минг қулоқли, ўн минг кузли, кенг яйловлар соҳиби Меҳрни олқишлаймиз.

Яхши яйловлар бағишлагувчи Ромни олқишлаймиз.

3

Рад ашаван — Раписвийн ашаванни мадҳ этамиз.

Рад ашаванлар — ашаван Фрадот Фшу ва Зантум ашаванни олқишлаймиз.

Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданинг уғлони Озарни олқишлаймиз.

4

Рад ашаван — Узойририн ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Фрадот Вийра ва Дажйум ашаванни мадҳ этамиз.

Буюк рад, олий шаҳриёр, учқур отли Алам Напатни олқишлаймиз.

Ашаван Мазда яратган ашаван суварни олқишлаймиз.

5

Рад ашаван — Авийсрусрям ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — покиза Фрадот Виспам ва Зардуштумни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг пок, забардаст ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз.

Уларнинг аҳли аёл ва фарзандларини олқишлаймиз.

Яйра Ҳушитийни олқишлаймиз.

Эзгу яратилмиш булган Амани олқишлаймиз.

Аҳура яратган Баҳромни олқишлаймиз.

Фируз Упарантни олқишлаймиз.

6

Рад ашаван — Ушоҳийн ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Бирижяҳ ва Нманях ашаванларни олқишлаймиз.

Оламларга саодат бағишлагувчи порсо Сурушни олқишлаймиз.

Энг ростгуй Рашнини олқишлаймиз.

Дунёларга кенглик бағишлагувчи, жаҳонпарвар Арштодни олқишлаймиз.

7

Рад ашаванлар — ашаван Ой илоҳларини олқишлаймиз.

Рад ашаван — Андармоҳ ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Пурмоҳ ва Вашаптаса ашаванларни олқишлаймиз.

8

Рад ашаванлар — гаҳанбор ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдюзарим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдюшам ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Патя Шҳим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Аясрим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдарим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — ашаван йил илоҳларини олқишлаймиз.

9

Барча-барча рад ашаванларни олқишлаймиз. Ҳований атрофида булмиш уттиз уч рад ашаванларни олқишлаймиз.

Улар Мазда таълим берган ва Зардушт суйлаган энг гузал Ҳақиқатга тааллуқлидирлар.

10

Завол билмас бузругвор ашаванлар — Аҳура ва Меҳрни олқишлаймиз.

Юлдузлар, Ой ва Қуёшни барсам гиёҳи билан олқишлаймиз.

Бутун сарзаминлар Шаҳриёри — Меҳрни олқишлаймиз.

Фарриҳманд ва раюманд Ҳурмузд кунни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийлари Ойини олқишлаймиз.

11

Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сени ва барча-барча озарларни олқишлаймиз.

Мазда яратган жамийки ашаван сувларни олқишлаймиз.

Мазда яратган барча ашаван гиёҳларни олқишлаймиз.

Ҳар нарсага яроқли варжованд мансарани олқишлаймиз.

12

Девларни забун этгувчи адолатни олқишлаймиз.

Зардуштнинг одиллигини олқишлаймиз.

Азалий нурни олқишлаймиз.

Эзгу маздапарастлик динини олқишлаймиз.

13

Ашаҳ — Ҳақиқатга осойиш бағишлагувчи Мазда яратган Ушийдарина тогини олқишлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқатга осудалик бахш айлагувчи барча тоғлар; гоятда мул осудалик бергувчи Мазда яратган ашаван, рад ашаванларни олқишлаймиз.

Мазда бунёд этган каёний Фаррни олқишлаймиз.

Мазда халқ қилган энгилмас ва фирӯз Фаррни мадҳ этамиз.

Эзгу Аша — қудрат бахш айлагувчи бузругворни олқишлаймиз.

Мазда кашф қилган Фаррни олқишлаймиз.

Мазданинг қазо ва қадарини олқишлаймиз.

14

Ашаванинг эзгу алқовини олқишлаймиз.

Пок, ҳалол ва мард ашаванни олқишлаймиз.

Забардаст билакли, ёвқур илоҳ Дамуиш Упаманани олқишлаймиз.

15

Сувлар, заминлар гиёҳларни олқишлаймиз.

Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз.

Қишлоқлар соҳиби Аҳура Маздани олқишлаймиз.

16

Энг буюк рад ашаванлар — кун, ой, Гаҳанборлар ва йил илоҳларини олқишлаймиз.

17

Завт ва Роспий:

Хурдод ва Амурдодни олқишлаймиз.

Хушвақтлик бағишлагувчи сутни олқишлаймиз.

Рад ашаван, оламларга фарогат ва кенглик бағишлагувчи қудратли порсо Сурушни олқишлаймиз.

Ҳавм ва праҳавми олқишлаймиз.

Ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийси ва қадарини олқишлаймиз.

Утин ва тутунни олқишлаймиз.

Эй, рад ашаван, Аҳура Мазданинг уғлони, ашаван Озар, сени олқишлаймиз!

19

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз.

20

Барча-барча ашаван илоҳларни олқишлаймиз.

Жамийки рад ашаванларни олқишлаймиз.

Рад Ҳований замони, рад Савангхий замони, рад Вися замони ва барча буюк радларни олқишлаймиз.



«Йингчи хотам...»

«Мазда Ахура Ҳақиқат — Ашаҳ нурлари остида энг мақбул амалларни бажаргувчи зотларни билади. Мен ҳам шундай зотларники, улар бор эдилар ва бундан кейин ҳам буладилар, номма-ном

олқишлайман ва ҳамд-сано билан уларга яқин келаман...»

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» — Завт мени ҳамд этади.

Завт:

Донишманд порсо дейди: «Асартуш ашот чийт ҳача...»

7-ҶОТ

1

Завт ва Роспий:

«Ашим вуҳув...»

Завт:

Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан Хурдод, Амурдодаг миязда хуруши ва хушвақтлик бағишлагувчи сут бергумдир. Ахура Мазда ва Амшосипандларга хушнудлик бўлсин! Оламларга саодат ва фарогат бағишлагувчи қудрат соҳиби порсо Сурушга хушнудлик бўлсин!

2

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳавм ва барсам келтиргумдир. Ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийсига хушнудлик бўлсин!

Ашаҳ — Ҳақиқат низоми билан утин ва тутун берурман. Ахура Мазданинг уғлони Озарга хушнудлик бўлсин!

3

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳавм бергумдир. Яхши суварлар, Мазда кашф этган энг покиза ва эзгу суварларга хушнудлик бўлсин!

Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан Ашаҳ — Ҳақиқат яратган Ҳазанаипата гиёҳини тақдим этаман.

Мазда кашф қилган суварларга хушнудлик бўлсин!

4

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан бергумдир барсам, завр ва Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан тайёрланган барсам белбогини. Амшосипандларга хушнудлик бўлсин!

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал хусусида сўз айтгумдир. Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан гоҳларга бергумдир. Ашаҳ — Ҳақиқат номидан эзгу адо этилгувчи илоҳий ҳукмига бергумдир. Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан узга дунё тириклигидан баҳрамандликка бергумдир — радлар писанд айлагувчи ибодат келтиргумдир. Мийну ва жаҳон илоҳларига хушнуд-

лик бўлсин. Уз руҳимга хушнудлик бўлсин!

5

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаванлар — гоҳлар илоҳларига бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаван — Ҳований ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаванлар Савангҳий, ашаван Всяга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат низоми билан кенг яйловлар соҳиби; минг қулоқли, ун минг нигоҳли, шаън-шавкатли илоҳ Меҳрга бағишлайман; яхши яйловлар бергувчи Ромга бағишлайман.

6

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Раписвийн ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Фшу ва Зантум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ардабиҳишт ва Ахура Мазданинг Озарига бағишлайман.

7

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Узойирийн ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Вийра ва Дахйум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонунияти билан бузругвор рад — Напат Апам ва Мазда яратган суварларга бағишлайман.

8

Ашаҳ — Ҳақиқат қонунияти билан рад ашаван — Авийсрурян ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Виспам ва Зардуштум ашаванга бағишлайман.



Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар, уларнинг аҳли аёл ва фарзандлари; Яйра Ҳумитий, эзгу яратилмиш Ама; Аҳура ато этган Баҳром ва фируз Апаратотга багишлайман.

9

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Ушоҳийн ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Бирижяҳ ва Нманяҳ ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан оламларга кенглик ва саодатмандлик багишлагувчи порсо Суруш; энг ҳақғуй Раши; даҳрга фирузмандлик багишловчи жаҳонпарвар Арштодга багишлайман.

10

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Ой илоҳлари; ашаван Андармоҳ — рад ашаван; Пурмоҳ ва Вайшпалтаса ашаван — рад ашаванларга багишлайман.

11

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — гаҳанбор илоҳлари ва рад ашаван — Майдюзарим ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Майдюшам ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Патя Шҳим ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Айсрим ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Майдярим ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаванга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — ашаван йил илоҳларига багишлайман.

12

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ҳований атрофида булган уттиз уч рад ашаванларга багишлайман. Улар Мазда тағлим берган ва Зардушт суйлаган энг олий Ҳақиқатга таалуқлидирлар.

13

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан завод билмас буюк ашаванлар — Аҳура ва Мехр; Сипандмийну яратган юлдузлар;

фарриҳманд ва раюманд Тиштар юлдузи; сигир наслини сақлагувчи Ой; Аҳура Мазданинг нигоҳи, учқур тулпорли Қуёш ва барча-барча сарзаминлар Шаҳриери — Мехрга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан раюманд ва фарриҳманд Ҳурмузд кунга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ашаванлар — фравашийлари Ойига багишлайман.

14

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан сенга багишлайман, эй Озар — Аҳура Мазданинг углони ва барча-барча озарлар!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан сизга багишлайман эй, яҳши сувар; Мазда яратган барча сувар; Мазда бунёд этган барча гиёҳлар!

15

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ҳар нарсага, ҳар бир юмушга яроқли булган варжованд мансараси; девларга қарши низом; зардуштий низоми; азалий ёруглик ва эзгу маздапарастлик динига багишлайман!

16

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ашаҳга осойишталик багишлагувчи, Мазда бунёд айлаган Ушийдарина тоғи; Ашаҳ — Ҳақиқатга осудалик бергувчи жамийки тоғлар; Мазда бунёд айлаган ва мул-кул фароғат бахшида этгувчи; Мазда халқ қилган Каёний Фарр ва Мазда яратган энгиб булмас Фаррга багишлайман!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан эзгу Аша; эзгу Чиста; эзгу Ирис; эзгу Расас-тат; Фарр ва Мазданинг қазою қадарига багишлайман.

17

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ашаваннинг самимий алқови; мард ва пок ашаван; қўрқмас ва забардаст илоҳ Дамуйиш Упаманана багишлайман!

18

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан бу мазгиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувақлар, сувар, заминлар, гиёҳлар; бу замин ва у осмон; ашаван бод; юлдузлар, ой, қуёш; абадий Анийрон, Сипандмийну яратган жамийки маъжудот; рад ашаванлар бўлиш эр ва аёл ашаванларга багишлайман!



Ҳавангоҳ чоги Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — кун, гоҳлар, ой ва Гаҳанбор радаларига багишлайман.

Завт ва Роспий: Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Хурдо, Амурдо ва хушнудлик бергувчи сутга миязд хурушини бахш этаман; қаттиқ уруш қуроли соҳиби булмиш тан-мансара, қўрқув билмас ашаван, аҳуравий Сурушга, ул шаън-шавкатли илоҳга хушнудлик булсин!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ҳавм ва праҳавм багишлайман. Шаън-шавкатли илоҳ, ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийсига хушнудлик булсин!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан утин ва тутун бахш этаман. Эй, шаън-шавкатли илоҳ, Аҳура Мазданинг Озари, сенга хушнудлик булсин!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ашаванларнинг қудратли ва фируз ашаванлари; илк дин мураббийларининг фравашийлари ва аҳо-аждодалар фравашийларига багишлайман!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан барча барча пок ва ҳалол радларга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан барча яхшилик аҳли; мийну ва жаҳон илоҳлари; улар энг яхши Ашаҳ — Ҳақиқатдирлар ва энг олий олқишларга муносибдирлар.

Завт ва Роспий:
«Ашим вуҳув...»

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Аҳура Маздани олқишловчига миязд хуруши; Хурдо ва Амурдо; хушвақтлик багишлагувчи сут, ҳавм ва праҳавм; утин ва тутун бахш айлағумдир.

«Ахуна Вайряҳ..»

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ҳузуримизга ошиқинг. У бахш айлағувчи суду зиендан ҳамма огоҳ булсин.*

Эй, Мазда Аҳурал

Сенга олқиш багишлагувчи пайгамбарлар деб ном олдик ва буни қабул айладик. Бизни динимиз оқибатидан огоҳ этдинг, шодмиз!

Сен бу қисматни бизга раво айладинг. Тириклигимизда — бу дунё ҳаётида ва мийну оламида сен ва Ардабиқишт билан абадий ҳамнишин булгаймиз.

«Яса аҳу вайрю...»

«Ахуна Вайряҳ..» ни олқишлаймиз.

Тугри сүзни олқишлаймиз.

Ашаваннинг самимий ҳамдини олқишлаймиз.

Забардаст ва қўрқмас илоҳ Дамуйиш Упаманани олқишлаймиз.

Хурдо ва Амурдоани олқишлаймиз.

Хушвақтлик багишлагувчи сутни олқишлаймиз.

Ҳавм ва барсамни олқишлаймиз.

Утин ва тутунни олқишлаймиз; мард ашаваннинг алқовларига алқов булсин!

«Йингҳи ҳотам...»

Роспий «Яса аҳу вайрю...»

«Завт»:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва мард донишманд.

8-ҶОТ

Тугри сүз, ашаваннинг эзгу дуоси, забардаст Дамуйиш Упамана, ҳавм ва мансара, ашаван Зардушт Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ҳузуримизга келади.

Роспий:

— Сиз, эй халойиқ! Бу мияздани тановул қилинг! Эй, ашаванларча ва мардонларча буни узига лойиқ кўрганлар!



* Бу икки жумла Аҳура Маздага тааллуқли бўлиб, олқишловчига қаратилган.

Завт:

— Эй, Амшосиландлар! Эй, маздапарастлик дини! Эй, эзгу илоҳлар! Эй, эзгу илоҳалар! Эй, сувлар! Эй, гиёҳлар! Эй, заврлар!

Кимда-ким маздапарастлар орасида булиб, узини маздапараст ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг яхши издоши билиб, аксинча, Ашаҳ — Ҳақиқат оламини жодугарлик воситасида вайрон этса, уни бизга курсатин!

4

Кимда-ки маздапарастлар орасида узидан суралган сузга жавоб айламаса, унга жодугарлик жазоси раво булгайдир.

«Ашим вуҳув...»

«Яса аху вайрю...»

5

— Эй, Аҳура Мазда!

Шоядки, уз мақсад ва мароминг билан яратганинг махлуқларга — сувлар, гиёҳлар, барча ашанаждо аждодларга шаҳриёрлик қилсан!

Шоядки, Ашаҳ — Ҳақиқатга қудрат ва тавонолик, дуружга нотавонлик бахш айласан!

Коми раво булсин Ашаҳ — Ҳақиқатнинг!

Ноком булсин дуруж!

Сипандмиёну оламидан тозалансин, нари кетсин, йўқолсин ва ноком булсин дуруж!

7

Энди мен — Зардушт — хонумонлар, қишлоқлар, шаҳарлар ва улкаларнинг раҳбарларига юзланай, токи улар аҳуравий ва зардуштий динига буйинсунсинлар; бу дин талабига қура сузласинлар ва амал қилсинлар!

8

Роспий:

Ашаҳ — Ҳақиқат оламига бошдан-оёқ осойишталик ва кенглик орзу қиламан.

Дуруж оламига саросар огирлик ва танглик тилайман.

«Ашим вуҳув...»

Ашаҳ — Ҳақиқатпарвар ҳавмга шодмонлик, хушнудлик, мақтов ва оқшилар булсин!

Завт менга дейди: «Яса аху вайрю...»

Роспий:

Завт менга дейди: «Яса аху вайрю...»

Завт:

Порсо ва мард донишманд дейди: «Асартуш ашот чийт ҳача...»



50

ЯСНА, 9—11-ҶОТ

(ҲАВМ ЯШТ)

9-ҶОТ

1

Ҳовангоҳ маҳали Зардушт олов атрофини тозалаб, оро берар ва гоҳларини куйлар эди: Ҳавм унинг ҳузурига келиб, узини намоён қилди.

Зардушт ундан суреди:

— Кимсан эй мард? Оловли ва абадий жонинг билан менинг кўзларимга энг гузал жисмингни намоён айладинг ва мен сени бу астуманда оламида кўриб турибман?

2

Шунда улимни узоқлаштирувчи ашаван Ҳавм менга жавоб берди:

— Менман уша улимни узоқлаштирувчи ашаван Ҳавм. Эй, Сипийтмон! Мени ахтар, қидириб топ ва менинг шарбатимни ол. Барча махлуқлар энг охириги на-

фасда мени олқишлаганлари каби сен ҳам мени ҳамд эт.

3

Зардушт унга деди:

— Ҳавмга олқишлар булсин! Эй, Ҳавм! Бу астуманда оламида инсонлар орасидан ким биринчи булиб сенинг шарбатингни олди? Унга нечук мукофот лойиқ топилди ва у қандай толега сазовор будди?

4

Шунда улимни узоқлаштирувчи ашаван Ҳавм менга жавоб берди:

— Йак бор астуманда оламида яшовчи инсонлар орасидан Вайвангхон¹⁰¹ мандан ичимлик олди. Бу шараф унга насиб этди ва у фарзанд соҳиби будди. Жамшид таваллуд топди. У — яхши сурувлар

соҳиби, одамлар орасида энг эътиборли, ҳур чеҳра. Жамшид уз шахриёрлигида жонварлар ва одамларни улим билмас, сувлар ва гиёҳларни қўрмайдиган ва емишларни мул-қул айлади.

5

Жасоратли Жамнинг шахриёрлиги замонидан на қаҳратон бор эди, на саратон; на кексалик бор эди, на улим, на девлар яратган рашк.* Ота-угил ҳар бири бир-бирига ун беш яшар навқирон бўлиб қўринарди.

Яхши сурувлар соҳиби жасоратли Жам Вайвангхон углони шахриёрлик қилган замонларда ана шундай эди.

6

— Эй, Ҳавм!

Астуманд оламда яшовчи инсонлардай иккинчи бўлиб ким сенинг сувингни олди? Унга қандай мукофот насиб айлади ва нима билан тақдирланди?

7

Шунда улимни узоқлаштиргувчи ашаван Ҳавм менга жавоб берди:

— Астуманд олами инсонлари орасидан иккинчи бўлиб Отбийн¹⁰⁷ мандан ичимлик олди. Бунинг эвазига унга фарзанд насиб айлади. У — Фаридун...¹⁰⁸

У уч огиз, уч калла, олти кўз, минг бир хийла-тадбирли Ажи Даҳокни мағлуб айлади.

8

Уша жуда зўр дуруж — девни; уша оламини майиб қилгувчи дурванд; уша — астуманд оламини ва Ашаҳ — Ҳақиқатни йўқ қилиб ташлаш учун Аҳриман бунёд айлаган ёвуз қудратни Фаридун яқсон қилди.

9

— Эй, Ҳавм!

Астуманд оламида яшовчи инсонлардан учинчи бўлиб ким сенинг сувингни олди? Унга қандай мукофот насиб айлади ва у нима билан тақдирланди?

10

Шунда улимни узоқлаштиргувчи ашаван Ҳавм жавоб берди:

— Астуманд оламида яшовчи инсонлар орасидан учинчи бўлиб Сом¹⁰⁹ хонадонининг энг қудратли намояндаси Атрак менинг сувинни олди. Бунинг эвазига у шуқудманда ва олий саодат соҳиби икки углон билан тақдирланди. Бири — Урувахшая¹⁰⁵, иккинчиси — Гаршасп. Бири — адолатни устувор айлагувчи Ҳакам; иккинчиси забардаст, тик соч гурзибардор...

11

Ким у шоҳдор аждаҳони ўлдирди...

Кун ярмида Гаршасп темир учоқда аждаҳонинг курагида овқат пишироқда эди. Иссиқлик таъсир қилган тубанкор аждаҳо қаттиқ қалқди ва учоқдаги қайноқ сув пароканда бўлди. Гаршасп Наримон эпчиллик билан узини бир четга олди.

12

— Эй, Ҳавм!

Астуманд оламида яшовчи инсонлар орасидан туртинчи бўлиб кимга сенинг шарбатинг муяссар бўлди?

Бунинг эвазига у нечук мукофотга сазовор бўлди ва нечук тақдирланди?

13

Шунда улимни узоқлаштиргувчи ашаван Ҳавм менга жавоб берди:

— Замин инсонлари орасидан туртинчилардан бўлиб Пурушаспа¹⁰⁶ менинг шарбатимга ноил бўлди. Бу ҳолнинг мукофоти улароқ сен унинг хонадонидан дунё саҳнига оёқ қўйдинг.

Эй, девлар душмани; Эй, Пурушаспа оиласидан бўлган Аҳура динининг пайрави покиза Зардушт!

14

— Эй, номи улуг Зардушт! Сен Ййрон Вийжда¹⁰⁷ илк бор «Аҳуна вайрях...» дуосини гоёт хуш овозда турт карра куйладинг. Дуонинг ярмини баланд овозда адо этдинг.

15

— Эй, Зардушт! Эй, қудратлилардан қудратлироқ, эй, ботиралардан ботирроқ, эй, эпчиллардан эпчилроқ, сен икки жаҳон саодатига ноил бўлдинг!

Сен бундан бурун ер юзидан одамлар



51

* Ушбу тавсифни «Авесто»да бир неча ўринда учратиш мумкин. Бироқ баъзи ўринларда «рашк» ўрнига «ирк, кир, ифослик каби сифатлар ҳам қўлланмаган.

каби яшаб юрган девларни ер остига киритиб юбордин!

16

Шунда Зардушт деди:

— Ҳавмга олқишлар булсин! Эзгу ҳавм энг яхши мавжудот булган Ҳавм; ҳаққоний яратилган Ҳавм; гоят дармонбахш; заррин ва мулоим шохли Ҳавм; руҳу равонга шифо ва қудрат бахш айлагувчи!

17

— Эй, заррин Ҳавм!

Сенинг сархушлигингни ҳузуримга чорлайман. Жасурлик, дармон, баракот, юксаклик, тан қудрати ва ҳар нечук фарзоналикни бу ерга чорлайман.

Сени ҳузуримга чорлайман, токи муродлари ҳосил шаҳриёр, жангларда музаффар ва дуружга барҳам бергувчилар каби яратгувчилар сафига қушилсам.

18

Сени ҳузуримга чорлайман, токи барча ёмонлик истовчилар кирдикорини нест айлай; хоҳ улар девлар булсин, хоҳ дурванд одамлар булсинлар; хоҳ золимлар булсинлар, хоҳ кавайлар¹⁰⁸ е караплар¹⁰⁹; хоҳ ту-банкорлар булсинлар, хоҳ икки оёқли ашмуғлар¹¹⁰ ва турт оёқли буриллар; хоҳ макр билан от сурувчи душманлар булсин.

19

— Эй, улимни узоқлаштиргувчи Ҳавм! Мен сендан илк бахшишни истайман: Ашаванларнинг олий тириклиги — ҳар нечук осойишталиклар макони булган ёрут биҳиштни муяссар айла!

— Эй, улимни узоқлаштиргувчи Ҳавм! Ушбу иккинчи бахшишни истайман: Менинг танамга саломатлик бахш айла.

— Эй, улимни узоқлаштиргувчи Ҳавм! Ушбу учинчи бахшишни истайман:

Менинг жонимга узоқ ҳаёт бахшида қилгил!

20

— Эй, улимни узоқлаштиргувчи Ҳавм! Ушбу тўртинчи бахшишни истайман: Шундай қилки, менинг муродим ҳосил булсин ва ер юзига жасур, шодмон ҳолатда оёқ қўяй. Дуруж фитналарига ва хуржуларига барҳам берай.

— Эй, улимни узоқлаштиргувчи Ҳавм! Ушбу бешинчи бахшишни истайман: Шундай қилки, мен ер юзига бахтли ва жангларни йўқ қилгувчи бўлиб кириб келайин ҳамда дуруж кутқуларига, фирибу фитналарига шикаст етказай!

21

— Эй, улимни узоқлаштиргувчи Ҳавм! Ушбу олтинчи бахшишни сендан истайман:

Шундай қилки, биз биринчи бўлиб, горагтар, йултусар қароқчи ва буриллар тажовузидан огоҳ бўлайлик. Ҳеч ким биздан бурун улардан воқиф булолмасин.

22

Ҳавм тулпор сағрида учгувчи жасоратлиларга куч-қудрат бахш айлади.

Ҳавм ҳомилали аёлларга машҳур уғлонлар ва ашаван фарзандлар беради.

Ҳавм дилҳоҳлик билан наск (китоб) мутолаа қилганларга поклик ва фарзоналик бағишлайди.

23

Ҳавм эрга чиқолмаган болигаларни улар уни истемол қилганлари заҳоти майл пайдо қилсалар вафодор эрга муяссар этади.

24

Кирсонийни¹¹¹ шаҳриёрликдан маҳрум айлаган ҳам Ҳавм эди. Кирсоний ўз шаҳриёрлигидан масрур шундай нола чекади: «Бундан буён отурбон — тараққиёт йулини тўсгувчи ва уни ман қилгувчи — ўз динини ёймоқ учун менинг сарзаминимга оёқ босолмайди!»

25

— Эй, Ҳавм!

Рузгоринг обод булсин, сен ўз қудратинг билан саодатли шаҳриёрсан!

Рузгоринг обод булсин, сенинг зиёда чин сузларинг бор!

Рузгоринг обод булсин, сен жамийки чин сузлар суровидан бениёсан!

26

Мазда илк бор ўз дини тузган мийнувий юлдузлар каби белбоғни сенга муносиб курди.

Шундан буён камар белинга, тоғлар кифтида мансарага паноҳсен.

27

— Эй, Ҳавм! Эй, Хожакудо! Эй, Деххудо! Эй, Шаҳрбон! Эй, Шаҳриёр! Эй, поклик ва фарзоналикда бирламчи!

Қудрат, фирузлик, қушойиш ва халоскорлик бағишлагувчисен, эй Ҳавм! Сени ўз вужудимга чорлайман.



28

Мени ҳасадгуйларнинг ҳасададан ўз паноҳингда асрагайсан!

Қаҳр-газаб соҳибларини бизлардан арит!

Кимда-ким бу уйга, бу қишлоққа, бу шаҳар ва бу улкага зарар еткурғидек бўлса, унинг оёқларидан қувватни мосуво, икки қулғини хар ва бад ниятларини паришон қил!

29

Кимки бизнинг аъмолимиз ва жисми-мизга нисбатан ҳасадгуйлик қилса, ҳар икки оёғидан жудо бўлсин, икки қули ҳаракатдан тинчисин ва икки нигоҳ билан заминни мавжудотни кўрмоқдан маҳрум бўлсин!

30

— Эй, заррин Ҳавм!

Ашаван жисмини нобуд қилгувчи сариқ тусли, даҳшатли ва заҳарли аждаҳони ўз вужудинг билан қайтар!

— Эй, Олтин Ҳавм!

Ашаван жисмини нобуд қилгувчи нобакор қароқчи, қонхур ва озор бергувчи ни кураш билан мағлуб қил!

31

— Эй, заррин Ҳавм!

Ашаван жисмини нобуд қилгувчи ситамкор дурвандни жанг билан яксон айла!

— Эй, Олтин Ҳавм!

Ашаван жисмини хор қилгувчи, Мазда динидан огоҳ бўлса-да унга буйинсунмас, тирикликни тубанлаштирувчи нопок ашмугни сарнигун қил!

32

— Эй, заррин Ҳавм!

Ашаван жисмини нобуд айлагувчи, гуноҳкорларни ўз паноҳида асрагувчи ва аъмоли шамол таъсирида қалқиб турган булутга ухшаш жодугар хотиндан узинг асра!

— Эй, Олтин Ҳавм!

Ашаван жисмини нобуд қилгувчи ҳар нечук кимсадан паноҳ бўл!



53

10-ЎҚОТ

1

Девлар ва мода девлар, бу ердан даф бўлинг!

Олийжаноб Суруш бу енга келсин!

Олийжаноб Аша бу ерда қолсин!

Олийжаноб Аша Аҳура ва Ашаҳ — Ҳақиқатпарвар Ҳавм булган бу хонумон-да ором олсин!

2

— Эй, донишманд!

Мен бож¹¹¹ билан ҳавм новдаларини ўзига жо этган ва илгорлик бағишлагувчи ҳованингни олқиш этаман!

— Эй, донишманд!

Мен бож билан ҳавм новдаларини мардоналик билан ўзига олган ва юксаклик бағишлагувчи ҳованингни мадҳ этаман!

3

— Эй, Ҳавм!

Мен сенинг жисмингни тоғлар бошида ундиргувчи булут ва ёмғирларни олқишлайман!

Мен сени ундирган тоғ чуққиларини олқишлайман!

4

— Эй, пок Ҳавм!

Мен сени ўз бағрида ундирган серҳосил ва кенг заминни олқишлайман!

Мен сени гиёҳлар паҳлавони, хушбуй, олийжаноб Мазда гиёҳи қилиб устирган сарзаминни олқишлайман!

— Эй, Ҳавм!

Тоғлар чуққисиди униб-ус ва ҳамма ерда шоду хуррам бўл!

Шубҳасиз, сен Ашаҳ — Ҳақиқат сарчашмасисан!

5

Роспий:

— Эй, Ҳавм!

Менинг божим туфайли илдиэларинг, тананг ва шоҳларинг билан хуш бўл!

6

Завт:

— Агар олқиш айласалар Ҳавм эиғада булгай!

Ҳавмин тараннум қилган одам саодатли булгай!

Ҳавмининг бир сиқими; Ҳавмининг

бирозгина мақтов; ҳавмнинг бир қатраси минг девки ҳалок этмакка қодирдир.

7

Қайси хонадонга Ҳавм келтирсалар, унга багишланган қушиқни куйласалар, унинг чорабахш ва эзгуликларини олқиш этсалар, уша хонадондаги ҳар нечук иф-лослик ва залолат нобуд бўлади.

8

— Дарҳақиқат, қолган барча майллар қонли газабни қўзгайдилар. Бироқ ёлғиз Ҳавм майи Ашаҳ — Ҳақиқат одобини беради ва унинг сархушиги танга қувватдир.

Қай бир халқ Ҳавмни гудак каби наво-зиш қилсалар, Ҳавм уларга мадад қўлини чўзади ва уларнинг танларига дармон бахш айлайди.

9

— Эй, Ҳавм!

Менга дармон багишлагувчи дармон-ларингдан бахш айла!

— Эй, Ҳавм! Сен ўзинг душманларинг-га шикаст бергувчи қудратингдан менга ҳам бахш эт!

Сенинг дустинг ва олқишловчинг бўлишни истайман.

Дадар Аҳура Мазда ёлғиз дуст ва олқишловчини эъзолагай, чунончи, Арда-биҳиштни эҳтиром этгани каби.

10

Сенга, эй жасорат соҳиби, яратгувчи Мазданинг ўзи ҳунар ургатди.

Сенга, эй мардлик соҳиби, яратгувчи Мазданинг ўзи Албурз тоғида ҳунар ургатди.

11

Шунда бир синалган покиза қуш сени чор атрофга — Упойрий саина тоғи¹¹ чуққиларига; Старусара тоғи¹² баландли-ларига; Кусрупата тоғи¹³ этакларига; Вийш паса¹⁴ тоғи атрофи ва Спийта гуна тоғи¹⁵ ён-бағрига ёйиб юборди.

12

Шундан сунг, бу тоғлар бағрида сер-шира, хилма-хил ва тилларанг бўлиб, нашо нам топасан.

— Эй, Ҳавм!

Сенинг дармонларинг Баҳман хуш-ли-га пайвастандир.

Ниҳоят, эгри ниятни мenden қайтар ва нобуд айла. У мен билан доимо курашда.

13

Ҳавмни олқишлайман, у дарвиш ва та-вонгарнинг ниятини улуг қилади.

Ҳавмни олқишлайман, у дарвининг орзусига шу қадар улугворлик бахш эта-дики, у ўз ниятига етади.

— Эй, сутга ийланган олтин Ҳавм!

Сендан баҳра топганларга куплаб углонлар насиб этасан, уни покроқ ва фарзонроқ қиласан.

14

Ҳавм шарбатини ичганлар кўнгиллари-га қараб гав дарфаш¹¹ каби тебранмас-ликлари лозим.

Сендан сархуш бўлганлар зиндади-ларча олга бормоқлари, эпчил, қудратли бўлмоқлари лозим, эй ашаван Ҳавм, эй, ашаҳпарвар!

Мен ўз масрур вужудимни багишлайман.

15

Отурбон ва Ҳавмни ҳийла билан йулдан огдирмоқчи бўлган хирадсиз но-бакор хотинни ночиз деб биламан. Зеро, унинг ўзи йулдан озгандир ва нобуд бўлгуси.

Ҳавмга назр қилинган таомларни та-новул қилган одамга яхши, отурбон фар-зандлар ато қилади.

16

Беш нарсага богланганман. Беш нарса-дан чекинганман.

Эзгу фикрга богланганман. Ёвуз фикр-дан чекинганман.

Эзгу каломга богланганман. Ёвуз ка-ломдан чекинганман.

Эзгу амалга богланганман. Ёвуз фикр-дан чекинганман.

Бўйинсунгувчига богланганман. Бўйин тоблагувчидан чекинганман.

Ашаҳ — Ҳақиқатга богланганман. Ду-руждан чекинганман.

Икки мийнунинг энг сунгги кураши бош кутарадиган қиёмат кунига қадар шундайман.

17

Шунда Зардушт деди:

— Мазда яратган Ҳавмга саломлар бўлсин!

Мазда яратган Ҳавм олийжанобдир.



54

Ҳавмга саломлар!
Барча ҳавмларни олқишлаймиз!
Сени кумуш таштдан¹¹ олтин таштга
суйман.
Сени ерга тукмайман, зеро муқаддас
ва аржумандсан.

18

Хоҳ улар тоғ чуққилирида уссинлар,
хоҳ даралар тубида; хоҳ дарё соҳиллари-
да.

Биз тангликда ва хотинлар бандида*
булган Ҳавмларни-да олқишлаймиз.

Будир сенинг қушиқларинг, Эй Ҳавм!

Будир сенинг олқишларинг!

Будир сенинг саломинг!

Будир ҳақлик ва фирузлик бағишла-
гувчи, душманлар қошида дармон ва чо-
ра бағишлагувчи Ашаҳ — Ҳақиқат сўзла-
ри.

19

Булар бари сенингдир, аммо менга се-
нинг сархушлигинг шитоб билан етиб кел-
гай.

Ёруглик билан етгайдир сенинг сар-
хушлигинг.

Қувват бағишлагай сенинг сархушли-
гинг.
Уша саодатли зот ушбу каломлар би-
лан сенинг ҳақингда қушиқлар куйла-
гай.

20

Оламга қудрат бахшида булсин!
Оламга олқишлар булсин!
Самимий сўзлар оламга булсин!
Бахт-саодат оламга булсин!
Фаровонлик булсин оламга!
Олам обод булсин!
«Олам ободлиги учун гайрат курсат-
моқ лозим, уни яхшилиқ билан асрамоқ
ва ёруглик сари элтмоқ керак».**

21

Олтин баргли Ҳавмни олқишлаймиз.
Оламларга кенглик бағишлагувчи
Ҳавмни олқишлаймиз.

Улимни узоқлаштиргувчи Ҳавмни
олқишлаймиз.

Барча Ҳавмларни олқишлаймиз.

Ниҳоят ашаван Сипийтмон Зардушт
фравашийсини олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»



55

11-ҶОТ

1

Рослий:

— Бегумон учлик поклар — сигир, от
ва Ҳавм нафрат уқийдилар.

Сигирнинг завтга нафрати:

— Мен пишиб етилган паллада ҳожат-
мандларга бермай, уз хотин, фарзанд ва
қорнингни уйласанг, фарзандлардан ай-
рилиб, бадномликка дучор булгайсан.

2

Отнинг суворага нафрати:

Тулпорларни жиловлash насиб қилма-
син; отларга миниш муяссар бўлмасин;
айгирларга эгар урмоққа етмасин, эй ул-
ким, уз қудратини мардлар анжумани
булмиш асприйсда¹⁷ курсатмас экан.

3

Ҳавмнинг ичгувчига нафрати:

Фарзандларидан жудо бўлиб, бадном-

ликка дучор булсин, улким, менинг шар-
батимни «арзон улим»га маҳкум уғридек
сақласа. Мен «улимни узоқлаштиргувчи
Ҳавм» эрурман. Ҳеч замонда мен «арзон
улим»¹² эмасман.

Ашаванлар падади Аҳура Мазда
мен — Ҳавмга қурбонликка келтирилган
қўйнинг икки қулоқ, тили ва чап кўзини
тақдим қилди.¹³

5

Кимда-ким менга келтирилган ушбу
қурбонликнинг икки қулоғи, тил ва чап
кўзидан бир пора ёхуд бир бурдасини ол-
са...

6

...унинг хонадонида отурбон¹⁴, артиш-
тар (лашкар, сипоҳ) ва деҳқон туғилма-
син. Унинг хонадонида даҳақалар,¹⁵ мав-
рақлар¹⁶, хилма-хил варшаналар¹⁷ таваллуд
топсин.

* Бу уринда эгалар териб, оморларда асрагувчи ҳавм ҳақнда сўз бормоқда.

** Ҳоҳ, 48-хона, 9-банд.

*** Қўй аъзоларини фаршталар ва моҳларга тақдими қилниш анъанаси зардуштийларнинг машҳур расм-рўсуумларидан бири бўлиб, Ҳавм бу муқтда шу ҳолисига ишора қилмапти.

Зудлик билан жасоратли Ҳавмга гушт тақдим айла, токи ер қаърида,* темир деворлар орасида яшовчи Афросиёбни¹⁴ бир зарбада занжирбанд қилгани каби, сени ҳам банди этмасин.

8

Шунда Зардушт деди:
— Мазда яратган Ҳавмга саломлар булсин!
Мазда бунёд айлаган Ҳавм эзгудир!
Ҳавмга олқишлар!

9

Роспий:
Бизники бирдан зиёд эмас, аммо сизники бир ҳисса, икки ҳисса, уч ҳисса, тўрт ҳисса, беш ҳисса, олти ҳисса, етти ҳисса, саккиз ҳисса, тўққиз ҳисса, ун ҳисса кудир.**

10

Завт:
— Эй, ашаван Ҳавм, эй ҳақиқатпарвар!

Парвариш топган вужудимни сенга бахшида қиламан. Эй, Ҳавм, сенинг туфайли сархушлик, яхшилик ва поклик бизга муяссар булгуси!

Эй, улимни узоқлаштиргувчи ашаван Ҳавм!

Ашаванларнинг энг олий тириклиги — барча осойишлар макони ёруғ биҳиштни менга насиб айла!

11

«Ашим вуҳув...»

Роспий:

«Ашим вуҳув...»

12

Завт:

— «Ашим вуҳув...»

«Яса аҳу вайрю...»

— Эй, Аҳура Мазда!»

Қошки эди уз истак-хоҳишинг билан яратган мавжудотларинг — сувлар, гиёҳлар ва барча-барча ашаваннажод солиҳларга Шаҳриёрлик қилсанг!

Қошки эди Ашаҳ — Ҳақиқатга тавонолик ва дуржга нотавонлик бахш айласанг!

13

Ашаҳ — Ҳақиқатнинг мақсуди ушалгай!

Дуружнинг нияти барбод булгай!
Сипандмиёну хилқатидан учсин, даф булсин, йўқолсин ва ноком булсин дуруж!

14

Ниҳоят мен — Зардушт — хонумонлар, қишлоқлар, улкалар бошлиқларини оёққа турғизаман, токи аҳуравий, зардуштий дини билан фикр қилсинлар, суйласинлар ва амал қилсинлар!

15

Роспий:
Ашаҳ — Ҳақиқат оламига саросар кенглик ва осойишталик орзу қиламан.
Дуруж оламига танглик ва душворлик орзу қиламан!

16

«Ашим вуҳув...»

Мен маздапараст, зардуштий, девларга қарши аҳуравий булишни истайман.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга хушнудлик, олқиш ва мақтовлар булсин!

Рад ашаванлар — Савангҳий ашаван, Вяся ашаванга олқиш, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Қун ва гоҳлар, ой, гаҳанбор ва йил радларига олқиш, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва донишманд.

17

Завт ва Роспий:

«Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман!»

Ният, сўз ва амаллар ичидан мен эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман.

Мен барча қабиҳ андиша, қабиҳ сўз ва қабиҳ амалдан юз бураман.

18

— Эй, Амшосипандлар!

Мен барча олқиш ва мақтовларимни бор ният, сўз, амалимни тану жоним билан сизларга бағишлайман.

Мен Ашаҳ — Ҳақиқат намозини адо этаман.

«Ашим вуҳув...»



* Маздапарастлар аҳдасига ҳура, замин уч ҳисман иборатлар.

** Эҳтилол бу ўрнида одамга кирдорлари учун берилгучи жазо ёхуд мухофот ҳаққа сўз бораётган.

1

Завт:

Девларни лаънатлайман.

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани, ахуравий булишни истайман.

Мен Амшосипандларни олқишловчи ва ардоқлагувчиман.

Ул эзгу Ахура Мазда — ул эзгу Илоҳ, ул раюманда ва фарриҳманда ашаванни барча эзгуликларга сазовор деб биламан. Неки унингдир эзгудир! Олам унингдир! Ашаҳ — Ҳақиқат унингдир! Ёруглик ундандир! Фарогат ундандирким, бутун борлиқ шодмонлик либосини кийгандир!

2

Эзгу Сипандормазни танлайман.

Шоядки у менинг булса.

Мен уғрилиқ, тевааларни горат айламакни тарк айлайман.

Мен маздапарастлар ватани бўлмиш қишлоқларга зиён ва вайронагарчилик етказишдан бош тортаман.

3

Мен уз чорполари билан бу заминда яшагувчиларнинг эмин-эркин борди-келди қилишлари; уй ва кошоналарида озод яшамоқларини истайман.

Тайёрланган завр суви ҳузурида Ашаҳ — Ҳақиқат намозини адо этарканман озодликни мадҳ этаман.

Бундан сунг, маздапарастлар маконига зиён етказмайман, уни вайрон қилишга қўл урмайман ва ҳеч кимнинг жону танига қасд қилмайман.

4

Ашаван булмаган гуноҳкор ва тубанкор, ёмонлик қўли билан яратилган, дурж бунёд айлаган, хилқати бадлик ва паллидлик булмиш девлардан юз бураман.

Девлар ва девпарастлардан узоқлашаман.

Жоду ва жодупарастлардан узоқлашаман.

Зараркунанда хилқатлардан йироқлашаман; уларнинг андишасидан, сузларидан, амалларидан ва ҳар неки уларга мансубдир узоқлашаман.

Шунингдек, озор бергувчи ҳар бир дурванддан юз бураман.

5

Ахура Мазда барча мулоқот ва барча анжуманларда Зардуштга таълим бергани каби, Мазда ва Ахура суйлашгани каби.

6

Зардушт барча мулоқот ва анжуманларда девлардан алоқани узганидек, Мазда Ахура сузлашгани каби.

Инчунин, мен ҳам — бир маздапараст ва зардуштийман — барча девлардан чекинаман, юз бураман. Ашаван Зардушт улардан пайванд узганидек мен ҳам узоқлашаман.

7

Шу ишонч билан сувларни, шу ишонч билан гиёҳларни, шу ишонч билан яхши чорполарни, шу ишонч билан Ахура Мазда оламини яратди.

Мард ашаванни халқ айлади; шу ишончким Зардуштда эди; шу ишончким Кай Гуштаспда эди; шу ишончким Фарашвтариди эди ва Жомоспда¹⁷ эди; шу ишончким ҳар бир ашаваннинг хатти-ҳаракатида зоҳирдир, мен ҳам шу ишонч билан маздапарастман!

8

Мен маздапараст, зардуштий булмоқни истайман. Мен бу динга боғланганман, унга ишонаман. Мен эзгу ният билан ният қилмоқ, эзгу суз билан сузламоқ ва эзгу амал билан амал қилмоққа розиман.

Мен жанг-жадалларни, уруш аслаҳаларини бартариф айлаб, қариндошлик ришталарини пайванд қилмоққа фармон бергувчи маздапарастлик динига ишонаман. Бу пок дин ҳозирги ва келажак динлар орасида энг буюк, энг олий ва энг гузал диндир. Ахуравий, зардуштий дини.

Барча-барча яхшиликлар Ахура Маздага хосдир.

Шундайдир маздапарастлик динига ишонч ва истак.



13-ҶОТ

1

Завт:

Аҳура Маздани хонахудо рад, деҳхудо рад, шаҳрбон рад ва шаҳриёр рад деб биламан.

Маздапарастлар дини, эзгу Аша ва Пориндий¹⁸, уша ашаван аёл ва бизни бағрига олгувчи бу заминни аёллар ради деб ҳисоблайман.

2

Аҳура Мазданинг Озарини азиз дуст ва эҳсонбахш биродар деб биламан.

Мард ашаванлар орасида энг ганжли ва фойдали деб деҳқончиликни, рад деҳқонни ва тевалпарварларни биламан.

Ашаҳ — Ҳақиқат қудратига соҳиб булганларни Артштар рад деб биламан.

3

Маздапарастлар динидан теран огоҳ зотларни отурбон рад деб биламан.

Уларга таълим берган устозларини ҳам рад деб атайман ва радлик билан пойдор тутаман; барча-барчадан доно, турги суз, мадақор ва донишманд Амшосипандлар ҳамда Сушентларни¹⁹.

Маздапарастлар динининг соҳиби қудратини отурбон, артштар, деҳқон ва тевалпарвар деб биламан.

Эй, Амшосипандлар! Эй, эзгу ниятли шаҳриёрлар!

Тану жонимни сизларга тақдим этаман.

Роспий:

Икки мийну андиша қилгани каби,

улар айтганлари каби ва улар қилганлари каби.*

5

— Сен, эй Аҳура Мазда, неки эзгудир андиша қилдинг, олдинг ва ижро этдинг. Инчунин, сенга тақдим айлaimиз. Инчунин, сени сазовор деб биламиз.

Инчунин, сени олқишлаймиз. Инчунин, сенга намоз келтирамиз. Инчунин, сенга сигинамиз, эй Аҳура Мазда.

6

Завт:

— Эй, Аҳура!

Узимнинг эзгу назру ниёзим билан, эзгу Ҳақиқат — Ашаҳ, эзгу Аша, эзгу Ормаитий билан сенинг ҳузурингга келаман.

7

Эзгу ниятли сигир фравашийси ва ашаван Каюмартни¹⁰ олқишлайман.

«...Йингҳи хотам...»

Завт ва Роспий:

«...Яса аҳу вайрю...»

«...Ашим вуҳув...»

8

«...Аҳуна Вайрях...» ни олқишлайман. Энг гузал Амшосипанд Ардабиҳиштни олқишлайман.

Мақсадим булмиш хотни** олқишлайман.

Маздапарастлар динига истақ ва олқишларни мадҳ этаман.

«...Йингҳи хотам...»



58

14-ҶОТ

1

Завт:

— Эй, Амшосипандлар!

Сизларга Завт, олқишловчи, куйловчи, ардоқловчи булишга ҳозирман.

2

Энди сизларни олқишлаймиз ва ардоқлаймиз Амшосипандлар! Бутун тан ва жонимизни сизларга бахшида қиламиз.

3

Бу завр ва барсам билан жамийки ашаван илоҳларни олқишламоқ истаيمان. Барча рад ашаванларни мадҳ этмоқни истаيمان. Рад Ҳований пайтидир; рад Савангҳий ва Вяся пайтидир; барча буюк радлар пайтидир.

4

Завт ва Роспий:

Маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканимдан розиман.

* 10-Ясмининг 16-бандига ишора.

** 12-Яснага ишора.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга олқиш ва саломлар, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Рад ашаванлар — Савангҳий, Вся ашаванларга олқиш ва саломлар, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Кун ва гоҳлар, ой, гаҳанбор ва йил радларига олқиш ва саломлар, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

5

Завт:

«...Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт. Роспий:

«...Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«...Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо донишманд.

15-ҶОТ

1

Завт ургатгани каби эзгу олқиш ва саломлар билан муътабар Амшосипандларни гузал номлари воситасида қўшимча чорлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқатнинг эзгу дини — маздапарастлар динини олқишлайман.

2

Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида энг олий амалларни бажарувчи зотларни билади.

Мен ҳам шундай зотларни — улар бордирлар ва буладилар — номма-ном олқишлайман ва саломлар билан уларга ёвуқ келаман.*

Эзгу оламнинг шаҳриёри — Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари билан барча умид ва армонларни рўёбга чиқарувчи — ушал зотга

насиб қилгайким самимий қалб билан энг гузал амалларни адо айлаяжак.**

3

Шояки, бу ерда Аҳура Мазданинг олқиши — бизлар сигинувчи энг буюк ашаваннинг ҳамда-саноси пойдор ва абдий булса. Ибтидода ва интиҳода ҳам.

Шундай қилиб, бу ерда Аҳура Мазданинг олқиши — бизлар юкингувчи энг буюк ашаваннинг — ҳамда-саноси пойдор ва умрбоқий булса.

4

«...Яса аҳу вайрю...» отарвахш⁽¹⁾ менга дейди.

«...Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди мард ва порсо донишманд.



59

16-ҶОТ

1

Ашаван Аҳура Мазда, рад ашаван, олий аъмоли буюк илоҳ, оламларга кенглик бағишловчи қудрат соҳиби, эзгу хилқат парвардигорни шарафлаймиз!

Тақдим этилгувчи бу завр ва рост сўзлар билан ҳар бир мийну илоҳларини олқишлаймиз!

2

Ашаван Зардушт рад ашаванни шарафлаймиз!

Тақдим этилгувчи бу завр ва чин сўзлар билан ҳар бир олам шоҳларини ардоқлаймиз!

Ашаван Зардушт фравашийсини шарафлаймиз!

Зардушт қушиқларини шарафлаймиз!

Зардушт динини шарафлаймиз!

Зардушт дини ва эътиқодини ардоқлаймиз! Зардушт узга ҳаётни истайди ва Ашаҳ — Ҳақиқатга орзуманд!

3

Оламда илк карра яратилган ашаванларни олқишлаймиз.

Раюманд ва фарриҳманд, дадар Аҳура Маздани шарафлаймиз!

Баҳманни олқишлаймиз. Ардабиҳиштни олқишлаймиз. Шаҳриёварни олқишлаймиз. Эзгу Сипандормазни олқишлаймиз. Хурдодни олқишлаймиз. Амураодни олқишлаймиз.

* Гоҳ, 51-Ясна, 22-банд.

** Уша жойда, 1-банд.

Яратгучи Аҳура Маздани шарафлаймиз.

Аҳура Мазданинг уғлони Озарни шарафлаймиз.

Ашаван Мазда яратган эзгу сувларни шарафлаймиз.

Учқур тулпорли Қуёшни олқишлаймиз.

Сигир уругини узид асрагучи Ойни олқишлаймиз.

Раюман ва фарриҳманда Тиштар юдузини шарафлаймиз.

Эзгу ниятли Гушварванни шарафлаймиз.

5

Яратгучи Аҳура Маздани шарафлаймиз.

Кенг яйловли Меҳрни шарафлаймиз.

Порсо Сурушни олқишлаймиз.

Энг тўғри Рашинни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг эзгу, ҳудратли ва пок фравашийларини шарафлаймиз.

Аҳура яратган Баҳромни олқишлаймиз.

Яхши яйловлар багишлагучи Ромни мадҳ этамиз.

Эзгу ниятли Бодни¹ олқишлаймиз.

6

Яратгучи Аҳура Маздани шарафлайман.

Эзгу маздапарастлар динини шарафлайман.

Олий Ашани олқишлайман.

Арштодни эъзозлайман.

Осмонни олқишлайман.

Эзгу матлабли заминни олқишлайман.

1

Ашаван Аҳура Мазда — рад ашаванни олқишлаймиз.

Эзгу ниятли Амшосипандлар шаҳриёрларни шарафлаймиз.

2

Гоҳларнинг ашаван илоҳлари — рад ашаванларни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Ҳований ашаванни олқишлаймиз.

Мансарани шарафлайман.
Абадий Анийронни олқишлайман.

7

Порлоқ Гарзмонни шарафлаймиз: у маконда марҳумларнинг арвоқлари ором оладилар. Ашаванлар фравашийлари, ашаванлар бихишти¹ ва осойиш бахш айлагучи ҳар нечук ёругликни олқишлаймиз.

Сут ва ёғ, равон сув ва нозли гиёҳни олқишлаймиз. Оз девининг¹⁴ қаршида пойдорлик, сичқон пари¹⁵ қаршида пойдорлик ва унга шикаст етказмоқни истаймиз: нопок, зулмор, зарарли ашмугнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз ва унинг душманлиги узига қайтишини истаймиз.

9

Барча-барча сувларни шарафлаймиз. Жамийки гиёҳларни олқишлаймиз. Барча солиҳ эрларни мадҳ этамиз. Барча солиҳ аёлларни ардоқлаймиз.

Барча яхшиликлар келтиргучи ашаванлар — мийну ва жаҳон илоҳларини шарафлаймиз.

10

— Эй, Сипандорма!^{*}

Сени узимнинг хонумоним деб шарафлайман!

Эй, ашаван Аҳура Мазда!

Сени олқишлаймиз хонумон ва яхши гала орзусида; яхши мардлар ва Ашаҳ — Ҳақиқат бунёд айлаган жамийки эзгу ният ҳодисалар орзусида. Токи ҳар биримиз узоқ замонлар бу хонумонда умр кечирайлик. Ёзда ҳам, қишда ҳам.

17-ЎОТ

1

Рад ашаванлар — Савангҳий ашаван, Вся ашаванни олқишлаймиз.

Номдор илоҳ, минг қулоқли, ун минг ҳузли, фаровон яйловлар соҳиби Меҳрни олқишлаймиз.

Унумли яйловлар багишлагучи Ромни олқишлаймиз.

3

Рад ашаван — Раписвийн ашаванни мадҳ этамиз.

Рад ашаван — ашаван Фрадот Фшу ва Зантум ашаванни олқишлаймиз.

^{*} Сипандорма — заминни асрагучи илоҳ. Бу уриқда заминнинг узига хитоб дилинати.



Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданинг
углони Озарни олқишлаймиз.

4

Рад ашаван — Узойирийн ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Фрадот Вийра ва
Даҳйум ашаванни мадҳ этамиз.

Буюк рад, олий шаҳриёр, учқур отли
Апам Напатни олқишлаймиз.

Ашаван Мазда яратган ашаван сувлар-
ни олқишлаймиз.

5

Рад ашаван — Авийсрусрям ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — покиза Фрадот Вис-
пам ва Зардуштумни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг пок, забардаст ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз.

Яйрқ Ҳуштийини олқишлаймиз.

Эзгу хилқат булган Амани олқишлай-
миз.

Аҳура Мазда яратган Баҳромни
олқишлаймиз.

Фируз Упаратотни олқишлаймиз.

6

Рад ашаван — Ушоҳийин ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Бирижяҳ ва Нманяҳ
ашаванларни олқишлаймиз.

Оламларга саодат бағишлагувчи порсо
Сурушни олқишлаймиз.

Энг ростгуй Рашини олқишлаймиз.

Дунёларга кенглик бағишлагувчи,
жаҳонпарвар Арштодни олқишлаймиз.

7

Рад ашаванлар — ашаван Ой илоҳла-
рини олқишлаймиз.

Рад ашаван — Андармоҳ ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Пурмоҳ ва Вайшап-
таса ашаванларни олқишлаймиз.

8

Рад ашаванлар — гаҳанбор ашаванла-
рини олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдюзарим ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдюшам ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Патя Шҳим ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Аясрим ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдярим ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаван-
ни олқишлаймиз.

Рад ашаван — ашаван йил илоҳларини
олқишлаймиз.

9

Барча-барча рад ашаванларни олқиш-
лаймиз. Ҳований атрофида булмиш уттиз
уч рад ашаванларни олқишлаймиз.

Улар Мазда таълим берган ва Зар-
душт суйлаган энг гузал Ҳақиқатга таал-
луқлидирлар.

10

Завол билмас бузругвор ашаванлар —
Аҳура ва Меҳрни олқишлаймиз.

Юлдузлар, Ой ва Қуёшни барсам
гиеҳи билан олқишлаймиз.

Бутун сарзаминлар Шаҳриёри —
Меҳрни олқишлаймиз.

Фарриҳманда ва раюманда Ҳурмузд кун-
ни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг покиза, қудратли ва
эзгу фравашийлари Ойини олқишлаймиз.

11

— Эй, Аҳура Мазданинг углони Озар!
Сени олқишлайман!

Биризий Савангҳа,¹⁰⁶ Озарини шараф-
лайман.

Вуху Фрёна¹⁰⁷ Озарини олқишлайман.
Урувазийшта¹⁰⁸ Озарини олқишлай-

ман.

Возийшта¹⁰⁹ Озарини олқишлайман.
Спинийшта¹¹⁰ Озарини олқишлайман.

Илоҳ Нарюсангининг шаҳриёрлик кин-
диги¹¹¹ Озарини шарафлайман.

12

Мазда яратган энг яхши ашаван сув-
ларни олқишлайман. Мазда бунёд этган
жамийки ашаван сувларни олқишлайман.
Мазда халқ қилган барча ашаван гиеҳлар-
ни шарафлайман.

13

Девларни забун айлагувчи адолатни
олқишлаймиз.

Зардуштнинг одиллигини шарафлай-
миз.

Азалий нурни олқишлаймиз.
Эзгу маздапарастлик динини олқиш-
лаймиз.

14

Ашаҳ — Ҳақиқатга осойишталик
бағишлагувчи Ушийдарина тогини олқиш-
лаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқатга осойиш бағишла-
гувчи барча тоғлар; гоятда мул осудалик
бергувчи Мазда яратган ашаван, рад аша-
ванларни олқишлаймиз.

Мазда яратган каёнй Фаррни олқиш-
лаймиз.



61

Мазда халқ қилган енгилмас ва Фируз Фаррни мадҳ этамиз.

Эзгу Аша — қудрат бахш айлагувчи бузругворни олқишлаймиз.

Мазда кашф қилган Фаррни олқишлаймиз.

Мазданинг қазо ва қадарини олқишлаймиз.

15

Ашаваннинг эзгу алқовини олқишлаймиз.

Пок, ҳалол ва мард ашаванни олқишлаймиз.

Забардаст билакли, ёвқур илоҳ Дамуиш Упаманани олқишлаймиз.

16

Сувлар, заминлар гиёҳларни олқишлаймиз.

Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз.

Қишлоқлар соҳиби Аҳура Маздани олқишлаймиз.

17

Энг буюк рад ашаванлар — кун, ой, гаҳанборлар ва йил илоҳларини олқишлаймиз.

18

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлайман, чорлайман ва куйлайман.

Хонадон, қишлоқ, шаҳар, улқа ва Зардуштум фравашийларини олқишлайман.

19

Барча ашаван илоҳларни олқишлайман.

Барча рад ашаванларни шарафлайман. Рад Ҳований айёмидир; рад Савангхйи ва Яся айёмидир; барча буюк радларнинг рад айёмидир.

«...Йингхи ҳотам...»



62

1

«...Ашим вуҳув...»

— Эй, Мазда!

Сенинг эзгу оламинг Шаҳриёрлиги — Ҳақиқат нурлари билан йугрилган ва барча орзу-армонлари бажо этгувчи сенинг — энг олий мукофотинг — самимий қалб билан гузал амалларни адо этгувчиларга насиб қилгуси.

2

Мазда Аҳура узининг Олам Шаҳриёри, Комил Ақл — Ормаитий ҳамкорлигида яхши ният, мақбул амал билан Сипандмийну ва Ашаҳ — Ҳақиқатга пайваст булган кишига баркамоллик ва абадият бахш айлайди.

3

Кимда-ким Сипандмийну сиймосида энг хуш рафторга эгадир ва тили эзгу Ният билан бйрондир, ушанинг илки Ормаитий — Комил Ақл билан ҳаракат қилади ва биргина андишага дилдан иқроп:

«Мазда Ашаҳ — Ҳақиқатнинг отасидир».

4

— Эй, Мазда!

Сен Сипандмийнунинг отасисан. Сен

18-ҲОТ

бу хуррамбахш жаҳонни одамзот учун яратдинг, бино қилдинг. Қачонки одам фарзанди ҳаётга қадам қўйди ва Эзгу Ниятга юзланди, сен Ормаитий — Комил Ақлани икки дунё — замин ва жаҳоннинг ободлигига сафарбар, раҳбар айладинг.

5

— Эй, Мазда!

Сипандмийнудан юз бурган дурвандлар озор топадилар. Азият чекадилар. Аммо Ашаҳ — Ҳақиқат пайрави булган ашаванларга бу насиб қилмагайдир. Ашаван ҳар қанча бенаво булмасин, ҳар қанча забун булмасин, уни дуст деб билмоқ лозим; дурванд ҳар қанча қудрат соҳиби булсада уни ёвуз ва бадҳоҳ деб билмоқ жоиз.

6

— Эй, Мазда Аҳура!

Сен Сипандмийну сиймосида жамийки гузалликларни, бори яхшиликларни ашаванларга армуғон этдинг. Аммо тирикчилигини бадхўйлик ва гуноҳкорликка қурган дурвандлар сенинг меҳр-муҳаббатингдан баҳраманд була олмайдилар.

7

— Эй, Мазда Аҳура!

Сен Сипандмийну ва уз Озаринг сий

Мен ибтидода «аху»¹⁴ ва «рату»^{*} урталарида булган сузларни ҳузурига чорладим; мовий осмон яратилмасидан аввал; сувдан аввал; заминдан аввал; гиёҳдан аввал; сирлар ва чорполар яратилмасидан аввал; икки оёқли мард ашаван тугилмасидан аввал; қуёш жисми бунёд булмасдан аввал; Амшосипандлар яратилмасидан аввал.

Бу икки илк мийну орасида Сипандмийну саросар Ашаҳ — Ҳақиқат оламини — бор эди, бордир ва бундан кейин ҳам булади — маздойи шияуснам анғхивуш сузлари билан менинг ҳузурига чорлади.

Бу суз айtilган, тилга келтирилган ва уқилган барча сузлар орасида энг зарурдир.

Бу суз шу қадар қудратлидирки, агар бутун астуманда олами инсонлари уни ургансалар ва ёдларида сақласалар улар улим нималигини билмайдилар.

Бу бизнинг Сузимиз. Ҳар бир жаҳон аҳли, Ашаҳ — Ҳақиқатнинг олий нурлари ва Ҳидояти билан уни ёд олсинлар, фикр қилсинлар.

«Яса»: унинг зикри билан Зардуштни «аху» ва «рату» деб билдилар.

«Аса»: У — Аҳура Мазда ҳам илк андишада бутун хилқат ҳузурида шундайдир.

«Яса»: «У ҳаммадан буюк эканлиги ҳақида таълим беради.»

«Аса»: «Бутун хилқат меникидир» дейди.

«Анғхивуш»: Диннинг учинчи таълимини бериб, шундай дейди: «Энг олий тирклик Маздага хосдир».

«Даздамананғху»: «У»: «Мен Эзгу Ниятнинг мурабийисман» дейди.

«Шияуснам»: «Аху»ни курсатади.

«Мазда» сузи ҳақиқий хилқат эканини ошкор курсатади: хилқат унингдир.

«Аҳуравий хшасрим» сузидан ушбу маълум булади: «Эй, Мазда! Олам Шаҳриёрлиги Сенингдир!»

«Дарягубю васторим» сузлари дарвишларга пушт-паноҳ ва Сипийтмон Зардуштга дуст булган зотлар хусусидадир.

«Яса аху вайрю...» диннинг беш таълимотини уз ичига олади.

«Яса аху вайрю...» бошдан-оёқ мансара ва Аҳура Мазданинг каломидир.

Хубларнинг хуби Аҳура Мазда «Ахуна Вайряҳ»ни куйлайди. У Олий Худо жамийки эзгу хилқатни яратди.

Аҳриман танг ҳолда қолди. Аҳура Мазда олисдан у ёмонаик хилқатига шундай деди: «На ният; на таълимот; на тафаккур; на суз; на амал; на дин ва на руҳимиз — бу икки мийну ҳеч қачон муро са қилмайди».

Мазданинг ушбу сузлари уч булим, тўрт пешадан иборат бўлиб, беш нафар радларга қаратилган. У тавба-истигфор билан хотима топади.

— Бу сузлардаги уч булим нималардан иборат?

— Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал.

— У тўрт пеша недир?

— Отурбон, артштар, тевабон деҳқон ва қул буюмлари ясовчи уста.

Уларнинг амаллари — фикрнинг ростлиги, сузнинг тўғрилиги ва чинакам амалиги — кекса ашаван мард ва динпарвар раднинг амаллари билан баробардир.

«Уз эзгу ниятлари билан оламини Ашаҳ — Ҳақиқат сари элтадилар».

— У беш рад кимлардир?

— Хонахудо, деҳхудо, шаҳарбон, шаҳриёр ва узга сарзаминларда яшовчи зардуштийлар. Зардушт райи бундан мустасно.

— Зардушт райида тўрт тан радлар бордир.

— Улар кимлар?

— Хонахудо, деҳхудо, шаҳарбон, шаҳриёр ва бешинчи — Зардуштга мансуб шахслар.



* 34-изодага қараик.

мосида Ормаитий — Комил Ақл ва Ашаҳ — Ҳақиқат мададкорлигида ҳар икки гуруҳнинг ҳам аъмолу афъолларини, кӣрдор ва гуфторларини афу этгайсан.

Ҳақиқат, жумла ҳақ истовчилар, ростлик излаганлар сенинг динингга юз бургайдирлар.

8

Роспий:

Ҳар доим энг гӯзал андиша, сӯз амалимизни Сипандмиину ва Ашаҳ —

Ҳақиқат ҳузурига элтайлик. Мазда Аҳура бизга комиллик, абадийлик, олам шаҳриёрлиги ва сабр-тоқат бахш айлади.

«...Ашим вуҳув...»

«Сипантмада гоҳ»ни шарафлаймиз.

«...Йингҳи ҳотам...»

«...Яса аҳу вайрю...»

«...Ашим вуҳув...»

«...Аҳуна Вайряҳ...»ни олқишлаймиз.

Энг гӯзал Амшосипанд Ардабиҳиштни шарафлаймиз.

«...Йингҳи ҳотам...»

ЯСНА, 19—21-ҲОТ

БАҒОН ЯШТ¹⁴²

19-ҲОТ

1

Завт:

Зардушт Аҳура Маздадан сӯради:

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, оламда мумтозларнинг мумтози! Эй, астуманд жаҳоннинг дадари! Эй, Ашаван!

Менинг дилимга солган илк каломинг не эди, эй Аҳура Мазда?..

2

Осмон яратилмасидан аввал; сувдан аввал; жонвардан аввал; гиёҳдан аввал, Аҳура Мазданинг Озаридан аввал; мард ашавандан аввал; тубанкорлар, девлар ва дурванд халойиқдан аввал; батамом бу олам тириклигидан аввал ва Мазда бунёд айлаган жамийки эзгу ашанаждолардан аввал?..

3

Шунда Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Сенинг кунглингга солганим бу илк калом — «Аҳуна Вайряҳ...» эди.*

4

Осмон яратилмасидан аввал; сувдан аввал; жонвардан аввал; гиёҳдан аввал, Аҳура Мазданинг Озаридан аввал; мард ашавандан аввал; тубанкорлар, девлар ва дурванд халойиқдан аввал; батамом бу олам тириклигидан аввал ва Мазда бунёд айлаган жамийки эзгу ашанаждолардан аввал?..

5

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бу менинг «Аҳура Вайряҳ...»имдир. Бу калом тинимсиз ва хатосиз тиловат қилинса, юзта сара гоҳга баробардир. Агар у тӯғри ва хатосиз куйланса. Бордю хатоликлар ва чалғишлар билан тиловат қилинса, у сараланган ўн гоҳга баробар бўлади.

6

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимки бу жаҳоний тириклиги давомидан «Аҳуна Вайряҳ...»ни ёддан тиловат қилса ёхуд уни хотирасида сақласа ёхуд уни лаб остида секин зикр қилса, ё куйлаётган чоғида уни олқишласа Мен—Аҳура Мазда унинг руҳини Чинвад пул купригидан олиб утиб, уч карра биҳиштга — энг олий тириклик; энг олий Ашаҳ — Ҳақиқат; энг олий ёруғликка олиб бораман.

7

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимки бу ҳаёти дунёда мен учун «Аҳуна Вайряҳ...»нинг бир порасини — ярмини; учдан бирини; тўртдан бирини; бешдан бирини тиловат қилмаса, мен — Аҳура Мазда унинг руҳини биҳишздан узоқлаштираман. Мен уни замин узунлиги ва кенглиги қадар биҳишздан ҳайдаб соламан; бу замин кенглиги ва узунлиги қадар...



* Маздапарастларнинг ушбу машҳур дуоси ҳақида 36-изоҳда маълумот берилди. Изоҳга қаранг.

19

- Эзгу фикр нима?
- Дастлабки пок ният.
- Эзгу сўз нима?
- Муқаддас сўз.
- Эзгу амал нима?
- Алқов қўшиғи ва пок хилқатни эъзозламоқ.

20

- Мазда деди:
— Кимга деди?
— Мийну ва жаҳон ашаванига.

20-ҶОТ

1

- Аҳура Мазда деди:
«Ашим вуҳув ваҳийштим аста».
Бу сўзлар шундай маънони англатади:
«Дўстликка чинакам дўст бўлганларга энг олий эзгулик муяссар бўлади».
«...Вуҳув ваҳийштим аста...»
Шунингдек, дин тарбияси билан шугулланса.

2

- «Ушто аста ушто аҳмая».
Бу сўзлардан шундай маъно англашилади, яъни Ашаҳ — Ҳақиқатнинг жамийки файз ва шуқуҳи, куч-қудрати ҳар бир Ашаҳ — Ҳақиқат истовчиларга муяссар бўлади.
Шунингдек, бу сўзлардан англашилгувчи пойдорлик шулдирки, Ашаҳ — Ҳақиқатнинг тамомий файз-шуқуҳи, куч-қудрати ҳар бир Ашаҳ — Ҳақиқат истовчиларга муяссар бўлади.

3

- «Хят ашайи ваҳийштои ашим...»
Бу сўзлар бутун мансарани уз ичига олган жамийки муқаддас сўзларга раҳнамодир.

21-ҶОТ

1

- Ашаван Зардуштнинг алқов сўзлари будир:
«Йингҳи ҳотам олат йисни пайта».
«Йингҳи» Маздани олқишлашни ургади.

- Унинг дилига солган сўзида у нима деди?
- Энг яхши шаҳриёр.
- Кимга?
- Шаҳриёрликда худбинлик қилмаган энг яхши ашаванга.

21

- «Аҳуна Вайряҳ...» ни олқишлаймиз.
«Аҳуна Вайряҳ...» ни олқишлаймиз.
Баланд овозда бўлса-да; лаб остида бўлса-да; қўшиқ қилиб бўлса-да; танлаб бўлса-да...
«Йингҳи ҳотам...»



- Шунингдек, у таълим беради:
Ашаҳ — Ҳақиқат Аҳура мийнуси шаҳриёрларидандир. Ва Ашаҳ — Ҳақиқатни алқовчиларга Ашаҳ — Ҳақиқатнинг муқофоти насиб бўлади ва сизларнинг сушентларингизга Ашаҳ — Ҳақиқат багишлайди.
Уч илоҳий фармон — «Ашим вуҳув...» нинг жамийки сўзлари — Аҳура Мазда нозил қилган каломлардир.

4

- Мазда деди:
— Кимга деди?
— Мийну ва жаҳон ашаванига.
— Унинг дилига солган сўзларида нималар деди?
— Энг яхши Шаҳриёр.
— Кимга?
— Шаҳриёрликда худбин, узбилармон бўлмаган энг яхши ашаванга.

5

- «Ашаҳ ваҳийшта» ни олқишлаймиз.
«Ашаҳ ваҳийшта» ни олқишлаймиз.
Баланд овозда бўлсин; лаб остида бўлсин; қўшиқда ҳам; ибодатда ҳам...
«Йингҳи ҳотам...»

- «Йингҳи» Аҳура намози асосида олқишлашни ургатади.
«Ҳотам» дунё аҳлининг тириклигига яроқли булган алқовни таълим беради.

«Йавангхам» ибтидода Амшосипандлар ва Сипандормазни олқишловчи ашаван аёлларни эъзозлашга йулбошчилик қилади.

Уч илоҳий амр — бoshдан-оёқ «Йингҳи ҳотам»да ифодаланган фармонлар — энг олий алқов каломларидир.

— Бу алқов ким учундир?
— Амшосипандлар учун.

3

Шунда Мазда деди:

Одамларга яхшиликлар инъом айлаган зотга яхшиликлар булсин!

Тенгсиз ва ягона Шаҳриёр — Аҳура Мазда унга шундай яхшиликлар инъом этади.



1

«Ашим вуҳув...»

Раюманд ва фарриҳманд, дадар Аҳура Маздага, Амшосипандларга барсам ва завр тортиқ келтирдик.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан келтирилган ҳавмни эъзозламоқ истайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан келтирилган равон сутни олқишламоқ истайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат йусини билан келтирилган ҳазанаипата гиёҳини мадҳ этмоқ истайман.

2

Эзгу сувлар билан ҳавмга омихта қилинган; сутга ийланган; ҳазанаипата гиёҳига қўшилган ва Ашаҳ — Ҳақиқат билан келтирилган заврни олқишламоқ истайман.

Эзгу сувлар билан ҳавм шарбатини ардоқламоқ истайман.

Тош ҳованни (угир) олқишламоқ истайман.

Темир ҳованни олқишламоқ истайман.

3

Ушбу барсам гиёҳ ва раднинг — хушнудлигига пайвасталикни; эзгу маздапарастлар динини урганиш ва амал қилиш; гоҳларни куйламоқни; рад ашаванга пайвасталик гурурини; рад ашаванликни; бу утин ва тутунни олқишламоқ истайман.

Сени, эй Аҳура Мазданинг Озари ва

— Мазда бу сузлари билан нечук хабар етказди?

— Мазда яхшилиқ хабарини етказди. Ва ҳар бир ашаванга — улар бор эдилар, бор ва буладилар — «яхшилиқ» каломи билан энг ёруғ кунлар пайгомини олиб келди. У Олий Худо. Эзгу Мазда.

Ашаван Зардуштга яхшилиқ муждасини етказди. Эзгу ашаванларнинг ҳар бирига яхшилиқдан дарак берди.

5

«Йингҳи ҳотам...»ни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

22-ҶОТ

барча-барча Мазда бунёд айлаган эзгу ашанажодларни олқишламоқ истайман.

4

Аҳура Мазда, Амшосипандлар, порсо Суруш, Аҳура Мазданинг Озари ва буюк ашаванлар радига хушнудлик булсин!

5

Рад ашаванларим — гоҳлар илоҳларини шарафламоқ истайман.

Рад ашаваним Ҳований ашаванини олқишламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Савангҳий ва ашаван Всыяни мадҳ этмоқ истайман.

Васф этмоқ истайман минг қулоқли, ун минг кўзи, кенг яйловли Меҳр, у буюк илоҳ — яхши яйловлар бахш этгувчи Ромни!

6

Рад ашаваним — ашаван Раписвийнни шарафламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Фрадот Фшу ва ашаван Зантумни олқишламоқ истайман.

Ардабиҳишт ва Аҳура Мазда Озарини мадҳ этмоқ истайман.

7

Рад ашаваним — ашаван Узойирийнни шарафламоқ истайман.

Рад ашаванларим — Фрадот Вийра ва ашаван Даҳйумни олқишламоқ истайман.

Буюк рад — Апам Напат ва Мазда яратган сувларни тараннум этмоқ истаيمان.

8

Рад ашаваним — Авийсрусрям ашавани шарафламоқ истаيمان.

Рад ашаванларим — Фрадот Виспам ва Зардуштум ашаванларни олқишламоқ истаيمان.

Ашаванлар фравашийлари, уларнинг аёл ва фарзандлари; Яйря Хушитий; эзгу хилқат Ама; Аҳура яратган Баҳром ва фируз Авпаратотни шарафламоқ истаيمان.

9

Рад ашаваним — ашаван Ушоҳинни олқишламоқ истаيمان.

Рад ашаванларим — ашаван Бирижях, ашаван Нманяҳни шарафламоқ истаيمان.

Оламларга кенглик ва фирузлик ато айлагувчи порсо Суруш, ҳақиқатгуй Раши ва жаҳонпарвар Артштарни олқишламоқ истаيمان.

10

Рад ашавандарим — ой илоҳларини мадҳ этмоқ истаيمان.

Рад ашаваним — ашаван Андармоҳни олқишламоқ истаيمان.

Рад ашаванларим — ашаван Пурмоҳ ва ашаван Вайшаптасани шарафламоқ истаيمان.

11

Рад ашаванларим — гаҳанбор илоҳларини шарафламоқ истаيمان.

Рад ашаваним — Майдюзарим ашавани эъзозламоқ истаيمان.

Рад ашаваним — Майдюшам ашаванни ардоқламоқ истаيمان.

Рад ашаваним — Патя Шҳим ашавани олқишламоқ истаيمان.

Рад ашаваним — Айасрим ашаванни мадҳ этмоқ истаيمان.

Рад ашаваним — Майдарим ашаванни шод этмоқ истаيمان.

Рад ашаваним — Ҳамаспатмадам ашаванни тараннум этмоқ истаيمان.

Рад ашаванларим — йил илоҳларини шарафламоқ истагимдир.

12

Ҳований атрофида булмиш уттиз уч ашаван радларни олқишламоқ истаيمان. Улар энг олий Ашаҳ — Ҳақиқатирлар.

Мазда таълим берди ва Зардушт хабар келтирди.

13

Буюк ва қудратли ашаванлар — Аҳура ва Меҳр; юлдузларни ҳувайдо айлаган Сипандмийну; Тиштар юлдузи; фарриҳманд ва раюманд, сигир уругини узидасрагувчи Ой; Аҳура Мазданинг нигоҳи — учқур тулпорли Қуеш; бутун сарзаминлар шаҳриёри Меҳрни ардоқламоқ, шарафламоқ ва мадҳ этмоқ истагимдир.

14

Эй, Озар — Аҳура Мазданинг углони! Сенинг ва барча-барча Озарларни олқишламоқ истаيمان.

Мазда яратган энг яхши сувлар; барча-барча сувлар ва жамийки гиёҳларни шарафламоқ истаيمان.

15

Варжованд мансарасини олқишламоқ истаيمان.

Девларни яксон айлагувчи адолат низоми; зардуштийлар низоми; энг антиқа ёруглик ва эзгу маздапарастлар динини шарафламоқ истагим — матлабимдир.

16

Ашаҳ — Ҳақиқатга осудалик багишлагувчи, Мазда бунёд этган Ушийдарина тоғи ва жамийки Ашаҳларга фарогат бахш этувчи Аҳура Мазда халқ қилган тоғлар; Мазда ато этган энгиламас Фаррни шарафламоқ матлабим — орзу аъмомимдир.

17

Ашаваннинг эзгу алқовини, пок ашаван мардани, кучли билаклар соҳиби булмиш жасоратли илоҳ Дамуйиш Упаманани олқишламоқ истаيمان.

18

Мазгиллар, қишлоқлар, яйловлар, сувлар, хонумонлар, сувлар, ерлар, гиёҳлар; замини осмон; покиза бодлар, юлдуз, ой, қуеш ва безавол Анийрон; Сипандмийну яратган жамийки мавжудот; ашаван эрлар ва аёллар ҳамда жамийки рад ашаванларни шарафламоқ орзуи аъмомимдир.

19

Ҳовангоҳ пайти буюк ашаванлар радини шарафламоқ истаيمان. Кун, гоҳлар, ой ва гаҳанборлар радлари — ашаван радларни олқишламоқ истаيمان.



67

«Ашим вуҳу...»

Раюманда ва фарриҳманд, дадар Аҳура Маздага, Амшосипандларга барсам ва завр тортиқ келтирдик.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан келтирилган ҳавми эъзоламоқ истайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан келтирилган равон сутни олқишламоқ истайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат йусини билан келтирилган ҳазанаипата гиёҳини мадҳ этмоқ истайман.

21

Эзгу сувлар билан ҳавмга омихта қилинган; сутга ийлаган; ҳазанаипата гиёҳига қушилган ва Ашаҳ — Ҳақиқат билан келтирилган заврни олқишламоқ истайман.

Эзгу сувлар билан ҳавм шарбатини ардоқламоқ истайман.

Тош ҳованни (угир) олқишламоқ истайман.

Темир ҳованни олқишламоқ истайман.

22

Ушбу барсам гиёҳи ва раднинг хушнудлигига пайвастикани; эзгу маздапарастлар динини урганиш ва амал қилишни; гоҳларни куйламоқни; рад ашаванга пайвастика гурурини; рад ашаванликни; бу утин ва тутунни олқишламоқ истайман.

Сени, эй, Аҳура Мазданинг Озари ва Мазда бунёд айлаган барча-барча ашаваннаждоларни олқишламоқ истайман.

68



Раюманда ва фарриҳманд Аҳура Мазда, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар бахш этгувчи Ром...

24

Юргун от соҳиби раюманда Хуршид (Куеш), жамийки мавжудотни кузатиб тургувчи забардаст Андарвай. Неки Сипандмиинуга хосдир, у сенга-да хосдир, эй Андарвай! Мазданинг ҳаққоният илми, маздапарастликнинг эзгу, ашаванона дини хилқати...

25

Амалдаги табаррук дуолар; девларга қарши низом; зардуштийлар қонуният; маздапарастлар динининг қадимий ва эзгу равишлари; дуо — мансараларга инонмоқ; Мазда яратган хилқат илми; Мазда илмининг таълими...

26

— Аҳура Мазданинг Озари!

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сен ва жамийки оловлар, Мазда бунёд айлаган Ушийдарина ва осудалик бахш этгувчи Ашаҳ — Ҳақиқат...

— Эй, мийнувий ва жаҳоний ашаван илоҳлар, қудратли фравашийлар; эй, дин ургатувчи илк фравашийлар; эй, аждодларимиз фравашийлари...

Барчангизга хушнудлик, олқиш ва дуолар булсин!..

23-ҶОТ

1

Завт:

Бундан бурун бу хонумонларда, қишлоқларда, шаҳарларда, улкаларда яшаган зотларнинг фравашийларини олқишламоқ истайман. Улар осмонни асраб-авайладилар, қуриқладилар; сувни асраб-авайладилар; заминни асраб-авайладилар; жонварларни асраб-авайладилар; гудакни онаси қорнида олиб кетмаслиги учун асраб-авайладилар.

2

Аҳура Мазда ва Амшосипандларнинг фравашийларини олқишламоқ истайман; барча мийнувий ашаван илоҳлар фравашийларини мадҳ этмоқ истайман.

Каюмарт, Сипийтмон Зардушт, Кай Гуштасп, Зардуштнинг углони — Ист Востранинг¹⁴ фравашийларини ва барча-барча илк пок дин ургатувчиларнинг фравашийларини олқишламоқ истайман.

3

Ёр юзида ҳар бир замонда яшаб, утиб кетган ашаванлар фравашийларини олқишламоқ истайман.

Бутун умри давомида заҳмат чекиб, хизмат қилиб бу хонадондан утиб кетган ва бугун эзгу дуою олқиш умидида ётган хоҳ аёл, хоҳ жувоң, хоҳ қиз ашаванларнинг фравашийларини олқишламоқ истайман.

4

Қудратли ва фирӯз ашаванлар фравашийларини олқишламоқ истаيمان.

Илк дин ургатувчилар фравашийларини олқишламоқ истаيمان; аждодлар фравашийлари ва уз руҳим фравашийсини мадҳ этмоқ истаيمان.

Барча рад ашаванларни олқишламоқ истаيمان, барча яхшилик элтувчилар булган мийну ва жаҳон илоҳлари Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий одоби билан олқиш ва ибодатга сазовордирлар.

5

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканимга иқрормен.

24-ЎОТ

1

Завт ва Роспий:

Аҳура Маздага ниёз этамиз Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ёзилган бу ҳавм, миязд, завр ва барсамни; бу хушдамлик берувчи гушт; равон сут, ҳазанаипата гиёҳиким Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан ёзилгандир...

2

Яхши сувлар билан; ҳавмга омихта қилинган завр билан; сутга ва ҳазанаипата гиёҳига омихта қилинган, Ашаҳ — Ҳақиқат билан ёзилган; яхши сувлар билан; ҳавм шарбати; тош ҳован ва темир ҳован билан.

3

Бу барсам гиёҳи ва рад хушнудлигига пайвасталиқ, эзгу маздапарастлар динига амал қилмоқ ва ёд олмоқ; гоҳларни куйламоқ; рад ашаван хушнудлигига пайвасталиқ ва эй, Аҳура Мазданинг углони Озар, сенинг утин ва тутунинг, барча-барча эзгу ашаваннажод хилқатга ниёз келтираман.

Буларнинг барини ушбу тарзда ниёз этамиз:

4

Аҳура Мазда, порсо Суруш, Амсосипандлар, ашаванлар фравашийлари ва руҳлари, Аҳура Мазданинг Озари, буюк радлар ва саросар Ашаҳ — Ҳақиқат хилқатига ҳамдлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Рад ашаван Ҳований ашаванга олқиш, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Рад ашаванлар Савангҳий ва Вляс ашаванга олқиш, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Куң, гоҳлар, ой, гаҳанборлар ва йил радларига олқиш, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва доно мард.



69

5

Буларнинг барини ушбу тарзда ниёз этамиз:

Бу дунёда фақат Ҳақиқатнигина истаган ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийси ва барча ашаванлар фравашийлари, барҳаёт ашаванлар, ҳали тугилмаган мардоналар (оламни янгиловчи сушёнтар)га мақтовлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

6

Бу ҳавм, миязд, завр ва барсам; бу хушнудлик инъом этгувчи гушт; равон сут, Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ёзилган ҳазанаипата гиёҳи...

7

Яхши сувлар билан; ҳавмга омихта қилинган завр билан; сутга ва ҳазанаипата гиёҳига омихта қилинган, Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан ёзилган; яхши сувлар билан; ҳавм шарбати; тош ҳован ва темир ҳован билан.

8

Бу барсам гиёҳи ва рад хушнудлигига пайвасталиқ, эзгу маздапарастлар динига амал қилмоқ; гоҳларни куйламоқ; рад ашаван хушнудлигига пайвасталиқ ва эй, Аҳура Мазданинг углони Озар, сенинг утин ва тутунинг; барча-барча ашаваннажод хилқатга ниёз келтираман.

Буларнинг барини ушбу тарзда ниёз келтирамайз.

Амшосипандлар, эзгулик билан яшовчи, абадий мукофотлар бағишлагувчи ва абадул абад ҳаёт кечиргувчи олий Шахриёрлар ва Амшосипандбонуларга.

10

Ниҳоят, буларнинг барини шу тарзда тақдим қиламиз:

Бу хонумонга қут-барака. Ундаги чорполар, ашаванзода мардлар ва бундан буён ушбу хонадонда таваллуд топгувчиларга қут-барака.

11

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ашаванларнинг эзгу ва қудратли фравшийлари ашаванларга имдод бергай.

12

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Фарриҳманд ва раюманд, дадар Аҳура Маздага; мийнулар ва Амшосипандларга мақтов, олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

13

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Гоҳларнинг илоҳлари; ашаван радлар; ашаван Ҳований — ашаваний радга мақтов, олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ашаван Савангҳий ва Вяся — ашаваний радларга ҳамдалар, олқишлар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Кенг яйловлар соҳиби Меҳр, минг қулоқли, ун минг кузли буюк илоҳ, кенг яйловлар бахш этгувчи Ромга олқиш ва мақтовлар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

14

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Раписвийн ашаванга ҳамд ва олқишлар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаванлар — Фрадот Фшу ва Зантум ашаванларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданинг Озарига ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

15

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Узойирийн ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаванлар — ашаван Фрадот Вийра ва Дахйумига ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Бузуругвор рад — Апам Напат ва Мазда яратган сувларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

16

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Авийсрусрям ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаванлар — ашаван Фрадот Виспам ва Зардуштумга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ашаванларнинг фравшийлари, аёллар ва уларнинг фарзандлари; Яйра Ҳушитий; эзгу хилқат Ама; Аҳура Мазда яратган Баҳром ва саодатли Упаратотга ҳамд-санолар, олқиш ва таҳсинлар бўлсин!

17

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Ушоҳийн ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаванлар — Бирижяҳ ва Нманяҳ ашаванларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Оламларга саодат бахш айлагувчи порсо Суруш; энг ростгуй Раши; дунёга кенглик бергувчи жаҳонпарвар Арштодга ҳамд-санолар, мақтов ва таҳсинлар бўлсин!



Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ой илоҳлари — ашаван радлар; ашаван рад — Андармоҳ ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Гаҳанбор илоҳлари — рад ашаванлар — Майдюзарим ашаван — рад ашаванга ҳамд санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Рад ашаван — Майдюшам ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Пятя Шҳим ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Аясрим ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Майдярим ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаванга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Рад ашаванлар — йил илоҳларига ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

18

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ҳований теграсида булмиш уттиз уч рад ашаванлардан иборат ва энг олий Ашаҳ — Ҳақиқатга тааллуқли булган, Мазда таълим бериб, Зардушт суйлаган радларга олқишлар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

19

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Завол билмас бузругвор ашаванлар — Аҳура ва Мехр; юлдузларни кашф айлаган Сипандмиину; фарриҳманд, раюманд Тиштар юлдузи; сигир наслини (уругини) асрагувчи Ой; Аҳура Мазданинг нигоҳи — учқур тулпорли Куёш; буткул сарзаминларнинг шаҳриёри булмиш Мехрга

ҳамд-санолар, хушнудлик ва мақтовлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Фарриҳманд ва раюманд Хурмузд кунига ҳамд-санолар, олқиш ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ашаванлар ойи фравашийларига ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

20

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Сен, эй Аҳура Мазданинг углони Озар ва сиз, эй барча Озарлар! Сизларга олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Эзгу сувлар ва Мазда яратган жамийки сувлар ва гиёҳларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсин булсин!

21

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Судманд варжованд мансараси; девларга қирон солгувчи низом — Зардушт низоми; энг антиқа равиш ва эзгу маздапарастлик динига ҳамд-санолар, мақтов ва таҳсинлар булсин!

22

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Мазда бунёд айлаган, Ашаҳ — Ҳақиқатга осойишталик бахш этгувчи Ушийдарина тоғи; Ашаҳ — Ҳақиқатга осудалик инъом этгувчи Мазда яратган барча тоғлар; Мазда бунёд этган каёний Фарр; Мазда халқ қилган буйинсунмас Фаррга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Эзгу Аша, эзгу Чиста, эзгу Ириси, эзгу Расастат, Фарр ва Мазда бунёд этган қазою қадарга ҳамд-санолар, олқиш ва таҳсинлар булсин!

23

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Ашаваннинг эзгу алқови; мард ва пок ашаван, забардаст билаклар соҳиби Дамуйиш Упаманага ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!



24

Ниҳоят, буларнинг барчасини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Бу мазгиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, шўх-шан жилгалар, суваар, заминлар, гиёҳлар; бу замин ва у осмон ва ашаван бод; юдузлар, ою қуёш; абадий Анийрон; Сипандмийну яратган жамийки мавжудот; рад ашаванлар ҳисобланмиш барча-барча ашаван эр-аёлларга ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

25

Ниҳоят, буларнинг барини ушбу тарзда тақдим қиламиз:

Буюк ва бетимсол ашаванлар; кун, гоҳлар, ой, гаҳанборлар ва йилким ҳақиқий рад ашаванлардир уларга ҳамд-сано, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

26

Раюманд ва фарриҳманд Аҳура Мазда, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар бахш этгувчи Ром...

27

Юргун от соҳиби раюманд Хуршид (Қуёш), жамийки мавжудотни кузатиб тургувчи забардаст Андарвай. Неки Сипандмийнуга хосдир, у сенга-да хосдир, эй Андарвай! Мазданинг ҳаққоният илми, маздапарастликнинг эзгу, ашаванона дини хилқати...

28

Амалдаги табаррук дуолар; девларга қарши низоми; зардуштийлар қонунияти; маздапарастлар динининг қадимий ва э-

гу равишлари; дуо — мансараларга инонмоқ; Мазда яратган хилқат илми; Мазда илмининг таълими...

29

— Аҳура Мазданинг Озари!

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сен ва жамийки оловлар; Мазда бунёд айлаган Ушийдарина ва осудалик бахш этгувчи Ашаҳ — Ҳақиқат...

30

— Эй, мийнувий ва жаҳоний ашаван илоҳлар, қудратли фравашийлар; эй, дин ургатувчи илк фравашийлар, эй, аждодларимиз фравашийлари...

Барчангизга хушнудлик, олқиш ва дуолар бўлсин!..

31

Ниҳоят, буларнинг барини шундай ниёз этамиз:

Ашаванларнинг қудратли ва фируз фравашийларига; илк дин ургатувчиларнинг фравашийларига; аждодлар фравашийларига ва уз руҳим фравашийга олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

32

Ниҳоят, буларнинг барини шундай ниёз этамиз:

Барча ашаван радларга олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Ниҳоят, буларнинг барини шундай ниёз этамиз:

Барча яхшилик келтирувчи жаҳон ва мийну илоҳлари Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий одоби ва қонунлари билан олқиш ва таҳсинга лойиқдир.

25-ҶОТ

1

«...Ашим вуҳув...»

Раюманд ва фарриҳманд, дадар Аҳура Маздага, Амшосипандларга барсам ва завр тортиқ келтирдик.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан келтирган ҳавми эъозламоқ истайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат русуми билан келтирилган равон сутни эъозламоқ истайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат йусини билан келтирилган ҳазанаипата гиёҳини мадҳ этмоқ истайман.

2

Эзгу сувлар билан ҳавмга омихта қилинган; сутга ийланган; ҳазанаипата

гиёҳига қушилган ва Ашаҳ — Ҳақиқат билан келтирилган заврни олқишламоқ истайман.

Эзгу сувлар билан ҳавм шарбатини ардоқламоқ истайман.

Тош ҳованни (угирни) олқишламоқ истайман.

Темир ҳованни олқишламоқ истайман.

3

Ушбу барсам гиёҳи ва раднинг хушнудлигига пайвасталикни; эзгу маздапарастлар динини урганиш ва амал қилишни; гоҳларни куйламоқни; рад ашаванга пайвасталик гурурини; рад ашаванликни; бу утин ва тутунни олқишламоқ истайман.



4

Раюманда ва фарриҳманда Аҳура Мазда, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар бахш этгувчи Рам...

5

Юргун от соҳиби раюманда Хуршид (Қуеш), жамийки мавжудотни кузатиб тургувчи забардаст Андарвай. Неки Сипандмийнуга хосдир, у сенга-да хосдир, эй Андарвай! Мазданинг ҳаққоният илми, маздапарастликнинг эзгу, ашаванона дини хилқати...

6

Амалдаги табаррух дуолар; девларга қарши низом; зардуштийлар қонунияти;

маздапарастлар динининг қадимий ва эзгу равишлари; дуо-мансараларга инонмоқ; Мазда яратган хилқат илми; Мазда илмининг таълими...

7

— Аҳура Мазданинг Озари!
— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!
Сен ва жамийки оловлар, Мазда бунёд айлаган Ушийдарина ва осудалик бахш этгувчи Ашаҳ — Ҳақиқат...

8

Барча мийнувий ашаван илоҳларни олқишлайман!
Барча жаҳоний ашаван илоҳларни олқишлайман!

26-ҶОТ

1

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлайман, чорлайман ва куйлайман.

2

Барча-барча илк фравашийлардан энг муҳим, энг яхши, энг гузал, энг устувор, энг донишманд, энг қудратли, энг мумтоз булган Аҳура Мазданинг фравашийсини олқишлайман.

3

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлайман.

Амшосипандларнинг фравашийларини олқишлайман; уша тезбаён, бузругвор, гоят қудратли, қурқмас, аҳуравий ва абадий варжовандлар.

4

Ниҳоят, илк дин урганувчи толиблар ва илк таълим бергувчи мураббийлар, Ашаҳ — Ҳақиқатни фируз айлаган эр ва аёл ашаванларнинг жон, дин, буй, руҳ ва фравашийларини олқишлайман.

Эзгу ниятли Гушварванни мадҳ этаман.

5

Ашаҳ — Ҳақиқатни фируз айлаганларнинг фравашийлари; ашаван Каюмарт фравашийсини олқишлайман.

Ниҳоят, ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийси ва унинг мукофотини олқишлайман.

Ашаван Кай Гуштасп фравашийсини олқишлайман.

Зардуштнинг угли — ашаван Ист Востра фравашийсини олқишлайман.

6

Ниҳоят, Ашаҳ — Ҳақиқат фирузлигига сабаб булган аждодлар, аёллар ва мардларнинг жон, дин, буй, равон ва фравашийларини олқишлайман.

Бор ва булган барча ашаванлар; ҳали дунёга келмаган мардоналар (оламни янгидан бунёд этгувчи сушентлар) фравашийларини олқишлайман.

7

Ниҳоят, марҳумларнинг руҳларини олқишлайман.

Бу хонадондан утган жамийки аждодлар, толиблар ва муаллимлар, хоҳ ашаван эр, хоҳ ашаван аёл булсин, барчасини олқишлайман.

8

Жамийки ашаван шогирд фравашийларини олқишлайман.

Жамийки ашаван устод фравашийларини олқишлайман.

Жамийки ашаван эрлар фравашийларини олқишлайман.

Жамийки ашаван аёллар фравашийларини олқишлайман.

9

Ашавандан дунёга келган ашаван фарзандлар фравашийларини олқишлайман.



Улкада яшовчи ашаванлар фравашийларини олқишлайман. Улкадан ташқарида яшовчи ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

10

Ашаван эрлар фравашийларини олқишлайман.

Ашаван аёллар фравашийларини олқишлайман.

Каюмартдан бошлаб, токи фируз суюнтгача булган жамийки пок, қудрат-

ли ва тавоно ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

Завт ва Роспий:

Барча ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

Утганларнинг руҳлари ва ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва доно мард.

27-ЎОТ

1

Улуглардан улуг Аҳура Мазданинг аҳу ва ратувини чорлайман, токи нобакор Аҳримани ҳайдаб солайлик, токи қаҳр-газаб деви, қонхур Дарафшни улоқтириб ташлайлик; токи мозандарий девларини қувиб юборайлик; токи варинанинг барча дев ва дурванларини яксон этайлик...

2

Токи раюманд ва фарриҳманд Аҳура Маздани юксақларга кутарайлик; токи Амшосипандларни кукларга кутарайлик; токи фарогатли, раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олий мақомда мадҳ этайлик; то мард ашаванни авж пардаларда олқишлайлик; токи Сипандмиину яратган жамийки ашаванларни эъзозлайлик.

3

«Яса аҳу вайрю...»

4

— Эй, Мазда!

Мени энг эзгу калом ва амалдан огоҳ айла, токи чин кунгилдан Ашаҳ — Ҳақиқат партавида эзгу ният билан ҳур ва озод сени мадҳ этайин.

— Эй, Аҳура!

Ўз мийнуинг шаҳриёри ва уз хоҳишинг билан Ашаҳ—Ҳақиқатнинг янги ва тугёнли тириклигини биздан дариг тутма.

5

— Эй, муҳтарам Аряман!¹⁴

Бу ерга кел, зардуштий эрлар, аёллар; эзгу ният ва олий мукофотга муносиб булган ҳар бир динга мадад айла!

Аҳура Мазда Ашаҳ — Ҳақиқат учун бунёд айлаган буюк умид ва орзуни истаймиз.

«Ашим вухув...»

6

Мазда каби қудратли Ҳавм; у рад ашаван, ганжли Ашага ҳамроҳ булган эзгу Сурушни бу ерга чорлайдирмиз.

7

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан куйланган қутлуг «Аҳуна вайряҳ...» ни ёд оламиз; Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ишлатилган ҳованни (угир) ва чинакам сўзини урганамиз.

Шунингдек, улар қутлугроқ ва муқаддасроқ булсинлар.

8

— Эй, Мазда Аҳура! Эй, Қудратлилардан қудратлироқ! Эй, Комил Ақл!

Эй, оламларга кенглик бағишлагувчи Ашаҳ — Ҳақиқат! Эй, Эзгу Ният! Эй, Олам Шаҳриёри!

Мени тингланглар! Ҳар кимнинг улушини берар чоғингизда, менинг ҳам улушимни берингиз!

9

— Эй, Аҳура!

Узининг менга намоен айла ва Комил Ақл — Ормаитий партавида менга қучқудрат насиб эт!

— Эй, Мазда!

Олқишларим ва назр-ниёзларим эвазига Мийну оламинг жавҳари булмиш Зотдан яхшилик; Ашаҳ — Ҳақиқатдан зиёда кучқудрат; Эзгу Ниятдан сарварлик бахш айлагил!

— Эй, уткир нигоҳли Аҳура!

Менинг шодмонлигим ва хоҳишим учун Олам Шаҳриёри ҳамда Эзгу Ниятга мансуб булган узининг бемислу монанд чиройингни ошкор айлагил!

Эй, Сипандормаз!

Менинг динимга Ашаҳ — Ҳақиқат билан таълим ва равшанлик бағишла!



11

Ниҳоят Зардушт жону тан ва эзгу ниятнинг самарасини Маздага ниёз келтиради ва суз, амал, дин огоҳлик ва кучқудратини Ашаҳ — Ҳақиқат ҳузурига армугон этади.

«Ашим вуҳув...»

12

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканимдан розиман. Рад ашаван Ҳований ашаванга олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар.

Рад ашаванлар Савангҳий ва Вяся ашаванга олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар!

Кун ва гоҳлар, ой, гаҳанбор ва йил радларига олқиш, хушнудлик ва таҳсинлар!

13

«Яса аҳу вайрю...»

14

«Ашим вуҳув...»

15

«Аҳуна Вайряҳ...» ни олқишлайман. Энг гузал Амшосипанда Ардабиҳиштни олқишлайман.
«Йингҳи ҳотам...»

ЯСНА, 35—42-ҲОТ (ЕТТИ ҲОТ)*

35-ҲОТ

1

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Амшосипандлар, эзгулик истовчи Шаҳриёрларни олқишлаймиз.

Мийну ва астуманд (моддий) олам ашаванона тириклигини бошдан-адоғ мадҳ этамиз.

Ашаҳ — Ҳақиқат фармони билан эзгу маздапарастлик дини фармони билан.

Роспий:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз!

2

Завт:

«Ҳваматанам...»¹⁴: Эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амалниким, бу ерда ва ҳар ерда улугланди ва улуглангуси, мадҳ этаман. Узим ҳам жону дилим билан яхшиликка интиламан.

3

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, гузал Ардабиҳишт!

Буни узимизга муносиб курдик. Икки оламда ҳам энг гузал булган фикр, калом ва оламни танлаймиз.

4

Охират мукофоти умидида энг яхши ниятларни доноларга ва нодонларга; шаҳриёрларга ва шаҳарвандларга баён қиламиз, токи оламни обод айлаб, унга файз бағишласинлар.

5

Чиндан ҳам, шаҳриёр деб шундай кимсани ҳисоблаймиз; шундай зотга муносиб деб биламиз ва шундай кишининг булишини истаймизки, у Ҳақиқатда ҳаммадан кўра аъло даражада шаҳриёрлик қила билади: Мазда Аҳура ва Ардабиҳишт.

6

Ҳар бир аёл ё эр узи дуруст ва яхши деб билган нарсасига амал қилишлари ва бошқаларни ҳам огоҳлантиришлари ҳамда улар ҳам уша нарсага амал қилишлари керак.



* Яснанинг сақкиз ҳотани (35—42) иборат бўлини «Авесто»да «Ҳаптанг ҳойтий» дейилади. Бу «Етти ҳот» демакдир. Узинга хос суз ва иборалар ҳамда назму ва мундарижага эга булган бу ҳотлар Ясна таркибида алоҳида урин тутадн

Сизларни барчадан афзал деб биламиз:

Аҳура Мазда ва жаҳон ободончилигига олқиш ва мақтовлар булсин!

Энди бу ниятни сизлар учун амалга оширамиз, узгаларни ҳам имкон қадар ундаи огоҳ этамиз.

8

Ашаҳ — Ҳақиқат солорлигида;
Ашаҳ — Ҳақиқат мадади билан ҳар бир хилқат икки жаҳон сирларидан воқиф бўлишлари лозим.



1

— Эй, Мазда Аҳура!

Даставвал Озар матлаби воситасида ва Сипандмийнуниг мадади билан сенга ёвуқ келамиз.

Озар сенинг хоҳишинг билангина кимсага озор етказлади.

2

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Энг яхши ва хуш равиш билан ҳузури-мизга кел!

Зиёда шодликлар бахш айлагувчи бўлиб, энг шойиста дуруллар билан, энг буюк адолат чогида бизга томон юз бур!

3

— Эй, Озар!

Сен Сипандмийну мисоли Мазда Аҳуранинг хушнудлик мойсисан.

Сен энг эзгу амалларинг боисидан унинг шодкомлиги мойсисан.

Аҳура Мазда бизга нозил қилган ушбу каломларни энг олий мақсад билан қабул қилгаймиз. Сени эса, эй, Зардушт, бу хабарни етказувчи, огоҳ этгувчи ва тарбиячи, деб биламиз.

10

— Эй, Аҳура!

Ардабиҳишт, Баҳман ва эзгу Шаҳриёрни қушиқ устига қушиқ; олқиш устига олқиш; ҳамд устига ҳамд билан улуглаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

36-ҶОТ

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!
Сенга ёвуқ келамиз.

4

Эзгу андиша билан; дуруст равиш билан; доно ва эзгу гуфтор ва кирдор билан сенга ёвуқ келамиз.

5

— Эй, Мазда Аҳура!

Сенга намоз келтирамиз ва эҳтиром этамиз.

Буткул эзгу андиша билан; жумла эзгу калом билан; жамийки эзгу амал билан сенга ёвуқ келамиз.

6

— Эй, Мазда Аҳура!

Дунёдаги жамийки жисмлар ичида сенинг жисмингни энг гузал ва зебо деб биламиз.

Буюк жаҳон фарогатининг олий пойгоҳи Қуешдир.

«Йингҳи ҳотам...»

37-ҶОТ

1

Завт!

Ниҳоят Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Шаҳриёрдир, бузругвордир. Биз уни мадҳ этамиз. Унинг зебо хилқатини қўлайимиз. У мумтоз олам ва Ашаҳ — Ҳақиқатни яратди. Ёруглик, замин ва жамийки яхши нарсаларни ато айлади.

2

Унинг солиҳ амалли шаҳриёр ва бузругворларини энг мақбул алқовларимиз билан мадҳ этамиз. Улар оламни қуриқлайдилар, ҳифзу ҳимоят этадилар.

3

Уни, инчунин, пок аҳуравий ва мақбул маздавий исмлар воситасида олқишлаймиз.

Уни жону дилимиз билан олқишлаймиз.

Уни, ашаван мардлар ва ашаван аёллар фравашийларини мадҳ этамиз.

4

Шу жумладан, Ардабиҳиштни мадҳ этамиз. У — энг зебо Амшосипанд, ёруглик, бошдан-оёқ яхшиликдир.

Баҳман, Эзгу Шаҳриёвар, Эзгу Дин,
яхшилиқ тақдир, Эзгу Сипандормазни
мадҳ этамиз.

38-ҶОТ

1

Ниҳоят, заминни олқишлаймиз. Замин
бизни уз бағрига олгандир.

— Эй, Аҳура Мазда!

Аёлларни мадҳ этамиз. Улар сенин-
дир ва энг олий Ашаҳ — Ҳақиқатдан
огоҳдирлар.

2

Эътиқод хуруши, элчилик, ҳушёрлик
ва пок дин билан эзгу қазо ва қадарни;
эзгу орзуни; эзгу фаровонлиқни; эзгу
номни; эзгу бағишловни мадҳ этамиз.

3

Ниҳоят сувларни олқишлаймиз.

Қуйи оқгувчи, йиғилгувчи ва равон
оқгувчи, эзгу ниятли аҳуравий сувларни
мадҳ этамиз.

— Эй, сувлар!

Сизлар яхшилиқ билан равонасиз.
Хилқатни ювиб пок этасиз ва икки жаҳон
саодатига сазоворсиз. Биз сизларни
эъзозлаймиз.

1

Шунингдек, Гушварван ва Гившташан,
уз руҳларимиз ва чорполар руҳларини
олқишлаймиз. Улар тирикчилигимиз моюсидирлар. Биз улар учунмиз, улар эса, бизлар учун.

2

Судманда дашт жонварларининг руҳларини олқишлаймиз.

Шунингдек, қаерда тугилган булсаларда ашаван эрлар ва ашаван аёллар руҳларини мадҳ этамиз. Бу мард ва аёлларнинг эзгу динлари Ашаҳ — Ҳақиқат фирузлиги учун ҳаракат қилади; ҳамиша ва ҳар қачон ҳаракатда.

3

Шунингдек, эзгу нарлар ва ургочиларни мадҳ этамиз. Абодий барҳаёт ва аба-

«Йинғи ҳотам...»

4

Сизларни, эй яхши сувлар, ҳушнудлик бағишлагувчи Аҳура Мазда инъом айлаган исмлар билан олқиш этамиз. Уша номлар воситасида сизларни мадҳ этамиз. Уша исмлар воситасида сизлардан дустлик орзусидамиз. Уша номлар билан намоз келтирамиз. Уша номлар билан миннатимизни изҳор қиламиз.

5

— Эй, баракотли сувлар!

Сизларни имдодга чорлаймиз; сизлар оналар мисолисиз; соғин сигирлар каби парвариш қилгувчисиз ва барча озуқалардан яхшироқ, хушроқдирсиз.

Сизларни, эй қудрати осмон қадар булган забардаст яхшилар, бу ерга чорлаймиз, токи бу танглиқда бизга мадад бергайсиз ва қўллагайсиз, эй барҳаёт волидаларимиз!

«Йинғи ҳотам...»

39-ҶОТ

дий яхшилиқ моюси булган Амшосипандлар ва Амшосипандбонуларни олқишлаймиз.

4

— Эй, Аҳура Мазда!

Сен яхшилиқ билан андиша юритдинг; сузадинг ва амал қилдинг; биз ҳам эзгу андиша, қалом ва амалларимизни сенинг ҳузурингга келтирамиз.

— Эй, Мазда Аҳура!

Шунингдек, сени олқишлаймиз ва эъзозлаймиз. Шу каби сенга намоз келтирамиз ва эҳтиром бажо айлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқат билан пайванд бўлиб, унинг кумак ва имдоида, эзгу ният билан эзгу парҳезкорлик билан сенга томон борамиз.

«Йинғи ҳотам...»



1

— Эй, Мазда Аҳура!
Ниҳоят уз ваъданга амал қил ва биз-
нинг орзу-аъмомимизни рӯёбга чиқар.

— Эй, Мазда Аҳура!
Сен ваъда қилганинг нарсага мен каби
бир диндор муносиброқдир.

2

Бу тақдирни сен бизга муносиб
кўрдинг, токи заминий тириклигимизда
ва мийну оламида ҳам сен ва Ашаҳ —
Ҳақиқат билан абадий ҳамнишин булгай-
миз.

3

— Эй, Мазда Аҳура!
Шундай қилки, артиштарлар Ашаҳ —
Ҳақиқатга эш булсинлар; Ашаҳ —
Ҳақиқатни қидирсинлар ва деҳқонларни
яхлит-ягона, пуршўр ва устувор айла, то-
ки улар отурбонга ҳамқадам булсинлар.

4

— Эй, Мазда Аҳура!
Қардошларингиз, ҳамқору ёрларингиз
билан ягона-якдилмиз. Биз пок ашаванлар
қаторида булишни орзу қиламиз. Уни
бизга насиб айла.
«Йинғи ҳотам...»

41-ЎОТ

1

Уз қўшиқларимиз, олқиш ва эъзола-
римизни Аҳура Мазда ва Ардабиҳишт
ҳузурига келтирамиз ҳамда бу назр-
ниезни сазовор ва шойиства деб инонамиз.

2

— Эй, Мазда Аҳура! Эй, уртадаги эзгу
матлабли зотлар!

Шоядки, сенинг эзгу Шаҳриёрлигинг-
дан ҳар доим баҳраманд булсак.

Шоядки, ҳар икки жаҳонда ҳам се-
нинг эзгу Шаҳриёрлигинг биз — эрлар ва
аёлларга фармонраво булсал!

3

— Эй, уртадаги эзгу матлабли зотлар!
Сизни фархунда ва камёб; Ашаҳ —
Ҳақиқатдан огоҳ илоҳлар деб биламиз.

Шоядки, сизлар ҳар икки жаҳонда
ҳам бизнинг тан ва жонимизга паноҳ
булсангиз!

4

— Эй, Мазда! Эй, уртадаги эзгу мат-
лабли зотлар!

Шоядки, сенинг абадий паноҳингни
топсак ва унга мушарраф булсак.

Шоядки, сенинг қўлловинг билан ком-
раво ва неруманд булсак ва ягона матла-
бимиз — сенинг абадий паноҳингда яша-
сак.

5

— Эй, Мазда Аҳура!
Сенинг олқишловчиларинг ва пайгом-
ларингни етказувчилар деб аталдиқ, уни
қабул этдик ва бизга насиб этганинг дин-
дан маскурмиз.

6

Сен бу қисматни бизларга лойиқ
кўрдинг, токи бу заминий ҳаётда ҳам,
мийну ҳаётида ҳам сен ва Ашаҳ —
Ҳақиқат билан абадий ҳамнишин булгай-
миз.

7

«Йинғи ҳотам...»

«Ҳваматанам...»: эзгу фикр, эзгу ка-
лом ва эзгу амалниким, бу ерда ва ҳар ер-
да улуғланади ва улуғлангуси, мадҳ эта-
ман. Узим ҳам жону дилим билан яхши-
ликка интиламан.

«Яса аҳу вайрю...»

«Ашим вухув...»

«Йинғи ҳотам...»



1

Завт ва Роспий:
— Эй, Амшосипандлар!
«Етти ҳот» пораларини мадҳ этамиз.
Чашмазор сувларини мадҳ этамиз.
Гузаргоҳ сувларини мадҳ этамиз.
Бир-бирига қушилиб кетган пайваста
йулларни мадҳ этамиз.
Бир-бирига бақамти йулларни мадҳ
этамиз.

2

Сувлар қуюлгувчи тоғларни олқишлай-
миз.
Сув туққувчи дарёчаларни олқишлай-
миз.
Судбахш бугдой далаларини олқиш-
лаймиз.
Ниғаҳдор ва офаридгорни олқишлай-
миз.
Мазда ва Зардуштни олқишлаймиз.

3

Замин ва осмонни эъюзлаймиз.
Мазда яратган эпчил бодни олқишлай-
миз.
Албурз тоғи чуққиларини олқишлай-
миз.
Замин ва барча эзгу нарсаларни
олқишлаймиз.

4

Эзгу ният ва ашаванлар руҳини
олқишлаймиз.
Элик савварали Восий балигини¹⁴
олқишлаймиз.
Фарог Карт дарёси уртасида яшовчи
пок Харани¹⁴ олқишлаймиз.
Фарог Карт дарёсини олқишлаймиз.

5

Шаън-шуқуҳли заррин Ҳавмини олқиш-
лаймиз.
Оламларга кенглик бағишлагувчи
Ҳавмини олқишлаймиз.
Улимни узоқлаштиргувчи Ҳавмини
мадҳ этамиз.

6

Оқин сув ва баландпарвоз қушларни
олқишлаймиз.
Отурбонларнинг қайтишини олқиш-
лаймиз. Улар олис-олис сарзаминларга
Ашаҳ — Ҳақиқатни ёймоқ ва одамларга
ургатмоқ мақсадида кетганлар.
Барча-барча Амшосипандларни эъюз
қиламиз.
«Йинғи ҳотам...»



79

52-ҲОТ

1

Завт ва Роспий:
«Яса аҳу вайрю...»
Завт:
Неки эзгудир ва неки зиёда эзгудир
Ашаҳ — Ҳақиқатнинг саросар хилқати
учун истаймиз. Ашаҳ — Ҳақиқат бор эди,
бор ва бундан кейин ҳам барқарор.
Абадий фирузлик ва саодат бағишла-
гувчи Аша уз хоҳиши билан мадад беради
ва орзуларни рӯёбга чиқаради.

2

Аша сувларда, гиёҳларда, чорполарда
мавжуд булган жамийки дармонлардан
воқиф. Удирким девлар ва дурванд кимса-
ларнинг ушбу хонадонга ва унинг соҳиби-
га етказадиган зиён-заҳматларига барҳам
беради.

3

Яхшилик орзуси, яхшилик мукофоти,
бурунги ва кейин келгуси эзгуликлар —

абадий саодатнинг мояси. Биз энг улуг,
энг аъло, энг гузал қисматдан баҳраманд
булғаймиз.

4

Амшосипандларни олқишлаймиз,
эъюзлаймиз, хушнудлик тилаб, таҳсин-
лар уқиймиз, токи ушбу хонадонлар ар-
доқласинлар; Ашаҳ — Ҳақиқат хилқатини
бошдан-оёқ эъюз этсинлар ва дуруж хил-
қатини нобуд айласинлар.
— Эй, Аша!

Бутун мавжудотга яхшилик истовчи
Маздани олқишлаймиз.

5

— Эй, Аҳура Мазда!
Шоядки, уз мақсад ва мароминг билан
яратганинг махлуқларга — сувлар,
гиёҳлар, барча ашанаҷод аждодаларга
шаҳриёрлик қилсанг!
Шоядки, Ашаҳ — Ҳақиқатга қудрат
ва тавонолик, дуружга нотавонолик бахш
айласанг!

6

Коми раво булсин Ашаҳ — Ҳақиқатнинг.

Ноком булсин дуруж!

Сипандийну оламида тозалансин, нари кетсин, йуқолсин ва нокам булсин дуруж!

7

Энди мен — Зардушт — хонумонлар, кишлоқлар, шаҳарлар ва улкаларнинг



80

раҳбарларига юзланай, токи улар аҳуравий ва зардуштий динига буйинсунсинлар; бу дин талабига кура сузласинлар ва амал қилсинлар!

8

Завт ва Роспий:

Ашаҳ — Ҳақиқат оламига бошдан-оёқ осойишталик ва кенглик орзу қиламан.

Дуруж оламига саросар огирлик ва танглик тилайман.

«Ашим вуҳу...»

54-ҶОТ

1

Завт ва Роспий:

— Эй, иззатли Аряман!

Зардуштий эр ва аёлларга кумақ бермак учун бу ерга кел; эзгу ниятга мадад бермак учун ва ҳар нечук олий қисматга муносиб динга имдод бермак учун бу ерга кел!

Аҳура Мазда мушарраф айлагувчи Ашаҳ — Ҳақиқат армонини истаймен.

«Ашим вуҳу...»

2

«Аряман ишях»¹⁹ намозини олқишлаймиз; у гоят қудратли душманшикан намоз булиб, Ашаҳ — Ҳақиқат каломлари ичида энг улуғидир.

Пок гоҳлар, ашаван шаҳриёр радларни олқишлаймиз.

Оламининг илк қонуни булган «Ставута йисняҳ»ни²⁰ олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

55-ҶОТ

1

Бутун вужудимиз — тан ва устухон; жон ва жисм; буй ва равон; туш ва фраваший — бари-барини ниёз қиламиз ва пешгоҳга муносиб, деб биламиз.

Шунингдек, буларнинг барчасини ашаван гоҳлар, ашаван шаҳриёр радлар ҳузурида муносиб ҳисоблаймиз.

2

Гоҳлар бизнинг пушт-паноҳимиз, асрагувчимиз ва мийну оламинимиз хурушидир; бизга руҳ, ҳурак ва либосдир.

Гоҳлар бизга паноҳ, пойдорлик ва мийну олами хурушини бахш этадилар; гоҳлар бизга руҳ, ҳурак ва либосдир.

Шоядки, гоҳлар ўзга оламда, тан ва руҳ (буй) бир-биридан жудо булганидан сунг, бизга эзгу ва буюк қисмат, Ашаҳ — Ҳақиқат муждасини насиб этса.

3

Шоядки, улар бизнинг ҳузуримизга келсалар; қудрат билан, фирузлик билан; тандурустлик билан; дармон билан; фаровонлик билан; улутворлик билан; кечирим

билан; мадад билан; яхшилик билан; Ашаҳ — Ҳақиқат билан. Уша «Ставута йисняҳ»ни қудратли Мазда фирузмандалик ва жаҳонга оро бермоқ мақсадида яратди. Қудратли Мазда уни Ашаҳ — Ҳақиқат оламини асрамоқ; Ашаҳ — Ҳақиқат дунёсига ниғаҳбонлик қилмоқ; қисмат соҳиблари ва қисмат бағишлагувчиларга мададкор ва бошдан-оёқ Ашаҳ — Ҳақиқат хилқатига имдод булмоқ учун халқ қилади.

4

Қай бир ашаванким, ушбу намоз билан радлар ва узининг хушнудлиги, шунингдек тавба-истигфор билан сенинг пешгоҳингга келса, сен уни эзгу ният, эзгу калом ва эзгу амалнинг пойгоҳларига етказурсан.

5

Ашаҳ — Ҳақиқат ва эзгу ниятни ша-рафлаймиз.

Ашаван гоҳлар ва шаҳриёр радларни олқишлаймиз.

«Ставута йисняҳ»ни олқишлаймиз. У илк олам қонунидир. У ҳисоб қилинган; икки чандон айтилган; ургатилган; уқитилган; устувор қилинган; такрорланган; хотирда сақланган; ёдда ўқилган ва тирилик оламини ўз хоҳишича янгилай олади.

56-ҶОТ

1

Шоядки, бу ерда Аҳура Маздани олқишламоқ суруши* бўлса; у энг қудратли ашавандир, ибтидода ва интиҳода. Биз уни олқишлаймиз.

Шунингдек, бу ерда Аҳура Маздани олқишламоқ суруши бўлса; у энг забардаст ашавандир. Уни олқишлаймиз.

2

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни, бизнинг рӯҳимизни эъозловчи суруш бўлса. Ибтидода ва интиҳода.

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни, бизнинг рӯҳимизни эъозловчи суруш бўлса.

3

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни; ажодларни; эзгу Амшосипандларни; эзгу ниятли шахриёрларни олқишламоқ суруши бўлса. У ашаванга муносиб ва бизга-да

«Ставут йисняҳ»нинг булимларини олқишлаймиз.

Ёдда ўқилгувчи; сас-садосиз айтилгувчи; куйлангувчи ва эъозланган «Ставута йисняҳ»ни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

муяссар бўлгуси.

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни олқишловчи ва эзгу қисмат бағишлагувчи суруш бўлса. Ибтидода ва интиҳода ҳам.

Шунингдек, бу ерда эзгу сувларни; ажодларни; эзгу Амшосипандларни; эзгу ниятли шахриёрларни олқишламоқ суруши бўлса. У ашаванга муносиб ва бизга-да муяссар бўлгуси.

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни олқишловчи ва эзгу қисмат бағишлагувчи суруш бўлса.

5

Завт ва Роспий:

«Яса аҳу вайрю...»

«Ашим вуҳув...»

Оламларга кенглик бағишлагувчи, қудратли ва порсо Сурушни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»



81

57-ҶОТ

(Тун боши Суруш яшт)¹¹

1

Завт ва Роспий

«Ашим вуҳув...»

Қурқмас, мустақкам уруш аслаҳалари соҳиби, аҳуравий тан мансара, ашаван Сурушга хушнудлик, олқиш ва таҳсинлар бўлсин!

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт,

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...»

дейди менга порсо ва мард эр.

Биринчи бўлим

2

Завт ва Роспий:

Ашаван, порсо, оламларга фирузлик ва кенглик бағишлагувчи қудратли Суруш; Ашаҳ — Ҳақиқат радини олқишлаймиз.

Завт:

Мазда яратган мавжудот орасида биринчи булиб ёйилган барсам қошида Аҳура Маздани, Амшосипандларни, бутун борлиқ Яратгувчиси, ниғаҳбони ва асрагувчисини эъозлаймиз.

* Суруш ушбу ҳотда итоаткорлик, фармонбардорлик, буйинсуниш илоҳи бўлмади, бلكин итоаткорлик, фармонбардорлик ва буйинсуниш маъносиде қўлланилмадди.

«Аҳи раяҳ...»: Фарру фуруги учун; қудрат ва фирузи учун; илоҳпарастлиги учун баланд овозда намозу завр билан уни олқишлаймиз. Уша порсо Сурушни; бузругвор ва эзгу Ашани; қудрат соҳиби Нарюсангни!

Шоядки, қудратли ашаван Суруш биз-га мадад айласа.



5

Қудратли ва порсо, оламларга кенглик бағишлагувчи ашаван, рад ашаван Суруш-ни олқиш этамиз.

6

Илк марта уч новдали, беш новдали; туққиз новдали барсамни тиззага қадар, оёқнинг тенг ярмига қадар ёйган зотга ва Амшосипандларга олқиш, ҳамд-сано, хуш-нудлик ва таҳсинлар булсин!

«Аҳи раяҳ...»: Фарру фуруги учун;

7

Оламларга кенглик бағишлагувчи аша-ван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз.

9

Оламларга кенглик бағишлагувчи аша-ван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз.

10

Қуёш ботганидан сунг дарвиш эр ва дарвиш аёлга устувор хона бағишлагувчи зот.

12

Оламларга кенглик бағишлагувчи аша-ван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз. Уша баланд андишали, эпчил, қудратли ва ёвқур.

Порсо Суруш, бузругвор радни олқишлаймиз.

Ашаванлар шоҳи ва ашаванлар боши булган Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча Зардушт қушиқларини; барча олийжаноб аъмолларни олқишлаймиз: барча эъзозланган ва эъзозлангувчиларни олқишлаймиз.

Иккинчи бўлим

қудрат ва фирузи учун; илоҳпарастлиги учун баланд овозда намозу завр билан уни олқишлаймиз. Уша порсо Сурушни; бузругвор ва эзгу Ашани ва қудрат соҳиби Нарюсангни!

Порсо Суруш, бузругвор радни олқишлаймиз.

Ашаванликда ҳаммадан аъло ва аша-ванлар боши булган Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча Зардушт қушиқларини; барча олийжаноб аъмолларни олқишлаймиз: барча эъзозланган ва эъзозлангувчиларни олқишлаймиз.

Учинчи бўлим

8

Ашаван Зардуштнинг бешлик гоҳларини; патман¹², банд; олқиш ва Амшосипандлар шаънига айтилган ҳамд-саноларни илк бор қуйлади.

«Аҳи раяҳ...»

Тўртинчи бўлим

11

Бир қудрат соҳиби нотавонни мағлуб айлагани каби уруш абзали билан газаб-кор девга қонли жароҳат етказувчи зот.

«Аҳи раяҳ...»

Бешинчи бўлим

13

Улким барча ҳарбу зарбларда фируз булиб Амшосипандлар ҳузурига қайтади.

«Аҳи раяҳ...»

Олтинчи бўлим

14

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз. Ёшлар сафида энг навқирон; барчадан қудратли; қурқмас ва баҳодир; девларга даҳшат солгувчи.

— Эй, маздапарастлар!

Ашаван Сурушни олқишламоққа гайрат этинг.

Еттинчи бўлим

16

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз. Эр каяза¹³ ва аёл кайизийга¹⁴ шикаст бергувчи; оламни тубанлаштирувчи гоят қудратли дуржни мағлуб айлагувчи; бутун олам аҳлининг паноҳи ва яхшилик истовчи зот.

17

У ҳаргиз уйқу билмас; Мазда оламини ҳушёрлик билан қуриқлагувчи... У қуёш ботганидан сунг, бутун астуманда (моддий) дунёни қурол билан ҳимоят қилади.

20

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни шарафлаймиз. Дармонбахш; гузал заррин нигоҳ шаҳриёр. Ҳавм уни улуг, Албурз тоғи чўққисида олқишлайди.

Тўққизинчи бўлим

21

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз. Унинг юз устуни устувор хонаси Албурз тоғининг энг баланд чўққисида бино булгандир. Уй ич-ичидан чунонам ёрул, зоҳирад эса юлдузга монанддир.

23

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз.

15

Йуқолсин бу хонумондан; йуқолсин бу қишлоқдан; йуқ булсин бу шаҳарадан; йуқолсин ушбу сарзаминдан ёзуғлар, гуноҳлар ва селоблар!

Ашаван Суруш аъмоли бажо булган ва мард ашаван эзгу андиша, эзгу калом, эзгу амал билан бош уриб келган хонадонда яхшиликлар билан кутиб олинсин!

«Аҳи раяҳ...»

18

У Сипандмийну ва Аҳриман қуллари билан яхшилик ва ёмонлик яратилганидан кейин тин олмади, ухламади. У Ашаҳ — Ҳақиқат оламини қуриқлади.

У тун-кун мозандарий девлар билан талаш қилади.

19

У девлар ваҳшатидан қурқмайди ва чекинмайди. Ундан барча девлар қурқадилар ва даҳшатга тушиб, зулматга чекинадилар.

«Аҳи раяҳ...»

83

Унинчи бўлим

Унинг куч-қудрати, фирузалиги, фарзоналиги ва донолиги туфайли Амшосипандлар ернинг етти иқлимга келдилар.

У буюк дин мураббийси — устодидир.



24

Унинг туфайли навқирон шахриёрлар астуаманд оламнга нузул қилдилар. Бу динга рози буддилар. Ашаван Аҳура Мазда, Баҳман, Ардабиҳишт, Шаҳриёвар, Сипандормаз, Хурдо, Амурдо, аҳуравий саволлар ва аҳуравий жавоблар.

25

— Эй, шавкатли, порсо Суруш!
Шоядки, сен ҳар икки оламда — астуаманд олами ва мийну оламида — бизга паноҳ бахш айласанг. Нобакор ва тубанкорларга қарши; нопок ғазабга қарши;

27

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз.
Унинг гардунасини (арава) турт оппоқ, мунаввар, дурахшон, пок, хушёр ва соясиз тақоварлар заррин шохли туёқларда мийну олами кенгликлариде тортиб бордилар.

28

Улар тулпорлардан ҳам учқурдирлар; улар шамолдан ҳам учқурдирлар; улар ёмғирдан-де тездирлар; улар булутдан-де эпчилдирлар; улар учар қушлардан-де

30

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз. У Мазда яратган хилқатни асрашга ва қуриқлашга камарбаста булган бузругвордир.

31

У девларни қақшатувчи; кескир уруш куроли соҳиби, ҳар кеча-кундузда уч мар-

33

Оламларга кенглик багишлагувчи ашаван; Ашаҳ — Ҳақиқат ради; қудратли, фируз ва порсо Сурушни олқишлаймиз.
Бу ерда ва ҳамма ерда — ер юзининг турт томонида — уни шарафлаймиз!

нопок артшторларга қарши. Улар қонли яловларини серпайдилар. Шоядки, қаҳр-ғазаб девларининг ҳарб-зарблари, юришларига; девлар яратган вязутувага қарши бош кутарсалар.

26

— Эй, шуҳратманда, порсо Суруш!
Шоядки, сен бизнинг теваларимизга ризқ, узимизга тандурустлик берсанг. Бизлар бадҳоҳларни олисдан кузата билайлик, душманни қувиб солайлик ва ёмон ниятдиларни бир ҳамлада юз тубан қилайлик!
«Аҳи раяҳ...»

учқурдирлар; улар тобланган ўқдан ҳам шиддатироқдирлар.

29

Тақоварлар кимнинг ортидан қувсалар, бир зумда етиб оладилар, бироқ ҳеч ким уларнинг ортидан қувиб етолмайди.
Ашаван Сурушни олиб юрувчи тақоварлар икки уруш аслаҳаси билан ҳозир бўлишади.

Агар кимда-ким Ҳиндистоннинг шарқида булмасин, агар кимдир дунёнинг қаърида булмасин, у Сурушнинг чанғалидан қочиб қутула олмайди.

«Аҳи раяҳ...»

Ўн иккинчи бўлим

та порлоқ Ҳавнайраса¹⁴ улкасига кириб келади.

32

Бу мунаввар улкага нопок Аҳримани, қонли қаҳр соҳиби булган мозандарий ва барча-барча девларни қақшатмоқ мақсадида кириб келади.

«Аҳи раяҳ...»

Ўн учинчи бўлим

У баҳодир ашаван, таңмансара, қудратли жанговарни олқишлаймиз.

Унинг девларни янчиб ташлайдиган зарбадист билакларини шарафлаймиз.

Фирузликда барчадан фирузмандроқ порсо Суруш ва илоҳ Арштийни олқишлаймиз.



Суруш паноҳида булган хоналарни олқишлаймиз.

Ашаван сурушни эҳтиром қилгувчи уйлар ва эзгу андиша, эзгу калом ва эзгу

58-ҶОТ

1

Бу некбунёд, Ашаҳ — Ҳақиқат ва Ормаитий — Комил Ақлга пайваста намозни, бунёди эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал булган намозни саодатнинг асбоби деб биламиз.

2

Шоядки, бу намоз бизни девлар ва дурванда одамлар зулмидан паноҳ бағишласа.

Қудратимиз ва борлигимизни ушбу намозга бағишлаймиз, токи бизга паноҳ... шафоатбахш, асрагувчи ва қўллагувчи булсин!

3

— Эй, Аҳура Мазда!

Биз сенинг ибодатинг билан шодимиз.

Бу ибодатда муттасил булишни истаймиз.

Биз алқов ва мадҳу саного қоиммиз.

Қудрат ва борлигимизни ушбу намозга тошпираимиз, токи бизга паноҳ, шафоатбахш, асрагувчи ва қўллагувчи булсин!

«Эй, Аҳура!

Сендан сурайман, Ҳақиқат билан жавоб бер. Сенга кунгил боғлаганларнинг хоксорона дуолари нечудир?»

4

Ашаванлар раҳбари саодатлидир.

Энг яхши раҳбарни улуғлаймиз.

Удир Ашаҳ — Ҳақиқат хилқатининг отаси. Хоҳ эр, хоҳ аёл — неки Ашаҳ — Ҳақиқатга мансуб булса унингдир.

Шубҳасиз, у эзгу ниятдир.

У гузал ва улуғворни мудом ёд этамиз ва улуг тутамиз.

Удир жаҳонни Ашаҳ — Ҳақиқат, фаровонлик, орзу-аъмол ва меҳрибонлик билан парварिश айлади;

Аҳура Мазданинг дастёрлиги билан бизни асрагувчимиз ва ҳимоятгаримиздир.

ниятли мард ашаван қабул қилинувчи хонадонларни олқишлаймиз.

«Аҳи раях...»

«Аҳмои раишча...»*

5

— Эй, Амшосипандлар!

Бизни яратганингиз каби уз паноҳингизга олингиз!

— Эй, яхшилар!

Бизга паноҳ булинг!

— Эй, яхшилар**

Бизга паноҳ булинг!

— Эй, Амшосипандлар! Эй, эзгу ният шаҳриёрлар!

Бизга паноҳбахш булингиз!

«Эй, Мазда!

Мен сендан бошқа ҳеч кимни танимайман. Бас, шундай экан, Ашаҳ — Ҳақиқат билан бизга паноҳ бағишла».

6

Андиша, суз, амал; тевалар ва одамларни Сипандмийнуга таалуқли деб биламиз.

Унингдурким, расо чорполар, яхши тирклиқ, гузал углонларимиз бор.

Тандурустлигимиз, расолигимиз, покликдан огоҳлигимиз ундандир.

Шоядки, биз дадар Аҳура Мазда хилқатида Яратгувчининг фуруг ва саодати аломатларини курсак.

7

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сенга намоз келтираимиз.

Энг улуг илоҳий имтиҳон чоги ҳузуримизга кел, олий бахшиш ва шодмонлик — Хуроод ва Амуроодни бизга бахш айла!

8

«Ставута йисняҳ»ни бошдан-адоқ энг гузал бандлари билан олқишлайман.

— Эй, Мазда Аҳура!

Вужудлар ичида энг гузали сенинг вужудинг — жаҳон фароғатининг энг юксак пойгоҳи, деб аталмиш Қуёш.

9

Башариятнинг илк қонуни булган «Ставута йисняҳ»ни шарафлаймиз!



* 66-Яснанинг 11-банди.

** Базан таъдидотчиларнинг фикрига кўра, ушбу иккинчи хитоб аёл-илоҳлар — Сипандормад, Хуроод ва Амуроодга қаратилган. Бу уч Амшосипанд аёл жинсига мансуб бўлиб, Аҳура Мазданинг она-қудалиқ рамазларидир, дейилади манбаларда.

1

Ашаван Аҳура Мазда — рад ашаванни олқишлаймиз.

Эзгу ниятли Амшосипандлар шаҳриёрларни шарафлаймиз.

2

Гоҳларнинг ашаван шоҳлари — рад ашаванларни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Ҳований ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Савангҳий ашаван, Вяся ашаванни олқишлаймиз.

Номдор илоҳ, минг қулоқли, ун минг кузли, фаровон яйловлар соҳиби Меҳрни олқишлаймиз.

Унумли яйловлар бағишлагувчи Ромни олқишлаймиз.

3

Рад ашаван — раписвийн ашаванни мадҳ этамиз.

Рад ашаванлар — Фрадот Фшу ва Зантум ашаванни олқишлаймиз.

Ардабишт ва Аҳура Мазданинг угло-ни Озарни олқишлаймиз.

4

Рад ашаван — Узойирийн ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Фрадот Вийра ва Даҳйум ашаванни мадҳ этамиз.

Буюк рад, олий шаҳриёр, учқур отли Апам Напатни олқишлаймиз.

Ашаван Мазда яратган ашаван суварни олқишлаймиз.

5

Рад ашаван — Авийсрусрям ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — покиза Фрадот Виспам ва Зардуштумни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг пок, забардаст ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз.

Яйря Ҳушитийни олқишлаймиз.

Эзгу хилқат булган Агани олқишлай-миз.

Аҳура Мазда яратган Баҳромни олқишлаймиз.

Фируз Упаратотни олқишлаймиз.

6

Рад ашаван — Ушоҳийн ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Бирижях ва Нманях ашаванларни олқишлаймиз.

Оламларга саодат бағишлагувчи порсо Сурушни олқишлаймиз.

Энг ростгуй Рашни олқишлаймиз.
Дунёларга кенглик бағишлагувчи,
жаҳонпарвар Арштодани олқишлаймиз.

7

Рад ашаванлар — ашаван Ой илоҳла-рини олқишлаймиз.

Рад ашаван — Андармоҳ ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлар — Пурмоҳ ва Вайшап-таса ашаванларни олқишлаймиз.

8

Рад ашаванлар — гаҳанбор ашаванла-рини олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдюзарим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдюшам ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Патя Шҳим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Аясрим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Майдярим ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаван-ни олқишлаймиз.

Рад ашаван — ашаван йил илоҳларини олқишлаймиз.

9

Барча-барча рад ашаванларни олқиш-лаймиз. Ҳований атрофидаги уттиз уч рад ашаванларни олқишлаймиз.

Улар Мазда таълим берган ва Зар-душт суйлаган энг гузал ашаванлар Ҳақиқатга мансубдирлар.

10

Завол билмас бузругвор ашаванлар.
— Аҳура ва Меҳрни олқишлаймиз.

Юлдузлар, Ой ва Қуёшни барсам-гиёҳи билан олқишлаймиз.

Бутун сарзаминлар Шаҳриёри — Меҳрни олқишлаймиз.

Фарриҳманд ва раюманд Ҳурмузд кун-ни олқишлаймиз.

Ашаванларнинг покиза, қудратли ва эзгу фравашийлари Ойини олқишлаймиз.

11

— Эй, Аҳура Мазданинг углони Озар!
Сени олқишлайман! Биризий Савангҳа
Озарини шарафлайман. Вуҳу Фрёна Озарини олқишлайман. Урувазийшта Озарини олқишлайман. Возийшта Озарини олқишлайман. Спинийшта Озарини олқишлайман. Илоҳ Нарюсангининг шаҳриёрлик киндиги Озарини шарафлайман.



12

Мазда яратган энг яхши ашаван сувларни олқишлайман. Мазда бунёд этган жамийки ашаван сувларни олқишлайман. Мазда халқ қилган барча ашаван гиёҳларни шарафлайман.

13

Девларни забун айлагувчи адолатни олқишлаймиз.

Зардуштнинг одиллигини шарафлаймиз.

Азалий нурни олқишлаймиз.

Эзгу маздапарастлик динини олқишлаймиз.

14

Ашаҳ — Ҳақиқатга осойишталик багишлагувчи Ушйидарина тогини олқишлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқатга осойиш багишлагувчи барча тоғлар; гоятда мул осудалик бергувчи Мазда яратган ашаван, рад ашаванларни олқишлаймиз.

Мазда яратган каёнй Фаррни олқишлаймиз.

Мазда халқ қилган энгилмас ва фируз Фаррни мадҳ этамиз.

Эзгу Аша — қудрат бахш айлагувчи бузругворни олқишлаймиз.

Мазда кашф қилган Фаррни олқишлаймиз.

Мазданинг қазо ва қадарини олқишлаймиз.

15

Ашаваннинг эзгу алқовини олқишлаймиз.

Поқ, ҳалол ва мард ашаванни олқишлаймиз.

Забардаст билакли, ёвқур илоҳ Дамуиш Упаманани олқишлаймиз.

16

Сувлар, заминлар гиёҳларни олқишлаймиз.

Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлаймиз.

Қишлоқлар соҳиби Аҳура Маздани олқишлаймиз.

17

Энг буюк рад ашаванлар — кун, ой, ғаҳанборлар ва йил илоҳларини олқишлаймиз.

18

Ашаванларнинг поқ, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлайман, чорлайман ва куйлайман.

19

Барча-барча илк фравашийлардан энг муҳим, энг яхши, энг гузал, энг устувор, энг донишманд, энг қудратли, энг мумтоз булган Аҳура Мазданинг фравашийсини олқишлайман.

20

Ашаванларнинг поқ, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлайман.

Амшосипандларнинг фравашийларини олқишлайман; уша тезбаён, бузругвор, гоят қудратли, қурқмас, аҳуравий ва абадий варжовандлар.

21

Ниҳоят илк дин урганувчи толиблар ва илк таълим бергувчи мураббийлар, Ашаҳ — Ҳақиқатни фируз айлаган эр ва аёл ашаванларнинг жон, дин, буй, руҳ ва фравашийларини олқишлайман.

Эзгу ниятли Гушварванни мадҳ этаман.

22

Ашаҳ — Ҳақиқатни фируз айлаганларнинг фравашийлари; ашаван Каюмарт фравашийсини олқишлайман.

Ниҳоят ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийси ва унинг мукофотини олқишлайман.

Ашаван Кай Гуштасп фравашийсини олқишлайман.

Зардуштнинг ўғли ашаван Ист Востра фравашийсини олқишлайман.

23

Ниҳоят, Ашаҳ — Ҳақиқат фирузлигига сабаб булган аждодлар, аёллар ва мардларнинг жон, дин, буй, равон ва фравашийларини олқишлайман.

Бор ва булган барча ашаванлар; ҳали дунёга келмаган мардоналар (оламни янгидан бунёд этгувчи сушэнтлар) фравашийларини олқишлайман.

24

Ниҳоят, марҳумларнинг руҳларини олқишлайман.

Бу хонадондан утган жамийки аждодлар, толиблар ва муаллимлар — хоҳ ашаван эр, хоҳ ашаван аёл булсин барчасини олқишлайман.

25

Жамийки ашаван шоғирд фравашийларини олқишлайман.

Жамийки ашаван устод фравашийларини олқишлайман.



87



Жамийки ашаван эрлар фравашийларини олқишлайман.

Жамийки ашаван аёллар фравашийларини олқишлайман.

26

Ашавандан дунёга келган ашаван фарзандлар фравашийларини олқишлайман.

Улкада яшовчи ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

Улкадан ташқарида яшовчи ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

27

Ашаван эрлар фравашийларини олқишлайман.

Ашаван аёллар фравашийларини олқишлайман.

Каюмартдан тортиб, токи фируз Сусхентгача булган жамийки пок қудратли ва тавоно ашаванлар фравашийларини олқишлайман.

28

Аҳура яратган Баҳромни олқишлайман.

Фируз Сусхентни олқишлайман.

Завт ва Роспий:

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ёйиб ҳўйилган барсам, завр ва барсам белбогини олқишлайман.

Уз руҳимни олқишлайман.

Уз фравашийимни олқишлайман.

29

Барча ашаван илоҳларни олқишлайман.

Барча рад ашаванларни олқишлайман: рад Ҳованининг айёмидир; рад Савангхйининг ва Всяянинг айёмидир; барча буюк радлар айёмидир.

30

«Йингҳи ҳотам...»

Роспий:

Барча яхшилиқ, барча яхшилиқлар сенга бўлсин! Сенга ва Завтга!

Шоядки, Завт мукофоти — эзгу ниятли, эзгу қаломли, эзгу амалли Завтнинг мукофоти сенга насиб қилса!

31

Завт:

Шоядки, барча энг олий яхшилиқлар сизнинг ҳузурингизга келса!

Энг даҳшатли ёмонликлар сизга насиб бўлмасин!

Ёмондан-да ёмонроқ нарсалар менга насиб қилмасин!

32

Завт ва Роспий:

«Яса аҳу вайрю...»

«Ашим вуҳув...»

33

«Аҳуна Вайряҳ»ни олқишлаймиз.

Энг гузал Амшосипанда Ардабиҳиштни олқишлаймиз.

«Ҳодухт наск»нинг «Фшушу мансара»сини шарафлаймиз.

Бутун бошли «Ставута йисняҳ»ни мадҳ этамиз.

Илк олам қонунни — «Ставута йисняҳ»ни олқишлаймиз.

34

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва донишманд эр.

60-ҶОТ

1

Завт ва Роспий:

«Бас, ҳақиқатда, астуманд (моддий) ва мийну оламида ҳам энг улуг яхшилиқлар уша кишига насиб қиладиким, у бизни эзгуликнинг тугри йўли — Аҳуранинг жойгоҳи бўлмиш Ашаҳ — Ҳақиқат дунёси сари элтади.

— Эй, Мазда

Сенга кўнғил боғлаганлар огоҳлик ва поклик билан сенга пайваст буладилар.»

2

Шоядки, хушнудлик, порсолик, улугворлик ва саодат ушбу хонумонга насиб қилса!

Шоядки, Ашаҳ — Ҳақиқат, қудрат ва ажр, фарр ва хушлиқ — Зардушт аҳуравий динининг абадий пешволиги бу ерга нузул айлалса!

3

Ниҳоят...

Мабодо, гала ва сурувларнинг пайванди узилмасин!

Мабодо, Ашаҳ — Ҳақиқатнинг биз билан пайвандлиги узиломасин!

Мабодо, ашаван эрнинг биз билан пайвандлигига дарэ кетмасин!

Мабодо, аҳуравий диннинг биз билан пайвандлигига шикаст етмасин!

4

Шоядки, ашаванларнинг пок ва эзгу фравашийлари бутун замин миқёси, дарёлар узунлиги ва қуёш юксаклигида булган Аша билан биргаликда бу хонумонга нузул айласа, токи бу хонадонга яхшиликлар насиб этиб, фарру фуруғи зиёда булса ва бадҳоҳлар қаршисида пойдорлик қилса!

5

Шоядки, бу хонада итоатгўйлик итоатсизликдан; муроса муросасизликдан; хоксорлик кибрдан; турги суэ ёлгондан; Ашаҳ — Ҳақиқат дуруж устидан музаффар булса..

6

Токи, Амшосипандлар бу манзилда абадул-абад итоатгўйлик, порсолик, эзгу алқов ва эъвозлар, кунгил рағбати ва эътиқоди ҳамда қондош-қариндошликни эҳсос қилсинлар.

7

Бу манзил ҳеч қачон Фаррнинг хушлиги, тириклик завқи, фарзандлар, абадий ва эзгу аъмоли ашаванлар сарвари Ашадан холи булмасин.

8

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаванлар — гоҳлар илоҳларига бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаван — Ҳований ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаванлар — ашаван Савангҳий ва ашаван Вясяга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби низоми билан кенг яйловлар соҳиби, минг қулоқли, ун минг нигоҳли, шаън-шавкатли илоҳ

Меҳрга бағишлайман; яхши яйловлар бергувчи Ромга бағишлайман.

9

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Раписвйин ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Фшу ва Зантум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданинг Озарига бағишлайман.

10

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Узойирийн ашаванга бағишлайман. Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Вийра ва Даҳйум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонунияти билан бузругвор рад — Напат Апам ва Мазада яратган сувларга бағишлайман.

11

Токи аъмолимиз шод, руҳимиз камёб, вужудимиз хушқоҳ булсин ва биҳиштга дохил булайлик.

Шунингдек, кирдорларимиз ошқор буладиган чоғда Аҳуранинг манзилига юз бурайлик, эй Мазада!

12

— Эй, ҳаммадан яхши Ашаҳ — Ҳақиқат! Эй, барчадан гузал Ашаҳ — Ҳақиқат!

Сенинг висолинг насиб қилсин.
Сенга қушилноқлик муяссар булсин.
Сенинг билан ҳамнишинлик муяссар булсин.

«Ашим вуҳув...»

13

«Яса аҳу вайрю...
«Ашим вуҳув...»
«Аҳуна Вайря...» ни шарафлаймиз.
Энг гузал Амшосипанд Ардабиҳиштни олқишлаймиз.
«Йингҳи ҳотам...»

61-ҶОТ

1

Завт:

Замин ва осмонда ҳам «Аҳуна Вайря...» ни зикр қиламиз.

Замин ва осмонда ҳам «Ашим вуҳув...» ни зикр қиламиз.

Замин ва осмонда ҳам энг гузал «Йингҳи ҳотам...» ни зикр қиламиз.

Замин ва осмонда ҳам пок, мард ва эзгу ашаванларнинг «даҳмон дуолари» ни¹¹ зикр қиламиз.



89



90

2

Мардуа булсин, йуқолсин Аҳриман ва унинг ёвуз, зарарли хилқати.

Мардуа булсин, йуқолсин эр кахвори-за¹³ ва аёл кахворизийлар.¹⁴

Мардуа булсин, йуқолсин эр кахвори-за ва аёл кахворизийлар.

3

Мардуа булсин, йуқолсин каяза эр ва каязий хотинлар.

Мардуа булсин, йуқолсин каяза эр ва каязий хотинлар.

Мардуа булсин, йуқолсин угри ва қароқчилар.

Мардуа булсин, йуқолсин зандик¹⁵ ва жодулар.

Мардуа булсин, йуқолсин Меҳр-озор (аҳдсиз, қасамхур).

1

Завт ва Рослий:

«Яса аху вайроу...»

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сени олқишлаймиз, сени эъзозлаймиз; энг яхши қурбонликлар, назр-ниёзлар келтирмоқни иштаймиз.

Сен жамийки алқов ва шарафга муносибсан.

Шоядки, сен бу хонумонда олқиш ва шарафга сазовор бўлсанг.

Сени Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан шарафлаган зот саодатлидир; қўлда яхши утин, барсам, сут ва ҳован.

2

Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Қўлимиздаги утин сенга бўлсин!

Унинг тутунлари сенга бўлсин!

Унинг хурушлари сенга бўлсин!

Утин гарамлари сенга бўлсин!

Бир гузал зот сени асрагувчи бўлсин!

Бир диногоҳ сенга ниғаҳбон бўлсин!

3

Сен бу хонумонда ёруғлик бўл!

Сен бу хонумонда абадий нур бўл!

Сен бу хонумонда мунаввар бўл!

Узоқ-узоқ замонлар то растохез (қиёмат)га қадар пойдор бўлиб; сен абад-абад, то маҳшар кунига довур эзгу ва қудрат соҳиби бўл!

4

Мардуа булсин, йуқолсин мард ашаваннинг душманлари ва кушандалари.

Мардуа булсин, йуқолсин ашмуғ, нопорса ва хавfli ижрочилар.

Мардуа булсин, йуқолсин нодуруст андиша қилгувчи, ёлгон сузлагувчи, қабих амаллар қилгувчи, эй, Сипийтмон Зардушт!

5

«Қандай қилиб дуружни узимиздан қувиб солайлик».

Биз Сушёнтар каби дуружни қувиб юборамиз.

Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!

Сен етти иқлимада мажуд дурвандларни бутун борлиги билан йуқ қилмоққа қодир ва тавоносан. Бизга дуруж — дени қандай энгмоқликни ургат.

Бутун мажудотга хайрихоҳ бўлган Аҳура ҳақида қўшиқ куйлаймиз.

62-ҶОТ

4

Эй, Аҳура Мазданинг Озари.

Менга зудлик билан қушойиш бағишла!

Менга зудлик билан паноҳ бер!

Менга зудлик билан фаровон тириклик ва паноҳ бахш эт!

Менга зудлик билан узоқ умр; дониш-мандлик; ашаванлик; гузал тил; хушёр руҳ; улмас ва фаровон ақл-хирад бахш айла!

5

Менга мардоналик, устуворлик, ҳатто оромгоҳда ҳам бедорлик бахш айла!

Менга баркамол ва диногоҳ, ватансевар ва анжуманоро, аҳил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, улка ва унинг ном ҳамаа овозасини қутарсинлар.

6

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Мени мақсадимга етказувчи нарсаларга восил айла!

Менга бугун ва абадул-абад ашаванлар бихишти; ҳар нечук осойиш бағишлагувчи ёруғлик бахш айла, токи мен эзгу ажр, эзгу ном ва радларнинг хуштолез тириклигига ноил бўлайин!

7

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Аҳура Мазданинг Озари ҳаммага хитоб қилади: у шомда, чоштгоҳда ва бомдодда

назр келтирувчиларга овоз беради. У барчадан яхши қурбонликлар истайди; энг яхши назр-ниёзлар; қўнгилларга хуш келгучи самимий ибодатлар.

8

Озар барча келгучиларнинг қўлларига боқади.

Дустлик дустликка не армуғон айлайди? Йулоччи осойиш истовчига нималар келтиради?

9

Агар йуловчи Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан утин келтирса; Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан барсам ва ҳазанаипата гиёҳини ёйиб қўйса, шунда Мазада Аҳура-нинг Озари — уша хушнуд Озар — унга камёблик истайди.

10

Шоядки, сенга чорполар суруви ва мардлар гуруҳи насиб этса!

Шоядки, сенга тириклик, эзгу ният муяссар бўлса!

Насиб қилган тун-кечаларда шоядки, сен тириклингни шодмонлик билан яшасан!

Бу Озарнинг сенга таҳсинидир.

Бу Озарнинг Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан покланган ёруғлик бергучи қуруқ утинни унинг ҳузурига келтирган кишига таҳсини.

11

«Ашим вуҳув...»

Кенг ёйилиб, орқа-олдга, унг-сўлга қулоч ташлаб оққувчи эзгу сувларга юз бурамыз.

12

Мен — маздалараст, зардуштий ва девлар душмани эканимга иқрорман.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга олқишлар, ҳамд-сано, хушнудлик ва офаринлар бўлсин!

Рад ашаванлар — Савангҳий ва Вяс ашаванга алқовлар, хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

13

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва мард донишманд.



91

63-ҲОТ

1

Завт ва Роспий:
Мазада Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидояти билан эзгу амалларни адо этгучиларни билади.

Мен ҳам ушандай зотларни — улар бордирлар ва бўлгайдирлар — номма-ном олқишлайман ва алқовлар билан уларга ёвуқ келаман.

Сенинг эзгу ниятинг шаҳриёри — Ашаҳ — Ҳақиқат партави билан умидларни ушалтиргувчиларнинг энг шойистаси — дил шўри билан эзгу амалларни рўёбга чиқаргувчиларга муяссар бўлади.

2

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни, бизнинг руҳимизни эъозловчи Суруш бўлса. Ибтидо ва интиҳода.

Шоядки, бу ерда эзгу сувларни, бизнинг руҳимизни эъозловчи Суруш бўлса.

3

Рад ашаван — Аҳура Мазада ашаванни олқишлаймиз.

Амшосипандлар, эзгу ниятли, олийжаноб Шаҳриёрларни олқишлаймиз. Сувларни шарафлаймиз.

Ашаванлар руҳлари фравашийларини олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

«Яса аҳу вайрю...»

64-ҲОТ

1

Завт:

...Қачонки улар нузул қилсалар жаҳон Ашаҳ — Ҳақиқатга юз буради.*

2—7**

* 42-Ясанинг 3-бандида келадиган «Эй, Мазада! Қачон ул дунининг дутлағ тоғи отгайким, саодатбахш таълимотининг файзли нурулари билан Ашаҳ — Ҳақиқат жаҳонни асрамоқ ушун нур таратади? Юдоридаги 1-банд ани шу савоалга Завтнинг жавоби.

** «Авесто»нинг дуализмадаги нусхаларидан ушбу бандларни топши номини бўлмади (Тарж.).

1

Ашаван Ардвининг бегубор ва пок сувларига хушнудлик; Мазда яратган жамийки гиёҳларга осойиш ва ором.



92

1

Ахура Мазда Сипийтмон Зардуштга деди:

— Бутун атрофга этак ёйган, дармон-бахш, девлар душмани бўлиш, ахуравий Ардвисура Анахитани менинг изним билан олқиш айла.

У астуманд оламида таҳсин ва олқишларга муносибдир.

У жонларга афзунлик бахш айлагувчи; уюр ва сурувларга; улкаларга, манзил ва маконларга фаровонлик багишлагувчи ашавандир.

У жаҳонга фарогат багишлагувчи ашавандир.

2

У эркак уругини пок айлайди, аёллар захдонини уларнинг таваллуди учун ҳар турли нолокжикдан соф қилади.

У аёлларнинг куз ёришларини осон айлайди; ҳомилали аёллар куксига сут келтиради.

3

У ҳамма ерда шухратли ва баланд овозадир.

У фараҳманглик — шодмонликда ер юзидаги жамийки сувлар кабидир.

У қудрат соҳиби Ҳукар тогидан ибтидо топиб, Фарог Карт дарёсига қўшилади.

4

Минг ирмогининг ҳар бири учқур суворийнинг қирқ кунлик йули баробарида булган Ардвисура Анахита Фарог Карт дарёсига равона булган чоғда, дарё бутун кенглиги буйлаб жуш-хурушга келиб, мавжлар ва тўлқинлар, урталикда томон интилади.

5

Менинг булган бу сувлардан етти қўлимга бир дарё равон булади.

Роспий:

«Яса аху вайрю...» дейди менга Завт. Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди порсо ва мард донишманд.

Биринчи бўлим

Менга қарашли булган дарё қаҳратон қишда ҳам, саратонда ҳам бир хил оқаверади.

У — Ардвисура Анахита мен учун эрлар уругини пок айлайди ва аёллар захдони ва кукракларини мусаффо қилади.*

6

Шоядки, бор ва булажақ; тугилган ва ҳануз дунёга келмаган; ёҳуд подёб¹¹ амалини бажо айлаган ашаванлар фравашийлари бу ерга нузул айласа.

7

— Эй, яхши сувлар! Эй, Мазданинг энг яхши хилқати!

Сув ёмон фикр соҳибига насиб қилмасин!

Сув ёмон сўзлига насиб қилмасин!

Сув бадқирдорга насиб қилмасин!

Сув динсиз, дуст озор, муг озор, қўшни озор ва оила озорга насиб қилмасин!

Сув ашаванларга зиён етказувчи; ҳеч кимга озор бермайдиган бизнинг вужудимизга заҳмат келтирувчиларга насиб қилмасин!

8

Сув угри, торожкор, қароқчи, порсоқуш, жодугар, ашмуг, нопорсо, каззоб, золим ва маййитни тупроқда топширгувчиларга насиб қилмасин!

Бундай кимсалар амали уларига қайтсин; кимда-ким ёмонлик, зиён-заҳматни раво курса, унинг узига урсин.

9

— Эй, сувлар!

Токи Завт сизларни олқишлар ва хушнуд айлар экан, бу ерда ҳозир бўлингиз.

* Биринчи ва бешинчи бандлар «Ардвисура Анахита» қасмдасининг («Обон яшт») насрий таржимасидир.

Синалган сузли Завт яхши суварни
нечук олқишлайди?

Ношойиста алқовни бажо айлаган
Завтнинг тиллари нечук боғланади?

Устозларнинг сабоқлари нечук сомо-
нига етади?

Таҳсин нечукдир?

Яхши амал нечук?

Аҳура Мазда Зардуштга ва Зардушт
бутун жаҳонга ёйган таълимот нечук-
дир?

10

— Эй, Зардушт!

Дастлабки қадаминг суварга булсин:
Бир ашаван ҳозирлаган пок Завр суви-
ни келтир-да ушбу божни зикр қил:

11

— Эй, сувар!

Сизлардан буюк утинчим бор. Уни
менга насиб айлангиз.

У буюк иноят туфайли фириб ва душ-
ман голиблигидан эмин булмоқ мумкин.

Эй, сувар!

Сизлардан бир неча утинчим бор:

Куч-қудрат бахш айланг. Барчанинг
орзуси булган фарзандларга душманлар-
нинг зиёнидан, ситамидан, қатлидан па-
ноҳ беринг.

12

Завт ва Роспий:

— Эй, сувар! Эй, заминлар! Эй,
ғиёҳлар!

Эй, Амшосипандлар, эзгу ниятли
шаҳриёрлар! Эй, яхши нарлар ва модалар!
Эй, эзгу дадарлар!

Эй, ашаванларнинг ҳамма ерда фируз
ва қудратли фравашийлари!

Эй, яйловлар соҳиби Меҳр!

Эй, порсо ва улугвор Суруш!

Эй, ҳақиқатлараст Раши!

Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Эй, учқур тулпор соҳиби, бузругвор
рад, Алам Налат!

Эй, ашаванлар! Эй, энг яхши бағишла-
гувчилар!

Ушбу бахшишни барча илоҳлардан
утинаман:

13

— Эй, сувар! Эй, заминлар! Эй,
ғиёҳлар!..*

14

Завт:

— Эй, ашаван илоҳлар, бундан-да
улугроқ, бундан-да яхшироқ, бундан-да
гузалроқ ва бундан-да арзигулик нарса-
лари бизга муяссар айлангиз!

Сизлар эй, қудрат ва тавонолик
соҳиблари, ушбу гоҳларнинг парчасидан
ҳам тез ва учқурсизлар:

«Яхши аъмоли зотларнинг энг олий
хоҳиши янги дунё қурмоқликдир».

15

«Эй, Мазда! Эй, замин, сув ва
ғиёҳларни яратган Зот!

Бизни уз жаҳонингга еткаргил; абади-
ят бахш эт, эзгу ният ҳимоятда куч-қуд-
рат, пойдорлик насиб қил ва уз таълимо-
тигдан баҳраманд айлагил!»

16

Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидоя-
ти билан эзгу амалларни адо этгувчилар-
ни билади.

Мен ҳам ушандай зотларни — улар
бордирлар ва булгайдирлар — номма-ном
олқишлайман ва алқовлар билан уларга
ёвуқ келаман.

Сенинг эзгу ниятинг шаҳриёри
Ашаҳ — Ҳақиқат партави билан умидлар-
ни ушалтиргувчиларнинг энг шойистаси
— дил шури билан эзгу амалларни рўебга
чиқарувчиларга муяссар булади.

17

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди
порсо ва мард донишманд.



* 12-банд такрорланади.

1

Завт ва Роспий:

«Ашим вухув...»

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳавмга, сутга ийланган заврни; Ашаҳ — Ҳақиқат тариқида ейиб қўйилган ҳазанаипата гиёҳини сенга тақдим қиламан, эй Аҳура-нинг аҳуравий суви. Аҳура Мазда, Амшосипандлар, порсо Суруш, Аҳура Мазданнинг Озари ва ашаваннинг буюк роббига хушнудлик тилайман.»

2

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаванлар — гоҳлар илоҳларига бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаван — Ҳований ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан рад ашаванлар — Савангҳий ва ашаван Вясга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат низоми билан кенг ййловлар соҳиби; минг қулоқли, ун минг нигоҳли, шаън-шавкатли илоҳ Меҳрга бағишлайман; яхши ййловлар берувчи Ромга бағишлайман.

3

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Раписвийн ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Фшу ва Зантум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданнинг Озарига бағишлайман.

4

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Узойирийн ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Фрадот Вийра ва Даҳйум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуниятини билан бузруғвор рад — Напат Алам ва Мазда яратган сувларга бағишлайман.

5

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуниятини билан рад ашаван — Авийсрусрям ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад

ашаванлар — Фрадот Виспам ва Зардуштум ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ашаванлар, уларнинг аҳли аёл ва фарзандлари; Яйря Ҳушитий, эзгу хилқат Ама; Аҳура ато этган Баҳром ва фируз Авпаратотга бағишлайман.

6

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Ушоҳийн ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Бирижях ва Нманях ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан оламларга кенглик ва саодатмандлик бағишлагувчи порсо Суруш; энг ҳақгўй Раши; даҳрга фирузмандлик бағишлагувчи жаҳонпарвар Арштодга бағишлайман.

7

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — Ой илоҳлари; ашаван Андармоҳ — рад ашаван; Пурмоҳ ва Вайшаптаса ашаван — рад ашаванларга бағишлайман.

8

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — гаҳанбор илоҳлари ва рад ашаван — Майдюзарим ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Майдюшам ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Патя Шҳим ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Айсрим ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Майдрям ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаван — Ҳамаспатмадам ашаванга бағишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар, ашаван йил илоҳларига бағишлайман.

9

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ҳований атрофида бўлган уттиз уч рад ашаванларга бағишлайман.



Улар Мазда таълим берган ва Зардушт суйлаган энг Олий Ҳақиқатга тааллуқлидирлар.

10

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан завол билмас буюк ашаванлар — Аҳура ва Меҳр; Сипандмиёну яратган юлдузлар; фарриҳманд ва раюманд Тиштар юлдузи; сигир наслини сақлагувчи Ой; Аҳура Мазданинг нигоҳи, учқур тулпорли Қуёш ва барча-барча сарзаминлар Шаҳриёри — Меҳрга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан раюманд ва фарриҳманд Ҳурмузд кунга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ашаванлар фравашийлари Ойига багишлайман.

11

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан сенга багишлайман, эй Озар ва барча-барча озарлар!

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан сизга багишлайман эй, яхши сувлар; Мазда яратган барча сувлар; Мазда бунёд этган барча гиёҳлар!

12

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ҳар нарсага, ҳар бир юмушга яроқли булган варжованд мансараси; девларга қарши низом; зардуштий низоми; азалий ёруглик ва эзгу маздапарастлик динига багишлайман!

13

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан Ашаҳга осойишталик багишлагувчи, Мазда бунёд айлаган Ушийдарина тоғи; Ашаҳ

— Ҳақиқатга осудалик бергувчи жамийки тоғлар; Мазда бунёд айлаган ва мулқул фароғат бахшида этгувчи; Мазда халқ қилган каёний Фарр ва Мазда бунёд айлаган энгиб булмас Фаррга багишлайман.

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан эзгу Аша; эзгу Чиста; эзгу Ирис; эзгу Расатат; Фарр ва Мазданинг қазою қадарига багишлайман.

14

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан ашаваннинг самимий алқови; мард ва пок ашаван; қурқмас ва забардаст илоҳ Дамуйиш Упаманага багишлайман.

15

Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан бу мазгиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқлар, сувлар, заминлар, гиёҳлар; бу замин ва у осмон; ашаван бод; юлдузлар, ой, қуёш; абадий Анийрон; Сипандмиёну яратган жамийки мавжудот; рад ашаванлар булмиш эр ва аёл ашаванларга багишлайман.

16

Ҳовангоҳ чоғи Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан рад ашаванлар — кун, гоҳлар, ой ва гаҳанбор радларига багишлайман.

17

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳавмга, сутга ийланган заврни; Ашаҳ — Ҳақиқат тариқида ёйиб қуйилган ҳазанаипата гиёҳини сенга тақдим қиламан, эй Аҳура-нинг ақуравий суви. Аҳура Мазда, Амшосипандлар, порсо суруш, Аҳура Мазданинг Озари ва ашаваннинг буюк роббига хушнудлик тилайман.*



95

67-ҶОТ

1

Бундан бурун бу хонумонларда, қишлоқларда, шаҳарларда, улкаларда яшаган зотларнинг фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истайман. Улар осмонни асраб-авайладилар; жонварларни асраб-авайладилар; гўдакни она қорнида улиб кетмаслиги учун асраб-авайладилар.

2

Аҳура Мазда ва Амшосипандларнинг фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истайман; барча мийнувий ашаван илоҳлар фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истайман.

Қаюмарт, Сипийтмон Зардушт, Қай Гуштасп, Зардуштнинг углони — Ист Востранинг фравашийларини ва барча-барча илк пок дин ургатувчиларнинг фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истайман.

* Ушбу банддан кейин 22-Ҷаннинг 23—27-бандлари ва Ясна ибтидосидаги 8—12-бандлари тахрорланди.

Ер юзида ҳар бир замонда яшаб, утиб кетган ашаванлар фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истаيمان.

Бутун умри давомида заҳмат чекиб, хизмат қилиб, бу хонадондан утиб кетган ва бугун эзгу дуою олқиш умидида ётган хоҳ аёл, хоҳ жувои, хоҳ қиз ашаванларнинг фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истаيمان.

Қудратли ва фируз ашаванлар фравашийларини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишламоқ истаيمان.

Илк дин ургатувчилар фравашийларини, аждодлар фравашийлари ва уз руҳим фравашийсини Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан мадҳ этмоқ истаيمان.

Барча рад ашаванларни, барча яхшилик элтувчилар булган мийну ва жаҳон илоҳлари Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий одоби билан олқиш ва ибодатга сазовордирлар.

Шоядки, у Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳузуримизга келса.



Ниҳоят сувларни олқишлаймиз. Қуйи оқгувчи, йилгилувчи ва равон оқгувчи, аҳуравий эзгу ниятли сувларни мадҳ этамиз.

— Эй, сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз.

Биэ сизларни эъвозлаймиз.

Сизларни, эй яхши сувлар, хушнудлик бағишлагувчи Ахура Мазда инъом айлаган исмлар билан олқиш этамиз. Уша номлар воситасида сизларни мадҳ этамиз. Уша исмлар воситасида сизлардан дустлик орзусидамиз. Уша номлар билан намоз келтирамиз. Уша номлар билан миннатимизни изҳор қиламиз.

— Эй, баракотли сувлар!

Сизларни имдодаг қорлаймиз; сизлар оналар мисолисиз; сут бергувчи сигирлар каби парварिश қилгувчисиз ва барча озуқалардан яхшироқ, хушроқдирсиз.

Сизларни, эй қудрати осмон қадар булган яхшилар, бу ерга қорлаймиз, токи бу танглида бизга мадад бергайсиз ва қуллагайсиз, эй барҳаёт волидаларимиз!

«Йинғи ҳотам...»

68-ҶОТ

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Энди бу ибодатни сен учун адо этамиз.

Зеро, сендан юз бурдик ва сенга озор бердик.

Шоядки бу ҳавм, сут ва ҳазанаипата гиёҳига омихта қилинган заврни биздан қабул этсанг, эй Аҳуранинг аҳуравий суви!

Шоядки сен менга сут ва эт, тандурустлик ва дармон; кушойиш ва юксаклик; яхши тириклик ва Ашаҳ — Ҳақиқатга етишмоқлик; неқномлик ва руҳ осойишталиги; фирузлики ва жаҳоний кенгликни бахш айласанг.

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Сени завр ва эзгу андиша билан олқишлайман.

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Сени завр ва эзгу калом билан олқишлайман.

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Сени завр ва эзгу амал билан олқишлайман.

Андиша ёруглигини, калом ёруглигини, амал ёруглигини, руҳнинг хуш тирикчилигини, олам кенглигини ва Ашаҳ — Ҳақиқатга эргашган кимсанинг хушнудлигини истаيمان.

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Менга ашаванларнинг энг олий саройини бахш айла!

Менга ҳар нечук шодликнинг гарови булган ёругликни бахш айла!

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Менга хонумон, қишлоқ, шаҳар ва улка, унинг ном ва овозасини оламларга ёйгувчи фарзандлар ато қил.

— Эй, Аҳуравий сув, сени олқишлайми!

Фарог Карт дарёсини олқишлаймиз.

Ер юзидаги жамийки сувларни олқишлаймиз; хоҳ қулмак, хоҳ равон, хоҳ чашма, хоҳ дарё, хоҳ қор ва ёмгир суви бўлсин.

Ана шундай шойиста дуо ва алқовлар воситасида Ашаҳ — Ҳақиқат қудрати билан Мазда яратган энг яхши ашаван сувларни олқишлаймиз.

Яхши сувни олқишлаймиз.

Сут, эт, равон сув ва эрка гиёҳни олқиш этамиз.

Дев яратган Оз қаршисида пойдорлик; сичқон пари қаршисида пойдорлик ва унга шикаст бермоқлик; ситамкор, нопорсо ашмуғ устидан голиблик; уларнинг зиёнзаҳмати уни уларига қайтармоқ; девлар ва дурванд одамлар қаршисида пойдорлик истаيمان.

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Бизнинг олқишимизга қулоқ тут!

— Эй, Аҳуранинг аҳуравий суви!

Бизнинг олқишимиз ила шод бўл!

Завт:

Олқишлаётган, жуда кўп ва жуда хуб олқишлаётган ва эзгу заврни тақдим қилаётган маҳалимизда бизнинг мададимизга кел ва ҳузуримиздан жой ол!

— Эй, Аҳуранинг эзгу аҳуравий сувлари!

Кимда-ким сизларни энг яхши завр, энг гузал заврким уни ашаван хайр қилгандир мадҳ этса...

«Аҳмойи раишча...»¹⁴: Унга фуруғ ва фарр; тандурустлик ва тан пойдорлиги; тан фирузлиги ва осойишталик; узоқ тирлик ва ашаванларнинг энг олий хилқати ҳамда ҳар нечук энгиллик бағишлагувчи ёруғлик...

... тақдир қилингиз, эй яхши сувлар!

Мен — олқишловчи завтга; дуоғуи маздапарастларга; дустлар, пайравлар, пешволар, муаллимлар, эрлар, аёллар, деҳқонлар ва уларнинг угил-қизлари...

...уз манзилларида пойдор бўлсинлар ва душман ҳамлалари, фитна ва кинлари устидан галаба қозонсинлар.

Шундай қилки, улар энг тўғри йулни қидирсинлар ва топсинлар. Бу йул Ашаҳ — Ҳақиқат сари элтгувчи энг тўғри йул бўлсин; ашаванлар борлиги томон олиб боргувчи ҳақиқий йул бўлсин ва энгиллик бағишлагувчи ҳар нечук ёруғлик манзилига элтгувчи бўлсин!

«Яса аҳу вайрю...»

Завт:

Бу заврларни олиб киргувчи яхши, осуда ва пойдор бир истиқомат манзилини истаيمان.

Барча маздапарастлар учун шундай оромбахш, пойдор истиқоматгоҳларни истаيمان.

— Эй, Озар!

Сенга энг яхши тақдимлар, энг кунгилли тақдимлар, энг дустона тақдимлар билан таҳсин айтаман.

— Эй, аҳуравий сув!

Сенга энг олий олқишлар билан таҳсин айтаман.

Ажиб яйловлар булган бу сарзаминларга баракот тилайман.

Покиза ашаван эрларга тўғрилик ва дармон истаيمان.

Замин ва осмондаги неки пок ва олийдир сизларга бўлсин!

Минг дармон, ўн минг дармон сизга насиб қилсин!

— Эй, Аҳура Мазда!

Ўз мақсад ва мароминг билан яратганинг махлуқларга — сувлар, гиёҳлар, барча ашанажод аждодларга шоядки шаҳриёрлик қилсанг!

Шоядки, Ашаҳ — Ҳақиқатга қудрат ва тавонолик, дуружга нотавонлик бахш айласанг!

Коми раво бўлсин Ашаҳ — Ҳақиқатнинг.

Ноком бўлсин дуруж!

Сипандмиёну оламидан тозалансин, нари кетсин, йўқолсин ва ноком бўлсин дуруж!

Энди мен — Зардушт — хонумонлар, қишлоқлар, шаҳарлар ва улкаларнинг



раҳбарларига юзланай, токи улар аҳуравий ва зардуштий динига бўйинсунсинлар; бу дин талабига кура сузласинлар ва амал қилсинлар!

19

Роспий:
Ашаҳ — Ҳақиқатнинг бутун борлигига кенглик ва осойишталик.
Дуружнинг бутун борлигига машаққат ва танглик.

Мен орзу қилгандек булишини жуда истаيمان.

20

«Ҳваматанам...»: эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амаликим бу ерда ва ҳар ерда улуғланади ва улуғлангуси, мадҳ этаман. Узим ҳам жону дилим билан яхшиликка интиламан.

21

Эзгу илоҳ Ода⁽¹⁾ ва эзгу Ашани бу ерга чорлайман.

Эътиқод хуруши, эпчилик, ҳушёрлик ва пок дин билан эзгу қазо ва қадарни; эзгу орауни; эзгу фаровонликни; эзгу номни; эзгу бағишловни мадҳ этамиз.

Ниҳоят сувларни олқишлаймиз. Қуйи оқғувчи, йиғилғувчи ва равон оқғувчи, эзгу ниятли аҳуравий сувларни мадҳ этамиз.

— Эй, сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз. Биз сизларни эъзозлаймиз.

Сизларни, эй яхши сувлар, хушнудлик бағишлагувчи Аҳура Мазда инъом айлаган исмлар билан олқиш этамиз. Уша номлар воситасида сизларни мадҳ этамиз. Уша исмлар воситасида сизлардан дустлик орзусидамиз. Уша номлар билан намоз келтирамиз. Уша номлар билан миннатимизни изҳор қиламиз.

— Эй, баракотли сувлар!

Сизларни имдодга чорлаймиз; сизлар оналар мисолисиз; согин сигирлар каби парвариш қилғувчисиз ва барча озуқалардан яхшироқ, хушроқдирсиз.

Сизларни, эй қудрати осмон қадар булган забардаст яхшилар, бу ерга чорлаймиз, токи бу тангликда бизга мадад бергайсиз ва қўллагайсиз, эй, барҳаёт волидаларимиз!

Ниҳоят орзу-аъмолимизни рўёбга чиқарингиз, эй яхшилик аҳли!

— Эй, сувлар!

Бурунгиларга бахш айлаган фарру фуруғни бизга ҳам бағишлангиз.

22

Завт ва Роспий.

Аҳура Маздага намоз келтирамиз.
Амшосипандларга намоз келтирамиз.
Кенг яйловли Меҳрга намоз келтирамиз.

Учқур тулпорли Қуёшга намоз келтирамиз.

Гившга намоз келтирамиз.

Каюмартага намоз келтирамиз.

Ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийсига намоз келтирамиз.

Бор, булган ва булажак Ашаҳ — Ҳақиқат хилқатига намоз келтирамиз.

23

Эзгу ният, Мийну Шаҳриёри ва Ашаҳ — Ҳақиқат мададида вужудимизни мақсадимиз билан арақла.

Барча энг юксак ёруғликлар ичида олий ёруғлик — нурдир бу.

Пировард натижада, эй Мазда, Сипандмийну билан қошимизга келасан.

«Ашим вухув...»

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканимга иқрорман.

Мен — маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравийман. Ҳований ашаван — рад ашаванга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин.

Ашаванлар — Савангҳий, Вяся рад ашаванларга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Кун, гоҳ ва ой радлари, гаҳанбор ва йилга дуою олқишлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Мен — маздапараст, зардуштий ва девлар душмани эканимга иқрорман.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга олқишлар, ҳамд-сано, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Рад ашаван — Савангҳий ва Вяся ашаванга алқовлар, хушнудлик ва офаринлар булсин!

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

«Асартуш ашот чийт ҳача...» дейди парсо ва мард донишманд.

24

Завт ва Роспий:

— Эй, ашаван гоҳлар, сизларга намоз келтирамиз.

«Ашим вухув...»

«Сипатмандоҳ»⁽¹⁾ ни олқиш этамиз, токи бу ерга ҳозир булсин.

Йингҳи ҳотам...»



1

Завт ва Роспий:

Мазда Ахура Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидояти билан энг гузал аъмолларни адо этгувчиларни билади.

Мен ҳам бундай зотларни — улар бордирлар ва буладилар — ном-баном олқишлайман ва саловотларим билан уларга ёвуқ келаман.

2

Мазда Ахура Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидояти билан энг гузал аъмолларни адо этгувчиларни билади.

Мен ҳам бундай зотларни — улар бордирлар ва буладилар — ном-баном олқишлайман ва саловотларим билан уларга ёвуқ келаман.

3

Мазда Ахура Ашаҳ — Ҳақиқат ҳидояти билан энг гузал аъмолларни адо этгувчиларни билади. Мен ҳам бундай зотларни — улар бордирлар ва буладилар — ном-баном олқишлайман ва саловотларим билан уларга ёвуқ келаман.

Эй, Мазда!

Сенинг эзгу Оламинг Шаҳриёри — Ашаҳ — Ҳақиқат нурларидан баҳраманд энг улут муъжизанг — чин дилдан, ихлос ва самимият билан солиҳ амалларни адо этгувчиларга насиб қилади.

Энди бундан буён ёлғиз шул орзунинггина муяссар булишига дил-дилдан, бутун вужудим билан жаҳд этаман.



99

70-ЎОТ

1

Завт:

Уларни олқишламоқ истайман.

Мадаҳ айлаб, ҳузурларига боргувчиларни истайман.

Амшосипандлар, эзгу ниятли олийжаноб шаҳриёрлар.

У — илоҳ; у — радни олқишлайман.

Паноҳбаш дадар ва барча эзгуликларнинг сабабчиси Ахура Маздани олқишлайман. У — рад, Сипийтмон Зардуштни олқишлайман.

2

Бизга берилган нарсадан барча-барчани дурустлик билан огоҳ этайлик: нимаики Ахура Маздадандир; неки Баҳмандандир; неки Ардабиҳиштдандир; неки Шаҳриёврандандир; неки Сипандормаздандир; неки Хураода ва Амурдоодандир; неки Кивш Ташанадандир; неки Гушварвандандир ва неки Ахура Мазданинг Озаридандир.

3

Нимаики порсо Сурушдандир; неки энг ростгуй Рашдандир; неки кенг яйловлар соҳиби Меҳраандир; неки ашаван боддандир; неки эзгу маздапарастлар динидандир; неки олийжаноб ашаван таҳсинидандир; неки ашаваннинг қатъий аҳдидандир ва неки эзгу ашаваннинг беозорлигидандир.

4

Токи биз мансарани зиёда куйлайлик, токи улкаларнинг сушентлари одамларнинг қисматидан бонг урсиналар.

Шоядки, биз сушентлар каби булғаймиз.

Шоядки, биз фируз булғаймиз.

Шоядки, биз Мазданинг аржуманд дусларидан булғайдирмиз;

Биз — эр ашаванлар эзгу андиша билан яшайдирмиз; эзгу калом билан суйлайдирмиз; эзгу амалга рияя айлағайдирмиз...

5

«Токи Эзгу Ният ҳузуримизга нузул айласин».

Шунда равоним шодликка тўлғайди.

«Нечук руҳи равоним саодатли шодмонликка қовушгай?»

6

Биз сувларнинг олдага ва қуйига тулқин отиб оқишини олқишлаймиз.

Буюк рад, далер шаҳриёр, учқур тулпор соҳиби Апам Напатни олқишлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқатнинг бутун борлигига ҳамд-санолар, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

7

Порсо Суруш, бузругвор радни олқишлаймиз.

Ашаванлар шоҳи ва ашаванлар боши булган Ахура Маздани олқишлаймиз. Барча Зардушт қушиқларини; барча олийжаноб аъмолларни олқишлаймиз; барча эъозланган ва эъозланувчиларни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

1

Завт ва Роспий:
Ашаваннинг фравашийси ашаван Зардуштан сурди:
— Эй, Зардушт!
Жавоб бер, радлар кимдир?
Гоҳларнинг интиҳоси недир?

2

Шунда Зардушт деди:
— Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.
Рад ашаван — Зардушт ашаванни олқишлаймиз.
Зардушт ашаваннинг фравашийсини олқишлаймиз.
Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

3

Мийну ва жаҳон ашаванларининг эзгу, қудратли ва пок фравашийларини олқишлаймиз. Комрон рад ашаван ва рад ашаванликни мадҳ этамиз.

Энг қудратли рад; рад ашаванлар уртасида энг эпчил илоҳ; барча-барча илоҳлардан кура тезроқ имдодага етиб келгувчи ва алқовга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Рад ашаван ва рад ашаванликнинг хушнудлигини мадҳ этамиз.

4

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Аҳура Мазданинг бутун вужудини олқишлаймиз.

Барча Амшосипандларни олқишлаймиз.

Барча рад ашаванларни олқишлаймиз.

Буткул маздапарастлар динини олқишлаймиз.

Барча қушиқларни олқишлаймиз.

5

Барча варжованд мансарани олқишлаймиз.

Девларга қарши барча ҳукмларни олқишлаймиз.

Барча азалий равишларни олқишлаймиз.

Барча мийну ва жаҳон илоҳларини олқишлаймиз.

Барча ашаванларнинг қудратли ва пок фравашийларини олқишлаймиз.

6

Мазда бунёд айлаган Ашаҳ — Ҳақиқатдан яралган ашаванни олқишлаймиз; улар

ашаван бўлиб шакландилар ва Ашаҳ — Ҳақиқат динига пайравдирлар; ашаванлар эъзоздадирлар; ашаванлар ҳузуридадирлар; ашаван саналадилар ва ашаванлар бағридадирлар. Улар ҳар нечук эъзоз ва олқишга муносибадирлар.

Барча бешлик гоҳларни олқишлаймиз.

Буткул ясна ва сувларнинг олд-орқага, унг-сулга тулқин отиб оқишларини олқишлаймиз.

7

«Ставута йисняҳ»ни бошдан-адоқ мадҳ этамиз.

Мазда нузул айлаган барча сузларни олқишлаймиз: бу сузлар қабих андиша, қабих калом ва қабих амални яксон айлагувчидир...

8

ушанда барча қабих ниятни парчалаб ташлайди; барча қабих сузларни майда-майда қилади; барча қабих амалларга шикаст беради ва пора-пора айлайди; пок ва қуруқ утинни бир-биридан жудо айлаб, ёқиб юборади.

Бож дуоларининг қудрат, фирузлик, фарр ва тавонолигини мадҳ этамиз.

9

Чашмазорлар ва дарё сувларини олқиш этамиз.

Гийёҳларнинг тана ва илдизларини эъзозлаймиз.

Буткул ер юзини олқишлаймиз.

Буткул осмонни мадҳ этамиз.

Барча юлдузлар, ой ва қуёшни олқишлаймиз.

Барча сув ҳайвонлари, ер ости маҳлуқлари, парранда ва чаррандаларни олқишлаймиз.

10

— Эй, эзгу ниятли Аҳура Мазда!

Сен яратган Ашаҳ — Ҳақиқатнинг бутун борагини олқишлаймиз.

Сен яратган ва Ашаҳ — Ҳақиқат қонунлари билан яшагувчиларни мадҳ этамиз. Улар ҳар нечук мақтов ва эъзозга сазовордирлар.

Ашаҳ — Ҳақиқат осойиши булган жамийки тоғларни олқишлаймиз.

Мазда бунёд айлаган барча дарёларни олқишлаймиз.

Барча оловларни олқишлаймиз.

Барча рост айтилган сузларни мадҳ этамиз.



Буларнинг барини Ардабиҳишт билан пайвасталикда, Сипандормаз билан пайвасталикда олқишлаймиз, паноҳбахшлик, сардорлик, нигоҳбонлик ва нигоҳдорликни шарафлаймиз.

Шоядки, менинг фаровон тириклигим моюся булсангиз.

Ўзимиз ва руҳимиз учун паноҳбахшлик, сардорлик, нигоҳбонлик ва нигоҳдорлик мақсадида сизларни ҳузури-мизга чорлаймиз ва олқиш этамиз.

Рад ашаван — Хурдод ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Амурдод ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаванлик — ашаваннинг ахуравий утинчларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлик — ашаваннинг ахуравий динини олқишлаймиз.

Ясна, «Етти ҳот», рад ашаванлик — ашаван тавонолигини мадҳ этамиз.

Ашаван Зардушт умид қиладики, дуст дустга паноҳ берсин; порсолик порсоликка; дустлик дустликка имдоа — тиргак булсин.

Будир сенга айтган энг буюк сузим: «Дурвандни қўлагувчи, унга яхшилик истовчи дурванддир; ашаван шундай кишидирки, ашаванларга дуст булсин».

Ҳа, бу олийжаноб сузни Аҳура Мазда Зардуштга сўйлади:

— Эй, Зардушт!

Бу сузларни тириклигининг энг сунгги лаҳзаларида ўқи...

Зеро, агар сен — эй, Зардушт! — бу сузни тириклигининг сунгги лаҳзаларида зикр қилсанг мен — Аҳура Мазда — сенинг руҳингни энг ёмон тақдирдан йироқ тутгайман. Мана шу ер кенглиги миқдорида узоқ сақлайман. Замин ҳар қанча узун булса, шу чоғли кенгдир.

— Эй, порсо!

Агар бу ерда Ашаҳ — Ҳақиқатдан баҳраманд бўлмоқни истасанг ва руҳинг сирот куприги — чийнаваддулдан утмогини хоҳласанг ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг олий борлигига восил бўлмоқ орзу-

сида булсанг, ўз мақсудингни «Уштаад гоҳ»дан қидир, уни тиловат қил!

Завт ва Роспий:

«Барча ишга қодир Аҳура Мазда буюради: Уша киши саодатлидирки, узгаларни ҳам саодатли қила олади. Қудрат ва турғиликда пойдорликни сендан истайман.

— Эй, Ормаитий!

Ашаҳ — Ҳақиқат паноҳини, Эзгу Ният туфайли тириклик мукофотини менга насиб айла!..»

Амал ва эзгу ниятни олқишлаймиз. Эзгу ният ва амали олқишлаймиз. Зулмат қаршисида пойдорлик, оқ-ҳасрат ва дод-фигон қаршисида устуворликни истаймиз.

Завт:

Турғилик ва дармонни олқишлаймиз. Парварिश ва эъзозни шарафлаймиз; дардлар ва беморликлар қаршисида пойдорликни истаймиз.

Гоҳларнинг бутун борлиги, уларнинг тиловатини мадҳ этамиз.

Гоҳларнинг тенг ярмини ва зикрини олқишлаймиз.

Гоҳлар, радлар ва ашаван ҳукмдорларни олқишлаймиз.

Илк жаҳоний низом — «Ставута йиснях»ни шарфлаймиз.

«Ставута йиснях»ни бошдаи-адоқ мадҳ этамиз.

Ўз руҳимизни олқишлаймиз.

Ўз фравашийимизни олқишлаймиз.

Ашаваннинг эзгу алқовини олқишлаймиз.

Пок, ҳалол ва мард ашаванни олқишлаймиз.

Забардаст билакли, ёвқур илоҳ Даму-йиш Упаманани олқишлаймиз.

Сувлар, заминлар гиеҳларни олқишлаймиз.

Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, конумоналар, сувлоқларни олқишлаймиз.

Қишлоқлар соҳиби Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Энг буюк рад ашаванлар — кун, ой, гаҳанборлар ва йил илоҳларини олқишлаймиз.



22

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлайман, чорлай-
ман ва куйлайман.

Хонадон, қишлоқ, шаҳар, улка ва Зар-
туштум фравашийларини олқишлайман.

23

«Аҳи раяҳ...»: Фарру фуруғи учун;
қудрат ва фирузи учун; илоҳпарастлиги
учун баланд овозда намозу завр билан
уни олқишлаймиз. Уша порсо Сурушни;
бузругвор ва эзгу Ашани; қудрат соҳиби
Нарюсангни!

Шояки, қудратли ашаван Суруш биз-
га мадад айласа.

24

Унинг туфайли навқирон шаҳриёрлар
астуманда оламига нузул қилдилар. Бу
динга рози булдилар.

Ашаван Аҳура Мазда, Баҳман, Арда-
биҳишт, Шаҳриёвар, Сипандормаз, Хур-
дод, Амурдод, аҳуравий саволлар ва
аҳуравий жавоблар.

«Йингҳи ҳотам...»

Завт ва Роспий:

«Яса аҳу вайрю...»

25

Охират мукофоти умидида энг яхши
ниятларни доноларга ва нодонларга;
шаҳриёрларга ва шаҳарвандларга баён
қиламиз, токи оламни обод айлаб, унга
файз бағишласинлар.

Шунингдек, Мазда Ашаҳ — Ҳақиқат
кўмагида гиёҳларни заминдан ундиради.

26

— Эй, Аҳура Мазда!

Шояки, уз мақсад ва мароминг билан
яратганинг махлуқларга — сувлар,
гиёҳлар барча ашанажод аждодларга
шаҳриёрлик қилсанг!

1

Завт:

Замин ва осмонда ҳам «Аҳуна Вай-
ряҳ...» ни зикр қиламиз.

Замин ва осмонда ҳам «Ашим
вуҳув...» ни зикр қиламиз.

Шояки, Ашаҳ — Ҳақиқатга қудрат
ва тавонолик, дуружга нотавонлик бахш
айласанг!

27

Коми раво булсин Ашаҳ — Ҳақиқат-
нинг!

Ноком булсин дуруж!

Сипандмиёну оламидан тозалансин,
нари кетсин, йўқолсин ва ноком булсин
дуруж!

28

Энди мен — Зардушт — хонумонлар,
қишлоқлар, шаҳарлар ва улкаларнинг
раҳбарларига юзланай, токи улар аҳура-
вий ва зардуштий динига бўйинсунсин-
лар; бу дин талабига кура сузласинлар ва
амал қилсинлар!

29

Токи аъмомимиз шод, руҳимиз комёб,
вужудимиз хушҳол булсин ва биҳиштга
дохил булайлик.

Шунингдек, кирдорларимиз ошкор
буладиган чоғда Аҳуранинг манзилига юз
бурайлик, эй Мазда!

30

Эй, ҳаммадан яхши Ашаҳ — Ҳақиқат!
Эй, барчадан гузал Ашаҳ — Ҳақиқат!
Сенинг висолинг насиб қилсин.

Сенга қушилмоқлик муяссар булсин.

Сенинг билан ҳамнишинлик муяссар
булсин.

«Ашим вуҳув...»

31

«Яса аҳу вайрю...»

«Ашим вуҳув...»

«Аҳуна Вайряҳ...» ни шарафлаймиз.

Энг гузал Амшосипанда Ардабиҳиштни
олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

72-ҶОТ

Замин ва осмонда ҳам энг гузал
«Йингҳи ҳотам...» ни зикр қиламиз.

Замин ва осмонда ҳам пок, мард ва эз-
гу ашаванларнинг «даҳмон дуолари» ни
зикр қиламиз.



2

Мардуа булсин, йуқолсин Аҳриман ва унинг ёвуз, зарарли хилқати.

Мардуа булсин, йуқолсин эр кахвориза ва аёл кахворизийлар.

Мардуа булсин, йуқолсин эр кахвориза ва аёл кахворизийлар.

3

Мардуа булсин, йуқолсин каяза эр ва каязий хотинлар.

Мардуа булсин, йуқолсин каяза эр ва каязий хотинлар.

Мардуа булсин, йуқолсин угри ва қароқчилар.

Мардуа булсин, йуқолсин зандиқ жодулар.

Мардуа булсин, йуқолсин Меҳр-озор (аҳдсиз, қасамхур).

4

Мардуа булсин, йуқолсин мард ашаваннинг душманлари ва кушандалари.

Мардуа булсин, йуқолсин ашмуг, нопорсо ва хавфли ижрочилар.

Мардуа булсин, йуқолсин нодуруст андиша қилгувчи, ёлгон сўзлагувчи, қабих амаллар қилгувчи, эй Сипийтмон Зардуш!

5

«Қандай қилиб дуружни узимиздан қувиб солайлик».

Биз Сувентлар каби дуружни қувиб юборамиз.

— Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат!

Сен етти иқлимда мавжуд дурвандларни бутун борлиги билан йуқ қилмоққа қодир ва тавоносан. Бизга дуруж — девни қандай енгмоқликни ургат.

Бутун мавжудотга хайрихоҳ булган Аҳура ҳақида қўшиқ куйлаймиз.

6

Раюманд ва фарриҳманд Аҳура Мазада, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар бахш этгувчи Ром...

7

Юргун от соҳиби раюманд Қуеш, жамийки мавжудотни кузатиб тургувчи за-

бардаст Андарвай. Неки Сипандмиинуга хосдир, у сенга-да хосдир, эй Андарвай!

Мазданинг ҳаққоният илми, маздапарастликнинг эзгу, ашаванона хилқати...

8

Амалдаги табаррук дуолар; девларга қарши низом; зардуштийлар қонунияти; маздапарастлар динининг қадимий ва эзгу равишлари; дуо-мансараларга инонмоқ; Мазда яратган хилқат илми; Мазда илмининг таълими...

— Аҳура Мазданинг Озари!

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Сен ва жамийки оловлар, Мазда бунёд айлаган Ушийдарина ва осудалик бахш этгувчи Ашаҳ — Ҳақиқат.

— Эй, мийнувий ва жаҳоний ашаван илоҳлар, қудратли фравашийлар; эй, дин ургатувчи илк фравашийлар; эй, аждодларимиз фравашийлари...

Барчангизга хушнудлик, олқиш ва дуолар булсин!

9

Олқиш ва дуолар, қудрат ва тавонлик орзу қиламан сенга, эй Аҳура Мазданинг углони Озар!

«Ашим вуҳув...»

Завт ва Роспий:

«Яса аҳу вайрю...»

Олқиш ва дуолар, қудрат ва тавонлик орзу қиламан раюманд ва фарриҳманд Аҳура Маздага, Амшосипандларга, кенг яйловли Меҳрға, яхши яйловлар багишлагувчи Ромга, учқур тулпорли, раюманд Қуешга ва забардаст Андарвайга!

Раюманд ва фарриҳманд Аҳура Мазада, Амшосипандлар, кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар бахш этгувчи Ром...

Юргун от соҳиби, раюманд Қуеш; жамийки мавжудотни кузатиб турган забардаст Андарвай. Неки Сипандмиинуга хосдир, у сенга-да хосдир, эй Андарвай! Мазданинг ҳаққоният илми, маздапарастликнинг эзгу, ашаванона хилқати...

Амалдаги табаррук дуолар; девларга қарши низом; зардуштийлар қонунияти; маздапарастлар динининг қадимий ва эзгу равишлари; дуо-мансараларга инонмоқ; Мазда яратган хилқат илми; Мазда илмининг таълими.

— Аҳура Мазданинг Озари!





— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!
Сен ва жамийки оловлар. Мазда
бунёд айлаган Ушийдарина ва осудалик
бахш этгувчи Ашаҳ — Ҳақиқат...

— Эй, мийнувий ва жаҳоний ашаван
илоҳлар, қудратли фравашийлар; эй, дин
ургатувчи илк фравашийлар; эй, аждодла-
римиз фравашийлари...

Барчангизга хушнудлик, олқиш ва
дуолар булсин!

Завт:

Олқиш ва дуолар, қудрат ва тавоно-
лик орзу қиламан сенга, эй Аҳура Мазда-
нинг уғлони, Озар!

Завт ва Роспий:

«Ашим вуҳув...»

10

«Аҳмойи раишча...»: Унга фуруғ ва
фарр; тандурустлик ва тан пойдорлиги;
тан фирузлиги ва осойишталик; узоқ ти-
риклик ва ашаванларнинг энг олий
хилқати ҳамда ҳар нечук энгилик бағиш-
лагувчи ёруглик...

«Ашим вуҳув...»

Минг дармон, ун минг дармон сурай-
ман.

— Эй, Мазда!

Менинг ҳузуримга имдод бергали кел!
Эзгу хилқат Ама; Аҳура яратган
Баҳром ва фируз Апаратотни олқишлай-
миз.

11

Яхши яйловлар бағишлагувчи Ром; за-
бардаст Андарвай; узга хилқатлар; неки
сенга мансубдир, у Сипандмиёнуга хо-
сдир, эй Андарвай, биз уларнинг барча-
барчасини олқишлаймиз.

Абадий сваша¹⁾, поёнсиз зарвона²⁾ ва
мангулик замонни олқишлаймиз.

«Ашим вуҳув...»

12

Йул бирдир ва у Ашаҳ — Ҳақиқат
йулдир. Қолган барча йуллар
йулсизликдир.*

* 1379 йида кўчирилган «Авесто» қўлёзмаларининг бирида «йулсизлик» иборасига шундай изоҳ берилган: «Йулсизлик
Аҳриманинг зарари қонуларига нгофта бўлмоқдир. У деспарастлар аъмоли ва тириклиги томон элтувчи йул...»

УЧИНЧИ ДАФТАР



ВАНДИДОД





«Вандидод» — «Янги Авесто»нинг кейинги таркибларидан бири.

Аммо баъзи авестошуносларнинг фикрига кўра, унинг ўзи яхлит асар бўлиб, қадимий муғларнинг одат ва анъаналари, расм-русумлари, ахлоқ-одоб, маданият ва маорифини ўз ичига олган. «Вандидод» авестойи «Вайдаивадота» сўзининг ихчамлашган шакли бўлиб, уч қисмдан иборат: биринчи «вай» жузъининг маъноси «узоқлик», «жудолик» маъносини англатиб, кўплаб авестойи феъллар ва номларга қўшилиб келади. Иккинчи «даива» жузъи «дев» сўзининг кўплик шакли; учинчи «дота» жузъининг маъноси «қонун», «низом» маъноларини ифодалайди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, «Вандидод» ёхуд «Вайдаивадота» сўзининг ўзбекча маъноси «Девларни узоқлаштиргувчи қонун» ёки «Девларга қарши низом» дир.

БИРИНЧИ ФАРГАРД¹

1

Аҳура Мазда² Сипийтмон³ Зардушт-дан⁴ ҳол сурди-да шундай деди:

2

Мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш булмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратдим.

Агар мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш булмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун бутун халқлар Ийрон Виж⁵га томон юз бурардилар.

3

Мен — Аҳура Мазда — яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу — Доити⁶ дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди. Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман⁷ келди-да Доити⁶ дарёси қаърида Аждаҳони⁸ яратди. Ва бу зимистон девларини борлиқ олам устидан голиб қилди.

4

У ерда ўн ой зимистон ва икки ой ёз фасли ҳукмрон булади. Бироқ шу икки ойда ҳам ҳаво, сув, тупроқ ва дарахтлар учун совуқдир.⁹ Зимистон у ерга даҳшатли фалокатлар келтиради.

5

Мен — Аҳура Мазда — яратган иккинчи сарзамин ва гузал юрт Суғда диёри эди.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да, храфт-ралар¹⁰ жинсига мансуб Скайатя¹¹ни яратди. У бутун подага улим уругини сочди.

6

Мен — Аҳура Мазда — яратган учинчи сарзамин ва гузал юрт қудратли ва пок Марв диёри эди.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да хусуматдан гуноҳкор хоҳишларни яратди.

7

Мен — Аҳура Мазда — яратган туртинчи сарзамин ва гузал юрт зебо ва ораста Балх диёри эди.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да, адоватдан Браварани¹² яратди.

8

Мен — Аҳура Мазда — яратган бешинчи сарзамин ва гузал юрт Балх ва Марв оралигидаги Нисождир.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да, душманликдан умидсизлик ёзуғларини яратди.

9

Мен — Аҳура Мазда — яратган олтинчи сарзамин ва гузал юрт Ҳирот ва унинг дарёчасидир.¹³

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да қаҳр-газабдан куз ёш ва зардобни яратди.

10

Мен — Аҳура Мазда — яратган еттинчи сарзамин ва гузал юрт бадсояли Ваиҳа Гирта¹⁴ эди.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да хусуматдан пари Хнасатайни¹⁵ яратди. У Гаршаспага¹⁶ қовушди.

11

Мен — Аҳура Мазда — яратган саккизинчи сарзамин ва гузал юрт кенг яйловли Авравадир.¹⁷

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да зулмлар-вар фармонлар гуноҳини яратди.





12

Мен — Аҳура Мазда — яратган туққизинчи сарзамин ва гузал юрт Гургондаги Хинитадир.¹¹

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да кечирилмас гуноҳ булган «баччабозлик»ни¹² яратди.

13

Мен — Аҳура Мазда — яратган унинчи сарзамин ва гузал юрт дилкаш Ҳарава-ятадир.¹³

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да «мурдаларни тупроққа топширишдек» кечирилмас гуноҳни яратди.¹⁴

14

Мен — Аҳура Мазда — яратган ун бинчи сарзамин ва гузал юрт серҳосил Ҳийрманддир.¹⁵

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да хусуматдан жодугарларнинг зиёни жодуларини яратди.

15

Жоду афсункор нигоҳ йулидан ҳосил бўлади. Ҳар вақт жоду йулиқар булса ва афсун бош кутарса, жодуни маҳв этгувчи амал бажарилади.

16

Мен — Аҳура Мазда — яратган ун иккинчи сарзамин ва гузал юрт уч баҳодир ҳукмрон булган Райдир.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да хусуматдан султ эътиқодлилиқ гуноҳини яратди.

17

Мен — Аҳура Мазда — яратган ун учинчи сарзамин ва гузал юрт қудратли ва пок Чахрадир.¹⁶

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да хусуматдан «мурдор еқгувчилар»нинг¹⁷ кечирилмас гуноҳини яратди.

18

Мен — Аҳура Мазда — яратган ун туртинчи сарзамин ва гузал юрт Аждаҳони мағлуб этган Фаридун¹⁸ дунёга келган турт гушали Варинадир¹⁹.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да «бемаҳал ҳайз курган аёллар қонини»²⁰ ва ёт ҳукмдорлар асоратини яратди.

19

Мен — Аҳура Мазда — яратган ун бешинчи сарзамин ва гузал юрт Ҳафтрудир.²¹

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да «бемаҳал ҳайз курган аёллар қонини»²² ва қаттиқ иссиқликни яратади.

20

Мен — Аҳура Мазда — бунёд этган ун олтинчи сарзамин ва гузал юрт Рангҳа дарёси сарчашмаси атрофидаги бесар халқлар яшовчи макондир.²³

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йугрилган Аҳриман келди-да хусуматдан девлар яратгувчи зимистонни борлиқ оламга голиб қилди.

21

Жуда куп гузал ва роҳатбахш сарзаминлар, юртлар, кишварлар бор. Уларни ҳам мен — Аҳура Мазда — бунёд этдим.

ИККИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

Зардушт Аҳура Маздадан суради:

— Эй Аҳура Мазда! Эй, оламлар нури Эй, яхшилиқ дунёсини яратгуви Эй, Ашаван!²⁴

Сен — Аҳура Маздасан, мен — Зардуштман. Сўйла-чи, мендан бошқа одамлар ичидан яна кимдан ҳол-аҳвол сурдини?

Кимга Аҳура ва Зардушт динини ошкор қилдини?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашаван Зардушт!

Мен — Аҳура Мазда — сен — Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қуёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан¹ ҳол сурдим ҳамда Аҳура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим.

3

— Эй Зардушт!

Мен — Аҳура Мазда — унга дедим:

— Қулоқ сод, эй Вайвангҳоннинг угли, қуёш юзли Жам!

Сен жаҳонда менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элтгувчи бўл!

— Эй Зардушт!

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

— Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ этгувчи ва динингни элтгувчи бўлиб тугилмадим ва урганмадим!

4

— Эй, Зардушт!

Шунда мен — Аҳура Мазда — унга дедим:

— Эй Жам!

Агар менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элтгувчи бўлмасанг, унда менинг жаҳонимга кенглик бахш айла. Менинг жаҳонимни ардоқла, жаҳон ақлига пешво ва асрагувчи бўл!

5

— Эй, Зардушт!

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

— Мен сенинг жаҳонингга кенглик бахш этаман. Мен сенинг жаҳонингни ардоқлайман. Жаҳон ақлига пешво ва асрагувчи бўламан!

Менинг салтанатимда на совуқ бод, на иссиқ бод, на касаллик ва на улим бўлади.

6

Шундан сунг мен — Аҳура Мазда — унга тухфа тақдим этдим: бири — заррин сувра², иккинчиси зарнишон аштра³.

7

Шундай қилиб, Жам менинг Шаҳриёрим бўлди.

8

Ушанда Жам ҳукмронлик қилган мамлакатда уч юз зимистон бош кутарди. Ва бу замин тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргувчи қизил оловларга тўлди. Сурувлар, тевалар уюри, одамлар заминга сигмай қолишди.

9

Кейин мен қуёш юзли Жамни огоҳ этдим:

— Эй қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг углони!

Бу замин сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, куйдиргувчи қизил оловларга тўлди ва барҳам топди. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар бу заминдан жой тополмади.

10

Шунда Жам ёруглик сари, Жанубга томон, қуёш кенгликларига йўл солди. Ва заминга заррин сувра воситасида ҳаво пуркади, аштра қамчини билан савалади ва шундай деди:

— Эй, Сипандормаз!⁴

Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар сени курсинлар!

11

Шундан сунг, Жам ер юзига бир одим кенглик бахш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одамлар келишди. Улар кунгиллари тусаган ерларни ватан тутишди.

12

Ушанда Жам салтанатига олти юз зимистон бостириб келди. Ер юзи сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргувчи қизил оловларга тўлиб кетди. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар ер юзига сигмай қолишди.

13

Шундан кейин, мен қуёш юзли Жамни огоҳ этдим:

— Эй қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг углони!

Бу замин сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, куйдиргувчи қизил оловларга тўлди ва барҳам топди. Сурувлар, тевалар уюри, одамлар ер юзига сигмай қолишди.



Шунда Жам ёруглик сари, Жанубга томон, қуёш кенгликларига йул солди. Ва заминга заррин сувра воситасида ҳаво пуркади, аштра қамчини билан савалади ва шундай деди:

«Эй, Сипандормаз!

Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла. Сурувлар, теваалар уюри ва одамлар сени курсинлар!»

Шундан сунг, Жам ер юзига якки одим кенглик бахш айлади. Бу кенглик багрига сурувлар, теваалар уюри, одамлар келишди. Улар кунгиллари тусаган ерларни ватан тутишди.

Ушанда Жам салтанатига туққиз юз зимистон бостириб келди. Ер юзи сурувлар, теваалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргувчи қизил оловларга тулиб кетди. Сурувлар, теваалар уюри ва одамлар ер юзига сигмай қолишди.

Шундан сунг, мен қуёш юзли Жамни огоҳ этдим:

Яратгувчи Аҳура Мазда Ийрон Виждаги эзгу Доитиё дарёси соҳилида олам худолари билан анжуман ўтказди.

Яхши сурувлар соҳиби Жамшид (Жам) Ийрон Виждаги эзгу Доитиё соҳилидаги энг гўзал одамлар билан анжуман ўтказди.

Яратгувчи Аҳура Мазда Ийрон Виждаги эзгу Доитиё дарёси соҳилида олам худолари билан уша анжуманга ташриф буюрди.

Яхши сурувлар соҳиби Жамшид (Жам) Ийрон Виждаги эзгу Доитиё дарёси соҳилида обрў-эътиборли одамлар билан уша анжуманга ташриф буюрди.

Ушанда Аҳура Мазда Жамга деди:

— Эй, қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг углони!

Астуманд³¹ оламга баттарин қаҳратон қалин қорлари билан тушиб келади. У аёвсизликда ўлимга менгзар.

— Эй, қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг углони!

Бу замин сурувлар, теваалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, куйдиргувчи қизил оловларга тулди ва барҳам толди. Сурувлар, теваалар, уюри ва одамлар ер юзига сигмай қолишди.

Шунда Жам ёруглик сари, Жанубга томон, қуёш кенгликларига йул солди. Ва заминга заррин сувра воситасида ҳаво пуркади, аштра қамчини билан савалади ва шундай деди:

— Эй, Сипандормаз!

Шавкат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла. Сурувлар, теваалар уюри ва одамлар сени курсинлар!»

Шундан сунг, Жам ер юзига уч одим кенглик бахш айлади. Бу кенглик багрига сурувлар, теваалар уюри, одамлар келишди. Улар кунгиллари тусаган ерларни ватан тутишди.

...Бу кенглик багрига сурувлар, теваалар уюри, одамлар келишди. Улар кунгиллари тусаган ерларни ватан тутишди.

Иккинчи бўлим

Уша баттарин қаҳратон астуманд оламга қалин қорлар билан тушиб келади. Баланд тоғларга қорлар ёғади. Аридий³² баландлигида.

Эй, Жам!

Уч томондан қуйлар суруви келади. Улар гоят хавfli манзиллардан келади: тоғларнинг юксак чўққиларидан, қишлоқларнинг чуқур ерларидан...

Эй, Жам!

Қаҳрли қаҳратондан бурун сувлар шиддат билан оққан бу сарзаминларда гиеҳ ва ут-уланлар гоят сероб булади. Аммо қаҳратон оёғи етиб, у бутунлай қириб келгач, қорларнинг қутуришини курсанг. Энди бу заминда сурувларнинг ҳайратбахш оқимидан ном-нишон тополмайсан.



Шундан сунг — сен, эй Жам! — ҳар бирининг тўрт томони асприйс¹⁾ узунлигида булган вар²⁾ бино қил. Қуйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдиргувчи қизил олов уругларини у ерга олиб бор.

Сунгра — сен, эй Жам! — одамларнинг яшамоғи учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида булган вар бино қил. Сигирлар ва қуйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида булган вар барпо айла.

26

У ерда сувлар узунлиги бир ҳосар³⁾ булган узанларда шитоб билан оқадилар.

У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик ва қут-баракотли яйловлар яратгин.

У ерда кенг ва баланд уйлар қур.

27

... У ерга ер юзидаги энг улуг, энг олий, энг яхши эркак ва ургочиларнинг уругларини олиб бор.

... У ерга ер юзидаги энг улуг, энг олий, яхши жонварларнинг хилма-хил уругларини олиб бор.

28

... У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбуй усимликларнинг уругларини олиб бор.

У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбуй таомларнинг уругларини олиб бор.

Нобуд булмасликлари ва йуқ булиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қил.

29

Бироқ зинҳор у ерга букрилар, пушт-сизлар, гуллар, дуюсана⁴⁾, дайвак⁵⁾, кас-виш⁶⁾, визбориш⁷⁾, суйлоқ тишли, пес, уму-маң, Аҳриман уз доғини қолдирган бирор бир кимсани кирита қурма!

30

У кенгликда туққиз утар жой қил. Урталикда олти, қуйиликда уч. Эркак ва ургочиларнинг минг дона уругини ўша кенгликдаги утар жойларга олиб бор. Олти юз уруг урталикқа, уч юз уруг қуйиликқа.

Уларни заррин сувра билан вар томон ҳайда. У варга ичдан нур таратгувчи дар-воза қур.

Шунда Жам уз-узича андиша қилди:
— Аҳура Мазда айтган варни қандай қилиб тикласам экан?

Шунда Аҳура Мазда Жамга деди:

— Эй, қуёш юзли Жам, Вайвангхоннинг углони!

Одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек, ерни товонинг билан эзгила ва қулларинг билан шудгор қил!

32

Шунда Жам Аҳура Мазда истагини бажо айлади: одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек, ерни товонида эзди ва қуллари билан шудгор қилди.

33

Ушанда Жам ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида булган вар бино қилди ва қуйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдиргувчи қизил олов уругларини у ерга олиб борди.

Ушанда Жам одамлар яшамоғи учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида булган вар бино қилди. Сигирлар, қуйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида булган вар барпо айлади.

34

Шундан сунг у ерда сувлар узунлиги бир ҳосар булган узанларда шитоб билан оқдилар.

...У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик ва қут-баракотли яйловлар яратди.

...У ерда кенг ва баланд уйлар қурди.

35

...У ерга заминдаги энг улуг, энг олий, энг яхши эркак ва ургочиларнинг уругларини олиб борди.

...У ерга заминдаги энг улуг, энг олий, энг яхши жонварларнинг хилма-хил уругларини олиб борди.

36

...У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбуй усимликларнинг уругларини олиб борди.

...У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбуй таомларнинг уругларини олиб борди.

...Нобуд булмасликлари ва йуқ булиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қилди.



37

...Ва у ерга букрилар, пуштсиалар, гуллар, дуясана, дайвак, касвиш, визбориш, суйлоқ тишли, пес, умуман, Ахриман уз догини қолдирган бирор-бир кимса йул тополмади.

38

У кенгликда туққиз утар жой қурди. Урталикда олти, қуйиликда уч. Эркак ва ургочиларнинг минг дона уругини уша кенгликдаги утар жойларга олиб борди. Олти юз уруг урталикқа. Уч юз уруг қуйиликқа.

Уларни заррин суяра билан вар томонга ҳайдади. У варга ичдан нур таратгувчи дарвоза қурдирди.

39

Зардушт сурди:

— Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Жам бино қилган вар хоналаридаги ёруглик — эй, Аҳура Мазда Ашаван — суйлагил, недир?

40

Аҳура Мазда деди:

— Узини ва борлиқни яратган ёруглик.

У ерда юлдузлар, ою қуёшнинг пайдо ва пинҳон булиши йилда бир марта юз беради.

41

Ва улар (варда истиқомат қилувчилар) кунни йил деб гумон қиладилар. У ерда эркак ва ургочи жуфтларнинг қушилишдан қирқ зимистонда эркак ё уругочи дунёга келади. Турли биялар ҳам худди шундай.

Жам бунёд этган вардаги хоналарда истиқомат қилувчилар тириклар ичидаги энг бахтиёр кимсалардирлар.

— Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Жам бунёд этган вардаги хоналарга маздапарастлик динини ким олиб борди?

Аҳура Мазда деди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Гаршифт қуш!

— Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

— Улар учун энг буюк ва доно ким?

Шунда Аҳура Мазда деди:

— Эй, Зардушт!

Арвататнара" ва сен — Зардушт!

112

УЧИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

— Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура бахтлироқ булган дунёдаги биринчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундай жой қўлда покиза утин, барсам", ҳована" ва янги соғилган сут тутган, уз амал-эйтиқодига дилда ишончи собит, уктам овоз, кенг яйловлар ишқи билан масрур ва бу яйловларни қўшиққа солган бир Ашаван оёқ босган заминдир.

2

— Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура бахтлироқ булган дунёдаги иккинчи жой қаер?

3

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой бир Ашаван уй тикланган макондир. Уша уйда мубад" рузгор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Ашаванлик афзун бўлади. Тевалар хуроки фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тирикликнинг гузал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади. Бундай жой дунёдаги иккинчи бахтиёр заминдир.

4

— Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура бахтиёрроқ
булган дунёдаги учинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан
купроқ бутдой, ёг ва мевали дарахтлар экан,
одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган,
сувли ерларни шудгор қилган заминдир.

5

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура бахтиёрроқ
булган дунёдаги тўртинчи жой қаер?

Иккинчи бўлим

7

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ гуссага гирифтор
булган дунёдаги илк жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой Аризвар⁹ тогининг
кифти булиб, унинг саҳнида дузах
могораларидан чиққан девлар жам буладилар.

8

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ гуссага гирифтор
булган дунёдаги иккинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У одамлар ва итларнинг куплаб
мурдорлари (лош, жасад) тупроққа
кумилгувчи жойдир.

9

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ гуссага гирифтор
булган дунёдаги учинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой қўйлар суруви ва тева-
лар уюри энг куп парварииш қилинадиган
заминдир.

6

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура бахтиёрроқ
булган дунёдаги бешинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой сернасл қўйлар ва те-
валар яшайдиган заминдир.

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У сон-саноқсиз дахмалар тикланиб,
унинг ичига одамларнинг мурдорлари
қалаштириб кумиладиган жойдир.¹⁰

10

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ гуссага гирифтор
булган дунёдаги тўртинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У Аҳриман яратган махлуқлар
қўплаб ин қурган макондир.

11

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ гуссага гирифтор
булган дунёдаги бешинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У қуруқ ва губорли кучада улдирил-
ган Ашаван ортидан унинг хотин ва фар-
зандлари оху фиғон чекиб бораётган
жойдир.

Учинчи бўлим

12

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура купроқ бах-
тиёр қилган илк кимса ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У одамлар ва итлар жасадини туп-
роқдан энг куп чиқариб ташлаган зот-
дир.

13

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура купроқ бах-
тиёр қилган иккинчи кимса ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У мурдалар қалашиб ётган дахма-
ларни бузиб ташлаган зотдир.



113

Одам зотидан ҳеч бир киши мурдани ёлғиз ўзи даҳмага олиб бормаслиги керак. Кимда-ким ёлғиз бир ўзи мурдани даҳмага олиб борса, насв¹¹ унга ҳамла қилади ва бурун, кўз, оғиз, эркаклик ё аёллик аврати ёхуд мурданинг ортидан кириб уни булғайди ва палид қилади.

Дуруж¹² ва насв унинг ичига кириб олади ва тирноқларининг орасигача булғаб ташлайди. Шундан сунг, у нопок бўлади ва нопоклигича қолади.

15

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Улиқни ёлғиз бир кимса даҳмага элтadиган жой қаерда?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ер юзининг сувсиз, бум-буш, қуп-қуруқ қисми. Қўйлар суруви ва йилқи у ердан ниҳоятда оз утади.

Олов — Аҳура Мазданинг углони у ерда камдан-кам ёқилади. Барсам дасталари ва диний урфлар у ерда деярли кузга ташланмайди. Ашаванлар у ердан аҳён утиб қоладилар.

16

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

— Оловдан нечоғли узоқда?

— Сувдан нечоғли узоқда?

— Барсам дасталаридан нечоғли узоқда?

— Ашавандан нечоғли узоқда?

17

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Оловдан уч қадам олис.

— Сувдан уч қадам олис.

— Барсам дасталаридан уч қадам олис.

— Ашавандан уч қадам олис.

18

Маздапарастлар у ернинг атрофини айланасига ураб қуйишлари керак (бундай жой «армиштгоҳ», яъни «нопок шахс жойи» дейилади — *Тарж.*) Унга хурак ва энгил-бош берсинлар. Энг ёмон хурак ва энг исқирт кийим-бош. Хурак жуда оз булиши ва таом ҳам ночиз булиши зарур.

19

Уша иҳоталанган жойда у (нопок шахс) қариб, тандан мадори кетиб, мункиллаб қолгунича яшаши керак.

Қариб, тандан мадори кетиб, мункиллаб қолганидан кейин маздапарастлар паҳлавон, забардаст бир эркакка амр қилсинлар, уни баланд тоғ бошига олиб чиқсингда терисини сидириб, бошини танадан жудо қилсин. Шундан кейин унинг мурдорини (жасадини) Аҳура Мазда яратган улаксахур зогларнинг олдига ташлаб юборсин ва ушбу сўзларни айтсин:

21

«Бу ерда ётган одам узининг бутун аҳриманий андишалари, сузлари ва амалларидан пушаймондир. Агар бошқа бир кишининг аҳриманий амаллари бу одам орқали юз қурсатган бўлса, патиги¹³ қонунига мувофиқ афу этилади. Борди-ю бу одам бошқа ҳеч қандай аҳриманий амалларни қилмаган бўлса, унинг шу пушаймонлиги абадий магфиратига кифоят қилади».¹⁴⁻¹⁵

22

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган учинчи шахс ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аҳриман бино қилган инларни энг кўп вайрон қилган зот.

23

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган туртинчи шахс ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ҳаммадан кўп бугдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир.

24

Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстиқдошга интиқдир.

25

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва унг қул билан, унг қул ва чап қул билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гузал ва покиза қизга ухшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, уз тушагида ҳалол ёстиқдошига фарзандлар



тугиб беради. Замин ҳам мул-қул меваларини инъом этади.

26

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва унғ қул билан, унғ ва чап қул билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди:

27

— Эй, мард! Эй, мени чап ва унғ қул билан, унғ ва чап қул билан шудгор қилган зот!

Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сурайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кирман, сен учун ҳар турли хурак ва мул-қул бугдой етиштираман.

28

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва унғ қул билан, унғ ва чап қул билан шудгор қилмаса, замин унга шундай дейди:

29

Эй мард! Эй, мени чап ва унғ қул билан, унғ ва чап қул билан шудгор қилмаган зот!

Сен беғоналар эшиги остонасида нон истовчилар билан бирга булурсан. Кузларинг йул куради. Улар сени эшиги остонасида ҳайдаб юборадилар.

30

— Эй, дунёни яратган зот!

Эй, Ҳақиқат!

Мазда динини қандай таом туйғизади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бугдой экмоқ ва яна бугдой экмоқ,

31

Кимда-ким бугдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини яна ва яна кукартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ун минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади.

36

— Эй, дунёни яратган зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, олти ойгача туп-

32

Қачонки эгатларда уруг етилса, девлар уриналаридан қупадилар.

Қачонки бугдой гуркираб қукарса, девлар даҳшатадан титрай бошлайдилар.

Қачонки бугдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.

Қачонки бугдой хирмонга уюлса, девлар нобуд буладилар.

Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

Қай бир хонадонда бугдой омбори бўлса, гуё қиздирилган темир девлар буйинини чирмаб ташлайди.

33

Руҳонийлар ушбу варжованд мансарасини¹⁴ одамларга ургатсинлар.

«Ҳеч ким хуроқсиз Ашаҳ қонунларига амал қилиш қудратига эга эмас. Омоч тортиш қудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтирмоқ қудратига эга эмас.

Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудот эмак билан тириқдир, эмаксиз ўликдир».

34

— Эй, оламини яратган зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кура кўпроқ бахтиёр қилган бешинчи шахс ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган зот!

35

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни шудгор қилиб, уни меҳрибонлик ва парҳезкорлик билан бир Ашаванга топширса, Сипандормаз уни замин қаърида, ҳасрат ва паришонлик оламида, тубанлик ва шурбаҳтлик сарзаминида девлар макони — дузах тубига улоқтириб ташламайди.

Тўртинчи бўлим

роқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нечүк?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Беш юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра¹⁷ билан, беш юз қамчин саравуш-чарана¹⁸ билан саваланади.



115

— Эй, дунёни яратган зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроқда топшириб, бир йилгача тупроқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Эй, дунёни яратган зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроқда топшириб, икки йилгача тупроқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нечук, бу гуноҳкорликнинг товони нима, қандай қилиб у бу гуноҳдан пок бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Бундай гуноҳга ҳеч қандай на жазо, на товон бор. Бундай гуноҳкорликка бирор бир жазонинг имкони йўқ. Дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди.

— Қандай ҳолатда содир бўлади?

— Гуноҳкор Мазда динининг мураббийси ёхуд бу диндан батамом огоҳ бўлган чоғда ушбу ҳол содир бўлади. Борди-ю гуноҳкор Мазда динининг мураббийси ёхуд бу диндан огоҳ бўлмаса ва уз қилмишига қаттиқ пушаймон бўлса ҳамда қайтиб нораво кирдорларга қул урмаса, Мазда унинг гуноҳларини афв этади.

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда, кимда-ким бу динни қабул

қилса, уз ёзуғлари бандидан халос бўлади.

Мазданинг дини нодуруст амалларни кечиради. (Утрилик гуноҳ эканини биледи, бироқ бадавлат одамнинг молини умариб, уни бенаволарга бермоқни ашаванларча (яъни ҳақ иш) мардоналик, деб гумон қилади).

Мазданинг дини ашаванлардан бирор бир кишини улдирган зотни афу этади. (У биладикки, улимга муносиб одам қатл қилиниши керак. Бироқ у бундай амал ҳакамнинг амрисиз бажарилмаслигини билмайди).

Мазданинг дини жасадни тупроқда топширишни афу этади. (У мурдани тупроқда топширмоқ нораво эканини биледи, аммо гумон қиладики, борди-ю шундай қилмаса итлар ёхуд шоқоллар мурдани тортқилаб, сувга ёхуд оловга ташлашлари мумкин). Бинобарин, у мазкур амалини ашаванларча (яъни ҳақ иш) мардоналик, деб гумон қилади.

Мазданинг дини энг қаттиқ гуноҳнинг жазосини афв этади. (У энг олий ҳузур-ҳаловат, энг олий баҳраманлик раво эканини биледи, бироқ бу сунгсиз ҳузур-ҳаловат ва олий баҳраманлик ашаванларга (яъни ҳақ йўлдагилар) нораво эканини билмайди). Мазданинг дини одамлар истар-истамас қуларини булгашлари мумкин бўлган гуноҳларни афу этади.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Мазданинг дини шамол саҳроларни шитоб билан тозалагани каби Ашаваннинг (Ҳақ йўлдаги киши) ҳар қандай андешасини, суз ва амалини поклайди.

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундан кейин сенинг барча амалларинг эзгу бўлгуси. Мазданинг дини сенинг гуноҳинг учун огир товон беради.

ТҮРТИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

Кимда-ким қарзни уз эгасига қайтармаса, унинг бу амали уша омонатни уғирлаган билан баробар бўлади. Қарз

олган киши омонатни уйда сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга ҳул урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта уғирлаган билан баробардир.



Иккинчи бўлим

2

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Қасамларнинг саног нечадир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Менинг қасамларим олтита:⁹
биринчи — суз қасами;
иккинчи — қул қасами;
учинчи — қуй қасами;
туртинчи — сигир қасами;
бешинчи — одам қасами;
олтинчи — экин қасами; энг яхши, энг
обод, энг серҳосил заминдаги экин.

3

Кимда-ким суз қасамини ёлғиз
сўзнинг узи деб тасаввур этса, уни қул
қасами билан тузатиши ва қул қасами-
нинг товонини тўлаши керак.

4

Қул қасамини қуй қасами билан туза-
тиши ва қуй қасамини унинг урнига бери-
ши керак.

Қуй қасамини сигир қасами билан ту-
затиши ва сигир қасамини унинг урнига
бериши керак.

Сигир қасамини одам қасами билан
узгартириши ва унинг урнига одам қаса-
мини бериши керак.

Одам қасамини экин қасами билан ис-
лоҳ қилиши ва экин қасамини унинг
урнига бериши керак.

5

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким суз қасамини бузса, бу гу-
ноҳ учун гирифтор буладиган жазоси-
нинг андазаси нечудир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг ва энг яқин қариндошлари
гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг
уш юзтасига тенгдир.¹⁰

6

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким қул қасамини бузса, бу гу-
ноҳ учун гирифтор буладиган жазоси-
нинг андазаси нечудир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг ва энг яқин қариндошлари
гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг
олти юзтасига тенгдир.

7

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким қуй қасамини бузса, бу гу-
ноҳ учун гирифтор буладиган жазоси-
нинг андазаси нечудир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг ва энг яқин қариндошлари
гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг
етти юзтасига тенгдир.

8

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким сигир қасамини бузса, бу
гуноҳ учун гирифтор буладиган жазоси-
нинг андазаси нечудир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг ва энг яқин қариндошлари
гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг
сақкиз юзтасига тенгдир.

9

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким одам қасамини бузса, бу
гуноҳ учун гирифтор буладиган жазоси-
нинг андазаси нечудир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг ва энг яқин қариндошлари
гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг
туққиз юзтасига тенгдир.

10

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким экин қасамини бузса, бу
гуноҳ учун гирифтор буладиган жазоси-
нинг андазаси нечудир?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг ва энг яқин қариндошлари
гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг
мингтасига тенгдир.

11

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким суз қасамини бузса, гу-
ноҳининг жазоси нечук?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Уч юз қамчин аспаҳиқ-ашатра би-
лан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан
саваланади.

12

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!



117

Кимда-ким қул қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Олти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олти юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

13

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қуй қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Етти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етти юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

14

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сигир қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи бўлим

17

Кимда-ким бировни урмоқ қасдида олланса, унинг гуноҳи «очирипта» дир.⁴¹

Кимда-ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи «аваурайшта» дир.⁴²

Кимда-ким гараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи «аридуш» дир.⁴³

Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қул урса, у «пишавтану»⁴⁴ бўлади.

18

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «оширипта» гуноҳи билан булганса, гуноҳининг жазоси не бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ун қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ун қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта ун беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ун беш марта саравушу-чарана билан саваланади.

19

Туртинчи марта уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Саккиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, саккиз юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

15

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одам қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Туҳқиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, туҳқиз юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

16

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Олтинчи марта олтмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Еттинчи марта туҳсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, туҳсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

20

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулагач, саккизинчи марта «оширипта» ёзуғи билан булганган булса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдикори «пишавтану» дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

21

Кимда-ким «оширипта» гуноҳи билан булганса ва товон тулашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдори «пишавтану» дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.



22

— Эй оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «авауйрайшта» гуноҳи билан булганган булса, унинг жазоси нечук?
Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ун қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ун қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ун беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

23

Учинчи марта уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Олтинчи марта туҳсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, туҳсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

24

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам, еттинчи марта «авауйрайшта» гуноҳи билан булганса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

25

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «авауйрайшта» гуноҳи билан булганган булса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

26

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «аридуш» гуноҳи билан булганган булса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ун беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

27

Иккинчи марта уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта туҳсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, туҳсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

28

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам олтинчи марта «аридуш» гуноҳи билан булганса унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

29

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «аридуш» гуноҳи билан булганса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

30

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса жазоси нечук?

31

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра, уттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.



Учинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта туқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, туқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

32

— Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулаганидан кейин ҳам бешинчи марта ушбу гуноҳ билан булганса, унинг жазоси нима?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

33

— Кимда-ким бу гуноҳ билан булганса ва товон тулашдан бош тортса, унинг гуноҳи нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

34

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг қонини оқизган кимса ёзугининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Элдик қамчин аспаҳиҳ-ашатра, элдик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта туқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра, туқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

35

— Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулагани ҳолда туртинчи марта ушбу гуноҳ билан булганса, унинг жазоси қандай?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

36

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировга шикаст етказиб, унинг қони-

ни оқизган ҳолда товон тулашдан бош тортган кимсанинг жазоси қандай?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг мукофоти йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

37

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, суягини синдирган кимса ёзугининг жазоси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа туқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра, туқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

38

— Бурунги ёзуглари учун товон тулаган ҳолда учинчи марта ҳам мазкур гуноҳ билан булганган кимсанинг жазоси қандай?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг қилмиши «пишавтану» дейлади. Гуноҳининг сийлови йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

39

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг суягини синдирган ҳолда товон тулашдан саркашлик қилган кимса гуноҳининг жазоси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдори «пишавтану» дейлади ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма марта саваланади.

40

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни калтаклаб, уни ҳушидан кеткизган кимсанинг жазоси нима бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан туқсон марта, саравушу-чарана қамчини билан олтмиш марта саваланади.

41

— Дастлабки гуноҳининг товонини тулаб туриб ҳам қайта ушбу гуноҳни содир этган кимсанинг жазоси ҳақида хабар бер!

Аҳура Мазда жавоб қилди:



120

— Унинг қилмиши «пишавтану» деб юритилади ва бу гуноҳи учун аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан йигирма марта, саравушу-чарана қамчини билан йигирма марта калтакланади.

42

— Эй, оламларни бино қилган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Бир кимсани уриб, ҳушидан айиргани оқибатида товон туламоқдан саркашлик қилган зурвоннинг топқуси жазосидан мени огоҳ эт!

Иккинчи бўлим

44

Икки киши, хоҳ диндош, хоҳ биродар, хоҳ дуст бир-бири билан нима хусусадир паймон богласалар — бирови иккинчисининг хонадонидан ўзига хотин танласа, Ёхуд билим олмоқни истаса, сўзсиз унинг талаби қондирилмоғи ва хоҳлаган нарсаси берилмоғи керак. Агар талабгор унинг хотинини истаса берилади, дин илмини урганмоқни хоҳласа — ургатилади.

45

...У куннинг ибтидоси ва интиҳосида, у туннинг аввали ва охирида билим ол-

Учинчи бўлим

46

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилмасин. Ҳеч ким ўз қушнисидан олган омонатидан тониб, Ёлгон сўйламасин.

47

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир.

Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир.

Кимнинг дунёси бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадовдан афзалдир.

48

Икки кишидан бири ўзини гушт билан тўйгизса, иккинчиси оч қолса. Ул биринчисидан яхшилик ёғилгай.*

Очнинг мурдадан фарқи йўқ.

Аҳура Мазда деди:

— Унинг кирдори «пишавтану» деб юритилади ва топқуси оқибати аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан калтакланади.

43

Юқорида баён этилган жазолар ниҳоят ашаванлик йўлида шундай манзалатга етмоғи керакки, илоҳлар шаънига ҳамду санолар айтсин, уларни эзгу каломлар билан ардоқласин. Ва шу йусинда ўз билимини зиёда қилсин.

...У куннинг уртаси ва туннинг уртасида жуда роҳатланиб, сирди огушларда маст булганча ором олмоғи, шундан сунг илм ортидан шу қадар жидду-жаҳд этмоғи керакки, утмиш донишмандлар қолдирган ҳамма нарсани жону дилдан урганиб олсин.



121

Туқ очга нисбатан бир аспирини⁴¹, бир қуй, бир одамчалик афзалликка эга.

49

(алиф)

Туқ одам улим келтирувчи астуваязуту⁴² девларига қарши жангларга дош беради. У тирик жонни маҳв этгувчи завола-раст кучларга баробар тура олади. У энг нозик тан либоси билан зимистон девларининг шиддатига тоб беради. У ўз ҳукмдори амрига мутобиқ, ёмонликка қарши бош кутаради ва уни забун айлайди. У ҳеч нарса тановул қилмайдиган фитна-фасод деви Ашмутга⁴³ қарши мубориза қилади...

49

(бе)

...Сув ва ёниб турган олов қошида қасамини бузган одамнинг эзуги афв

* Кунини хурансиз, хусусан, гушт тановул қилмасдан ўтказадиганлар бор. Биз ҳам парҳез қиламиз, бироқ таомдан эмас, балки фикр, сўз ва амалда ёмонликдан тийнаёмиз. Баъзи динларда таомдангина тийналад, холос.

этиласдир. У иккинчи дафъа тавбага кўз тутолмагай.

50

Бу гуноҳнинг дузахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудини ўтмас бир анжомда кесиб бурдалашдан-да даҳшатлироқдир.

51

Бу гуноҳнинг дузахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудига ўтмас қозиқларни қоқмоқдан-да чандон даҳшатлироқдир.

52

Бу гуноҳнинг дузахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқ-

дир. Бу азоб тоғлар чуққисидан тубсиз жарга боши билан ташлаб юборилган одам ваҳмидан кўра чандон даҳшатлироқдир.

53

Бу гуноҳнинг дузахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб дорга тортилган одам ваҳмидан чандон даҳшатлироқдир.

54

Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг дузахда топқуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан муҳишдир.

55

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! — деди Сипийтмон Зардушт...

БЕШИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

(алиф)

1

Қачонки бир одам дарра остида жон таслим қилса ва тоғ чуққисида утирган қуш у ерга шунгиб келса-да уша мурдордан бир парчасини еса, сунг тоғ чуққисига қайтиб, қаттиқ шоҳли ё мулойим шоҳли дарахтга қўниб унга қайт қилса ёхуд ахлат билан булгаса, ё мурдор парчаларини сочиб юборса...

2

...Сунг дарра остидан омон қолган бир одам уша тоғ чуққисига кутарилиб, бояги дарахт шоҳларини синдириб, ўтинлик қилса ва уни Аҳура Мазданинг ўгли — оловга қаласа, бу гуноҳнинг жазоси недур?

5

— Эй, оламини яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Бир киши экинига сув қуюди. Сувни ўз экинзори томон ҳайдайди. Иккинчи

3

Аҳура Мазада жавоб берди:
— Қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор саналмайди.

4

...Агар қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор қилинса, унда мен яратган бу жисмоний олам — менинг махлуқим булмиш фоний зотлар ватани — зудлик билан гуноҳкор, «пишавтану»ларнинг маконига айланадир. Уларнинг руҳлари даҳшатли фарёд чекадилар.

(бе)

дафъа яна ҳайдайди. Учинчи, тўртинчи бор яна ва яна ҳайдайди...

...Ва ҳар гал итми, тулкими, бурими сув бошига мурдор олиб келаверса, уша кимса гуноҳнинг жазоси нечук?



6

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор саналмайди.

7

...Агар қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор

қилинса, унда мен яратган бу жисмоний олам — менинг махлуқим бўлмиш фоний зотлар ватани — зудлик билан гуноҳкор «пишавтану»ларнинг маконига айланади. Уларнинг руҳлари даҳшатли фарёд чекадилар.

Иккинчи бўлим

(алиф)

8

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Сув улдиргувчими?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Сув ҳеч кимни улдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутудирки,

кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қулларини маҳкам боғлаб ташлайди. Шунда селоб уни ўз қаърига тортиб, сув кенгликларига итқитиб юборади. Шунда токи мурдор толеи уни ё ул сори ё бул сори элтиб ташламагунча, ундан паррандалар баҳраманд буладилар.

(бе)

9

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Олов улдиргувчими?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Олов ҳеч кимни улдирмайди. У тан

заволи, ўлим деви Астуваязутудирки, кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қулларини қаттиқ боғлаб ташлайди. Шунда токи мурдор толеи уни ё ул сори, ё бул сори элтиб ташламагунча, олов унинг тану жонини куйдириб юборади.

Учинчи бўлим

10

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Ёз утиб, қора зимистон етиб келса, маздапарастлар не қилмоқлари даркор?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Ҳар уй ва ҳар куйда уликларни сақлаш учун «кодиҳ»⁴¹ қўрсинлар!

12

Мурда, қушлар парвозга шайлангунча, гиёҳлар буй чўзгунча, селоблар равон булгунча ва баҳорий насимлар ер узини қуритгунча қадар бир кун ё уч кеча ёхуд бир ой у ерда сақланмоғи лозим.

11

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Уликлар учун қурилган бу «кодиҳ»ларнинг ҳажми нечоғли булмоғи керак?
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Тик бош, узатилган оёқ, чузилган қул озор чекмаслиги керак.
Динимиз дастури буйича мурдалар кодиҳи шундай булмоғи керак.

13

Қачонки қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кутарса, селоблар равон булиб, баҳорий бодлар ер сатҳини қурита бошласа, маздапарастлар ўлик жисмини дахманинг кунгай ерига қўйсинлар.

14

Кимда-ким бир йил муддатига мурда жисмини дахмага — офтобруяга қўймас экан, унинг жазоси бир ашаванни қатл этган билан баробардир.

Мурданинг жисми дахмада ёмғир ёғиб, унинг тамомий чиркинларини ювиб кетгунгача ва паррандалар уни еб битиргунларига қадар туриши лозим.



Тўртинчи бўлим

15

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Сув, булут ва бодларни Фарог Карт⁶
дарёсидан юборишинг ҳақиқатми?

16

...ки Сен — эй, Аҳура Мазда! — сувни мурдорлар, дахмалар, уларнинг чирклари ва устухонлари учун юбориб, уларни нигоҳлардан пинҳон тутасан, шу ростми?
...ки Сен — эй, Аҳура Мазда! — чиндан уша сувларни «Буйтяка»⁷⁰ дарёсига қайтарасанми?

17

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Худди шундай, эй Зардушт! Худди сен айтганингдек, эй Зардушт!
Мен — Аҳура Мазда — сув, булут ва бодларни Фарог Карт дарёсидан юбораман.

18

— Мен — Аҳура Мазда — сувни мурдорлар, дахмалар, уларнинг чирклари ва устухонлари учун юбораман.
Шунда мен — Аҳура Мазда — сувларни пинҳона қайтариб оламан.
Мен — Аҳура Мазда — сувларни Туйтяпа дарёсига қайтараман.

19

У ерда сувлар жуш урадилар. Туйтяпа дарёсининг бағрида сувлар хуруш қилиб оқадилар. Устухон ва чирклардан булгангач, сунг Фарог Карт дарёси томон оқадилар ва дармонбахш Вислубиш⁷¹ дарахтига юз бурадилар.

У ерда менинг юзлаб, минглаб, юз минглаб гиёҳларим кукаради...

20

Уша гиёҳлар устига мен — Аҳура Мазда — эмгир ёғдираман. Токи ашаван халқи ва жамийки ут-улан билан озиқланувчи жониворларга тирикликлари учун озуқа ундирсинлар.

124

Бешинчи бўлим

21

— Будир энг эзгу ишлар! Будир энг гузал амаллар! Будир, эй яхшилик истовчи Зардушт, сен сўрган нарсалар!

Ашаван Аҳура Мазда ушбу сўзлар билан Зардушт жонига поклик асрорини бағишлади. Зардушт одамлар ўз ёзуғларидан эзгу амал, эзгу фикр ва эзгу калом билан халос бўлиши мумкинлигини англагач шод бўлди.

Эй, Аҳура Мазда! Тугилгандан пок бўлмоқ тириликда буюк ишдир. Дунёни обода этмоқ уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак!

22

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқати бошқа динлардан нечоғли буюк ва гузалдир?

23

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг бошқа динлардан

афзаллиги Фарог Карт дарёси сувининг бошқа сувлардан нечоғли афзаллиги кабудир.

24

— Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг яхшилик ва гузалликда бошқа динлардан афзаллиги катта сувнинг кичик сувни ютиб юбргани кабудир.

— Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг — девларга қарши Ҳақиқатининг яхшилик ва гузалликда бошқа динлардан афзаллиги буюк тановар дарахтининг ўз сояси паноҳига гиёҳларни олгани мисолидир.

25—26

— Бу Ҳақиқат — Мазданинг девларга қарши Ҳақиқатининг — яхшилик ва гузалликда бошқа динлардан афзаллиги осмоннинг заминни буткул ураб олгани кабудир...

Олтинчи бўлим

27

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Бир гуруҳ одамлар бир ерда гиламлар устида бир-бирига жип ёстиқларга бош қуйиб ухласалар; улар узаро бир-бирига гоят яқин икки тан, ё беш тан, ё эллик тан, ё юз тан булсалар-да, ногаҳон уларнинг орасидан бирови улиб қолса, уликлар жисмини булгагувчи насв деви уларнинг неча нафарини ёмонлик ва палидлик билан булгайди!

28

Аҳура Mazda жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар улик оловни қуриқлагувчи отурбон¹ булса, мурда жисмини булгагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва ун биринчи кишининг жисмига кириб, ун нафарни булгайди.*

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар марҳум деҳқон булса, мурда жисмини булгагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва туққизинчи кишининг жисмига кириб саккиз нафарни булгайди.

29

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар улик чупоннинг ити булса, мурда жисмини булгагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва еттинчи кишининг жисмига кириб, етти нафарни булгайди.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар улик хонаки ит булса, мурда жисмини булгагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва еттинчи кишининг жисмига кириб, олти нафарни булгайди...

37

Кимда-ким тириклиги чогида сувни булгаса, оловни сундирса, тевааларни угирлаб, суйиб юборса;

У тириклиги чогида улдиргувчи мушт билан бир ашаванни уриб, жонини танидан жудо қилса...

У улимдан сунг бундай қила олмайди.

38

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда у тубанкор, икки оёқли махлуқ ё йулдан оздирувчи дев Ашмуг уз тириклигида ашаваннинг ризқидан, энгилбошидан, улан-тушагидан жудо қилмоқни тарк этмайди.

У улимдан сунг бундай қила олмайди.



125

Еттинчи бўлим

39

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Аҳура Mazda!

Эй, Ҳақиқат!

Бизлар уз уйларимизда олов, барсам, жом, ҳавм ва угирлар атрофида утириб-миз. Ногаҳон бирор одам ё бир ит бу ердан утиб қолди ва кутилмаганда улди. Биз маздапарастлар нима қилмоғимиз лозим булади?

40

Аҳура Mazda жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ҳолда олов, барсам, жом, ҳавм ва угирларни уйдан ташқарига чиқариш лозим. Мурдани эса даҳмага — мурдалар учун қурилган махсус жойга — элтиб қуюсиз. Токи лош ўша ерда йиртилсин ва ейилсин.

41

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Оловни улик чиққан уйга қай ҳолда киритиш мумкин?

42

Аҳура Mazda жавоб берди:

— Қиш чоги туққиз тун, ёзда бир ой муддатида олов улик чиққан уйдан ташқарида сақланади. Шундан сунг олиб кирилади.

43

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Қиш чоги туққиз тун, ёзда бир ой буамасдан улик чиққан хонадонга оловни олиб кирган кимсаларнинг жазоси нима?

* Бу ўринда Аҳура Mazda ун бир кишиник жамоатни назарда тутмоқда. Базан маздапарастлар ақидасига қўра, жамоат булдиб етган кимсалар орасида ногўдон бировни улиб қолса, мурданинг икки егидан ун бир кишига довуз булганар экан.

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Унинг амали «пишавтану»дир. Гу-

Саккизинчи бўлим

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Қачон бир маздапарастнинг хонадони-
да ҳомиладор аёл бир ё икки, ё уч, ё
тўрт, ё беш, ё олти, ё етти, ё саккиз, ё
туққиз, ё ун ойлик улик чақалоқ туғса,
маздапарастлар уша аёлни қаёққа олиб
боришлари керак.

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Замини камсув, гиёҳи сероб, мол-
лар ва қўйлар суруви камроқ утадиган;
Аҳура Мазданинг угли — олов камроқ
ёнадиган, барсам билан утадиган диний
маросимлар озроқ бажариладиган ва аша-
вон халқи у ерда аҳён-аҳёнда тухтайдиган
бир зардуштийнинг уйига олиб бормоқ
керак.

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

— Оловдан нечоғли узоқ булсин?
— Сувдан нечоғли узоқ булсин?
— Барсам дасталаридан нечоғли узоқ
булсин?
— Ашаван халқидан нечоғли узоқ
булсин?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Оловдан уч қадам олис.
— Сувдан уч қадам олис.
— Барсам дасталаридан уч қадам
олис.
— Ашаван халқидан уч қадам олис.

— Маздапарастлар уша хонанинг ат-
рофи буйлаб девор кутармоқлари, уша
ерда таомлантирмоқлари ва энгил-бош
бермоқлари керак.

ноҳи эвазига аспаҳиқ-ашатра ва сараву-
шу-чарана қамчинлари билан йигирма
мартадан саваланади.

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Уша аёлга бериш лозим булган бирин-
чи таом нима?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бачадонининг ичи тозаланиши
учун, уч, ё олти, ё туққиз жом кул ара-
лаштирилган кумиз* ичмоги керак.

Сунгра мода ҳайвонларнинг иссиқ су-
тини, пиширилган гушт, нон, узум шаро-
би ичмоги ва емоги мумкин. Аммо сув ич-
моги мумкин эмас**.

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Бундай аёл неча мудат ушбу аҳволда
яшайди ва сув ичмаган ҳолда фақат гушт,
нон, шароб тановул қилади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уч кеча шу аҳволда яшайди. Уч кеч-
а гушт, нон ва шароб истеъмол қилади,
биноқ сувга лаб тегизмайди. Уч кеча
утгач, тана ва энгил-бошини кумиз ва сув
билан туққиз чуқурлик ёнида ювмоги ло-
зим. Шундай қилиб, аёл покланади.

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Уч кечадан сунг аёл неча мудат одам-
лардан айро ҳолда яшайди? Неча фурсат
унинг жойи, таоми ва энгил-боши бошқа-
бошқа булади?



* Уч, олти, туққиз жом, яъни унинг қудрати еттукича. Кумиз — новвос сийданги. Фалокатан масв девини аёл бачадонидан қувиб юбориш мақсадида унта ичкизмади. Кул қам, агар Баҳром оловдан браса худди шундай бачадонни турли ёвуз девалардан тозалаши мумкин экан.

** Бу ҳолга тушган аёлни сувдан тийинлишдан мақсад, унинг қаттиқ буланганлиги бўлиб, маздапарастлар ақдасига кўра сувни ҳам булагани мумкин.

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Туққиз кеча шу алпозда яшайди.

Утган уч кечадан сунг, бу аёл яна туққиз кеча якка-ёлгиз, маздапарастлардан айро ҳолда бўлади. Унинг жойи, таоми, энгил-боши жудо қилинади.

Туққиз кеча утганидан сунг тана ва энгил-бошини сув ва кумиз ердамида ювиб, поклайди*.

— Эй, оламини Яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бир қарра ювилиб, пок булган аёл энгил-бошини саккиз нафар муътабар пешволар завт⁷¹, ҳованак⁷², атарвахш⁷³, фрабиритар⁷⁴, обирит⁷⁵, оснатар⁷⁶, роспий⁷⁷, срашавариз⁷⁸, олов қуриқловчи отурбон ва бир деҳқон қия оладими?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ҳарчанд ювиб, покланган булмасин на завт, на ҳованан, на атарвахш, на фрабирита, на обирит, на оснатар, на роспий, на срашавариз, на олов қуриқловчи отурбон ва на бирор деҳқон уша аёл либосидан фойдалана олмайди.

Борди-ю маздапарастлар хонадонида бир бемор аёл ёхуд армишт эр армишт-

гоҳда сақланаётган бўлса, ва қўлларини бемалол ҳаракатлантира оласа, уша либосларни ишлатиши ёхуд ёстиқ сифатида қўллаши мумкин.**

Ҳақиқатда, Аҳура Мазда биз баҳраманд бўлишимиз мумкин булган энг оддий ва арзимас нарсаларнинг ҳам булганишини истамайди ва бунга йул қўймайди, ҳарчанд у бир дирҳамлик арқон ёхуд йгирувчи қизнинг қулидаги ипдек бўлса-да...

Кимда-ким мурда устига либос ташласа ва уша либоснинг қиймати йгирувчи қиз қўлларидаги ипчалик бўлса ҳам, то тирик экан, у ашаван ҳисобланмайди ва улимидан сунг яхшилик сарзаминига (биҳишт) йул топа олмайди.***

...У девлар оламига, зимстондек қоп қоронгу оламга боради. У олам зулматдан қурилаган бўлиб, уни зулмат яратган дир.****

Эй, осийлар!

Сизлар уз қилмишларингиз боис гамгусса ва паришонлик сарзаминига кириб келмоқдасиз!..



* Бу ҳодисага бошқача қарашлар ҳам мавжуд: ҳокимадор аёл бир ё ун ойлик ўлик чақалоқни туққанидан кейин, унинг бир ламчи таоми кумиз ва кудир. Тўрт кунга довуру унинг суз ва туз тоғиоти ёхуд суз ва туз аралашган таом истеъмола қилмоғига йул қўйилмайди. Тўрт кундан кейин унга ўз танаси ва либосларини ювиш учун кумиз берадилар. Қирқ кунга довуру суз билан танаси ва либосларини ювиш мумкин бўлмайди.

** Шикасталииб ишдан чиққан ёхуд маздапарастлар эътиқодига қўра нопоҳ булган кишига — армишта ҳар нечух амал разо эмас. Армиштвоҳ — узар маълум мудаат сақланадиган жой. Ҳван покламаган бундай нопоҳ киёсининг қўли ногаҳон бирор бир пок нарсага тегиб кетмаслигини учун эски-туски латталар билан чирмаб ташланади. Мурданинг жисми булгаган киёнимлар ювиб покланган, олти ой мудаатда қуёш ва ой нуралири тушиб турадиган ерда сақланса-да, ундаи фяқат дашт аёлларини истифода этдилар.

*** Ушбу бандан маълум бўладикки, ўликни тоғ туққисига ялғингоҳ ҳолда олиб чиқиш лозим, токи унинг жисмини осмон ерулиги бутеула чулгаб оласин. Бироқ кейинчалик бу айтана эрини бошқа бир одат эгаллади. Яъни ўликка гоятда эски либос кийдириш расм бўлди. Мурда соқиблари унга янги либос кийдириш мутақо мумкин эмасди. «Ванамада» шарҳида келишича, агар мурданинг устига арзанмаган юнг ташланса, наригк дунёда уша юннинг ҳар бир толаси қўра илонга айланаиб ушбу амал содибининг қиратига ёпишиб олади. Ҳатто мурданинг ўзи ҳам у билан жангга киришиб, дейди. «Мен учун ҳозирлаган уша либосинг ҳуртлар ва ҳашаротларга см бўлади.»

**** Манбааларда таърифланшича, бу қоронгулик биз тасаввур қилган ҳодисадан чандон фарқ қилади, яъни уни ҳатто ҳул билан тутуш мумкин экан.

ОЛТИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим



128

1

— Итлар ва одамлар улган заминда қай маҳалгача экин экилмайди?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Зардушт Ашаван!

Итлар ва одамлар улган заминда бир йилга довор ҳеч нарса экиш мумкин эмас.

2

— Бирор бир маздапараст то бир йилга довор итлар ва одамлар улган замин парчасига на дон сепа оладилар, на сув қўядилар. Бироқ улик замин парчасидан бошқа қисмига дон сочишлари ва сув қўйишлари мумкин.

3

— Итлар ва одамлар улган заминда бир йил тулмай дон сочиб, сув қўйган кимсанинг гуноҳи уликни сувга, тупроққа ва гиёҳлар юзига ташлаган кимсанинг ёзуғи билан баробардир.

4

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар маздапарастлар итлар ва одамлар улган заминга бир йил тулмасдан дон сочсалар ва сув қўйсалар уларнинг ажри нечудир?

5

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уларнинг амали «пишавтану» дир

ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланадилар.

6

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бир йил утганидан сунг, маздапарастлар уша заминни экин-тикинга ҳозирламоқчи булсалар нима қилишлари лозим?*

7

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Улар уша ерда сақланиб қолиш эҳтимоли булган суяк, юнг, гушт, ахлат ва қонни қидиришлари керак.

8

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар улар уша заминда сақланиб қолиш эҳтимоли булган суяк, юнг, гушт, ахлат ва қонни қидирмасалар, уларнинг ёзуғига жавоб қандай бўлади?

9

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уларнинг амали «пишавтану» булиб, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланадилар.

Иккинчи бўлим

10

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким улган ит ё одам суягидан энг кичик бармоқ бугими ҳажмичалик парчани ерга кумса, ёхуд уша суяк илиги ер қаърига сингиб кетса, ундай одам ёзуғига нечук жазо бор?

11

Бундай зот аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан уттиз мартадан саваланади.

12

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким улган ит ё одам суягидан ишорат бармоғи бугими ҳажмичалик парчани ерга кумса, ёхуд уша суяк илиги ер қаърига сингиб кетса, бундай кимсанинг ажри қандай бўлади?

13

— Бундай зот аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан эллик мартадан саваланади.

* Зардуштийлар ақдасига кўра, ҳатто бир йилдан сунг ҳам замин уша улик нарсидан қутила олмайд.

14

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким улган ит ё одам суягидан ўрта бармоқ бугими ҳажмичалик парчани ерга кумса, ёхуд уша суяк илиги ер қаърига сингиб кетса, бундай кимса қандай жазога гирифтор бўлади?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай гуноҳкор аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етмиш мартадан саваланади.

16

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким улган ит ёки одам суягидан бармоқ ёхуд тиш ҳажмидаги парчани тупроқда кумса, ё уша суяк илиги ерга сингса, бундай осийнинг жазоси нечук?

17

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай осий аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан туқсон мартадан саваланади.

18

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким улган ит ё одам суягидан икки бармоқ ёки икки тиш ҳажмича парчани ерга кумса, ёхуд уша суяк илиги ерга сингиб кетса, бундай гуноҳкорнинг ажри нима бўлади?

19

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану» бўлиб, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланади.

26

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Қачон яёв, ёхуд суворий ёхуд аравакаш бир мазапараст оқар сув ичидаги мурдорга дуч келиб қолса нима қилмоғи керак?

20

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким улган ит ё одам устухонидан мускул ва сон суяги ҳажмича парчани тупроқда дафн этса, ёхуд уша устухон илиги тупроқда сингса, бундай осийнинг жазоси қандай бўлади?

21

— Бундай бадбахт аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўрт юз мартадан саваланади.

22

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Биров улган ит ё одамлар устухонидан калла суяги ҳажмича парчани ерга кумса, ёхуд уша устухон магзи тупроқда сингиб кетса, бундай гуноҳкор банданинг бошида нечук жазо бор?

23

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай гуноҳкор банда аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан олти юз мартадан саваланади.

24

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Агар бир одам улган ит ё одам жасадини буткул ерга топширса ёхуд уша устухон илиги замин қаърига сингиб кетса, бундай кимсанинг жазосидан огоҳ эт!

25

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай осий зот аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан минг мартадан саваланади.

27

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У қавш ва либосларин ечиб, сувга киради ва мурдани олиб чиқади. У тупиқ, тиз, бел ва бошга довуру кумилгунга қадаар сувга шунгиши ва мурдорга етиши керак.*



129

Учинчи бўлим

* Агар у мурданн сувдан олиб чиқса, унинг амали ашавенонандир. У бордию гуноҳкор бўрса, гуноҳдан фориғ бўлади. Агар нискоин бўлганга ҳолда мурданн сувдан олиб чиқилса, унинг ажри «эрзон улам» ёки «бузоқ гуноҳ» ҳисобланади.

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Агар уша мурдор чирий бошлаган
ёхуд сочилиш арафасида булса, маздапараст
нима қилмоғи керак?

29

— У шитоб билан сувга тушади ва ҳар
икки қули билан мурдорни остидан кута-
риб, қуруқликка олиб чиқади. Шундан
кейин мурдордан сув багрида қолиш
эҳтимоли булган устухон, тук, гӯшт, ах-
лат ё қон учун халоскор маздапарастнинг
гарданига гуноҳ юки тушмайди.

30

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Жавоб бер, мурдани булговчи насв де-
ви мурдор тушган сувни қай даражада
ҳаром қилади?

31

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ҳар тўрт томондан олти қадам сув
булғанади. Мурдор олиб чиқилмаган сув
ҳаром, ундан ичиб бўлмайди. Уликни сув-
дан олиб чиқиб, қуруқ ерга ётқизиш ло-
зим...

32

Шунда булганч сувнинг ярмини ёхуд,
уддан бир ё тўртдан бир ё бешдан бир
қисмини тортиб олмоқ зарур. Мурдор
тортиб олиниб, сувнинг маълум қисми
ажратиб ташлангач, қолган қисми покла-
нади. Туялар ва одамлар ундан бурунги-
дек фойдаланаверадилар.

33

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Мурдани булговчи насв деви қудуқ су-
вини чирк ва палидлик билан нечоғли
булгайди?

34

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Токи мурдор қудуқ ичидан олиб
чиқилмас экан, сув ҳаромдир. Ундан исти-
фода этмоқ мумкин эмас. Демак, уликни
қудуқдан чиқариб, уни қуруқ ерга ётқи-
зоқ даркор.

— Қудуқ сувининг ярмини, ёхуд уч-
дан бир, ё тўртдан бир, ёхуд бешдан бир
қисмини чиқариб ташлаш лозим бўлади.
Мурдор тортиб олиниб, сувнинг маълум
бир қисми ажратиб ташлангач, қолган
қисми покланади. Туялар ва одамлар ун-
дан бурунгидек баҳраманд булаверади-
лар.

36

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Мурдани булговчи насв деви қор ёхуд
жолани палидлик ва чирк билан нечоғли
ҳаром қила олади?

37

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ҳар тўрт томондан уч қадам
миқдорда ҳаром қилади.

Токи мурдор қор ё жола юзидан
олинмас экан, унинг суви ҳаром. Уни ис-
теъмол қилиб бўлмайди.

Демак, мурдор қор ё жола юзидан
олиниб, қуруқ ерга қўйилиши жоиз...

Қачонки мурдор қор ё жола юзи-
дан олинса, унинг суви покланади. Туя-
лар ва одамлар ундан баҳраманд булади-
лар.

39

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Мурда булговчи насв деви оқар сувни
палидлик ва чирк билан нечоғли ҳаром
қилади?

40

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уч одим сувнинг қўйи қисмидан;
туққиз одим сувнинг юқори қисмидан ва
олти одим сув сатҳидан булғанади.

Токи мурдор сувдан олинмас экан, у
сув ҳаром. Уни истеъмол қилиб бўлмай-
ди.

Демак, мурдор сувдан олиниб, қуруқ
бир ерга қўйилиши жоиз...

41

Мурдор сувдан олингач, сув уч карра
мавжланганидан кейин, покланади. Тева-
лар ва инсонлар уша сувдан купроқ
баҳраманд бўлишлари мумкин.



Тўртинчи бўлим

42

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Итлар ва инсонлар жасади теккан
ҳавм¹ қайта пок буладими?

43

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Зардушт Ашаван!
Ҳеч бир мурдор улуғ ибодат учун

тайёрланган ҳавм шарбатини булғай олмайди.*

Агар улуғ ибодат учун ҳавм гиеҳининг шарбати олинмаган булса ва мурдор унинг шохига тегиб кетса, унда ҳавм тўрт бармоқ ҳажмида булганади. Шунда булганган тўрт бармоқ ҳажмидаги ҳавм уй ичига кўмилади ва¹ бир йил давомида шу алфозда сақланади. Бир йилдан сунг бирор бир ашаван ундан шарбат олиши ва истеъмол қилиши жоиздир.

Бешинчи бўлим

44

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Аҳура
Мазда! Эй, Ҳақиқат!
Улганлар жасади қаерга олиб борила-
ди ва қаерга қўйилади?

45

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Зардушт Ашаван!
Итлар ва улаксахурлар доим иқомат
қилгувчи тоғ чўққисига элтиб қўйилади.

46

— Улаксахур қушлар ва итлар мурдор
устухонларини сувга ва дарахтлар остига
сочиб ташламасликлари учун маздапа-
растлар мурда оёқлари ва сочларини тош,
қургошин ҳамда қозик ёрдамида ерга
парчинлаб ташлайдилар.

47

Маздапарастлар улик жисмини оёқ ва
сочларидан тош, қургошин ва қозик би-
лан ерга парчинламасалар, улаксахур
паррандалар ва итлар мурдор устухони-
ни сув ҳамда дарахтлар остига элтиб, со-
чиб ташласалар гуноҳкор топажак
оқибатдан хабар бер, эй оламни яратган
Зот!

48

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Уларнинг тутган амали «пишавта-
ну», яъни арзон улимдир ва аспаҳиқ-ашта-
ра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари би-
лан йигирма мартадан саваланадилар.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Аҳура
Мазда! Эй, Ҳақиқат!
Марҳумлар устухони қаерга олиб бо-
рилади ва қандай сақланади?

50

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Маздапарастлар ит, тулки ва бури-
лар оёғи етмайдиган, шунингдек, ёмғир
суви тупланиб қолмайдиган жойда** су-
яклар сақланадиган махсус астудонлар²
қуришлари лозим.

51

— Маздапарастлар тош, тупроқ*** ва
бошқа жинслардан махсус астудонлар
қурадилар. Борди-ю бундай астудон қура
олмасалар, мурдор жисмини ялангоч ҳол-
да юдуз, ой ва қуёш нурлари тушиб ту-
радиган ерда гилам устида унга тегишли
ёстиқни боши остига қўйиб сақлашлари
жоиз.



131

* Ҳавм гиеҳи ҳаётбахш ва уламининг олдин олгувчи сифатига эга. Унинг шарбати улуғ ибодат чоғи истеъмол қилинади. Ҳавм — гиеҳлар шоҳи. Улик оқ ҳавм шарбатидан тоғиб, абадиётга яришад, дейилган зардуштий адабиётларида. Бу гиеҳ Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистондаги тоғларда учрайди, дейилган манбаларда.

** Жисм қолдиқларини ювган ёмғир сувининг дахмаларда йиғилганб қилиши мумкин эмас. Бу сувлар махсус қазилган чуқур-
ликка оқини шарт.

*** Баъзи авестошунослар тупроқ жинсини бу урида шубҳали деганлар.

ЕТТИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим



132

1

Зардушт Аҳура Маздадан сўради:
— Эй, Аҳура Мазда! Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Кимса жон таслим қилса, мурда булговчи насв деви унга қай тарзда Ёвуқ келади?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Сипийтмон Зардушт!
Бетаваққуф улимдан сунг, жон танадан чиққач, булговчи насв деви чивин жисмига кириб, визиллаганча мурданинг орқа-олдидан булғай бошлайди. Шунингдек, энг палид зараркунанда храфстралар апохтар — шимол дузахидан етиб келадилар ва мурдани булғашга бошлайдилар.

3

Бу зиёнкор девлар ва аҳриманий ҳашаротлар то ит мурдага боқмагунча ва уни ейишга бошламагунча, Ёхуд Улак-сахур қушлар унга томон парвоз қилмагунча жисмини тарк этмайдилар.*

Қачонки ит мурдорга қараса ё уни ея бошласа, Ёхуд улаксахур қушлар унга томон парвоз қилсалар, мурдор деви насв чивин жисмига кириб визиллаганча лощнинг орқа-олдидан чиқиб қочади, шунингдек, энг зарарли храфстралар апохтар — шимол дузахига томон чекинадилар.

4

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар мурдани ит ё бури ёриб ташлаган бўлса, Ёхуд у жодугарлик, кин-адоват Ёхуд баландликдан йиқилиб, ҳакамлар ҳукми билан ё қандайдир курашда ўлган бўлса, Ёхуд худкушлик қилган бўлса, мурдор деви насв унга қай ҳолатда Ёвуқ кела олади?

5

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Улимдан муайян вақт утганидан сунг...**

Учинчи бўлим***

10

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Мурдор деви насв уликка тегишли тушак ва либоснинг нечоғли ҳисмини ҳаром қилади?

11

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв марҳум ёстигининг уст томонини ва унинг нч кийимларини палидлик ва чирк билан булғайди.

12

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Ўлган ит ё одам танаси теккан либосни поклаб буладими?

13

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Албатта, уни поклаб булади.
— Қандай қилиб покланади?
— Агар уша либос маний суви, тер, чирк ва қусуқ билан булганган бўлса, маздапарастлар уни пор-пора қилиб ерга кумишларга лозим.****

* Зардуштий ақидада «ит крӯв» маросими бор. Унга кўра маҳсус ўргатилган ит мурда оёғига, Ёхуд у олинб ўтмагунчи йўлга дўйилади. Ана шундангина мурдор деви насв у ерни тарк этади. «Ит крӯв» маросими он қушлари нитроқил ҳам ўтказилиши мумкин. Қуш соясн мурдор устига тушгани заҳот жамийки зарарли ҳашаротлар ва девлар уни тарк этадилар.

** Зардуштийлик таълимотига мувофиқ бир кеча-кундуз беш қисман иборат. Агар кимса ўз ажали билан ўлса мурдор деви насв тўхтовсиз етиб келади. Боран-ю ўлим ногаҳон рўй берса, унда гафлат содир бўлиб, мурдор деви бир оз кечикади.

*** Иккинчи бўлимдаги воқеалар биринчи бўлимнинг айни такрори бўлгани боис тушириб қолдирилди.
**** Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, либоснинг булганган қисмигига пор-пора қилиниб, қолган қисмидан фойдаланиши мумкин.

14

— Агар либос маний суви, тер, чирк ва кусуқ билан булганмаган булса, маздапарастлар уни кумиз билан ювишлари керак.

15

— Агар уша либос чармдан булса, уч марта кумиз билан ювилади; уч марта тупроққа беланади; уч марта сувга солинади, шундан кейин уч ой очиқ ҳавода ҳовли гирдидаги панжарага осиб қўйилади.

16

Агар либос туқилган булса, олти марта кумиз билан ювилади; олти марта тупроққа беланади; олти марта сувга чайилади ва ниҳоят олти ой очиқ ҳавода ҳовли гирдидаги панжарага осиб қўйилади.

— Эй, Ашаван Зардушт!
Ардивюсвар¹ номли чашманинг суви эрлар уругини, аёл қорнидаги гудакни ва оналар куксидаги сутни пок қилади.*



Тўртинчи бўлим

23

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Ит ё одам мурдорини еган киши қайта поклана оладими?

24

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашаван Зардушт!

Йуқ. У покланолмайди.
Унинг ичи булғанади. Тириклиги парча-парча бўлади. Равшан нигоҳлари кузхонасидан чиқиб кетади. Мурдор деви насув унинг жисмига кириб, тирноқлари орасигача қаттиқ урнашиб олади ва у абадул-абад нопок бўлиб қолади.

Бешинчи бўлим

25

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Чиркин мурдорни сув ё оловга ташлаб, улардан бирини булғаган кимса қайтадан пок бўла оладими?

26

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашаван Зардушт!
Йуқ. У пок бўлолмайди.
У дузахийлардандир. Мурдор деви насув пашша ва қурт-қумурсқага айлантирувчи одамлар тоифасидан у. У тубанкордир. Насув деви гиёҳларга қиргин келти-

рувчи қургоқчиликни улар туфайли зиёда қилади.

27

У дузахийдир. Мурдор деви насув улар туфайли зимистон қудратини зиёда қилади; девлар яратувчи зимистон. Сигирларни нобуд қилгувчи зимистон; қалин қорлар келтирувчи зимистон. Ҳамма ердан йул толгувчи даргазаб ва бузгунчи селобаларни яратади.

Мурдор деви насув унинг жисмига кириб, тирноқлари орасигача қаттиқ урнашиб олади ва у абадул-абад нопок бўлиб қолади.

Олтинчи бўлим

28

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Аҳура Мазда! Эй, Ҳақиқат!
Ит ё одамлар жасади теккан утинни поклаб буладими?

29

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашаван Зардушт!
Ҳа, поклаб бўлади.
— Қандай қилиб поклаш мумкин?

133

* Ушбу бўлимнинг 17—22-бандлари бешинчи фарғарднинг 57—62-бандларининг тахорри.

— Агар итлар ва улаксахур қушлар мурдор деви насвни ҳали қувиб ҳайдамаган булсалар ва утин қуруқ булса, уни улик гирдида бир «вятасатий»⁴¹ узунлигида, агар утин ҳул булса, улик гирдида бир «фрарасний»⁴² узунлигида ёйиб, унинг устидан бир марта сув қуйсалар, утин покланади.

30

— ...Аммо агар итлар ва улаксахур қушлар мурдор деви насвни қувиб ҳайдаган булсалар ва утин қуруқ булса, уни улик атрофига бир «фрарасний» узунлигида, борди-ю утин ҳул булса, улик атрофига бир «фрабозу»⁴³ узунлигида ёйиб, унинг устидан бир марта сув қуйсалар, утин покланади.

31

— Эй, Ашаван Зардушт!
Булганган ҳул ё қуруқ, қаттиқ ё юмшоқ утиннинг поклаш йули ана шундай.

32

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Аҳура Мазда! Эй, Ҳақиқат!
Мурдор теккан тевалар хураки булмиш гиёҳлар ва емишлик уруғларини пок қилиш мумкинми?

33

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашаван Зардушт!

Поклаб булади.

— Нечук поклаш мумкин, эй, Аҳура, жавоб бер!

— Агар итлар ва улаксахур қушлар мурдор деви насвни ҳали қувиб солмаган булсалар ва тевалар хураки гиёҳлар ҳамда емишлик уруғлари қуруқ булса, уни мурда гирдида бир «фрарасний» узунлигида, борди-ю ҳул булса бир «фрабозу» узунлигида ёйиб қуйиб, устидан бир марта сув қуйсалар пок булади.

34

— ...Аммо агар итлар ва улаксахур қушлар мурдор деви насвни қувиб ҳайдаган булсалар ва тевалар хураки гиёҳлар ҳамда емишлик уруғлари қуруқ булса, уни лош гирдида бир «фрабозу» узунлигида, борди-ю ҳул булса, бир «вайбозу»⁴⁴ узунлигида ёйиб қуйиб, устидан бир марта сув қуйсалар, пок булади.

35

— Эй, Ашаван Зардушт!

Ҳул ё қуруқ, хонаки ё ёввойи, урилган ё урилмаган, жамланган ё жамланмаган, боғланган ё боғланмаган тевалар хураки булмиш гиёҳлар ва емишлик уруғларини поклашнинг шартлари шудир. Улар мурдор теграсида муайян ўлчовда ёйиб қуйиладиди, устидан бир марта сув қуйилади. Шу билан улар покланади.

Еттинчи бўлим

(алиф)

36

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Маздапараст табиблик қилмоқчи булса, у дастлаб уз лаёқатини кимда синаб кўриши керак — маздапарастдами, девпарастдами?

37

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Табиблик қилмоқчи булган маздапараст уз лаёқатини даставвал девпарастларда синаб кўргани маъқул.

Агар жарроҳлик тиги билан даволаш жараёнида уч карра ҳам девпараст нобуд булса, демак, у табибликка лаёқатсиздир.

38

...Шундан кейин унинг бирор бир маздапарастни даволаши мумкин эмас.

Бирор бир маздапараст танасига дар-

мон багишлаш мақсадида тиг тортиши ва тилишига йул қўйилмайди.

Агар у маздапарастларни тиг билан даволамоқчи булса, оқибат улим топиши мумкинлигидан огоҳлантириш зарур.

39

Агар у девпарастларни жарроҳлик тиги билан уч карра даволаб, унга шифо бахш этса, табиблик қилишга лаёқатли топилади.

40

У ушандагина маздапарастларни даволаши ва жарроҳлик тиги билан дармон бахш этиши жоиз.

41

Жарроҳ мубадни унинг дуо ва алқовлари эвазига, хонахудои кам баҳода, деҳхудои урта баҳода, Шаҳрбонни ортиқ баҳода (уч минг стийр⁴⁵) ва Шаҳриёрни тўрт отли арава эвазига даволайди.



— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетса, ер неча вақтдан сунг узининг дастлабки покизалик ҳолига қайтади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашаван Зардушт!

Офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетган лаҳзадан бир йил утгач, замин узининг дастлабки поклик ҳолига қайтади.

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одам жисми тупроққа топширилгач, қанча муддатдан сунг замин узининг дастлабки поклик ҳолатига қайтади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Одам жисми тупроққа топширилган лаҳзадан эллик йил утганидан сунг замин узининг дастлабки поклик ҳолига қайтади.

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одам жасади қўйилган дахманинг тупроги неча фурсатдан сунг узининг бирламчи покизалик ҳолига қайтади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Мурдор тупроги замин тупрогига айланганидан сунг.*

Бу дунёда, эй Сипийтмон Зардушт, барча-барчани дахмаларни бузиб ташлашга даъват айла!***

* Зардуштилар ақидасига кўра, одам жисми, яъни одам тупроги роса эллик йилдан сунг замин тупрогига батамом қўшилиб кетади, ехуд замин тупрогига айнанади.

** 3-фарғаранинг 9—13-бандларида таърифланишича, қай бир заминда мурдорлар ва дахмалар кўп бўлса, уша ер энг бахтсиздир.

*** Маздапастлар ақидасига кўра, одам ўлганидан кейин дўзах ва жаннат, девлар ва шоқлар унинг руҳини қўлга кириштириш учун жанг қиладилар. * Астувязушту, ваъзарист, бававой исмии кучлар гуноҳкорлар руҳини дўзахга томон тортдилар. Меҳр, Суруш, Раши ва Биҳвой номан кучлар аҳшилар руҳини биҳиштга томон етказдилар. Бу жанг уч кеча-кундуз давом этди. Мурда ортидан қолганлар уч кеча-кундуз Меҳр, Суруш, Раши ва Биҳвой номан кучлар шайхига ҳамд-санолар ўқиб, улардан марҳум руҳига мадад берилларини илтижо қилиб сўрайдилар.

— Кимда-ким буйи баробарида дахмаларни вайрон қилиб ташласа, унинг суз, фикр ва амалда содир этган гуноҳлари кечирилади. Бу гуноҳлар товони унинг гарданидан соқит бўлади.

— Икки олам унинг руҳини қўлга киритмоқ учун жанг қилмайди ва абадий саодат манзилига оёқ қўйганида юлдузлар, ой ва қуёш унинг дийдорини қуриб шодмон бўладилар. Мен — Аҳура Мазда — уни қуриб шодликдан шундай хитоб қиламан:

«Эй, мен халқ қилган зот, сенга саломлар бўлсин! Сен ёзуг ва хатоликлар заминидан абадий саодат манзилига ташриф буюрмоқдасен!***»

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Девпарастларнинг макони қаерда?

Девлар гуруҳи мудом изгиб юрадиган макон қаерда?

Девлар гуруҳи учиб келадиган манзил қаерда?

Қаерда уша маконки девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ун минглаб, ун минглаб, ун минглаб кишиларни ўлдирмоқ учун шитоб қиладилар?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ер юзининг мурдалар жамланган ва дахмалари пойдор бўлган манзилдир. Уша ер девлар маконидир. Уша ер девлар гуруҳи мудом изгиб юрадиган макондир.

Уша ер девлар шитоб билан етиб келадиган манзилдир.

Уша ерким девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ун минглаб, ун минглаб кишиларни ўлдирмоқ қасдида жон талашадилар.



57

— Эй, Силийтмон Зардушт!
Уша дахмаларда девлар хурак ейдилар ва еган хураklarини қайт қиладилар.
Улар, сиз одамлар бу моддий оламда пишган гушт ва хурак еганларинг каби таом тановул қиладилар.
Эй, инсонлар!
Уша дахмаларда сизнинг димогингизга таралган нарса девлар таомининг ҳидидир.

58

Токи уша дахмаларда чирк ва палидликлар мавжуддир, девларнинг шодиёнаси бардавом бўлади.

Ҷинчи бўлим

73

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Одамлар овқатланадиган идишлар итлар ё инсонлар мурдорига тегиб кетса, уларни поклаб буладими?

74

Ахура Мазда жавоб берди:
— Поклаб бўлади.
— Қандай йул билан поклаш мумкин?
— Агар идиш олтиндан бўлса, бир марта кумиз билан ювилади; бир марта тупроққа беланади; бир марта сувга чайилади. Шунда пок бўлади.
Агар идиш сиймдан бўлса, икки марта кумиз билан ювилади; икки марта тупроққа беланади; икки марта сувга чайилади. Шу билан идиш пок бўлади.

Ҷн биринчи бўлим

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Инсонлар ё итлар жасадини еган сийрини поклаб буладими?

76

Ахура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашаван Зардушт!

Энг ёмон касалликлар — иситма, мадалаш, нотавонлик, суякнинг ириши, эрта соч оқаришлар уша дахмалардан содир бўлади.

У ерларда шомдан бомдогга қадар улим одамлар устидан буюк қудрат билан ҳукмронлик қилади.

59

Агар маздапарастлар уша дахмаларда яхшилик кучларини қидирмасалар оёқ, қул ва сочларга ёпишган касалликлар бир одим миқдориди зурайиб бораверади...

75

Агар идиш қалайдан бўлса, уч марта кумиз билан ювилади; уч марта тупроққа беланади; уч марта сувга чайилади. Шундай қилиб идиш вокланади.

Агар идиш темирдан бўлса, тўрт марта кумиз билан ювилади; тўрт марта тупроққа беланади; тўрт марта сувга чайилади. Шу йул билан идиш покиза бўлади.

Агар идиш тошдан бўлса, олти марта кумиз билан ювилади; олти марта тупроққа беланади; олти марта сув билан чайилади. Шунда идиш пок бўлади.

Тупроқ, чўп, сопол идишларни поклаш мумкин эмас.

Поклаб бўлади. Бироқ бир йил давомида олий руҳоний — мубад уша сигирдан барсам маросими учун сут ва завр⁹ маросими учун гушт олиб ишлатиши мумкин эмас.

Бир йилдан сўнг бир порсо киши уша сигирдан бурунгидек фойдаланса бўлади*.

* Сигирдан бевосита, уз қолича тўяган нарса ҳало, демак, истеъмол қилса бўлади. Агар уша нарса сигирдан бивосита олинса — даром. Истеъмол қилиб бўлмайди. Бугоз сигир мураор эмасдан бурун туққан бўлса, унинг боласи пок; агар еганидан сўнг туққан бўлса, боласи даром ҳисобланади.

Үн иккинчи бўлим

78

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, Ҳақиқат!
Ашаван булиш андишасида юрган
ким? Бу орзуда юрган ким? Аммо ким у
бу йўлда гумроҳ бўлган?
Кимдир у ашаван булиш орзусида
булса-ю, девлар йулидан борса?

79

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Ашаван булиш орзу ва андишасида
юриб, гумроҳлик қилган мурдор булган
сувни маросимга олиб келган кимсадир. У
кун ботганидан кейин ва қуёш чиқмасдан
бурун завр маросимини адо этган зот-
дир*.

САККИЗИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

— Агар ит ё одам ёғочлик уй ёҳуд
қамиш ёпилган кулбада улиб қолса мазда-
параст нима қилмоғи керак?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Улар дахма қидирмоқлари керак.
Улар бутун тегра-атрофни айланиб дахма
исташлари лозим.
Агар мурдани хонадан олиб чиқиш,
уни уша ерга жобажо қилмоқдан осон-
роқ булса, мурдани хонадан олиб кетади-

лар. Хона уз урнида қолаверади ва уру-
васний¹⁰, вуҳав-гавна¹¹, вуҳав-гиритий¹²,
ҳазанаипата¹³ каби хушбўй гиёҳлар тута-
тилади.

3

Агар мурдани хона ичига жойлашти-
риш уни дахмага олиб бормоқдан осон-
роқ булса, маздапарастлар мурдани хона-
да қолириб, уни тарк этмоқлари лозим.
Хона урувасний, вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий,
ҳазанаипата каби хушбўй гиёҳлар
билан ислантрилади.

Иккинчи бўлим

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Агар маздапарастлар уйда ноғаҳон
ит ё бирор одам улиб қолса ва уша дамда
ёмгир, қор ёғиб, шамол кутарилса**, ёҳуд
қоронгулик чукса, маздапарастлар нима
қилишлари керак?

5—7

8

Маздапарастлар у ерда гур қазадилар.
Агар ер қаттиқ булса, гурнинг чуқурлиги
ярим одим, агар ер юмшоқ булса, жасад
устидан ярим одим чуқурроқ қилиб қаза-
дилар. Гур саҳнига кул ё мол тезаги сочи-
лади. Гур оғзи пишган гишт, тош ё кесак
билан ёпилади.****

* Одатда, зардуштийлар маросимига пох суз кун отиб, ботгунга довуз келтирилади. Пох сузларни қуёш ботмай туриб, ёҳуд ботганидан сунг олиб келган химсаннинг гумоҳи бу ивэр-киёзларни заҳарли илоннинг оғзига қуйган билан баробар булар ҳам.

** Емгир ёғатганда ёҳуд ёмгир ёғиши кутилганда мурдан дахмага олиб бориш мумкин эмас. Бордию йўлда ёмгир бошла-
ниб қолса ва мурдорни бирор ерда сақлаш имконияти бўлмас, шундай қилган маъқул, акс ҳолда, орқата қайтмасдан манзила сарни
бормоқ ва мурдорни дахмага етказмоқ керак. Эинҳор илга ҳайтиш раво бўлмайди. Дахмага дохил бўлганларидан сунг, у ерни
сув ботган ҳолда кўрсалар, мурдорни қўйиш мутлақо мумкин эмас.

*** 3-фаргардининг 15—17-бандлари; 3-фаргардининг 46—47-бандлари тақрорланади.

**** 3-фаргардининг 10-бандида ўқинганимиздек, мурдор «зодимгар» деб аталадиган махсус жойда ёлғиз сақлашни керак
эди. Бу ерда эинр қилинаётган русум ақтимол готда ҳақимийдир. Ушбу олат кейинги даврларда мансух қилинган.



137

— Маздапарастлар мурдорни уша ер да икки ё уч туң, ёхуд бир ой, токи қушлар парвозга кириб, гиёҳлар кукаргунча; селобалар равон оқиб, шамоллар ер юзидаги намликни қуритгунга қадар сақлашлари лозим.

10

Қачонки, қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кутарса, селобалар равон оқиб, шамоллар ер юзидаги намликни қуритса, маздапарастлар деворни тешадилар.* Икки нафар бақувват эрни чақириб келадилар.** Улар тўнларини ечадилар*** ва мурдорни кутариб, тош, оҳак ва тупроқдан қурилган иморатга олиб борадилар. У ерда итлар ва улаксахур қушлар булади.

11

Шундан кейин мурдақашлар утирадилар ва дафн маросимини бошқараётган

мубад маздапарастларга юз буриб, хитоб қилади:

— Эй, маздапарастлар!
Бу ерга пешоб келтирингиз, токи мурдақашлар соч ва танларини ювсинлар!

12

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдақашлар соч ва таналарини ювадиган пешоб қандай булиши керак?

Қуй ва новвос пешобими?

Эркак ё аёл пешобими?

13

Аҳура Мазда жавоб берди:

— На аёл, на эрнинг, балки қуй ё новвоснинг пешоби. Эр ва аёл мурданинг энг яқин қариндошларидир.

Маздапарастлар мурдақашлар ўз соч ва таналарини ювишлари учун пешоб ҳозирлаб қуйишлари даркор.

Учинчи бўлим

14

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қуйлар ва сигирлар суруви, эркаклар ва аёллар гуруҳи сенинг углинг булмиш олов, эй Аҳура Мазда ва барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йулдан қайта ута оладиларми?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— На қуйлар ва сигирлар суруви, на эркаклар ва аёллар гуруҳи, на менинг углим булмиш олов ва на барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йулдан қайта ута олмайдилар.

16

Сизлар турткуз сариқ итни, ёхуд сариқ қулоқли оқ итни уч қарра уша йул буйлаб олиб утмогингиз керак.

Қачонки турткуз сариқ ит, ёхуд сариқ қулоқли оқ ит уша ерга олиб келинса, виз-визлаган чивин жисмига сингган насов дев мурдорнинг орқа-олдидан чиқиб, энг чиркин ва лалид храфстралар маконига қочиб кетадилар.

17

Агар ит уша йулдан хоҳишсиз, зурлик билан олиб утилса, турт куз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит билан бутун йул буйлаб олти марта кечилади...

18

Агар ит уша йулдан хоҳишсиз, зурлик билан олиб утилса, турт куз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит билан бутун йул буйлаб туққиз марта кечилади...

19

Бир руҳоний — мубад олдинда бораркан, ушбу буюк дуони зикр этади:

* Агар мурдор уй соқиб ёхуд уй бекаси бўлса, улар девор тешиганда, бошқа мурдалар эшикдан олиб чиқилади. Олмон мамлакатида уликлар тириклар кириб-чиқадиган эшикдан олиб борялмайди. Улар уликлар ва тириклар борадиган йул бир бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар.

** Бу икки киши «насваша» ёхуд «мурдақаш» дейилади. Уликни ердан икки киши кутариши лозим. Улар эркак ё аёл булишлари мумкин. Бунинг фарқи йўқ.

*** Улар уларнинг энг яқин доимий либосларини ечиб, махсус мурда кутаришга мўлжалланган «дахма тўни»ни кийдилар.



20

— Эй, Мазда! Эй, Азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асран-
гиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бул!
Эй, девзодалар!
Нобуд булингиз!
Эй, дуруж!

21

Йуқол ва нобуд бул!
Эй, дуруж!
Бу ердан йуқол ва йироқ кет! Сен бу

Бешинчи бўлим

26

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Агар бир эр бошқа бир эр билан
зурлик асосида баччавозлик қилса, жазо-
си қандай булади?

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана
қамчинлари билан саккиз юз мартадан са-
валанади.

27—30

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан ке-
лишган ҳолда баччавозлик қилса, жазоси
нечук, товони қандай ва бу булганч гу-
ноҳдан у пок була оладими?

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга
ҳеч қандай товон ҳам йуқ...

31

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Дев ким?

Олтинчи бўлим

33

— Э, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Ҳақиқат оламини булгаматайсан ва нобуд
қилматайсан!

22

Шундан сунг маздапарастлар қуйлар
ва сигирлар суруви, эркаклар ва аёллар
гуруҳи, сенинг углинг булмиш олов, эй
Аҳура Мазда ва барсам дасталарини тут-
ган ашаван итлар ва одамлар мурдори
олиб утилган йулдан бора оладилар.

Шундан сунг, маздапарастлар уша хо-
надонда гуштлик хурак ва шароб сақлай
оладилар*. Хонадон пок булади ва у ерда
бурунгидек тирикчилик қилиш гуноҳ са-
налмайд.

Девпараст ким?
Девларнинг эркак ҳамхонаси ким?
Мода дев ким?
Уз ботинида дев асраган ким у?
Ким у бутун ҳаёти давомида дев каби-
дир?

Ким у улимидан бурун девсиёқдир,
улимидан кейин эса девнинг узи каби?

32

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бир эр бошқа бир эр билан бачча-
возлик қилса ёхуд бир эр бошқа эрнинг
узи билан баччавозлик қилишига изн бер-
са девдир.

У девпарастдир.
У девларнинг эркак ҳамхонасидир.
У девларнинг ургочи ҳамхонасидир.
У ургочи девдир.
Уз ботинида дев асраган удир.
Уша бутун ҳаёти давомида девдек
яшаган.

Ушадир улимидан бурун дев каби,
улимидан сунг девга айланган зот.

Шудир бир эр билан баччавозлик қил-
ган эрнинг ёхуд узи билан бир эрнинг
баччавозлик қилишига изн берган эрнинг
қисмати**.



139

* Улимидан кейин уч кеча-кундуз давомида бу хонадонда гуштлик твом пишриш жонз эмас.

** Бундай гуноҳдор ҳеч қандай ҳақмининг дастурисиз уладиривади. Гуноҳкорин уладирган химсаннинг гарданмағи энг буюк гуноҳи ҳам соҳит қилинади.

Ахура Мазда жавоб берди:
— Ҳа, улар покдир. Зеро, куруқ билан
куруқ қўшилмайди.

Еттинчи бўлим

35

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Итлар ва одамлар мурдорига қул тек-
кизган кимсалар поклана оладиларми?

36

Ахура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашаван Зардушт!
Бундай одам пок була олади.
— Нечук?
— Итлар ва улаксахур қушлар иасв
девини ҳайдагач, у ўз танасини кумиз ва
сув билан ювса покланади.

37

Аммо, агар итлар ва улаксахур қуш-
лар насв девини ҳайдамаган булсалар, ун-
да маздапарастлар учта чуқурлик қазади-
лар. Нопок кимса ана шу чуқурлик боши-
да туриб ўз танасини сув эмас, ёлғиз
кумиз билан ювади.

Ушанда менинг итимни қузгатиб, но-
покнинг олдига, албатта, олиб келадилар.

38

Маздапарастлар яна учта чуқурлик қа-
задилар. Нопок уша чуқурлик бошида
туриб ўз танасини сув эмас, кумиз билан
ювади.

Ушанда менинг итимни қузгатиб но-
покнинг олдига, албатта, олиб келадилар**.
Нопок ўз танасини энг нозик соч
толасига довуруқ қурутмоғи лозим.***

39

Шундан сўнг яна учта чуқурлик қаза-
дилар. Нопок уларнинг бошида туриб ўз
танасини кумиз билан эмас, сув билан
ювади.

40

Агар куруқ билан куруқ қўшилгудек
булса, мен яратган бу моддий олам арзон
улимлар махони «пишавтану»га айланади
ва унда жамийки палидлар оху вовайло
чекадилар.*

Дастлаб унинг қулларини ювадилар.
Агар даставвал қуллар покланмаса, у бу-
тун танани нопок қилади.

Қулларини ювганидан сўнг, бошидан
уч карра сув қуйилади.

41

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Сув нопокнинг боши устига етиб бор-
гач, мурдор деви насв қаёққа қочади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви олдинга, икки қош
орасига қочади.

42

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Сув нопокнинг икки қоши орасига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв бошнинг орқа
қисмига қочади.

43

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
— Сув нопок бошини орқасига етиб
келгач, мурдор деви насв қаёққа қочади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг
ёноқларига яширинади.

44

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
— Пок сув нопокнинг ёноқларига
етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа
қочади?

* Бу одат ҳозиргача Эрон мусулмонлари орасида сақланади. Межусийлар ва бутқорлар билан алоҳа чоғида уларнинг либоси нем бўлган ҳолатдагина нажосат содир бўлади. Агар уларнинг либослари қуруқ булса, нажосат содир бўлмайди. Мусулмонлар нуфузи билан бўлган шевларда доимлар ёгингарчилик пайтда межусийларнинг тавқарига чиқишларига нзи бермайдилар.

** Бу ҳам уч марта тавқорланади. Нопок дар гал бир чуқурлик бошидан иккинчисига томон бораркан итга назар ташла-
ши лозим бўлади. Руқоний мубад дуо ўқишда агаим этмади.

*** У ўз танасини тупроқ билан убаюн кшқалаб тозалайди.



Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг
қулогига ичига яширинади.

45

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг унг қулогига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа яшири-
нади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап
қулогига ичига яширинади.

46

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап қулогига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа яшири-
нади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг
кифтига яширинади.

47

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг унг кифтига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап
кифтига яширинади.

48

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап кифтига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа яшири-
нади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг
қўйни остига яширинади.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг унг қўйни остига
етиб борса, мурдор деви насв қаёққа яши-
ринади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап
қўйни остига яширинади.

50

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап қўйни остига
етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа
яширинади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг
қурағига устига яширинади.

51

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг қурағига устига
етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа
яширинади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг
орқасига яширинади.

52

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг орқасига етиб бор-
гач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг
эмчағи устига яширинади.

53

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг унг эмчағи устига
етиб келгач, мурдор деви насв қаёққа
яширинади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап
эмчағи устига яширинади.

54

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап эмчағи устига
етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа
яширинади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг
ёнбошига яширинади.

55

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг унг ёнбошига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа яшири-
нади?

Ахура Mazda жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап
ёнбошига яширинади.

56

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап ёнбошига етиб
боргач, мурдор деви насв қаёққа яшири-
нади?



141

Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг сонига яширинади.

57

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг унг сонига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа чекинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап сонига яширинади.

58

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув чап сонга етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв эркаклик ё хотинлик андомига яширинади. Агар нопок эр булса, дастлаб сув унинг орқасига сочилиб, сунгра олдига сочилади. Агар хотин булса, даставвал сув унинг олдига сочилиб, сунг ортига сочилади.

59

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг эрлик ё аёллик андомига етгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг болдирига чекинади.

60

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг унг болдирига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап болдирига яширинади.

61

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап болдирига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг тизига яширинади.

62

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг унг тизига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап тизига яширинади.

63

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап тизига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг соқига* яширинади.

64

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг унг соқига етгач, мурдор деви насв қаёққа чекинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап соқига яширинади.

65

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап соқига етгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг унг қабзига яширинади.

66

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг унг қабзига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:
— Мурдор деви насв нопокнинг чап қабзига яширинади.

67

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап қабзига етгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Ахура Мазда жавоб берди:

* Оёқнинг тиздаи ошнққача булган қисми.



— Мурдор деви насв нопокнинг унг товонига яширинади.

68

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг унг товонига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Mazda жавоб берди:

— Мурдор деви насв нопокнинг чап товонига яширинади.

69

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап пошнасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Mazda жавоб берди:

— Мурдор деви насв нопокнинг унг оёғи кафтига яширинади (у чивиннинг қаноти шаклида кузга тамоён бўлади).

70

Нопок ҳар икки оёғининг бармоқлари ни ерга қоқмоғи ва унг оёғи кафтига сув

қуйишлари учун товонларини кутармоғи керак.

Мурдор деви насв унинг чап оёғи кафтига яширинади. Шунда чап оёқ кафтига сув қуймоқлари лозим.

Мурдор деви насв унг оёқ бармоқларига яширинади (у чивиннинг қаноти шаклида кузга ташланади).

71

Нопок ҳар икки оёғининг товонини ерга қоқмоғи ва унг оёғи бармоқларига сув пуркашлари учун кутармоғи керак.

Мурдор деви насв чап оёқ бармоқларига яширинади. Шунда чап оёқ бармоқларига сув сепилади.

Виз-визлаган чивин жисмига сингган насв деви нопокнинг орқа-олдидан чиқиб, энг чиркин ва палид храфстралар маконига қочиб кетади.

72

...Шундан сунг энг файзбахш ва нажотбахш ушбу дуони зикр эт.*

Саккизинчи бўлим

73

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ниманидир қидириб юрган, ёхуд чолиб бораётган, яёв ё суворий, ёхуд арава ҳайдаб кетаётган маздапарастлар мурдорни оловда пишираётган ёхуд куйдираётган кишиларга дуч келсалар нима қилмоқлари лозим?

74

Аҳура Mazda жавоб берди:

— Улар мурдорни оловда куйдираётганларни сўзсиз улдиришлари керак.**

Шундан кейин қозонни тунтариб, учоқни бузиб ташлайдилар.

75

Қаловга ҳозирланган барча утинлар оловга ташланади.

Оловни тезроқ сундириш учун паришон ва пароканда қилиб сочиб юборилади.

79—80

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким ашаванларча йул тутиб, ёниб турган оловга бу дунёнинг энг хушбуй гиёҳлари урувасний, вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий ёхуд ҳазанаипата шохчаларини ташласа ва шамол бу хуш ҳидларни тўрт томонга ёйса, минглаб ноаён девлар, минглаб зулумот девлари, минглаб жоду ва парилар Аҳура Mazdaнинг уғлони булган оловга йиқилиб, жизғанақ бўладилар.



* Ушбу фарғардининг 19, 20, 21-бандлари.

** Мурдорни куйдираётган кимсалар улдирилиши керак. Умуман, зардуштийлар ақидасига кўра тўрт тоифа кишилар сўзсиз, ҳеч қандай ҳукм ва ҳақамсиз ҳаёт ҳилиндадилар. Булар: мурдор ёкувчи, йўлтўсар ҳароқчи, бачқавоз ва энг ҳабиҳ гуноҳ устида қўлга олинган кимса.

81

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор ёқувчи оловини Баҳром оловига⁴ айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси оқибати бу моддий оламда Баҳром оловига ун минг пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

82

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дори-дармон тайёрлагувчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси оқибати бу фоний оламда Баҳром оловига минг пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

83

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув иситувчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси ажри бу оламда Баҳром оловига беш юз пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

84

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Оқакпазлар кўраси оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси ажри бу ўтқувчи оламда Баҳром оловига тўрт юз пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

85

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сополчилар кўраси оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати не ҳол бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси ажри бу гузарон оламда уз кўрасида пишган сопол парчалари миқдоридоги олов пораларини Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

86

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Омоч ясалгувчи кура оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси мукофоти уша омоч билан ҳайдалган ерларда унган гиёҳлар миқдоридоги олов пораларини Баҳром оловига келтириб қўшгани билан баробардир.

87

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Бу фоний дунёда заргарлик оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинги жони танасидан жудо бўлгач, топажак оқибати нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу дунёда у сазовор буладиган мукофот юз пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

88

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сийм эритгувчи оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинги жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу фоний оламда ул топажак ажр туқсон пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

89

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қалай эритгувчи оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинги жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу ўтқуси оламда у зот сазовор буладиган мукофот саксон пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.



90

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Темир эритгувчи кура оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу жисмоний оламда уша Зот топқуси оқибат етмиш пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

91

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Тандир оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топажак ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу моддий оламда у топажак оқибат олтмиш пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

92

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Учоқ оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топқуси ажри нима булади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу фоний дунёда ул зот топқуси оқибат эллик пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

93

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Урдугоҳ оловини Баҳром оловига ай-

лантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топқуси мукофоти нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу жисмоний оламда ул зот топқуси оқибат қирқ пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

94

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Чупонлар оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу моддий оламда ул зот топқуси оқибат ўттиз пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

95

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кучманчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу фоний оламда ул зот топқуси оқибат йигирма пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

96

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Хонадон учоғи оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо булгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу даҳри дунда ул зот топқуси ажр ун пора оловни Баҳром оловига келтириб қушган билан баробардир.

Ҳинчи бўлим

97

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Олис бир ерда, дашт-биёбонларда мурдорга туйқус дуч келган одам пок була оладими?

98

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Албатта, пок булади.

— Қандай покланиши мумкин?

— Итлар ва ўлаксахур қушлар мурдор деви насвни ҳайдаган булсалар, у танасини уч марта кумиз билан ювиши ва уч марта қуруқ қўл билан ишқалаши ва ҳар гал бу амални бошдан бошлаши лозим.

99

Агар бордию итлар ва ўлаксахур қушлар мурдор деви насвни ҳайдамаган булсалар, у танасини ун беш марта кумиз билан ювиши ва ун беш марта қўли билан ишқалаши керак.



145



100

...Шундан сунг минг қадам масофага югуриб, дуч келган биринчи одамга хитоб қилади:

«Бу — менман! На идрок, на суз ва на амалимда заррача гуноҳ қилиш хаёли булмаган ҳолатда дафъатан мурдорга дуч келдим. Мен пок булмоқни истайман!»

Агар йулиққан одам уни поклашга ҳаракат қилмаса, унинг бир одим гуноҳи афу этилади.

101

У яна бир йуловчига йулиққунга до-вур минг одим югуради.

Агар йуловчи уни поклашга ҳаракат қилмаса, гуноҳнинг ярми афу этилади.

102

...У яна бир йуловчига йулиққунга қадар минг одим югуради.

Агар йуловчи уни поклашга ҳаракат қилмаса гуноҳи буткул афу этилади.

103

Шундан сунг у бир обод жойга — уйми, қишлоқми, шаҳарми — етгунга қадар шитоб этмоги ва баланд овозда хитоб қилмоги керак:

«Бу — менман! На идрок, на суз ва на амалимда заррача гуноҳ қилиш хаёли булмаган ҳолатда туйқусдан мурдорга дуч келдим. Мен пок булмоқни истайман!»

Агар одамлар уни поклашга ҳаракат қилмасалар, у кумиз ва сув билан уз танасини ювади-да покланади.

104

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар йулда у сувга дуч келиб қолса ва сув булганса жазоси нима бўлади?*

105

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравуш-чарана қамчинлари билан тўрт юз марта саваланади.

106

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар у йул-йулакай дарахтларга дуч келса ва оловни булганлик товони** гарданига тушса, жазоси қандай бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравуш-чарана қамчинлари билан тўрт юз мартадан саваланади.

107

Ушбу фармонларга буйинсунган зотларнинг ажрини баён айладик. Кимда-ким бу фармонларга буйсунмас экан, шубҳасиз жойи жаҳаннамдадир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

(алиф)

1

Зардушт Аҳура Маздадан суради:
— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор билан булганган танасини покламоқчи булган одам кимга юз бурмоги керак?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Маздапарастлар динидаги барча расм-русумларни комил даражада биладиган бир ашаванга юзланмоги лозим.

Уша мард тўрт гушали заминда унган гиёҳларни туққиз газ узунлигида узмоги даркор.

* Бордию сувни кечиб ўтишга тўғри келиб қолса.

** Бу ўрнида ўтинликка ишлатиладиган дарахтлар назарда тутилмоқда. Агар химса ушундай дарахтларга қўл теккизса гуноҳдор саналади.

Бу тўрт гушали замин ер юзининг сув-
сиз, бум-буш ва қуп-қуруқ қисмида булиб,
қўйлар суруви ва йилки у ердан ниҳоятда
оз утади. Аҳура Мазданинг углони —
олов у ерда камдан-кам ёқилади, барсам
дасталари ва диний маросимлар деярли
кузга ташланмайди. Ашаванлар у ердан
аҳён-аҳён утиб қоладилар.

4—5

— Эй, оламни яратган Зот! Эй,
Ҳақиқат!

- Оловдан нечоғли олисда?
- Сувдан нечоғли олисда?
- Барсам дасталаридан нечоғли олис-
да?
- Ашавандан нечоғли олисда?
- Аҳура Мазда жавоб берди:
- Оловдан уч одим олисда.
- Сувдан уч одим олисда.
- Барсам дасталаридан уч одим олис-
да.
- Ашавандан уч одим олисда.

6

— Кейин чуқур қазсинлар.
Агар саратон булса, икки бармоқ ҳаж-
мида ва агар яхлама қаҳратон булса, тўрт
бармоқ ҳажмида.

7

...Ва биринчи, иккинчи, учинчи,
тўртинчи, бешинчи, олтинчи чуқурларни
ҳам худди шу зайлда қазсинлар.

12

— Шунда нопок гувдол (чуқурлик)
қошида оёқ кутариб тураркан, сен, эй
Зардушт, ушбу дуоларни уқи:

«Эй, Мазда! Эй, буюк Шаҳриёр! Мен
жамийки хайрли ва шурдил ашаван-
лар руҳини буюк олқиш ва таҳсинлар
билан сенинг саройинга бошлаб кела-
ман.

Сен узингнинг пойдор қудратинг би-
лан, уларни абадул-абад асрагайсан!»

Нопок ҳам ушбу дуони такрор этади:
«Эй, Мазда! Эй, буюк Шаҳриёр!..»

* Бу уринда оёқдан мурод, эҳтимол, бир баркамол одам оёғи кафтининг ҳажмида.

** Мазкур учта чуқурлик сув қуйишга муволаққат.

8

— Бу чуқурлар бир-биридан неча
одим олис булмоғи керак?

- Бир одим.
- Бир одимнинг андазаси нечоғли?
- Уч оёқ ҳажмида.*

9

— Шундан сунг, яна учта чуқур қаз-
синлар.** Агар саратон фаслида қазсалар
икки бармоқ ҳажмида, агар яхлама
қаҳратон булса, тўрт бармоқ ҳажмида
булиши мақсадга мувофиқ.

— Мазкур учта чуқурлик бояги олти-
та чуқурликдан неча одим олисда
булмоғи керак?

- Уч одим.
- Бу одимларнинг андазаси нечоғли?
- Юраётган одам кутариб ташлаган
қадам ҳажмида.
- Худди шундай қадамларнинг учтаси
нечоғли ҳажмда?
- Туққиз қадам миқдорида?

11

— Ун иккита доира чизсинлар. Улар-
нинг дастлабки учтаси уч чуқур гирдида,
уч доира эса олти чуқур гирдида. Олти
доира сунги учта чуқур гирдида ва яна
уч доира жами туққизта чуқур гирдида.

Ва нопокнинг оёғи ерга тегиб, замин-
ни булгамаслиги учун ҳар бир туққиз
қадамлик фосилага тошдан, ёхуд сопол-
дан, ё дарахт кундасидан, ё кесақдан ёхуд
бирор қаттиқ жисмдан қадамжо яса-
моқлари лозим.

(бе)

13

— Ушбу дуолардаги ҳар бир муқаддас
халом тилга олиниб, зикр қилинганида,
Аҳриман девлари улоқиб кетади, қонли
газаб девлари гумдон, мазандарий девлар
синиб, чилпарчин булади. Дуруж девлари-
ни нотавон айлайди.

14

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Туққиз бугинди чўп топ. Унинг учига
қалай ё қурғоштин чумич боғла-да, у би-
лан нопокнинг бошидан кумиз қуй.



— Даставвал нопокнинг қўлларини ювадилар. Агар дастлаб қўллари ювилмаса, унинг бутун жисмини нопок қилади.

— Қўлларини уч карра ювганларидан сўнг, бошидан кумиз қўядилар.

Шунда мурдор деви насув унинг икки юзи оралигига яширинади.

16—27

Биринчи чуқур бошида нопок мурдор деви насувдан қисман озод бўлади.

Шунда сен, эй Зардушт, ушбу нажотбахш дуоларни баланд овозда қироат қил:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бул!

Эй, девзодалар!

Нобуд булингиз!

Эй, дуруж!

Иуқол ва нобуд бул!

Эй, дуруж!

Бу ердан даф булда, йироқ кет!

Сен бу Ҳақиқат оламини булгамагайсан ва нобуд қилмагайсан!»

Иккинчи чуқур бошида қироат қил:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бул!

Эй, девзодалар!

Нобуд булингиз!»

Учинчи чуқур бошида хитоб қил:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бул!

Эй, девзодалар!

Нобуд булингиз!..»

Туртинчи чуқур бошида нидо қил:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бул!

Эй, девзодалар!

Нобуд булингиз!»

Бешинчи чуқур бошида тавалло эт:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бул!

Эй, девзодалар!

Нобуд булингиз!..»

Олтинчи чуқур бошида фарёд айла:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бул!

Эй, девзодалар!

Нобуд булингиз!»

29

Шундан кейин нопок доира ичида ўтириб, тупроқ тула қафтлари билан танасини ишқалайди.

30

Ун беш марта унга тупроқ келтириб берадилар ва у ўз танасини боши учидagi энг нозик туқлар қуригунга довер астойдил ишқалайди.

31

Танаси қуригандан сўнг, сув чуқурлари бошига келади.

Илк чуқур бошида танасини бир марта ювади.

Иккинчи чуқур бошида танасини икки марта ювади.

Учинчи чуқур бошида танасини уч марта ювади.

32

Сунгра у урувасний, вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий, ҳазанаипата каби муаттар гиёҳлар билан узини хушбўй этади. Кийимларини кийиб уйига қайтади.

33

Хонадонда у нопоклар урнида истиқомат қилади. Булак маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарахтларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда уч тунни утказади. Уч тун утгач тана ва кийимларини сув ҳамда кумиз билан ювиб поқлайди.



34

Шундан кейин ҳам хонадонда у нопоклар урнида истиқомат қилади. Қолган маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарактларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда олти тунни утказади. Олти тун утгач тана ва кийимларини сув ҳамда кумиз билан ювиб поклайди.

35

Шундан сунг ҳам у хонадонда нопоклар урнида истиқомат қилади. Бошқа

Иккинчи бўлим

37

Покловчи руҳоний мубадни унинг таҳсин ва дуоסי учун, шаҳриёрни бир нор тева, шаҳар ҳоқимини олов, деҳқудони қушқукиз, хонадон соҳибини уч яшар сигир бадалига поклайди.

38

Покловчи хонадон соҳибасини бир сигир, уй ходимасини бир юк ташувчи сигир ва хонадоннинг энг кичик фарзандини бир қузичоқ эвазига поклайди.

39

Маздапарастлар, агар имконлари етарли бўлса, покловчига беришлари лозим бўлган хилма-хил чорполар ана шулардан иборат. Агар бундай эҳсонга уларнинг қурблари етарли бўлмаса, ҳар нечук мукофот билан покловчини сийласалар булаверади. Токи покловчи уша хонадонни хушнуд ва ранжсиз тарк айлосин.

40

...Зеро, покловчи уша хонадонни норози ва ранжли тарк этса, мурдор деви насв бурун, куз, эрлик ва аёллик андомлари ва ортларини булғайди.

41

Мурдор деви насв тушиб келади ва уларнинг токи тирноқлари остигача кириб олади-да, буткул нопок қилади.

Э, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда ҳам қуёш, ой ва юлдузлар булганч кимсалар узра нур сочаётганидан тамгин буладилар.

маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарактларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда туққиз тунни утказади. Туққиз тун утгач, тана ва кийимларини сув ҳам кумиз билан ювиб поклайди.

36

Шундан кейингина у олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарактларига ёвуқ кела олади.

42

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимки покловчини шод айласа, у оловни хушқол қилган булади. Сувни хушнуд қилган булади. Тупроқни хушнуд қилган булади. Дарактларни хушнуд қилган булади. Ашаван эрлар ва ашаван аёлларни хушнуд қилган булади.

43

Зардушт Аҳура Маздадан суради:

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор билан булганган кимсани насвдан пок этган кишининг жони танасидан жудо бўлса, унинг топқуси ажри нечукдир?

44

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уқбо ҳаётида бихиштинг осойишта ва хушқол ҳаёти унга насиб этажагидан мужда бер, эй, Зардушт!

45

Зардушт Аҳура Маздадан суради:

— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Улик танадан чиқиб, тирик танага киргувчи мурдор деви насв билан нечук жанг қилайин? Улик жисмини тарк айлаб, тирикни булговчи насв деви билан нечук олишайин?

46

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Икки қарра уқилгувчи гоҳлар¹ қисматини баланд овозда зикр айла.



149

Уч карра уқилгувчи гоҳлар қисматини баланд овозда зикр айла.

Турт карра уқилгувчи гоҳлар қисматини баланд овозда зикр айла.

Шунда мурдор девлари уз-узича ка-

мондан учган тир, йил сунгига қовжираб қолган замин гиёҳлари, тез орада ўтиб кетгувчи баҳор тупроғининг яшии либосидек олис ва нопадид бўладилар.

Учинчи бўлим



150

47

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки булганган шахсларни маздапарастлар русумидагидек мукамал покламоқ илмини билмаса-да, бир нопокни покламоққа бел богласа, маздапарастлар нима қиладилар?

Уликнинг жисмидан чиқиб, тирик танага утгувчи мурдор деви билан нечук жанг қилай?

Улик пайкарини тарк айлаб, тирикларни булгагувчи мурдор деви насв билан қандай курашай?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Мурдор деви насв ҳар қачонгидан кура қудратлироқ бўлади.

Насв кучга тулиб, зурайиб боради. Касаллик, улим ва девлар халқ қилган турли-туман ёмонликлар одамзод устидан голиб бўлади.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Бундай зот гуноҳининг ажри нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Маздапарастлар уни боғлайдилар. Дастлаб қўлларига банд соладилар. Шунда кийим-бошларини эгнидан ечадилар. Кейин терисини шиладилар ва бошини танасидан жудо қиладилар. Жасадини эса улаксахурларга ташлаб, шундай дейдилар: «Бу зот узининг жамийки аҳриманий фикр, калом ва амалларидан пушаймондир...»

50

51

— Эй, Аҳура Мазда!

Кимдир у диларга қурқув ва ваҳм солгувчи?

Кимдир у оламдан фаровонлик ва афзунлики сулуриб ташлаб, касаллик ва улимлар келтиргувчи!

52

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ашаван бўлмаган ва маздапарастларнинг покланиш русумини тугал билмаган ҳолатда бир нопокни поклашга журъат этган кимсадир.

53

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шундан сунг бу заминдан осойишталик, фаровонлик, тандурустлик, дармон, баракот ва афзунлик, бугдой ва гиёҳларнинг унумдорлик ҳамда ҳосили йуқ бўлади.*

54

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Унда бу заминга ким қайта бошдан осойишталик, фаровонлик, тандурустлик, дармон, баракот ва афзунлик, бугдой ва гиёҳларга унумдорлик ва серҳосиллик бахш этади?

55—56

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Токи уша ашаван бўлмаган кимса улдирилмас ва уч кеча-кундуз порлоқ олов теграсида қўлда барсам дастаси ва ҳавм шарбати билан эзгулик илоҳлари шаънига саловотлар айтилиб, назр-ниёзлар бахш этилмас, бундай заминга на осойишталик ва фаровонлик, на тандурустлик ва на дармон, на баракот ва на афзунлик, на бугдой ва гиёҳларнинг унумдорлиги ва серҳосилиги nasib қилмайди.

57

Бундай замин фақат «тирик руҳ» маросимидан сунг қайта ҳаётга қайтади ва тирилади.

* Маздапарастлар бу ҳадар катта эътибор қаратган мазкур русумнинг номи «эндиравон»дир. Мазноси «тирик руҳ». Гурехуди шу урф воситасида руҳ биҳишта дохил бўларкан.

ҮН ИККИНЧИ ФАРГАРД

1

Зардушт Аҳура Маздадан сұра:

— Эй, оламни яратқан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ота ва она вафотидан сунг, угил ота учун ва қиз она учун неча муддат апамон^{*} — мотам тутади.

Яхши зотлар учун тутиладиган мотам муддати қанча?

Гуноҳқорлар учун тутиладиган мотам муддати қанча?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Яхши зотлар учун уч кун, гуноҳқорлар учун олтмиш кун апамон — мотам тутадилар.

2

— Эй, оламни яратқан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Хонани* нечук пок қилай?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Тан уч марта ювилади. Уч марта либослар ювилади. Гоҳлар уч қарра қирот қилинади. Ёхуд менинг оловимга назр қилинади. Богловлик барсам дастаси тақдим этилиб, эзгулик сувидан тотилади.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шундан сунг хона пок бўлади ва олов, сув ҳамда амшосиландлар[†] у ерга ташриф буюрадилар.

3

— Угил ва қиз вафотидан сунг, ота угил учун, она қиз учун неча муддат апамон — мотам тутадилар?

Яхшиси учун неча вақт мотам жоиз бўлади?

Гуноҳқор учун неча фурсат мотам жоиздир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Яхшиси учун уч кун, гуноҳқор учун олтмиш кун апамон — мотам тутилади.

4—5

— Эй, оламни яратқан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сингил ё биродар вафотидан сунг сингил сингил учун, биродар биродар учун неча муддат апамон — мотам тутадилар?

Яхшиси учун неча вақт, гуноҳқор учун қанча фурсат мотам — апамонда бўладилар?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Яхшиси учун уч кун, гуноҳқор учун олтмиш кун апамон — мотам тутилади.

6

— Эй, оламни яратқан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Уй соҳиби ёхуд бекаси вафот этса, уша хонадон аҳли қачонгача апамон — мотам тутадилар.

Яхшиси учун неча фурсат мотам жоиз?

Гуноҳқор учун қанча вақт мотам жоиз?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Яхшиси учун олти ой, гуноҳқор учун бир йил апамон — мотам тутилади.



* Ота ё она вафот этган хона ҳақида гап бормоқда.

ЎН УЧИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

(алиф)



152

1

— Сен, эй Аҳура Мазда, яратган махлуқотлар ичида ким ярим кечадан то қуёш чиққунга қадар Аҳриман яратган минглаб мавжудотларни нобуд айлайди?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Ортидаги тиканлари баланд ва уткир вангҳалара* итидир. Тили заҳар одамлар дужака** деб атайдилар.

Ушадир, мен — Аҳура Мазда яратган махлуқлар ичида ярим тундан қуёш чиққунга қадар Аҳриман яратган минглаб мавжудотларни нобуд айлагувчи.

3

— Эй, Зардушт!
Кимда-ким заҳар тилли одамлар Ду-

жака деб атагувчи, ортидаги тиканлари баланд ва уткир вангҳалара итини улдирса, уз руҳини туққиз пуштигача улдирган булади ва агар бу гуноҳининг товонини заминий ҳаётида Сурушга^{†††} назр-ниёз келтириш билан адо этмаса, чийнавадпулга^{††††} йул тополмайди.

4

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким заҳар тилли одамлар Дужака деб атагувчи, ортидаги тиканлари баланд ва уткир вангҳалара итини улдирса, у қандай жазо толади?

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан минг мартадан саваланади.

(бе)

5

Аҳриман яратган махлуқлар ичида ким тун ярмидан то қуёш чиққунга довури Сипандмиёну яратган минглаб махлуқларни нобуд этади?

6

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Зайрмянгура*** исми девдир ва заҳар тилли оломон уни зайрмяка**** деб атайдилар.

Аҳриман халқ қилган гуноҳкор махлуқлардан тун ярмидан токи қуёш чиққунга довури Сипандмиёну яратган жонларнинг минг-мингини нобуд қилгувчи удир.

7

Кимки заҳар тилли одамлар Зайрмяка деб атагувчи Зайрмянгура исми девни улдирса, у патит ойинини адо этгандек, фикр, калом ва амалда содир этган гуноҳларидан фориғ булади.

* Вангҳалара — тиканли маъносини англатади. Ярм тундан қуёш чиққунга қадар ёвуз кучлар билан курашадиган авестон махлуқини номиди. Туққиз уткир ва баланд бўлагани учун тирпратиканга қиссавнади. Туё қуёш нурлари унинг тигдеҳ туқларинда ярақлаб нур таратиб, кеча бағрини тилариниш.

** Дужака — тирпратиканнинг омёна аталishi. Маъноси, «асли бузуқ» деганидир. Асли номи — вангҳалара. Ҳар бир махлуқнинг қомиди оз бўлса-да унинг қислати яширин булади. Ҳар нарса асли номи билан аталганга қудратли булади.

*** Баъзи таъдиқотчилар уни тошбақа деганлар, бошқа манбаларда «сабахур» деб таржима қилинган. Саҳройи сиҷдон дегувчилар ҳам бор.

**** Биринчи изоҳга қаранг.

Иккинчи бўлим

8

Кимки гала итини, хонаки итни, ё дайди итни ёхуд ов итини уриб улдирса, унинг руҳи нариги дунёга кучганидан сунг, бепоен бир чангалзорда бури тилкалаётган қўйнинг даҳшатли овозидан аянчлироқ фарёд билан беҳиштни тарк этади.

9

Ҳеч бир руҳ нариги дунёда унинг танасини тарк айлаган руҳ билан дийдорлашмайди ва девлар шабихуни чоғида унга мадад бермайди.

Чийнавапул қошида турган қуриқчи ит ҳам девлар шабихунида унга кумак қилмайдилар.

10

Кимки гала итини уриб, оёқдан йиқитса, ёхуд қулоқ ва чангалига заҳм еткарса-да бури уша ит қуриқлаётган сурувга ҳамла қилиб бир қўйни нобуд этса; мажруҳ ит чорасиз ҳолда қолаверса, гуноҳкор бир қўйнинг товонини тўлайди ва итга заҳмат еткаргани учун огоҳлан тирилади.

ЎН БЕШИНЧИ ФАРГАРД

1

Гуноҳга ботиб, пишавтану, яъни арзон улимга мустаҳқиқ бўлган кимсалар пушаймонлик ёхуд товон тўлаш билан ҳам кечиримайдиган гуноҳларнинг сони нечта?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, пок Зардушт!

Бундай гуноҳларнинг сони бештадир.

Биринчи, кимки қуриб била туриб, бегона дин ва галат эътиқодни бир ашаванга ургатса.

Бу гуноҳ пишавтану, яъни арзон улимдир.

3

Иккинчи, кимки қаттиқ суюкни ёхуд бениҳоят қайноқ хўракни гала ёки хонаки итга берса.

Агар уша суюк ит тишлари ёхуд то

11—12

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Кимки гала итини уриб улдирса, у қандай жазога гирифтор бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан саккиз юз мартадан саваланади.

13

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки хонаки итни уриб улдирса, у қандай жазога гирифтор бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етти юз мартадан саваланади.

14

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки дайди итни уриб улдирса, у қандай жазога гирифтор бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан олти юз мартадан саваланади.



153

Бешинчи, қай бир эр қорнида боласи бор хотин билан алоқа қилса* — куксига сут хоҳ келган, хоҳ келмаган булсин.



Иккинчи бўлим

9

Агар бир эр балогатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган булсин — алоқа қилса ва уша қиз ё жувон ҳомиладор булгач, одамлардан номус қилиб, сув ва гиёҳлар билан узиди гайритабийи ҳайз ҳосил қилса.**

10

Агар уша қиз ё жувон номусдан узиди гайриодатий ҳайз ҳосил қилса, гуноҳ унинг гарданидадир.

11

Агар бир эр балогатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган булсин — алоқа қилса ва уша қиз ё жувон ҳомиладор булгач, одамлардан номус қилиб, тириклик меваси бўлмиш бачадонидаги бир парча гүшти нобуд қилса.

12

Агар уша аёл одамлардан номус қилиб бачадонидаги тириклик мевасини

Хотинга шикаст етса ва нобуд булса, гуноҳкор эрнинг амали пишавтану бўлиб, арзон улимдир.

13

нобуд қилса, одам ўлдириш гуноҳи аёл ва эрнинг гарданидадир. Улар ошкора қатл этиладилар.

Агар бир эр балогатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган булсин — алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор булгач, эрга деса: «Сен мени ҳомиладор қилдин!» Эр унга жавобак: «Бир қария кампирни қидириб топ. Токи у ҳомилангни туширсин!» деса.

14

Ва қиз ё жувон қария кампирнинг ҳузурига йул олса ва кампирга қорнидаги ҳомилани туширмоқни буюрса. Қария банга¹⁰⁰, шайита¹⁰¹, гнон¹⁰², фраспота¹⁰³ ва бошқа дорилар ёрдамида болани тушириб берса-да, эр унга деса: «Тириклигинг мевасини олисларга элтиб ташла!». Қиз ё жувон тириклик мевасини узоқларга элтиб ташласа, бу гуноҳнинг юки ҳар уч-човининг гарданида: эр, аёл, қария кампир.

Учинчи бўлим

15

Агар бир эр балогатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган булсин — алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор булса, то гудак дунёга келгунга қадар эр уша қиз ё жувонни ўз қарамогига олмоги керак.

16

Агар борди-ю эр аёлни етарлича ҳимоя қилолмаса ва гудакка шикаст етса, бундай эрнинг жазоси ошкора улимдир.

17

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Вақт-соати етиб, аёл йулда куз ёрса, маздапарастлардан ким уни ўз қарамогига олади?

18

— Агар бир эр балогатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган булсин — алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор булса, то гудак дунёга келгунга қадар эр уша қиз ё жувонни ўз қарамогига олмоги керак.

* Аёл қорнидаги гудак турт ою ўн кунлик булса. Зеро, худди шу мудаатда гудак шаклланиб, вужудига руҳ инган булван.
** Бу пишавтану амалидир. Бу гуноҳ устига гуноҳдир. Унинг биринчи гуноҳи — алашларига ижозат бергани. Борди-ю зулланган булса, эр уни бу номусдан қутқариш учун ҳуйдагича йул тутлади. Эр аёлнинг бутун ақли оиласини йиғиб, дейди: «Бу хотиннинг қорнида менинг болам бор. Мен бу ниддан хурсандман». Улар эса шундай жавоб қилишлари жоиз: «Биз буни билан-ми ва шодимизки, шармандалик уртдан қутарилдик...»

19

— Агар уз ҳимояси остига олмаса...*

— Уни уз ҳимоясига олмоқ ҳар бир ашаван эрнинг бурчидир. Ҳомиладор ким бўлмасин — икки оёқлими, тўрт туёқлими, хоҳ аёл, хоҳ ургочи итми — ашаван ҳимоя қилади.

20

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ургочи кўппак йул устида болаласа, маздапарастлардан ким уни тарбият қилиши лозим?

21

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уша итга уйи ҳаммадан қура яқинроқ бўлган маздапараст ҳомиладор ит туққунича ва туққанидан кейин унинг кучукларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

22

Агар уша маздапараст керагича ҳомилали ургочи кўппакни парвариш қилмаса ва оқибатда кучукваччаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора улимдир.

23

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ургочи кўппак вақт-соати етиб тевахонада тугса, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

24

— Уша тевахонани қурган ёхуд тевахона тасарруфида бўлган кимса ҳомиладор кўппак туққунича ва туққанидан кейин унинг кучукларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

25

Агар уша кимса ҳомилали ургочи кўппакни керагича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукваччаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора улимдир.

26

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ургочи вақт-соати етиб от охурида тугса, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

27

Аҳура Мазда жавоб берди:

— От охурини қурган ёхуд охур тасарруфида бўлган кимса ҳомиладор кўппак туққунича ва туққанидан кейин унинг кучукларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

28

Агар уша кимса ҳомилали ургочи кўппакни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукваччаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора улимдир.

29

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали ургочи кўппак вақт-соати етиб сигир охурида тугса, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

30

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Сигир охурини қурган, ёхуд охур тасарруфида бўлган кимса ҳомилали кўппак туққунича ва туққанидан кейин унинг болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

31

Агар уша кимса ҳомилали ургочи кўппакни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда болаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора улимдир.

32

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ургочи кўппак вақт-соати етиб, қуй қўтониде болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

33

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Қуй қўтонини қурган ёхуд қўтон тасарруфида бўлган кимса ҳомилали кўппак туққунича ва туққанидан кейин унинг болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.



155

* Сатринг қолган қисми учиб кетган. Кўлаб тадқиқотчилар сатр давонида 16-банддан фойдаланганлар.



34

Агар уша кимса ҳомилали кўпакни етарлича парвариш қилмаса ва натижада кучуквачаларга зарар етса, унинг жазоси ошқора улимдир.

35

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали кўпак вақт-соати етиб, уй девори устида болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

36

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уша деворни тиклаган ёхуд девор тасарруфида булган кимса ҳомилали кўпак туққунича ва туққанидан кейин унинг кучуквачаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

37

Агар уша кимса ҳомилали кўпакни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукларга шикаст етса, унинг жазоси ошқора улимдир.

38

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали кўпак вақт-соати етиб, бир чуқурликда болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

39

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уша чуқурни қовлаган кимса ҳомилали кўпак туққунича ва туққанидан кейин болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

40

Агар уша кимса ҳомилали кўпакни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукларга шикаст етса, унинг жазоси ошқора улимдир.

41

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали кўпак вақт-соати етиб, яйлов ёхуд экинзорда болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

42

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уша яйлов ёхуд экинзор тасарруфида булган кимса ҳомилали кўпак туққунга довуру ва туққанидан кейин болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

43

У хайрихоҳлик ва меҳрибонлик билан итни шох-шабба ва дарахт барглари устига ётқизиб қўйиши керак, токи жониворому осуда яшасин.

Кўпакнинг болалари улгайиб, узларини эллаб кетгунларига қадар уларни парвариш қилиш ҳам уша кимсанинг зиммасидадир.

44

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Итлар қачон уз қолларича яшашлари мумкин?

45

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Итлар ун турт хонадон гирдида чопа олгулик ҳолатига келганларидан сўнг, хоҳ саратон, хоҳ қаҳратон булсин уз бошларича яшайверадилар.

Аҳура Мазданинг уғлони Озар¹⁰⁴ бир аёлини асрагани каби бир ҳомилали кўпакни ҳам парвариш қилади.*

Тўртинчи бўлим

46

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Маздапарастлар асл зотли кўпак олмоқчи булсалар ургочи кўпакни қандай йул билан қочирадилар?

47

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Қуй қўтонига яқин ерда бир чуқур қазадилар: қаттиқ ерда тизза бўйи, юмшоқ ерда белга довуру.

* Ҳомилали аёлини дара тутган паллада гуляни турани девлар шарридан асраш мақсадига буюк гуляни ёққандар.

Маздапарастлар дастлаб ургочи кўпакни болалар ва Ахура Мазданинг углони — оловдан йироқ бир ерда сақлашади.* Сунг то уч нафар ит келиб кетмакет унга қўшигунга қадар назорат қилиб турадилар. Шундан кейин ҳар уч ит бири бири билан алоқа қилиб қўймаслиги учун алоҳида-алоҳида тутиб турилади.

Уч нафар кўпак билан қўшилган ургочи кўпак ҳомилали булиб, кўкси

сутга тўлади ва асл кучукваччани дунёга келтиради.

— Уч нафар нар кўпакка қўшилиб ҳомиладор булган кўпакни калтаклаган одамга қандай жазо берилади.

Ахура Мазда жавоб берди:
— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравуш-чарана қамчинлари билан етти юз мартадан савалананади.

ЎН ОЛТИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Маздапарастлар оиласида бир аёл хоҳ табиий, хоҳ гайритабиий ҳолатда ҳайз курса, улар нима иш қилишлари керак?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг йули** ҳар нечук гул ва буталардан пок қилинади.*** Ва у яшайдиган ерга қуруқ тупроқ сепилади.**** Унинг учун алоҳида бино тикланади.***** Бино, одатдаги бинолардан баланд бўлади, зеро ҳайз кўрган аёлнинг назари оловга тушмаслиги керак.

3

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Оловдан нечоғли ва сувдан нечоғли олис булмоғи керак?

Барсам дасталаридан қанчалик узоқда?

Ашаван эрдан нечоғли олисда?

4

Ахура Мазда жавоб берди:

— Оловдан ўн беш одим олисда.

— Сувдан ўн беш одим олисда.
— Барсам дасталаридан ўн беш одим олисда.
— Ашаван эрдан ўн одим олисда.

5

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Хоҳ табиий, хоҳ гайритабиий ҳолатда булсин, ҳайз кўрган аёлга хўрак элтган кимса ундан нечоғли олис турмоғи керак?

6

Ахура Мазда жавоб берди:

— Хоҳ табиий, хоҳ гайритабиий ҳолатда булсин, ҳайз кўрган аёлга хўрак элтган кимса ундан ўн одим олисда булиши керак.

Нечук идишда унга хўрак элтмоқлари мумкин? Нечук идишда унга нон элтмоқлари мумкин?

— Қалай, қўлом ёхуд камбаҳо идишларда?*****

7

— Ҳайз кўрган аёлга қанча хўрак ва қанча нон бериш керак?



* Болаларга ва оловга озор етказмаслиги учун.

** Ҳайз кўрган аёл олиб утиладиган йул.

*** Аёл гул ва буталарга тегиб кетиб, уларни булгамаслиги керак.

**** Аёл ерга тегиб, уни булгамаслиги учун қуруқ тупроқ сепилмади.

***** Ҳайз кўрган аёл ипоқлиги даврида ишайдиган бино.

***** Нолоқ шўс оловга яқин келиши, унга қарши мутлақо мумкин эмас.

***** Хўрак пўлат чўмчларда сузилиб, муайян масофадан узатилмади. Сопол идишлар булганса, уни поклаб бўлмайд.

Аmmo пўлат идишларни поклаш мумкин.

— Ҳайз кўрган аёл зиёда куч-қувват олмаслиги учун икки динор миқдорига нон ва бир динор миқдорига таом* бермоқлари лозим.

Агар ўша аёл билан бирор гўдак учрашган бўлса, дастлаб унинг қўлларини, сунгра бутун танасини ювиш жоиз бўлади.**

Ҳайз кўрган аёлни қони уч кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у махсус бинода тўртинчи кун ҳам туради.

Ҳайз кўрган аёлни қони тўрт кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у махсус бинода бешинчи кун ҳам туради.

9

Ҳайз кўрган аёлни қони беш кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у махсус бинода олтинчи кун ҳам туради.

Иккинчи бўлим

Маздапарастлар унинг йулини гул ва ниҳоллардан поклашлари керак.

Улар учта чуқурлик қозишлари, икки чуқурлик бошида аёлни кумиз билан, учинчи чуқурлик тепасида сув билан ювинтиришлари лозим.

Ҳайз кўрган аёлни қони олти кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у махсус бинода еттинчи кун ҳам туради.

10

Ҳайз кўрган аёлни қони етти кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у махсус бинода саккизинчи кун ҳам туради.

Ҳайз кўрган аёлни қони саккиз кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у махсус бинода тўққизинчи кун ҳам туради.

11

Ҳайз кўрган аёлни қони тўққиз кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, бу девпарастларнинг ўз ҳамжинслари учун ҳозирлаган тантанасининг белгисидир.

Маздапарастлар шу зайл ҳайз кўрган аёл жисмидаги аҳриманий храфсастраларни улдирадилар.

Учинчи бўлим

13

— Агар бирор маздапараст хоҳ табиий, хоҳ гайритабиий ҳолатда ҳайз кўрган аёл қонини тўхтатмоқчи бўлса, унинг жазоси нечүкдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали пишавтану бўлиб, арзон улимдир, жазоси — аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан йиғирма мартадан саваланади.

14

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки қайта-қайта огоҳлантирилишига қарамай хоҳ табиий, хоҳ гайритабиий ҳолатда бўлсин, ҳайз кўрган аёл билан алоқа қилса унинг жазоси нима?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Агар у ҳайз кўрган аёл билан илк марта алоқа қилса, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан уттиз мартадан саваланади.

Агар у ҳайз кўрган аёл билан иккинчи марта алоқа қилса, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан эллик мартадан саваланади.

Агар у ҳайз кўрган аёл билан учинчи марта алоқа қилса, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етмиш мартадан саваланади.

16

Агар у ҳайз кўрган аёл билан тўртинчи марта алоқа қилса, аёлни танини энгил-бош устидан қучоқласа ва болдирларига чеврилмасдан чирмашса жазоси нечүкдир?

* Динор бир юз бештадан бир юз саксон бештага довуз бугдой донаси вазиғга тенглаштирилган. Аёлга тўрт кеча-кундуз давомида дон хетиши ааж олмаслиги ва унинг вужудига жойлашиб олган аҳриманий кучлар голиб келмаслиги учун гуштлих таом берилмаган.

** Бораню аёлни эмизмали гўдаги бўлса. Умуман, ҳар қандай бола ҳам, албатта, одатдаги расм-русум билан ювниб покланади.



Аҳура Mazda жавоб берди
— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана
камӯинлари билан тўдсон мартадан савана-
ланади.

17

Хоҳ табиий, хоҳ гайритабиий ҳолатда
булсин, ҳайз курган аёл билан алоқа
қилишга киришган кишининг гуноҳи ўзи-
нинг жигар қонидан яралган ва «найза»*
туфайли ҳалок булган фарзандини куйди-
риб, кукунини оловга сочган билан баро-
бардир.**

ЎН ЕТТИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

Зардушт Аҳура Mazdaдан сўради:
— Эй, Аҳура Mazda! Эй, коинот нур!
Эй, оламларни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Одамларнинг девларни хушнуд ва са-
рафроз қиладиган энг қабиҳ ва ашаддий
гуноҳлари нималардан иборат?

2

Аҳура Mazda жавоб берди:
— Кимки соч тараса ёхуд уни олса,
ёхуд тирногини олгач, уни ҳеч қандай
расм-русумсиз бирор чуқурга ё ковакка
тужиб юборса, бу қабиҳ амал девларни
дуо билан олқишлаб, кучлантирган, нус-
рат бахш этган билан баробардир.***

3

Диний русум ва маросимларга эъти-
борсизлик оқибатида ер юзиде девлар-
нинг хуружи авж олади.

Диний русум ва маросимларга эъти-
борсизлик оқибатида одамлар бит деб
атовчи храфастралар, экинзорларда

18

Жамийки бу гуноҳларнинг жисмига
дуруж деви йул тутгандир ва Ҳақиқат
ҳаками уларни хор этмишдир. Ҳақиқат
ҳаками хор этган кимсаларнинг боши
Яратганнинг ҳузурида эгикдир. Яратган
ҳузурида бош эгиб турган бу гуноҳкор-
лар ашаван номига иснод келтирдилар ва
уларнинг мукофоти улимдир.



бугдойларни егувчи ҳашаротлар, уйларда
либосларни кемирувчи махлауқлар ер юзи-
ни босиб кетади.

4

Эй, Зардушт!

Қачонки сочинга тароқ солсанг ёхуд
уни қиртишласанг, ё тирноқ олсанг тан-
дан жудо булган уша соч ва тирноқларни
ашаван эрдан ўн одим олисга, оловдан
йигирма одим олисга, сувдан ўттиз одим
олисга ва барсам дасталаридан эллик
одим олисга элтиб бор.

5

Шундан кейин қаттиқ ерда ўн бармоқ
ҳажмида, мулойим ерда ўн икки бармоқ
ҳажмида чуқур қаз; уша соч ва тир-
ноқларни унинг тубига ташлаб юбор-
да энг улуг ва энг нажотбахш ушбу дуони
зикр қил.

Дуонинг мазмуни қуйидагича:
Одамзот «кичик олам» («олами
сагир», «жаҳони кучак»)дир. Унинг ву-
жудидаги ҳар бир унсур табиатда ҳам

159

* Бир ақидага қўра гуё қандайдир пайгамбарнинг ном. Бошқа бир ақидага қўра «найза билан ўлдирилган» маъносини ифодалайди.

** Бу икки қабиҳ гуноҳ баробар эмас. Аммо ҳеч бири аяшқ эмас. Маълумки, мурдор куйдирувчилар учун улимдан бошқа томон худанидир.

*** Таъдид жудо булган ҳар бир нарса мурдор ҳисобланади; у девлар тасарруфига тўшғач, илоқлики ва ўлим келтиради. Бинобарин, тандан кесиб олинган соч ё тирноқ ўз-ўзиндан Аҳриманининг муқдига айланади. Шунинг учун лозим булган расм-русумлар ёрдамида уларни соч ва тирноқлар ичидан худани ўлик тандан ҳайдаб солгандек қўймоқ лозим. Тандан жудо қилинган ҳар бир ёзони поклаш учун ҳам оладдаги поклаиш маросими ўтказилса мурдор девлари замиқ қадрларига чекинмадилар. Асо-тиршунослар ушбу фарғардаги воқеаларга баҳо берадилар соч ва тирноқ билан боғлиқ ҳодисаларни инсоният ҳаёти ибтидо-сидеги курофотпарастлик дейдилар. Фаёат, Ҳиндистон ё Шарда эмас, балки бутун ер юзиде яшовчи кўрдаб жалқлар эътиқоди-га ҳўра, олинган соч ва тирноқлар девларга матта кўдрат бахш этаркан. Болтиқ бўйида яшовчи эстонлар тирноқ парчаларини ерга тушшинга сира нзи бермайдилар. Уларнинг эътиқодида кўр, иблис уларни териб оладж-да ўз қалбларининг гардишига ўрната-ди ва одамларга заҳмат етказишда ундан катта куч олади.

мавжуд. Ҳалимдан сунг яна уша табиатдаги унсурларга қайтиш қилади. Растохез — қиймат руй берганда сунгаклари тупроқдан, қони сувдан, сочлари гиёҳлардан, тириклиги оловдан қайтиб келади.*

6

Сунг пулат пичоқда уша чуқур гирди-га уч, олти ё туққиз доира шаклини солда энг улуг ва энг нажотбахш дуоларни қирот қил..

9

Сунг ушбу дуони тилга ол:
«Эй, Ашв звашта¹⁰⁰ қуши!
Бу ёққа боқ! Бунда сенинг тирноқларинг бор. Улар мозандарий¹⁰¹ — девлар билан курашганинда шояд сенга найза, ханжар, ўқ ва палахмон тоши булгай».

10

Агар тирноқлар Ашв звашта қушига тортиқ қилинмаса, улар девлар илкида найза, ханжар, ўқ ва палахмон тошига айланади.

ЎН САККИЗИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим

1

Аҳура Мазда шундай деди:
— Эй, Ашаван Зардушт!

Кимки озгига паном¹⁰⁷ боғласа-да динни асраш учун бел боғламаса ва «мен — отурбон — дин ҳомийсиман» деса, билгилки, у каззобдир.**

— Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон — дин ҳомийси дема.

Аҳура Мазда шундай деб жавоб берди.

2

Кимки хрэфстра (зараркунанда ҳашарот)ларни қулга олса-ю, бироқ динни асрамоқ учун бел боғламаса ва: «мен — отурбон — дин ҳомийсиман» деса, билгилки, у каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон — дин ҳомийси дема!

Шундай ваъз қилди Аҳура Мазда.

3

Кимда-ким барсам дастасини ҳулида тутсаю, дин ишларига бел боғламаса ва аммо деса: «Мен — отурбон — дин ҳомийсиман!» Билгилки, у каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон деб билма.

Шундай нутқ ийрод қилди Аҳура-Мазда.

4

Кимда-ким «аштра майря»¹⁰⁸ни ишта солса-да, дин ишларига бел боғламаса ва аммо деса: «Мен — отурбон — дин ҳомийсиман!» Билгилки, у каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон деб атама.

Шундай деди Аҳура Мазда.

5

Кимда-ким тулоний тунларда мурдадек ухласа, ясна ва гоҳларни куйламаса; гуфтор ва кирдориди субут булмаса; ҳаргиз урганмаса ва ургатмаса-да абадий ҳаётни орзу қилиб деса: «Мен — отурбон — дин ҳомийсиман!»¹⁰⁹

Билгилки, у каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон деб билма.

Шундай деди Аҳура Мазда.

6

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен шундай одамни отурбон — дин ҳомийси дегилки, у тулоний тунларда ху-

* Ушбу гоёт қадимий назария дуненинг бир қатор халқларида эътиқодга айланган. Жумладан, ушбу фикрни қадимси ҳинд, юнон, скандинав халқларида ҳам кузатиш мумкин.

** Ушбу бандда қўлланилган «боғламоқ» сўзи хураш тушган пайтдаги бел боғламоққа ишора. (Шу фаргардининг 34-банди). Бинобарик, бу «боранинг муқамал маъноси қуйидагича: «дин учун бел боғламаслик — кураш учун бел боғламаслик». Еҳуд: «Динга бел боғламоқ — курашга бел боғламоқ».



дованд розилигини топиш учун қоим булсин-да одамий зоти нечук йул билан сирот куприги — чийнавлпул қошига очиж кунгил ва шукуҳ билан келиб, Ашаҳ — Ҳақиқат олами, биҳишти жовидонадан муждалар топишини андиша қилсин.

7

Эй, Зардушт! Эй, солиҳ амалли!
Мендан сұра! Мендан иста!

Мен барча яралмишлардан яхшироқ булган яратгувчиман. Мен ҳаммадан ҳам донишмандроқман. Ҳар нечук муаммо ва жумбоқларни ҳал қилишга қодир зотман!

Мендан сұра. Мендан иста — Сенга шу яхшироқдир. Сенга бу шодлик бағишлагувчидир.

8

Зардушт Аҳура Маздадан сұради:

— Эй, олами яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Не нарса маришана¹⁰⁹ — пинҳон руҳли сиж¹¹⁰ — девнинг қудратини зиёда қиладиди?

9

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Нодуруст билим ургатгувчи ва одамларни гумроҳ қилгувчи ашмуғларнинг кирдори.

Уч йил муттасил белбоғ боғламаган, гоҳларни куйламаган ва сув илоҳаси шаънига ҳамду шукроналар келтирмаган кимсалар.

10

Дузахга гирифторларни озод қилганлар. Уларнинг бу кирдори бир эрнинг терисини тириклайин шилиб, бошини танасидан жудо қилган билан баробардир.

11

Бир нафар тубан ноашаван ашмуғ шаънига айтилган офаринлар уша офарингуйнинг оғзидан нари боролмайди.

Икки нафар тубан ноашаван ашмуғ шаънига айтилган офаринлар уша маддоҳнинг забонидан нарига боролмайди.

Уч нафарга офарин айтган фойдасиздир.

Турт нафарга офарин айтган маддоҳнинг мадҳи узига нафратдан узга нарса эмас.

12

Кимда-ким тубан ноашаван ашмуғга ҳавм шираси ёхуд миязда¹¹¹ тортиқ қилса, унинг ушбу кирдори минг-минг суворий маздапарастлар шаҳрига тажовуз қилиб, уларни тиг дамидан ўтқариб, пода ва йилқиларини талон-тарож қилган билан баробардир.



161

Иккинчи бўлим

13

— Эй, Зардушт! Эй, солиҳ амалли!
Мендан сұра! Мендан иста!

Мен барча яралмишлардан яхшироқ булган Яратгувчиман. Мен ҳаммадан ҳам донишмандроқман. Ҳар нечук муаммо ва жумбоқларни ҳал қилишга қодир Зотман!

Мендан иста! Мендан сұра — Сенга шу яхшироқдир. Сенга бу шодмонлик бағишлагувчидир.

14

Зардушт Аҳура Маздадан сұради:

— Бутун вужуди илоҳий калом — мансаралар билан қуролланган қудратли илоҳ Сурушнинг сравашаваризи¹¹² ким?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашаван Зардушт!

У правдарш¹¹³ қушидир. Бадзабонлар уни қаҳрактос¹¹⁴, деб атайдилар. Бу қуш — бомдод маҳали эрта тонгда шундай бонг уради:

16

— Эй, инсонлар!

Оеққа қалқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гузал Ашаҳ — Ҳақиқатни васф айланг.* Узунқул Бушасп¹¹⁵ бошингиз устига келади ва эндигина кўз очган бутун махлуқлар яна уйқу домига чўқади.

Дев Бушасп инсонларга шундай дейди: «Ухла! Уйқуга чўм! Ҳали уйғониш фурсати келмади!..»

* Хуроэни «олам ногораси» демишлар. Субҳидаи ёруғлиги девларнинг язуни хира торттирган маҳалда хуроэлар бонг уриб, ёруғлики мадҳ этмадилар. Одамлар хуроэларнинг бу фарёдлари девларни қувиб солишга ишонмадилар. Ит ва хуроэ илоҳ Сурушнинг ер юзюда асвларга ҳарши курашгучи лашкарларидир.

Яна хуроз дейди:

«Ҳаргиз бу учликда сусткашлик қилма: эзгу фикратда, эзгу амалда ва эзгу каломда.

Ушбу ёмон учликдан зинҳор юз бур: ёмон фикратдан, ёмон амалдан, ёмон каломдан».

Туннинг ибтидосида Аҳура Мазданинг углони Олов хонахудо — юрт соҳибини имдода чорлайди ва дейди:

— Эй, юрт соҳиб!

Урнингдан қузғол. Белингни сириб богла. Энгил-бош кий. Қулларингни ювгил, сунгра утин ола менинг ҳузуримга ошиқ!

Дев яратган аҳриманий Оз¹⁶ менинг борлигим билан муҳораба қилиб, сундирмасдан бурун пок қулларингда покиза утинлар қалаб, мени алангалатгил.*

Туннинг иккинчи ярмида Аҳура Мазданинг углони — Олов қушчини имдода чорлайди ва дейди:

— Эй, қушчи!

Урнингдан қузғол. Белингни сириб богла. Энгил-бош кий. Қулларингни ювгил, сунгра утин ола менинг ҳузуримга ошиқ!

Дев яратган аҳриманий Оз менинг жисмим билан олишиб, сундирмасдан бурун пок қулларингда покиза утинлар қалаб, мени алангалатгил!

Туннинг учинчи ярмида Аҳура Мазданинг углони Олов порсо Сурушни имдода чорлайди ва дейди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!

Ҳузуримга ошиқ. Девзод Оз менинг вужудим билан хурашиб, сундирмасдан бурун одамлардан бири пок қулларида покиза утинлар қалаб, мени алангалатсин!

Шундан сунг, порсо Суруш бадзабон мараумлар қаҳрактос деб атагувчи правларш қушини уйғотиб юборади. Қуш ба-

ланд товущда субҳ ёвуқ келганидан одамларни огоҳ этиб, бонг уради:

— Эй, инсонлар!

Овққа қалқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гузал Ашаҳ — Ҳақиқатни васф айланг. Дасти дароз Бушасп бошингиз устига келади ва эндигина уйғона бошлаган махлуқот яна уйқуга чумди.

Дев Бушасп инсонларга шундай дейди: «Ухла! Уйқуга чум! Ҳали уйғониш фурсати етмади!..»

Хуроз яна дейди:

— Ҳаргиз бу учликда сусткашлик қилма: эзгу фикратда, эзгу амалда ва эзгу каломда.

Ушбу қабиҳ учликдан зинҳор юз бур: ёмон фикратдан, ёмон амалдан, ёмон каломдан..

Шу он ёстиқдошлар бир-бировларига дейдилар:

— Қузғолайлик. Хуроз бизни чорлаятти.

Бу ҳар иккидан ким даставвал уридан қузғолса, биҳиштга муяссар бўлади.

Бу ҳар икковдан ким даставвал пок қулларда покиза утинни Аҳура Мазданинг углони Оловнинг ҳузурига элтса, Олов ундан хушнуд бўлади, ундан сира газабланмайди. Ниманики истаса муҳайе айлайди ва унинг ҳаққига шундай дуолар қилади.

Сигирларинг подаси зиёда булсин ва кўплаб фарзандалардан баҳраманда булгин!

Сенинг андиша ва зийраклигинг афзун булсин!

Руҳинг ҳамиша ҳаракатда ва ҳаёт булсин!

Тирикликнинг бутун тунлари сенга шодмонлик, баланд ва хуш руҳ бахш этсин!

Будир — Оловнинг дуолари. Будир покиза утинни ашаванларча Олов ҳузурига олиб келиб, уни аланга олдирган бир мардининг ажри.

Кимда-ким меҳрибонлик ва парҳезкорлик билан менинг правдарш қушимдан



* Маздапараст уйқудан қўпиши баробарча, даставвал белини маҳкам сириб, қулларини ювиб, поклагач оловга утин қалабди лозим.

бир жуфтни — хуроз ва мокиёни — ашаван эрга тортиқ қилса, юз устунли, минг ўқли, ун минг улкан панжарали ва ун минг даричали уйни унга ҳадя қилган билан баробардир.

30

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан суради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Сен бу моддий оламда танҳоликда бирор нар билан қўшилсанг, юкли буласанми?

31

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Йуқ. Мен бу жисмоний оламда ёлгизликда бирор нар билан қўшилсам ҳам юкли булмайман.

32

Турт тоифа нар меникидир. Ушалар мени бошқа нарлар модаларини ҳомиладор қилгани каби юкли қила оладилар.

33

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан суради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Кимдир уша нарларнинг дастлабкиси?

34

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Менинг бирламчи нар жуфтим бир ашаван эр уйига кириб, унинг қимматбаҳо ганжидан бир оз сураган чоғда бермаган кимсадир.

35

Худди шундай одам бошқа нарлар уз модаларини қандай ҳомила қилсалар, ушандай мени юкли қила олади.

36

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан суради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Бу амалнинг товони қандай бўлади?

29

Кимда-ким менинг правдарш қушим тенги гуштни бир ашаван эрга тортиқ қилса, мен — Аҳура Мазданинг ундан ҳеч суровим йўқдир ва у яккаш биҳиштга дохил бўлади.

37

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Бу амалнинг товони — уша эр ҳарчанд ҳеч ким ундан сурамаган чоғда ҳам меҳрибонлик ва парҳезкорлик билан оэроқ булса-да уз хазинасидаги ганждан бир ашаванга бериш билан туланади.

38

У ана шу амали билан менинг бачадонимдаги боламни бир чорпо қашқир она қорнидаги гудакни юлиб олганидек, сугириб кетади.

39

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан суради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Кимдир сенинг нарларингнинг иккинчиси?

40

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Менинг иккинчи нарим барча юзларни топтагувчи (барчанинг юзига оёқ куйгувчи)дир.

41

Худди шундай кимса бошқа барча нарлар уз модаларини қандай ҳомила қилсалар, ушандай мени юкли қила олади.

42

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан суради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Бу амалга қандай қилиб товон туланади?

43

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Уша кимса юзни топтаб бўлганидан

Учинчи бўлим





сунг, уч одим масофага олислашгач, уч бор «Аҳуна Вора»¹¹¹, икки марта «Ҳвамата-танам»¹¹², уч марта «Ҳухшасрвтимам»¹¹³ ва яна бир қарра «Аҳуна Вора» ва бир бор «Йингҳи ҳотам»¹¹⁰ дуоларини қироат қилиши лозим.

44

У ана шу амали билан менинг бачадо-нимдаги боламини бир чорпо қашқир она қорнидаги гудакни юлқиб олганидек, сугириб олиб кетади.

45

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сұради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Кимдир сенинг нарларингнинг учинчи-си?

46

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Менинг учинчи нарим уйқусида ма-ниysi оққан кимсадир.

47

Худди шундай кимса бошқа нарлар уз модаларини қандай ҳомилали қилсалар, ушандай мени юкли қила олади.

48

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сұради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Бу амалнинг товони қандай булади?

49

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Уша кимса урнидан қуззолганидан сунг, уч бор «Аҳуна Вора», икки марта «Ҳваматаганам», уч марта «Ҳухшасрвтимам» ва яна бир қарра «Аҳуна Вора» ва бир бор «Йингҳи ҳотам» дуоларини қироат қилиши лозим.

50

У ана шу амали билан менинг бачадо-нимдаги боламини бир чорпо қашқир она қорнидаги гудакни юлқиганидек, сугириб олиб кетади.

51

Шунда уйқусида маний суви тукилган одам амшосипана Сипандормаздан сұра-ди:

— Эй, Сипандорма!

Мен бу одамни сенга топшираман. Сен уни буюк растохез (қиймат) куни менга қайтиб бер. Уни гоҳлар ва ясналар-ни биладигай, диногоҳ, муаммоларга ҳозиржавоб, хирадманд ва зийрак бир мард қилиб қайтариб бер.

52

Уни «Оловберди», «Оловқардош», «Оловзод» ёхуд «олов билан боғлиқ мав-жуд неки булса, уша ном билан атагил.*

53

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сұради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Кимдир сенинг нарларингнинг туртин-чиси?

54

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Менинг туртинчи нарим —хоҳ эр, хоҳ аёл булсин — ун беш ёшдан сунг, белбоғ боғламаган ва судра киймаган кимсадир.

55

Туртинчи одимидан** сунг биз — дев-лар унинг тил ва миясини чалғитиб таш-лаймиз, шундан сунг у бутун қудрат би-лан ташлаган одими туфайли Сипандми-ну оламини вайрон қилмоққа бошлайди; жодугарлар ва гумроҳлар каби тириклик-ни барбод этади.

56

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сұради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Бу амалнинг товони нечук туланади?

57

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Бундай гуноҳнинг товони йўқдир.

* Қадимий муғлар таълимотига мувофиқ иуғфа (маний суви) «кичик одам»дир. Ҳали дунёга келмаган бир тийра узв сана-лади. Аксерият таъдиқотқиларинг яқинлиги билан қилган эътирофига кура, бу «кичик одам» буюк бир мажмуадан узлиб тушган ва гумроҳ булган аъзо — мода илоҳ Ормантийга топширалади. Ормантий уни гумроҳқилдан қалос аялаб, уз жуфтдан бино булган фарзанд каби яқининг буюк қайта бутан кунига олиб боради.

** Ун беш ёшдан сунг мазапарастларинг махсус белбоғини боғлаб, судра анбосини киймаган ҳолатда уч одим ташлаган одам сиравшу-чарана ҳамчини билан уттиз марта саваланнади. Туртинчи одимни юқорда қайб қилинганидек, девлар изида булади.

ТҮРТИНЧИ ДАФТАР



ЯШТСАР





АҲУРА МАЗДА ҚАСИДАСИ

(1-яшт, Ҳурмузд яшт)

Шод булсин Аҳура Мазда ва даф булсин Аҳриман «энг сазовор ирода Ҳақиқат кушойиши ила»¹.

Мадх этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амали¹. Жамий эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга багишланаман, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман.

Келтирурман сизга, Барҳаёт авлиёлар, фикрат ва каломим, омом ва қудратим, «тирик-лигим вужуди ила» ситойишим ва сизинчим.

Олқишлайман Ҳақиқатни: «Ҳақиқат олий шарофатдир. Мушарраф булғай шарофатга улқим Ҳақиқати шарофатдир олий» (Уч марта)¹.

Ўзимни ёвуз жинслар муҳолифи Аҳура таълимотининг тарғиботчиси, Мазданинг зардуштий эҳтиромгуйи дея эътироф этаман¹.

Ҳақиқат ҳомийси тақводор Ҳавонига — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф, Ҳақиқат ҳомийси тақводор Саванҳи ва Вясяга — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф.¹

Ҳақиқат ҳомийси тақводор Радитвинога — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф. Ҳақиқат ҳомийси тақводор Фрадот-Фшу ва Зантумага — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф.¹

Ҳақиқат ҳомийси тақводор Узойиринига — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф. Ҳақиқат ҳомийси тақводор Фродот-Вира ва Даҳюмага — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф.¹

Мунаввар, фароғатли Аҳура Маздага фараҳмандлик — сизинч ва ситойиш, фараҳ ва шараф.¹

«Энг яхши Илоҳ каби...» суз қотди менга мулозим коҳин...», «Ҳақиқатнинг энг яхши боби янглиг» дея айтсин билгувчи ва инонгувчи¹.

1

Аҳура Маздадан
Сурди Сипийтмон Зардушт:
«Айтгил менга, Азизлардан Азиз,
Мавжудот даҳрининг парвардигори,
Муқаддас Сузлардан¹⁰ қай бири
Энг қудратли,
Энг музаффар,
Энг ҳузурбахшдир,
Ва гояти таъсирлидир бари-баридан¹¹.

2

Нимадир у сарбаланд беҳад,
Нимадир у нажотбахш гоят,
Ки нест айлар барчадан зиёд
Инс-жинлар ганимлигини?
Нимадир у мулки суғрода
Ҳар нарсадан узгувчи хаёл,
Нимадир у мулки суғрода
Энг Покиза руҳ?¹¹

3

Аҳура Мазда деди:
«Менинг номимдир у,
Сипийтмон Зардушт,
Муқаддас Барҳаёт номлардан, —
Таборақ ибодат каломларидан
Энг қудратлиси,
Энг музаффари,
Энг ҳузурбахши
Ва гояти таъсирбахши ҳам.

4

Ғолиблардан ғолиброқдир у
Ва нажотбахш барча нарсадан.
Инсу жинлар душманлигини
Нест қилгувчи ягона ҳам у.
Удир жисму жуд оламида
Ҳар нарсадан узгувчи хаёл,
Удир жисму жуд оламида
Энг покиза Руҳ!»

5

Зардушт деди:
«Ул номни дегил,
Эй бугубор, Ахура Мазда,
Ким бузургдир,
Гузалдир, хушдир,
Музаффардир,
Энг нажотбахшдир,
Инс-жинлар душманлигини
Даф этгувчи ҳаммадан зиёд
Ва таъсирчан барча нарсадан!»

6

Ушанда мен йуқ айлағумдир
Афсунгарлар ганимлигини,
Ушанда мен йуқ айлар эдим
Барча жину жодугарларни.
Мени асир эта олмасди
На жин зоти, на инсон зоти,
На ялмогиз, на фирибгарлар».

7

Ахура Мазда деди:
«Менинг номим — Суровчидир»¹¹,
Вафодор Зардушт,
Иккиламчи исми — Матлуб,
Учинчи — Қудрат,
Туртинчиси Ҳақиқатдир,
Бешинчиси Барча Эзгулик,
Мазда билан бошлангувчи бор
Ҳақиқатлар.

Олтинчиси — Ақл эрур,
Еттинчи — мен Ақлидирман,
Саккизинчи — Таълимотман мен,
Туққизинчи — мен Муаллимман.

8

Унинчи — мен Авлиёдирман,
Ун биринчи — Муқаддасман мен,
Ун иккинчи — мен Ахураман,
Ун учинчи — Қудратлидирман,
Ун туртинчи — Ёвуз эмасман,
Ун бешинчи — мен Толибдирман,
Ун олтинчи — Ҳисобчиси барча
нарсанинг»¹⁴.

Ҳар нарсани Кургувчиман —
ун еттинчиси,
Асрагувчи ҳам узимман —
ун саккизинчи,
Яратгувчи менинг узим —
ун туққизинчи,
Йигирманчи — мен Маздаман.

9

Зардушт, менга ибодат қил,
Ибодат қил кеча ва кундуз,
Адо этгил тоатларни
Муносиб тарзда.
Мен Ахура Мазда шу он

Мадад бермоқ учун келурман.
Сраҳоша хушфеъл келур
Сени қўлларга.
Қўлламоққа келур тиниқ
Сувлар, майсалар.
Қўллар сени
Тақводор қалблар.

10

Қай онки, эй Зардушт,
Нест айламоқ истасанг сен
Инс-жинлар душманлигини,
Жодугарлар, сеҳргарларни
Ва мустабид қавий дастларни,
Ҳамда ёвуз қоропонларни,
Жуфт оёқли аблаҳларни,
Каззоб олим ва турт оёқ
Газандаларни

11

Ҳам юсак ҳам хунолод уша
Кенг алвонли,
Кенг андомли душманларингни»¹¹
Ёд эт, ёд эт
Бу номларни
Кечаю кундуз.

12

Яратгувчи — Олампаноҳман,
Асрагувчи, Билгувчиман мен,
Муқаддас Руҳ исмиmdir менинг,
Ҳам Нажотбахш менинг исмиmdir,
Энг Нажотбахш исмиmdir менинг.
Мулозим ҳам менинг исми —
Таборақ Маҳрам
Ва Ахура исми менинг,
Мазда исмиmdir
Ва Тақводор исми менинг
Энг Тавфиқли — мен.
Ҳузурбахшдир менинг исми,
Энг Ҳузурбахш — мен.
Ҳар нарсани Кургувчиман,
Энг кургувчи — мен.
Энг сезгирдир менинг исми,
Энг Сезгувчи — мен.

13

Нигаҳбондир менинг исми,
Кузатгувчи — мен,
Яратгувчи исми менинг,
Паноҳ исмиmdir.
Ҳимоятгар — менинг исми,
Билгувчи — менман.
Ҳар Нарсадан Огоҳ — исми,
Подачи ҳам — мен.
Мен — «Подачи каломиман»¹⁴,
Ҳукмпарастман,
Уз-узимга Ҳокимман мен,
Нек Ҳукмдорман,
Хушфеъл Ҳукмдор.



14

Менинг исми — Алдаб булмас,
Исми — Алдовсиз.
Исми менинг — Пушт-Паноҳдир,
Вайронкор исми.
Бир ҳамлада маҳв этгувчи
Муқтадир исми.
Борлиқ-олам Халлоқи — мен.
Марҳаматдир исми менинг,
Шафқатпеша — мен.
Хайркордир — менинг исми.

15

Мен Амалда Саркордирман,
Ҳақиқатда — Даркордирман,
Кераклидир менинг исми,
Қудратлидир менинг исми,
Тавонодир менинг исми.
Ҳақиқийдир менинг исми.
Бузруквордир менинг исми.
Ҳукмдордир менинг исми,
Зур Ҳокимдир менинг исми.
Хирадманддир менинг исми,
Донишманддир менинг исми.
Олисларни Кургувчи — мен,
Бу исмлар бари менинг,

16

Ким бу жидду жад оламида,
Сипийтмон Зардушт,
Жумла менинг номларимни тун-кун ёд
этса,

17

Зикр этса турар чоги,
Зикр этса ёта,
Боглаганда камарини
Ёхуд ечганда¹⁷,
Уругидан кетганида,
Юртдан кетганда,
Ёхуд қайтиб келганида уз ватанига,

18

Ул кимсани маҳв этолмас
На тун, на кундуз
Ғазабкорлар таъқибининг
Ёвуз силоҳи,
На туқмоги, на пайкони,
На тиг, гурзиси,
На сангсорин шиддатлари.

19

Бу йигирма менинг исми¹⁸
Пушт-Паноҳдир
Барча фисқу ҳазёнлардан,
Ҳам ёзугли ҳалокатдан,
Осий қотилдан
Ва марговар каззоблардан,

Анҳра Ману фитнасида,
Бу исмлар асраб қолар минглаб
эрандек».

20

«Ким асрагай бизни, Мазда,
Айтгил, сенингча?
Мени олам нажоткорин
Сарвари қилгил.
Эзгу уйли Сраҳоша
Келсин кимга тушган эса
Сенинг назаринг»¹⁹.

21

Олқиш булсин Ҳуварнога,
Қавий даст зурга!
Олқиш Орий Войждага
Мазда берган яхшиликка!
Дот сувларга,
Тиниқ суви Ордвига ҳам
Олқишлар булсин
Ва эзгулик оламига
Булсин санолар.

«Энг яхши илоҳ каби...» (Ҳн марта).
«Ҳақиқат олий шарофатдир...»
(Ҳн марта)²⁰.

22

Биз ибодат бирла дуо қилармиз
Қудратли «Ахуна Вора» ҳаққига,
Суюми Воҳишта Ашақ ҳаққига.
Улмас Валийларни дуо қилармиз,
Эҳтиром қилармиз Кучу Қувватни,
Қониқиш, Шиддат ва Зафарёбликни.
Ҳокимлик, Ҳуварно ёдимиздадир
Ва таъзим қилармиш муруватпеша
Мунаввар Аҳура Маздага.
«Тоат келтирурмиз шарафли Мазда
Тан олган зотларга топинурмиз биз»²¹.

23

«Энг яхши Илоҳ каби...»
(Икки марта).
Санолар айтурман асли саного,
Санолар айтурман дуолар ҳаққи,
Санолар айтурман шиддат, қудратга,
Аҳура Маздага, саховаткорга.
«Ҳақиқат олий шарофатдир...»

24

Оҳ, Зардушт, асрагил асрлар оша
Вафодор эрларни хоин ёвлардан.
Асрагил ростларни зиён-заҳматдан,
Асрагилки горат қилмасин улар,
Асрагил илоҳий низом аҳлини,
Бизларни, Барҳаёт Авлиёларни.
Асрагил, энг муъжаз қурбонликларни
Энг улуг қурбонлик дегувчиларни.²²



Эзгу уй, оҳ Зардушт,
Менинг эъжозим.
Энг олий Ҳақиқат —
Эъжозим менинг.
Бу Дилоҳ Ҳоқимлик
Ижодим менинг,
Муқаддас Тақво ҳам
Ижодим менинг.
Тавфиқли зотларга
Нарги оламда
Раҳмат ва Боқийлик
Менинг коримдир,
Оҳ, Зардушт вафодор!

26

Онгла ва унутма,
Эй, содиқ Зардушт,
Менинг фикратимга
Боглиқдир буткул,
«Незук бу оламнинг яхши бўлмоги»,
«Не кечгай бу олам интиҳосида?»²¹

27

«Минглаб воситалар, туман чоралар»
(Уч марта).

Муқаддас Тақвонинг ихтиёрида.
Муқаддас Тақво-ла вайрон этингиз
Уларнинг тамомий ганимликларин.
Қулгин беркитинг, қулларин ушланг,
Оёқларин қирқинг, боғланг узларин!²²

28

Оҳ, Мазда тавфиқли,
Каззоб касларни
Айтгил забун қилиб булгайми чиндан!
Тақводор каззобни забун айлайди,
Забун айлар каззоб тақводорни ҳам.
Аҳура Мазданинг қулоқларига
Ибодат қилгаймиз, зероки улар
Эшитгай раббоний калималарни.
Аҳура Мазданинг солим Ақлига
Ибодат қилгаймиз, зеро бу ақл
Эслайди раббоний калималарни.
Аҳура Мазданинг забонида-да
Ибодат қилгаймиз, зеро ул забон
Зикр этар раббоний калималарни.
Ушидо ва Ушидарно тоғларига
Ибодат қилгаймиз кеча ва кундуз,
Ибодат қилгаймиз кеча ва кундуз.

29

Зардушт деди:
...
Муқаддас Тавфиқнинг жуфт кузи билан
Тилиб ташлангандир аҳли ножинслар.

«Минглаб воситалар, туман чоралар».
Асмо Ҳвананинг — тақводор эрнинг
Қалбига дуою тоат қилармиз,
Ибодат қилгаймиз юқиниб қаттиқ.
Мен тоат келтиргум Мазда атоси —
Тавоно Ҳоқарна шажарига.

31

Аҳура Мазданинг қулоқларига
Ибодат қилгаймиз, зероки улар
Эшитгай раббоний калималарни,
Аҳура Мазданинг солим ақлига
Ибодат қилгаймиз, зеро бу ақл
Эслайди раббоний калималарни.
Аҳура Мазданинг забонида-да
Ибодат қилгаймиз, зеро ул забон
Зикр этар раббоний калималарни.
Ушидо ва Ушидарно тоғларига
Ибодат қилгаймиз кеча ва кундуз,
Ибодат қилгаймиз кеча ва кундуз,
«Ҳақиқат олий шарофатдир...»

(Уч марта).

«Ва тақводор эрнинг...» сузлари
билан»²⁴.

32

Муқаддас Тавфиқдан ибтидо топган
Жумла ибтидони ардоқлаюрмиз,
Ким улар ҳақиқий ибтидосидир
Ҳақдан бино булган тақводорларнинг.
Барча улуглардан улугроқ, мумтоз
Аҳура Маздадир раҳбалад, сарвар.
Хунолуд Қаҳрининг нобуд булиши,
Анҳра Ману ва Мозон девларин,
Осий каззобларнинг ҳалокати ҳам
Мунаввар Аҳура Мазда зафари.
Барҳақу Барҳаёт жамий Валийлар,
Тиштра юлдузи — ёруғ ва бахтли,
Муттақий эрларнинг Муқаддас Рухи
Яратган махлуқот зафари сари.

33

«Ҳақиқат олий шарофатдир...»
Бахш эт унга бахт ва фирзулик,
Бахш эт унга соғ-саломат тан,
Бахш айла чунг бардошли вужуд,
Ул вужудга голиб бир имодод.
Бахшида эт тукис эзгулик,
Наслу насаб бахш эт толели,
Узоқ умр бахш айла унга.
Бахш эт нурдек муттақийларга
Саодатманда ва гузал ҳаёт²⁷.
«Ҳақиқат олий шарофатдир...»
«Минглаб воситалар, туман
чоралар...» (Уч марта)
«Ҳақиқат олий шарофатдир...»
Мадад бергил, Мазда! (Уч марта)
Эзгулик истовчи ҳимматлиларни
Ва худодод Вартраганини



Зафар мақомига қилгил мушарраф.
Ромонанинг хуш яйловларин,
Ҳар нарсага қодир Войани
Муқаддас Рух — борлигинг ила
Ҳокимлигин мустаҳкам айла

Ва ҳудудсиз замон ато қил,
Ато қилгил энг узоқ замон.
«Ҳақиқат олий шарофатдир.
Мушарраф бўлғай шарофатга ул
Ким Ҳақиқати шарофатдир олий».

АРДВИСУРА АНАҲИТА ҚАСИДАСИ

(5-яшт, Ардвисур яшт)

Шод бўлсин Аҳура Мазда...

Мазда бунёд этган Ардвисура Анаҳитанинг тиниҳ ва тавфиқли сувларига, жумла
усимликларига фарраҳмандлик — сизинч ва оқшиш, фараҳ ва шараф...

«Энг яхши Илоҳ каби...»

Биринчи бўлим

1

Сипийтмон Зардуштга деди Аҳура Мазда:
— Сен мен учун Ардвисура Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт,*
Кенг ёйилиб оқдувчи ул нажоткор

жонни,

Иблис қавмин хасми ҳамда мен —
Аҳуранинг

Эътиқод ва иймонига шафеъ хилқатни.

Ул муносибким, эҳтиром қилсин ҳамиша

Бу жисм даҳри,

Вужуд олами.

Ул аржумандким, эҳтиром қилсин

бардавом

Бу жисм олами,

Вужуд даҳри.

Арта¹ қутлуғлаган ҳислар қўзғавувчини,

Арта қутлуғлаган пода ҳимоятгарин,

Арта қутлуғлаган макон, уй-жой

ҳомийсин,

Арта қутлуғлаган ашё пушт-паноҳини,

Арта қутлуғлаган эл-юрт посбонини.

2

У падарлик нутфасини яратгувчидир,

У яратгай бу оламда бор аёл жинсин,

Тугруқ учун волидалиқ бағр-огушини.

Тулноқ дардин осон айлар аёл зотининг,

Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга

тулдиар

Она куксини.

3

Қутлуғ қадам ҳамда беҳудуд,

Узунлиги тенг куррайи замин оралаб

Оққан барча дарёларга, барча сувларга,

Ҳукариё² чўққисидан улоқиб, баҳри

Ворқушага³ етгувчи уқтам.

4

Варқушанинг қиргоқлари қайғуда қолар,
Қўкрагида қўпгай ваҳм ичра тўқинлар,
Қачон уларнинг сорига,
Қачон улар жонибига елиб келгай
Ардвисура Анаҳита.

Унингким минг қурфази бор,

Унингким минг шохоби бор,

Ҳар бир қурфаз утрусидан,

Ҳар бир шоҳоб утрусидан

Қирқ кун сургай аргумогин

Бебок чавандоз.

5

Сувларимнинг бир ирмоғи — бир шохоби

Етар етти иқлимга ҳам.

Сувларимнинг бир ирмоғи — бир шохоби

Қишин-ёзин тинмай оқар.

У чинакам шарофатли айлар мени,

Ҳам оталар нутфасини, аёл қорнини,

Ва оналар ҳуксини, —

6

Мен — Аҳура Мазда унинг Яратгувчиси,

Парвардигори,

Хонадонлар ва қишлоқлар,

Вилоятлар, мамлакатлар яшнасин учун,

Қуриқлаш учун,

Ҳифз-ҳимоят қилмоқ учун

Бунёд айладим.

7

Ва ниҳоят, оҳ Зардушт, у келди биз

томон,

Ардвисура Анаҳита,

Яратгувчи Маздадан келди.

Дарҳақиқат, қандай гузал унинг қўллари,

Опоқ тулдор сонидан ҳам кучли,

шиддатли.

* «Сен мен учун Ардвисура Анаҳитани Шарафлагил Сипийтмон Зардушт...» сатрлари билан бошланувчи биринчи банд сунгиғача нақоратдир. Қуйнда у «1-нақорат» деб бағиланади.



Удуглиги билан яшнар,
Гаройибдир оқин ирмоқлари гоят
Ва юксақдир,
Мудом бир уй билан банд:

8

«Ким шарафлар мени,
Хоҳин Заотар сирқитган ва пок айлаган
Ҳавмага ийланган сут билан мени ким ёд
этар?»
Мен кимларнинг омолини адо этгумдир?
Эътиқодли ва иймонли кимсаларга
Бағишлайман шодлик, бардам руҳ!»

9

Гузаллиги, улуглиги ҳаққи-ҳурмати,
Тинглангувчи дуо бирлан шарафлағумдир
Арта қутлуглаган Ардвисурани.
Жумлайи жон сенга ошиқсиң,
Ҳам эҳтиром қилсин зиёда,
О, Ардвисура Анаҳита,
Хоҳин Заотар сирқитган ва пок айлаган
Ҳавмага ийланган сут билан мени ким ёд
этар?»
Мен кимларнинг омолини адо этарман?
Эътиқодли ва иймонли кимсаларга
Бахш этарман шодлик, бардам руҳ!»

Иккинчи бўлим

10

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»

11

Олдиндаги — аравасин бошқарар унинг,
Ҳам арава тизгинини тутгандир маҳкам,
Учиб борар Ардвисура
Баҳодирлар учун қайгуриб,
Бир уй билан банддир мудом:
«Ким шарафлар мени?»
(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»

Учинчи бўлим

12

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»

13

Туртта тулпор қушилгандир аравасига,
Туртови ҳам бир тусда — опшоқ,

Якка зотли, баланд қоматли.
Ўта ёвуз душманлари —
Девлар, инсонлар,
Сеҳргарлар, афсунгарлар,
Қоропонлик¹ ва қавийлик¹ ҳукмдорлар
Ила жангга
шай.
(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Тўртинчи бўлим

14

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»

15

У — қудратли, ёруғ, юксақ, сарвқомат
Ким сувлари оқиб ётар кеча-кундуз,

Серблиги руйи замин узра оққан
Сувларга тенг,
Куч-қуввати тулиб-тошган,
Мудом олга интилар.

16

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурма-
ти...»)

Бешинчи бўлим

17

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»

18

Унга қурбонлик келтирди яратгувчи
Аҳура Мазда
Орий Вожа¹ саҳросида,



171

¹ 9-банд ҳам нақорат саналади. Қуйида у «2-нақорат» деб белгиланди.



Мушфиқ Доитё⁴ қиргогида
Ҳавм шарбати ийланган сут билан,
Барсам ва мадад учун ҳозир тил билан,
Фикр, калом, амал билан,
Заотар билан,
Куп уринли ваъзлар билан

19

Ва суради Аҳура Мазда:
«Бахш айлагил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Мен Пурушасп зурриёди ушал
Зардуштким

Эътиқодманда Артагадир,
Мудом сабоқ бермоқчиман, —

Олтинчи бўлим

22

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон, Зардушт...»)

23

Унга қурбонлик келтирди Ҳушийанҳа
Парадата',

Хоро⁴ чуққисиди —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй
Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида қил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура!
Ким мен ҳоким булайин мутлоқ
Барча кишварлар устидан,
Барча девлар ва инсонлар,
Сехргарлар, афсунгарлар,
Қоропонлик ва қавийлик
Ҳукмдорлар устидан ҳам,
Кунпаякун айлайин мен
Учдан икки қисмин Мозон девларининг,
Дуруж², Варна¹⁰ малайларин».

24

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Сургувчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.
(2-нақорат: «Гузалиги ҳаққи-ҳурмати...»)

25

(«Сен мен учун Ардвисура Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

30

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

Иймон билан фикр айласин,
Иймон билан сўз суйласин
Ва иймонга амал қилсин».

20

Бул омадни Аҳурага
Бахш айлади Ардвисура Анаҳита.
Суровчига,
Заотарга назр-ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш қилгувчи мудом омад.

21

(2-нақорат: «Гузалиги ҳаққи-ҳурмати...»)

26

Унга қурбонлик келтирди Ҳукариё
чуққиларида
Мунаввар ва мул-кул пода соҳиби Йима¹¹.
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

27

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахш айлагил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким мен ҳоким булайин мутлоқ
Барча кишвар — иқдимаарга,
Барча девлар ва инсонлар,
Жодугарлар, афсунгарлар,
Қоропонлик ва қавийлик ҳукмдорлар
Устидан ҳам.
Ҳам асрайин гаддор девлардан
Ашеларни, захираларни,
Ҳосилимиз, подамизни,
Омонлик ва иззатимизни».

28

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Сургувчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

29

(2-нақорат: «Гузалиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Саккизинчи бўлим

31

Унга қурбонлик келтирди уч оғизли Ажи
Даҳока¹¹
Боврай¹³ мамлакатида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан
«Бахшида эт шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Кунпаякун айлайин мен етти иқлимни».

Бул омадни бермади унга
Ардвисура Анаҳита.

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

Унга қурбонлик келтирди Атвйа¹⁴
уругида,
Паҳлавонлар хонадони Трэтонадан¹⁵,
Турт буржли Варна юртида баҳодир
углон, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

Ҷинчи бўлим

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

Унга қурбонлик келтирди қудратли
Керсасп¹⁶,
Пишинанинг¹⁷ соҳилида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан
«Бахш эт менга шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Олтин товон Ҳандарвадан¹⁸ голиб бўлайин.
Шух тўлқинлар соҳилини ювган Ворқуша

Ҷн биринчи бўлим

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

Унга қурбонлик келтирди Ғвуз
Франҳрасйон¹⁹,
Ҳалокатли жар Ғқасида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй,

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан
«Бахшида эт шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким мен мағлуб айлайин буткул
Ажи Даҳокани
Ва ул Арта оламида
Ҳалокат чун яратилган
Уч огизли, уч каллали, олти кўзли,
Минг-минг қудрат соҳибини,
Ҳам угирлай унинг икки хотинини, —
Санғжавак ва Арнавакни, —
Волидалик огушлари гўзал гоят
Ва рузгорда тенгсиз улар».

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этувчи мудом омад.

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)



Буйларида, мен — қудратли, тутқун
қилайин
Дуруж қоҳинларин,
Бу кенг, буртиқ ва ҳудудсиз замин
устада».

Бахш айлади унга омад —
Ардвисура Анаҳита, —
Тиловчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этувчи мудом омад.

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан
«Бахшида қил менга шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким Ҳуварно салтанатин соҳиби булай,
Ворқушанинг орасида порлаган мудом,
Ҳозирда ва келажакда
Қушилагандир орийларнинг мамлакатига
Ва Артага эътиқодли Сипийтмон Зардушт
Унга ҳамроҳдир».

Бул омадни бермади унга
Ардвисура Анаҳита.

Ўн иккинчи бўлим

50

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)
Унга қурбонлик келтирди баҳодир углон,
Мард Қавай Усқн¹⁰, —
Эрзифия¹¹ тоғларида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

51

Ва сўради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахш айлагил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким мен ҳоким булайин мутлақ
Барча кишвар — иқлимларга,

54

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

55

Унга қурбонлик келтирди
Ориёний мамлакатлар баҳодири,
Ҳокимият суянчиги паҳлавон Хусрав¹²,
Чечаст¹³ қулин соҳилида — мовий,
беҳудуд, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

56

Ва сўради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида қил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким мен ҳоким булайин мутлоқ
Барча кишвар — иқлимларга,
Барча девлар ва инсонлар,
Жодугарлар, афсунгарлар,

59

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

60

Унга қурбонлик келтирди матонатли
Тус¹⁴,

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Барча девлар ва инсонлар,
Жодугарлар, афсунгарлар,
Қоропонлик ва қавийлик
Хукмдорлар устидан ҳам».

52

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

53

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ўн учинчи бўлим

Қоропонлик ва қавийлик ҳукмдорлар
устидан ҳам
Ва жанговар аравани бошқарайин
барчадан аввал

Жанг арсаида,
Ҳам хоинлар тузоғидан омон қолайин
Суворалар курашида голиб келса
Евуз ёвлар ҳам».

57

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

58

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ўн тўртинчи бўлим

Моҳир суворий
Ва куч-қудрат хоҳиш этди
Ардвисурадан, —
Аравани бошқармоқлик,
Тағ-саломатаик,
Ганимларни олислардан пойлаб туриб,
Гаразлини асир олмақ,
Душманларни бир ҳамлада маҳв этмоқни
Утинди у.



61

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан
«Бахшида эт, шундайин омад,
О қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ҳшатросуқа²⁶ тоғларининг оралигида,
Арта қутлуглаган Қонха²⁶ қалъасидаким,
Юксаклардан юксакдир гоят,
Восақ²⁷ наслин ботирлари устидан мутлоқ
Голиб булайин,
Туронзамин қушинларин қириб

ташлай, —

Юз зарб билан эллик карра,

Ҷн бешинчи бўлим

64

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

65

Унга қурбонлик келтирди Восақ
наслининг

Ёвқур эрлари,
Ҳшатросуқа тоғларининг оралигида,
Арта қутлуглаган Қонха қалъасидаким,
Юксаклардан юксакдир гоят, —
Юз от, мингта новвос, ўн минг қўй.

66

Сурадилар Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида эт бизга шундайин омад,
О қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Матонатли Тус сипоҳин мағлуб этайлик,
Орийзамин лашкарларин қилайлик
тор-мор, —

Юз зарб билан эллик карра,
Минг зарб билан юз карра,
Юз минг зарбда ўн минг карра».

67

Бул истакни бажо этмади
Ардвисура Анаҳита.

68

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

69

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

70

Унга қурбонлик келтирди моҳир қайиқчи
Паҳурва²⁸,
Голиб сипоҳ Трётоннинг иродаси билан
Калхат булиб самоларга учиб кетганда.

71

Уч кеча-ю уч кундуз осойиш билмай

Минг зарб билан юз минг карра,
Юз минг зарбда ўн минг карра».

62

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Сурғувчига,
Заотарга назру ниёз қилғувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этувчи мудом омад.

63

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Талпинди ўз манзилига,
Етолмади.
Учинчи кун адогида тонг маҳали
Ардвисура ҳузурда пайдо булди
Ва субҳидам шуълалари ёнган маҳал
Ардвисура Анаҳитага юзланди у:

72

«О, Ардвисура Анаҳита,
Келгил, менга мадад бергил,
Ёрдам бергил.
Гар мен омон қайтиб борсам маконимга,
Мазда бунёд этган Ерга қайтиб тушсам,
Сенга минглаб қурбонликлар
келтиргумдир, —

Заотар Рангха²⁹ сувларига қутлуглаган,
Сут ийланган ва покланган ҳавмни»

73

Ардвисура Анаҳита
Оқиб борди унга томон,
Бир парируй тимсолида,
Сарвқомат ва шамшодваш,
Камарбаста ва шойиста,
Бошмоқлари тупиққача ярқираган,
Тиллодандир шокиласи!

74

Қулларидан маҳкам тутди Паҳурванинг,
Бир лаҳзада муъжизалар руй берди
гуё, —

Мазда бунёд этган замин узра турарди у
Ўз уйида, соғ-саломат, безаҳмат бутун,
Бурунгидек ҳар бир ишда моҳир ва чечан!

75

Шундай омад ҳада этди унга бениёз
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилғувчига,
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этувчи мудом омад.

76

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)



Ўн еттинчи бўлим

77

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

78

Унга қурбонлик келтирди ботир
Жамаспа¹⁰,
Иблисларга чуқингувчи Дуруж малайлари
Қушин тортиб келганини кургач
олисан, —

79

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида эт менга шундайин омад,

О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Мен шундайин голибликка ноил булайким,
Бор орийлар биргаликда булғай мушарраф».

80

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Сургувчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

81

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ўн саккизинчи бўлим

82

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

83

Унга қурбонлик келтирди Ашавазда,
Пурудаҳшанинг зурёди,
Ашавазда ва Трита¹¹,
Санйуждранинг углонлари.
Олий Илоҳ, мунаввар у ҳокими ҳақ,
Учқур тудпорлар соҳиби Апам Напат¹²,
Шарафига тикланган бир муборак
ерда, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

84

Ва сурдилар Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида қил бизга шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура
Анаҳита,

Ким музаффар булайлик биз,
Туронзамин данавийлардан¹³,
Асанбона уругидан баҳодир Қора,
Асанбона уругидан баҳодир Вора
Ва шавкатли Дуракатдан булайлик
голиб.
Ҳам уларнинг бойликлари учун
жангларда
Омад бўлсин ёр».

85

Бахш айлади уларга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

86

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ўн тўққизинчи бўлим

87

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

88

Унга қурбонлик келтирди Вистарав,
Улдир Нотарид¹⁴,
Витангуҳайти¹⁴ суварларида
Ва шундайин ҳақ сўзларни баён айлади:

89

Ҳақиқатни айтаман мен, бор ҳақиқатни,
О, Ардвисура Анаҳита,
Бир бошимда қанча сочим бор эса шунча
Деву жинга сигингувчини
Кул-кукунга айлантирганман,
Энди менга қуруқ йул очгил,
Ардвисура Анаҳита,
Шафиқ Витангуҳайти орасидан!»



90

Ардвисура Анаҳита
 Оқиб борди унга томон
 Бир парирўй тимсолида,
 Сарвқомат ва шамшодваш,
 Камарбаста ва шойиста,
 Бошмоқлари тупиққача ярқираган,
 Тиллоданбир шокиласи.
 У тўхтатди оқимнинг бир томонини,
 Бир томони оқиб утди олисларга.
 Шундай қилиб меҳрибон Витангуҳайти
 орасидан

Йигирманчи бўлим

92

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
 Анаҳитани
 Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

93

Унга қурбонлик келтирди
 Бегаш Рангҳа жазирасида,
 Фрийонийлар хонадонидан —
 Йоҳишта», —
 Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

94

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
 «Баҳшида қил шундайин омад,
 У қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
 Ким мен голиб булайин мутлоқ

Йигирма биринчи бўлим

97

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
 Анаҳитани
 Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

98

Хайрпеша Аҳура Мазда сўз қотди
 «Қуйи энгил,
 Келгил бизларга,
 О, Ардвисура Анаҳита,
 Мазда бунёд этган ерга энгил куклардан,
 Қуй, баҳодир ҳукмдорлар, юрт
 моликлари,
 Соҳибмулклар фарзандлари мадҳ
 этсин сени.

99

Қуй, зўравор суворийлар сурсинлар
 сендан
 Айгирларга ҳокимликни ва соҳибликни

Очиб борди қуруқ бир йўл,
 Бахш айлади унга омад
 Ардвисура Анаҳита, —
 Суровчига,
 Заотарга назру ниёз қилгувчига
 Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
 Бахш этгувчи мудом омад.

91

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ёвузлардан ёвуз, кўзни қамаштиргувчи
 Аҳтиа устидан.
 Жавоб берай сирли, чалкаш ҳамда доғули
 Туқсон туққиз саволига
 Ёвузлардан ёвуз, кўзни қамаштиргувчи
 Аҳтианинг».

95

Бахш айлади унга омад
 Ардвисура Анаҳита, —
 Суровчига,
 Заотарга назру ниёз қилгувчига
 Ва қурбонлик келтирганга шараф бирлан
 Бахш этгувчи мудом омад.

96

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ва зиёда булмоглигин шавкатларин ҳам.
 Қуй, қоҳинлар тоат чоғи, ибодат пайти
 Хирадмандлик сўрасинлар ва
 муқаддаслик.
 Ҳам Аҳура йўллагувчи зафар тугини
 Ва унингда музаффарона юксаклигин,

100

Қуй, никоҳга интиқ булган гайратли
 қизлар
 Сўрасинлар зор-интизор кутган кунларин,
 Хонадонин бир баҳодир соҳибини ҳам.
 Қуй, жувонлар, ҳомилали хушқад
 хотинлар
 Сўрасинлар осонгина кўз ёрмоқларин.
 Сен берурсан, яратурсан ва бахш этурсан
 Улар сўрган бор нарсани,
 О, Ардвисура!
 Зеро улар бари сенинг ихтиёрингда!»



177

101

Ва ниҳоят, Зардушт,
Келди у, —
Ардвисура Анаҳита,
Мазда бунёд этган ерга энди куклардан
Ва суйлади Ардвисура Анаҳита:

102

«Ҳақиқатда, о, Артага инонгувчи Сипийтмон Зардушт.
Сени бу жисм оламининг ҳимоятгари —
Ратава⁴ деб атади Мазда
Ва Артага садоқатли мени Аҳура
Бу дунёда бор мавжудот Ҳомийси деди.
Менинг куркам ва улугвор ҳимоятимда
Ер юзида муъжаз моллар,
Йирик моллар ҳам,
Жуфт оёқли одамзод ҳам зиёда булди.
Ҳақиқатда мен жумлайи яхшиликларким,
Мазда бунёд этиб, Арта сафарбар қилди,
Асрайдирман қутанларда асралгандек
қуй».

103

Ва сўради Зардушт шунда
Ардвисура Анаҳитадан:
«Нечук қурбонлик билан мен шарафлай
сени,
Нечук қурбонлик билан мен эҳтиром
этай?
Ким Аҳура Мазда сенга бу ердан эмас,
Қуёш шарин нарегидан йул очиб берсин,
Шунинг учун илонлар
Ва ҳар қандай Артна,
Ҳар қанақа Вавжақийлар, Варнавашилар,
Варнавалар⁷ зиён-заҳмат
етказмасинлар?»

104

Ардвисура Анаҳита жавоб айлади:
«О, Артага инонгувчи Сипийтмон Зардушт,
Кун чиқардан токи куннинг ботишигача,
Мана қандай қурбонликлар қилишинг лозим:
Бу заотра* меникидир,
Сен ул билан ҳузур қилгил,
Қоҳинларки сўрадилар муқаддас суз,
Қоҳинларки сўрадилар маъруф амр,
Ҳам элчиким аён унга муқаддас Калом,
Майли ҳузур қилсин у билан.

105

Аммо зинҳор қилмагайдир ҳузур-ҳаловат
Заотрам билан менинг

Безгак билан огриман бирор-бир кимса,
Чурра тушиб огриман бирор-бир одам,
На бир хотиқ,
На бир жамоа,
Ким Готларни уқимагай.
На бирор-бир мохов,
На бир раъди маърака.

106

Ва ҳеч қачон заотрасин қабул қилмайман
Куру карнинг, пакана ва ақли заифнинг
Ва халойиқ амри билан тамга босилган
Девоналарнинг.
Ионасин қабул қилмасман
Олд томони букрининг ҳам,
Орт томони букрининг ҳам,
На сўйлоқ тиш пакананинг
Заотрасин қабул қилмасман!»

107

Ва сўради Зардушт Ардвисура
Анаҳитадан:
«О, Ардвисура Анаҳита,
Нима булғай заотранг сенинг
Иблисларга сизингувчи Дурж малайлари
Кун ботгандан кейин инъом қилсалар
уни?»

108

Жавоб берди Ардвисура Анаҳита:
«О, Артага инонгувчи Сипийтмон
Зардушт,
Қутир босган, жароҳати қупорилган иб-
лиссиёқлар, —
Олти юз минг⁸ — тубан палидлар
Заотрага қул уришиб менинг ортимда
Дев-жинларга хизмат қилиб юрарлар
буткул!

109

Шарафламоқ истайман олтин
Ҳукариё чуққиларини, —
Ва минг-минг эран қоматидек
юксакликлардан
Оқиб келар
Ардвисура Анаҳита,
Руйи-замин узра оқин сувларга тенг
Балаңдик билан
Кучга тўлиб интилар олга.

110

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)



178

*Бу ўринда келган «заотра» — усимлик шарбати билан юқоридаги «Қоҳин Заотра»ни фарқлаш лозим (Таржимон).

Йигирма иккинчи бўлим

111

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

112

Жамъ буларлар атрофида унинг Маздага
Топингувчилар.
Қулларида барсман.
Унга қурбонлик келтирди ҳвовалиқлар»,
Унга қурбонлик келтирди нотаридлар,
Бойлик-ҳашам сўрадилар ҳвовалиқлар,
Нотаридлар учқур отлар сўрдилар ундан
Ва тез кунда ноил булди бойлик қудратга
Ҳвовалиқлар,
Ва тез кунда ҳосил булди орзу-аъмоли
Нотаридларнинг.

Виштасп соҳиб булди бу юрт, бу мазгил-
ларнинг
Учқур отли йилқиларига.

113

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

114

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Йигирма учинчи бўлим

115

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

116

Унинг минглаб курфази бор,
Унинг минглаб шохоби бор.
Ҳар бир курфаз утрусидан,
Ҳар бир шохоб утрусидан
Қирқ кун сургай аргумогин
Бебок чавандоз.
Ҳар курфазда, шохобалар соҳилида
Қад ростламиш гузал бир уй.
Юз дачали, ярқираган,
Минг устунли кўркам ҳайкал.
Қудратли уй,
Ун минг таянч нуқталарга
Тикланган у.

Ҳар бир уйда йулчи меҳмон
Оқ чойшабли сўриларда
Хушбуй, хушрўй
Ва мулойим ёстиқларда
Ором олар...
Минг-минг эран қоматидек юксақликдан
Оқиб келар Ардвисура Анаҳита,
Вафодор Зардушт,
Рўйи замин узра оқин сувларга тенг
Баландлик билан
Кучга тўлиб, интилар олга.

118

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Йигирма тўртинчи бўлим

119

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

120

Унга қурбонлик келтирди Сипийтмон
Зардушт, —
Ул Артага инонгувчи,
Орий Вожа саҳросида,
Мушфиқ Даитя қиргогида,

Сут биланким, қўшилгандир ҳавм
шарбати,
Барсман ва мадад учун ҳозир тил билан,
Фикр, калом, амал билан,
Заотра билан,
Қуп уринли ваъзлар билан.

121

Ва суради Сипийтмон Зардушт:
«Бахш айлагил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,



Ким мен Аурватасп зурёди,
Баҳодир Кавай Виштаспа
Мудом сабоқ бермоқчимаң, —
Иймон билан фикр айласиң,
Иймон билан суз суйласиң,
Ва иймонга амал қилсин».

122

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —



180

Йигирма бешинчи бўлим

124

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

125

Унга қурбонлик келтирди донишманда
Виштасп,
Баҳри Фразданав^о соҳилида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

126

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахш айлагил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким мен голиб булай ёвуз ва бадкор
Яратилмиш Тантриавнтдан»,

Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

123

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Пешона^и девларин малайларидан,
Ҳамада Дуж хизматчиси —
Аржатаспдан^и,
Голиб булай унинг неъмат, газналари-чун
Булган жангларда.

127

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

128

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Йигирма олтинчи бўлим

129

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

130

Унга қурбонлик келтирди
Ёвқур суворий Зариварай^и,

Даитйа сувин соҳилида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

131

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида қил шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура
Анаҳита,
Ким мен голиб булай мутлоқ

Ҳумойқа^и — дев ва иблис малайидан,
Тирноқлари узун-узун,
Саккиз дузах горларида яшагувчи,
Ҳамада Дуруж хизматчиси —
Аржатаспдан,
Голиб булай унинг неъмат, газналари-чун
Булган жангларда».

132

Бахш айлади унга омад
Ардвисура Анаҳита, —
Суровчига,
Заотарга назру ниёз қилгувчига
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан
Бахш этгувчи мудом омад.

133

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Йигирма еттинчи бўлим

134

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

135

Унга қурбонлик келтирди
Вандарманиш, —
Аржатаспнинг биродари,
Ворқушанинг сувларида, —
Юз от, мингта новвос, ун минг қуй.

136

Ва суради Ардвисура Анаҳитадан:
«Бахшида эт шундайин омад,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
Ким мен голиб бўлайин мутлоқ
Мардонавор Қавай Виштаспдан
Ҳамда ёвуз Зариварай чавандозларидан.
Орийзамин лашкарларин айлайин

тор-мор:

Юз зарб билан элли карра,
Минг зарб билан юз карра,
Юз минг зарба ун минг карра».

137

Бул омадни бермади унга
Ардвисура Анаҳита.

138

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Йигирма тўққизинчи бўлим

143

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

144

Олтин чойшаб кукракларин пинҳон
сақлар,
Турар гамхур Ардвисура Анаҳита
Ва заотар садосини қумсар,
Мудом бир уй билан банд.

139

(1-нақорат: «Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

140

Туртта айгир яратди Аҳура Мазда:
Шамол, ёмгир, булут ҳамда дул.
Ҳамиша ва ҳар қачон Сипийтмон
Зардушт,
Турт нафар айгирнинг иродаси-ла,
Зухур этди туртта ҳаводис:
Ёмгир, қорлар ёғдирар
Ҳам дул билан савалар, сувлар сочар,
Ардвисура зиммасига тушди туққиз юз,
Минг томчи сув.

141

Шарафламоқ истайман олтин
Ҳукариё чуққиларини
Ва минг эран қоматидек юксакликлардан
Оқиб келар Ардвисура Анаҳита.
Руйи замин узра оқин сувларга тенг
Баландлик билан,
Кучга тулиб, интилар олга.

142

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)



181

145

«Шарафлагай кимлар мени,
Ким сут билан ийланган
Ва Заотар қутлуглаган ҳавм бирла
Мени ёд айлар.
Мен уларнинг омолини адо қиларман,
Эътиқодли ва иймонли кимсаларга
Бахш этарман шодлик, бардам руҳ!»

146

(2-нақорат: «Гузаллиги ҳаққи-ҳурмати...»)

Ўттининчи бўлим

147

(1-нақорат: Сен мен учун Ардвисура
Анаҳитани
Шарафлагил, Сипийтмон Зардушт...»)

148

Ҳар ким уни кургай, —
Ардвисура Анаҳитани
Бир париваш тимсолида,



182

Сарвқомат ва шамшодваш,
Камарбаста ва шойиста,
Бошмоқлари ярқираган тупиққача,
Тиллодандир шокиласи.
Қулларида барсман унинг бир меъёрда.
Балдоқлари ярадлаган, —
Турт қиррали, олтин суви юргизилган.
Шафқатпеша Ардвисура Анаҳита
Гарданига чирмашгандир
Гузал шода.
У қоматин таранг тутар,
Буртиб чиқсин учун сулим сийналари
Ва одамлар нигоҳини қаратмоққа
Узи томон.

149

Пешонасин зебо этмиш Ардвисура
Анаҳита
Жозибали гардиш билан.
Юз тусдаги ранглар уни безатмишдир,
Тилло суви юргизилган.
Саккиз қисм аравадек,
Шокилалар ҳилпираган афсуннамо.
Уртасида гузал ҳалқа,
Моҳирона яратилган.

150

Кундуз пўстин кийгандир у —
Ардвисура Анаҳита,
Уч юз кундуз терисидан,
Тикилгандир қачонлардир.
Боққан кўзни тиндиргувчи
Олтин, кумуш тусда порлар унинг
мўйнаси.“

151

Энди эса,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура
Анаҳита,
Мурувватинг утинаман,
Ким мен ўзинг суйган одам,
Соҳиб булай гоятда чунг салтанатга, —
Салтанатким емак-туша туқиндир ҳўп,

Тақсимлашар уни мулк-қул,
Салтанатким, пишқиришар айғирлари,
Гумбурлайди гилдираклар,
Ҳуштак чалиб учар қамчин,
Яшириндир озуқалар
Ва орому осудаидир.
Салтанатки, унда барча эркинликда,
Ҳаловатда яшар.

152

Энди эса,
О, қудратли, шафқатпеша Ардвисура
Анаҳита,
Юбор икки баҳодирни —
Жуфт оёқли бўлсин бири,
Турт оёқли бўлсин бири.
Ул биттаси ҳарб-зарбларда эпчил бўлсин
Ғанимларга солганида аравани.
Турт оёқли душманнинг қўш қанотини,
Ким ёйлиб босиб келар,
Ортага қайтарсин, —
Суду соғдан, соғу сулдан.

153

Бу дуолар ҳаққи-ҳурмати,
Бу олқишлар ҳаққи-ҳурмати
Ва бу олам ҳаққи-ҳурмати,
Келгил бизга, Ардвисура Анаҳита.
Юлдузлардан ерга энги,
Келгил Мазда бунёд этган бу заминга,
Келгин эҳсон қилгувчига заотрани
Ва қурбонлик келтирганга шараф билан,
Қавай-Виштасп лашкарлари каби жумла
баҳодирлар
Ғолибона қайтсин ўз маконига,

154

(2-нақорат: «Гузалиги ҳаққи-ҳурмати...») «Энг яхши илоҳ каби...» (2 марта).
Аҳура Мазда ато қилган яхши сувларга
ибодат ва олқиш, куч-қудрат тилайман,
покиза ва тавфиқли Ардвисура сувларига.
«Ҳақиқат — олий шарофат...»

ҚУЁШ ҚАСИДАСИ

(6-яшт, Хуришд яшт)

Шод бўлсин Аҳура Мазда..
Учқур тулпорли мунаввар ва безавол
Қуёшга фараҳмандлик — ибодат ва
олқиш, фараҳ ва шараф.
«Энг яхши Илоҳ каби...»

1

Биз қуёшга сигинамиз,
Безавол Нурга,
Учқур унинг тулпорлари.
Қачон Қуёш нур таратадир,
Қачон илитадир Қуёш,

Қоим турар юз минг адад
Маъбудлар,
Танлайдирлар бахтни шунда маъбудлар¹,
Тақсимлайдир бахтни шунда маъбудлар.
Қутлуг Мазда халқ айлаган бу Заминга,
Оламларга нур этадир бахш,
Ҳақиқатга рушду ривож.

2

Қай он Қуёш тулуъ қилур,
Мазда ато қилган Замин
Ёришадир,
Ёришадир жумла сувлар, —
Оқин сувлар,
Улик сувлар,
Сарчашмалар,
Сувлари-да баҳру барнинг.
Муқаддас Руҳ бунёд этган
Офариниш ёришадир.

3

Тулуъ қилмас эса Қуёш,
Агар тулуъ этмаса Ул,
Замин узра мавжудотни
Қиладир дев-жинлар ҳалок.
Ва сурушлар, фаришталар
Жисм олами ичра зинҳор
Яшолмайди.

4

Ким безавол бу Зиёга, —
Офтобга тоат қилса,
Учқур булур тулпорлари
Зулмат билан курашганда.
Зулумот эҳё айлаган
Дев-жинларга берур зарба.
Дузлар билан курашади,
Жодугарлар, афсунгарлар
Ҳалок эта олмас уни,
Хотирасиз ва фикратсиз
Маршаван¹ маҳв этолмайди, —
Ул мунаввар ва безавол
Аҳурага топинадир,

Топинадир ўз қалбига.
Ким безавол бу Зиёга —
Офтобга тоат қилса,
Заминий ва осмоний
Маъбудларга буйинсунар,
Ким учқурдир тулпорлари.

5

Биз Митрага топинамиз,
Поёнсиздир, ҳудудсиздир
Утлоқлари.
Қулоқлари минг биттадир,
Нигоҳлари минг биттадир
Ва девларнинг калласига¹
Соладир чунг чуқмор билан.
Сигинамиз Қуёш ва Ой
Орасида гоят тотув
Робитага.

6

Сигинаман фараҳмандлик, шодлик ҳаққи
Дуо бирлан бор овозда
Завол билмас Офтобга,
Учқур унинг тулпорлари.
Завол билмас Шаъшага,
Учқур унинг тулпорлари
Ва қуюрман ҳаоманинг шарбатини,
Ҳам барсман чивқиқари бирлан тақрор,
Ҳам суз ила ким санъатдир жовидона,
Фикрат бирлан, амал бирлан,
Ҳам ҳақиқий калом бирлан
Мен Қуёшга топинурман.
«Шарофатли Аҳура Мазда
Топинмоққа буюрганларгагина
Тоат келтирурмиз».⁴

7

«Энг яхши Илоҳ каби...» (Икки марта).
Ибодат ва олқиш, куч ва мадор тилайдир-
ман учқур отли
мунаввар ва безавол Қуёшга.
«Ҳақиқат олий шарофатдур...»

МИТРА' ҚАСИДАСИ

(10-яшт, Мехр яшт)

Шод булсия Аҳура Мазда..

Биринчи бўлим

1

Аҳура Мазда суз қотди:
Сидийтмон Зардуштга:
«Мен Митрани яратдим шундай, —
Ҳудудсиздир унинг яйлови,

Ҳудудсиз яйловлар молики Митрага
ва яхши утлоқлар соҳиби Раманага фа-
раҳмандлик — дуо-ю олқиш, фараҳ ва ша-
раф.

«Энг яхши Илоҳ каби...»





184

Мен — Аҳура Мазда муносиб
Ибодатлар ва олқишларга
Муносибдир у ҳам батамом.

2

Мамлакатни бузадир палид,
Ҳам лафасиз тубан каззоблар.
Юзлаб аблаҳ муттаҳамлардан
Баттар нобуд айлайди улар
Яхшиларни, хайрлиларни.
Амр этилган аҳдага содиқ бул,
Сипийтмон, унутма зинҳор.
Гайри динли баттолларга ҳам,
Садоқатли яхшиларга ҳам, —
Вафо қавли баб-баробардир.
Ҳар икковига:
Каззобларга, ростгўйларга ҳам.

3

Митра юргун отлар берадир
Ҳадсиз яйлов соҳибларига,
Ҳам лафзида устуворларга.
Аҳура Мазданинг олови'
Уз қавлига содинлар учун
Ато айлайдир мустақим йул
Ва тавфиқли авлиёлар ҳам
Ва забардаст фравошлар' ҳам
Бахш этадир солиҳ зурриёда
Уз сузида қоим зотларга».

4

Фараҳмандлик ҳаққи-ҳурмати
Бор овозда дуо қиламан
Ва ҳудудсиз яйловлар шоҳи
Митра ҳаққи келтирадирман
Мен қурбонликлар.
Биз эҳтиром қиламиз Уни,
Яйловлари поёнсиздир хул,
Яхшиликлар яратадир Ул,
Ҳам орийлар мамлакатига
Осудалик бахшида айлар.

7

Биз Митрага топинамиз,
Яйловлари ҳад-ҳудудсиздир.
Ҳақиқатдир унинг сузлари, —
Минг қулоқли, ада қоматли,
Минг-минг нигоҳ соҳибдир у.
Қудратлидир, буй-баста уқтам,
Уйқусиздир, ҳаловатсиздир,
Кенгликларнинг парвардигори.

8

Икки ганим юрт орасинда
Қонсираган ёвларга қарши
Ҳарбу зарбга йул олар экан
Мамлакатлар соҳибқирони,

5

Келсин бизга мадад бермоққа,
Келсин бизга кенг даштлар учун,
Келсин бизни қўлламоқ учун,
Келсин бизга мурувват учун,
Келсин бизни қўтқармоқ учун,
Келсин бизга голиблик учун,
Келсин бизга бахт-шодлик учун,
Келсин бизга яхшилик учун,
Келсин голиб, келсин забардаст,
Ёлгонларга буйинсунмас Ул, —
Дунё ҳамду саноларига
Лойиқ Митраким бекарона
Яйловларнинг моликидир.

6

Куч-қудрати ҳадсиз Митрага
Топинаман
Ким, забардастдир
Яратилиш, офаринишда',
Ибодатлар адо қилурман,
Олқиш билан ёд айлайдурман.
Бор овозда дуо қиламан.
Кенг яйловлар шоҳи Митрага
Сигинаман.

Биз Митрага топинамиз,
Яйловлари беҳаддир унинг.
Сут ийланган ҳавм билан,
Ҳам барсман чивиги билан,
Олижаноб суз сеҳри билан,
Ҳам муқаддас ваъзлар билан,
Калом билан ҳам амал билан
Ибодатлар келтируرمىз биз,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан.
«Шарофатли Аҳура Мазда топинмоққа
Буюрганларгагина топинадирмиз».

Иккинчи бўлим

Топинадир унга, чорлайдир
эл-юртлар ҳукмдорлари.

9

Ва кимда-ким эътиқод ила
Ишонч ила уни васф этса,
Сидқиидан, куч-қудрат билан
Унга томон юз бура Митра,
Унга мадад берадир Митра,
Улким ҳадсиз яйловлар шоҳи
Ғолибона Шамоллар билан,
Ҳам илоҳий Ғалаба билан'.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Учинчи бўлим

10

Биз Митрага топинамиз...

11

Эгилганча тулпор ёлига
Чорлашади ёвқур сарбозлар
Узларига томон Митрани,
Саломатлик утинадирлар,

Мустаҳкамлик от абзалига,
Утинурлар ёвларни олис
Олислардан кузатмоқни ҳам,
Утинадир ганим устидан
Бир ҳамлада голиб бўлмоқни, —
Жумла рақиб мухолифлардан,
Ҳар бир гайри,
Ҳар бир гажордан.
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи.

Тўртинчи бўлим

12

Биз Митрага топинамиз...

13

У самовий илоҳлар ичра
Энг бирламчи тулуу айлайдир.
Ҳара' узра буйланур аввал,
Улмас Қуёш рупарасида,
Ким учқурдир отлари унинг,
Етишадир барчадан бурун
Тилло тусли қашанг тоғларга,
Чуққилардан кузатар жумла
Ориёний мамлакатларни,

14

Ким баҳодир юрт моликлари
Мардонавор ҳарбга шайланар;
Юксак тоғлар оралигида
Мул-кул яйлов ва утлоқларда
Эмин-эркин яйрайди пода;
Тубсиз, теран ҳовузлар узра
Бош кўтарар тинсиз тўлқинлар
Ва кемалар юзгувчи дарё
Узанлари кенгдир гоятда,
Интиладир оқими унинг
Порутларнинг ишқати сори',

Ҳирийдаги Марв ёқларга,
Ҳам Говга, ҳам Сугдиёнага,
Ёхуд оқар Хоразм сори.

15

Шундай, Машриқ ҳамда Магрибга,
Шимолнинг-да икки сорига,
Жанубнинг-да икки сорига
Ва гояти сулим кишварга,
Мул-кул эллар умр сургувчи,
Чавандозлар юрти — Хуванирата',
Томон боқар қудратли Митра.

16

Барча кишварлар устидан
Учиб борар осмоний худо,
Фараҳмандлик бахшида айлар.
Барча кишварлар устидан
Учиб борар осмоний худо,
Ҳукмдорлик бахшида айлар,
Тан оладир ким Ҳақиқатни,
Ибодатлар келтирадир ким,
Иймон билан, эътиқод билан,
Голиблигин собит айлайди
Митра унинг абадул-абад.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Бешинчи бўлим

17.

Биз Митрага топинамиз..
Уни ҳеч ким алдаёлмайдн,
Ҳеч ким йулдан чалгитолмайди,
Кулбасига элтолмайди уй соҳиби,
Оилага киритолмас уруг боши,
Қабиллага — қабиланинг оқсоқоли,
Мамлакатга — мамлакатнинг ҳукмаори.

18.

Агар каззоб, лафзи ҳаром булса улар:
Хонадонда — уй соҳиби,

Оилада — уруг боши,
Қабиллада — оқсоқоли,
Мамлакатда — ҳукмаори,
Бир ҳамлада яксон этар
Аламзада ва газабкор,
Ранжида Митра:
Хонадонни, оилани,
Қабил ва мамлакатни,
Хонадонда улдирадир соҳибларни,
Оилада — уруг бошин,
Қабиллада — оқсоқолин,
Мамлакатда — ҳокимларин,
Эл-улуслар моликларин.



185

19

Гар газабга минса Митра,
Каззоб етти ухлаб тушда
Куролмаган ва ақлига сизгирмаган
Томонлардан ташланадир.

20

Мухолифлар тулпорини
Олга бостирмайдир Митра
Ва урнидан зарра жилмай
Чолаверар завандозлар.
Яевларни жилдирмайдир,
Суворийни юрдирмайдир.



186

22

Биз Митрага топинамиз...
Ул сузида собитларни,
Лафзи ҳалол кимсаларни
Фалокатдан сақлагайдир,
Ҳалокатдан сақлагайдир.

23

Асра бизни фалокатдан,
Асра бизни ҳалокатдан,
Алданмас Митра.
Сен Митранинг ёвларига,
Уз аҳдини бузганларга
Шундай даҳшат солажаксан
Сен газабга тулганингда

25

Биз Митрага топинамиз,
Забардаст ҳокими мутлақ,
Эзгулик парвардигори,
Чечан воёз, чунг қоматли,
Ибодатла ва тоатла,
Олижаноб ва донишманд.
Илоҳиёт каломларин
Жо қилгандир тийнатига,
Қудратлядир, жанговардир,
Хайрихоҳдир, забардастдир.

26

У девларнинг калласини
Пачақлайдир,
Жазолайдир
Эътиқодсиз, аҳдсизларни,
Шафқатсиздир гар кимда-ким
Елгончидир, субутсиздир.

Қилмишида афсунгарлик зоҳир каслар,
Уз қавалига хиёнаткор ул нокаслар
Ва каззоблар узган ўқлар ортга қайтар.

21

Ёвуз уйли жодугарлар
Устамонлик билан уриб
Мағлуб айласа-да кимни,
Зиён-заҳмат етказолмас.
Уз аҳдига хиёнаткор афсунгарлар, —
Митра душманлари узган
Ўқлар қолар шамолларда.
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Олтинчи бўлим

Қулларидан кеткизурсан қувватларин,
Оёғидан кеткизурсан мадорларин,
Икки куздан басоратин,
Ва қувваи ҳофизасин қулоқлардан.

24

Забардаст, раҳбалад Митра,
Ким нигоҳи минг биттадир,
Алданмас ва хирадмандир.
Агар мадад берса кимга,
Олкслардан отилган ўд,
Ғоят уткир пайконлар ҳам
Зиён-заҳмат етказмайдир.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Еттинчи бўлим

Маҳв айлар афсунгарларни.
Улким агар алдамаса бани башар
Саодатга элтгусидир.
Улким агар алдамаса бани башар
Мамлакатни голябият сари этар,
Улким агар алдамаса одам аҳл.

27

Буйисунмас мамлакатни буйисидлар
Ва йуладан оздирар ул муқтадир.
Саодатдан маҳрум этар,
Маҳруми этар галабадав, шов-шуқудан.
Диниосиз, аҳдсизларга зарба берар
Минг-минг карра.
Раҳмшодир, қудратлядир,
Минг нигоҳдан
Ва аҳданис.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Сақжизинчи бўлим

28

Биз Митрага топинамиз..
Улким улуг қасрларнинг
Устунларин кутарадир,
Мустаҳкамлар қопқаларин.
Бу уйларга ҳада қилар
Одамларни, подаларни,
Ким топинар булса унга;
Гар даргазаб булса Митра
Яксон айлар бор нарсани.

29

Сен ёвузсан ҳам яхшисан
Мамлакатлар учун, Митра.
Сен ёвузсан ҳам яхшисан
Одамийзод учун, Митра.
Сен зарбу сулҳ бирла, Митра,
Бошқарурсан мамлакатни.

30

Сен улугвор қасрларга
Берадурсан гоят куркли заифалар,
Жуда яхши аравалар,
Курпа-тушак ва ёстиқлар.
Гоят сулим заифалар,
Гоят яхши аравалар,
Курпа-тушак ва парқулар,
Бахш этурсан баланд уйлар
Қасрларга, сахий Митра,
Ким ул олий қасрларда
Тақводорлар дуо бирлан
Сенинг номинг зикр айлайдир,
Тоат бирлан, сидқ бирлан
Сени чорлайдир, Митра.

31

Сенинг номинг чорлайдирман,
Сигинарман дуо бирлан.
Тоат бирлан, сидқ бирлан
Чорлайдирман сени, Митра.
Ихлос ила бор овозда
Чорлангувчи исминг билан,
Дуо бирлан сигинурман.
Тоат бирла дуо бирла

35

Биз Митрага топинамиз..
Ул интиқом соҳибига,
Ул лашкарлар сардорига,
Минг-минг ақл соҳибига,
Раҳнамо ва раҳбалад ул
Ҳукмдорга.

Сенга, эй адданиб булмас,
Сенга, эй қудратли Митра.

32

Вожиб айла дуомизни,
Рози булгил биздан, Митра.
Тоат чоги энгил қуйи,
Сидқ аҳлига ёвуқ келгил.
Биз қурбонлик келтиурмиз,
Лаззатланмоқ учун олгил,
Элтгил Олқиш хонасига⁹.

33

Шундай омад бергил бизга,
Забарааст Митра,
Умид-ишонч каломи-ла утинадирмиз:
Бергил қудрат ва галаба,
Тотли ҳаёт, ҳаққоният,
Шону шукуҳ ва ростгўйлик,
Донишмандлик муқаддаслик,
Ҳам илоҳий билимларни,
Ҳақиқатда баланд мақом
Ва муқаддас каломларни
Сидқидилдан сўзламоқни
Ўтинамиз сендан, Митра.

34

Зотан бизлар — хайрихоҳлар,
Садоқатли вафодорлар
Умид бирла, ишонч бирла
Ганимларни даф этайлик.
Зотан бизлар — хайрихоҳлар,
Садоқатли вафодорлар
Умид бирла, ишонч бирла
Ғолиб булайлик ёвлардан.
Зотан бизлар — хайрихоҳлар,
Садоқатли вафодорлар
Умид бирла, ишонч бирла
Даф айлайлик ганимлигин
Одамийзод ва девларнинг,
Жодугар, афсунгарларнинг,
Қавийлик мустабидларнинг,
Қоропонлик ёвузларнинг.
Сигинаман бахт-шоалик ҳаққи..

Тўққизинчи бўлим

36

Ул ҳужумни бошлагувчи,
Ҳарбу зарба ҳам устувор,
Устувордир разму жангда,
Синдирадир ёв сафларин;
Таҳликага тушар жангда
Қушинларнинг ҳар қаноти,
Титроқ тушар мобайнига
Қонхур ёв лашкарларининг.



187

Ҳокимона даҳшат солар,
Ҳокимона қутқу солар,
Аҳд-вафосиз ва субутсиз
Кимсаларнинг калаларин
Узадир ва улоқтирар.
Уз қавлига хиёнаткор
Нокасларнинг калаларин
Узиб улоқтирар Митра.

Кулбаларни суриб ташлар,
Уй-жойлари вайронадир,
Бу уйларга бир замонлар
Соҳиб эди бесубутлар,
Каззобларким қатли этарди
Тақводорни ҳақлиги-чун,
Чанг-тузонли йуллараа хор
Қилиб судар аҳдсизларнинг
Подаларин,
Мул-кул, тукин яйловлардан.
Аравалар ортидан зор-
Зор йиглатиб элтиб борар,
Каззобларнинг тумшугидан
Оқар ҳалқоб-ҳалқоб ёшлар.

Бургут шиддати-ла отилган ўқлар
Таранг ёйларидан мухолифларнинг
Заҳмат еткармайдир ҳеч бир кимсага.
Қай он тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга туладир ҳудудсиз яйлов,
Ҳудудсиз ўтлоқлар соҳиби мутлақ.
Тигдор пайқонларин отар каззоблар
Узун таёқларда ҳуда-беҳуда.
Заҳмат етказмайдир бирор жонзотга.
Қачон тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга туладир ҳудудсиз яйлов,
Поёнсиз ўтлоқлар соҳиби мутлақ.
Ва сопқондан отилган тошлар
Беҳудаадир, бари беҳуда,
Зиён етказмайдир бирор кимсага.
Қай он тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга минадир поёнсиз яйлов,
Ҳудудсиз ўтлоқлар соҳиби мутлақ.

Биз Митрага топинамиз.
Улким манзила ва маконати
Ер куррасин қолайдир тамом
Ва бу жисм олами аро
Йўқдир унинг ҳаду ҳудуди.
Мунаввардир, ёруғ, нурлидир,
Ҳам кенгайиб борадир ҳар он.

Гарчи ханжарлари отиладир тик
Одамлар манглайин тешиботмоққа,
Зиён етказмайдир улар заррача.
Қай он тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга минадир поёнсиз яйлов,
Ҳудудсиз ўтлоқлар соҳиби мутлақ.
Кескир болталари уларнинг гарчи
Солинса-да тикка кимса куксига,
Зиён етказмайдир заррача улар.
Қай он тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга минадир поёнсиз яйлов,
Ҳудудсиз ўтлоқлар соҳиби мутлақ.

Даҳшат солар мудом уларга Митра,
Рашну қутқу солар юракларига.
Ашанинг рафиқи Сраҳоша эса
Зириллатиб қувадир каззобларни.
Ҳимоя қилгувчи илоҳлар бари
Тарк айлайдир қушин сафларин буткул.
Қай он тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга минадир ададсиз яйлов,
Поёнсиз ўтлоқлар молики мутлақ.

Қичқирар улар: "Оҳ, Митра, Митра!
Яйловлари сунгсиз, ўтлоғи ҳадсиз,
Тулпорлари элтадир бизни Митрага
Ва бу забардастлар ханжарлар билан
Сўярлар бизни!"

•Уларни онтариб юборар Митра,
Улким яйловлари ҳад-ҳудудсиздир.
Ўлдирар эликта зарбада юзини,
Юз зарба — мингини,
Мингда — туманин,
Туман — зарба қириб ташлар барини.
Қай он тан олмаслар улар Митрани,
Ғазабга минадир ҳудудсиз яйлов,
Поёнсиз ўтлоқлар соҳиби мутлақ.
Сигинаман бахт-шодик ҳаққи...

Унинг маҳрамлари саккиз нафардир,
Қуноқ тиккандирлар юксақликларга.
Кузатадир улар тегра-атрофни,
Кузатадир барча ерда, ҳар қачон
Уз қавлига қарши борган касларни,
Хиёнат қилганни уз каломига.
Улар кузатадир бу хил жонларни,
Улар танигайдир бу хил касларни.
Қачонки бу жонлар бирламчи бўлиб



Хиенат қилсалар аҳду вафога.
Кузатадир улар мудом, ҳар ерда
Ўз қавлига зомин булган касларни,
Хиенат қилганни ўз каломига,
Ким бу субутсизлар, каззоблар боис
Тавфиқди отларга етадир озор.

46

Тақводор аҳлига, поксиришларга
Ким, мудом раҳбалад, пешводир

Митра, —

Поёнсиз яйлову утлоқ соҳиби

Ўн биринчи бўлим

47

Биз Митрага топинамиз..
Кенг туғқли ва газабкор
Тулпорлари,
Уچار ганим мамлакатлар
Лашкарларин тигиз сафи
Орасидан.

48

Қай он Митра интиладир
Ул ёвлашган мамлакатлар қушинининг
Тигиз-тигиз сипоҳлари сафлари томон
Ўз қавлига хиенаткор одамларнинг у

Қуриқлайдир уларни ортида кезиб,
Қуриқлайдир олддан, ҳамма томондан,
Қуриқлайдир алданмас илоҳ,
Башоратчи Митра мададага келар
Уларга томон.
Ҳамма ёқни кургувчи ва кузатгувчи,
Забардаст, жаён.
Улким минг-минг нигоҳлидир
Ва адаб булмас.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Орт ёгидан тутадир қулин,
Кузларини тўсадир ҳам кар
Айлағайдир қулоқларини.
Оёқлари тута олмас шунда уларни,
Ҳамла қилмоқ учун қолмас зарра
Уз сузига зомин булган одамлар билан,
Ўз аҳдига хоин булган улуслар билан
Кенг яйловлар ва утлоқлар молики

силласи.

Ҳисоблашар худди шу зайл.

Митра

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



189

Ўн иккинчи бўлим

49

Биз Митрага топинамиз..

50

Ким Аҳура Мазда унга макон тикди,
Чунг қояли Хара узра,
Силсилали ҳам мунаввар
Ул ерда йуқ зулумот, тун,
На совуқ, на жазирама,
На марговар беморликлар,
На дев-жинлар кирдикори —
Ёмонликлар,
На чанг-тузон, туманлар ҳеч кутарилмас
Юксак Харати устига.

51

Барҳаёт валийлар бунёд этдилар
Бу улуг маконни,

Башорат ва эътиқод учун
Бус-бутун Хуршиди жаҳонни, —
Юксак Хара узра Митра
Кузатадир даҳри дунни.

52

Фақат ёвузликлар эҳё этувчи
Бадкор жонлар қочар,
Қачон учқур аравасига
Тулпорларин солганда Митра, —
Ул ҳудудсиз яйловлар шоҳи,
Сраҳоша қудратли билан,
Нора Санҳа¹¹ сеҳрли билан
Каззобларга қирон солганда,
Ҳам саф тортиб,
Ҳам якка-якка.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўн учинчи бўлим

53

Биз Митрага топинамиз..
Ким шикоят қиладир бот-бот

Ва қулларин ёзадир мутлоқ
Парвардигор Аҳурага у —
Дейдир:

54

«Бор мавжудот ҳимоятгари
Саховатли Митрадурман мен,
Бор мавжудот пушт-паноҳи
Саховатли Митрадурман мен,
Аммо мени менинг номим билан,
Ибодат ва дуолар билан
Ёд айламас зинҳор одамлар.
Узга илоҳ, ёт худоларга
Ва уларнинг исмларига
Топинган каби.

55

Агар мени менинг номим билан,
Дуо билан ёд этишганда,
Узга илоҳ, ёт худоларга
Ва уларнинг исмларига
Топингандек, ситинишгандек,
Мен уларга томон энардим,

60

Биз Митрага топинамиз...
Ким лойиқдир шукуҳга ул,
Фусункордир, иззатлидир.
Гар истаса — уз хоҳиши,
Эҳсон этар неъматларин!¹...
...Саховатли,
Ким нигоҳи минг-мингтадир,
Қудратлидир, раҳнамодир,
Алданмасдир, алдаб булмас.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

61

Биз Митрага топинамиз...
Қоим мақом, гоят ҳушёр,
Ўткир нигоҳ ва баҳодир,
Тоатларга тутар қулоқ
Ва йуллайдир бизга сувлар.
Майсаларни қукартирар,

64

Биз Митрага топинамиз...
Юрагида эътиқод учун,
Иймон учун қудратли таянч,
Улугвор ва гузал суянч бор.
Етти иқлим буйлаб элтадир
Эътиқоднинг уруғларини.

65

Эпчиллардан чандон эпчилроқ,
Аҳли саҳо ичида — мумтоз,
Довжораклар ичида — шердил,

Ҳақиқатда сидқ-тақво билан
Ва абадий рузгорим билан
Белгилик вақтга».

56

Сени сенинг пок номинг билан,
Дуо билан, ибодат билан
Бор овозда чорлар яхшилар,
Адо айлаб бандалик ҳаққин.
Сенга сенинг пок номинг билан,
Топинаман ибодат билан,
Ёлғиз сенга, қудратли Митра,
Сенга, ёлғиз сенинг номингга,
Адо айлаб бандалик ҳаққин!¹...

57—59

Дуомизни мустажоб айла...¹

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ҷун тўртинчи бўлим

Гуркиратар, пушта тортар⁴,
Қуп ақлли, гоят моҳир,
Алдаб булмас ва алданмас,
Парвардигор навидидир.

62

Ўз сузида турмас зотларга,
Каззобларга, ҳарзағуйларга
Бермас на куч, на қувват-мадор.
Каззобларга бермайдир иқбол,
Назру ниёз бахш этмайдир у.

63

Сен газабга минган чоғингда
Қулларидан оларсан кучин,
Оёғидин мадорини ҳам,
Икки кўздан басоратини,
Қулогидан самъ ҳофизасин!¹...
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ҷун олтинчи бўлим

Жасурлардан жасоратлироқ,
Яшнаатадир, гуркиратадир,
Тукиликлар яратгувчидир.
Жонлиқларни ва углонларни
Яратгувчи — парвардигор у.
Қуркам ҳаёт айлайдир инъом,
Ҳақиқатга ҳоқимликни ҳам.

66

Аша борар унинг ортидан,
Саховатли ҳамда қур-қутли,
Учқур қанот равасида,



Жасоратли эрлар ёнида, —
Қавийликлар Ҳуварно билан,
Мутлақ ҳоким Қатъият билан,
Ва Голиблик худоси билан
В тақводор Фравош билан,

Ҳам кимларки уларга ёрдир,
Тавфиқ аҳли биргадир мудом¹.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ҳн еттинчи бўлим

67

Биз Митрага топинамиз...
Бошқарадир у гоят улкан
Гилдиракли аравасини,
Машриқ ёқдан самоват буйлаб,
Ҳуваниратанинг етти иқлими —
Фасоҳатли кишварлар узра
Учиб борар, Аҳура берган
Фараҳмандлик, бахт унга ҳамроҳ
Ва голиблик ёрдир ҳамиша.

68

Аравани у билан бирга
Бошқарадир улугвор Аша
Ва Маздага¹ булган Эткиқод
Йулларини тиклар уларнинг
Фалакиёт суворийлари,
Шуълафшон ҳамда мунаввар,
Порлагувчи оппоқ кумушдек,

Отларининг йуқ куланкаси.
Коинотнинг кенгликларидан
Елиб борар елдим каби.
Голибият худолари ҳам
Олисларга йул очиб берар,
Очиб берар йул манзилгаким
Жумла мавжуд девлар, иблислар
Ва гуноҳкор каззоблар бари
Даҳшатда қолар².

69

Қаҳқор ҳоким қаҳр-газабига
Айламагай бизни гирифтор.
Минг-минг зарба берар ганимга,
Нигоҳлари мингдир, тумандир,
Қудратлидир, йулбошловчидир,
Алдаб булмас ва алданмасдир.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



191

Ҳн саккизинчи бўлим

70

Биз Митрага топинамиз...
Мутлоқ Илоҳ Мазда яратган
Вартрагна елиб борар унинг олдида,
Ҳамроҳидир даргазаб қобон,
Қаҳрлидир, ханжар тишлидир.
Бир ҳамлада ёриб ташлайдир
Ўткир қозиқ тишлари билан,
Қутургандир ва энгиб булмас,
Ола-чипор тумшугли, сержаҳл
Олдин-орқа оёқлари
Яратилган темирдан,
Темирдандир дум ва жағи,
Томирлари — темирдан.

71

Шиддат билан ташланаркан
Рақибларин рағмига,

Бир ҳамлада ёриб ташлар,
Мағлуб айлар беписанд
Ва душманин умуртқасин —
Ҳаёт асос — устунин
Майда-майда қилмагунча,
Мағлуб қилдим дея зинҳор
Уйламайдир бировни.

72

Каззобларни тилка-пора
Айлагач бир ҳамлада
Сочларин ва сунгақларин,
Қонларин ва миясин
Қориб ташлар тупроқ билан¹.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ҳн тўққизинчи бўлим

73

Биз Митрага топинамиз...
Хурсандчилик билан бот-бот

Қулларини ёзар ва дер
Парвардигор Аҳурага:
«Муқаддас Руҳ, Яратгувчи,
Жисм оламин бунёдкор!»

74

Қачон мени менинг номим билан,
 Дуо билан ёд этишганда,
 Узга илоҳ, ёт худоларга,
 Ҳам уларнинг исмларига
 Сигингандек, топинишгандек, —
 Мен уларга томон энардим,
 Ҳақиқатда сидқ-тавфиқ билан
 Ва абадий рўзгорим билан
 Белгилик вақтга».

75

Асрайдирмиз маконимизни,
 Еримизни тарк этмайдирмиз,
 Тарк этмаймиз ўз уйимизни,
 Тарк этмаймиз уругимизни,
 Халқимизни тарк этмайдирмиз,
 Юртимизни тарк этмайдирмиз
 Ва ёвлардан асрагувчи ул
 Бор қудратли нарсаларни-да
 Асрайдирмиз, авайлайдирмиз!

76

Ганимларнинг ганимликларин
 Даф этгувчи узингсан, Митра!
 Яхшиларнинг қотилларини
 Яксон айла, хайрли Митра,
 Яхши отлар сохибисан, ҳей,

79

Биз Митрага топинамиз..
 Бизга макон айлайдир инъом,
 Бу макон-у бу манзилларга
 Рашну боқий насллар берар.

80

Маконларни қуриқлагувчи,
 Ростгуйларнинг ҳимоятгари,

81

Биз Митрага топинамиз..
 Бизга макон айлайдир инъом,
 Ва бу макон, бу манзилларга
 Рашну боқий насллар берар.

82

Ҳадсиз имкон бергандир унга
 Аҳура Мазда
 Ва минг-минг нигоҳ.

Хушбичимдир араванг гоят.
 Забардастсан, халоскорсан сен,
 Чорловчига мададкорсан сен!

77

Мадад учун чорлаётирман,
 Келгил, Митра, мадад бергали.
 Тоатлардан кунгли хотиржам,
 Назр-ниёзлари зиёда,
 Насибаси, ризқи ҳам улуг,
 Ҳимоятинг, паногоҳингда,
 Саховатли манзилларда биз
 Узоқ вақтлар яшайлик хуррам.

78

Сен Митрани эъозлагувчи
 Яйловлари ҳадсиз-худудсиз
 Мамлакатни қуриқлайдирсан.
 Буйинсунмас мамлакатларни
 Кунпаякун айлайдирсан сен.
 Мадад учун чорлаётирман,
 Келгил бизга мадад бергали.
 Қудратлилар ичра қудратли,
 Мақтовларга, маҳфияларга,
 Олқишларга сазовор Митра,
 Улуг юртнинг улуг ҳокими!
 Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи!..

Йигирманчи бўлим


Жамоалар пушт-паноҳи,
 Ростгуйларнинг ҳимоятгари,
 Берадирсан энг тоза насл
 Ва Аҳура бунёд айлаган
 Голибият, зафармандликни.
 Ўз аҳдини бузган кимсалар,
 Ўз сузида турмаган каслар
 Ҳукм куни²⁷ сонсиз-саноқсиз
 Улоққанча ётарлар абгор..

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи!..

Йигирма биринчи бўлим

Бу ададсиз нигоҳлар билан,
 Ниҳоясиз маҳорат билан
 Ўз сузига хиёнат қилган
 Каззобларни кузатиб борар.
 Нигоҳларин шарофати билан,
 Маҳоратин шарофати билан
 Алданмасдир, алданмагайдир
 Қудратли Митра,
 Ким минг-мингдир нигоҳлари,
 Раҳнамодир, забардастдир,
 Алданмасдир, алдаб бўлмас.
 Топинаман бахт-шодлик ҳаққи!..





«Шоядки, сизлар ҳар икки жаҳонда ҳам
бизнинг тан ва жонимизга
паноҳ булсангиз».

«Сен бу қисматни бизга лойиқ кўрдинг,
токи бу заминий ҳаётда ҳам, мийну
ҳаётида ҳам сен ва Ашаҳ — Ҳақиқат
билан абадий ҳамнишин булгаймиз».

«Етти буюк яшт».



«Қуй, никоҳға интиқ булган гайратли
қизлар Сурасинлар зор-интизор
кутган кунларни...».
«Қуй, жувонлар, ҳомилали хушқад
хотинлар Сурасинлар осонгина куэ
ёрмоқларин...». «Ардвисур яшт».



«Эй, улвий оламнинг уруги —
асоси, бунёди!..»
«Ибтидода ёзиқ қулларим билан сенга
намоз келтирурман..»
Ҳақиқатни ва Эзгу Ниятни янги эътиқо
қушиги деб қабул айладим..»
Ясна, 28-ҳот.



«Ҳақиқатда улар ўз кирдикорлари билан
бизга даҳшат солмоқ булдилар».
Ясна, 34-ҳот.



«Эй, Аҳура! Сендан утинаман, Ҳақиқат
билан жавоб бер: Ибтидода борлиқнинг
Яратгувчиси ва Ҳақиқатнинг отаси ким
эди?» Ясна, 44-ҳот.



«Ҳар бир аёл ва эр узи дуруст ва яхши,
деб билган нарсасига амал қилишлари ва
бошқаларни ҳам огоҳлантиришлари
ҳамда улар ҳам уша нарсага амал
қилишлари керак».
«Етти буюк яшт».



«Эй, Ахур! Сендан ятинаман, Ҳақиқат
бидан жавоб бер: Оёқларимиз остига
тушалган заминни ким яратди?
Бошимизда йиқилмай турган осмонни
яратган кимдир?». Ясна, 44-ҳот.



«Ибтидода бу икки тугишган —
хамзодлар вндиш, халом ва амалда
бири — эзгулик, бириси — ёмонлик
узaro суҳбат қурдилар». Ясна, 30-ҳот.



**«Мен — Зардуштман. Бутун вужудим,
жон-таним билан дев ва девпарастрларнинг
душмани, ҳақпарастрларнинг паноҳиман».**
Ясна, 43-ҳот.




**«Ушанда Сен Унга (одамзотга) йул
танлаш озодлигини инъом этадинг, токи
Ҳақиқат раҳбарига ёхуд ёлгон сарварига
итоат айласин».** Ясна, 31-ҳот.



«Мен Сиз — инсонларни бу буюк мага —
таълимотни урганишга даъват қиламан».
Ясна, 29-ҳот.



«Дарҳақиқат, қандай гузал унинг
қуллари...». «Ардвисур яшт»



«Тириклик ибтидо топган лаҳзада
Сени кўрганмдан сўнг ва тириклик
интиҳосида ҳар бир калом ва
амалларнинг ҳисоб-китоби рўй бергуси
соатда яхшиларга яхшилиқ, ёмонларга
ёмонлик мукофотингни ирода
қилишингни англагач, Сени пок деб
билдим». Ясна, 43-ҳот.



«Тирикликка дармон бахш этгувчи малҳамни менга ошкор айлагил. Изн бергил, илоҳий калом ва Эзгу Ният Сенинг иродангни мувофиқ истаган кимсага юз курсатсин». Ясна, 44-ҳот.



«Буткул эзгу андиша билан; жумла эзгу калом билан; жамийки эзгу амал билан сенга ёвуқ келамиз». «Етти буюк яшт».



«Мени нечун яратдинг? Ким мени ато
айлади? Газаб ва адоват, қабиҳлик ва
густоҳлик, эгрилик ва тубанлик мени
буткул қуршаб олгандир...» Ясна, 28-ҳот.



«Арвисура Анаҳита
Оқиб борди унга томон,
Бир парируй тимсолида,
Сарвқомат ва шамшодваш...»
«Арвисур яшт»



«Дарвишларнинг андуҳларни аритгувчи
меҳрибонлик ва жавонмардлигини
олқишлаймиз». «Етти буюк яшт»



«Ахура Mazda ато қилган яхши сувларга
ибодат ва олқиш, куч-қудрат тилайман,
покиза ва тавфиқли Ардвисура
сувларига». «Ардвисур яшт».
«У самовий илоҳлар ичра
Энг бирламчи тулуъ айлайдир».
«Меҳр яшт».

Йигирма иккинчи бўлим

83

Биз Митрага топинамиз...
Қўлин ёзиб кушод кукларга
Сурашадир ундан мурувват,
Чорлашадир уни мададга
Мамлакатлар ҳукмдорлари.
Қўлин ёзиб кушод кукларга
Қабилалар боши чорлайди
Мурувватга ҳамда мададга.

84

Қўлин ёзиб кушод у томон
Оилалар боши чорлайдир
Мурувватга ҳамда мададга.
Қўларини ёзиб кукларга
Уй хужаси чорлайди уни
Мурувватга ҳамда мададга:
Сигирлар-да мадад сурайдир,
Чорлайдирлар улар согинга
Қўлин ёзиб кушод у томон.
Ҳуқуқидан айрилган қашшоқ,
Бенаволар мадад тилайдир.
Чорлайдирлар улар мададга.

85

Ва чорловчи бу нидолар ҳам
Фалакиёт ламъаси оша
Ер куррасин айланиб чиқар,

Айланадир етти иқлимни,
Сигирларнинг ноласи янглиг
Утинч билан учиб борадир.

86

Қўли кушод ҳолатида ким
Элтар эса шурилик сигирни,
У подасин ёдга олади
Ва мададга чорлар Митрани:
«Қачон бизни олисда қолган
Подамизга қайтарар Митра,
Ҳудудсиздир яйлови унинг.
Қачон бизни ёлгон ҳукмидан
Халос айлаб, қайтарадир у
Ҳақиқат томон?»

87

Яйловлари ҳудудсиз Митра
Кимдан рози бўлса ушанга
Мадад қилар, мурувват қилар.
Яйловлари ҳудудсиз Митра
Кимдан агар ранжиса мутлоқ
Яксон айлар унинг кулбасин,
Қишлоқларин, вилоятларин,
Мамлакатин, умуман, мавжуд
Манзилларин, маконларин ҳам.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



193

Йигирма учинчи бўлим

88

Биз Митрага топинамиз...
Топинганди унга шуълавор,
Ҳукмдор ул гузал Ҳавм,
Нажоткор ва кўзлари тилло,
Ҳукария дея аталмиш
Улуг Ҳарати тоғларининг
Гоят юксак чуққиларида.
Булганмаган, ҳаддан мусаффо
Ва нуқсонсиз барсман билан
Ва покиза тоатлар билан
Ва хатосиз каломлар билан.

89

Бутун жисми билан авжида
Куйлагувчи,
Сидқидил билан
Ибодатлар келтирган зотни
Коҳин этиб сайлади мутлоқ
Парвардигор Аҳура Мазда.
Коҳин тоат келтирди дилдан
Барҳаёт ул Авлиёларга
Ва овози буйланиб баланд
Ламъасига чирмадди кўкнинг.

Ер юзини айланиб чиқди,
Етти кишвар — етти иқлимни.

90

У — биринчи қоҳин²¹, юлдузлар
Нақшин солиб, руҳлар яратган
Ҳавмни илк карра юксак
Харатига элтган мавжудот
Ва Аҳура асради уни,
Азиз Авлиёлар асради.
Нурафшондир сулим чеҳраси,
Ҳатто минг-минг тулпорлаш шоҳи —
Қуёш уни эъзозлар гоят.

91

Топинайлик, келинг, Митрага,
Яйловлари ҳадсиз-ҳудудсиз,
Қулоқлари неча минг унинг,
Сон-саносиз унинг кўзлари!
Хонадонда мард эркакларнинг
Олқишига, мақтовларига
Сазоворсан, хайрли Митра!
Яхшиликлар булсин эргаким
Сени дилдан эҳтиром айлар,

Ўтин олар барсман билан,
 Ҳовончада сут олар лим-лим
 Ва ювилган қўллари билан
 Ювар угир, унинг дастасин.
 Тозалайдир барсманни ҳам,
 Ҳавми кутариб дадил,
 «Ахуна Вара» ни куйлайдир.²⁴

92

Парвардигор Ахура Мазда
 Қутлуғлади бу эътиқодни,
 Эзгу Фикрат хоҳиши билан,
 Энг Муътабар Ҳақиқат билан
 Ҳамда Матлуб Ҳокимлик билан
 Ва Муқаддас Эзгулик билан
 Эътиқодни танаб оддилар
 Ва Барҳаёт Авлиелар ҳам
 Тан оддилар бу эътиқодни.
 Яратгувчи Ахура Мазда
 Саховатли Митрага олам
 Сарварлигин инъом айлади.
 Барҳаёт ул Валийлар сенинг
 Қурадилар сиймонгда аён
 Олий Ҳакам моҳиятини,
 Моҳиятин Ҳукмдорнинг ҳам
 Ва энг гузал офаринишда
 Эътиқодни поклайдирсан сен.

93
 Бу оламда, у оламда ҳам
 Асра бизни, асрагил, Митра!
 Ким ҳадсиздир мулки суғрода,
 Ким ҳадсиздир мулки куброда,
 Яйловларинг сенинг, оҳ Митра!
 Асра, ботил Улимдан асра,
 Асра, ботил Қаҳру Газабдан.
 Асра ботил душман қўшинидан,
 Ким тузгайдир қонли, ваҳшатли
 Парчамлари бу қазобларнинг.
 Асра, Газаб шиддатларидан,
 Ёвуз Қаҳр муридларидан,
 Асра, ибليس, девлар макридан,
 Чириб-битиби кетмоқдан асра.

94

Яйловлари ҳудудсиз Митра,
 Бахш айлагил отларимизнинг
 Абзалига куч-чидамлилик,
 Узимизга соғ-саоматлик.
 Душманларни олис-олисдан
 Кузатмоқлик имконин бергил,
 Ким бир зарбда яксон этайлик
 Ганимларни яккама-якка,
 Куншаякун айлайлик буткул
 Бизга хасм барча-барчани...

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



194

Йигирма тўртинчи бўлим

95

Биз Митрани эъзолаймиз..
 Замин кенгликлари буйлаб утадир,
 Қуёш гурубгоҳда бош қўйгандан сунг,
 Ҳудудсиз, энг узоқ ҳадли, доира
 Заминнинг ҳар икки буржига етар
 Ва неки мавжуддир, неки бунёддир
 Замину самовот оралигида
 Мунаввар айлади.

96

Юз дамли болтаси бордир илқида²⁵
 Мустақкам тутгандир юз зарбли ёвқур.
 Эрларни онтариб ташлар тубанга,
 Ул сариқ маъдандан қуйилган асли,
 Олтин билан зийнат берилган кўркам,
 Ғоятда қудратли ярогдир
 Ва барча нарсадан сарбаланд, голиб.

97

Титроққа тушадир наздида
 Анхра Ману бузгунчи, вайронкор,

Титроққа тушадир наздида
 Малъун Жаҳд, лаънати Газаб,
 Титроққа тушадир наздида
 Дасти узун Ялқовлик, Сустлик,
 Титроққа тушадир наздида
 Еру осмон иблис-жинлари
 Ва риекор осий баттоллар²⁶:

98

Бизни маглуб айламасин ҳеч
 Зарби бирлан қаҳрли Митра,
 Ким ҳадсиздир яйлови унинг!
 Бизни яксон айлама, Митра,
 Ким ҳадсиздир дашт-яйловларинг!
 Илоҳлардан энг кучли илоҳ,
 Илоҳлардан энг жасур илоҳ,
 Илоҳлардан энг тирик илоҳ,
 Илоҳлардан энг илдам илоҳ,
 Илоҳлардан энг голиб илоҳ, —
 Митра чиқар замин саҳнига,
 Ким ҳадсиздир яйлови унинг.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирма бешинчи бўлим

99

Биз Митрани эъозлаймиз...
Талвасага тушар олдада
Еру осмон иблис, девлари
Ва ёлгончи гуноҳкор жонлар.
Мамлакатлар соҳибқирони,
Ййловлари ҳадсиз, ҳудудсиз,
Бу кенг, олис ҳадли, думалоқ
Заминнинг унг қаноти” буйлаб
Учиб борар.

100

Ва Ашанинг қадрдон дусти
Сраҳоша учиб борадир
Митранинг унг қанотида,
Баланд буйли забардаст Рашну
Учар унинг чап қанотида

Ва сувлар, ут-усимликларнинг
Тавфиқлилар, тақводорларнинг
Қалби учиб борадир унинг
Турт томонида.

101

Митра пайкон берар уларга
Бургут патидан.
Агар ганим манзили томон
Учар эса Митра узган уқ,
Илк зарбада айлайдир яксон
Одамларни ва тулпорларни.
Титроққа тушадир бир ҳамлада
Ҳам одамлар, ҳамда тулпорлар.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирма олтинчи бўлим

102

Биз Митрани эъозлаймиз...
Тулпорлари кумуш туслидир,
Найзалари узун ва утқир,
Пайконлари уңқурдир гоят,
Олислардан яксон айлайдир
Моҳир ёвларни.

103

Уни паноҳ қилиб яратди
Парвардигор Аҳура Мазда,
Оламдаги бор эзгуликка
Ҳимоятгар, қуриқчи Митра.
Ухламасдан қуриқлайдир у
Мазда бунёд этган ҳилқатни,
Ухламасдан асрайдир Митра
Мазда бунёд этган ҳилқатни.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирма еттинчи бўлим

104

Биз Митрани эъозлаймиз...
Ул каззобни тутадир узун
Қуллари билан:
Машриқда ҳам маҳқумдир каззоб,
Магрибда ҳам мағлубдир каззоб,
Рангқа сувин бошида булсин,
Булсин ернинг қоқ уртасида
Зеру забардир.

105

Икки қули билан тутадир
Батолларни у,
Бадбахт ҳамда гумроҳ
Кунгли зим-зиё.
Бадбахт жонлар уйлар,
Ким кўрмайдир барча ёвузликни Митра,
Ким кўрмайдир барча рўёларни Митра
Қарамас эса.

106

Ақл бирлан уйлайдирман мен:
«Банда йуқдир мулки оламда
Аҳмоқона шундай уй билан,
Ким бор эрур Митрадан кучли,
Эзгу уйли, эзгу фикратли.
Банда йуқдир мулки оламда
Аҳмоқона алжишларини
Улуғ Митра сузлаган эзгу
Қаломлардан кучли билгувчи.
Банда йуқдир мулки оламда
Аҳмоқона қилмишларини
Эзгу амал Митрадан зиёд
Адо этгувчи.

107

Банда йуқдир мулки оламда
Ким кдрокни устуқдир унинг
Ёруғ идрок соҳиби ушал



195



Илоҳ Митрадан,
Банда йўқдир мулки оламда
Ким ҳар икки ҳулоғи билан
Минг ақлли, уткир ҳулоқли
Митрадан-да ортиқ тинглайдир, —
Баттолларни барин кўрадир,
Қудрат бирлан кутариладир,
Учадир у, ҳоқими мутлақ,
Узоқларни кўрар кўз билан,
Кузатадир жумлаи жонни:

108

«Ким ибодат келтирар менга,
Менисимайдир кимлардир мени?»
Ким эҳтиром этар, ким алдар?
Кимларга ризқ, кимларга толеъ,
Кимга соғлиқ ва саломатлик
Бахш айларман?
Кимга ўзи истаган эзгу
Амалларни ҳаёя этурман?
Кимга сернасл авлод устиргум
Мен бундан буён?

109

Кимни кучли ҳамда муқтадир,
Ҳам ажойиб қўшинлар билан
Кутмаганда тақдирлайдирман?
Яккаҳоқим соҳибқиронким
Ўз душмани булмиш бир ёвуз

Ҳукмдорни яксон айлайдир,
Ғазаб бирлан азоблагайдир,
Кечиктирмай жазолагайдир,
Ғар озурда булса шод этар
Ул Митранинг мамнун сузлари.»

110

Кимга офат, кимга дард, иллат,
Ҳожатмандаг ҳожат ва омад
Берадирман мен?
Кимга маъруф авлод-насллар
Таваллуд этгум?

111

Ва кимнидир зур ҳоқимликдан,
Ҳам ажойиб қўшинларидан
Маҳрум қилурман.
Яккаҳоқим соҳибқиронким
Ўз рақиби булмиш бир ёвуз
Ҳукмдорни яксон айлайдир,
Ғазаб бирлан азоблайдир,
Кечиктирмай жазолайдир,
Тушқунликка тушар эса,
Қутуртирар уни Митра,
Рози булмай халомлардан».

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирма саккизинчи бўлим

112

Биз Митрани эъозлаймиз...
Кумушдандир унинг найзаси,
Аслаҳаси тиллодан унинг.
Дарра билан қувиб борадир
Кенг ягринли уқтам сипоҳи.
Ва Митрага эътиқодли ул
Мамлакатларга қиларкан сафар,
Кенг водийлар бахшида этар,
Пода учун, йилқилар учун.
Ул заминда эмин кезадир
Одамлар ҳам, жониворлар ҳам.

113

Келсин мадад бергали бизга,
О, Митра,
О, Аҳура Мазда!
Даррасининг зарбидан унинг
Отлар кишнайдир,

Садолангувчи қамчинидан
Ва жарангдор ёйин ипидан,
Уткир, учқур пайконларидан
Қонга гарқ булар
Мағлуб нокаслар.

114

Яйловлари ҳадсиз Митра
Бергил асов отларимизнинг
Абзалига қувват ва чидам.
Ўзимизга соғ-саломатлик,
Рақибларни олис-олисдан
Маҳоратин бер қурмоқликнинг.
Бир ҳамлада яксон этайлик
Ғанимларни биз,
Барча-барча душманларни ҳам,
Алоҳида рақибларни ҳам.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирма тўққизинчи бўлим

115

Биз Митрани эъозлаймиз...
О, Митра, сен хонадонларнинг,

Наслларнинг, эл-улусларнинг,
Мамлакатлар, жамоаларнинг
Соҳибасан.

116

Йигирма каррадир суз иккита дуст,
Иккита вафоли ёр уртасида.
Ўттиз каррадир у фуқаролар аро,
Маҳрамлар орасида қирқ каррадир суз.
Эр ва завжа аро элик каррадир,
Олтиш каррадир у шогирдлар аро,
Пир ва мурид аро етмиш каррадир,
Қайнота ва куёв уртасида суз
Саксон каррадир,
Туқсон каррадир у огалар аро.

117

Ота-угил аро юз каррадир аҳд,
Иккита эл аро минг каррадир у
Ва минг-минг каррадир

Маздага Иймон:
Ортидан келади қудрат кунлари,
Келади Голиблик замоналари.

118

Шундай пайгом элтадир Митра:
«Пастларнинг ҳам, баландларнинг ҳам
Тоати чун эниб келурман, —
Хора оша учаётган ул
Қуёш янглиг,
Худди шундай, оҳ Сипийтмон,
Мен келурман эниб пастнинг ҳам,
Баланднинг ҳам тоати ҳаққи
Ва ёвуз ул Анҳра Манунинг
Ҳалокати у чун қасдма-қасд».
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўттизинчи бўлим

119

Биз Митрани эъзозлаймиз...
«Кел, Митрага топингил энди,
Сабоқ бергил ундан, оҳ Зардушт»³
Ва Митрага таъзим қилсинлар
Иймон келтирганлар Маздага:
Йирик моллар, майда жониворлар,
Паррандалар, парвоз этувчи
Бор қанотлилар.

120

Митра паноҳ эрур азалий
Иймонлилар, эътиқодлилар
Ва Маздага инонганларга.
Қуй, муқаддас Ҳавминг узин
Шарбатини қуйсин батамом,
Тақводорлар, тавфиқли зотлар
Лаззатлансин симириб уни,
Яйловлари ҳудудсиз Митра
Эътиборли бўлсин гоятда,
Рози бўлсин, миннатдор бўлсин
Ва булмасин сира даргазаб»

121

Аҳура Маздадан сурди
Сипийтмон Зардушт:
«Айтгил менга, азиз Аҳура,
Тақводорлар ва иймонлилар
Лаззатланур нечук шарбатдан
Ким ҳурматин зиёда этсин
Яйловлари тенгсиз Митранинг,
Рози бўлсин, миннатдор бўлсин
Ва булмасин ҳаргиз даргазаб»

122

Аҳура Мазда деди:
«Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Митрага ул топинмоқ учун

Уч кеча-ю уч кундуз узин
Пок айласин,
Тавба қилсин, истиғфор айтсин,
Ўттиз зарба егани каби,³⁰
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Митрага ул топинмоқ учун
Икки кеча ва икки кундуз
Пок айласин узин,
Тавба қилсин, истиғфор айтсин,
Йигирма зарб егани каби,
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Митрага ул топинмоқ учун.
«Жумла соҳиблар ибодати»³¹
«Олқиш каломлари»³² н билмаган,
Англамаган тотмасин зиҳдор
Ҳаоманинг пок шарбатидан.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

123

Биз Митрани эъзозлаймиз...
Ким дуолар қилгандир уни
Олқиш оромгоҳида³³ ёруғ,
Аҳура Мазда,

124

Ва қўлларин ёзганча сомеъ
Ул завол билмасни чорлади,
Олиб чиқмоқ учун мунаввар
Олқиш оромгоҳидан узин
Енгил тилло аравасини,
Гоят гўзал ҳамда бежирим.

125

Ва бу аравани элтадир
Турт оппоқ тулпор,
Абадий ва учқур аргумоқ
Руҳи билан устан жониворлар.
Одд туёғи тиллодан унинг,



197

Орт оёги кумушдан унинг
Ва ягона буйинтириққа
Болгангандир турталови ҳам,
Муस्ताҳкамдир тоқа шотиси,
Илгаклидир ва чидамлидир.

126

Митранинг унг томони буйлаб
Учар тикка беҳад мунаввар,
Сарбаланд Рашну,
Донишмандлик учар чап ёқдан,
Гоят тугри, гоят муқаддас,
Оппоқ хилъат эғнида унинг,
Келтирадир покиза шарбат,
Олий Илоҳ Маздага булган
Эътиқоднинг тимсоли бўлиб.

127

Учар Митра ортидан яккаш
Илоҳий Вартрагна¹¹
Қутурган ул қобони билан,
Йиртқиш, уткир дандонли, ёвуз,
Тигдек қозиқ тишлари билан
Бир ҳамладан ёриб ташлайдир,
Даргазабдир, буйинсунмасдир,
Озураадир, ола тумшугли,
Парвозда идаам
Ва Митранинг олд томонида,
Ўварнонинг қиёфасида
Ёниб учиб борадир олов.

128

Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Минг-минг бугу томирларидан
Сараланган камон иплари,
Илоҳий жаҳд, учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат зарб билан
Ёвуз девлар калласин янчар

129

Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Минг-минг тилло оғизли пайкон¹², —
Паррандалар қанотидан у,
Ҳам йиртқиш қушлар патидандир,
Мугуз ниши бордир ул ўқда,
(Икки бутоқ икки томондан),
Илоҳий жаҳд-учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат-зарб билан
Ёвуз девлар калласин янчар.

130

Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Бордир минг-минг тигли найзалар,
Чархлангандир, гоят яхшидир,
Илоҳий жаҳд-учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат-зарб билан

Ёвуз девлар калласин янчар.
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Бордир минг-минг чархланган болта,
Гоят яхши маъдандир у,
Икки дамли ва кескир жуда.
Илоҳий жаҳд-учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат-зарб билан
Ёвуз девлар калласин янчар.

131

Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Бордир минг-минг уткир пичоқлар,
Қуша дами кескирдир гоят,
Илоҳий жаҳд-учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат-зарб билан
Ёвуз девлар калласин янчар.
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Бордир минг-минг гурзи ва туқмоқ, —
Гоят тоза маъдандан улар,
Илоҳий жаҳд-учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат-зарб билан
Ёвуз девлар калласин янчар.

132

Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Ул Митранинг аравасида
Гоят қулай ва гоят гузал,
Қулоч ёзиб урмоққа унгай
Болта бордир юз дам, юз зарбли,
Онтаргучи эрларни қуйи,
Қуйилгандир сариқ маъдандан,
Тилло билан ишлов берилган
Энг қудратли аслаҳадир у.
Ва барчадан музаффар ҳам у, —
Илоҳий жаҳд-учқурлик билан,
Ҳам илоҳий шиддат-зарб билан
Ёвуз девлар калласин янчар.

133

Шундай яксон этиб девларни,
Каззобларни, уз қавлин бузган
Баттолларни улдириб, янчиб,
Митра учиб борадир ёвқур, —
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз.
Маширқ ҳамда Мағрибни оша,
Ҳам Шимолнинг икки ёғини,
Ҳам Жанубнинг икки сорини,
Гузал иқлим — Ҳуванирата, —
Ул мунаввар мазгилни ошиб
Учиб борар безавол Митра.

134

Талвасага тушар наздида
Анҳра Ману — бузгунчи, вайронкор,
Талвасага тушар наздида
Малъун Жаҳл, лаънаги Газаб,
Талвасага тушар наздида



Дасти узун Яқовлик, Сустлик,
Талвасага тушар наздида
Еру осмон иблис, девлари
Ва ёлгончи осий бандалар:

135

«Бизни маглуб айламасин ҳеч
Зарби бирлан қахли Митра
Ким ҳадсиздир яйлови унинг!
Бизни яксон айлама, Митра,

Ким ҳадсиздир дашт-яйловларинг!»
Илоҳлардан энг кучли илоҳ,
Илоҳлардан энг жасур илоҳ,
Илоҳлардан энг тирик илоҳ,
Илоҳлардан энг илдам илоҳ,
Илоҳлардан энг голиб илоҳ, —
Митра чиқар замин сахнига
Ким ҳадсиздир яйлови унинг.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўттиз иккинчи бўлим

136

Биз Митрани эъозлаймиз..
Тулпорлари опшоқдир унинг,
Ўз макони томон элтаркан
Ҳавминг шарбатини у,
Тортадирлар отлар яғона
Гилдиракли аравасини,
Тиллодандир, нур таратгувчи
Тошлар билан ясантирилган.

137

«Шараф булсин, вафодор Зардушт,
Ул эргаким, — деди Аҳура, —
Тақво аҳли, сидқ-сафо аҳли,
Малакали, ҳамда билгувчи
Калом бирла тоат келтирар,
Пок айлағай барсманни ҳам,
Элтар уни Митрага томон!
Ва тўғри ул эрнинг уйига
Кириб келар Митранинг узи.
Қутлуг амр-маъруфга кўра
Ва муқаддас хаёлга кўра,
Гар ул эрдан розидир қоҳин».

140

Биз Митрани эъозлаймиз..
«Эъозлайман Митрани, — деди
Парвардигор Аҳура Мазда, —
Шарафманд ва забардаст уша
Самовий ҳам энг яхши хилқат,
Жумла эзгуликлар соҳиби,
Ва зафарли сарбозки унинг
Юксакларда эрур мазгили.

141

Оҳ, Зардушт, у тутғай илқида
Голибият аслаҳасини,

138

«Мусибатлар тушин бошига,
Вафодор Зардушт,
Ул эрниким, — деди Аҳура, —
Унинг учун бетавфиқ қоҳин,
Ношуд-нодон ва тажрибасиз,
Барсманни тутиб сигингай,
Ҳам ақалли ул барсманни
Артар ёхуд узоқ олағай».

139

Шафқат қилмас Аҳура Мазда,
Ва Барҳаёт Авлиёлар ҳам,
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Митра шафқат қилмайдир унга.
Менсимаса агар Маздани
Ва Барҳаёт Авлиёларни,
Яйловлари ҳадсиз, ҳудудсиз
Митрани гар тан олмаса у,
Менсимаса Қонун, Рашнуни,
Ҳақиқатни, фоний оламни.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўттиз учинчи бўлим

У зулматда тетикдир доим,
Руёларга бошламас асло,
Кучлилардан кучлидир Митра,
Жасурлардан жасурроқдир у
Ва илоҳлар ичида мумтоз,
Минг қулоқли, забардаст, чаққон,
Минг-минг назар соҳиби мутлақ,
Алдаб булмас, сира алданмас.
Ул голиб ординг изма-из
Интиладир дусту Ҳуварно».

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



199

Ўттиз тўртинчи бўлим

142

Биз Митрани эъозлаймиз...
У улугвор илоҳдир бешак,
Мунаввар ой янглиг тулишиб
Ёришганда ҳар субҳи содиқ,
Бунёд айлар Муқаддас Рухни

143

Ва сиймоси таратадир нур,
Тиштар юлдузлари³ баийни,
«Эъозлайман Митрани, — деди, —
Парвардигор Аҳура Мазда, —

Аравасин бошқарар унинг
Гузлаарнинг шоҳи яғона, —
Қуёш билан нури, чарогон,
Муқаддас Рух бунёд айлаган,
Юлдузларнинг нақши солинган,
Энг пок руҳлар яратган уша
Аравасин эъозлайман мен.
Ул сорбон, қудрат соҳиби
Митра ҳаққи дуо қиламан.
Минг-минг нигоҳ эғасидир у,
Алданмасдир, алдаб булмасдир!»

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Ўттиз бешинчи бўлим

144

Биз Митрани эъозлаймиз,
Биз Митрани эъозлаймиз,
Қачон борар эса эллар, юртлар сорига,
Қачон қоим булса мулку мамолик аро,
Биз Митрани эъозлаймиз,
Элу юртлар ичда ҳам, эллар узра ҳам,
Биз Митрани эъозлаймиз, —
Мамлакатлар атрофида, юртлар остида,
Биз Митрани эъозлаймиз
Мамлакатлар нарёғида эса-да қачон.

145

Аҳурани эъозлаймиз ҳамда Митрани,
Ўлмас ва юксақ
Ою юлдузларга тоат келтирадирмиз.
Эъозлаймиз биз Қуёшни
Барсманнинг усимлиги-ла,
Мамлакатлар молики уша
Эъозлаймиз ёвқур Митрани.
Фараҳмандлик ҳаққи-ҳурмати
Бор овозда дуо қиламан
Ва ҳудудсиз яйловлар шоҳи
Митра ҳаққи келтирадирман
Мен қурбонликлар,
Биз эҳтиром қиламиз Уни,
Яйловлари поёнсиздир хўп,
Яхшиликлар яратадир Ул,
Ҳам орийлар мамлакатига
Осудалик бахшида айлар.

Келсин бизга мадад бермоққа,
Келсин бизга кенг даштлар учун,
Келсин бизни қўлламоқ учун,
Келсин бизга мурувват учун,
Келсин бизни қўтқармоқ учун,
Келсин бизга голиблик учун,
Келсин бизга бахт-шодлик учун,

Келсин бизга яхшилик учун,
Келсин голиб, келсин забардаст,
Елгонларга буйинсунмас Ул, —
Дунё ҳамду саноларига
Лойиқ Митраким бекарона
Яйловларнинг моликидир.

Куч-қудрати ҳадсиз Митрага
Топинаман
Ким забардастдир
Яратишиш — офаринишда.
Ибодатлар ато қилурман,
Олқиш билан ёд айлайдирман,
Бор овозда дуо қиламан,
Кенг яйловлар шоҳи Митрага
Сигинаман.

Биз Митрани эъозлаймиз,
Яйловлари беҳаддир унинг.
Сут ийланган ҳавм билан,
Ҳам барсман чивиги билан,
Олийжаноб суз сеҳри билан,
Ҳам муқаддас ваъзлар билан,
Калом билан, ҳам амал билан
Ибодатлар келтирадирмиз,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳақдоний каломлар билан.
«Шарофатли Аҳура Мазда
«опинмоққа буюрганларга
Топинадирмиз».

146

«Энг яхши Илоҳ каби...» (Икки марта).
Ҳудудсиз яйловлар шоҳи Митрага ва ях-
ши
Ўтлоқлар соҳиби Романага дуо-ю олқиш,
Фараҳ ва шараф тилайман.
«Ҳақиқат — олий шарофат..»



ВАРТРАГНА ҚАСИДАСИ

(14-яшт, Баҳром яшт)

Шод бўлсин Аҳура Mazda..
Аҳура бунёд айлаган Голибликда ягона

Вартрагнага дуо-ю олдиш, фараҳ ва
шарафлар бўлсин.
«Энг яхши Илоҳ каби...»

Биринчи бўлим

1

Парвардигор Аҳура Mazda
Яратган ул Вартрагнага
Сигинамиз.
Аҳура Mazdaдан сурди
Сипийтмон Зардушт:
«Айтги менга, эй Муқаддас Руж,
Вужуд оламин яратгувчи,
Ким осмоний худолар аро
Ҳаммадан ҳам жанговарроқдир?»
Жавоб қилди Аҳура Mazda.
«У Илоҳий Вартрагнадир,
Сипийтмон Зардушт!»

2

Пайдо бўлди Зардушт қошида
Ул Илоҳий Вартрагна
Кучли шамол қиёфасида, —
Mazda берган гузаллик билан,
Элти сахий Хуварнони у,
Элти Қудрат ҳамда Нажотни.

3

Вартрагна унга деди:
«Мен — куч билан кучлидирман,
Паноҳим билан мустаҳкам.
Мен ҳаммадан шарофатли,
Мен ҳаммадан саховатли,
Мен ҳаммадан адолатли,
Ҳаммадан ҳам нажоткорроқ,
Асрагувчи.

6

Сигинамиз Вартрагнага...

7

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна иккинчи дафъа
Пайдо бўлди Зардушт қошида
Олтин шоҳли новвоси билан,

4

Ганимлики энгадирман.
Инс-жинлар, жодугарлар,
Сеҳргарлар, афсунгарлар
Ва қавийлик мустабидлар,
Қоропонлик зулморлар
Душманлигин энгадирман».

5

Фараҳмандлик ҳаққи-ҳурмати
Бор овозда дуо қиламан,
Ибодатлар келтирадирман
Ул қудратли Вартрагнага;
Парвардигор Аҳура Mazda
Бино этган Вартрагнага
Сигинадирмиз
Ва Аҳура айтган йусинда
Ибодатлар келтирадирмиз,
Сут ийланган ҳавм билан,
Ҳам барсман чивиги билан,
Олижаноб суз сеҳри билан,
Ҳам муқаддас ваъзлар билан,
Калом билан ва амал билан,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан.
«Шарофатли Аҳура Mazda
Топинмоққа буюрганларга
Топинадирмиз».



201

Иккинчи бўлим

Чиройли ва гоят қудратли
Ким шоҳлари узра буйланар
Куч ва қудрат.
Пайдо бўлди Зардушт қошида
Парвардигор Аҳура Mazda
Бунёд этган Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Учинчи бўлим

8

Сигинамиз Вартрагнага...
Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна учинчи дафъа
Пайдо булди Зардушт қошида, —
Опшоқ учқур тулпорида,
Олтин қулоқ, олтин жилов,

Гоят гузал, гоят хушруй.
Тулпор боши узра уктам
Юксаладир куч ва қудрат, —
Пайдо булди шундай Худо
Мазда бунёд айлаган ул
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Тўртинчи бўлим

10

Сигинамиз Вартрагнага...

11

Аҳура Бунёд айлаган
Вартрагна тўртинчи дафъа
Пайдо булди Зардушт қошида.
Бурон янглиг нортуюда,
Олга интилгувчи мудом.
Учқур, энгил-либоста боп
Мўйналидир.

Улугвордир урқачлари,
Қудратлидир туёқлари,
Фаросатли, фаҳмалидир,
Катта-катта кузлари-да,
Қуркамдир у, қудратлидир,
Қоматлидир, улқандир у.

13

Қора тунни ёриштириб
Порлар олис-олислардан
Кузлари юдуз мисоли.
Тумшугига пуркайдир у
Опшоқ-опшоқ ҳуликларин
Ва туёғи остига-да
Пуркайдир у жаҳд билаи.
Шон-шукуҳли ҳукмдордек
Тик турганча тик боқадир.
Шундай пайдо булди Зардушт
Қошида ул Вартрагна.

12

Барча норлар ичра кучли
Эрхак нордир
Ва ургочи туяларга шиддат билан
Интиладир.
Вартрагна боқгувчи ул
Гоят гузал нортуюнинг

Бешинчи бўлим

14

Сигинамиз Вартрагнага...

15

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна бешинчи дафъа
Пайдо булди Зардушт қошида
Қон қутурган қобон шаклида.
Ииртқич, ханжар тишли, қаҳрли,

Пора-пора қилгувчи уткир
Дандонлидир, буйинсинмасдир,
Ола тумшуқ, аламли, бадҳу,
Устомондир, эпчи, илдамдир, —
Пайдо булди шундай Худо
Мазда бунёд этган уша
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Олтинчи бўлим

16

Сигинамиз Вартрагнага...

17

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна олтинчи дафъа
Пайдо булди Зардушт қошида:

Ун беш яшар¹ навқирон йигит,
Гузал усмир — Эр сиймосида.
Гоят сулув, тиниқ нигоҳли,
Баланд буйли, чаққон оёқли, —
Пайдо булди шундай Худо
Мазда бунёд айлаган ул
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



Еттинчи бўлим

18

Сигинамиз Вартрагнага...

19

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна еттинчи дафъа
Пайдо бўлди Зардушт қошида
Варагн' қуш тимсолида,
Остидаги қурбонларин эзиб ташлаб,
Устидаги қурбонларини майдалаб.
Барча қушлар ичра илдам,
Қанотлилар ичра учқур.

20

Тирик жонзотлар ичида
Елгизгина у етадир
Бехато учган ўқларга,

Еладир у болта қанот
Субҳ шафақлари буйлаб,
Шомда таом истайдир у,
Тонгда истайдир нонушта.

21

Горлар тубига тушадир,
Қояларга қунадир у,
Гирдобларга қанот урар.
Дарахтларнинг учларига
Тегиб утар,
Қулоқ тутар паррандалар
Нолишига.
Пайдо бўлди шундай Худо
Мазда бунёд этган уша
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Саккизинчи бўлим

22

Сигинамиз Вартрагнага...

23

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна саккизинчи бор
Пайдо бўлди Зардушт қошида,

Ёввойи тоғ қучқоридек,
Эгри мугуз, гоят гузал, —
Пайдо бўлди шундай Худо
Мазда бунёд айлаган ул
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Тўққизинчи бўлим

24

Сигинамиз Вартрагнага...

25

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна тўққизинчи бор
Пайдо бўлди Зардушт қошида

Ёввойи эчки қиёфасида
Ўткир шохли, жуда гузал, —
Пайдо бўлди шундай Худо
Мазда бунёд айлаган ул
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўнинчи бўлим

26

Сигинамиз Вартрагнага...

27

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна ўнинчи дафъа
Пайдо бўлди Зардушт қошида
Ажойиб эр сиймосида.

Худо берган, гоят сулув
Ва дид билан безатилган
Тилло шамшир тутгандир у, —
Пайдо бўлди шундай Худо
Мазда бунёд айлаган ул
Вартрагна.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...





Үн биринчи бўлим

28

Парвардигор Аҳура Мазда
Яратган ул Вартрагнага
Сигинадирмиз.
Шоиу шукуҳ бергувчи ул,
Амну амон бергувчи ул,
Сигинди унга тақводор
Сипийтмон Зардушт.
Хаёлларнинг голиблигин ёлворди у,
Каломларнинг голиблигин ёлворди у,
Барча ишда голибликни ёлворди у,
Нутқларда голибликни ёлворди у,
Инкорларда голибликни ёлворди у.

29

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна бахш айлади

30

Мазда бунёд айлаган у
Сеҳрли ва куч-қудратли
Вартрагнага сигинамиз..¹

31

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна бахш айлади
Қулларига унинг қувват
Ва мардона қудратни ҳам.

Қулларига унинг қувват
Ва мардона қудратни ҳам,
Танасига саломатлик,
Чидамлилик, сабру бардош.
Қулларига бахш айлади
(Чуқурлиги минг-минг эрнинг
Қоматига тенг келгувчи)
Кенг ва теран Ранҳ сувининг
Балиқлари қузидаги
Ўткирликни.
Соч толасидан йирикроқ
Сувости гирдобларини
Олислардан пайқайди у.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Үн иккинчи бўлим

Вужудига саломатлик,
Чидамлилик, сабру бардош.
Қулларига бахш айлади
Тумаили тунда заминда
Тулпор тўкин пайқагувчи
Ва тук отнинг думиданми,
Ёлиданми тукилганин фарқлайдирган
Қулуларнинг қузидаги ўткирликни.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Үн учинчи бўлим

32

Мазда бунёд айлаган у
Сеҳрли ва куч-қудратли
Вартрагнага сигинамиз..

33

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна бахш айлади
Қулларига унинг қувват
Ва мардона қудратни ҳам.
Вужудига саломатлик.

Қулларига бахш айлади
Туққизинчи заминдан ҳам
Муштдек этни кургувчи ё
Пайқагувчи олислардан
Ёй ўқининг пайқониди
Ярақлаган заволини
Ким, нозикдир нинадан ҳам, —
Тилла буйин қузгунларнинг
Қузидаги ўткирликни.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Үн тўртинчи бўлим

34

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинадирмиз..
Аҳура Маздадан сурди
Сипийтмон Зардушт:

«Айтгил менга, эй Муқаддас Рух,
Ганимларнинг қаргиши билан
Афсусланиб қолсам, у ҳолда
Қай йусинда халос бўларман?»

35

Жавоб қилди Аҳура Мазда:
 «Кенг қанотли қушлар ичидан
 Варагн қуш парини олғил,
 Сипийтмон Зардушт.
 Тананг буйлаб юргизгил уни.
 Шу йусинда ёвуз ёвларинг
 Қаргишидан халос буларсан.

36

Ёвқур қушлар ичра ягона
 Шиддатли ул Варагн қушнинг
 Сунгаги ва парлари бизга
 Яхшиликлар келтирадир, бил.
 Ҳеч ким уdda қилоамас асло,
 Қочқин чоғи йиқмас, улдирмас,
 Қушлар қуши пари мисоли.
 Кимга омад бахшида этар,
 Кимга мадад бергайдир ул қуш.

37

Улдиролмас ҳеч кимса унн,
 Мустабид, ё қотил, ё қавий.
 Улдиролмас ҳеч ким ҳеч қачон
 Ушал парнинг соҳибин, Зардушт.
 Ул бир узи яксон айлайдир
 Барчани!»

38

Мендан — уша пар соҳибидан
 Қурқсин барча,
 Титрасин барча.
 Мендан — уша пар соҳибидан

Қурқсин, барча ганимлар қурқсин,
 Қурқсин, барча рақиблар қурқсин,
 Мен муяссар булган голиблик,
 Куа-қуадратдан қурқсин батамом.

39

Қурқадирлар фақат шундайин
 Қуадрат, зурлик соҳиби булган
 Ҳукмдордан, соҳибқирондан
 Ва ҳокимнинг углонларидан.
 Эпчил Қавай-Усан шу зайл
 Куч-қуадратнинг соҳиби эди.
 Ким учқур ул қулунда бордир
 Бул шижоат
 Бундайин қуадрат.
 Эҳтирослар аро тўзиган
 Нортуйада бордир бу қуадрат,
 Бордир дарёларда бул қуадрат.

40

Трайтаона' қуадратли
 Шундайин куч соҳиби эди.
 Уч каллали, уч жағли йиртқич,
 Олти кузли маккор, қингир дил,
 Ёвуз девлар сулоласидан,
 Қуадратли ва забардаст гоят,
 Анҳра Ману бунёд айлаган,
 Каззобларнинг каззоби, боши,
 Бутун олам заволпешаси,
 Тавфиқ аҳлин кушандаси ул
 Аж Даҳони чилпарчин қилди.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



205

Ўн бешинчи бўлим

41

Аҳура бунёд айлаган
 Вартрагнага сигинамиз.
 Хонадонни жонлиқ билан,
 Омад-бахт билан

Таъминловчи Вартрагнадир.
 У Саона' каби улугвор
 Ва ёмгирнинг булути каби
 Чулгагувчи тоғлар бошини.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўн олтинчи бўлим

42

Аҳура бунёд айлаган
 Вартрагнага сигинамиз.
 Аҳура Маздадан сурди
 Сипийтмон Зардушт:
 «Айтгил менга, эй Муқаддас Руҳ,
 Вужуд даҳрин парвардигори,
 Қачон мадад учун чорлаймиз
 Ҳимматпеша Вартрагнани,
 Қачон унга тоат қиламиз,
 Қачон уни олқишлайдирмиз?»

43

Жавоб қилди Аҳура-Мазда:
 «Қачон қушинлар дуч келар,
 Сипийтмон Зардушт,
 Бир-бирига қарши туриб,
 Сафларини тугрилайдир,
 Ҳеч ким голиб булган эмас,
 Ҳеч ким мағлуб булган эмас.

44

Варагн қуш қанотидан
Турт дона пар олғил шунда,
Ҳар бир қушин қаршисида
Тутиб тургил уша парни
Ва кимда-ким энг бирламчи
Тоат қилса чин кунгилдан,
Вартрагнани қорласа,
Шарофатли Қудратга ул
Ноил булар
Ва ушанга насиб қилар
Галаба ҳам.

45

Вартрагнага сигинамиз,
Чорлайдирмиз куч ва қудратни, —
Икки нафар ҳимоячига,
Икки нафар паноҳ-посбонга,
Икки дона пардан титровчи,
Икки дона пардан учғувчи,
Гойиб булғувчи икки пардан,

Ҳн еттинчи бўлим

47

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинамиз.
Қушинларнинг ҳузурига
Митра, Рашну билан бирга
Вартрагна сузлар шундай:
«Ким аҳду қавлини бузар
Алдаб Митрани?
Ким Рашнуни унутади?
Кимга мутлақ ҳуким билан
Касаликлар берадирман,
Берадирман кимга улим?»

48

Аҳура Мазда деди:
Худо берган Вартрагнага,
Ҳаммадан муносиб зотга
Ким тоатлар келтирар бўлса,
Ҳақиқатда ҳаммадан яхши
Дуолар ва қурбонлик бирлан, —
Ориёний мамлакатларга
Ёвлар ҳужум қилмагай зинҳор.
На офат, на балою қазо,
На ганимнинг аравалари,
На алвони унинг сарбаланд
Кириб келмас юртига унинг,
Келмайди асло.

49

Сурди яна Аҳурадан
Сишийтмон Зардушт:
«Дегил бизга Аҳура Мазда,
Нечук тоат қилайлик бизлар,
Ҳақиқатда ҳаммадан яхши

Икки дона пар кузатғувчи,
Икки парни силовчига ҳам
Тилайдирмиз матонат-қудрат.

46

Бул отни, бул дуони, Зардушт,
Бегонага айтмасин ҳеч ким, —
Майли айтсин ота углига,
Ога айтсин ўз жигарига,
Муридига айтсин муршиди,
Қудратлидир бу калималар.
Қудратлидир ва мустақкамдир,
Қудратлидир, хуш сузлашидир,
Қудратлидир, зафарпешадир,
Қудратлидир ва нажотбахшдир, —
Ана шундай улугдир бул суз
Ким, жазога гирифтор жоннинг
Бошин омон сақлагайди у
Ва ортига қайтарар туйқус
Қўпган зарбани».

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Нечук қурбонлик келтирайлик
Вартрагнага?»

50

Жавоб қилди Аҳура Мазда:
«Ҳаоманинг шарбагин қўйсин
Ориёний эл-юртлар унга,
Барсмани тозаласинлар
Ориёний эл ва улуслар.
Ёруғ бўлсин ё туниқ бўлсин,
Аммо фақат бир хил тусдаги
Қурбонликни пишириб элтсин
Ориёний юрт соҳиблари.

51

Келтирмасин қурбонлик зинҳор,
На мунофиқ, на аблаҳ бузғунчи.
На ҳиссиз, на иймонсиз расво,
На Готларни куйламовчилар,
Аҳура ва Зардушт динининг
Душманлари, мухолифлари.

52

Келтирса гар қурбонлик улар, —
Мунофиқлар, бузуқлар, золлар,
Қотиллар ва иймони йўқлар
Ва Готларни куйламовчилар, —
Илоҳий ул Вартрагна ҳам
Бахш этмайди сира омонлик.

53

Шунда орий мамлакатларни
Бостиради маккор ганимлар,



Шунда орий мамлакатларга
Босиб кирар ёв қўшинлари.
Эллик зарбада яксон айлайдир
Юзта орийни,
Юз ҳамлада яксон айлайдир
Мингта орийни,
Минг ҳамлада яксон айлайдир
Минг-минг орийни,
Минг-минг зарбада яксон айлайдир
Яксар ҳаммасин.

54

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагна сўз қотди шунда:
«Кимсаларки, иблис, девларга
Муҳиб эрур, мутаважжиҳдир
Ва беҳуда қонлар тўқарлар
Назру ниёз, қурбонлик учун
Новвос қалбигаб,

Ўн саккизинчи бўлим

57

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинамиз.
Интиламан нажот ва зафар
Ҳаомасига.
Жон вужуд, яхшиликларнинг
Пушт-паноҳи,
Ҳимоятгари.
Татир эса ким ҳамадан
Уни сира мағлуб этолмас

Қабул булмас Ҳақ даргоҳига,
Яроқсиздир ва беҳудадир
Ул жонларнинг қурбонликлари,
Ул жонларнинг ибодатлари.

55

Қон қутурган девлар, иблислар
Ва уларни эъозловчилар
Ҳапораси усимлигини,
Ҳам намаднинг бутуқларини
Беҳуда келтирадир оловга'.

56

Ва қутурган уша иблислар,
Ҳам уларни эъозловчилар
Қулоқ бирлан бекор тинглайдир
Ва беҳуда тикадирлар қуз».

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Рақиблари,
Маккор ёвлари.

58

Мени таъқиб этган изма-из
Мағлуб айлай ёв қўшинини,
Яксон айлай ёв қўшинини,
Тор-мор айлай ёв қўшинини.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ўн тўққизинчи бўлим

59

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинамиз.
Сигур тоши' томон ошиқди
Ҳукмдор угли,
Ошиқдилар сипоҳсолорнинг
Зурёдлари ҳам,
У муқтадир булар шубҳасиз,
У музаффар буладир шоён.

Зафар менга ёр булсин доим
Барча ориёнийлар каби.
Мени таъқиб қилган изма-из, —
Мағлуб айлай ёв қўшинини,
Яксон айлай ёв қўшинини,
Тор-мор айлай ёв қўшинини.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирманчи бўлим

61

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинамиз.
«Энг яхши Илоҳ каби,
Энг яхши раҳбар каби
Саховатли Мазадага берди
Ҳокимлик ва олижаноблик
Ва қашшоқни қўлламоқни ҳам».

Куч ва қудрат новвосга булсин!
Шону шавкат новвосга булсин!
Суз ва калом новвосга булсин!
Ғалабалар булсин новвосга!
Озиқ-овқат новвосга булсин!
Кийим-кечак новвосга булсин!
У бизларга озуқа берар.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



Йигирма биринчи бўлим

62

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинамиз.
Барбод этар қўшин сафларин,
Тилкалайдир қўшин сафларин,
Оёқости қилар сафларни,
Таҳликага солар сафларни,
Парча-парча қилар сафларни

Ва сидириб ташлар батамом,
Вартрагна маглуб айлайдир
Ганимларни — инс-жинларни,
Жодугарлар, афсунгарларни
Ва қавийлик мустабидларни,
Қоропонлик ёвузларни ҳам.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Йигирма иккинчи бўлим

63

Аҳура бунёд айлаган
Вартрагнага сигинамиз.
Аҳура бунёд айлаган
Илоҳий Вартрагнага.
Каззоблар юртининг
Саф-саф тизилган
Жумла лашкарларин ичидан
Қавлу аҳдин бузган кимсаларни у
Қуларидан тутар,
Нигоҳларин тусар,
Қулоқларин батанг айлайдир, —
Оёқларидан кетадир буткул мадори,
Қаршиликка қолмас мажоли.

Сигинадирмиз
Ва Аҳура айтган йусинда
Ибодатлар келтирадирмиз,
Сут ийланган ҳаома билан,
Ҳам барсман чивиги билан,
Олижаноб суз сеҳри билан,
Ҳам муқаддас ваъзлар билан,
Калом билан ва амал билан,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан.
«Шарофатли Аҳура Mazda
Топинмоққа буюрганларга
Топинадирмиз».

64

«Энг яхши Илоҳ каби...» (Икки марта).
Аҳура бунёд айлаган Голибликда ягона

Вартрагнага дуою олқишлар,
куч ва қудрат тилайман.
«Ҳақиқат — олий шарофат...»

Фараҳмандлик ҳаққи-ҳурмати
Бор овозда дуо қиламан,
Ибодатлар келтирадирман
Ул қудратли Вартрагнага;
Парвардигор Аҳура Mazda
Бино этган Вартрагнага

АША ҚАСИДАСИ

(17-яшт, Ард яшт)

Шод булсин Аҳура Mazda..
Mazda бунёд этган бегубор Ашага,
бегубор Таълимотга, бегубор Ютуҳқа,

Ҳуварно ва Манфаатга шодликлар, дуою
олқиш, фараҳ ва шарафлар булсин.
«Энг яхши Илоҳ каби...»

Биринчи бўлим

1

Эъозлаймиз ва ардоқлаймиз
Улуг ҳокимамиз Ашани.
Эзгуликлар берадир бизга,

Саломатлик берадир бизга,
Гоят сулув, шухратмандир у,
Қудратлидир, гоят кучлидир.



2

Эъзозлаймиз ва ардоқлаймиз.
Парвардигор Мазда қизини,
Барҳаёт Валийлар сингисини.
Нажоткорлар дониши бирлан
Нажот сари элтадир Аша.
Ким чорлайдир уни йироқдан,
Ким чорлайдир уни ёвуқдан,
Сахийлик-ла айладир инъом
Тугма ақд, тугма зеҳн унга.
Ким эҳтиром қилар Ашани
Ҳаоманинг шарбати бирлан
Унга мадад сари интилар.
(Ким Митрани эҳтиром айлар
Ҳаоманинг шарбати бирлан).¹

Иккинчи бўлим

4

Эъзозлаймиз сулув Ашани...

5

Ҳавмга шарафлар бўлсин,
Калом-сузга шарафлар бўлсин
Ва шарафлар бўлсин тақводор
Зардуштга.
Ҳавмга шарафлар бўлсин, —
Ҳар қандайин мастликдан кейин
Қонхур Ғазаб келадири голиб,
Ҳавмнинг шарбатидаан сунг
Келадири Ҳақ,
Келар Ҳақиқат.

6

Сулув Аша,
Нурафшон Аша,
Фарог нурин таратадир
Одамларга у,
Шону шукуҳ берадир кимнинг
Жонибига келар булса у,
Осудалик топар кулбаким
Дадил қадам қўядир Аша
Остонасига.
Асрагайдир замонлар буйи
Авлодларин, наслу насабин.

7

Эрларига берадирсан сен
Бадавлат мулк
Ва тушовли урин-жойлар ҳам.
Бойлик-бисот берарсан куллаб
Келар булсанг кимнинг ортидан.
Сен эргашган кимсага, Аша,
Олқиш бўлсин,
Мақтовлар бўлсин.
О, қудратли, фаровон Аша;
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

3

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи,
Бор овозда дуо қиламан,
Пок ва аъло қурбонлик билан
Ардоқлаймиз бизлар Ашани,
Биз эҳтиром қиламиз уни, —
Сут ийланган ҳаома билан,
Ҳам барсман чивиги билан,
Олийжаноб суз сеҳри билан,
Ҳам муқаддас ваъзлар билан,
Калом билан ва амал билан,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан.
«Шарофатли Аҳура Мазда
Топинмоққа буюрганларга
Топинадирмиз».

8

Уйлари-да қулай, курклидир,
Ҳайвонлари сонсиз, саноқсиз.
Гузалдир у, умрбоқийдир, —
Кимга ёндаш келар булсанг сен,
Бегубор Аша.
Сен эргашган кимсага, Аша,
Олқиш бўлсин,
Мақтовлар бўлсин.
О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

9

Олтин оёқ ётоқлари-да,
Кунгилидир, гоят тартибли,
Ёстиқлари купдир жуда ҳам
Сен ёндашган бахтли зотларнинг...
... О, қудратли фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

10

Ва суюмли хотинлари ҳам
Ултирадир ётоқда хушрўй,
Тартиб билан терилган сулим
Ёстиқлари-да.¹
Олтинлари порлар уларнинг,
Порлар зебу зийнатлари ҳам.
Билакузук, шода мунчоқлар,
Тўрт қиррали сиргалар тақиб
Бир-бири-ла сирлашадирилар:
«Қачон келар хужайинимиз?
Қачон роҳатланурмиз суюб,
Суюмли тан лаззатларидан?»
... О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

11

Ултиришар нозанин, гузал,
Ул зотларнинг сарвдек қизлари.



209



Билахузуклари ярақлар.
Қоматларин безар хипча бел,
Вужудлари сулимдир шундай,
Чиройлидир ва қўлларида
Узуи бир даста.
Яйратадир улар кузларин
Сен ёндашган бахтли зотларнинг...
... О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

12

Кенгликларда учгучи магрур'
Тулпорлари кишнайди баланд,
Қуша отлар элтгучи илдам
Аравада ултирадир у —
Ғолиб сипоҳи.
Найзалари уткир ва узун,
Олисларга учадир ўқи
Ва душманни орқа-олдидан
Яксон айлайдир, —
Улар бегаш, бегубор Аша.
... О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

13

Уркачлари уқтам, улугвор
Туялари кишнар уларнинг,
Интиладир ургочиларга,
Ташланадир ҳарб майдониға.
... О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

14

Кумуш, тилла элтадир улар
Дафиналарга,
Либослари қимматбаходир.
Келтиришар олис юртлардан
Улар бегаш, бегубор Аша..
... О, қудратли, фаровон Аша,
Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.

15

Қарагил, эй бегубор Аша,
Менга томон боққил ягона.
Шафқат қилгил, эй саховаткор,
Шафқат қилгил, эй олийжаноб,
Шафқат қилгил, эй соҳибқирон
Ва бахт ҳада аялагил менга.

16

Улуг отанг Илоҳлар ичра
Энг улуг Илоҳ
Аҳура Маздадир.
Волиданг — Армаитий Спинта,⁴
Огаларинг — жасур Сраҳош,
Рашну, Митра тақводорларким
Яйловлари ҳад-ҳудудсиздир,
Нигоҳлари мингдир, тумандир,
Қулоқлари мингдир уларнинг,
Ва Даона⁵ синглингдир сенинг.

17

Мақтовларга гоят лойиқсан,
Илоҳий Аша,
Турадирсан қоматинг расо,
Аравани бошқарадирсан,
Айтадирсан ушбу сузларни:
«Оҳ, ким чорлар мени узига,
Қай бир чорловчининг нидоси,
Каломлари ёқадир менга?»

18

Жавоб қилди тақводор Зардушт,
Зардушт садо қайтарди унга,
У одамзод ичра ilk марта
Ҳақиқатга таҳсинлар айтди,
Аҳурани эҳтиром қилди,
Эъзозлайди Улмас ва Боқий
Авлиёларни.
У дунёга келган кунидан,
То улгайиб камол топгунча
Шоду хуррам оқди сувлар ҳам,
Усимликлар ўсди гуркираб.

19

У дунёга келган кунидан,
То улгайиб камол топгунча
Ёвуз Анҳра Ману тарк этди
Бу ҳудудсиз замин шарини
Ва ҳақорат қилди бузгунчи
Анҳра Ману Зардуштни шундай:
«Ҳеч бир илоҳ менга кор қилмас,
Улар мени йўқ қилишолмас,
Ёлғиз Зардушт тенг келар менга,
Ёлғиз Зардушт енгадир мени»

20

У уради мени қудратли
«Аҳуна Вора» дуоси⁶ билан,
Гуе улкан бинодек тошни
Қўлларида тутиб ургандек
«Аша Воҳишта» дуоси⁷ билан
Қизгин темир каби куйдирар,
Ер юзидан қувадир мени.
Мен қочаман фақат Зардуштдан,
Мен қурқаман Зардуштдан ёлғиз».

21

Саховатли Аша шу заҳот
Суз қотди шундай:
«Менинг қошимга кел,
Кел, ҳузуримга,
Тақводор Зардушт,
Келгил, араванинг
Ёнида тургил!»
Шунда ёвуқ келди
Унинг наздига,
Турди араванинг
Ёнида Зардушт.

22

Аста тегди унга
Аша вафоли,
Қулларин Зардуштнинг
Боши устидан
Секин юргизди.
Деди: «Бениҳоя гузалсан,
Зардушт,

Куркамсан сен жуда,
Оҳ, Сипийтмон,
Келишгандир гоят оёқларинг ҳам,
Хушбичим ва узун қулларинг.
Ҳуварнони эҳсон айлади сенга,
Аҳд қилганим каби аввал-бурундан
Қалбингга бахш этдим ҳузур-ҳаловат».
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Учинчи бўлим

23

Эъозлаймиз сулув Ашани...

24

Ҳаошянҳа Парадота
Мазда бунёд айлаган ул
Юксак Ҳара этагида
Тоат келтирди Ашага;

25

Шундай сурди у Ашадан
«Бахш айлагил менга омад,
Саховатли Аша,
Мозон девларидан чўчиб,

Даҳшат ичра
Чекинмайин,
Аммо менинг ҳузуримда
Ваҳм, қурқув ва даҳшатдан
Тиз чўксинлар барча девлар
Ва зулматга чекинсинлар».

26

Енаш келди унга Аша,
Евуқ келди Аша унга.
Ҳаошянҳа Парадота
Ноил булди унинг
Мурувватига.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Тўртинчи бўлим

27

Эъозлаймиз сулув Ашани...

28

Ҳукариё чўққиларида,
Улуг Йима, пода соҳиби,
Ибодатлар келтирди дилдан
Мурувватли Аша ҳаққига.

29

Шундай сурди у Ашадан
«Бахш айлагил менга омад,
Саховатли Аша,
Мазда бунёд этган
Жумла мавжудотга
Берай пода баракотини,
Мазда бунёд этган
Жумла мавжудотга
Абадият айлайин бахш.

30

Мазда бунёд этган
Жумла мавжудотдан

Даф айлайин ташналикни,
Очликни-да, муҳтожликни.
Мазда ато қилган
Бори мавжудотни
Халос айлай қариликдан
Ва улимдан.
Мазда бунёд этган
Жумла мавжудотдан
Даф этайин куйдиргувчи
Ва минг-минг қаҳратон ичра
Изгиринли шамолларни».

31

Ендаш келди унга Аша,
Евуқ келди Аша унга.
Улуг Йима,
Эзгу подалар соҳиби
Ноил булди унинг
Мурувватига.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



Бешинчи бўлим

32

Эъзозлаймиз сулув Ашани...

33

Турт буржли Варна юртидан,
Атвйа уругидан баҳодир
Третона ибодат қилди
Саховатли Ашага.

34

Утинди мард углон Ашадан:
«Бахшида қил шундайин омад,
Меҳрибон Аша,
Ким мен мағлуб айлайин буткул
Ажи Даҳокани
Ва ул Арта оламида

Ҳалокат-чун яратилган
Уч огизли, уч каллали, олти қўзли,
Минг-минг қудрат соҳибини,
Ҳам угирлай унинг икки хотинини, —
Сангҳавак ва Арнавакни,¹
Волидалик огушлари гузал гоят
Ва рўзгорда тенгсиз улар.

35

Ёндаш келди унга Аша,
Ёвуқ келди Аша унга.
Атвйа уругидан
Мард Третона
Ноил бўлди унинг
Мурувватига.
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Олтинчи бўлим

36

Эъзозлаймиз сулув Ашани...

37

Олтинкуз, нажотбахш,
Гузал Ҳавм
Хара тоғларининг
Энг чунг чўққисин,
Юксак қиррасида
Келтирди тоат.

Ёвуз тутқунни
Хусрав⁶ қошига.
Чайчаст қўлин¹ соҳилида, —
Мовий ва чуқур,
Хундор ўзи қасос олсин
Франҳрасяндан,
Ёвузларча улдирилган
Сиеваршан¹ учун
Ва Нарава¹ наслидан номдор
Аҳраарат⁴ учун
Қасос олсин баҳодир Хусрав.

38

Утинди у Ашадан:
«Бахш айлагил шундай омад,
Меҳрибон Аша,
Асир қилай туронлик ботир
Франҳрасянни¹,
Қул-оёгин боглаб келтирай

39

Ёндаш келди унга Аша,
Ёвуқ келди Аша унга.
Олтиннигоҳ ҳамда нажоткор,
Қуркам Ҳаома
Ноил бўлди унинг мурувватига.

Еттинчи бўлим

40

Эъзозлаймиз сулув Ашани...

41

Ориений мамлакатларни
Бирлаштирган мард ва тадбиркор
Хусрав келди Аша қошига,
Дуолар қилди
(Теран сувли Чайчаст қўлининг
Қиргоқларида).

42

Утинди у Ашадан:
«Бахш айлагил шундай омад,
Меҳрибон Аша,
Теран сувли Чайчаст қўлининг
Қиргоқларида
Қасос олай туронлик ботир
Франҳрасяндан,
Мақр билан улдирилган
Сиеваршан учун
Ва Нарава қаҳрамони
Аҳраарат учун



Қасос олай
Франҳрасяндан».

43

Ёндаш келди унга Аша,
Ёвуқ келди Аша унга

Ориёний мамлакатларни
Бирлаштирган мара ва тадбиркор
Хусрав ноил булди Ашанинг
Саховати, мурувватига.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Сақсизинчи бўлим

44

Эъозлаймиз сулув Ашани...

45

Ҳузурига келди Ашанинг
Орий Вожа саҳроснда,
Мушфиқ Доитё қиргогида
Сипийтмон Зардушт,
Сут қушилган ҳаома билан,
Барсман ҳамда мадад учун
Ҳозир тил билан,
Фикр, калом, амал билан,
Қуп уринли ваъзлар билан.

46

Утинди у Ашадан
«Бахшида қил шундайин омад,

Меҳрибон Аша,
Уша машҳур Хутаосага
Мудом сабоқ бермоқчиман, —
Иймон билан фикр айласин,
Иймон билан сўз суйласин,
Ишончига ноил булсин Аҳуранинг,
Шону шуқуқ берсин менинг жамоамга.

47

Ёндаш келди унга Аша,
Ёвуқ келди Аша унга.
Ноил булди Сипийтмон Зардушт
Гузал Аша мурувватига.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Тўққизинчи бўлим

48

Биз Ашани эъозлаймиз..

49

Дат дарёсин қиргоқларида
Қуп ақлли Виштасп келтирди
Ошага уз эътимодини

50

Ва утинди унга шу зайл:
«Бахш айлагил шундайин омад,
Саховатли, меҳрибон Аша,
Голиб айлай зафарли ҳарбада
Ашта арванта ёвузни,¹⁸
Виспатарва¹⁹ углонини ҳам
Қалқонининг қуйи уткирдир,
Дубулгасин учи кескирдир,
Бўйни гоят йўгондир унинг,
Етти юзта нортаяси бор...¹⁷
Шундай омад бахш айла Аша.
Голиб айлай зафарли ҳарбада
Ҳияоналик уша ёвузни
Ва ёлгончи Аражатаспани¹⁸,
Мағлуб этай, ерпарчин этай
Дев-жинларни эҳтиром қилган
Даршиникани.¹⁹»

51

Яқсон этай сенинг туфайли
Ёвуз Тантриявантани¹⁸,
Яқсон этай сенинг туфайли
Спинжаурушна¹⁹ бадхуни,
Ҳам қайтариб олай батамом
Ҳияона асоратидан
Ҳумояни²⁰, Варидканани²¹,
Ҳияона лашкарларини
Мағлуб этай элик зарбада
Юз нафарин,
Юз зарбадан минг нафарини,
Минг зарбада — туман-туманин,
Туман зарбада — сонсиз-саноқсиз».

52

Қуйи энди меҳрибон Аша,
Ёвуз келди утингувчига.
Қуп ақлли, хирадманда
Виштасп
Ноил булди марҳаматига.

53

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..



53

Биз Ашани эъозлаймиз...

54

Шундай деди Аша меҳрибон:
«Қабул қилмам қурбонлигини
Пуштсизликка гирифтор эрнинг,
Қурбонлигин қабул қилмасман
Безурриёт жувонларнинг ҳам¹⁴,
Қурбонлигин қабул қилмасман,
Балогатга етмаган ёшнинг.
Эр зотини билиб қурмаган
Балогатга етмаган қизнинг
Қурбонлигин қабул қилмасман

55

Нотаридлар ва туронликлар
Қувганида учқур отларда
Ул қудратли буқа туёғин
Остида жон сақлаганимда,
Балогатга етмаган ёшлар,
Эр қурмаган навраста қизлар
Мени топиб берди уларга.

56

Мени яна қувгин қилдилар
Учқур отли нотаридлар-ла
Учқур отли туронлик эрлар.
Юз-кўзини буйни остида
Асрагувчи улкан совлиқнинг
Паноҳида жоним сақладим.
Мени яна тутиб бердилар,
Балогатга етмаган ёшлар.
Эр қурмаган навраста қизлар.
Такрор қувгин қилдилар мени
Учқур отлар соҳиби булган
Туронликлар ва нотаридлар»¹⁵.

57

Аввал шиква қилди уртаниб
Меҳрибон ва раҳмдил Аша,
Енгилоеқ, пуштсиз хотиндан:
«Унга ёвуқ келмагил асло,
Бир уринда ётма ул билан;
Нима қилай улар дастидан,
Осмонларга кетаймиз бадар,
Ерга қайтиб тушайми, ахир?»

58

Кейин шиква қилди уртаниб,
Ўйнашидан бола орттириб,
Йулдошига элтгувчи бузуқ,
Енгилоеқ хотин зотидан:
«Нима қилай улар дастидан,
Осмонларга кетайми бадар,
Ерга қайтиб тушайми, ахир?»

59

Сунгра шиква қилди уртаниб
Меҳрибон ва раҳмдил Аша;
Ёш қизларни йулдан ургувчи,
Ва уларни элтиб бемаҳал
Қайтаргувчи боласиз, танҳо,
Тубан каслар қилмишларидан
Ҳасрат қилди поксиришт Аша:
«Нима қилай улар дастидан,
Осмонларга кетайми бадар,
Ерга қайтиб тушайми, ахир?»

60

Аҳура Мазда деди:
«Худо берган Аша меҳрибон,
Осмонларга бош олиб кетма,
Қайтиб тушма сен заминга ҳам,
Менга ҳамроҳ булгил, эй Аша,
Менинг сулим маконим ибра
Манзил бордир сендай ҳокимга

61

Мен эҳтиром қиламан сени
Қурбонлик билан.
Ибодатлар қиламан сенга,
Дат дарёсин соҳилларида
Донишманд ул Виштасп баайни,
Чивик тутиб қўла сарафроз
Коҳин нутқ сузлайдир баланд,
Мен эҳтиром қиламан сени
Қурбонлик билан,
Ибодатлар келтирадирман,
Эй сен гузалларнинг гузали,
Яратганинг яктоси Аша».

Фараҳмандлик ҳаққи-ҳурмати
Бор овозда дуо қиламан.
Қурбонликлар келтирадирман,
Меҳрибон ва гузал Ашага.
Биз Ашани эъозлаймиз
Ҳавмнинг шарбати билан,
Барсманнинг чивиги билан,
Гоят гузал ваъзлар билан,
Хаёл билан ва амал билан,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан.
«Шарофатли Аҳура-Мазда
Топинмоққа буюрганларга
Топинадирмиз»¹⁶.

62

«Энг яхши Илоҳ каби...
Энг яхши Илоҳ каби...
Мазда бунёд айлаган покиза
Ашага, пок Таълимотга, пок
Амалга, эзгу Комебликка, Ҳуварно ва
Манфаатга ибодат
ва дустлар, куч-қудрат тилайман.
«Ҳақиқат — олий шарофат...»



ЎУВАРНО ҚАСИДАСИ

(19-яшт, Замад яшт)

Шод бўлсин Аҳура Mazda...

Мазда бунёд айлаган Ушидарно тоғларига, Мазда бунёд айлаган қавайлик саховатпеша Ҳуварнога, Мазда инъом айлаган

қул етмас Ҳуварнога шодликлар, дуо-ю олқишлар, шону шарафлар бўлсин.

«Энг яхши Илоҳ каби...

Биринчи бўлим

1

Дастлаб тоғлар қад кутарди,
Сипийтмон Зардушт,
Улуғвор Ҳарати юксалди
Бу замин узра.
Кунчиқардан Кунботаргача
Мавжуд барча мамлакатларни
Ураб тургувчи;
Иккиламчи Зардаза тоғи
Бош кутарди замин устида.
Манушанинг нарғи ёгидан.
Кунчиқардан Кунботаргача
Мавжуд барча мамлакатларни
Қуршаб турувчи.

2

Шундан кейин қад ростладилар
Ушида, Ушидарна тоғлари
Ва яширин Эрзифия ҳам,
Олтинчиси Аразурадир,
Еттинчиси бу Бумиядир,
Саккизинчи Раодитадир,
Туққизинчи бу Мазишвадир,
Унинчиси Антар-Дақюдир.
Ун биринчи бу Эрзишадир.
Ун иккинчи Ватигайсадир.

3

Оз-моз қорлар эригувчи ул
Адарана ва Баяна,
Ишқата, Упарисаона,
Ҳаманкунанинг икки тоғи,
Саккизта от буйи баробар
Вашананинг саккизта тоғи,
Видвананинг тўртта тоғи ҳам,

4

Асзахон, Маонахон,
Баҳодрина, Асая,
Тутада ва Вишава,
Сайривант, Драошишва,
Нанхушмант ва Қақаҳия,
Қанҳадаги барча тоғлар ҳам.

5—6

Сичидава, Аҳурана,
Раомана, Ашастомбана,
Асиавант, ...
..., ва Фрапая,
Ва Удрия ва Раовант —
Барча тоғларким, одамлар
Куриб еҳуд чиқиб сунгра
Ном қўймишлар.

7

Бу оламда тоғлар сони,
Сипийтмон Зардушт.
Икки минг икки юз қирқ тўрттадир.

8

Қурбонлик нонидан
Руҳоний ва сарбоз,
Дехқон ва подачи
Қанча ҳақ олса,
Шу қадар юксалди
Улуғвор тоғлар,
Бош кутарди шундай
Сонсиз чуққилар.

9

Мазда бунёд этган
Ёвқур Қавай Ҳуварносини
Эъозлайдирмиз.
Ҳаммадан ҳам суюмлидир у,
Ҳаммадан ҳам ажойибдир у,
Ҳаммадан ҳам эпчил-илдамдир,
Ҳаммадан ҳам тутғич бермасдир,
Ва юксакдир юксакликлардан.

10

Ҳуварноси Аҳура Мазданинг,
Ким яратди борлиқ-оламни
Куп эзгули, куп олийжаноб,
Куп гузалдир, гузалдир жуа,
Тимсоли-да, унинг ранг-баранг,
Куп фойдали манфаатлидир,
Мунаввардир, гоят ёруғдир.





216

11

Ҳаёт сари элтадир бунё
Булган жамий мавжудотни у,
Завол билмас, сулмас, қул бўлмас,
Сунмас, сира бесамар бўлмас,
Абадий умр сургувчи,
Мангу яшнагувчи, униб-усгувчи.
Уз-узига ҳокими мутлақ,
Майитлардан тириладир у,
Қайтиб келар барҳаёт, боқий,
Завол билмас халоскордир у,
Осудалиқ, тинчлик элчиси.

12

Ҳақиқатни танлаган зотлар
Улим билмас, завол топмасдир.
Ёлгон эса даф булгусидир.
Тавфиқ аҳли боши тушган
Жумла офат, жумла ҳалокат
Қайтиб кетар келган жойига,
Авлодидан ва ҳаётидан
Йуқ буладир майда ёвузлик
Йуқ буладир энг улуг ёвуз.

14

Қавайлар Ҳуварноси қудратлидир...

15

Барҳаёт Авлиёлар Ҳуварноси,
Омирларнинг, фақмиларнинг
Юксакларнинг, қудратлиларнинг
Илоҳийлар, энг илдамларнинг,
Чиримаслар, бегуборларнинг
Ҳуварноси.

16

Етти нафар бир фикрлилар,
Етти нафар бир овозлилар,
Етти нафар ҳукмбардорлар,
Бир фикрли ва бир сўзлилар,
Бир амалда, бир омонлилар,
Бир отадан ва бир онадан,
Ва биргина сорбони уша —
Яратгувчи Аҳура Мазда.

17

Бир-бировин қалбларини
Кургувчи улар,

Энг яхши Илоҳ каби,
Энг яхши Ҳомий янглиг
Ҳақ-ҳақиқат юзасидан у
Бермиш олий Маздага юмуш
Гарибларга қарамоқ учун.

18

Фараҳмандлик ҳаққи-ҳурмати
Бор овозда дуо қиламан,
Қурбонликлар келтирадирман
Мазда бунёд айлаган улуг
Қавайлик Ҳуварно ҳақиға.
Эъозлаймиз биз Ҳуварнони,
Қудратлидир у, қавайликдир.
Ва Ҳаома шарбати билан,
Ва барсман чивиги билан,
Олийжаноб ваъзлар билан,
Ую хаёл ва амал билан,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан,
«Олий Аҳура Мазда топинмоққа
Буюрганларга
Топинамиз».

Иккинчи бўлим

Эзгу фикрат хаёлида,
Эзгу калом хаёлида,
Эзгу амал хаёлида,
Олқиш Уйи хаёлида
Ёруғ йулар аро еларкан
Мангуликка элтгувчи фуруғ.

18

Аҳура Мазданинг ижоди
Улар — асл яратгувчилар.
Бунёдкорлар, асрагувчилар,
Ҳомийлар ва ҳимоятгарлар.

19—20

Улар хоҳиш-иродаси билан
Мавжудотни ҳаётга чорлар,
Мангуликка, безаволликка,
Хазон билмас, чиримас абад
Тирикликка бошқарадилар...
... Фақирларни боқишар улар.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Учинчи бўлим

21

Қавайлар Ҳуварноси қудратли-
дир...

22

Ҳосилсиз илоҳлар Ҳуварноси у,
Тугилмиш мавжудот Ҳуварноси у,
Дунёга келмаган Халоскорларнинг,
Омонлик админинг Ҳуварноси у.

23—24

Улар хоҳиш-иродаси билан
Мавжудотни ҳаётга чорлар.
Мангуликка, безаволликка,

Ҳазон билмас, чиримас абад
Тирикликни бошқарадилар...
... Фақирларни боқишар улар...
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Тўртинчи бўлим

25

Қавайилар Ҳуварноси қудратлидир...

Ҳоким булди девлар, одамлар,
Жодугарлар ва афсунгарлар,
Қавайлик ул мустабидларга,
Қоропонлик золимларга ҳам
Ҳоким булди узоқ замонлар.
Мозон девларининг тенг ярмин,
Ёвуз Варна малайларини
Қатл этди Ҳаошянҳа.

26

Ҳаошяна Парадатага
Мадад қудин чўзди Ҳуварно
Узоқ замон ҳокимлик қилди
Бутун замин ҳудудида у.
Жумла етти иқлим — кишварга
Ҳукмфармо булди сарфароз.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Бешинчи бўлим

27

Қавайилар Ҳуварноси қудратлидир...

Жумла етти иқлим — кишварга
Ҳукмфармо булди сарфароз,
Ҳоким булди девлар, одамлар,
Жодугарлар ва афсунгарлар.
Қавайлик ул мустабидларга,
Қоропонлик золимларга ҳам.

28

Турли тери ёпинган ботир
Урупининг' келди қошига.
Узоқ замон ҳокимлик қилди
Бутун замин ҳудудида у.

Олтинчи бўлим

29

У харбларда маглуб айлади
Инс-жинлар ва махлуқотни,
Жодугарлар, сеҳргарларни;
Ва қирчанги отга айланган
Анҳра Мануни минган куйи

Ер куррасини барча буржини
Ўттиз зимистон давомида
Кезиб чиқди.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Еттинчи бўлим

30

Қавайилар Ҳуварноси қудратлидир...

Жодугарлар ва афсунгарлар,
Қавай ул мустабидларга,
Қоропонлик золимларга ҳам.

31

Эзгу пода соҳиби булмиш
Ҳоким Йима қошига келди.
Узоқ замон ҳокимлик қилди
Бутун замин ҳудудида у.
Жумла етти иқлим — кишварга
Ҳукмфармо булди сарфароз.
Ҳоким булди девлар, одамлар,

32

У девлардан асради омон
Бойликларни, мулкни, бисотни,
Экинзорлар ҳосилдорлигин,
Подаларни асради омон:
Ул Йиманинг қаламравида
Озиқ-овқат, ичимликлар ҳам,
Тугамасди, бўлмасди адо.





218

Ҳайвонлар ҳам абадий эди,
Инсонлар ҳам абадий эди,
Ўсимликлар сулимас эди,
Қуримасди оқин сувлар ҳам;

33

Салтанат-да йўқ эди мутлақ
На совуқ, на қурғоқчилик.
На кексалик ва на улим,
На ёвуз ҳасад.
У ёлгонни суйламайдир ҳеч,
Ботил калом сигмасдир
Унинг ақлига.

34

Қачонки у ботил сўзларни
Ҳаёлига келтирди туйқус,
Ҳуварно бир қуш тимсолида
Учиб кетди Йимани ташлаб.
Олийжаноб Йима ногаҳон
Ўзини тарк айлаган уша
Ҳуварнони қургач бир қушдек,
Баракотли пода соҳиби
Беҳад огир аҳволда қолди.
Маънос булди Йима баҳодир,
Ганимлардан яшириниш учун
Ер тагидан макон айлади.

35

Қачон илк бор тарк этиб кетгач,
Виваҳвантнинг⁴ авлодидан ул
Йимани Ҳуварно Варагн каби.
Ҳуварнони тутди ушанда
Минг ақлли илоҳ Митраким,
Яйловлари ҳаҳ-ҳуудасиздир,
Қулоқлар тинглаб барчани.
Биз Митрани эъозлаймиз,
Мамлакатлар соҳибқиронин,
Заминдаги барча маъбудлар,
Ичра мумтоз яратилган ул
Парвардигор Мазда бунёдин.

36

Иккинчи бор тарк этиб кетгач
Виваҳвантнинг авлодидан ул
Йимани Ҳуварно Варагн каби,
Ҳуварнони тутди ушанда
Атвйа уругининг вориси —
Трайтаона қудратли,
Ким Зардуштан кейин заминда
Оддий жонлар ичра энг голиб.
Одамий зот ичра ягона.

37

Мағлуб қилди уч бошли илон
Аж Даҳони ул —
Олти кўзли, уч жагли ёвуз...
Маккор, қингир кунгили бадду,

Анҳра Ману яратган зурраст
Ва забардаст ёлгонлар шоҳи,
Бутун олам офат-ажали,
Бор тақводор аҳлин ҳотили.

38

Учинчи бор тарк этиб кетгач
Виваҳвантнинг авлодидан ул
Йимани Ҳуварно Варагн каби,
Тутиб олди уни
Матонатли Керсасп.
Зардуштан сунг бул даҳр ичинда,
Оддий жонлар ичра энг кучли,
Мардлар ичра энг жасоратли.

39

Жасорат марллари муяссар булди
Керсаспа охир.
Жасорат мардларин улуглаймиз,
Уйқусиз ва қоиммақом,
Совуқдон ва гоят гайратли.
Матонатли, сабр-тоқатли
Керсасп насиб булган эрлар.

40

Ўлдирганда отларни ютган
Одамларни ютган аёвсиз,
Шоҳдор илон Сарварани' у, —
Заҳарланган, заъфарон тусли.
Бу уқ етгудек юксакликка
Заҳар пурковчи;
Керсасп эса унинг тўшида
Ҳозирлади ўзига емиш
Туш пайтида,
Шунга ногаҳон
Ул ёвузга сингиб иссиқлик,
Тер ичида гимирлаб қолди.
Қозондаги қайнаётган сув
Тукилиб кетди.
Ваҳм ичра ортга тисланди
Матонатли, сабри.

41

Ҳандарвони улдирди Керсасп,
Олтинтовон ушал ёвузни.
Катта очиб улкан жағни
Боз тақводор ва тавфиқлини
Маҳв етгувчи бир зумда ёмон;
Ўлдирди Даштагани⁸ уругидан
Патананин⁹ туққиз углини —
Паст ва нобакор.
Ўлдирди у олтин жигали
Нивиканин¹⁰ углонларини,
Ўлдирди данулик¹¹ Варашавани¹²,
Ва ёвузлик тарҳатувчи Питаснани¹³,

42

Матонатли Керсасп улдирди
Жасоратли ҳамда баҳодир.

Судралгувчи ва гоят чаққон..
Голиб келган ҳарбу зарбда
Рақибларидан, —
Арозашамани!⁴

43

Матонатли Керсасп улдири,
Тош билакли, қургошин тишли
Снавидкани!⁵
Снавидка мақтанди шундай:
«Мен ҳозирча ёшман,
Вояга етмаган.
Улгайганимдан сунг
Яратардим заминни чархдек
Ва осмонни арава каби;

44

Туширардим Олқиш Уйидан
Спинта Мануни,
Жаҳаннамдан тортиб олардим
Анҳра Мануни,
Ҳам Ёвуз Рух ҳамда Муқаддас, —
Иккиси ҳам тортар эдилар
Аравамнинг менинг.
Ёлғиз сабр-тоқатли Керсасп
Ўлдирмаса гар!⁶
Ва улдириди баҳодир Керсасп
Қудратли куч уйгонмай унда.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи..

Саққизинчи бўлим

45

Ёзозлаймиз қул етмас, юксақ,
Илоҳий Ҳуварнони, —
Ҳаммадан-да шону шавкатли,
Ҳаммадан-да сарбаланд, мумтоз,
Ҳаммадан-да суюмли, ботир.
Ҳаммадан-да чаққон ва эпчил,
Мавжуд борлиқ ичра ягона.

46

Ҳуварно деб жангга кирдилар
Ҳам Ёвуз Рух, ҳам Муқаддас Рух
Ва эриша олмади улар.
Ўз элчиси юборди унинг
Ҳар бири:
Муқаддас Рух — Эзгу Фикрни,
Ҳақиқатни йўлади унга
Парвардигор Аҳура Мазда
Ўгли булган Олов билан;
Ва йўлади Ёвуз Рух унга
Ёвуз Фикрни,
Қонхур Газаб билан.
Уч каллали Аж Даҳо билан
Ҳам Йимани булиб ташлаган
Спитура!⁴ билан нобакор.

47

Парвардигор Мазда Олови
Интиларкан Ҳуварно томон
Уйларди шундай:
«Қул етмас булса Ҳуварно
Унга етиб булғайми, қайдам?»
Ва еларкан унинг ортидан
Уч жагли Илон
Ҳақорат-ла қичқирар эди:

48

«Орқага қайт! Тегмагин унга,
Эй, Аҳура Мазда Олови,
Баланд мақом Ҳуварнога сен

Тегар булсанг улдиргумдир, бил.
Сен ёрита олмадсан абад
Парвардигор Аҳура Мазда
Бунёд этган ушбу Заминни
Ва Ҳақиқатни!»
Шунда илкин тортиб олди
Парвардигор Мазда Олови
Жонидан қўрқиб, —
Чунки Илон қўрқинчли эди.

49

Шунда елди Ҳуварно томон
Уч жагли ул ёвуз Аж Даҳо
Шундай уй билан:
«Қул етмас эса Ҳуварно,
Унга етиб булғайми, қайдам?»
Бироқ унинг ортидан шиддат
Билан елиб бораркан Мазда
Олови ҳам дерди шундайин:

50

«Ортингга қайт! Тегмагин унга,
Уч жагли, эй ёвуз Аж Даҳо!
Бу қул етмас муъжизага сен
Тегар булсанг, орқа-олдингга
Ҳам жагингга пуркарман олов.
Ҳақиқат оламининг душмани,
Сен Аҳура Мазда яратган
Бу заминга чиқолмадсан ҳеч!»
Икки қулин даст тортиди шунда
Уч жаг Аж Даҳо,
Жонидан қўрқиб,
Олов гоят даҳшатли эди.

51

Пайдо бўлди Ҳуварно баҳри
Ворқушанинг соҳилларида,
Учқур отлар эгаси Апам
Напат соҳиб бўлди шу заҳот.
Елиб борар учқур тулпорлар



219



220

Соҳиби ул мард Апам Напат:
«Қул етмас бу Хуварнони мен
Қандоқ олгумдир,
Тубсиз денгиз қаърларида,
Тубларида тубсиз сувларнинг!»

52

Эъзозлаймиз забардаст ҳоким,
Соҳибиқирон Апам Напатни,
Қаҳрамонлар ҳимоятгари,
Эранларнинг яратгувчиси;
У сув ости маъбулларидан
Қабул айлар ҳаммадан бурун,
Дуоларни, илтижоларни.

53

«Бандалардан кимда-ким агар, —
Деди Мазда содиқ Зардуштга. —
Ноил бўлса қул етмас уша
Хуварнога, билги ул банда,
Соҳиб булар қутлуг эҳсонга,
Ва қоҳинлар келтирган олий
Яхшиликдан баҳраманд булар.

Тўққизинчи бўлим

55

Биз илоҳий ва қул етмас
Хуварнони эъзозлаймиз...

56

Хуварнони тутмоқчи бўлди
Тур Франҳрасян
Воруқаш денгизидан,
Кийимларин ечиб, ялангоч,
У тутмоқчи бўлди орийлар
Мамлакатин утган, келажак
Подшоҳлар эгалик қилган
Хуварнони,
У тутмоқчи бўлди пайгамбар
Зардушт соҳиб булган нарсани.
Юэиб борди Хуварно томон
Тур Франҳрасян.
Бироқ Хуварно чекинди,
Нари кетди ундан Хуварно.
Воруқашнинг ушал оқими
Хусрав дея аталди минбаъд.

57

Забардаст тур Франҳрасян
Учиб чиқди Воруқашдан
Ва ҳақорат қила кетди:
«Итэ-ита-ятна-ахмай...»¹¹
Хуварнони тутмоқ
Менга мумкин эмас,
Ориёний улкаларнинг

54

Саховатли Аша ул зотга
Ҳамроҳ булар, — бойликлар берар,
Яйловларни инъом этадур,
Инъом этар жонаикларни ҳам;
Насиб қилар унга ҳар кунлик
Музаффарият,
Куч-қудрат билан
Яшагувчи олис замонлар.
Мағлуб қилар Галаба билан
У узининг ганимларини».

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи,
Бор овозда дуо қиламан.
Ибодатлар келтирадирман
Қул етмас ул Хуварнога мен.
Қаоманинг шарбати билан
Эъзозлайдирмиз
Етиб булмас ҳамда илоҳий
Хуварнони биз...

Ўтиб кетган ва келажак
Подшолари ҳамда Зардушт
Соҳиб булган Хуварнога
Етолмайман.

58

Мен аралаш қилар эдим
Қаттиқлик ва суюқликни,
Улугликни, яхшиликни
Яратувчи Аҳура Мазда
Вайронадан озор чексин деб,
Мен аралаш-қуралаш қилиб
Ташлар эдим ҳамма нарсани!
Ва туронлар ичра баҳодир,
Франҳрасян узини отди
Воруқаш денгизига.

59

Кийимларин ечиб, ялангоч
Хуварнони тутмоқчи бўлди
Ориёний улкаларнинг
Ўтиб кетган ва келажак
Подшолари ҳамда Зардушт
Соҳиб булган Хуварнони.
Хуварнога томон сузди
Франҳрасян,
Лекин Хуварно чекинди,
Нари кетди Хуварно ундан.
Воруқашнинг уша оқими
Ванҳазда деб аталди минбаъд.

Забардаст тур Франҳрасян
Учиб чиқди Воруқашдан
Ва ҳақорат қила кетди...
... Узин отди Франҳрасян
Турлар ичра энг устивор
Воруқаш томон.

62

Кийимларин ечиб, ялангоч
Уч дафъа у истади тинмай
Ҳуварнони,
Ориёний улкаларнинг
Утиб кетган ва келажак
Подшоҳлари ҳамда Зардушт
Соҳиб булган Ҳуварнони.
... Воруқашнинг ушал оқими
Авжданва дея атадди.

65

Биз илоҳий ва қул етмас
Ҳуварнони эъзозлаймиз...

66

Ҳозир бўлди у Кансава¹
Қули ҳамда Хаотамант
Дарёсининг соҳилларига
Улуг Ушида тогидан
Қуйилгувчи оқимларнинг орасида.

67

Кансавага қуйилади тенг
Ҳвастра, Фрадата,
Ҳваспа, Ҳварнаҳвати
Улар гоятда гузалдир.
Уштавайти қудратли ҳам.
Яйловлари мул-кул булган
Урвада ва Орази.
Оқиб ётар Заркумати
Ҳаотамант оқиб ётар,
Саховатли ва мунаввар
Юксаладир оқ тўлқинлар
Таҳдид солар тошқин билан;

70

Қавайилар Ҳуварнони қудратлидир...

71

Ҳозир бўлди ҳузурида

Забардаст тур Франҳрасян
Учиб чиқди Воруқашдан
Ва ҳақорат қила кетди...
... Сипийтмон Зардушт соҳиб
Булгани у тутолмагач.

64

Ориёний улкаларнинг
Утиб кетган ва келажак
Подшоҳлари ҳамда Зардушт
Соҳиб булган Ҳуварнони
Тутолмади Франҳрасян...
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи,
Бор овозда дуо қиламан
Ибодатлар келтирадирман
Етиб булмас Ҳуварнога...

68

Ҳаотамант — асов дарё,
Тулпорларнинг кучи бор унда,
Туяларнинг қуввати бордир,
Мард эрларнинг улуглиги.
Ва ундадир Ҳуварно шундай,
Вафодор Зардушт.
Шунчалар мул Ҳуварноси бор,
Супурадир гайриорийлар
Мамлакатин бир ҳамласида.

69

Гайриорийларнинг жумласин
Ортга томон сурадир у,
Ҳис қилишар улар шунда
Ҳам сокинлик, чанқоқликни,
Қургоқчилик ва совуқни;
Ана шундай Ҳуварнони
Элтар орий эллар ҳомийси.
Ҳайвонларнинг барча турин
Асрагувчи,
Яхшиларга тарқатувчи яхшиликлар,
Парвардигор Аҳурага топингувчи
Эътиқодли хивсаларнинг мадақкори.

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ҷинҳи бўлим

Ҷн биринчи бўлим

Шоҳ Қавай Қаватнинг
Қавай Апивоҳунинг,
Ва барча қавайилар, —
Усана, Аршана, Пишана,
Биёршан, Сиёваршан¹
Наздида пайдо бўлди у.



72

Шундан кейин уларнинг бари
Ноил булди куч ва қудратга,

Илм-дониш ва жасоратга
Соҳиб булди бу шаҳаншоҳлар...
Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...

Ҳн иккинчи бўлим

73

Қавайлар Ҳуварноси қудратлидир...
Саодатли бир кун Ҳуварно

76

Шоҳона шаън, шоҳона шуқуҳ,
Умри боқий, умри бардавом,
Кулиб боққан омадли, бахтли,
Яхшиликлар қилгувчи мул-кул:

74

Қавай Ҳусрав қошига келди.
Куч-қудратда мисли йуқ, танҳо,
Ғолибликда худо қуллаган,
Кулиб боққан ҳар лаҳза омад.
Фақат эзгу каломлар соҳиби,
Ва бузилмас калом эгаси
Ҳам енгилмас сўзнинг молики.

77

Қавай Ҳусрав от пойгасида
Ёвуз Нараман билан
Бутун олис йул давомида
Унга қарши қуйилган қопқон —
Тузоқлардан омонда қолди.
Ғолиб келди ҳаммадан ҳоким
Қавай Ҳусрав:
Фаранҳрасян, Карсаваздани
Оёқ-қулин маҳкам боғлади.
Макр билан улдирилган
Сиеваршан — отаси учун,
Наравида қаҳрамони
Аҳраарата учун
Қасос олади у...

75

Мустаҳкам ва гоятда соғлом
Илоҳий бахт айлаган насиб
Ва бардошли таннинг эгаси,
Олийжаноб ҳамда эзгуга,
Суханпардоз ва ҳукмдорга,
Топқирга ва гоят зийракка,
Бениҳоя уткир нигоҳли,
Ҳақиқатда барчадан баланд,

Сигинаман бахт-шодлик ҳаққи...



МАНСУР ЯШТАР





ЕТТИ КИЧИК ҚАСИДА¹

(*Етти кичик вист*)

1

Раюманда ва фарриҳманда Аҳура Мазда,
Амшосипандлар,
Баҳман,
Фирӯз муроса ва яраш —
Узга жамийки хилқат дидбони,
Мазда яратган илм борлиги,
Мазда яратган билим урганишни
олқишлаймиз.

2

Энг гузал Ардабиҳишт,
Мазда яратган қудратли ибодат —
«Арямана ишяҳ»
Мазда яратган кенг дийдоҳ, эзгу ашаван
Савака,¹
Шаҳриёвар,
Тобланган пулат,
Дарвишларнинг андуҳларни аритгувчи
меҳрибонлик ва жавонмардлигини олқишлаймиз...

3

Эзгу Сипандормаз,
Мазда яратган, кенг дийдоҳ, эзгу
ашаван Рото, рад Хурдод, Яйря Хушийтий,
рад ашаванлар — йил илоҳлари, рад
Амурод, баракатли йилқи, судбахш
буғдой далалари,
Мазда бунёд айлаган қудратли говгинани¹
олқишлаймиз...

4

Кенг яйловли Меҳр, яхши яйловлар
багишлагувчи Ром, Ардабиҳишт ва Аҳура
Мазданинг Озари, Бузругвор рад — Апам
Напат, Мазда халқ қилган сувни олқишлаймиз...

5

Ашаванлар фравашийлари, номдор
фарзандлар соҳиби булган аёллар гуруҳи,

Яйра Хушийтий, Буюк хилқат, эзгу Ама,
Аҳура яратган Баҳром, Фирӯз Упаратот,
Оламларга кенглик багишловчи, порсо
Суруш, Энг ҳаққуи Раши, жаҳонпарвар ва
дунёларга фарогат берувчи Арштодани
хушнуд қилайлик,

«Яса аҳу вайрю...» Дейди менга завт,
«Яса аҳу вайрю...» Дейди порсо ва марда
эр.

6

Раюманда ва фарриҳманда Аҳура Маздани
эъозлаймиз, Эзгу ниятли, олийжаноб
Амшосипандлар, Шаҳриёрларни шарафлаймиз.

Амшосипанд Баҳманни мадҳ этамиз.
Бошқа хилқатлар дийдбони булган
тинчлик ва осудаликни шарафлаймиз.

Мазда яратган билимнинг борлигини
олқишлаймиз.

Мазда бунёд этган илм ургатишни
олқишлаймиз.

7

Энг гузал Амшосипанд Ардабиҳиштни
олқишлаймиз. Мазда яратган буюк ибодат
«Арямана ишяҳ»ни олқишлаймиз.
Мазда яратган кенг дийдоҳ, эзгу ашаван
Савакани шарафлаймиз, Амшосипанд
Шаҳриёварни олқишлаймиз, тобланган
пулатни олқишлаймиз, дарвишларнинг андуҳни
аритгувчи меҳрибонлик ва жувонмардлигини
олқишлаймиз.

8

Эзгу Сипандармозни шарафлаймиз.
Мазда яратган эзгу ашаван, кенг дийдали
Ротони олқишлаймиз.

Амшосипанд Хурдодни шарафлаймиз.
Яйря Хушийтийни олқишлаймиз. Рад ашаванлар —
ашаван йил илоҳларини олқишлаймиз.

Амшосипанда Амурдодни шарафлаймиз, баракотли йилқи, судбахш бугдой далаларини олқишлаймиз.

Мазда халқ қилган қудратли Говгири-нани олқишлаймиз.

9

Кенг яйловли Меҳрни олқишлаймиз, яхши яйловлар бағишлагувчи Ромни олқишлаймиз. Ардабиҳишт ва Аҳура Мазданинг Озарини олқишлаймиз.

Учқур тулпорли бузругвор рад — Апам Напатни олқишлаймиз. Мазда бунёд этган ашаван сувни олқишлаймиз.

10

Ашаванларнинг пок, эзгу ва қудратли фравашийларини олқишлаймиз.

Номдор углонлар соҳиби бўлган аёллар гуруҳини шарафлаймиз. Яйра Ҳушийтийни олқишлаймиз. Эзгу хилқат Агани олқишлаймиз. Аҳура яратган Баҳромни мадҳ этамиз.

Фируз Упаратотни олқишлаймиз.

Рад ашаван, оламларга кенглик бағишловчи парсо Сурушини олқишлаймиз.

Энг ростгуй Рашни шарафлаймиз. Жаҳонпарвар, дунёларга мул-қулчилик бергувчи Арштодни олқишлаймиз.

11

— Эй, Зардушт!

У жодугар, девлар ва дурванд одамларни нобуд айлайди.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким ҳақиқатда бизнинг хонадонимизга қондошдир, ушбу сузларни тилга олса ҳар қандай ёлгон йуқ бўлади. Унинг сузлардан ҳар нечук ёлгон нест-нобуд бўлади.

12

Ҳар кимки маздапарастлар дини душманларини тутиб қолмоқ учун етти нафар Амшосипандлардан ва эзгу Шаҳриёрлар мададидан баҳраманд бўлса, биз уларни олқишлаймиз.

Мазда яратган ашаван ва юргун отга монанд сувни олқишлаймиз.

13—14*

15

«Яса аҳу вайрю...»

Раюманд ва фарриҳманд Аҳура Мазда, Амшосипандлар, Баҳман, Фируз муроса ва яраш — узга жамийки хилқат диабони, Мазда яратган илм борлиги, Мазда яратган билим урганишини олқишлаймиз**...

«Ашим вуху...»

«Аҳмойи раишча...»



225

ЕТТИ БУЮК ҚАСИДА

(*Етти буюк яшт*)

1

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Амшосипандлар, эзгулик Шаҳриёрларни олқишлаймиз.

Мийну ва астуманд (моддий) олам ашаванона тириклигини бошдан-адоқ мадҳ этамиз.

Ашаҳ — ҳақиқат иродаси билан; эзгу маздапарастлик дини иродаси билан.

Роспий:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

2

Завт:

«Ҳваматанам...»: Эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амалниким, бу ерда ва ҳар ерда улугланади ва улуглангуси, мадҳ этман. Ҳзим ҳам жону дилим билан яхшиликка интиламан.

3

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, гузал Ардабиҳишт!

Буни узимиёга муносиб курдик: Икки оламда ҳам энг гузал булган фикр, калом ва амални танлаймиз.

* «Авесто»нинг ушбу бандлари ўчиб кетганини учун ўқининг имконин бумаман.

** Қуйида шу брамининг 1—5-бандлари тулиқ такрорланади.

4

Охират мукофоти умидида энг яхши ниятларни доноларга ва нодонларга; шаҳриёрларга ва шаҳрвандаларга баён қиламиз, токи оламни обод айлаб, унга файз бағишласинлар.

5

Чиндан ҳам шаҳриёр деб шундай кимсани ҳисоблаймиз; шундай зотга муносиб, деб биламиз ва шундай кишининг булишини истаймизки, у ҳақиқатда, ҳаммадан кўра аъло даражада шаҳриёрлик қила биледи: Мазда Аҳура ва Ардабиҳишт.

6

Ҳар бир аёл ва эр ўзи дуруст ва яхши, деб билган нарсасига амал қилишлари ва бошқаларни ҳам огоҳлантиришлари ҳамда улар ҳам уша нарсага амал қилишлари керак.

7

Сизларни барчадан афзал деб биламиз:

Аҳура Мазда ва жаҳон ободончилигига олқиш ва мақтовлар булсин!

Энди бу ниятни сизлар учун амалга оширамиз, ўзгаларни ҳам имкон қадар ундан огоҳ этамиз.

8

Ашаҳ — Ҳақиқат солорлигида;

Ашаҳ — Ҳақиқат мадади билан ҳар бир хилқат икки жаҳон сирларидан огоҳ булишлари лозим.

9

Аҳура Мазда бизга нозил қилган ушбу каломларни энг олий мақсад билан қабул қилгаймиз. Сени эса, Зардушт, бу хабарни етказувчи, огоҳ этгучи ва тарбиячи, деб биламиз.

10

— Эй, Аҳура!

Ардабиҳишт, Баҳман ва Эзгу Шаҳриёрни қушиқ устига қушиқ; олқиш устига олқиш; ҳамда устига ҳамда билан улуглаймиз.

«Йинғи ҳотам...

11

— Эй, Мазда Аҳура!

Даставвал Озар матлаби воситасида

ва Сипандмийнунинг мадади билан сенга ёвуқ келамиз.

Озар сенинг хоҳишинг билангина кимсага озор етказида.

12

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари!

Энг яхши ва хуш равиш билан ҳузури-мизга кел!

Зиёда шодликлар бахш айлагувчи булиб, энг шойиста дурудлар билан энг буюк адолат чоғида бизга томон юз бур!

13

— Эй, Озар!

Сен Сипандмийну мисоли Мазда Аҳуранинг хушнудлик моюсисан.

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари! Сенга ёвуқ келамиз!

14

Эзгу андиша билан; дуруст равиш билан; доно ва эзгу гуфтор ва кирдор билан сенга ёвуқ келамиз.

15

— Эй, Мазда Аҳура!

Сенга намоз келтирамиз ва эҳтиром этамиз.

Буткул эзгу андиша билан; жумла эзгу калом билан; жамийки эзгу амал билан сенга ёвуқ келамиз.

16

— Эй, Мазда Аҳура!

Дунёдаги жамийки жисмлар ичида сенинг жисмингни энг гузал ва зебо деб биламиз.

Буюк жаҳон фарогатининг олий пойгоҳи Қуёшдир.

«Йинғи ҳотам...

17

Завт:

Ниҳоят, Аҳура Маздани олқишлаймиз. Шаҳриёрдир, бузругвордир. Биз уни мадҳ этамиз. Унинг зебо хилқатини куйлаймиз. У мумтоз олам ва Ашаҳ — Ҳақиқатни яратди. Ёруглик, замин ва жамийки яхши нарсаларни адо айлади.

18

Унинг солиҳ амали шаҳриёр ва бузругворларини энг мақбул алқовларимиз билан мадҳ этамиз. Улар оламни қуриқлайдилар; ҳифзу ҳимоят этадилар.



19

Уни, инчунин, пок ахуравий ва маҳбул маздавий исмлар билан олқишлаймиз.

Уни жону дилимиз билан олқишлаймиз.

Уни, ашаван мардлар ва ашаван аёллар фравашийларини мадҳ этамиз.

20

Шу жумладан, Ардабиҳиштни мадҳ этамиз. У — энг куркам Амшосипанд, ёруглик, бошдан-оёқ яхшиликдир.

21

Баҳман, эзгу Шаҳриёвар, Эзгу Дин, яхшилик тақдири, эзгу Сипандормазни мадҳ этамиз.

22

«Йингҳи ҳотам...»

23

Ниҳоят, эаминни олқишлаймиз.

Замин бизни уз бағрига олгандир.

— Эй, Аҳура Мазда!

Аёлларни мадҳ этамиз. Булар сенинг ва энг олий Ашаҳ — Ҳақиқатдан огоҳдирлар.

24

Эътиқод хуруши, эпчиллик, ҳушёрлик ва пок дин билан эзгу қазо ва қадарни; эзгу орзуни; эзгу фаровонлиқни; эзгу номни; эзгу бағишловни мадҳ этамиз.

25

Ниҳоят, сувларни олқишлаймиз. Қуйи оқғувчи, йигилғувчи ва равон оқғувчи эзгу ниятли ахуравий сувларни мадҳ этамиз.

— Эй, сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз. Хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига мушаррафсиз. Биз сизларни эъзозлаймиз.

26

Сизларни, эй яхши сувлар, хушнудлик бағишлагувчи Аҳура Мазда инъом айлаган исмлар билан олқиш этамиз. Уша номлар воситасида сизларни мадҳ этамиз. Уша исмлар воситасида сизлардан дустлик орзусидамиз. Уша номлар билан намоз келтирамиз. Уша номлар билан миннатимизни изҳор қиламиз.

27

— Эй, баракатли сувлар!

Сизларни имдодга чорлаймиз; сизлар оналар мисолисиз; согин сигирлар каби парвариш қилғувчисиз ва барча озуқалардан яхшироқ, хушроқдирсиз.

Сизларни, эй қудрати осмон қадар булган забардаст яхшилар, бу ерга чорлаймиз, токи бу тангликда бизга мадад бергайсиз ва қўллагайсиз, эй барҳаёт волидаларимиз.

«Йингҳи ҳотам...»

28

Шунингдек, Гушварван ва Гившташан, уз руҳларимиз ва чорполар руҳларини олқишлаймиз. Биз улар учунмиз, улар эса, бизлар учун.

29

Судманд дашт жонварларининг руҳларини олқишлаймиз.

Шунингдек, қаерда тугилган бўлсаларда ашаван эрлар ва ашаван аёллар руҳларини мадҳ этамиз.

Бу мард ва аёлларнинг эзгу динлари Ашаҳ — Ҳақиқат фирзулиги учун ҳаракат қилади; ҳамиша ва ҳар қачон ҳаракатда.

30

Шунингдек, эзгу нарлар ва ургочиларни мадҳ этамиз. Абадий барҳаёт ва абадий яхшилик мояси булган Амшосипандлар ва Амшосипандбонуларни олқишлаймиз.

31

— Эй, Аҳура Мазда!

Сен яхшилик билан андиша юритдинг; сузладинг ва амал қилдинг; биз ҳам эзгу андиша, калом ва амалларимизни сенинг ҳузурингга келтирамиз.

— Эй, Мазда Аҳура!

Шунингдек, сени олқишлаймиз ва эъзозлаймиз. Шу каби сенга намоз келтирамиз ва эҳтиром бажо айлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқат билан пайванд бўлиб, унинг кўмак ва имдодида, эзгу ният билан, эзгу парҳезкорлик билан сенга томон борамиз.

«Йингҳи ҳотам...»

32

— Эй, Мазда Аҳура!

Ниҳоят уз ваъданга амал қил ва бизнинг орзу-армонимизни рўёбга чиқар.



227

— Эй, Мазда Ахура!
Сен ваъда қилганинг нарсага мен каби
бир диндор муносиброқдир.

33

Бу тақдирни сен бизга муносиб
курдинг; токи заминий тирикчилигимизда
ва мийну оламида ҳам сен ва Ашаҳ —
Ҳақиқат билан абадий ҳамнишин булгаймиз.

34

— Эй, Мазда Ахура!

Шундай қилки, артшторлар Ашаҳ —
Ҳақиқатга эш булсинлар; Ашаҳ —
Ҳақиқатни қиadirсинлар ва деҳқонларни
яхлит-ягона, пуршур ва устувор айла, то-
ки улар отурбонга ҳамқадам булсинлар.

35

— Эй, Мазда Ахура!

Қардошларингиз, ҳамқору ёрларингиз
билан ягона-якдилмиз. Биз пок ашавон-
лар қаторида булишни орзу қиламиз. Уни
бизга насиб айла.

«Йингҳи ҳотам...»

36

Уз қушиқларимиз, олқиш ва эъозла-
римизни Ахура Мазда ва Ардабиҳишт
хузурига келтирамиз ҳамда бу назру
ниёзни сазовор ва шойиста, деб биламиз.

37

— Эй, Мазда Ахура! Эй, уртадаги эзгу
матлабли зотлар!

Шоядки, сенинг эзгу Шаҳриёрлигинг-
дан ҳар доим баҳраманд булсак.

Шоядки, ҳар икки жаҳонда ҳам се-
нинг эзгу Шаҳриёрлигинг биз — эрлар ва
аёлларга фармонраво булса!

38

— Эй, уртадаги, эзгу матлабли зотлар!
Сизни фархунда ва камёб; Ашаҳ —
Ҳақиқатдан огоҳ илоҳлар, деб биламиз.

Шоядки, сизлар ҳар икки жаҳонда
ҳам бизнинг тан ва жонимизга паноҳ
булсангиз!

39

— Эй, Мазда! Эй, уртадаги эзгу мат-
лабли зотлар!

Шоядки, сенинг абадий паноҳингни
топсак ва унга мушарраф булсак.

Шоядки, сенинг қулловинг билан ком-
раво ва неруманд булсак ва ягона мат-
лабимиз — сенинг абадий паноҳингда
яшасак!

40

— Эй, Мазда Ахура!

Сенинг олқишларинг ва пайгомларинг-
ни етказувчилар, деб аталдиқ, уни қабул
этдик ва бизга насиб этганинг диндан
масрурумиз.

41

Сен бу қисматни бизга лойиқ курдинг,
токи бу заминий ҳаётда ҳам, мийну
ҳаётда ҳам сен ва Ашаҳ — Ҳақиқат би-
лан абадий ҳамнишин булгаймиз.

42

«Йингҳи ҳотам...»

«Ҳваматанам...»: эзгу фикр, эзгу ка-
лом ва эзгу амалниким, бу ерда ва ҳар ер-
да улуғланади ва улуғлангуси, мадҳ эта-
ман. Узим ҳам жону дилим билан яхши-
ликка интиламан.

«Яса аху вайрю...»

«Ашим вуҳв...»

«Йингҳи ҳотам...»

43

Завт ва Роспий:

— Эй, Амшосипандлар!

«Етти ҳот» пораларини мадҳ этамиз.
Чашмазор сувларини мадҳ этамиз. Гузар-
гоҳ сувларини мадҳ этамиз.

Бир-бирига қушилиб кетган пайваста
йулларни мадҳ этамиз.

Бир-бирига бақамти йулларни мадҳ
этамиз.

44

Сувлар қуюлгувчи тоғларни олқишлай-
миз.

Сув туққувчи дарёчаларни олқишлай-
миз.

Судбахш бугдой далаларини олқиш-
лаймиз.

Ниғақдор ва парвардигорни олқиш-
лаймиз.

Мазда Зардуштни олқишлаймиз.

45

Замин ва осмонни эъозлаймиз.

Мазда яратган эпчил бодни олқишлай-
миз.

Замин ва барча эзгу нарсаларни
олқишлаймиз.



228

Эзгу ният ва ашаванлар руҳини олқишлаймиз.

Эллик савварали Восий балигини олқишлаймиз.

Фарог Карт дарёси уртасида яшовчи пок Харани олқишлаймиз.

Фарог Карт дарёсини олқишлаймиз.

Шаън-шукуҳли заррин Ҳавмни олқишлаймиз.

Оламларга кенглик бағишлагувчи Ҳавмни олқишлаймиз.

АРДАБИҲИШТ ҚАСИДАСИ

(*Ардабиҳишт яшт*)

Куркам Амшосипанд Ардабиҳиштга.

Мазда яратган қудратли «Арямана ишях» намозиға; Мазда бунёд этган кенг нигоҳ соҳиби, эзгу ашаван Савака'га хушнудлик.

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

«Яса аҳу вайрю...» дейди мард ва порсо эр.

1

Аҳура Мазда Сипийтмон Зардуштга деди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт! Эй, олқишловчи, завт, адолатпеша, пандгуй, ардоқловчи, меҳрибон, қушиқчи!

Қачонки мен ва Ардабиҳишт ёруғ ва порлоқ гиёҳларни, қуёшсимон уйларни бино қилдик...^{*} Олқиш ва ибодатлар биз — Амшосипандларга...

2

Зардушт деди:

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, ҳаққоний ҳабарлар етказувчи!

— Энди Сипийтмон Зардушт — олқишловчи, завт, адолатпеша, пандгуй, ардоқловчи, қушиқчига амр эт!

— Сен ва Ардабиҳишт ёруғ ва порлоқ гиёҳларни, қуёшсимон уйларни бино айлаганингизда уша сүз нечук эди... Олқиш ва ҳамд-сано Сиз — Амшосипандларга...

Улимни узоқлаштиргувчи Ҳавмни мадҳ этамиз.

Оқин сув ва баландпарвоз қушларни олқишлаймиз.

Отрубонларнинг қайтишини олқишлаймиз. Улар олис-олис сарзаминларга Ашаҳ — Ҳақиқатни ёймоқ ва одамларга ургатмоқ мақсадида кетганлар.

Барча-барча Амшосипандларни эъзолаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

3

Мен Ардабиҳиштни чорлайман.

Қачонки мен Ардабиҳиштни чорлайман қолган Амшосипандларнинг эзгу оромгоҳи — Мазда уни эзгу андиша билан ҳимоя қилади; Мазда уни эзгу калом билан асрайди; Мазда уни эзгу амал билан қуриқлайди — очилсин.

У олий оромгоҳ Мазданинг гармонидадир.

4

Ҳақиқий ашаванлар гармони.

Дурванд зотидан ҳеч ким у ерда Аҳура Мазданинг дийдорини кура олмайди.

Аҳриман, барча жоду ва париларни синдирувчи «Арямана ишях» намози энг буюк варжованд мансарасидир; энг улуг варжованд мансарадир. Энг гузал варжованд мансарадир.

Барча варжованд мансаралар ичида қудратлидир. Энг қудратли варжованд мансарадир.

Барча варжованд мансаралар ичида устувордир. Энг устувор варжованд мансарадир.

Барча варжованд мансаралар ичида хушбахтдир. Энг бахтиёр варжованд мансарадир.

Барча варжованд мансаралар ичида дармонбахшдир. Энг дармонбахш варжованд мансарадир.



^{*} Матининг давомы учиб кетган.

Қай бир табиб Ашаҳ — Ҳақиқат билан даволайди; қай бир табиб билим воситасида даволайди; қай бир табиб тиг билан даволайди; қай бир табиб гиёҳлар билан даволайди; қай бир табиб мансара билан дармон багишлайди.

Ашаваннинг ботиний иллатларини даволаган табиб энг дармонбахш табибдир.

6

Эй, нохушликлар, чекининг!
Эй, улим, чекин!
Эй, девлар, чекининг!
Эй, патйоралар*, чекининг!
Эй, қабих ашмуғ, Ашаҳ — Ҳақиқатдан чекин!
Эй, золим эр, чекин!

7

Эй, аждаҳонаждлар, қочингиз!
Эй, буринаждлар, қочингиз!
Эй, икки оёқли бадлар ва зараркунандалар, қочингиз!
Эй, тарумаятий*, қоч!
Эй, пайримаятий*, қоч!
Эй, иситма, қоч!
Эй, каззоб, қоч!
Эй, оромсизлик ва туген, қоч!
Эй, бад назар эр, қоч!

8

Эй, каззоблар каззоби, йуқол!
Эй, жодугар хотин, йуқол!
Эй, бадкор хотин — каховариза, йуқол!
Эй, апохтар шамоли*, йуқол!
Эй, апохтар боди, нобуд бул!
Кимда-ким аждаҳонажддир нобуд булсин!

9

Кимки бу девлардан минг бор минг танини; ун минг марта ун мингтасини улдирса, нохушликларни йуқ қилади; улимни чекинтиради; девларни ҳайдаб юборади; патйораларни қувади; Ашаҳ — Ҳақиқат душмани — Ашмуғни мардууд айледи; золим одамларни йуқ қилади.

10

Аждаҳонаждларни ҳайдаб салади; буринаждларни қувиб юборади; икки оёқли бадлар ва зараркунандаларни улди-

ради; тарумаятийни йуқ қилади; пайримаятийни йуқ қилади; иситмани кеткизади; каззобларга шикаст беради; туген ва оромсизликни нобуд қилади; бад назарларни ҳайдайди.

11

Дурвандларнинг дурвандини улдиради; жодугар хотинни қувиб салади; бадкор каховариза хотинни мардууд қилади; апохтар бодини йуқ қилади; апохтар шамолини нобуд айледи; икки оёқли бадкор ва зиёнқашларга шикаст беради.

12

Агар ким минг бор минг тан, ун минг марта ун мингта девни нобуд қилса, девлар шоҳи бадкор Аҳриманни осмондан сарнагун қилади ва у пастга қулайди.

13

Бадкор Аҳриман деди:
— Ардабиҳиштнинг дастидан дод!
Энг нохуш нохушликларни кетказади. Энг нохуш нохушликлар билан курашади. Энг тубан тубанликларни йуқ қилади. Энг тубан тубанликлар билан курашади.

Девлар девини нобуд айледи. Девлар деви билан курашади. Патйоралар патйорасини йуқ қилади. Патйоралар патйораси билан курашади.

Ашаҳ — Ҳақиқат душмани ашмуғни нобуд қилади.

Ашаҳ — Ҳақиқат душмани ашмуғ билан курашади.

Энг золим одамларни улдиради.

Золимлар золими билан курашади.

14

Аждаҳонаждлар аждаҳонаждини улдиради.

Аждаҳонаждлар аждаҳонажди билан курашади.

Буринаждлар буринаждини ҳалок айледи.

Буринаждлар буринажди билан жанг қилади.

Икки оёқли бадлар бади ва зараркунандалар зараркунандасини нобуд айледи.

Икки оёқли бадлар бади ва зараркунандалар зараркунандаси билан курашади.

Тарумаятийга шикаст беради.



* Зардуштийлар эътиқодига хура апохтар-шамол Аҳриман, дев ва жодулар мақонидир (15-саҳ.)

Тарумаятий билан жанг қилади.
Пайримаятийни ҳалок айлайди.
Пайримаятий билан курашади.
Энг қаттиқ иситмани ҳайдайди.
Энг қаттиқ иситма билан жанг қилади.
Каззоблар каззобини улдиреди.
Каззоблар каззоби билан урушади.
Хусуматчилар хусуматчисини улдиради.

ди. Хусуматчилар хусуматчиси билан курашади.

Бад назарлар бад назарини ҳалок қилади.

Бад назарлар бад назари билан курашади.

15

Дурвандлар дурвандини ҳалок қилади.
Дурвандлар дурванди билан курашади.
Жодугар хотинни нобуд айлайди.

Жодугар хотин билан курашади.

Бадкор кахвориза хотинни йуқ қилади.

Бадкор кахвориза хотин билан урушади.

Апохтар бодини қувиб солади.

Апохтар боди билан жанг қилади.

16

Дуруж чекинмоги керак!

Дуруж нобуд булиши керак!

Дуруж йуқолиши ва буткул нобуд булиши керак!

Сен — дуруж — апохтар ичида нобуд бўлгайсан.

Сен Ашаҳ — Ҳақиқатнинг астуманда оламини нобуд қила олмайсан.

17

Энг гузал Амшосипанда Ардабиҳиштни фарру фуруги учун намоз, баланд бонг ва завр билан олқишлаймиз.

Энг гузал Амшосипанда Ардабиҳиштни сутта омихта қилинган ҳавм билан; барсам билан; ақл тили ва мансара билан; эзгу фикр, сўз ва амал, завр ва ҳақиқий сўз билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

18

«Яса аҳу вайрю...»

Энг кўркем Амшосипандлар; Ардабиҳишт; Мазда яратган «Арямана ишях» намози; Мазда бунёд этган кенг нигоҳли эзгу ашаван Савакага саломлар йуллаймиз.

«Ашим вуҳу...»

«Аҳмойи раишча...»



ХУРДОД ҚАСИДАСИ

(Хурдод яшт)

1

Аҳура Мазда Сипийтмон Зардуштра деди:

— Мен ашаван мардларга имод, росткорлик, осойиш ва фаровонлик учун Хурдодни бунёд айладим...

Кимки Амшосипандлардан уни шарафласа, Амшосипанд Баҳман, Ардабиҳишт, Шаҳриёвар, Сипандормаз, Хурдод ва Амурдодни олқишлаган кабидир.

2

Кимки минг бор мингта, ун минг бор ун мингта, юз минг бор юз мингта дев билан курашда Амшосипандлар ва хусусан, Хурдодни ёд этса, нась, ҳаший,⁸ баший,⁹ саиний¹⁰ ва бужий¹¹ ундан узоқлашади.

3

Мен илк марта баланд овозда ашаван мардага дейман:

4

Агар кимки шу йусинда мийну илоҳлари орасида энг ҳақгуй Рашн ва Амшосипандларга юз бурса ва ниёз келтирса — улар гоят қудратли ном соҳибидирлар — уша ашаван эр, нась, ҳаший, баший, саиний, бужий, душманнинг қўргон ва қалқонли сипоҳи, золим дурванд эр, порлоқ тиг, жоду, пари ва тиркичилик машаққатларидан халос бўлади.

— Ашаван эр йулини дурванд эр йулидан қандай ажратиш мумкин? Шунда Аҳура Мазда деди:

— Кимки мансарани ёд ўқиса, ё ҳаёлидан утқарса, тил учида сассиз зикр қилса, ёҳуд баланд овозда тиловат қилса ва атрофига шудгор хати тортса у узига осудалик бахш айлайди.

Сизлардан ҳар бирингиз — дурванд ва дуруж — ошкор бўлсангиз-да; сизлардан ҳар бирингиз не юмушда бўлсангиз-да; сизлардан ҳар бирингиз пинҳон бўлсангиз-да; сизларнинг ҳар бирингизини — дурванд ва дуруж — бу манзиллардан ҳайдаб юбораман.

Сен ва дуружга банд соламан.
Сен ва дуружни ҳайдайман.
Сен ва дуружни мен топтайман.
Уч хат тортсин. Учта. Мен ашаван мардага дейман.

Олти хат тортсин. Олти. Мен ашаван мардага дейман.

Тўққиз хат тортсин. Тўққиз. Мен Ашаван мардага дейман.

7

Амшосипандларнинг исмлари навсга пайваст бўлган дуружлар, карапларнинг уруғ-аймогини нобуд қилади.

Завт — Зардушт — уз хоҳиш ва иродаси билан — унинг доимий хоҳиш ва иродаси шудир — уларни даҳшатли дузахга элтиб ташлайди.

8

Ҳали қуёш ботмай туриб ва қуёш ботганидан сунг, у улдиргувчи аслаҳа билан мийну илоҳларининг хушнудлиги ва уларни убадон танимоқ учун насвни тиз чуқтиради ва апохтар боди томон улоқтириб, у тубанкорни йўқлик қаърида қолдиради.

— Эй, Зардушт!

Сен ушбу мансарани ёлғиз ота, уғил, қондош биродарга ё отурбонга эмас, балки ушбу учлик пойгоҳда қоим бўлган — яхшилик билан ном қозонган, нек дин, парҳезкор ва ашавангаким ҳамма ерда динни ёйиш учун гайрат-шижоат курсатади, ургатти.

10

У — Амшосипанд Хурдодини фарру фируғи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Биз Амшосипанд Хурдодини сутга омикта қилинган ҳавм, барсам, ақд тили, мансара, эзгу фикрат, калом ва амал, завр ва ҳаққоний сўз билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

11

«Яса аҳу вайрю...»

Рад Хурдо, Яйря Ҳушитий, йил фаришталари ва Ашаҳ — Ҳақиқат радлари га саломлар йўллашаймиз.

«Ашим вуҳу...»

«Аҳмойи раишча...»

ОЙ ҚАСИДАСИ

(Ой яшт)¹²

Яккаю ягона яратилган, сигир уругини¹¹ узида асрагувчи Ойга ва турфа чорполарга хушнудлик тилаймиз.

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга завт.

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва марда донишманд.

1

Аҳура Маздага олқишлар!
Амшосипандларга олқишлар!
Сигир уругини асрагувчи Ойга олқишлар!

Ойга боққанамиз маҳал унга олқишлар бўлсин!

Ой бизга боқдани чоғда унга олқишлар бўлсин!

2

— Ой қай ҳолатда тулишади!

Ой қай ҳолатда гоҳларига боқади?

— Ой ун беш кунда тўлади. Ой ун беш кунда кичраяди. Унинг тулишиш замони, гоҳлар замонининг узунлигига баробардир.

— Нима сабабдан ой тулишади ва недан кичраяди?

3

Ашаҳ — Ҳақиқат ради, сигир уругини асрагувчи ашаван Ойни олқишлаймиз.

Ниҳоят Ойни топдим.

Ойнинг фуруғига боқдим.

Ойнинг фуруғини топдим.

Амшосипандлар юксаладилар. Ул фаррни жам этадилар ва Мазда бунёд этган замин узра ёйиб юборадилар.

4

Ой фуруги тобланган баҳорларда яшил гиёҳлар ердан униб чиқадиладар.

Андармоҳ Пурмоҳ (Тулин Ой), Вяшп-таса.

Ашаҳ — Ҳақиқат ради, ашаваи Андармоҳни олқишлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқат ради, ашаван Пурмоҳни (Тулин Ой) олқишлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқат ради, ашаван Вяшп-тасани олқишлаймиз.

5

Сигир уругини асрагувчи; раюмандлики ва шаън-шукуҳ багишлагувчи; порлоқ, аржуманд ва бахтиёр; эпчил тавонгар, судбахш гиёҳлар ундиргувчи ва обод қилгучи ул дармонбахш Ойни шарафлаймиз.

6

Сигир уругини асрагувчи Ойни фарру фуруги учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Сигир уругини асрагувчи, Ашаҳ — Ҳақиқат ради ва ашаван Ойни сут билан ийланган ҳавм; барсам; ақл тили; мансара, эзгу фикр, калом ва андиша; завр ва ҳаққоний суз билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

7

«Яса аҳу вайрю...»

Яккаю ягона яратилган, сигир уругини узид асрагувчи Ойга ва турли чорполарга саломлар йуллаймиз.

«Ашим вуҳу...»

«Аҳмойи раишча...»

ТИШТАР ҚАСИДАСИ

(*Тийр яшт*)¹⁴

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузи; Мазда бунёд этган сув еткарувчи қудратли Сатавийс¹⁵ юлдузига хушнудлик бўлсин.

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга завт.
«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва мард донишманд.



233

Биринчи бўлим

1

Аҳура Мазда Сипийтмон Зардуштга деди:
— Сен жаҳон аҳлига «аҳу» ва «рату» бул!

Ой, миязд ва хонумонни олқишлаймиз, токи фарриҳманд Тиштар юлдузли Ой билан ҳамроҳликда одамларга шиква қилсинлар.

Орому осойишталик багишлагувчи Тиштар юлдузини завр билан олқишлаймиз.

2

Оромбахш ва хуш хоналар бахш қилсин учун раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз.

Уша фароғатбахш оқлик сепгучи ёруғ дармонбахш, тезларвоз, баланд, олислар-

дан порлаб курингучини шунинг учун олқишлаймизки, покиза ёруглик бахш айлаласин.

Фарог дарёси сувини, номдор Вангуҳий¹⁶ дарёсини, Мазда яратган Гившни¹⁷ қудратли Каёний Фаррни, ашаван Сипийтмон Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.

3

Мен уни фарру фуруги учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омихта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансара, эзгу андиша, суз ва амал, завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи, уша раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Иккинчи бўлим

4

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини сув гавҳари⁴ унда булгани учун олқишлаймиз. У қудрат соҳиби; буюкликда бемисл, уткир нигоҳли; зарбардаст ва баланд пояли; бутун борлиғи яхшилиқдан иборат Апам Напат наслидан.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва

баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омихта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансара, эзгу андиша, суз ва амал, завр ва чин суз билан Тиштар юлдузи, уша раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

Учинчи бўлим

5

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Кичик ва улуг тева-лар; бундан бурун ситамкор булган одам-лар; бурун қабих ишларга қул урган каи-талар⁵ — ҳамма-ҳамма унга куз тикади.

— Раюманд ва фарриҳманд Тиштар қачон бизга юз курсатади?

— Қачон чашмалар суви тулпор қуд-

рати билан қайта равон бўлади? Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омихта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансара, эзгу андиша, суз ва амал, завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи, раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

Тўртинчи бўлим

6

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У қудратли тиран-доз Оршини⁶ ёй уқи Арийу Хшуса тоғидан⁷ Хунвант тоғи⁸ сари шиддат билан учиб боргани каби, Фарог Карт дарёси томон шитоб қилади.

7

Шунда Парвардигор Аҳура Мазда унга (уққа) юз курсатади, сув ва гиёҳ маъ-

будлари, кенг яйловли Меҳр ёй уқига йул очиб бердилар.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омихта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар, эзгу андиша, суз ва амал, завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи, раюманд ва фарриҳманди Тиштарни олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

Бешинчи бўлим

8

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У парилардан голиб келди. Суви гоят кенг замин худудини қоплаган қудратли Фарог Карт дарёси еру осмон уртасида думли юлдузлар жисмига қўшилиш лаҳзаларидан парилар бунга барҳам бермоқ истадилар.

Ҳақиқатда, у локиза бир тулпор вужудига кириб, сувдан тулқин ва мавжлар яратади. Сунг эпчил шамол эса бошлайди.

9

Шундан сунг, илоҳ Сатавийс бу сувни етти иқлимга тақсим айлайди.

Қуркам ва осудабахш Тиштар улкалар сари юз буради ва уларни қутлуг йилдан огоҳ айлайди.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар, эзгу андиша, суз ва амал, завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи, раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»



Олтинчи бўлим

10

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Тиштар Аҳура Маздага деди:

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, оламни яратган зот! Эй, астуманда оламнинг мумтози! Эй, ашаван!

11

Агар одамлар жамийки эзгу илоҳларни намозларида ёд этгани ва олқишлагани каби мени ҳам намозда зикр айлаб, шарафласалар, мен порлоқ ва мангу жоним билан ашаван одамларга юз курсатиб, уларнинг ҳузурига бир, икки ёхуд элик тунда етиб келаман.

12

Тиштарни олқишлаймиз.
Тийштр-лийинийни¹³ олқишлаймиз.
Аввалда нузул айлагувчи Сатавийс юлдузини олқишлаймиз.

Парвинни¹⁴ олқишлаймиз.
Жодулар ва парилар қошида пойдор Ҳафтурангни¹⁵ олқишлаймиз.

Мазда яратган Вананд¹⁶ юлдузи — қудрат, фирузлик, забардастлик ва музаффарият соҳибини олқишлаймиз, душманлар устидан галаба истаги билан унга юз бураамиз, дуоларда ёд этамиз.

Уткир нигоҳли Тиштарни эъозлаймиз.

13

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Фарриҳманда ва раюманда Тиштар илк ун тун давомида моддий-заминий вужуд истади ва ун беш ёшли мард жисми узра ёруглик, уткир нигоҳ, қудрат ва эпчиллик билан парвоз қилади.

14

Илк марта белбоғ боғланган мард узра. Қудрат ва салоҳиятга эга булган йигит узра.

Мардлик майдониغا илк бор қадам қуйган мардоналар узра.

15

— Ким бу манзилда, ушбу анжуманда суйлайди?

— Ким бу маконда ўз ҳожатини арз қилади?

— Ким мени сутга омухта қилинган завр билан олқишлайди?

— Кимга ўгиллар яратиш қудратини бахш айлалар?

— Кимга бир гуруҳ ўгиллар ва руҳ комиллигини нисор этайин?

Энди мен бу астуманда оламида Ашаҳ — Ҳақиқатнинг олий одоби билан олқиш ва шарафга сазоворман.

16

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузи иккинчи ун тунда моддий жисм танлайди ва заррин шохли сигир вужудига парвоз қилади.

17

— Ким бу манзилда, ушбу анжуманда суйлайди?

— Ким бу маконда ўз ҳожатини ниёз келтиради?

— Ким мени сутга ийланган завр билан олқишлайди?

— Кимни сигирлар бахш этиб, қудратга мушарраф айлалар?

— Кимга сигирлар подаси ва руҳ комиллигини бахш этайин?

Энди мен бу астуманда оламида Ашаҳ — Ҳақиқатнинг олий одоби билан олқиш ва ибодатга лойиқман.

18

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузи учинчи ун тунда моддий жисм истади ва гоят гузал, оқ тусли, заррин қулоқли, зарнишон жиловли тулпор вужудига фароғат огушида парвоз қилади.

19

— Ким бу манзилда, ушбу анжуманда суйлайди?

— Ким бу маконда ўз ҳожатини ниёз келтиради?

— Ким мени сутга омухта айланган завр билан олқишлайди?

— Кимни тулпорлар бахш этиб, куч-қудратга мушарраф айлалар?

— Кимга тулпорлар уюри ва руҳ комиллигини бахш этайин?

Энди мен бу астуманда оламида Ашаҳ — Ҳақиқатнинг олий одоби билан олқиш ва назр-ниёзга лойиқман.

20

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шунда раюманда ва фарриҳманда Тиштар Фароғ Қарт дарёсида куркам, оқ тусли, заррин қулоқ, зарнишон жиловли тулпорга нузул аилади.



Унинг қаршисида қора тусли, қулоқлари, буйни ва думи кал от вужудига кириб олган Апаша” деви пайдо бўлади.

22

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Улар иккиси — раюманда ва фарриҳманда Тиштар ва Апаша дев узаро туқнашдилар.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Улар уч кеча-кундуз олишдилар. Ниҳоят Апаша дев раюманда ва фарриҳманда Тиштар устидан галаба қозонди ва унга шикаст берди.

23

Шундан кейин уни (Тиштарни) Фарог Карт дарёсидан бир ҳосар нарига қувиб юборди.

Шунда Тиштар дардли наъра тортиди:

— Эҳ, вой менга, Аҳура Мазда!

— Шурингиз қуриди, эй сувлар! Эй гиёҳлар!

— Кунинг қора бўлди, сенинг, эй маздапарастлар дини!

Энди одамлар намозларида барча илоҳларга ибодат қилганларидек ва олқишлаганларидек мени олқишламайдилар.

24

Агар одамлар мени ҳам ўз намозларида бошқа илоҳларни номма-ном олқишлаганлари каби олқишласалар мен ун от, ун туя, ун сигир, ун тоғ ва ун сув қудратига мушарраф бўлардим.

25

Мен — Аҳура Мазда ўзим раюманда ва фарриҳманда Тиштарни намозда алқайман.

Мен унга ўн от, ун туя, ун сигир, ун тоғ ва ун сув қудратини бахш этаман.

26

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шунда раюманда ва фарриҳманда Тиштар Фарог Карт дарёсида куркам, оқ тусли, заррин қулоқ, зарнишон жиловли тулпорга нузул айлади.

27

Унинг қаршисида қора тусли, қулоқлари, буйни ва думи кал от вужудига кириб олган Апаша деви пайдо бўлди.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Уларнинг иккиси — раюманда ва фарриҳманда Тиштар ва Апаша дев узаро туқнашдилар.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Улар кун ярмигача олишдилар. Ниҳоят раюманда ва фарриҳманда Тиштар Апаша девни мағлуб айлади ва унга шикаст берди.

29

Шундан кейин уни (Апашани) Фарог Карт дарёсидан бир ҳосар нарига қувиб юборди.

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар шодликдан айқирди:

— Қандай хушвақтман, эй Аҳура Мазда!

— Қанчалар бахтлисиз, эй сувлар! Эй, гиёҳлар!

— Бор булинг, эй маздапарастлар!

— Бор булинг, сиз, эй улкалар!

Бундан буён ҳеч бир тусиқсиз сув сиёнинг узанларингизда жуш-хуруш билан оқади, экинзорлар, яйловлар ва астуманда оламига эмин-эркин равона бўлади.

30

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шунда раюманда ва фарриҳманда Тиштар Фарог Карт дарёсида куркам, оқ тусли, заррин қулоқ, зарнишон жиловли тулпорга нузул айлади.

31

Дарё тулқинларини жунбушга келтирди. Дарёда жуш-хуруш, оромсизлик ва саркашлик қўпди.

Фарог Карт дарёси кенгликларида тугён бошланди.

32

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шундан кейин раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузи Фарог Карт дарёсидан кутарилиди. Раюманда ва фарриҳманда Сатавийс ҳам Фарог Карт дарёсини тарк этди.

Шунда Ҳинд ёқдан — Фарог Карт дарёси уртасидаги тоғлар бошидан ой кутарилиди.

33

Булутларни пайдо қилувчи покиза ой жунбушга келади. Чоштвоҳ жануб шамо-



ли кўтарилиб, ойни илгари — оламларга шодлик ва кенглик бағишловчи ҳавм ўтиб борадиган йул томон ҳайдайди.

Мазда бунёд айлаган эпчил шамол ёмгир ва қуюқ булутларни етти иқлим экинзорлари ва хонумонлари томон суради.

34

— Эй, Сипийтмон Зардуш!
Апам Напат Мазда яратган эпчил ша-

Еттинчи бўлим

35

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юдузини олқишлаймиз. У Аҳура ва Амшосипандлар хоҳиши билан порлоқ субҳидамдан бод тула олис йуларга, маъбудалар амр этган сероб манзилларга йул олади.

36

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юдузини олқишлаймиз. Йил ибтидо топган чоғдан одамлар, донишманд ҳукмдорлар, тоғларнинг озод жонварлари, биёбон даррандалари — ҳамма-ҳамма унинг чиқишига кўз тутадилар.

У ўзининг зуҳури билан улкага ё яхши ё ёмон йил олиб келади.

Саккизинчи бўлим

37

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юдузини олқишлаймиз. У қудратли тирандоз Оршнинг ёй ўқи Арийу Хшуса тоғидан Хунвант тоғи сари шиддат билан учиб боргани каби, Фарог Карт дарёси томон шитоб қилади.

38

Шу он Аҳура Мазда намоён булди. Амшосипандлар ва кенг яйловлар соҳиби Меҳр ўрқа йул очдилар.

39

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юдузини олқишлаймиз. У парилар устидан

мол, сувда ором олган фарр ва ашаванлар фравашийлар билан бирга астуманд оламининг барча гушаларини сув билан баҳраманд айлайди.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан алқайман.

Сув билан ийланган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар, эзгу андиша, суз ва амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни шарафлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Барча сарзаминлар яхши йилдан огоҳ була оладиларми?

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сутга ийланган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

Тўққизинчи бўлим

Улуғвор ва эзгу Аша ҳамда учқур гардунали (арава) Поиринд биргаликда ўқ ортидан равона булдилар. Улар ўқ токи Хунвант тоғига етиб бориб, заминга тушгунга қадар кузатиб қолдилар.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар; эзгу андиша, суз амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўнинчи бўлим

голиб келди ва уларга шикаст берди. Аҳриман у париларни сув гавҳарини асрагувчи тамомий юдузларни маҳв этиш мақсадида қўзгаган эди.



237

Тиштар уларга шикаст берди ва Фарог Карт дарёсидан узоқлаштирди. Шунда булутлар тул-тул бўлиб оқиб келдилар ва хайрли йилдан дарак бериб, сувлар равон булдилар.

Сершитоб ёмгир селлари — етти иқлимга пароканда булгувчи жуш-хурушли сувлар ана шу булутлардадир.



41

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини шарафлаймиз. Улик ва равон сувлар; чашмалар; анҳор қор ва ёмгир — ҳамма унга орзуманд ва интиқ.

42

— Қачон раюманда ва фарриҳманда Тиштар бизга томон юз буради?

— Қачон чашмалар яна тулпор қудрати билан равона буладилар?

Ўн биринчи бўлим

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманда ва фарриҳманда Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

— Қачон чашмалар куркам экинзорлар, хонумонлар, даштлар сари равон булади ва гиёҳлар илдинини уз намлигидан баҳраманда айлайди.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз, баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманда ва фарриҳманда Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн иккинчи бўлим

43

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У узининг тугёни суви билан жамийки маъжудот кунглидаги қўрқув ва саросимани ҳайдаб юборади.

Агар уни — куч ва қудрат соҳибини — алқасалар, иззат қилсалар, хушнуд ва эҳтиром айласалар дармон бахш этади.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманда ва фарриҳманда Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн учинчи бўлим

44

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Ахура Мазда уни барча юлдузларни асраши учун рад ва паноҳ қилиб яратди. У, шунингдек, Зардуштни одамларга рад ва пушт-паноҳ айлади.

Аҳриман, жодулар, парилар, жодугар кимсалар ва барча девлар биргалашиб унга зиён ва заҳмат етказа олмайдилар.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманда ва фарриҳманда Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн тўртинчи бўлим

45

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Ахура Мазда унга

минг турли гайрат ва эпчилиқ бахш этади.

У сув гавҳарини асрагувчи юлдузлар ичида энг қудратлидир.

У сув гавҳарини асрагувчи юлдузлар билан биргаликда фарогат огушида парвоз қилади.

46

У оқ тусли, кўркам, заррин қулоқ, зарнишон жиловли тулпор жисмига кириб қудратли, хуш дийдали ва суви замин кенгликлари баробаридаги Фарог Карт дарёсининг барча шохоблари, дарёчалари, сой ва жилгаларига назар ташлайди.

47

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ушанда покловчи ва дармонбахш равон сув Фарог Карт дарёсида тугёнга келади.

Бу сувни забардаст Тиштар улкаларга бахш айлайди. У ернинг одамлари Тиштарни алқайдилар, иззат-эҳтиром ва хушнуд қиладилар.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар; эзгу андиша,

суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманда ва фарриҳманда Тиштарни олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

48

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини олқишлаймиз.

Жамийки Сипандмийну хилқати унинг дийдорини бир кўришга муштоқ;

Замин остида яшовчилар ҳам;

Замин устида яшовчилар ҳам;

Сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳам;

Паррандалар ва ҳурандалар ҳам;

Эркин куном эгалари; олий жаҳонда яшовчилар ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг ибтидо-интиҳосиз хилқатидан огоҳлар.

Мен уни фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлайман.

«Йинғи ҳотам...»



239

Ҳн олтинчи бўлим

49

Раюманда ва фарриҳманда Тиштар юлдузини олқишлаймиз.

У гамларни аритгувчи қудрат соҳиби, кордон ва фармонраво; минг орзу билан зийнатланган. Кимда-ким уни хушнуд этмакка ружуъ қилса, кимда-ким унга хуштор бўлса, унга зиёда фаровонлик бағишлай.

50

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Мен Тиштар юлдузини олқиш ва ибодатга лойиқликда, улуғлаш ва хушнуд айламакда узим, яъни Аҳура Мазда даражасида яратганман...

51

Қургоқчилик офатини келтиргувчи, аммо нодонлар хайрли йил элтгувчи деб тасаввур қилгувчи пари қаршисида пойдорлик; унинг устидан голиблик ва душманлигини узига қайтармоқ.

52

— Эй, Сипийтмон Зардушт!
Агар мен Тиштар юлдузини олқиш ва

ибодат, назру ниёз ва хушнудлик ва соҳиби қудратликда узим баробаримда, яъни Аҳура Мазда даражасида яратган бўлсам...

53

Нодонлар хайрли йил келтиради, деб гумон қилган қургоқчилик париси қаршисида пойдор бўлмоқ, уни мағлуб этмоқ ва душманлик ҳамда хусуматини узига қайтармоқ мақсадида яратдим...

54

Акс ҳолда, қургоқчилик деви ҳар кун ёхуд ҳар тун гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бош кутариб астуманда олами тириклиги қудратига барҳам берарди.

55

Ҳа, раюманда ва фарриҳманда Тиштар уша девни банди айлайди ва мустақкам занжир билан боғлаб ташлайди. Чунончи, минг нафар забардаст эр бир эрга банд солгани каби.

56

— Эй, Сипийтмон Зардушт!
Агар барча сарзаминларда раюманда ва



фарриҳманд Тиштар муносиб тарзда, чунончи, Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишланса, назр-ниёзлар билан сийланса, ибодат ва қурбонликлар билан хушнуд қилинса, Тиштар паноҳида бу сарзаминлар абаду-абад ганимлар оғи остида топталмайди. Сел ва довуллар, гар,¹ кабаст² ва душманнинг жанговар гардуналари у ерларда тантана қила олмайдилар.

57

Зардушт Аҳура Маздадан суроди:
— Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан раюманд ва фарриҳманд Тиштар муносиб булган олқиш ва дуолар нечукдир?

58

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Одамлар унга завр ниёз келтирмоглари лозим.

Одамлар унга барсам тузмоқлари лозим.

Одамлар унга бир тусааги — оқ ёхуд қора ёхуд бошқа рангдаги қуйни қурбон келтиришлари лозим.

59

Уша ниёздан қароқчи, бузуқ хотин, гоҳларни ёд этмайдиган ва тирикликка барҳам бергувчи, Зардуштнинг аҳуравий динига душман ношаван баҳраманд булмаслиги шарт.

60

Агар уша ниёздан қароқчи, бузуқ хотин, гоҳларда олқишланмайдиган ва ти-

рикликка барҳам бергувчи, Зардуштнинг аҳуравий динига душман ношаван баҳраманд булса, раюманд ва фарриҳманд Тиштар чора ва дармонини қатъ айлайди...

61

Бас, ногаҳон селоблар сарзаминларни қоплаб олади; баногоҳ душман сипоҳи сарзаминларга бостириб киради; сарзаминлар оёқ ости булади; эллиқлар, юз минглар; минглар, ун минглар, ун минглар, юз минглар...

Мен уни фарру фуруги учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлайман.

«Йинғи ҳотам...»

62

«Яса аҳу вайрю...»

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар, Мазда яратган сув етказувчи қудрат соҳиби Сатавийсга салоомлар йуллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»: Унга фуруғ ва фарр; тандурустлик ва тан пойдорлиги; тан фирузлиги ва осойишталик; узоқ тириклик ва ашаванларнинг энг олий хилқати ҳамда ҳар нечук энгилик бағишлагувчи ёруғлик...

ДРАВОСПА ҚАСИДАСИ

(Гивш яшт)³⁰

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспага хушнудлик.

Биринчи бўлим

1

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз. У буталоқларни тандуруст сақлайди. У теваларни тандуруст сақлайди. Дуст-ёрларни тандуруст сақлайди. Гудакларни тандуруст сақлайди. Дидбонларга жуда узоқ ва ...*

2

У эгарланган отлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир...**

Қудрат ва ҳиммати беқиёс Дравоспа дармонбахшдир ва ашаванларга мадад илкани чўзади, уларни толеъли айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

* Нудтаалар урнидаги сўзни ўқиш мумкин бўлмади.

** Кейинги сўз ўчиб кетган.

3

Хушанг Пешдодий¹¹ Мазда бунёд айлаган гузал Албурз тоғи этағида юзта от, мингта сигир, ун мингта қуй ва завр ниёз келтириб, утинди:

4

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй ҳаммадан қудратли!

— Менга шундай қудрат бахш айла, эй илоҳ, мен барча мазандарий девлардан голиб бўлайин. Девлар қутқуси ва даҳшадан қочмайин. Улар мендан таҳликага тушиб, зулмат қаърида йитсинлар.

7

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У буталоқларни саломат сақлайди.

У буталарни саломат сақлайди.

Дуст-ёрларни саломат сақлайди.

Гудакларни саломат сақлайди.

Дидбонларга жуда узоқ ва ...

У эгарланган отлар, путхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир...

Қудрати ва ҳиммати беқиёс Дравоспа дармонбахшдир ва ашаванларга мадад қулини чузади, уларни тодъели айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

8

Яхши сурувлар соҳиби Жамшид Хукар тоғи этағида юзта от, мингта сигир, ун мингта қуй ва завр ниёз келтирди да утиниб суреди:

12

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани шарафлаймиз. У кичик норларни омон асрайди. У улуг норларни омон асрайди. Дуст-ёрларни омон асрайди. Болаларни омон асрайди. Кузатувчиларга жуда узоқ ва ...

5

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо этади. У Хушанг Пешдодийнинг утинчини қабул айлади.

6

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва балан овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан омихта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

9

— Эй Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан забардаст!

Менга шундай камёблик бахш айлагилки, Мазда яратган зотларга сурувлар парвариш қилайин. Мазда халқ қилган одамларга абадият бахш айлайин...

10

Очлик ва ташналикни Мазда яратган зотлардан узоқлаштирай; кексалик нотавонлиги ва улимни Мазданинг хилқатидан йироқ айлай; иссиқ бод ва совуқ бодни Мазданинг жаҳонидан минг йил нарига итқитайин.

11

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо этади.

У яхши сурувлар соҳиби Жамшиднинг утинчини қабул айлади.

Учинчи бўлим

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш гилдиракли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир...

Қудрат ва ҳиммати беқиёс Дравоспа дармонбахшдир ва ашаванларга мадад қулини чузади, уларни саодатли айлайди ва оромгоҳ манзиллар бахшида қилади.



241

Улуг хонадондан будмиш Отбийи угли Фаридуни* тўрт гушали Варина сарзамини-да юзта от, мингта сигир, ун мингта қуй ва завр ниёз келтириб утинди:

14

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, барчадан ҳам қудратли!

Шундай куч бахш айлагилки, мен уч тумшуқли, уч каллали, олти кўзли, минг хил ҳийла-найрангли Ажи Даҳокни; гоят кучли дуруж девни; жаҳонга офат келтирувчи, Аҳриман Ашаҳ — Ҳақиқат олами-га шикаст бермоқ учун яратган дуруж — унинг икки йўдоши — Санғавак ва Арнавакларни** — улар ёвузлик хонадонининг паноҳлари ва улар уругини кўлайти-



242

16

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У кичик теваларни омонликда сақлайди. У буюк теваларни омонликда сақлайди. Дуст-ёрларни омонликда сақлайди. Чақалоқларни омонликда сақлайди. Кузатувчиларга жуда узоқ ва... У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир. Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон багиш-лагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни саодатманда айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

17

Дармонбахш Ҳавм суви, гузал ва заррин шаҳриёр Албурз тоғининг энг буюк чўққиси пойида Дравоспага ниёз келтирди ва утинди:

18

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

рувчилардир — астуманда олаmidан йи-роқлаштирай.

15

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван-паноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У Отбийи угли Фаридуннинг хоҳишини қабул айлади.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

Тўртинчи бўлим

Менга шундай қудрат бахш айлагилки, туронлик Афросиёбни занжирбанд айла-йин ва банди ҳолатида Сиёвунинг хундор угли Кайхусрав ҳузурига элтиб бо-райин. Токи уни Чичист дарёси кенглик-ларида ножавонмардларча ўлдирилган Сиёвус хуни ва жасоратли Оғрийрис қасоси учун қатл айласин.

19

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван-паноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

Бу гузал ва заррин шаҳриёр, дармон-бахш Ҳавм сувининг утинчини қабул қилди.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

* «Вамдамад» изоҳига қаранг.

** «Вамдамад» изоҳига қаранг.

Бешинчи бўлим

20

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У кичик теваларни омон сақлайди. У буюк теваларни омон сақлайди. Дустиёрларни омонликда сақлайди. Гудақларни омонликда сақлайди. Дидбонларни жуда олис ва ...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон багишлагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни саодатманд айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

21

Барча сарзаминлар паҳлавони, улкани устувор сақлагувчи Кайхусрав Чичист дарёси соҳилларида юзта от, мингта сир, ун мингта қўй ва завр ниёз келтириб Дравоспадан утинди:

22

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

Олтинчи бўлим

24

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз. У кичик норларни тансиҳат сақлайди. У буюк норларни тансиҳат сақлайди. Дусларни тансиҳат сақлайди. Гудақларни тансиҳат сақлайди. Кузатгувчиларни жуда йироқ ва ...

У эгарланган тулпорлар, пархуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон багишлагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни бахтиёр айлайди ва оромгоҳ манзиллар бахшида қилади.

25

Покиза Зардушт Ийрон Вийждаги эзгу Доитё дарёси соҳилида Дравоспани сутга ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаб, утинди:

26

— Эй, Дравоспа! Эй, олижаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

Менга шундай комёблик багишлагилки, мен — хундор Сиёвушнинг угли Чичист дарёси соҳилида ножавонмардларча улдирилган Сиёвуш ва Огрийрис қасоси учун Афросиёбни қатл этай!

23

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонлик ниёз қилгувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У сарзаминлар паҳлавони, улкани устувор сақлагувчи Кайхусравнинг утинчини қабул қилди.

Мазда бунёд этган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан шарафлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»



243

— Менга шундай комёблик багишлагилки, эзгу ва улугвор Хутусо¹ дин билан андиша қилсин; дин билан сўйласин; дин билан амал қилсин; менинг маздапарастлик динимга қайишсин ва менинг анжуманим овозасини оламга ёйсин.

27

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонлик ниёз қилгувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У покиза Зардуштнинг Ийрон Вийждаги Доитё дарёси соҳилидаги утинчини қабул қилди.

Мазда бунёд этган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У кичик норларни омон асрайди. У буюк норларни омон асрайди. Дуст-ёрларни омон асрайди. Гудакларни омон асрайди. Дидбонларни жуда узоқ ва ...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон багишлагувчидир ва ашаванларга мадад қулини чўзади, уларни толеъли айлайди ва оромгоҳ манзиллар беъхшида қилади.

Қудратли Кий Гуштасп Доитё дарёси соҳилида юзта от, мингта сигир, ун мингта қўй ва завр ниёз келтириб, утинди:

— Эй Дравоспа! Эй, олижаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

Менга шундай қудрат бахш айлагилки, Вийспа Сурвуаштийнинг³³ угли Ашта Авравант³⁴ — узи ҳам бурро, қуроли ҳам бурро азим гарданли, етти юзта туя соҳиби билан Зайнёвара Хуйзоҳанинг³⁵ орқа томонида жанг қилай ва голиб булай.

Менга шундай комёблик бахш айлагилки, гуноҳкор Аржасп Хаюн³⁶ билан жанг қилай ва уни мағлуб этай.

Менга шундай қудрат бергилки, девпараст Даршиника³⁷ билан жанг қилай ва нусрат қозонай...

Менга шундай куч багишлагилки, динсиз Тасрёвантни³⁸ чекинтирай; девпараст Спийинжа Урушкани³⁹ нобуд қилай; Ҳумой⁴⁰ ва Варийзакани⁴¹ хаюнлар сарзаминдан юртига қайтарайин ва хаюнлар сарзамини хулини кукларга совурай: эликлар, юзлар, минглар; минглар, ун минглар, юз минглар.

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван-паноҳ Дравоспа завр ва қурбонлик ниёз қилгувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У қудратли Кай Гуштаспнинг Доитё дарёси соҳилидаги Утинчини қабул қилди.

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақд тили, мансаралар; эзгу андиша, суз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йингҳи хотам...»

«Яса аху вайрю...»

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспага саломлар йўллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»

СУРУШ ҚАСИДАСИ

(Суруш яшт ҳодухт)^{42,44}

Ёвқур танмансара, метин уруш афзори соҳиби, ашаван Сурушга хушнудлик.

Биринчи бўлим

Оламларни юксалтиргувчи ашаван, қудратли ва бахтиёр Ашаҳ — Ҳақиқат ради порсо Сурушни олқишлаймиз.

— Эй, Зардушт!

Эзгу алқов жаҳонда энг олий ишдир...

Будир дурванд эр ва аёлни турли амаллардан асрагувчи амал.

Будир кўзлар, қулоқлар, қўллар, тизлар, оғиз, дурванд мард ва аёлни банд қилгувчи ва нобудликка тортгувчи. Эзгу алқов ва ибодат ҳеч кимни алдамайди ва озор бермайди.



Олқиш жасур, паҳлавонлар каби заррадиким дуружни ҳаммадан кура яхшироқ бад амалдан ман этади...

3

Ашаван Сурушдирки, дарвишларни ҳаммадан кура яхшироқ уз паноҳида сақлайди.

Бахтиёр Сурушдирки, дуружни ҳаммадан кура яхшироқ яксон айлайди.

Ақов ва ибодатни энг куп зикр қилган ашаван мард фирӯзроқ ва саодатмандроқдир.

Мансара дуружнинг пинҳон девларини ҳаммадан кура хуброқ ҳайдаб солади.

«Аҳуна Варяҳ...» энг олий каломдир. Тугри суз охиратда энг саодатли суздир.

Маздапарастлар дини — Зардушт қонунни — барча яхшиликлар ичида Ашаҳ — Ҳақиқат нажд ва сенга муносиброқдир.

4

— Эй, Зардушт!

Мард ё аёл буюк бир дарё қошида, ё огир бир қийинчиликда, ё ойюқи тийра тунда, ё шиддатли дарё кечувида, ё йўллар чалкашган ерда, ё мард ашаванлар анжуманида, ё девпараст дурвандлар уртасида нозил қилинган ушбу сўзни бир ашаван андишаси, бир ашаван сузи, бир ашаван амалидек андиша қилса, сузласа ва амал қилса...

5

...Ёхуд ҳакамлар ҳакамлигидан даҳшат ва қўрқувга тушса, ё ҳар нечук ҳолатда шу йўлни тутса, дурванд назари бу кундуз ва бу кеч қидирса-да уни тополмайди; сурув ва йилқиларни горат қилувчи қароқчилар ҳеч ҳачон унга заҳмат етказолмайди.

10

Жаҳонни юксалтирувчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради, порсо ва қудрат соҳиби Сурушни олқишлаймиз.

У каяза гуноҳига ботган эрга шикаст беради.

У кайизий гуноҳига ботган эрга шикаст беради.

У кайизий гуноҳига ботган хотинга шикаст беради.

6

— Эй, Зардушт!

Нозил қилинган ушбу сўзни қароқчиға йўлиққаннинг чоғ ёхуд угриллар ва девлар гуруҳи яқинлашган пайт баланд овозда зикр қил!

Шунда қора ниятли девпараст дурвандлар, жоду қилмоқчи бўлган жодугарлар ва парӣна ишлар билан машғул парилар қўрқувдан чекинадилар.

Девлар бош олиб ортта қочадилар ва пинҳон буладилар, девпарастлар, саркаш ва нотавонларнинг оғзи боғланади.

7

Йилқи теграсида юрган қўриқчи ит каби биз ҳам ашаван ва фирӯзманд, порсо Суруш атрофида айланамиз.

Шунингдек, биз пок ва фирӯзманд Сурушни эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал билан олқишлаймиз.

8

Ашаван Сурушни фарру фуруғи учун, қудрат ва фирӯзи учун, илоҳлар шаънига алқовлар адо этмағи учун намоз, баланд овоз ва завр билан шарафлаймиз.

Эзгу ва улугвор Аша, фирӯзманд Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирӯзманд Суруш бизларга имдоа илкени узатса.

9

Ашаван сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликда бошловчи ва ҳаммадан аъло буюк рад Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий қўшиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз:

Барча зардуштий қўшиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз: неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — борини эъзозлаймиз.

«Йингҳи хотам...»

Иккинчи бўлим

11

У тирикликни тубанлаштирувчи гоятда қудратли дуруж девини мағлуб этади.

У жаҳон аҳли беҳрузлигининг дидбони ва қўриқчисиدير.

У ҳаргиз ухламайди ва ҳушёрлик билан Мазда оламини қўриқлайди.

У ҳаргиз ухламайди ва сергаклик билан Мазда оламини қўриқлайди.



245

У қуёш ботганидан сўнг, астуманда оламини бошдан-оёқ жанговар қуроли билан қуриқлайди.

12

У икки мийну — Сипандийну ва Ангармийну — яратилганидан буён ухлаган эмас ва Ашаҳ — Ҳақиқат оламини асраб келмоқда.

У туну кун мазандарий девлар билан курашади.

13

У девлар даҳшатидан қўрқмайди ва чекинмайди.

Барча девлар ундан даҳшатга тушадилар ва қўрқувдан зулматга чекинадилар.

14

«Яса аҳу вайрю...»

Жаҳонни юксалтирувчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради, қудратли ва порсо Сурушни олқишлаймиз.

У дурванд ва энг олийжаноб ашаван уртасидаги тинчлик паймонининг қуриқчисидир.

Ер юзининг етти иқлимида Амшосипандлар унинг ҳузурига нузул қилдилар.

У дин ургатувчидир ва ашаван Аҳура Мазданинг ўзи унга дин таълимини берди.

Ашаван Сурушни фарру фуруғи учун, қудрат ва фирузи учун, илоҳлар шаънига

Ашаван Сурушни фарру фуруғи учун, қудрат ва фирузи учун, илоҳлар шаънига алқовлар адо этмаги учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Эзгу ва улугвор Аша, фирузманда Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирузманда Суруш бизга имдод илкини узатса.

Ашаван Сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликда бошловчи ва ҳаммадан аъло буюк рад Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий қушиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз; неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — барини эъозлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Учинчи бўлим

алқовлар адо этмаги учун намоз, баланд овоз ва завр билан шарафлаймиз.

Эзгу ва улугвор Аша, фирузманда Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирузманда Суруш бизларга имдод илкини узатса.

Ашаван Сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликда бошловчи ва ҳаммадан аъло, буюк рад Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий қушиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз; неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — барини эъозлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Тўртинчи бўлим

15

«Яса аҳу вайрю...»

Жаҳонни юксалтиргувчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради, қудратли ва порсо Сурушни олқишлаймиз.

Ашаван Аҳура Мазда қонхур девга шикаст бермаги учун уни бунёд айлади.

Уруш ва хусуматга барҳам берувчи, тинчлик аҳдини қуриқлагувчини олқишлаймиз.

16

Ашаван Суруш ёронларини; энг ростгўй Рашнининг ёронларини; кенг яйловли Меҳр ёронларини; эзгу маздапарастлик дини ёронларини; жаҳонпарвар ва олимпарга кенглик ва яхшилик истовчи Арштод ёронларини; эзгу Аша ёронларини; эзгу Чистий ва олийжаноб Чиста ёронларини...

17

...барча илоҳлар ёронларини; мансара ёронларини; девларга муқобил зотлар ёронларини; азалий равиш ёронларини; Амшосипандлар ёронларини; биз — ашаван эл Сушентлари ёронларини; Ашаҳ — Ҳақиқат хилқатининг жамийки ёронларини...

Ашаван Сурушни фарру фуруғи учун, қудрат ва фирузи учун, илоҳлар шаънига алқовлар адо этмаги учун намоз, баланд овоз ва завр билан шарафлаймиз.

Эзгу ва улугвор Аша, фирузманда Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирузманда Суруш бизларга имдод илкини узатса.

Ашаван сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликда бошловчи ва ҳаммадан аъло, буюк рад Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий қушиқлар, барча ар-



246

доқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз: неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — барини эъзозлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

18

«Яса аҳу вайрю...»

Жаҳонни юксалтиргувчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради, қудратли ва порсо Сурушни олқишлаймиз: у аввал-охир, урта ва ибтидода илк олқишловчи; у аввал — охир, урта ва ибтидода илк қурбонлик келтиргувчи.

19

Қурқмас тан-мансара, қудратли паҳлавон, жанговар билаклар соҳиби ашаван Сурушнинг фирузликларини олқишлаймиз. У девларга қирон келтиради.

Фирузманд ва кучли билак, яхшиликлар яратувчи ашаван Суруш ва илоҳ Арштйини олқишлаймиз.

20

Суруш паноҳида ва асровида булган барча хонадонларни шарафлаймиз.

Ашаван Сурушни эҳтиром этган; эзгу андиша, эзгу калом ва эзгу амалда собитқадам зрни хуш қабул айлаган хонумонни олқишлаймиз.

21

Ашаван Суруш жисмини олқишлаймиз. Энг ростгуй Рашн жисмини олқишлаймиз. Кенг яйловлар соҳиби Меҳр жисмини олқишлаймиз. Ашаван Бод жисмини олқишлаймиз. Эзгу маздапарастлик дини

жисмини олқишлаймиз. Оламларни юксалтиргувчи, судманд ва жаҳонпарвар Арштодини олқишлаймиз. Эзгу Аша жисмини олқишлаймиз. Эзгу Чистий жисмини олқишлаймиз. Энг яхши Чиста жисмини олқишлаймиз.

22

Барча илоҳлар вужудини олқишлаймиз. Мансара вужудини олқишлаймиз. Девларга қарши қонунни олқишлаймиз. Азалий равиш вужудини олқишлаймиз. Амшосипандлар вужудини олқишлаймиз. Биз — мард ашаванлар Сушентларини олқишлаймиз. Бошдан-оёқ ашаван хилақатини олқишлаймиз. Ашаван Сурушни фарру фуруғи учун, қудрат ва фирузи учун, илоҳлар шаънига алқовлар адо этмаги учун намоз, баланд овоз ва завр билан шарафлаймиз. Эзгу ва улугвор Аша, фирузманд Нарюсангни олқишлаймиз. Шоядки, порсо ва фирузманд Суруш бизларга имдоод илқини узатса. Ашаван Сурушни шарафлаймиз. Ашаванликда бошловчи ва ҳаммадан аъло буюк рад Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча Зардуштий қушиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз: неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — барини эъзозлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

23

«Яса аҳу вайрю...»

Жасур тан-мансара, аҳуравий қаттиқ уруш аслаҳаси соҳиби ашаван Сурушга саломлар йуллаймиз.

«Ашим вухув...»

«Аҳмойи раишча...»

РАШН ҚАСИДАСИ

(*Рашн яшт*)⁴⁵

Энг ростгуй Рашн, оламларга кенглик бағишлагувчи жаҳонпарвар, кунгилларга ҳаққоний сўз индиргувчи илоҳ Арштодга хушнудлик бўлсин.

1

Ашаван Зардушт сўради:

— Эй, ашаван Аҳура Мазда!

Эй, ҳар некини сурсам огоҳ ва чалгимас Зот! Эй, адашмас Тафаккур! Э, алданмас ва ҳамма нарсадан воқиф!

Мен Сенга юзландим ва Ҳақиқий сўз билан сендан сўрайман, жавоб бер:

— Мумтоз мансараларнинг қай бири ростлик ва дурустликда барча яратилмиш ҳодисалардан энг қамровли, энг ардоқли, энг қудратли, энг ишчан ва энг собитдир?

2

Шунда Аҳура Мазда деди:

— Эй, ашаван Сипийтмон!

Ҳақиқатда мен сени ростлик ва дурустликда мумтоз булган энг қамровли, энг ардоқли, энг қудратли, энг ишчан ва собит мансарадан огоҳ этаман.



247

3

Аҳура Мазда деди:

— Бир кучоқ барсамни Қуёш йулига
ёйгил-да дегил:

— Биз адолат истовида бу ерга кел-
дик. Биз қудратли Рашнинг хушнудлиги-
ни истаймиз. Мен бу вар^а маросимида
Аҳура Маздани бир дуст каби олов, бар-
сам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва
гиёҳлар шираси томон чорлайман.

4

Бас, мен — Аҳура Мазда шунда
фируз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний
Фарр ва Мазда ҳақ қилган тақдир билан
сенга имдоод бермакка шошгайман. Ушбу
вар маросими, олов сари, барсам, лиммо-
лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон
етиб бораман.

5

Биз бу ерда адолатни истаймиз. Биз
қудратли Рашнинг хушнудлигини истай-
миз. Мен вар маросимида бир дустни
олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой ва-
ри ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

6

Шунда қудратли Раши фируз Бод, Да-
муйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда
ирода қилган тақдир билан сенга имдоод
бермакка шошгайдир. Ушбу вар мароси-
ми, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой
вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

7

— Эй, ашаван Раши! Эй, энг ростгуй
Раши! Эй, мумтоз Раши! Эй, донолардан
донороқ Раши! Эй, ҳаммадан дурустроқ
танигувчи Раши! Эй, олисларни ҳаммадан
яхши кузатгувчи Раши! Эй, узоқ-узоқлар-
ни ҳаммадан бурун кургувчи Раши! Эй,
адолат истовчилар додини тинглаувчи
Раши! Эй, угриларни яксон айлагувчи
Раши!

8

Агар сен озурда бўлмасанг, адолат ис-
тагувчини мақсад манзилига еткарасан.
Заҳмларга ҳаммадан яхши малҳам бўлу-
сан. Угри ва қароқчиларни ҳаммадан
кура яхшироқ нобуд айлайсан.

9

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Аризаҳий^а улкасида бўлсанг
ҳам биз сени имдодга чорлаймиз. Биз бу
ерда адолатни истаймиз. Биз қудратли
Рашнинг хушнудлигини истаймиз. Мен

вар маросимида бир дустни олов, барсам,
лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар
шираси томон чорлагайман. Шунда қуд-
ратли Раши фируз Бод, Дамуйиш Упамана,
каёний Фарр ва Мазда ато қилган
тақдир билан сенга имдоод бермакка шош-
гайдир. Ушбу вар маросими, олов, бар-
сам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва
гиёҳларга томон келгайдир.

10

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Саваҳий^а улкасида бўлсанг-
да, биз сени имдодга чорлагайдирмиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз. Биз қуд-
ратли Рашнинг хушнудлигини истаймиз.
Мен вар маросимида бир дустни олов,
барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва
гиёҳлар шираси томон чорлагайман. Шун-
да қудратли Раши фируз Бод, Дамуйиш
Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қил-
ган тақдир билан сенга имдоод бермакка
шошилгайдир. Ушбу вар маросими, олов,
барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва
гиёҳларга томон келгайдир.

11

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Фрада Дафшу^а улкасида
бўлсанг ҳам, биз сени имдодга чорлагай-
дирмиз. Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашнинг хушнудлигини ис-
таймиз. Мен вар маросимида олов, бар-
сам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва
гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Раши фируз Бод, Да-
муйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда
ато қилган тақдир билан сенга имдоод бер-
макка шошилгайдир. Ушбу вар маросими,
олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой ва-
ри ва гиёҳларга томон келгайдир.

12

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Вайда зафшу^а улкасида
бўлсанг ҳам, биз сени имдодга чорлагай-
дирмиз. Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашнинг хушнудлигини ис-
таймиз. Мен вар маросимида олов, бар-
сам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва
гиёҳлар шираси томон чорлагайман.

Шунда қудратли Раши фируз Бод, Да-
муйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда
ато қилган тақдир билан сенга имдоод бер-
макка шошилгайдир. Ушбу вар маросими,
олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой ва-
ри ва гиёҳларга томон келгайдир.

13

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Увару Баристий^а улкасида



булсанг-да, биз сени имдога чорлагайдирмиз. Биз бу ерда адолатни истаймиз. Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз. Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман. Шунда қудратли Раши фируз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдо бермакка шошилгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

14

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Вуавру Чаришти¹¹ улкасида булсанг-да, биз сени имдога чорлагайдирмиз. Биз бу ерда адолатни истаймиз. Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз. Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлагайман. Шунда қудратли Раши фируз Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда ато қилган тақдир билан сенга имдо бермакка шошилгайдир. Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

15

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен порлоқ Хунярс¹¹ улкасида булсанг-да биз сени мадагга чорлагаймиз. Биз бу ерда адолатни истаймиз. Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда забардаст Раши саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдо сари шошилгай.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

16

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Фарог Карт дарёсида булсанг ҳам, биз сени ёрдамга чорлагайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда қудратли Раши саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда

яратган тақдир билан сенга имдо сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

17

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Фарог Карт дарёси уртасидаги симург ин қурган дарахт учиде булсанг-да, биз сени имдога чорлаймиз. Бу дарахт асли доривордир. Уни ҳаммининг табиби — шифобахш деб атайдилар. Барча гиёҳларнинг уруги ана шу дарахтга қуйилгандир. Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда қудратли Раши саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдо сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

18

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Рангха дарёси сарчашмасида булсанг-да биз сени имдо сари чорлайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.

Шунда забардаст Раши саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдо сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

19

— Эй, ашаван Раши!

Агар сен Рангха дарёсининг бугзида булсанг-да, биз сени имдо сари чорлайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайдирман.



Шунда қудратли Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

20

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен замин кенгликлариде булсанг-да, биз сени имдодга чорлагаймиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

Шунда қудратли Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

21

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен бу замин уртасида булсанг-да, биз сени имдод сари чорлайдирмиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

Шунда қудратли Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда яратган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Бу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

22

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен заминнинг қаерида булсанг-да, биз сени мададага чорлагаймиз.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

Шунда забардаст Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда бунёд этган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен порлоқ ва кўп риштали Албурыз тоғи бошида булсанг-да, биз сени мададага чорлаймиз. Албурыз чуққилардан қор кучмайди; у ерда на туғ, на зулмат, на совуқ бод, на иссиқ бод; на улдиргувчи нохушлик, на дев яратган палидлик бор.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

Шунда забардаст Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда бунёд этган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

24

— Эй, ашаван Рашн!

Агар сен ҳамма ерда эъозлангувчи заррин Ҳукар тоғи бошида булсанг-да, биз сени мададага чорлаймиз.

Бу тоғ чуққисидек юксакликдан илоҳа Ардвисура Анахита одамлар боши узра қуйилгайдир.

Биз бу ерда адолатни истаймиз.

Биз қудратли Рашннинг хушнудлигини истаймиз.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

Шунда қудратли Рашн хуштоле Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда бунёд этган тақдир билан сенга кумак бермак учун шошилгайдир.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

Мен вар маросимида бир дустни олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳлар шираси томон чорлайман.

Шунда забардаст Рашн саодатли Бод, Дамуйиш Упамана, каёний Фарр ва Мазда бунёд этган тақдир билан сенга имдод сари шошилгайдир.

Ушбу вар маросими, олов, барсам, лиммо-лим қўллар, мой вари ва гиёҳларга томон келгайдир.

25

— Эй, ашаван Рашн...

Агар сен теграсида юдзулар, ой ва қуёш чарх урган Албурыз тоғи чуққисиде булсанг-да, биз сени имдодга чақирамиз.



Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз.

26

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен Мазда яратган Вананд юлду-
зи осмонида булсанг-да, биз сени ёрдамга
чақиргаймиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз*...

27

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен раюманд ва фарриҳманда
Тиштар юлдузи осмонида булсанг ҳам
биз сени имдодга чорлаймиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

28

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен Ҳафтурнаг юлдузи осмонида
булсанг-да, биз сени мададга чорлаймиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

29

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен сув гавҳарини узида асрагув-
чи юлдузлар осмонида булсанг ҳам биз
сени мададга чорлаймиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

30

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен замин гавҳарини уз бағрида
асрагувчи юлдузлар осмонида булсангда,
биз сени мададга чорлагаймиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

31

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен гиёҳлар уругини узида асра-
гувчи юлдузлар осмонида булсанг-да, биз
сени имдодга чорлагайдирмиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

32

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен Силандийину юлдузлари ос-
монида булсанг-да, биз сени мададга
чақирамиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

33

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен сигир гавҳарини узида асра-
гувчи Ой осмонида булсанг-да, биз сени
мададга чақирамиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

34

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен учқур отли Қуёш осмонида
булсанг-да, биз сени имдодга чорлагай-
миз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

35

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен бош-адоқсиз фазо кенглик-
ларида булсанг-да, биз сени имдодга чор-
лаймиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

36

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен поклар биҳишти бағрида
булсанг-да, биз сени мададга чақира-
миз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...

37

— Эй, ашаван Раши!
Агар сен порлоқ Гарзмонда булсанг
ҳам биз сени ёрдамга чақирамиз.
Биз бу ерда адолатни истаймиз.
Биз қудратли Рашининг хушнудлигини
истаймиз...



251

* Бундан буён ҳам ҳар бир банд сўғида юқоридаги зўял мати такрорланаверди (Тарж.)

«Яса аҳу вайрю...»
Энг ростгуй Рашн, оламларга кенглик
багишлагувчи, жаҳонпарвар, дилларга

ҳақиқат илҳомини солгувчи ва жаҳонни
юксалтиргувчи Арштодга саломлар
йўллайдирмиз.

«Ашм вухув...»
«Аҳмойи раишча...»

ФАРВАРДИН⁴ ҚАСИДАСИ

(Фарвардин яшт)⁵

Гоятда қудратли ашаванлар фравашийлари, илк дин ургатувчи ҳақимлар

фравашийлари ва барча пайгамбарлар фравашийларига хушнудлик.

Биринчи бўлим

1

Аҳура Мазда Сипийтмон Заруштга де-ди:

— Эй, Сипийтмон!

Алҳол, ҳақиқат билан завр, қудрат, ашаванларнинг забардаст фравашийларининг ёрдам ва мадади, шунингдек, саодатли ашаванлар фравашийлари нечук менга мадад берганликлари ва қай йусинда қўллаганлари хусусида сени огоҳ этай.

2

— Эй, Зардушт!

Уларнинг азамат ва шуқуҳи туфайли мен осмонни юксақдан осудалик ёғдирмоғи учун тутиб турибман.

Осмон замин ва унинг гирдо-гирдини уй каби қуршаб олгандир.

Мийну оламига кўтарилган ва ҳамда қоим қилинган устувор ва поёнсиз осмон ернинг учинчи қабати устида қайнатилган қўргошин сувидек порлайди*.

3

Осмон юлдузисмон мийну жомасидир. Бу жома Мазда, Мехр, Рашн ва Сипандормазнинг эғнидадир.

Осмоннинг аввал ва охири йуқ.

4—8

— Эй, Зардушт!

Мен уларнинг азамат ва шуқуҳи туфайли ҳамма ёққа этак ёйган, дармонбахш ва девкуш Ардвисура Анаҳитани ўз паноҳимда сақлайман...**

9

— Эй, Зардушт!

Мен уларнинг азамат ва шуқуҳи туфайли Аҳура яратган поёнсиз ер юзини сақлаб тураман. Бу пасту баланд ва чексиз замин анвойи гузалликлардан танланган. Замин бошдан-оёқ астуманд олами — жонли ва жонсиз, қўллаб яйловлар ва фаровон сувлар макони булган юксақ тоғларни ўз бағрига олган.

10

Замин узра шиддаткор дарёлар равондир.

Замин узра сигирлар ва одамларни, сарзаминларни, бешлик жонварларни*** ва пок ашаван мардларни асрагувчи турли-туман ғиёҳлар усади.

11

— Эй, Зардушт!

Уларнинг азамат ва шуқуҳи туфайли мен оналар қорнида ҳаёт топган фарзандларни улимдан сақлайман; тугилмасларидан бурун суяқлар, сочлар, эт, ички аъзолар, эрлик ва аёллик аломатларига жоң, кучқувват бағишлайман.

12

Агар ашаванларнинг қудратли фравашийлари менга мадад бермаганларида менинг энг гузал жонварларим ва инсонларим нобуд бўларди; чексиз қудрат касб этган дуруж астуманд оламни эгаллаб оларди. Бу олам унинг ҳукми остида қоларди.

* Ҳақимги Шарқ фалсафасида ер уч қаватдан иборатдир. Бу ўрнида осмон ернинг учинчи қабати, яъни учинчи қават ернинг пусти устида порлайди, асбимамодда.

** Ардвисура Анаҳита қасидасининг 4—8-бандлари.

*** Ҳадимий Шарқ фанна ҳайвонлар беш гуруҳга бўлинган: сув ҳайвонлари, судралувчи ҳайвонлар, паррандалар, эркин қўвдал ҳайвонлар ва ўтловчилар.



13

Дуруж замин ва осмон — икки мийну орасидан — жой оларди.

Дуруж замин ва осмон — икки мийну орасида — қудрат ва шавкатга ноия бўларди.

Ушанда забардаст ва қудратли Анграмийну⁴ Сипандмийнудан шикаст топмаган ва энг сунги нафасини олмасди.

14

Уларнинг азамат ва шавкати туфайли сувлар ҳамиша жушқин сарчашмалардан равон бўлади.

Уларнинг азамат ва шукуҳи туфайли гиеҳлар барҳаёт илдиэларидан яна куҳарадилар.

Уларнинг азамат ва шавкати туфайли булутларни пароканда қилгувчи шамоллар уэларининг доимий манзилларидан қўпадилар.

15

Уларнинг азамат ва шукуҳи туфайли аёллар фарзандлик уругини ўз захдонларига оладилар.

Уларнинг азамат ва шавкати туфайли аёллар ҳомилали бўладилар.

Уларнинг азамат ва шавкати туфайли юкли аёллар энгил куэ ёрадилар.

16

Уларнинг азамат ва шавкати туфайли анжуманлар марди дунёга келади:

Бу мард йигинларда сўзларкан, унинг каломлари қўлоқларга қуйилади; бу донишманд эр баҳсларда голиб келади.

Уларнинг азамат ва шукуҳи туфайли Қуёш ўз йўлини босиб утади.

Уларнинг азамат ва шукуҳи туфайли Ой ўз йўлини босиб утади.

Уларнинг азамат ва шукуҳи туфайли юлдузлар ўз йўлларини босиб утадилар.

17

Улар ашаванларнинг фравашийларидирким, муросасиз жангларда дуст ва қўлдошдир.

Илк дин ургатувчиларнинг фравашийлари ва ҳали тугилмаган — оламни янгиловчи Сушентлар фравашийлари барча ашаванлар фравашийлари уртасида энг қудратлироқдир, эй Сипийтмон Зардушт!

Ҳали барҳаёт ашаванлар фравашийлари утиб кетган ашаванлар фравашийларидан кучлироқдир.

18

Кимки буткул тириклиги давомида ашаванлар фравашийларини асраса, кенг яйловли Мехр, оламларни юксалтиргувчи жаҳонпарвар Арштодни яхшилик билан ёд этса, хоҳ бир саразмин ҳукмдори, хоҳ улкалар шаҳриёри бўлсин дунёда энг саодатли бўлгай.

19

— Эй, Сипийтмон!

Биз сени чиндан огоҳ қилган қудратли ва саодатли ашаванлар фравашийларининг завр, қувват, мадад ва ҳимояси будир. Саодатли ашаванлар фравашийлари менга ёрдам бермоқ учун келдилар.

Иккинчи бўлим

20

Аҳура Мазда Сипийтмон Зардуштга деди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар бу астуманд (моддий) оламда йўлинг узра қароқчи чиқса ва сен ўз ҳаётинг, жисму жонингдан ташвиш ва таҳликага тушсанг, эй Зардушт! Шунда ушбу сўзларни пинҳон айт ва ушбу шукуҳди каломларни баралла ўқи, эй Зардушт!

21

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз, куйлаймиз ва мададга чорлаймиз.

Биз хонадонлар, қишлоқлар, шаҳарлар, улка ва Зартуштумга мансуб бўлган фравашийларни олқишлаймиз.

Бор, бўлган ва бундан буён ҳам бўлгуси ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

22

Осмонни тутиб тургувчи; сувни асрагувчи; заминни сақлагувчи; сигирни ҳимоят қилгувчи; ҳаёт топган фарзандларни нобуд бўлмаслиги учун она қорнида асраган ва тугилмасидан бурун суяклар, сочлар, эт ва ички аъзолар, оёқлар, эрлик ва аёллик аломатларига жон багишлаган фравашийлар.



23

Фравашийлар гоят багишлагувчидирлар; улар қудрат билан келадилар; эзгулик билан келадилар; забардастлик билан келадилар, далирлик билан келадилар; адолат истаб келадилар.

Қонли курашларда уларни мададга чорламоқ жоиз.

Урушда уларни ерданга қақириш лозим.

Жангда улардан мадад истамоқ керак.

24

Улар мадад истовчиларга кумак берадилар; ниёмандларга росткорлик багиш-

Учинчи бўлим

26

Энг забардаст суворийлар; гоятда эпчиллик билан олга босувчилар; энг устувор ҳимоячилар ва сира синмас уруш абзали булган пок, қудратли ва эзгу ашаванларнинг фравашийларини олқишлаймиз. Ким уларга юзини бурса, душман хавф-хатаридан асрайдилар.

27

Бу аждодлар, бу энг яхшилар — ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини барсам ҳозирлаган чоғимизда олқишлаймиз.

Уларнинг муҳораба чоғи — жасур мардлар узаро курашаётган маҳал мададга чорламоқ лозим.

Тўртинчи бўлим

30

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар дўстлик ва амалда олийжаноб булиб, одамларни ранжитмайдилар.

Бешинчи бўлим

31

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар ус-

лайдилар; хасталарга тандурустлик ато қиладилар ва уларни мадҳ этмак, хушнуд этиб, завр ниёз келтирмоқлари учун ашаванларга ашаванликни тақдир қиладилар.

25

Қаердаки ашаванлар Ашаҳ — Ҳақиқатга қаттиқ иймон келтирган булсалар; қаердаки энг буюк ниёзлар ҳозирланган булса; қаердаки мард ашаванларга нисбатан адоват ва зулм булмаса, фравашийлар уша ерга хушнудлик билан кириб келадилар.

28

Мазда уларни Сипандийну осмонни кўтарган; замин, сув ва гиёҳларни яратган; она қорнида ҳаёт топган фарзанлар улмаслиги учун сақлаб, тугилмасларидан аввал суюқлар, сочлар, эт, ички аъзолар, оёқлар, эрлик ва аёллик аломатларига жон багишлаган маҳал мадад чорлади ва осмон, замин, сув ҳамда гиёҳларни асрашга даъват қилди.

29

Сипандийну қудратли, орому осуда, яхши нигоҳли, тез кўргувчи, забардаст, белига камар тортган, кенг ва эзгу, оромгоҳда булган, учқур, бахтли ва номдор фравашийларни осмонни асрашга масъул қилди.

Сиз — яхшилар, роздорлар, тез кўргувчилар, чорабахшлар, номдорлар ва курашда голибларни бундан бурунроқ ранжитмаган булсалар, уша одамлар сизнинг ёнингиздан жой оладилар ва узоқ вақт ҳамнишин буладилар.

тувор ирода ва катта қудрат билан душманларга қарши турадилар ва у бадхоҳларга муҳораба майдонларида шикаст берадилар.



Олтинчи бўлим

32

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар паймоншинос, жасур, қудратлидирлар ва душман ҳамласи чогида бизга паноҳ буладилар.

Ашанинг қудратидан баҳраманд бўлган дармонбахш мийнулар замин мисоли кенг, дарёлардек узун ва қуёшдек юксакдир.

Еттинчи бўлим

33

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар эпчил, қурқмас, синалган, даҳшат солгувчи ва душманларни хоҳ дев, хоҳ дурванд одамлар бўлсин, ночиз ва нобуд айлайдилар.

Ҳар турли босқин ва сотқинни уз истаги билан барбод қилгувчи фравашийларни шарафлаймиз.

34

— Эй, қудрат билан халқ қилинган зотлар!

Сиз уз эзгуликларингизни — Аҳура яратган голибият афзаллиги ва шуқҳини — сарзаминлар аҳлига бахш айлайсиз. У ерда сизнинг яхшилигингиздан нороволар истифода этишолмас ва сизлар улардан ранж-озор чекмагайсиз. У ерда сизларни энг самимий ва дилхоҳ олқишларга муносиб, деб биладилар.

Саккизинчи бўлим

35

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. У номдорлар жангда голиб, қудратли яроғ соҳибидирлар ва ҳақ йулдан эгри йулга асло эврилмагайлар.

Кимки қочади ва кимки қувади — ҳар иккиси ҳам фравашийларни ёрдамга чақиради.

Ортдан қуваётган олдидагидан узишни ва олдидаги душман тузоғидан омонлики истаб бонг урадилар.

36

Қаердаки ашаванлар Ашаҳ — Ҳақиқатга қаттиқ иймон келтирган булсалар; қаердаки энг буюк ниёзлар ҳозирланган булса; қаердаки мард ашаванларга нисбатан адоват ва зулм булмаса, фравашийлар уша ерга хушнудлик билан кириб борадилар.

Тўққизинчи бўлим

37

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз.

Лашкарлар уларга жуда интиладилар; улар жанговар либосда, яловлари бош устида чайқалган куйи муҳораба майдонларига шитоб этадилар.

Улар бундан бурун жасур Хштовийлар" Донулар" билан жангга киришганда ҳозир булгандилар.

38

Сизлар бундан бурун туронлик Донуларнинг юришларига тусиқ булдингиз.

Сизнинг имдодингиз билан Каршналар" Хштовийлар ва саодатманд Сушентлар каби қудрат соҳиби булишида ва Дону ҳукмдорларининг ун мингтадан зиёд даҳшатли қасрлари вайронага айланди.



255

Үчинчи бўлим

39

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар душман лашкарининг мунтазам икки

қанотини синдириб ташлашади; лашкар кунглига гулгула солишади; олийжаноб мардларга мадад беришади; бадқирдорларнинг ҳолини танг айлашади.

Үн биринчи бўлим

40

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз.

Қудратли ва ёвқур, жанг-жадалда камёб; осойиш бағишлагувчи; гоҳ бостириб борадилар; гоҳ ҳамла қиладилар...

Ашаванлар адл истовчиларга шуқуҳ бағишлайдилар; комёблик истовчиларни муродга етказадилар; беморга тандурустлик бағишлайдилар. Улар забардаст жисм ва олий руҳдан воқифдилар.

41

Фравашийлар узларини халойиқ ради, астуаманд оламининг радмарди ашаван Зардушт каби олқиш ва навозиш этганларга эзгу шуқуҳ бағишлайди.

42

Адл истовчининг бонги янграган маҳал улар ҳаёлдек қудратли шитаб билан осмону фалақдан нузул қиладилар. Улар Ахура яратган эзгу қудрат ва толе;

голибият; гоят қимматли самарабахшилик; пок шуқуҳ ва саодатмандлик келтиришади. Улар Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий қонуниятини билан олқиш ва эъозга муносибдилар.

43

Улар замин ва осмон уртасида Сатавийс юлдузини ҳаракатга келтирадилар, токи у нажот истовчиларнинг додига етсин ва ёмғир ёғдирсин. Ёмғир ёғдиргач, сигирлар, одамлар, сарзаминлар, беш турли жонварлар ва ашава мардларга мадад учун гиёҳларни ундиради.

44

Порлоқ, гузал ва саодатли Сатавийс замин у осмон уртасида кезиб, нажот истовчиларнинг додини тинглайди ва ёмғир ёғдиради.

Ёмғир ёғдиргач, сигирлар, одамлар, сарзаминлар, беш турли жонварлар ва ашаван мардларга мадад учун гиёҳларни ундиради.

Үн иккинчи бўлим

45

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар пулатдан ясалган уруш қуроллари билан порлоқ муҳораба майдонларида савашадилар. Минг-минглаб девларга ханжар ботирадилар.

46

Агар шамол эсса ва жанговарлар буйини уларнинг орасига еткарса, улар тақдирига хуштолезлик чекилган жанговарларга юз бурадилар. Улар (фравашийлар) ҳали шамширларини гилофдан чиқармай ва энг шимармай ашаванларнинг ҳалол ва қудратли фравашийларига ниёз келтирганларгагина имдод берадилар.

47

Ҳар икки гуруҳнинг қай бири биринчи бўлиб чинакам ишонч ва чин андиша билан намоз келтирса, ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийлари Меҳр, Раши, Домуйиш Упамана, саодатли Бод билан биргаликда уша гуруҳга имдод бермоқ учун юз бурадилар.

48

Улар душман сарзаминларини уларга таважжух айлаган лашкарлар фойдасига ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийлари, Меҳр, Раши, Домуйиш Упамана ва саодатли Бод билан биргаликда бир ҳамлада қулга киритадилар: эллилар, юзлар, юз минглар, минглар, ун минглар...



Үн учинчи бўлим

49

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар Ҳамаспатмадам (утганлар фравашийларининг ерга тушиши) маҳали уз оромгоҳларидан ташқарига шитоб билан еладилар ва сурункасига ун тун борлиқдан огоҳ бўлиб турадилар:

50

— Ким бизни олқишлайди?
— Ким бизнинг алқов қушиқларимизни куйлаб, хушнуд қилади?
— Ким бизни очиқ қул, сут, либос ва Ашаҳ — Ҳақиқатга восил айлагувчи ниёзлар билан қарши олади?
— Қай биримизнинг номимизни олқишлайди?
— Қай биримизнинг руҳимизни олқишлайди?

— Қай биримизга бу ниёзларни тақдим қилишади, токи бунинг эвазига уларга абадият неъматини берсинлар.

51

Кимки уларни очиқ қул, сут, либос ва Ашаҳ — Ҳақиқатга восил айлагувчи ниёзлар билан олқишласа, ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийлари — агар озурда, нохуш ва ранж чеккан булмасалар уни истайдилар:

— Бу хонадон мул-кул туялар ва эрлардан баҳраманд булгай!

— Бу хонадон учқур тулпор ва устивор гардунадан баҳраманд булсин!

— Бу хонадон анжуманбоп пойдор мардан огоҳ булгай! Улар мард бизларни очиқ қул, сут, либос ва Ашаҳ — Ҳақиқатга восил айлагувчи назрлар воситасида олқишлайди.



257

Үн тўртинчи бўлим

53

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар ҳали яратилганидан буён кулмаклигича қолган сувларни Мазда яратган гузал узанларга равона қилишади.

54

Энди бу сувлар Аҳура Мазда ва Амшосипандлар хушнудлигини Мазда яратган узанларда фаришталар танлаган манзил ва маконларга элтадилар; илоҳий сарзаминлар томон шитоб қиладилар.

Үн бешинчи бўлим

55

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Ҳосили гиёҳларни куркам богларга бошладилар. Бу гиёҳлар яратилганидан буён бир ерда ҳосилдан баҳрасиз қолган эдилар.

56

Энди уша гиёҳлар Аҳура Мазда ва Амшосипандлар хушнудлиги учун Мазда яратган йуларда, фаришталар макон қурган ерларда, илоҳий амрлар жорий булган манзилларда кукарадилар.

Үн олтинчи бўлим

57

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийларини олқишлаймиз. Улар Юлдузлар, Ой, Қуёш ва Анийронни покиза йуларга бошладилар. Улар шу пайтга довуру девлар ваҳшатидан қўрқиб бир ерда қотиб қолган эдилар ва қимир эта олмасдилар.

58

Энди улар йул сўнги — эяг сўнги гардишлари пойгоҳи — олам сероблигининг эзгу рўзгорига етадилар.

Ўн еттинчи бўлим

59

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Уларнинг

9999 нафари порлоқ Фарог Карт дарёси-
ни қуриқлайди.

Ўн саккизинчи бўлим

60

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Уларнинг

9999 нафари Ҳафтуранг юлдузини
қуриқлайди.

Ўн тўққизинчи бўлим

61

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Уларнинг

9999 нафари гурзили Сом Гуштасп Гасвар
жисмини қуриқлайди.

Йигирманчи бўлим

62

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Уларнинг

9999 нафари пок Сипийтмон Зардуштнинг
уругини қуриқлайди.

Йигирма биринчи бўлим

63

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Агар ким
ашаванлар лашкарбошиси эса ва фрава-

шилар ундан озор чекмаган ёхуд ранжи-
маган бўлсалар, унинг унг қанотига ки-
риб жанг қиладилар.

Йигирма иккинчи бўлим

64

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Улар энг
буюк, энг қудратли, энг баҳодир, энг за-
бардаст, энг бахтли, энг дармонбахшди-
рлар. Уларнинг таърифи сўзга сигмайди.
Ун минглаб шундай кучлар ниёзмандлар
ҳузурига нузул этади.

шукуҳи билан Фарог Карт дарёсидан
қуйи энар экан, ашаванларнинг пок, қуд-
ратли ва эзгу фравашийлари оёққа
қалқади: неча-неча юзлар; неча-неча минг-
лар; неча-неча ун минглар...

66

Ҳар бир хонадон, қишлоқ, улха ва
сарзамин сувга сероб бўлмоқ умидида
чиқади ва дейди:

— Наҳот бизнинг заминимиз қақраб
вайрон бўлади?

65

— Эй, Сипийтмон Зардушт!
Қачонки сувлар Мазданинг илоҳий



258

67

Фравашийлар муҳораба майдонида уз хонадонлари ва сарзаминлари учун курашдилар. Зеро, уларнинг туққан хона ва кошоналари бор. Улар гуё белига уруш қуроолларини осиб олган жасур эр каби қулга киритган мулкани ҳушёрлик билан қуриқлайди.

68

Хонадон, қишлоқ, улка ва сарзаминларга сув элиб берган фравашийлар шундай дейишади:

— Бизнинг тупрогимиз хуррам, ямшил ва бахтли бўлмоғи керак!

69

Улканинг қудратли шахриёри душмандан таҳликага тушса, забардаст фравашийларни мададга чорлайди.

70

Ашаванларнинг мардонавор фравашийлари ундан озурда бўлмаса, унга томон парвоз қиладилар, гуё мардона бир қуш каби.

71

Фравашийлар уни пинҳон девлар, маккор варидалар, тубан қаязалар, ажал уругини сочгувчи нопок Аҳриман билан жангда уруш қуроли, қалқон, совут каби ҳимоя қиладилар, чунончи юз, минг, ун минг совут ёрдамида паноҳ бўлгандек.

72

Шундай қилиб, на уткир тиг, на нишонни аниқ олган гурзи, на ёйдан тўгри учган ўқ, на ялдирилган найза ва на билак кучи билан отилган палахмон тоши унга тегмайди.

73

Улар — ашаванларнинг орому осудаликни ихтиёр этган пок, қудратли ва эзгу фравашийлари пайдо бўлади, узларини намоён қилади ва барчани огоҳ этади:

— Ким бизни олқишлайди?

— Ким бизнинг алқов қўшиқларимизни куйлаб, хушнуд қилади?

— Ким бизни очиқ қул, сут, либос ва Ашаҳ — Ҳақиқатга восил айлагувчи ниёзлар билан қарши олади?

— Қай биримизнинг номимизни олқишлайди?

— Қай биримизнинг руҳимизни олқишлайди?

— Қай биримизга бу ниёзларни тақдим қилишади, токи бунинг эвазига уларга абадият берсинлар.

74

Илоҳий ниятларни олқишлаймиз. Сувентлар динини олқишлаймиз. Парвариш қилинган тевалар руҳини олқишлаймиз.

Замин жонварлари руҳини олқишлаймиз.

Сув жонварлари руҳини олқишлаймиз. Судралувчи ҳайвонлар руҳини олқишлаймиз.

Қушлар руҳини олқишлаймиз.

Ўтловчилар руҳини олқишлаймиз.

Ушбу жонварларнинг фравашийларини олқишлаймиз.

75

Фравашийларни олқишлаймиз. Родмардларни олқишлаймиз.

Баҳодирларни олқишлаймиз. Ҳаммадан ҳам баҳодирларни олқишлаймиз.

Ашаванларни олқишлаймиз. Ҳаммадан ҳам ашаванларни олқишлаймиз.

Қудратлиларни олқишлаймиз. Энг қудратлиларни олқишлаймиз.

Устуворларни олқишлаймиз. Бахтиёрларни олқишлаймиз.

Зурмандларни олқишлаймиз. Барчадан ҳам зурмандларни олқишлаймиз.

Эпчиларни олқишлаймиз. Энг эпчиларни олқишлаймиз.

Афзаларни олқишлаймиз. Энг афзаларни олқишлаймиз.

76

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу фравашийлари икки мийнунинг энг буюк хилқатидир. Бундан бурун, ҳар икки — Сипандмиёну ва Ангармиёну яралган чоғда шур ва жунбуш билан оёққа қалқдилар.

77

Қачонки Анграмийну адоватдан Ашаҳ — Ҳақиқатнинг олижаноб хилқатига қарши бош кутари, Баҳман ва Озар олға қадам ташладилар.

78

Улар Анграмийнунинг ёвузлигини шундай нобуд қилдиларки, у сувни оқимдан, гиёҳларни унимдан қайтара олмади.



259

Ягона шаҳриёр ва парвардигор Аҳура
Мазданинг сувлари тўсиқсиз раво булдилар
ва гиёҳлар нашъу намо топдилар.

79

Барча сувларни олқишлаймиз. Барча
гиёҳларни олқишлаймиз.

Барча ашаванларнинг ҳалол, қудратли
ва олийжаноб фравашийларини олқиш-
лаймиз.

Сувларни чорлаймиз ва шарафлаймиз.
Гиёҳларни чорлаймиз ва олқишлай-
миз.

Барча ашаванларнинг пок, забардаст
ва эзгу фравашийларини чорлаймиз ва
олқишлаймиз.



260

Йигирма учинчи бўлим

82

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз.

Амшосипандлар, уткир кўзли, юксак,
қудратли ва аҳуравий Шаҳриёрларни
олқишлаймиз. Улар абадий варжонванд-
лардир...

...ки уларнинг еттови ҳам бир йусинда
фикрлайдилар; бир йусинда суйлайдилар;
бир йусинда амал қиладилар; андиша, сўз

ва амалда бирдирлар. Ҳамманинг бир ота-
си ва ёлғиз сарвари бор — Аҳура Мазда.

84

Уларнинг ҳар бири ўзга бирлари
руҳининг эзгу андиша, эзгу сўз, эзгу амал
ва гарзмон билан фикр юритишини куза-
та олади.

Завр ниёзи томон парвоз қилганлари-
да йуллари нурга чулганари.

Йигирма тўртинчи бўлим

85

Ашаванларнинг пок, қудратли ва эзгу
фравашийларини олқишлаймиз. Пок ва
анжуманий Озар Урувазийшта фраваший-
си, жасур таъмансара, қаттиқ жанг қуро-
ли соҳиби, аҳуравий порсо Суруш фраваший-
си ва Нарюсанг фравашийсини
олқишлаймиз.

86

Энг ҳақгўй Раши фравашийси, кенг
яйловлар соҳиби Меҳр фравашийси, вар-
жованд мансараси, осмон фравашийси,
сув фравашийси, замин фравашийси, гиёҳ
фравашийси, сигир фравашийси, Каюмарт
фравашийси ва ашаваннинг ихки жаҳон
фравашийсини олқишлаймиз.

87

Ашаван Каюмарт фравашийсини
олқишлаймиз. У Аҳура Мазданинг суз ва

таълимотиға қулоқ солган илк инсондир.
Ер юзидаги жамийки инсоният унинг аж-
додидир.

Ашаван Сипийтмон Зардушт фраваший-
сини олқишлаймиз...

88

...У эзгу фикр юритган, эзгу сўзлаган
ва эзгу амал қилган илк инсондир.

Илк отурбон; илк артштор; илк чорва-
дор; илк деҳқон; илк марта урганган ва
илк марта ургатган; илк марта тева,
Ашаҳ — Ҳақиқат, варжованд мансара,
Аҳура Мазда халқ қилган ва Ашаҳ —
Ҳақиқатга мансуб булган варжованд ман-
сарара, Мийну Шаҳриёрига ва жамийки
эзгу хилқатга тобеликни қабул қилди.

89

Илк отурбон; илк артштор; илк чорва-
дор; илк деҳқон; девдан юз угирган илк
инсон. Астуманд (моддий) оламда илк

80

Жамийки азалий фравашийлар ораси-
да Аҳура Мазда фравашийсини олқиш-
лаймиз. У энг буюқ, энг яхши, энг гузал,
энг устувор, энг ҳушёр, энг забардаст ва
Ашаҳ — Ҳақиқатда энг юксак пойгоҳдаги
мийнулардан...

81

...дирки, унинг оппоқ, порлоқ дурах-
шон руҳи мансарадир ва у танлагувчи
жисмлар Амшосипандларнинг энг гузал
ва энг буюқ жисмларидир.

Учқур отли Кўёшни олқишлаймиз.

бор «Ашим вуҳув...» намозини адо этган зот. Бу девлардан нафратланди; маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий жонига иқрор бўлди.

90

Астуманд (моддий) оламда Аҳура динида девлар учун ҳалокатли булган каломларни астуманд оламида зикр айлаган илк инсондир.

Аҳура динида девлар учун ҳалокатли булган каломлардан астуманд оламига илк бор хабар келтирган зот удир.

Удир астуманд оламида девларга мансуб ҳар нени инкор қилган; олқиш ва ибодатга лойиқ кўрмаган илк одам.

У хуш тирикликнинг комил паҳлавони ва бутун ер юзидида илк мураббий.

91

Унинг туфайли «Ашим вуҳув...» қушигидаги варжованд мансара ошкор бўлди.

Удир жаҳоний ва мийну оламининг ради.

Удир энг буюк, энг олий, энг эзгу хилқат булмиш Ашаҳ — Ҳақиқатнинг алқовчи.

Удир барча динлардан афзал дин ҳақида пайгом келтиргувчи.

92

Барча Амшосипандлар Қуёш билан биргаликда уз хоҳиш-иродалари, имонч ва хушнудлик билан уни жаҳон ва мийну оламининг ради деб билдилар; энг буюк, энг олий, энг эзгу хилқат булган Ашаҳ — Ҳақиқатнинг алқовчиси; барча динлардан мумтозроқ диннинг пайгомчиси деб атадилар.

93

У тугилган чоғда ва ардоқланганда сувлар, гиёҳлар шодмон булдилар.

У тугилган чоғда ва ардоқланганда сувлар, гиёҳлар қувондилар.

У тугилган чоғда ва ардоқланганда Сипандмийну яратган жамийки мавжудот муржа бердилар:

94

— Бизнинг рӯзгоримизга хуш келдинг! Ниҳоят, отурбон дунёга келди: Сипайтмон Зардушт!

Бундан буён Зардушт бизларни ниёз, завр ва ёйилган барсам билан олқишлайди.

Бундан буён Мазданиннг эзгу дини етти иқлимга ёйилади.

95

Бундан буён кенг яйловли Меҳр улкалар ҳукмдорларига куч-қудрат бахш айлайди ва гавгою исёнларни сундиради.

Бундан буён қудратли Апам Напат улкалар ҳукмдорларига куч-қудрат бахш айлайди ва саркашларни жазолайди.

Энди Орастий угли ашаван Мадюмоҳнинг⁶⁴ ашаванлиги ва Фравашийсини олқишлаймиз. У Зардушт сузларига қулоқ тутган илк инсондир.

96

(Ушбу банддан то 143-банднинг сунгига ашаванларнинг жуда узун силсиласи берилади ва уларнинг Фравашийлари олқишланади. Бу номлар силсиласини батамом ифодаламақнинг имконияти йўқлиги боисдан биз уларни қисман зикр этмоқни мақбул кўрдик).

Ийст Востра (Ийсд Востар), Урвататнара (Арватаднара), Ҳваричисра (Қуёш юзли) — Зардушт угиллари.

Кавай Виштасп (Кай Гуштасп, «Шоҳнома» да Гуштасп);

Зайрий Вайрий («Шоҳнома» да Зарир) Гуштаспнинг биродари;

Пиштутану ва Спинутодота («Шоҳнома» да Пиштутан ва Исфандиёр) — Гуштаспнинг угиллари;

Баставайри («Шоҳнома» да Настур). Тугрироги — Бастур. Зарирнинг угли;

Гаворасман («Шоҳнома» да Гуразм);

Фрашвустра ва Жомоспа — Ҳвува ёхуд Ҳвугва хонадонидан булган ота-ини. Кай Гуштасп саройининг номдорларидан. Зардушт динининг илк пайравлари;

Ювойишта — туронлик Френа қабиладидан;

Ухшят Ирта (Ушийдар, Ҳушийдар),

Ухшятнима (Ушийдармоҳ, Хушийдармоҳ), Астут Ирта — Сушёнтар ёхуд маздапарастлар дини ҳомийлари;

Йима — Вайвангҳават угли («Шоҳнома» ва бошқа манбаларда Жам, Жамшид);

Сараитуну — Осуя угли («Шоҳнома» да Отбийн угли Фаридун);

Авшнара — Ковуснинг донишманди ва зири;

Узава — Тумоспа угли («Шоҳнома» да Таҳмоспнинг угли Зав);

Аграираса («Шоҳнома» ва бошқа манбаларда Агриса) — Афросиебнинг биродари;

Мануш Чисра — Айрива хонадонидан («Шоҳнома» да Манучеҳр, Ийражнинг набираси).

Кавай Кавота («Шоҳнома» да Кайқубод);



261

Кавай Усазан («Шоҳнома»да Кайковус ёхуд Ковус);

Кавай Сиёваршан («Шоҳнома» ва бошқа манбаларда Сиёвуш ёхуд Сиёвахш);

Кавай Ҳвасрава («Шоҳнома» ва бошқа адабиётларда Кайхусрав ёхуд Хусрав);

Гирисоспа («Шоҳнома»да Гаршасп);
Ҳушянға («Шоҳнома»да Ҳушанг);
Ҳувий — Фрашавуштаранинг қизи, Зардуштнинг хотини;

Фриний, Сритий, Пуручисто — Зардуштнинг қизлари;

Ҳутусо — назар хонадонидан, Кай Гуштаспнинг хотини;

Сравататфизрий, Ванғуфизрий, Иридатфизрий — балогат ёшидаги қизлар. (Улар Сушентларнинг оналари ҳисобланади. Маздапарастлар динини қутқарувчи бу уч нафар сохибжамол Ҳомун дарёсида Зардушт уругдан қомилдор бўладилар. Одам сунгида уларнинг ҳар бири минг йил оралиқ билан фарзанд курадилар).



262

Ўттиз биринчи бўлим

143

Бутун Ийрон⁴¹ сарзаминлари ашаванларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Ийрон сарзаминлари ашаван аёлларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Турон⁴² сарзаминлари ашаван эрларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Турон сарзаминлари ашаван аёлларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Сайряма⁴³ сарзаминлари ашаван эрларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Сайряма сарзаминлари ашаван аёлларининг фравашийларини олқишлаймиз.

144

Соиний⁴⁴ сарзаминлари ашаван эрлари фравашийларини олқишлаймиз.

Соиний сарзаминлари ашаван аёллари фравашийларини олқишлаймиз.

Доҳий⁴⁵ сарзаминлари ашаван эрлари фравашийларини олқишлаймиз.

Доҳий сарзаминлари ашаван аёллари фравашийларини олқишлаймиз.

145

Барча сарзаминларнинг ашаван эрлари фравашийларини олқишлаймиз.

Барча сарзаминларнинг ашаван аёллари фравашийларини олқишлаймиз.

Қаюмартдан саодатли Сушентга қадар булган пок, қудратли ва эзгу ашаванларнинг фравашийларини олқишлаймиз.

146

Шоядки, яхшиларнинг фравашийлари тезлик билан бу ерга — дийдоримизга шитоб этсалар.

Шоядки, улар мадад бермоқ учун келсалар.

Шоядки, танг аҳволда қолганимизда бизни ошкора қулласалар: Мазда Аҳура қудратли ва порсо Суруш доно варзованд мансара — Мазда Аҳурага мансаб ва девлар душмани булган бу уқ Зардуштни астуманда оламига паноҳ қилиб юборди — уз паноҳига олсалар.

147

— Эй, ашаванлар фравашийлари! Эй, яхшилар! Эй, сувлар! Эй, гиёҳлар!

Бу хонадонга иззат ва шодмонлик келтиринг. Ором олинг. Шу ерда қолинг, эй қудратли зотлар! Эй, ҳаммадан ҳам қудратлилар!

Бу ерда Ашаҳ — Ҳақиқат билан андиша қиладиган улка отурбони сизларни алқаш учун, бизларга имдод бермоқ учун қулларини ёзганлар.

148

Бас, барча ашаван эр ва ашаван аёл фравашийларини олқишлаймиз. Зеро, уларнинг руҳлари олқишга сазовор, фравашийлари адолатга муносибдир.

Бас, барча ашаван эр ва ашаван аёл фравашийларини олқишлаймиз. Ашаван Аҳура Мазда алақов ва ибодатлари эвазига буюк ажр берган барча зотларнинг фравашийларини олқишлаймиз.

Биз Зардуштдан эшитдик, у илк ва энг яхши дин ўргатувчидир.

149

Бас, биз илк мураббийлар, илк эътиқод пайравлари, Ашаҳ — Ҳақиқат

саодатига ноил булган илк ашаван эр ва илк ашаван аёлларнинг жон, дин, буй, рух ва фравашийларини олқишлаймиз.

Бас, биз дин хабарчилари, Ашаҳ — Ҳақиқат фарогатига етишган ашаван эр ва ашаван аёлларнинг жон, дин, буй, рух ва фравашийларини олқишлаймиз.

Бундан бурун хонумонлар, қишлоқлар, шаҳар ва сарзаминларда яшаб утган эътиқод устодларини олқишлаймиз.

Айни пайтда хонумонлар, қишлоқлар, шаҳар ва сарзаминларда яшаётган эътиқод муаллимларини олқишлаймиз.

Бундан буён хонумонлар, қишлоқлар, шаҳар ва сарзаминларда яшагучи дин-эътиқод мураббийларини олқишлаймиз.

151

Хонумонлар, қишлоқлар, шаҳар ва улкаларда хонумон, қишлоқ ва шаҳар ва улка бунёд этиб комёб булган; Ашаҳ — Ҳақиқат билан комёб булган; варжованд мансара билан комёб булган; руҳини озода этиб комёб булган; барча хушликлардан огоҳлик туфайли комёб булган эътиқод устодларини шарафлаймиз.

152

Бутун астуеманд оламга илк дин ургатувчи, жаҳон ва мийну ради Зардуштни олқишлаймиз. У мавжудотнинг энг неқбини; мавжудотнинг энг яхши шаҳриери; яратилганларнинг энг шуқуҳлиси; хилқат аро олқишга ҳаммадан кўра муносиброги; хушнудлиги исталган махлуқларнинг энг шойистаси; яралган жонлар ичида алқовга ҳаммадан кўра лойиқроқ; ҳар бир зот ҳузурда таҳсинга энг арзирли ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий русуми билан шундай аталди.

153

Бу заминни олқишлаймиз.

Бу осмонни олқишлаймиз.

Замин ва осмон уртасидаги барча эзгу ҳодисаларни олқишлаймиз.

Ашаван одамлар томонидан эъозлашга неки муносибдир олқишлаймиз.

154

Судманд дашт жонварлари руҳини олқишлаймиз.

Қаерда тугилган булмасин ашаван эр ва ашаван аёллар руҳониятини олқишлаймиз. Бу эр ва аёллар уз эзгу эътиқодлари билан Ашаҳ — Ҳақиқат саодати учун гайрат курсатдилар, гайрат курсатаптилар ва гайрат курсатадилар.

155

Диноғоҳ ва саодатманд булган ва булгуси барча ашаван эр ва аёлларнинг жон, буй, дин, рух ва фравашийларини олқишлаймиз.

Улар Ашаҳ — Ҳақиқат учун фирузликни қўлга киритдилар.

«Йинғи ҳотам...»

«Яса аҳу вайрю...»

156

Шоядки, ашаванларнинг гоят қудратли ва саодати фравашийлари; илк дин мураббийларининг фравашийлари ва хабар элтгувчиларнинг фравашийлари бу хонадонга хушнудлик билан ташриф қилсалар.

157

Шоядки, фравашийлар ушбу хонада хушнуд булишса ва бизга мул-қул эзгулик ва фарогат ато айлашса.

Шояд, улар бу хонадондан хушнуд ҳолда қайтиб кетсалар.

Шоядки, улар варжованд қушиқларимизни, маросимларимизни Аҳура Мазда ва Амшосипандларга еткурсалар.

Улар биз — маздапарастлардан ва бу хонадондан йироқ кетишмасин.

158

«Яса аҳу вайрю...»

Ашаванларнинг қудратли фравашийлари; илк дин ургатувчилар фравашийлари; хабар келтиргувчи зотларнинг фравашийларига саломлар йўллаймиз.

«Ашим вуху...»

«Аҳмойи раишча...»



РОМ ҚАСИДАСИ

(Ром яшт)⁶⁶

Забардаст Андарвайга хушвудлик булсин! У яратилмиш барча хилқатнинг қуриқчиси.



264

Биринчи бўлим

1

Мен сув ва бағни* олқишлайман.
Мен саодатли тинчлик ва тақдирни —
уларнинг ҳар иккисидан бирини олқиш-
лайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.
Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хо-
надон хонахудосига ва завр ниёз қилгув-
чи родмардага мадад бермак учун чорлай-
миз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи
маркаб ва калом**...

2

Парвардигор Аҳура Мазда Ийрон
Вийжда, Доите дарёси соҳилида заррин
тахт, заррин ёстиқ, заррин фарш устида,
ёйилган барсам қошида нурли қўллари
билан уни ёъозлади...

3

...ва ундан сўради:
— Эй, забардаст Андарвай!

Менга шундай камёблик бағишлагил-
ки, Ангармийну оламига шикаст берайин
ва Сипандмийну оламини асрайин.

4

Забардаст Андарвай бу камёбликни
унга бахш айлади ва парвардигор Аҳура
Мазда муродига етди.

5

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз! За-
бардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга таалуқли ва Сипандмийнуга
мансуб булган ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни
шаън шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва
завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта
қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, манса-
ра, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр
ва мукаммал нутқ билан олқишлаймиз.

«Йингҳи хотам...»

Иккинчи бўлим

6

Мен сув ва бағни олқишлайман.
Мен саодатли тинчлик ва тақдирни —
уларнинг ҳар иккисидан бирини олқиш-
лайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.
Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хо-
надон хонахудосига ва завр ниёз қилгув-
чи родмардага мадад бермак учун чорлай-
миз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи
маркаб ва калом...

7

Ҳушанг Пешдодий Албурз тоғи этаги-
да олтин тахт, олтин ёстиқ, олтин гилам
устида, ёйилган барсам ҳузурида ёзиқ
қўллар билан уни шарафлади...

8

...ва ундан сўради:
— Эй, забардаст Андарвай!

Менга шундай қудрат бахш айлагилки
мазандар девлари ва варина дурвандлари-
ни янчиб ташлайин.

* «Бағ» «Авесто»нинг куплаб уринларида учрайди ва илоҳ, маъбуд маъноларини ифода этади. Аммо куплаб авестошунос-
ларнинг фикрига кўра бу уринда баҳраманлик, бағишлов каби маъноларни ифода этмоқда.

** Нутқлар уринда қўлланилган суэзи тилдаш мумкин эмас.

Забардаст Андарвай унга бу қудратни бахш айлади ва Хушанг Пешдодий муродига етди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз! Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб ҳодисаларни олқишлаймиз.

Учинчи бўлим

10

Мен сув ва бағни олқишлайман.

Мен саодатли тинчлик ва тақдирни — уларнинг ҳар иккисидан бирини олқишлайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хонадон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи родмардга имдод учун чорлаймиз.

11

Зийнованд Таҳмурис⁶⁷ олтин тахт, олтин ёстиқ, олтин фарш ва ёйиб қўйилган барсам қошида қўлларини ёзиб уни олқишлади...

12

...ва ундан ўтинди:

— Эй, забардаст Андарвай!

Менга шундай комёблик бахш айла-

Кудратли ва забардаст Андарвайни шаън-шукуҳи учун намоз, балад овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омикта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр ва комил нутқ билан олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...

гилик, барча девлар, дурванд одамлар, барча жодугарлар ва парилар устидан галаба қозонай. Аҳриманни от жисмига солиб, замин буйлаб чоптириб юрай.

13

Забардаст Андарвай зийнованд Таҳмурис истагини бажо айлади ва уни комёб қилди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз! Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Кудратли ва забардаст Андарвайни шаън-шукуҳи учун намоз, балад овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омикта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр ва мукамал нутқ билан олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...

Тўртинчи бўлим

14

Мен сув ва бағни олқишлайман.

Мен саодатли тинчлик ва тақдирни — уларнинг ҳар иккисидан бирини олқишлайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хонадон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи родмардга мадад бермак учун чорлаймиз.

Душманга бир йўла шикаст берувчи маркаб ва калом...

15

Яхши сурув соҳиби Жамшид юксақ, саросар порлоқ ва заррин Ҳукар тоғи этагида олтин тахт, олтин ёстиқ, олтин фарш ва ёйиб қўйилган барсам ҳузурида қўлларини ёзиб уни олқишлади...

16

...ва ундан утинди:

— Эй, забардаст Андарвай!

Менга шундай комёблик бағишлагилки, одамлар орасида ҳаммадан шавкатли ва ҳур чехрали бўлайин. Жонворлар ва одамлардан улимни аритай; сувлар ва гиёҳларни қуриб кетмоқдан асрай ва хурақларни иримоқдан сақлай.

«Баҳодир Жам ҳукмдорлигида на иссиқ, на совуқ; на улим ва на девлардан қолган рашк ва адоват бор эди».

17

Забардаст Андарвай унга бу комёбликни бахш айлади ва Жамшид муродига етди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз!



Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни шаън-шавкати учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта

қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр ва комил нутқ билан олқишлаймиз...

«Йингҳи хотам...

Бешинчи бўлим

18

Мен сув ва бағни олқишлайман.

Мен саодатли тинчлик ва тақдирни — уларнинг ҳар иккисидан бирини олқишлайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хонадон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи родмардага мадад бермак учун чорлаймиз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи маркаб ва калом...

19

Уч тумшуқли Ажидаҳок қаттиқ йулли Квиринтада⁴ олтин тахт, олтин ёстиқ, олтин фарш узра ёйилган барсам ҳузурида қулларини ёзиб, уни олқишлади...

20

... ва ундан утинди:

— Эй, забардаст Андарвай!

Менга шундай комёблик бағишлагилки, етти иқлимни инсон зотидан тозалай.

21

Забардаст Андарвай бундай комёбликни утинч билан олқишлаётган ва завр ниёз келтирган бу ножавонмардага бағишламади.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз! Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни шаън-шавкати учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр ва комил нутқ билан олқишлаймиз...

«Йингҳи хотам...

Олтинчи бўлим

22

Мен сув ва бағни олқишлайман.

Мен саодатли тинчлик ва тақдирни — уларнинг ҳар иккисидан бирини олқишлайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хонадон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи родмардага мадад бермак учун чорлаймиз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи маркаб ва калом...

Менга шундай комёблик бағишлагилки, уч тумшуқли, уч каллали, олти кўзли Аждаҳокни; минг хил тадбирли дуруж девини; энг забардаст ва зарарли дурванд — Аҳриман астуманда оламида Ашаҳ — Ҳақиқатни йуқ қилиш учун яратган бу кучли дуруж устидан галаба қозонай, унинг оиласини кўпайтиргувчи ва қуриқлагувчи икки нафар хотини — Сангҳавак ва Арнавакни тортиб олай.

23

Қудратли хонадондан Отбин угли Фаридун турт гушали Варина улкасида олтин тахт, олтин ёстиқ, олтин фарш узра, ёйиб қўйилган барсам ҳузурида қулларини ёзиб уни олқишлади...

24

...ва ундан утинди:

— Эй, забардаст Андарвай!

Забардаст Андарвай — унга бу комёбликни бағишлади ва Фаридуннинг муроиди ҳосил бўлди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз! Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни шаън-шавкати учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.



Забардаст Андарвайни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманда тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу

амал, завр ва комил нутқ билан олқишлаймиз...

«Иинғи ҳотам...»

Еттинчи бўлим

26

Мен сув ва бағни олқишлайман.

Мен саодатли тинчлик ва тақдирни — уларнинг ҳар иккисидан бирини олқишлайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хонадон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи родмардага мадад бермак учун чорлаймиз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи маркаб ва калом...

27

Баҳодир Гаршасп Мазда яратган рангин шаршара Кавза⁶⁶ буйида олтин тахт, олтин ёстиқ ва олтин фарш узра, ёйиб қўйилган барсам ҳузурида ёзиқ қўллар билан уни шарафлади...

28

... ва ундан утинди:

— Эй, забардаст Андарвай!

Саккизинчи бўлим

30

Мен сув ва бағни олқишлайман. Мен саодатли тинчлик ва тақдирни уларнинг ҳар иккисидан бирини олқишлайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хонадон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи родмардага мадад бермак учун чорлаймиз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи маркаб ва калом...

31

Буюк Аврвасора⁶⁷ оқ урмонда, оқ урмон қаршисида, оқ урмоннинг уртасида олтин тахт, олтин ёстиқ ва олтин фарш узра, ёйиб қўйилган барсам ҳузурида ёзиқ қўллар билан уни олқишлади...

32

ва ундан утинди:

— Эй, забардаст Андарвай!

Менга шундай камёблик бағишлагилки, биродарим Урувахшянинг қасосини Ҳайтаспадан олай ва уни ўлдиргач, танасини сувда яшовчи йўлбошчи Ашти Гафя⁶⁸, буюк Агву Гафя⁶⁹ ва Гандарива билан рўй берганидек гардунам (арава) билан тортай.

29

Забардаст Андарвай унга бу комёбликни бахшида айлади ва Гаршасп муродига етди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз! Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманда тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр ва комил нутқ билан олқишлаймиз...

«Иинғи ҳотам...»



267

Тўҳқизинчи бўлим

34

Мен сув ва бағни олқишлайман.
Мен саодатли тинчлик ва тақдирни —
уларнинг ҳар иккисидан бирини олқиш-
лайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.
Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хона-
дон хонахудосига ва завр ниёз қилгувчи
родмардга мадад бермак учун чорлаймиз.
Душманга бир йула шикаст бергувчи
маркаб ва калом...

35

Навзар хонадонидан биродарлари бис-
ёр булмиш Ҳутусо олтин тахт, олтин ёс-
тиқ, олтин фарш узра, ёйиб қўйилган
барсам ҳузурда ёзиқ қўллар билан уни
олқишлади...

36

...ва ундан утинди:
— Эй, забардаст Андарвай!



268

38

Мен сув ва бағни олқишлайман.
Мен саодатли тинчлик ва тақдирни —
уларнинг ҳар иккисидан бирини олқиш-
лайман.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хо-
надон хонахудосига ва завр ниёз қилгув-
чи родмардларга мадад бермак учун чор-
лаймиз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи
маркаб ва калом...

39

Ҳали эрга чиқмаган бокира болигалар
олтин тахт, олтин ёстиқ, олтин фарш ва
ёйиб қўйилган барсам ҳузурда ёзиқ
қўллар билан уни олқишладилар...

40

...ва ундан утиндилар:
— Эй, қудратли Андарвай!

Менга шундай комёблик бахш айла-
гилки, Кай Гуштасп хонадони мени иззат
ва эҳтиром билан қабул қилсин.

37

Забардаст Андарвай унга бу комёб-
ликни бахш айлади ва Ҳутусонинг муро-
ди ҳосил бўлди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз!
Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!
Сенга тааллуқли ва Сипандмиёнуга
мансуб барча ҳодисаларни олқишлай-
миз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни
шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва
завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта
қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил,
мансара, эзгу ва комил нутқ билан
олқишлаймиз...

«Йинғи ҳотам...»

Унинчи бўлим

Бизга шундай комёблик бахш айлагил-
ки, навқирон ва кучли ёрлар топайлик,
токи улар тамомий тирикчилигимиз давоми-
да биз билан хушлиқда булсинлар, биз-
лардан доно, ҳушёр ва хушқалом фар-
зандлар дунёга келсин.

41

Забардаст Андарвай уларга бу комёб-
ликни бахшида қилди ва болигаларнинг
муроди ҳосил бўлди.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз!
Забардаст Андарвайни олқишлаймиз!

Сенга тааллуқли ва Сипандмиёнуга
мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни
шаън-шавкати учун намоз, баланд овоз ва
завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта
қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил,
мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу
амал, завр ва комил нутқ билан олқиш-
лаймиз...

«Йинғи ҳотам...»

42

Мен сув ва бағни олқишлайман.
Мен саодатли тинчлик ва тақдирни —
уларнинг ҳар иккисидан бирини олқиш-
лайман.

Биз Андарвайни олқишлаймиз.

Биз Андарвайни бу хонадонга, бу хо-
надон хонахудосига ва завр ниёз қилгув-
чи родмардга мадад бермак учун чорлай-
миз.

Душманга бир йула шикаст бергувчи
маркаб ва калом...

Рақоманд ва фарриҳманд Сипандий-
нуни олқишлаймиз.

43

— Эй, ашаван Зардушт!
Ҳақиқатда, Андарвай менинг номим-
дир.

Менинг номим шунинг учун ҳам Ан-
дарвайки, мен ҳар икки олам — Сипанд-
ийну ва Анграмийну хилқатини қувиб
юбораман.

— Эй, ашаван Зардушт!

Қидиргувчи менинг номимдир. Қидир-
гувчидирки, мен ҳар икки олам — Си-
пандийну ва Анграмийну хилқатига ҳам
етгайман.

44

— Эй, ашаван Зардушт!
Барчадан голиб менинг номимдир.
Менинг номим шунинг учун ҳам бар-
чадан голибдирки, мен ҳар икки олам —
Сипандийну ва Анграмийну хилқати ус-
тидан голибдирман.

— Эй, ашаван Зардушт!

Эзгу амалли менинг номимдир.
Менинг номим шунинг учун ҳам эзгу
амаллидирки, мен парвардигор Аҳура
Мазда ва Амшосипандларга эзгулик қила-
ман.

45

— Олга юргувчи менинг номимдир.
Қуйи юргувчи менинг номимдир*... Шав-
кат соҳиби менинг номимдир.

46

Шиддат — менинг номим,
Шиддаткор — менинг номим,
Энг Баҳодир — менинг номим,
Қаттиқ — менинг номим.
Энг қаттиқдир — менинг номим.
Қудратли — менинг номим.
Энг қудратли — менинг номим
...¹ менинг номим.²
...² менинг номим. Бир йула шикаст
бергувчидир — менинг номим.
...¹ менинг номим. Девлар душманидир
— менинг номим ...** менинг номим.

47

Адоватни синдиргувчи — менинг но-
мим.

Адоваткорни мағлуб этгувчи — ме-
нинг номим.

Тулқин келтиргувчи — менинг номим.
Тулқин кутаргувчи — менинг номим.
Тулқин бостиргувчи — менинг но-
мим...³

Олов тили — менинг номим.

48

Ўткир найза — менинг номим.
Ўткир найза соҳиби — менинг номим.
Кенг найза — менинг номим.
Кенг найза соҳиби — менинг номим.
Тобланган найза — менинг номим.
Тобланган найза соҳиби — менинг но-
мим.

Фарриҳманд — менинг номим.

Жуда фарриҳманд — менинг номим.

49

— Эй, Зардушт!

Менинг бу номларимни қонга ташна
душман сипоҳи исканжасида саф тортган
лашкарлар уртасида ва уруш олови ҳал-
қасида қолган улқада чоғингда зикр қил!

50

— Эй, Зардушт!

Менинг бу номларимни қаззоб ва ноа-
шаван мураббий; истовчи, чопувчи, суво-
ра ёхуд гардуна (арава) минган дуч кел-
ган мадал тиловат қил!



269

* Нўқтавлар уридаги олтита сўз ўчиб кетган.

** 1, 2, 3, 4, 5 нўқтавлар уридаги сўзлар ўчиб кетган.

51

— Эй, ашаван Зардушт!

Менинг бу номларимни у банди қилинган булса; ёхуд банди ҳолатда ташқарига ташланган булса; ёхуд банди ҳолатида сувора бадар элтган булса, уқи!...*

52

Андарвай тулпорлар ва одамлар қаердаки ёлгонга дучор булсалар; ҳамма-ҳамма ерда девлар билан жангдадир. Паст ерларда, минг қаватли тийралик бағрида булса-да унга қовушган зотлар ҳузурига етиб боради.

53

— Нечук сени мадҳ этайлик?

— Нечук ниёз билан сени мадҳ этайлик?

— Нечук маросим, олқов ва ҳамду сано билан сени эъзозлайлик?

Шоядки шиддаткор ва Андарвай уктам қадамлар, очиқ бағир, қудратли билак, мусаффо нигоҳ, худди улка шаҳриёри, ягона ҳукмдор каби бу ерга нузул қилса.

54

— Эй, ашаван Зардушт!

Барсам олгил... равшан, фароғатли кундуз ёруғлигидан то субҳидамгача...

55

Агар мени олқишласанг, сени Мазда яратган фарриҳманд, дармонбахш мансарадан огоҳ этаман; шундайки, на тубан Аҳриман сени мағлуб эта олади, на жодугарлар ва жоду ва на девлар ва дурванд одамлар сендан голиб буладилар.

56

Эпчил Андарвайни олқишлаймиз.

Эпчиллар эпчили булган Андарвайни олқишлаймиз.

Баҳодир Андарвайни олқишлаймиз.
Баҳодирлар баҳодирӣ булган Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин Андарвайни олқишлаймиз.
Заррин тожли Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин ҳалқали Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин гардунали (арава) Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин чархли Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин қуролли Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин этикли Андарвайни олқишлаймиз.

Заррин камарли Андарвайни олқишлаймиз.

Ашаван Андарвайни олқишлаймиз.
Забардаст Андарвайни олқишлаймиз.

— Эй, ашаван Андарвай!
Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

Қудратли ва забардаст Андарвайни шаён-шавкати учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлаймиз.

Забардаст Андарвайни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал, завр ва комил нутқ билан олқишлаймиз...

«Йингҳи ҳотам...»

57

«Яса аҳу вайрю...»
Бошқа махлуқлар қуриқчиси булган забардаст Андарвайни олқишлаймиз.

— Эй, ашаван Андарвай!
Сенга тааллуқли ва Сипандмийнуга мансуб барча ҳодисаларни олқишлаймиз.

«Ашим вухув...»

«Аҳмойи раишча...»



270

* Нуқталар урнидаги сузаларни уқиш мумкин бўлмади. Ужуман, гапнинг маъноси ҳам маъдун.

ЧИСТА ҚАСИДАСИ

(Дин яшт)⁴

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотга хушнудлик тилаймиз.

Биринчи бўлим

1

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз. У бизни тугри йулга бошласин, эзгулик купригига элтсин, олий мақсад ва матлабимизга еткарсин.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий таълимотни олқишлаймиз. У завр ниёз қилгувчи, ашаван, ҳунарманд, номдор, шиддаткор, оқибат эзгуликка еткаргувчи, эзгу кушойиш бағишлагувчи ва Мазданинг энг яхши динидир.

2

Зардушт урнидан қузгалди, шитоб билан хонадан чиқди ва таълимотни шундай олқишлади:

— Эй, Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимот!

Агар сен мёндан бурун борсанг, йулларимга куз тут!

Агар сен менинг ортимдан борсанг, менга пайванд бул!

3

Шоядки осудалик ва омонлик насиба-миз бўлса, чунончи, йуллар ниҳояси хушдир; тоғларда яхши суқмоқлар бор. Жангалзорлардан осон утиш; шиддаткор дарёларни хушлик билан кесиш мумкин. Илоҳий ёрлик, номдорлик, олқиш ва қудрат бизга насиб қилсин!

4

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омухта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, суз, амал, завр ва комил нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

Иккинчи бўлим

5

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз. У бизни тугри йулга бошласин, эзгулик купригига элтсин, олий мақсад ва матлабимизга еткарсин.

Мазда бунёд айлаган, энг ҳақиқий таълимотни олқишлаймиз. У завр ниёз қилгувчи, ашаван, ҳунарманд, номдор, шиддаткор, оқибати хайрли, эзгу кушойиш бағишлагувчи ва Мазданинг энг яхши динидир.

6

Эзгу фикрли, эзгу сузли ва эзгу амали Зардушт ушбу комёблик орзусини унинг ҳузурига элди...

7

...ки, Мазда яратган энг ҳақиқий ашаван таълимот унинг учқур оёқларига қудрат, қулоқларига уткирлик, билақларига куч, тандурустлик ва пойдорлик бағишлади. У шу қадар кучли куриш қобилиятига соҳиб бўлдики, сув қаъридаги кара¹ балиги поёнсиз Рангҳа дарёсининг туб-тубларидаги соч толасидан нозик сув ҳалқаларини минг одам буйи баландиқдан кура олганидек қудрат касб этди.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.



Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, манса-

ра, эзгу фикр, суз, амал, завр ва комил нутқ билан олқишлайман.
«Йингҳи ҳотам...»

Учинчи бўлим

8

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз. У бизни тугри йулга бошласин, эзгулик кўпригига элтсин, олий мақсад ва матлабимизга еткарсин.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз. У завр ниёз қилгувчи ашаван, ҳунарманд, номдор, шиддаткор, оқибат эзгуликка еткаргувчи, эзгу кушойиш бағишлагувчи ва Мазданинг энг яхши динидир.

9

Эзгу фикрли, эзгу сузли ва эзгу амалли Зардушт ушбу комёблик орзусини унинг ҳузурига элтам...

10

...ки, Мазда яратган энг ҳақиқий ашаван таълимот унинг оёқларига қудрат, қулоқларига уткирлик, билакларига куч, тандурустлик ва пойдорлик бағишлади. У шу қадар қудратли кўриш қобилиятига соҳиб буддики, ёмғирли, жалали, туполон қоронги тунда отдан тушган тук унинг думиданми, ёлиданми эканини ажрата оларди.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаён-шукуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, суз, амал, завр ва комил нутқ билан олқишлайман.
«Йингҳи ҳотам...»

272

Тўртинчи бўлим

11

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз. У бизни тугри йулга бошласин, эзгулик кўпригига элтсин, олий мақсад ва матлабимизга еткарсин.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз.

У завр ниёз қилгувчи, ашаван, ҳунарманд, номдор, шиддаткор, оқибат эзгуликка еткаргувчи, эзгу кушойиш бағишлагувчи ва Мазданинг энг яхши динидир.

12

Эзгу фикрли, эзгу сузли ва эзгу амалли Зардушт ушбу комёблик орзусини унинг ҳузурига элтам...

13

...ки, Мазда яратган энг ҳақиқий ашаван таълимот унинг оёқларига қудрат, қулоқларига уткирлик, билакларига куч, тандурустлик ва пойдорлик бағишлади. У шу қадар қудратли кўриш қобилиятига эга буддики, тўққиз улка наридаги муштдек гушт агар нина учидек булиб кўринса-да заррин ҳалқали каркаснинг кўзларидан яширина олмагандек қувват касб этди.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаён-шукуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара; эзгу фикр, суз, амал; завр ва комил нутқ билан олқишлайман.
«Йингҳи ҳотам...»

Бешинчи бўлим

14

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз. У бизни тугри йулга бошласин, эзгулик кўпригига элтсин, олий мақсад ва матлабимизга еткарсин.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз.

У завр ниёз қилгувчи, ашаван, ҳунарманд, номдор, шиддаткор, оқибат эзгуликка етқаргувчи, эзгу кушойиш бағишлагувчи ва Мазданинг энг яхши динидир.

Олтинчи бўлим

16

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз.

У бизни тугри йулга бошласин, эзгулик кўпригига элтсин, олий мақсад ва матлабимизга еткарсин.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни олқишлаймиз.

У завр ниёз қилгувчи, ашаван, ҳунарманд, номдор, шиддаткор, оқибат эзгуликка етқаргувчи, эзгу кушойиш бағишлагувчи ва Мазданинг энг яхши динидир.

Еттинчи бўлим

15

Покиза ва доно Ҳувий Зардуштни истарди. У илоҳа Чистани (Дин) олқишлади, муродига етди. Дин билан фикрловчи, дин билан сузлагувчи ва дин билан амал қилгувчи бўлди.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара; эзгу фикр, суз, амал; завр ва комил нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

17

Олис сафар қилган Отурбон дин илмини урганиш учун тавонолик ва жисмоний қудрат орзусида эди. У илоҳа Чистани (Дин) олқишлади.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара; эзгу фикр, суз, амал; завр ва комил нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

19

Улка ҳукмдори ва шаҳриёри юрт тинчлиги ва осудалиги ҳамда уз жисмига куч қудрат орзусида эди. У илоҳа Чистани (Дин) олқишлади.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни шаън-шуқуҳи учун намоз, баланд овоз ва завр билан олқишлайман.

Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий ашаван таълимотни сутга омихта қилинган ҳавм, барсам, донишманд тил, мансара, эзгу фикр, суз, амал, завр ва комил нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»



273

«Яса аху вайрю...»
Мазда бунёд айлаган энг ҳақиқий

ашаван таълимотга саломлар йуллаймиз.

«Ашим вуҳув...»
«Аҳмойи раишча...»



274

АШТОД ҚАСИДАСИ

(*Аштод яшт*)⁶

Мазда бунёд айлаган илоҳий шуқуҳга
хушнудлик.

1

Аҳура Мазда Силийтмон Зардуштга
деди:

— Мен илоҳий шуқуҳни яратдим. У
маркаб ва яхши сурув эгаси, тавонгар ва
фарриҳманд. Олийжаноб идрок ва эзгу-
лик куч-қувватини бахш айлайди. Оз девини
нобуд этиб, душманни яксон қилади.

2

Илоҳий шуқуҳ хавфли Аҳриманга шикаст
беради; қонли газабга шикаст беради;
мудроқ Бушаспга шикаст беради;
қатқалоқ музликка шикаст беради; Олуш
девга шикаст беради; Анийрон сарзамин-
ларига шикаст беради.

3

Мен буюк ва эзгу Ашани гузал ва
шоҳона саройимга дохил бўлсин деб
яратдим.

4

Куп хушлик бағишлагувчи Аша узини
хушнуд эта олган мардга ёр булади.

Аша менинг гузал ва шоҳона саройим-
га дохи бўлиб, куплаб сурув, фирузлик,
ақл-идрок ва шуқуҳ бахш айлайди.

Агар эзгу ва буюк Аша менинг гузал
ва шоҳона саройимга оёқ қўйса...

5

...минг от ва минг сурув келтиради.
Тобланган фарзандлар келтиради. Тиш-
тар юдузи жунбушга келади. Забардаст
Боднинг ва илоҳий шуқуҳнинг бутун бор-
лиги жунбушга келади.

6

Улар тамомий тоғ чуққиларига баҳра-
мандлик бағишлайдилар; тамомий дара-
лар туби, дарёлар, энди бош кутарган
гузал ва ям-яшил гиёҳларга ўнум, омон-
лик, осудалик бағишлайдилар; қатқалоқ
музлик ва Олуш девини нобуд қиладилар.

7

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар ю-
дузига олқишлар.

Мазда бунёд этган забардаст Бодга
олқишлар.

Илоҳий шуқуҳга олқишлар.

«Яса аху вайрю...»

«Ашим вуҳув...»

8

«Аҳура вайря...» намозини олқишлай-
миз.

Энг гузал Амшосипанд Ардабиҳиштни
олқишлаймиз.

Дармон бағишлагувчи саодатли
ҳақиқий сузни олқишлаймиз.

Варжованд мансара, ҳавм истовчи
маздапарастлик динини олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

9

«Яса аху вайрю...»

Мазда бунёд қилган илоҳий шуқуҳга
саломлар йуллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»

ҲАВМ ҚАСИДАСИ

(Ҳавм яшт)⁷

Ашаҳ — Ҳақиқатни юксалтиргувчи
ҳавмга хушнудлик.

1

Қудратли олтин ҳавмни олқишлаймиз.
Оламларга кенглик бағишлагувчи ҳавм
шарбатини олқишлаймиз.

Улимни узоқлаштиргувчи ҳавмни
олқишлаймиз*...

2

Қудратли олтин ҳавмни олқишлай-
миз.

Оламларга кенглик бағишлагувчи ҳавм

шарбатини олқишлаймиз.

Улимни узоқлаштиргувчи ҳавмни
олқишлаймиз.

Барча ҳавмларни олқишлаймиз.
Энди ашаван Сипийтмон Зардушт
фравашийсини олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»

«Яса аҳу вайрю...»

Ашаҳ — Ҳақиқатни юксалтиргувчи
ҳавмга — саломлар йўллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»



ВАНАНД ҚАСИДАСИ

(Вананд яшт)⁸

Мазда халқ қилган Вананд юдузига
хушнудлик.

1

Мазда яратган ашаван Вананд,
Ашаҳ — Ҳақиқат радини олқишлаймиз.

Дармонбахш ва баланд овоза Вананд

юдузини олқишлаймиз. Аҳриманий ёвуз
храфстралар қошида пойдорлик тилаймиз.

2

Мазда яратган Вананд юдузига са-
ломлар йўллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»

275

ҲОДУХТ НАСК⁹

(Яштларга илова)

(«Динкард»нинг саккизинчи ва
туққизинчи китобларида «Авесто» ҳақида
маълумот бериларкан, «Ҳодухт наск» йи-
гирма бир наскдан иборат «Авесто»нинг
йигирманчи наски дейилади. Қулимиздаги
мазкур наск уша наскдан кичик бир булак.

«Ҳодухт наск» (айрим авестошунос-
лар уни йигирма иккинчи яшт ҳам деган-

лар) уч фаргардан иборат. Биринчи фар-
гард ун етти банд бўлиб, «Ашим вуҳув...»
дуосининг таърифоти, иккинчи фаргард
порсо зот солиҳ амалларининг бир боки-
ра ва болига жисмида зуҳур этиши хусу-
сида. Учинчи фаргард қабиҳ инсонлар
амалининг даҳшатли ва қурқинчли бир
жисмга кириши ҳақида.

⁷ Давомида Ясна, 9-ҳотининг 17—18-бандлари такрорланади.

(«Авесто»нинг бошқа бир нусхаларида «Ходухт наск» яштининг бир бўлаги ҳисобланмаганлиги боис «Ром яшт» ва

«Дин яшт»нинг тартибига киритилган. Биз уни яшлар сунгида бермоқни маъқул топдик).

ИККИНЧИ ФАРГАРД

1

Зардушт Аҳура Маздадан сўради:
— Эй, Аҳура Мазда! Эй, оламлар мумтози! Эй, астуманд оламининг соҳиби! Эй, ашаван!

Бир ашаван оламни тарк айласа, унинг руҳи дастлабки кеча қаерда ором олади?

2

Шунда Аҳура Мазда жавоб берди:
— Ашаваннинг руҳи ўз ёстиги устидан жой олади. «Уштавад гоҳ»ни куйлаганча, истигфор айтади.

«— Афв бўлсин унга!

Аҳура Мазда ўз хоҳиши билан кечирган зотларга афв бўлсин!»

Бу тунда ашаваннинг руҳи тамомиёй тирклиги давомидаги каби хушлиқ топади.

3

— Иккинчи кеча унинг руҳи қаерда ором олади?

Шунда Аҳура Мазда деди:

— Ашаваннинг руҳи ўз ёстиги устидан жой олади. «Уштавад гоҳ»ни куйлаганча истигфор айтади:

«— Афв бўлсин унга!

Аҳура Мазда ўз хоҳиши билан кечирган зотларга афв бўлсин!»

Бу тунда ашаваннинг руҳи тамомиёй тирклиги давомидаги каби хушлиқ топади.

5

— Учинчи кеча унинг руҳи қаерда ором олади?

6

Шунда Аҳура Мазда деди:

— Ашаваннинг руҳи ўз ёстиги устидан жой олади. «Уштавад гоҳ»ни куйлаганча, истигфор айтади:

«— Афв бўлсин унга!

Аҳура Мазда ўз хоҳиши билан кечирган зотларга афв бўлсин!»

Бу тунда ашаваннинг руҳи тамомиёй тирклиги давомидаги каби хушлиқ топади.

7

Уч кеча утганидан сўнг, тонг маҳали ашаван эрнинг руҳи узини гўё гиёҳлар ва хуш буйлар қўршовида қолгандек хиёл қилади, тасавурида чоптгоҳ* сарзаминларидан ёқимли ҳидларни шамол унинг димогига элтгандек. Бу бод шу қадар хушбуйки, мисоли йўқ.

8

Анаван эр ҳаёлида гўё бод бу ёқимли бўйни унинг димогига келтиргандек. Шунда ўз-ўзига дейди:

— Бу бод ухшаши йўқ ҳидни менинг димогимга қаерлардан элтмоқдайкин?

9

Ана шу бод оқими билан ашаван эрнинг дини соҳибжамол қиз қиёфасида намоён бўлади: соҳибжамол, порлоқ, билаклари сутдек, қудратли, хуш чеҳра, кукраклари булиқ, ҳарир вужуд, озода ва нажода, гўё ўн беш яшар қиз. Қомати яратилган жамийки хилқат хуш қоматларидан гузалроқ.

10

Шунда ашаван эрнинг руҳи унга юз буради ва сўради:

— Кимсан, эй соҳибжамол? Эй, мен ҳеч қачон кўрмаган мукамал хилқат, кимсан?

11

Унинг дини жавоб беради:

— Эй, эзгу фикрли, эзгу сузли, эзгу амалли ва эзгу динли жавонмард!

Мен сенинг динингман.

Ашаван сўради:

— У ҳолда қани сени улугворлигинг, эзгулигинг, гузаллигинг, хуш буйларинг, қудратинг, ёвдан голиблигинг учун севгац зот?

* Чоптгоҳ ёхуд хун ярин ибораси қадимий зардуштийлар тасавурида жанубни — яқийи фароғат ва жаннат мавзиларини англатган.



Соҳибжамол жавоб берди:

— Эй, эзгу фикрли, эзгу сузли, эзгу амалли ва эзгу дин соҳиби булган йигит!

У сенсан мени улугворлигим, эзгулигим, гузаллигим, хуш буйларим, қурагим, ёвдан гоилиблигим учун севган зот.

Қачонки биров мурдор ёққанида, бутларга сизинганда, зулм қилганда, дарахларни кесганда, утирардингда хоҳларни куйлардинг, эзгу сувлар ва Аҳура Мазданинг Озарини олқишлардинг; йироқёвуқдан ўтиб қолган ашаван эрни хушнуд этардинг.

Мен суюмли эдим, сен мени суюмлироқ қилдинг.

Гузал эдим, сен мени гузалроқ қилдинг.

Дилбар эдим, сен мени дилбарроқ қилдинг.

Балад пойгоҳли эдим, сен мени яна ҳам балад пойгоҳли қилдинг.

Шу пайт ашаван эрининг руҳи эзгу фикр пойгоҳига илк қадамини қўяди. Иккинчи қадамини эзгу суз пойгоҳига қўяди. Учинчи қадамини эзгу амал пойгоҳига қўяди ва ниҳоят тўртинчи қадамини бепоён фароғат пойгоҳи булган Анийронга қўяди.

УЧИНЧИ ФАРГАРД

Зардушт Аҳура Маздадан ёвуз дурванд кимса вафотидан кейин уч кеча давомида унинг руҳи бошидан кечирадиган ходисалар ҳақида сураркан, Аҳура Мазда Зардуштга жавобан ёвуз руҳ уч тун давомида саргашта ва паришон булиши ва гоҳлардан ушбу парчани куйлаши ҳақида гапириб беради:

«Эй, Мазда Аҳура!

Қаёққа бош урай? Қаёққа юз бурай?»

Уч кечадан кейин, тонг маҳали дурванд эрининг руҳи гуё қор ва музликларга парчинлангандек булади. Ифлос ҳид ва нохуш буй уни қуршаб олади. Унинг назарида бадбуй бод апохтар (дузах) сарза-

Шундан сунг бурунроқ дунёни тарк этган бир ашаван мард унга юз буради ва сурайди:

— Эй, ашаван!

Тирикликни қандай қилиб тарк айлардинг?

— Эй, ашаван!

Қандай қилиб, жонварлар ва орзу истакларга тўла уйингни ташлаб келдинг?

Қандай қилиб астуманд (моддий) оламдан мийну оламига етишдинг?

Қандай қилиб даҳшатларга тўла оламдан абадият мулкига кирдинг?

Бу мангулик саодат сенга қандай туюляпти?

Шу чоғ Аҳура Мазда дейди:

— Гоят огир, машаққатли ва даҳшатли йулларни босган, руҳининг танадан жудо булиш машаққатини чеккан одамдан ҳеч нарса сурама.

Кейин ашаван эрга заримая⁶⁰ мойини келтиришади.

Эзгу фикрли, эзгу сузли, эзгу амалли ва эзгу дин соҳиби булган йигитга ўлимидан сунг шундай насиба бор.

Гоят эзгу фикрли, гоят эзгу сузли, гоят эзгу амалли, оқила ва эрига итоаткор ашаван аёлларга ўлимидан сунг шундай насиба бор.



Сен туфайли мен куриб турганингдек, гуноқкор, тубан, чиркин, чуруқ, бадбуй ва шикастаман. Сен бошқа бировлар илоҳлар шаънини куйлаётган, сув, олов, гиеҳ ва бошқа ззгу яратилмиш хилқатни эъозлаётган чоғда Аҳриман ва девларни хушнуд этардинг.

Сен кимсанинг узгаларга мадад қулини чўзаётганини, узоқ-яқиндан келган ашаванга паноҳ бериб, меҳмоннавозлик қилаётганини куриб турардинг, бироқ кузларинг ва кунглинг торлиги учун эшигини уларнинг юзига тамбалардинг.

Нописанд эдим, нописандроқ қилдинг.

Даҳшатли эдим, даҳшатлироқ қилдинг.

Иркит эдим, иркитроқ қилдинг.

Мен апохтарда (дузах) эдим. Бироқ сен уз қабиҳ фикр, қабиҳ суз, қабиҳ амалинг билан ундаңда тубанроққа ташладинг.

Гумроҳлар — Аҳриманнинг амрига буйинсунганлар — менга нафрат уқийдилар.

Шу чоғ дурванд эрнинг руҳи ёмон андиша пойгоҳига илк қадамини қуяди; ик-

кинчи қадамида ёмон суз пойгоҳига киреди; учинчи қадамида ёмон амал пойгоҳига дохил булади. Туртинчи қадамда поёнсиз зимистон саройи — дузахга тушиб кетади.

Шу чоғ бурунроқ тирикликни тарк қилган дурванд эр ундан сурайди:

— Эй, дурванд!

Қандай қилиб даҳшатлар оламидан абадият мулкига келдинг?

Бу мангулик азоб сенга қандай туюлмоқда?

Шунда Аҳриман дейди:

— Гоят огир, машаққатли ва даҳшатли йуларни босиб утган, руҳнинг танадан чиқишдек азобини бошдан кечирган кимсадан ҳеч нарса сурама!

Шундан кейин унга заҳар келтирадилар. Ёмон фикрли, ёмон сузли, ёмон амалли ва ёмон дин соҳибининг насибаси шудир.

Жуда ёмон фикрли, жуда ёмон сузли, жуда ёмон амалли, билимсиз ва эрига саркашлик қилувчи дурванд хотиннинг насибаси шудир.



БЕШИНЧИ ДАФТАР



ВИСПИРАД



1

Завт:
Мийну ва жаҳон радларини олқишлайман,
ниёз келтираман, мужда бераман.
Сув жонворлари радлари,
Қуруқлик жонварлари радлари,
Паррандалар радлари,
Дашт жонварлари радлари,
Утловчи жонварлар радлари,
Ашаванлар ва ашаваний радлар.



280

2

Ашаван радлар — гаҳанборларни олқишлайман ва мужда бераман:
Рад ашаван — (сут бергувчи) ашаван Майдюзарим;
Рад ашаван — (урим мавсуми ашавани) ашаван Майдюшим,
Рад ашаван — (хирмон кутариш мавсуми ашавани) ашаван Патя гиҳим,
Рад ашаван — (сурувни қочириш мавсуми ашавани) ашаван Аясрим,
Рад ашаван — (зимистон мавсуми ашавани) ашаван Майдрим,
Рад ашаван — (алқов ва ҳамд-санолар ашавани) ашаван Ҳамаспатмадам.

3

Мужда бераман, олқишлайман рад ашаван, дунёга фарзандлар келтиргувчи ҳомилали ашаван оламини.
Мужда бераман, олқишлайман, эзгулик билан йўгрилган рад ашаван — «Ставута йисняҳ» ашаванни.
Мужда бераман, ва олқишлайман. Эзгулик билан йўгрилган «Йисняҳ», «Мяэда» ашаванлар; ашаван эр ва ашаван аёлларни.

4

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаванлар — йил илоҳларини,
Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — ашаван «Ахуна вайря...»нинг куйланишини,
Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — ашаван «Аша ваҳийшта» («Ашим вухув...»)га саломлар йўллагувчини,
Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — эзгуликка йўгрилган ашаван «Йингҳи хотам...»ни,
Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — «Ахунавод гоҳ» ашаванни,
Мужда бераман ва олқишлайман, Мазда яратган ашаван аёллар, рад ашаван-

лар — зиёда ашаван фарзандлар соҳибаларини,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаванлар — ашаван Ахуманд ва Ратумандни*,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаванлар — ашаван «Етти хот»ни,

Мужда бераман ва олқишлайман покиза сув, рад ашаван — Ардвийни**.

6

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — ашаван «Уштавад гоҳ»ни,

Мужда бераман ва олқишлайман Мазда бунёд айлаган осудабахш тоғлар — рад ашаванларни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — ашаван «Сипантманд гоҳ»ни,

Мужда бераман ва олқишлайман Мазда бунёд айлаган Баҳром, саодатли ашаван Аппаратот — рад ашаванларни.

7

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — «Вухувхистар гоҳ» ашаванни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаванлар — кенг яйловлар соҳиби меҳр, яхши яйловлар бағишлагувчи Ромни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван «Ваҳийштавайишт гоҳ» ашаванни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаванлар — ашаваннинг эзгу таҳсини ва ҳалол ашаван эрни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — забардаст билак соҳиби илоҳ Упаманани.

8

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — Айямана ишяҳ ашаванни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — «Фшувш мансара» ашаванни,

Мужда бераман ва олқишлайман рад ашаван — бузругвор рад, ашаван «Ҳодухт»ни.

9

Мужда бераман ва олқишлайман аҳуравий ашаван суровни, аҳуравий ашаван динни, аҳуравий ашаван сарзаминни, аҳуравий ашаван Зардуштум — рад ашаванларни.

Мужда бераман ва олқишлайман яхши мақсадли чорполарга эжинзорлар бунёд айлаган «Ҳадаюш» ва чорполарни парварिश қилгувчи ашаван эрни.

* Ахуманд ва Ратуманд Ахура Мазданинг сифатларидан

** Сув илоҳиси Ардвисура Анаҳита.

Июсинчи бўлим

1

Ушбу завр ва барсам билан мийну радларини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан жаҳон радларини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан сув жонварлари радларини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан замин паррандалари радларини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан дашт жонварлари радларини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан ўтловчи жонварлар радларини олқишламоқ истаيمان.

2

Ушбу завр ва барсам билан ашаван радлар — гаҳанборларни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан (сут бергувчи) ашаван Майдюзаримни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан (урим мавсуми ашавани) ашаван Майдюзимни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан (хирмон кутариш мавсуми ашавани) ашаван Патя Шҳимни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан (сурувни қочирриш мавсуми ашавани) ашаван Аясримни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан (зимистон мавсуми ашавани) ашаван Майдяримни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан (алқов ва ҳамд-санолар ашавани) ашаван Ҳамаспатмадани олқишламоқ истаيمان.

3

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван, дунёга фарзандлар келтиргувчи ҳомилаи ашаван оламни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан жамийки радлар — Аҳура Mazda Зардуштга хабар берган ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг гузал низомига кура таҳсинга лойиқ булганларни олқишламоқ истаيمان.

4

Ушбу завр ва барсам билан сени олқишламоқ истаيمان, эй Рад! Эй Аҳура Mazda Мийнуй! Жаҳоннинг яралишида

барча мийнулар ичра энг яхши мийну, эй Аҳу ва Ратув!

5

Ушбу завр ва барсам билан радларни чорлагувчи; эзгу фикр, калом ва амални ёдда тутган; ашаван Сипандормаз ва Сушент сузларига пойдор ва уз матлаби билан оламни Ашаҳ — Ҳақиқатга томон етакловчи зотларни олқишламоқ истаيمان.

6

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаванлар — йил июлларини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — ашаван «Аҳура вайря.»нинг куйланишини олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — ашаван «Аша ваҳийшта» («Ашим вухув...»)ни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — эзгуликка йўғрилган ашаван «Йингҳи ҳотам...»ни олқишламоқ истаيمان.

7

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — «Аҳунавад гоҳ» ашаванни олқишламоқ истаيمان.

Эзгулик моюси, саодатманд аёлларни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаванлар — Аҳуманд ва Ратуманд ашаван, уша Аҳу ва Ратув, уша Аҳура Mazda ашаванни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан қудратли ясна, ашаван «Етти ҳот»ни олқишламоқ истаيمان.

Рад ашаван — Ардвисура Анаҳита ашаванни олқишламоқ истаيمان.

8

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван «Уштавад гоҳ» ашаванни олқишламоқ истаيمان.

Рад ашаван — Аҳура Mazda бунёд айлаган осойишбахш тоғларни олқишламоқ истаيمان.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван «Сипантмад гоҳ» ашаванни олқишламоқ истаيمان.

Аҳура Mazda яратган Баҳром, саодатли Авпаратот — рад ашаванларни олқишламоқ истаيمان.



281

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — «Вухувхштар гоҳ» ашаванни олқишламоқ истайман.

Рад ашаванлар — кенг яйловлар соҳиби Меҳр, яхши яйловлар багишлагувчи Ромни олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — «Ваҳйиштавайишт гоҳ» ашаванни олқишламоқ истайман.

Ашаваннинг эзгу таҳсинини, пок ашаван эрни, забардаст билак соҳиби, ашаван илоҳ Домуйиш Упамана — рад ашаванларни олқишламоқ истайман.

10

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — «Айрымана ишяҳ» ашаванни олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам билан рад аша-

ван — «Фшушув мансара» ашаванни олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — бузругвор рад, ашаван «Ҳодухт»ни олқишламоқ истайман.

11

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — аҳуравий ашаван суровни олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам билан рад ашаван — аҳуравий ашаван динни олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам билан аҳуравий ашаван зарзамин, аҳуравий ашаван Зардуштум — рад ашаванларни олқишламоқ истайман.

Ушбу завр ва барсам билан яхши мақсадли чорполарга экинзорлар бунёд айлаган Ҳадаюш ва чорполарни парвариш қилгувчи ашаван эрни олқишламоқ истайман.

Учинчи бўлим

1

Завт:

— Ҳовананни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман.

Завт:

— Отарбахшни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман.

Завт:

— Фрабаритарни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман.

Завт:

— Обиритни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман.

Завт:

— Оснатарни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман.

Завт:

— Роспийни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман.

Завт:

— «Мансара»дан огоҳ донишманда Сравашворизни қоим кўрмоқ истайман.

Роспий:

— Мен қоимман. «Яса аҳу вайрю...»

Дейди менга Завт.

Завт:

— «Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва донишманда эр.

2

Завт ва Роспий:

Отурбонни қоим кўрмоқ истайман.

Арштодни қоим кўрмоқ истайман.

Тевапарвар деҳқонни қоим кўрмоқ истайман.

Хонахудони (хонадон соҳиби) қоим кўрмоқ истайман.

Деҳхудони (қишлоқ оқсоқоли) қоим кўрмоқ истайман.

Шаҳрибонни (шаҳар қуриқчиси) қоим кўрмоқ истайман.

Сарзамин шаҳриерини (ҳукмдор) қоим кўрмоқ истайман.

3

Эзгу фикрли, эзгу сузли, эзгу амалли ва диногоҳ йигитни қоим кўрмоқ истайман.

Воиз йигитни қоим кўрмоқ истайман.

Қон-қардошликни пайванд айлаган кимсани қоим кўрмоқ истайман.

Улкадан хорижда юрган фархунда отурбонни қоим кўрмоқ истайман.

4

— Эй, Аҳура Мазда!

Шундай аёлни қоим кўрмоқ истайманки, эзгу фикрли, эзгу сузли, эзгу амалли



дир; уз эрига тобе; Силандормаз ва сенинг аёлларинг каби рад ашавандир.

Шундай эрни қоим кўрмоқ истайманки, эзгу фикрли, эзгу сўзли ва эзгу амалидир; иқрор ва огоҳ; каязага бегона, уз мароми билан оламни Ашаҳ — Ҳақиқат сари идора қилади.

5

Энди сиз — ҳар бир маздапарастни рад деб биламан ва рад деб ҳисоблайман: Амшосипандлар ва Сушентлар — энг доно, энг ростгуй, мадақдор ва донишмандлар.

Маздапарастлар динининг асосий қудрати деб отурбон, артштор ва тевапарвар деҳқонни биламан.

6

Завт:
«Яса аху вайрю...» дейди менга отарвахш.

Тўртинчи бўлим

1

Огоҳлик билан олқишлаймиз андиша ва андиша бергувчини; эзгу Одани, эзгу Ашани, эзгу Чистани, эзгу Драватотни. Улар радлар ва рад аҳлига саломлар йўллайдилар.

2

Жаҳон аҳлининг тўгрилигини истайлик, биз — зардуштий маздапарастлар рад миязди, рад намози ва мақбул рад

Роспий:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр, «Яса вайрю...» дейди менга Завт.

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.

Роспий:

— Эй, отурбон!

Сен бизнинг завтимизсан!

Завт:

«Яса аху вайрю...» дейди менга отарвахш.

Роспий:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва мард эр.

Завт:

Мен — Завт — «Ставута йисняҳ» чорламоққа, зикр этмоққа, куйламоққа ва олқишламоққа ҳозирман.



283

ҳақида уларга хабар берамиз.

Ашаҳ — Ҳақиқат бутун борлиги билан бизнинг олқиш, ҳамд, ибодат ва таҳсинларимизни тинглайди.

Буюк рад, порсо Сурушни олқишлаймиз.

Ашаванликда мумтоз ва энг бирламчи ашаван Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий қушиқлар, барча эъзозланган эзгу матлабларни олқишлаймиз. Неки булди ва неки булгуси.

«Йингҳи ҳотам...»

Бешинчи бўлим

1

— Эй, Амшосипандлар!

Сизлар учун завт, олқишловчи, куйчи, эъозловчи ва қушиқчи булишга ҳозирман.

Бас, барча олқиш, ҳамд ва хушнудлик сиз — Амшосипандларга булсин!

Бас, яхшилик, рад ва ашаван хушнудлиги, бахтиёрлик ва руҳ хушлиги бизнинг Сушентларимизга булсин!

2

— Эй, Амшосипандлар! Эй, эзгу матлаб соҳиби булмиш Шаҳриёрлар!

Жону танимиз, бутун борлигимизни сизларга тақдим этамиз.

3

— Эй, ашаван Аҳура Мазда!

Сенинг ҳузурингда ушбу муддао билан қоиммиз: маздапараст, зардуштий, девлар душмани, ахуравий дин пайрави булмоқни истаймиз.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва таҳсинлар булсин.

Рад ашаванлар — Савангҳий ва Вся ашаванларга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва таҳсинлар булсин!

Кун радлари, гоҳлар, ой, гаҳанборлар ва йилга олқиш, ҳамд-сано хушнудлик ва таҳсинлар бўлсин!

Завт: «Яса аху вайрю...» дейди менга завт.

Роспий:

«Яса аху вайрю...» дейди менга завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.

Олтинчи бўлим

Завт ва Роспий:

Завт ургатгани каби салом ва куй, вайсуша* заврлари ва энг ҳаққоний сузлар воситасида эзгу Амшосипандларни гузал номлари билан чорлаймиз.

Эзгу Амшосипандларни Ашаҳ — Ҳақиқатнинг эзгу номлари билан, ашаваннинг эзгу дини билан, эзгу маздапарастлик дини билан олқишлаймиз.

Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида энг олий аъмолларни адо айлагувчиларни танийди. Мен ҳам ушундай зотларга — улар бор эдилар, бордирлар

ва бундан буён ҳам буладилар — саломлар билан ёвуқ келаман.

Сенинг эзгу мийнунинг шаҳриёри — Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остидаги армонли бахшишинг — кунгил шури билан энг яхши амалларни адо этганларга муяссар бўлади.

Шоядки, бу ерда биз эъзозлагувчи энг қудратли ашаван — Аҳура Маздага азалибтидо итоатгуйлик барқарор бўлса.

Шундай қилиб, бу ерда биз эъзозлагувчи энг қудратли ашаван — Аҳура Маздага итоатгуйлик азалибтидо барқарор бўлгай.

Еттинчи бўлим

1

Турги суэни олқишлаймиз.
Порсо Сурушни олқишлаймиз.
Эзгу Ашани олқишлаймиз.
Нарюсангни олқишлаймиз.
Саодатли тинчликни олқишлаймиз.
Йиқилмаслик ва тоймасликни олқишлаймиз.

Ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Чийнавадпулни олқишлаймиз.

Аҳура Мазда гарзмонини олқишлаймиз.

Биҳиштнинг олий тириклиги, осойишталик бағишлагувчи ҳар нечук ёругликни олқишлаймиз.

2

Энг олий тирикликка (биҳишт) элтгувчи энг олий йулни олқишлаймиз.

Оламларга кенглик бағишлагувчи, эзгу жаҳонпарвар, сазобахш Арштодни олқишлаймиз.

Маздапарастлик динини олқишлаймиз.

Энг ҳаққоний Рашнини олқишлаймиз.

Кенг яйловлар соҳиби Меҳрни олқишлаймиз.

Моҳир Пориндийни олқишлаймиз:

У моҳир фикрлилар ичра моҳир;
моҳир сузлилар ичра моҳир;
моҳир амаллилар ичра моҳир;
у танга моҳирлик бахш этади.

3

Мардларга кушойиш бағишлагувчи жасур мардоналикни олқишлаймиз; у мардлар хаёлига кушойиш бағишлайди; у тезликдан тез; баҳодирдан баҳодирроқ; у илоҳий муқофот тарзида мардага етиб келади; у мардларнинг исқанжада қолган жисминини халос айлайди.

Мазда бунёд айлаган, жонварлар ва одамларга шодлик бағишлагувчи уйқуни олқишлаймиз.

4

Осмон, сув, замин, гиёҳ ва эзгу мадлабли жонварлардан бурун илк бор яратилган* ашаванларни олқишлаймиз.

Фарог Карт дарёсини олқишлаймиз.

Мазда яратган эпчил бодни олқишлаймиз.

Астуманд олам яралишидан бурун илк бино булган ёруг осмонни** олқишлаймиз.

* Борлиқ ҳодисаларидан бурун яратилган мийну илоҳлари назарда тутилган.

** Осмон астуманд (моддний) оламдаги гиёҳлар, дов-дарахтлар, жонворлардан одани яратилган.



— Эй, Аҳура Мазданинг Озар! Эй, ашаван! Эй, рад ашаван!
Сени олқишлаймиз.
Ашаҳ — Ҳақиқат қоидаси билан ёйилган рад ашаванлар — завр, ашаван барсам белбогини олқишлаймиз.

Алам Напатни олқишлаймиз.
Нарюсангни олқишлаймиз.
Роспий:
«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.
Завт:
«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.

Саккизинчи бўлим

1

Роспий:
— Эй, ашаван Аҳура Мазда!
Бу сүздан хушнуд бул!
Бу сүзни Сен ва ашаван илоҳлар — уша мангу варжовандлар, эзгу ниятли, олийжаноб шаҳриёрларким, улар эллик, юз, минг, ун минг ва саноқдан-да афзундирлар қабул қилишди.

2

Биз ҳақиқатда, шаҳриёр деб шундай зотни биламиз, иқрормиз ва хоҳлаймиз-ки, у ҳаммадан кура яхшироқ шаҳриёрлик қила олади:
«Мазда Аҳура ва Ардабиҳишт».

Тўққизинчи бўлим

1

Ҳозирланган ҳавм ва тайёрланган заврлар — кенг ҳозирлангандир ва нимаки ҳозирлангуси — озор ва ранжларни нари кеткизадилар. Улар ашаваннинг дармонидаан воқифдирлар; Чистанинг дармонидан воқифдирлар; Мазданинг дармонидан воқифдирлар; Зардуштнинг дармонидан воқифдирлар.

2

Бу дармондан бахтли ашаван; улкадан хорихда дунё кезиб юрган бахтиёр отурбон; эзгу маздапарастлик дини; ашаваннинг эзгу таҳсини; эзгу ашаваннинг этиқоҳди ва эзгу ашаваннинг беозорлиги огоҳдир.

3

Мужда берамиз, огоҳ қиламиз, омухта қиламиз, сиқамиз, қуямиз ва олқишлаймиз ва ёддан айтамыз:

Қудратли ашаван ҳавмлар покизадир; Ашаҳ — Ҳақиқат қоидаси билан ҳозирлангандир ва ҳамиша ҳозирланади; Ашаҳ — Ҳақиқат қонуни билан улар ҳақида хабар берилгандир; Ашаҳ — Ҳақиқат низоми билан улар ҳақида хабар берилади; Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан сиқилгандир ва Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳар доим сиқилади.

4

Қудратлининг қудратини; қудратлининг фарогатини; қудратли Ирисини; қуд-

ратли Ашани; қудратли Чистани; қудратли Пурватотни; қудратли Упаратотни; қудратли илоҳларни; абадий яшовчи ва абадий сазо бағишлагувчи эзгу ниятли шаҳриёр Амшосипандларни ва Амшосипандбонуларни;

5

Хурдоод, Амураод, Гивш Ташана, Гушварван, яхши номли Озар, ашаванликдан огоҳ Ҳадаийш, хуроқ, осойиш ва афвин;

6

Аҳура Мазда, Амшосипандлар, буюк рад ашаванлар ҳақидаги олқиш, офарин ва қушиқларни;
Энг яхши рад; бирламчи Аша; радга манзур булган бирламчи ибодатни;

7

Мансарани; маздапарастлик динини; «Ставута йиснях»ни; барча радларни; радга манзур булган барча ибодатларни;

Ашаҳ — Ҳақиқатнинг бутун борлиги бизнинг алқов, ҳамд-сано ва таҳсинларимизни тинглайди. Ибтидода ва интиқода ҳам.

Завт: «Яса аҳу вайрю...» дейди менга Отарвахш.

Роспий:
«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.
«Йингҳи хотам...»



Үчинчи бўлим

1

Завт.
Аризаҳий, Саваҳий, Фрада Дафшу,
Вайда Зафшу, Вуавру Баристий, Вуавру
Чариштий ва Хунярса улкаларини олқиш-
ламоқ истайман.

2

Тош ҳован (угир), темир ҳован, завр
ташти ва ҳавми олқишламоқ истайман.
— Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан
ёйилган барсам!

«Аҳуна вайря...» ва маздапарастлик
дини пойдорлигини олқишламоқ иста-
йман.

Ашаванларнинг саодатли, қудратли ва
фируз фравашийларини олқишламоқ иста-
йман.

Илк дин ургатувчилар фравашийлари,
аждодлар фравашийлари ва уз руҳим
фравашийсини олқишламоқ истайман.

Барча рад ашаванлар, барча эзгулик

бергувчилар — мийну ва жаҳоннинг аша-
ван илоҳларини олқишламоқ истайман.
Улар Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий
қонуни билан эъзоз ва эҳтиромга сазо-
вордирлар.

Мен маздапараст, зардуштий, девлар
душмани ва аҳуравий эканимга иқроман.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга
олқиш, ҳамд-сано, таҳсин ва хушнудлик!

Рад ашаванлар — Саванҳий ашаван
ва Вяся ашаванга олқиш, ҳамд-сано,
таҳсин ва хушнудлик.

Кун, гоҳлар, ой, гаҳанборлар ва йил
радларига олқиш, ҳамд-сано, таҳсин ва
хушнудлик.

Завт:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди
порсо ва доно мард.



286

Үн биринчи бўлим

1

Ушбу ҳавми Аҳура Маздага тақдим
этаман.

Ушбу ҳозирланган ҳавми энг қудрат-
ли жаҳонпарвар зотлар, эзгу ашаван
шаҳриёрлар; рад ашаван шаҳриёрларга
тақдим этаман.

Ушбу ҳавми Амшосиландларга
тақдим этаман.

Ушбу ҳавми эзгу сувларга тақдим
этаман.

Ушбу ҳавми уз руҳимга тақдим эта-
ман.

Ушбу ҳавми Ашаҳ — Ҳақиқатнинг
бутун хилқатига тақдим зия.

2

Бу ҳавм, бу ҳавм жоми, бу ёйиқ бар-
самлар, бу мияздалар, бу илк яратилган
осмон, бу ерга олиб келинган тош ҳован
(угир), бу олтин ҳавм, бу ҳавм шарбати,
бу Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳозир-
ланган барсам...

3

Бу вужуд, бу куч-қудрат, бу заврлар,
бу ашаван ҳавм, бу эзгу ниятли сигир, бу
мард ашаван ва ашаванларнинг самара-

бахш ниятлари ва Сушентларнинг суд-
манд амали, бу оқин сут ва Ашаҳ —
Ҳақиқат одоби билан қўйилган ҳазана-
пата гиёҳи...

4

Эзгу сувлар билан; ҳавмга омухта
қилинган, сутга омухта қилинган; Ашаҳ
— Ҳақиқат одоби билан қўйилган ҳазана-
пата гиёҳига омухта қилинган; эзгу сув-
лар; ҳавм сувларига омухта қилинган
заврлар; тош ҳован (угир), темир ҳован...

5

...бу барсам гиёҳи; рад хушнудлигига
боғлиқлик; эзгу маздапарастлик динини
урганмоқ ва унга амал қилмоқ; гоҳларни
куйламоқ; рад ашаван хушнудлиги ва рад
ашаванликини.

Бу утин ва бу тутунни; сени эй, Озар
— Аҳура Мазданинг углони ва барча
Мазда бунёд айдаган эзгу хилқатни
тақдим қиламиз.

Энди бунинг барчасини тақдим қила-
миз...

6

...Аҳура Маздага; порсо Сурушга; энг
ҳақгуй Рашнга; кенг яйловлар соҳиб

Мехрга; Амшосипандларга; ашаванларнинг фравашийлари ва парҳезкорларнинг руҳларига; буюк рад Аҳура Мазданинг Озарига; миязд ради; мақбул рад — намоз радига, Ашаҳ — Ҳақиқатнинг бутун борлигига ақовлар, ҳамд-сано ва таҳсинлар булсин.

7

Энди буларнинг барини олқиш, ҳамд-сано ва таҳсинлар билан тақдим этамиз. Ашаван Сипийтмон Зардуштнинг фравашйси икки оламда ҳам Ашаҳ — Ҳақиқатни талаб қилди, истади. Барча ашаванларнинг фравашийлари — оламдан утган ашаванлар; ҳозирда барҳаёт мардлар ва ҳали тугилмаганлар ҳамда оламини янгиловчи Сушентларнинг фравашийлари.

8

Бу ҳавм, бу ҳавм жомис; бу ёйиқ барсамлар, бу мияздлар, бу илк яратилган осмон; бу ерга олиб келинган тош ҳован (утир), бу олтин ҳавм, бу ҳавм шарбати, бу Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ҳозирланган барсам...

9

Бу вужуд, бу куч-қудрат, бу заврлар, бу ашаван ҳавм, бу эзгу ниятли сигир, бу мард ашаван ва ашаванларнинг самарабахш ниятлари ва Сушентларнинг судманда амали, бу оқин сут ва Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан қўйилган ҳазанампата гиеҳм...

10

Эзгу сувлар билан; ҳавмга омухта қилинган; сутга омухта қилинган; Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан қўйилган ҳазанампата гиеҳмга омухта қилинган; эзгу сувлар; ҳавм сувларига омухта қилинган заврлар; тош ҳован (утир), темир ҳован...

11

—бу барсам гиеҳм; рад хушнудамгига боғлиқлик; эзгу мазапарастлик динини урганмоқ ва унга амал қиломоқ; гоҳларини куйламоқ; рад ашаван хушнудамги ва рад ашаванликки.

Бу утин ва бу тутунки; сени, эй Озар — Аҳура Мазданинг утлоғи ва барча Мазда буювда айлаган эзгу қилдатини тақдим қиламоқ.

Энди бунинг барчасини тақдим қиламоқ.

12

Амшосипандлар — абадул-абад мукофот бахш айлагувчи, абадул-абад барҳаёт, эзгу ниятли шаҳриёрлар; ўша яхшилар ва яхшилик бахш айлагувчилар; улар фаҳат эзгулик учун яшайдилар. Ҳа, улар яхшилик учун тирикдилар.

Эзгу шаҳриёрлар — Амшосипандлар эзгу ниятдан тириклик ваъдасини олганлар.

13

Ниҳоят буларнинг барини тақдим этамиз. Бу хонумоннинг барокатли бўлишини; бу хонумон мукофотини; бу хонумоннинг эъзозини; бу хонумоннинг ниёз танқислигидан омонлигини; бу хонумоннинг зулм устидан музаффарлигини; бундан бурун тугилган ва бундан буён дунёга келадиган ашаван маркаблар ва эрларни; бу хонумон аҳлини ва келгусида унга дохил бўладиганларни ва ушбу хонумонга мансуб ўзимизни ва улка Сушентларини.

14

Эзгу амалли эрлар; эзгу амалли аёллар; яхшилик истовчи эрлар ва яхшилик истовчи аёллар умр кечиргувчи хондон.

15

Энди буларнинг барини ашаванларнинг қудратли ва эзгу фравашийларига ашаванларга мадад бермоқлари учун шундай тақдим қиламиз.

16

Ниҳоят буларнинг барини порсо Сурушга; ашаван Ашага; Нарюсанга; фароғатли тинчликка; буюк рад Аҳура Мазданинг Озарига ва барча ашаван мавжудотга; хушнудлик, оқин, ҳамд-сано ва таҳсинга бахшида қиламиз.

Ниҳоят буларнинг барини Гивш Ташан, Гушварван, Аҳура Мазданинг Озари ва энг буюк Амшосипандларга тақдим этамиз.

Ниҳоят буларнинг барини рақаман ва фарриқманда дадар Аҳура Маздага, нийвуларга, Амшосипандларга, хушнудлик, оқин, ҳамд-сано ва таҳсинга бахшида қиламиз.

Ниҳоят буларнинг барини рад ашаванлар — гоҳ илоҳлар, рад ашаван — Ҳованш ашаван, оқин, ҳамд-сано, хушнудлик ва таҳсинга тақдим этамиз.

Ниҳоят буларнинг барини ашаван Са-



287

вангҳий ва Вяся ашаванга тақдим эта-
миз...

Ниҳоят, буларнинг барини раюманда
ва фарриҳманда Аҳура Маздага, олқиш,
эъзоз, хушнудлик ва таҳсинга тортиқ эта-
миз.

17

Завт

Аризаҳий, Саваҳий, Фрада Дафшу,
Вайда Зафшу, Вуавру Бариштий, Вуавру
Чариштий ва Хунярса улкаларини олқиш-
ламоқ истаيمان.

18

Тош ҳован (угир), темир ҳован, завр
ташти ва ҳавми олқишламоқ истаيمان.

— Эй, Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан
ёйилган барсам!

«Аҳуна Вайря...» ва маздапарастлик
дини пойдорлигини олқишламоқ истаи-
ман.

Ашаванларнинг саодатли, қудратли ва
фируз фравашийларини олқишламоқ иста-
йман.

Илк дин ургатувчилар фравашийлари,
аждоғлар фравашийлари ва уз руҳим
фравашийсини олқишламоқ истайман.

Барча рад ашаванлар, барча эзгулик
бергувчилар — мийну ва жаҳоннинг аша-
ван илоҳларини олқишламоқ истайман.
Улар Ашаҳ — Ҳақиқатнинг энг олий
қонунин билан эъзоз ва эҳтиромга сазо-
вордирлар.

Мен маздапараст, зардуштий, девлар
душмани ва аҳуравий эҳанимга иқрорман.

Рад ашаван — Ҳований ашаванга
олқиш, ҳамд-сано, таҳсин ва хушнудлик.

Рад ашаванлар — Савагҳий ашаван
ва Вяся ашаванга олқиш, ҳамд-сано,
таҳсин ва хушнудлик!

Кун, гоҳлар, ой, гаҳанборлар ва йил
радларига, олқиш, ҳамд-сано, таҳсин ва
хушнудлик!

19

Недан мужда берилди ва неки тақдим
қилинди ашаван Аҳура Мазда тақдим
қилгани кабидир; ашаван Зардушт тақдим
қилгани кабидир. Мен — Завт — тақдим
қилганим кабидир. Мен бу олқиш ва эъ-
зоздан огоҳмен. Мен уз вақтида қилинган
тақдирлашдан огоҳмен.

20

Сиз — Амшосипандларга олқиш, эъ-
зоз, хушнудлик ва таҳсин.

Бизнинг Сушёнларимизга бахтли ти-
риклик; рад ашаванлик; фирузлик ва руҳ
осойишталиги.

21

Ниҳоя барчадан буюк булган аҳу ва
ратувни устувор тутаман; Аҳура Маздани
олқиш, эъзоз, хушнудлик ва таҳсин
учун...*

Ҷн иккинчи бўлим

1

Кимки буюк рад Аҳура Мазда ва Си-
пийтмон Зардушт ҳурмати ҳавм поклаган
булса ёхуд покламоқни ният қилган
булса, унга фаровон фарзандлар гуруҳи
ва обрӯли фарзандлар насиб этади!

Эзгу Суруш ва ганжлар соҳибаси Аша
бу ерда ҳозирдир!

2

Биз Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан
куйланган ва куйланадиган қутлуг
«Аҳуна Вайря...» ни; Ашаҳ — Ҳақиқат
одоби билан қулланувчи ва ҳавми сиқув-
чи ҳованин...

3

тугри сўз; зардуштий қушиқлари;
эзгулик билан қилинган амаллар; Ашаҳ —
Ҳақиқат одоби билан ёйилган барсамлар;
Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан сиқилган
ҳавм; «Ставутва йисняҳ...» ва маздапа-
растлик динини андиша, сўз ва амали би-
лан урганамиз.

4

Шу каби уларнинг бари қутлуг
булсин!

Қутлуг деб биламиз, қутлуглаймиз
хилқатни — энг гузад, энг олий хилқатни.
Уни ашаван Аҳура Мазда яратди. Баҳман
воситасида парварिश қилди. Ардабиҳишт
воситасида эъзозлади.

* 4-Ҷсна, 24—25-бандлар.



Шоядки биз Сипандийну халқ қилган ва узимиз бахтиёрлик ва комёблик сари элтаётган мавжудот орасида бахтиёрроқ ва комёброқ бўласак.

5

— Эй, тош ҳован (утир)! Эй, темир ҳован! Сиз, бу хона, қишлоқ, шаҳар ва улкага олиб келиндингиз ва қулланингиз. Бу хона, қишлоқ, шаҳар ва улкада бизга қутлуг булингиз. Қутлуг булинг, утин, ҳовур ва мақбул рад — намоз

билан олқишлайётган биз маздапарастларга!

— Шу каби улар ҳам қутлугроқ булсинлар!

Завт:

— «Яса аҳу вайрю...» дейди менга Отарвахш.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно мард.

«Ашим вуҳув...»



289

Ҳақиқатда, Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Ашаванлар толеини олқишлаймиз.

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан куйлангувчи дастлабки учлик — уч хотни олқишлаймиз.

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан куйлангувчи дастлабки учликдан олдинги иккиликни олқишлаймиз.

3

Ҳақиқатда, Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, Амшосипандларни олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, мансаранинг борлигини олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, мансара билан қувватланган Зардуштни олқишлаймиз.

Ашаванлар толеини олқишлаймиз.

Амшосипандлар орзусини олқишлаймиз.

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан куйлангувчи дастлабки учлик — уч хотни олқишлаймиз.

4

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан дастлабки учликдан олдинги иккиликни олқишлаймиз.

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан куйлангувчи учликни алоҳида-алоҳида олқишлаймиз.

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан куйлангувчи хотлар, патмонлар*, учлик хотнинг ҳар бир банди ва сузлари — хоҳ тиловат қилинсин, хоҳ унсиз ўқилсин, хоҳ эъзолансин — олқишлаймиз.

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари! Эй, ашаван! Эй, рад ашаван, сени олқишлаймиз!..

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван Зардушт ашаванни олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.

Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли, пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чаққон, энг ишчан ва ҳаммадан кўра олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадли рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

1

Ҳақиқатда, Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, Амшосипандларни олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, мансаранинг борлигини олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, мансара билан қувватланган Зардуштни олқишлаймиз.

Ашаванлар толеини олқишлаймиз.

Амшосипандлар орзусини олқишлаймиз.

Ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан куйлангувчи дастлабки учлик — уч хотни олқишлаймиз.

2

Ҳақиқатда, Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, Амшосипандларни олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, мансаранинг борлигини олқишлаймиз.

Ҳақиқатда, мансара билан қувватланган Зардуштни олқишлаймиз.

* Патмон — гоҳлардаги бир сатр шеър.

Үн тўртинчи бўлим

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз. Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли, пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чаққон, энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадди рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

Рад ашаван — «Аҳунавад гоҳ»ни олқишлаймиз.

1

Ясна (энг саодатли ашаван етти ҳот) — рад ашаванни олқишлаймиз.

Патмонлари, бандлари, зандлари*, суровлари, жавоблари, икки дафъа куйла-ниши**, яхши ўқилмоғи, ёд айтилмоғи ва алқовлари билан.

2

Ўз билими билан; ўз назари билан; ўз шаҳриёрлиги билан; ўз радлиги билан; ўз иши ва эзгу амали билан Аҳура Мазда***...

3

Рад ашаван — «Аҳуна Вайря...» ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван аҳуманд ва ратувманд (Аҳура Мазда) ашаванни олқишлаймиз.

4

«Аҳунавад гоҳ»ни олқишлаймиз.

«Аҳунавад гоҳ»нинг хоҳ ошкор, хоҳ пинҳон, хоҳ эъзоз билан куйлангувчи ҳотлари, патмонлари, сузлари ва бандларини олқишлаймиз.

— Эй, Аҳура Мазданинг Озари! Эй, ашаван! Эй, рад ашаван! Сени олқишлаймиз!

Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан ёйилган рад ашаванлар — ашаван завр, ашаван барсам белбогини олқишлаймиз.

Апам Напати олқишлаймиз.

Нарюсангни олқишлаймиз.

Роспий:

«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.

«Йингҳи ҳотам...»

«Ашим вуҳув...»

Үн бешинчи бўлим

1

Роспий:

— Эй, маздапараст Зардушт!

Оёқларинг, қўлларинг ва эс-ҳушингни эзгу амал, адолат ва тугриликка йўлла; ёмои ишлардан, бедодлик ва эгриликдан тийил!

Бу ерда деҳқончиликни йўлга қўй, токи норасо расо бўлсин!

2

Шоядки, бу ерда биз топингувчи энг қудратли ашаван — Аҳура Мазданинг алқови ва иззат-эҳтироми ҳоқим булса; ибтидо ва интиҳода ҳам.

Ёддан куйламоқ; пинҳон зикр қилмоқ; хотирда тутмоқ, кўнгилда сақламоқ; ҳеч бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан Ясна (энг саодатли ашаван етти ҳот)ларни тиловат қилмоқ.

3

Аҳура Мазда, Амшосипандлар, буюк рад ашаванлар ҳақидаги олқиш, таҳси и ва қўшиқларни.

Энг яхши рад; бирламчи Аша; радга мансуб бирламчи ибодатни;

Мансарани; маздапарастлик динини; «Ставута йиснях»ни; барча радларни; радга манзур булган барча ибодатларни;

* Зана — шарҳ.

** Ҳар беш гоҳнинг дастлабки банди гоҳларинг аввали ва охирида куйланган.

*** Матнда нудтаар уридаги етти сузи англашнинг имкони бўлмади.



Ашақ — Ҳақиқатнинг бутун борлиги бизнинг алқов, ҳамд-сано ва таҳсинларимизни тинглайди. Ибтидода ва интиҳода ҳам.

Завт:

«Яса аху вайрю...» дейди менга Отарвахш.

Роспий:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.

«Йингҳи ҳотам...»

Роспий:

— Эй, маздапараст Зардуштий!

Оёқларинг, қўлларинг ва эс-ҳушингни эзгу амал, адолат ва тургиликка йўлла; ёмон ишлардан, бедодлик ва эгриликдан тийил!

Бу ерда деҳқончиликни йўлга қўй, токи норасо расо бўлсин!

Шоядки, бу ерда биз топингувчи энг қудратли ашаван — Аҳура Мазданинг алқови ва иззат-эҳтироми ҳукмрон бўлса; ибтидода ва интиҳода ҳам.

Ёддан куйламоқ; пинҳон зикр қилмоқ; хотирда тутмоқ; кунгида сақламоқ; ҳеч

бир шак ва шубҳасиз, тойилмасдан Ясна (энг саодатли ашаван етти ҳот)ларни тиловат қилмоқ.

Аҳура Мазда, Амшосипандлар, буюк рад ашаванлар ҳақидаги олқиш, таҳсин ва қушиқларни.

Энг яхши рад; бирламчи аша; радга мансуб бирламчи ибодатни.

Мансарани; маздапарастлик динини; «Ставута йисняҳ»ни; барча радларни; радга манзур булган барча ибодатларни;

Ашақ — Ҳақиқатнинг бутун борлиги бизнинг алқов, ҳамд-сано ва таҳсинларимизни тинглайди. Ибтидода ва интиҳода ҳам.

Бузругвор рад — порсо Сурушни олқишлаймиз.

Энг буюк ашаван; ашаванлар сардори Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Барча Зардуштий қушиқларни олқишлаймиз.

Барча эъзоланган эзгу ниятларни олқишлаймиз. Неки булди ва неки була-жак.

Ҷўн олтинчи бўлим

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.

Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли, пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чаққон, энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадди рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

Ясна (энг саодатли ашаван етти ҳот) — рад ашаванни олқишлаймиз.

Патмонлари, бандлари, зандлари, суровлари, жавоблари, икки дафъа куйла-ниши, яхши уқиломоғи, ёд айтиломоғи ва алқовлари билан.

Уз билими билан; уз назари билан; уз шаҳриёрлиги билан; уз радлиги билан; уз хоҳиш ва эзгу амали билан Аҳура Мазда...

1

Ниҳоят, Аҳура Мазданинг Озарини олқишлаймиз.

Озар наслидан булган илоҳларни олқишлаймиз.

Озар наслидан булган яхши аъмолли зотларни олқишлаймиз.

Ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Саодатли Сурушни олқишлаймиз.

Уша мард ашаванни олқишлаймиз.

Ашақ — Ҳақиқатнинг бутун борлигини олқишлаймиз.

2

Ниҳоят ашаван Сипийтмон Зардушт мукофоти ва фравашийсини олқишлаймиз.

Ниҳоят барча ашаванлар мукофоти ва фравашийларини олқишлаймиз.

Ниҳоят барча ашаванларни олқишлаймиз.

Улкадаги ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Улкадан хорижда булган ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Эр ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Аёл ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.



Зардушт биз учун аху ва ратувдир.
Ахура Мазда бизнинг олқини ва эзгулиги
миздан огоҳдир.

Бу ватанга мансуб булган ҳар нени —
сувлар, замин, гиёҳларни олқишлаймиз*...

Ҳн еттинчи бўлим

1

«Ашим вуҳув...»
Биз Яснанинг (етти ҳот) эзгу андиша-

ларини, эзгу сузларини, эзгу амалларини
қабул қиламиз. Биз «Ашим вуҳув...»ни
қабул қиламиз**.

Ҳн саккизинчи бўлим

Завт:

Рад ашаван — Ахура Мазда ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни
олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.
Ашаван Амшосипандларни олқишлай-
миз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли,
пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чаққон,
энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга са-
зоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадли рад ашаван ва рад
ашаванликни олқишлаймиз.

Рад ашаван — «Уштавад гоҳ» ашаван-
ни олқишлаймиз***...

Ашаван эрни хайрихоҳлик билан
олқишлаймиз.

Дадар ашаван хилқатини хайрихоҳлик
билан олқишлаймиз.

Ашавар эр хушнудлиги учун «Ушта-
вад гоҳ»ни олқишлаймиз.

2

Дурванд — девнинг ранжи булган
ашаваннинг абадий толеини олқишлай-
миз.

Поёнси толеини олқишлаймиз.

Бор, булган ва булгуси ҳар бир аша-
ван эрни «Уштавад гоҳ» билан олқишлай-
миз.

3

«Уштавад гоҳ»ни олқишлаймиз.

Хоҳ қироат билан, хоҳ пинҳона, хоҳ
қушиқ қилиб, хоҳ эъзолаб булсин «Уш-
тавад гоҳ»нинг ҳотлари, патмонлари, суз
ва бандларини олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

1
Ахура Маздани хайрихоҳлик билан
олқишлаймиз.

Амшосипандларни хайрихоҳлик билан
олқишлаймиз.

Ҳн тўққизинчи бўлим

Завт:

Рад ашаван — Ахура Мазда ашаванни
олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни
олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.
Ашаван Амшосипандларни олқишлай-
миз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли,
пок ашаванларини олқишлаймиз.

* Қуйида шу бўлимнинг 1—3-бандлари такрорланади.

** Бу ҳисса аждар маросимларда уч марта айтилган.

*** 14-бўлимнинг 1—3-бандлари такрорланади.



Рад ашаванлар орасида энг чақдон, энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадли рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

Рад ашаван — «Сипантмада гоҳ» ашаванни олқишлаймиз...

1

Ашаван Аҳура Маздани олқишлаймиз.
Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Ашавар эрни олқишлаймиз.
Ашаванларга илгор фикрни олқишлаймиз.

Ашаван Сипандормазни олқишлаймиз.
Ашаван Холиқнинг ашаванларча хилқатини олқишлаймиз.

Ашаван хилқат орасида «илк андиша»* ни олқишлаймиз.

Ҳар недан огоҳ тафаккур — Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Йигирманчи бўлим

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазада ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.

Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли, пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чақдон, энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадли рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

Рад ашаван — ашаван «Вуҳуштар гоҳ»ни олқишлаймиз. Патмонлари, бандлари, зандлари, суровлари, жавоблари, икки дафъа куйланиши, яхши уқилмоғи, ёд айтилмоғи ва алқовлари билан.

Ўз билими билан; ўз назари билан; ўз шаҳриёрлиги билан; ўз радлиги билан; ўз хоҳиши ва эзгу амали билан Аҳура Мазада...

1

Рад ашаван — «Вуҳуштар»ни олқишлаймиз.

2

Қуеш ёруғлигини олқишлаймиз.

Юксаклардан юксақ Қуешни олқишлаймиз.

Қуеш ва Амшосипандларни олқишлаймиз.

Эзгу илоҳий иродани олқишлаймиз.

Порлоқ Гарзмонни олқишлаймиз.

Аҳуравий шуқуҳни олқишлаймиз.

Озар бахш айлаган йилқи ва сурувни олқишлаймиз.

Пок ва фойдали ҳар нени олқишлаймиз.

Илк яратилган ашаванлар — бағишлагувчи Сипандормазнинг азамати ва Ашаҳ — Ҳақиқатни олқишлаймиз.

«Сипантмада гоҳ»ни олқишлаймиз.

Ҳотлар, патмонлар, сузлар; хоҳ ошкор, хоҳ пинҳон, хоҳ қушиқ қилиб эъзозланиб куйлангувчи «Сипантмада гоҳ» бандларини олқишлаймиз.

«Йинғи хотам...»



Шаҳриёварни олқишлаймиз.

Маъданни олқишлаймиз.

Девларни нобуд айлагувчи рост сузни олқишлаймиз.

Бу жазони олқишлаймиз.

Бу тўғрилиқни олқишлаймиз.

2

Бу дармонни олқишлаймиз.

Бу кенгликни олқишлаймиз.

Бу юксаклиқни олқишлаймиз.

«Вуҳуштар гоҳ» ва «Ваҳийштовойишт гоҳ» орасида келган эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал саодатини олқишлаймиз; ёмон фикр, ёмон суз ва ёмон амал билан курашмоқни олқишлаймиз.

3

«Вуҳуштар гоҳ»ни олқишлаймиз.

Хоҳ ошкор, хоҳ яширин, хоҳ қушиқ қилиб эъзозланиб куйлангувчи «Вуҳуштар гоҳ»нинг ҳотлари, патмонлари суз ва бандларини олқишлаймиз.

«Йинғи хотам...»

* Илк андиша иборасидан Кэюмерт аниқлашмади. Аҳура яратган мавжудот орасида илк фикрловчи.

Иигирма биринчи бўлим

«Ашим вуҳув...»
«Мазда Аҳура уша зотлариниким...»*
«Шоядки, бу ерда...»**

Роспий:
— Эй, маздапараст...***

«Ашим вуҳув...»
Ясна (кейинги етти ҳот)га хушнудлик,
олқиш ва таҳсинлар.

Завт:
«Яса аҳу вайрю...» дейди менга Отар-
вахш

Роспий:
«Асартуш ашот чийт ҳачо...»

Завт:
Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни
олқишлаймиз...****

Саодатли ашаван — Ясна (кейинги ет-
ти ҳот)ни олқишлаймиз.

«Йинғи ҳотам...»*****

Завт:
Ашаван Аҳура Мазда...*****

Саодатли ашаван — Ясна (кейинги ет-
ти ҳот)...*****

Уз билими билан...*****

1

Эзгу сувлар, серҳосил гиёҳлар ва аша-
ванлар фравашийларига олқиш ва
ҳамдларни қабул қиламиз.

Барча яхшиликлар: сувлар, гиёҳлар,
ашаванлар фравашийларни олқишламоқ
ва ҳамд қилмоқ истаймиз.

2

Сигир (илк махлуқ) Каю — Каюмарт
(илк одам) ва покиза варжованд мансаран-
ни олқишламоқ ва ҳамд қилмоқ истаймиз.
— Эй, Аҳура Мазда!

Сени олқишламоқ ва эъвозламоқ ис-
тайман.

— Эй, Зардуш!

Сени олқишламоқ ва эъвозламоқ ис-
тайман.

— Эй, буюк рад!

Сени олқишламоқ, шарафламоқ истай-
ман.

— Эй, Амшосипандлар!

Сизларни олқишламоқ, шарафламоқ
истайман.

3

Алқов ва кечирмоқни олқишлаймиз.
Алқовчининг алқови ва кечирмогини
олқишлаймиз.

Диндошлар орасидаги мардлик ва эъ-
тиқодни олқишлаймиз.

Риёсиз, ёлгонсиз, эзгу намозни олқиш-
лаймиз.

Ясна (кейинги етти ҳот)ни олқишлай-
миз.

Ясна (кейинги етти ҳот)нинг олқишла-
нишини олқишлаймиз.

Хоҳ ошкор, хоҳ пинҳона, хоҳ куйлан-
ган, хоҳ эъвозланган булсин. Ясна (кейин-
ги етти ҳот)нинг ҳотларини, патмонлари-
ни, сўз ва бандларини олқишлаймиз.

294

Иигирма иккинчи бўлим

1

Завт ва Роспий:

«Ашим вуҳув...»

Охират саодати умидида ашаван Ам-
шосипандлар ва Сушентларга салом
ва алқовлар йуларканмиз, барча донолар ва
нодонларга, барча ҳоқимлар ва маҳкум-
ларга оламни обод қилишлари учун эзгу
ниятдан хабар берамиз.

2

Ашаван эр энг олий Ашақ — Ҳақиқат-
дан билганни ноашаван эр билмайди.

Шундай эрга эргашмоқдан асрасин: на
андишада; на сузда; на амалда бизга у
йул бoshловчи булмасин. Унга етмоқлик-
дан асрасин.

«Ашим вуҳув...»

* Гоҳ Ясна 11; 22-банд.

** Ясна 13; 13-банд.

*** 13-булимнинг 1-5-бандлари. Фақат бу ўринда «етти ҳот» эмас, «кейинги етти ҳот» ибораси қўлланилади.

**** Бу ерда Ясанинг етти ҳоти (35—41 ҳотлар) такрорланади.

***** Ясанинг 42-ҳоти тўлиқ такрорланади.

***** 13-булимнинг боши.

***** 13-булим, 1-банднинг давоми.

***** 13-булим, 2-банд.

***** Ушбу бандлар икки марта такрорланади.

Йигирма учинчи бўлим

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.

Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли, пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чаққон, энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадди рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

Ашаван «Ваҳийштавоишт гоҳ»ни патмонлари, бандлари, зандлари, суровлари, жавоблари, икки бор куйланиши, яхши куйланиши, ёддан айтилиши билан олқишлаймиз.

1

Энг яхши Аҳура Маздани олқишлаймиз.

Энг яхши Амшосипандларни олқишлаймиз.

Энг яхши ашаван эрни олқишлаймиз.

Энг яхши Ашаҳ — Ҳақиқатни олқишлаймиз.

Энг яхши «Ставута йиснях»нинг яралишини олқишлаймиз.

Энг яхши Ашаҳ — Ҳақиқат қудратини олқишлаймиз.

Ашаванлар ва ҳар нечук осудабахш ёруглики олқишлаймиз.

Энг яхши тириклик (биҳишт) сари элтувчи энг яхши йўлни олқишлаймиз.

2

«Ваҳийштавоишт гоҳ»ни олқишлаймиз.

Хоҳ ошкор, хоҳ пинҳон, хоҳ қушиқ қилиб куйлангучи, хоҳ эъзозлангучи «Ваҳийштавоишт гоҳ»нинг ҳотлари, патмонлари, сўзлари ва бандларини олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»



295

Йигирма тўртинчи бўлим

Завт:

Рад ашаван — Аҳура Мазда ашаванни олқишлаймиз.

Рад ашаван — Зардушт ашаванни олқишлаймиз.

Зардушт фравашийсини олқишлаймиз.

Ашаван Амшосипандларни олқишлаймиз.

Жаҳон ва мийнунинг эзгу, қудратли пок ашаванларини олқишлаймиз.

Рад ашаванлар орасида энг чаққон, энг ишчан ва ҳаммадан кура олқишга сазоворроқ илоҳни олқишлаймиз.

Барчадан омадди рад ашаван ва рад ашаванликни олқишлаймиз.

Рад ашаван — ашаван «Айрмана»ни патмонлари, бандлари, зандлари, суровлари, жавоблари, икки марта куйланиши,

яхши куйланиши, ёддан айтилиши билан олқишлаймиз.

Уз билими билан; уз назари билан; уз шаҳриёрлиги билан; уз радлиги билан; уз хоҳиш ва эзгу амали билан Аҳура Мазда...

Ниҳоят Аҳура Мазданинг Озарини олқишлаймиз.

Озар наслидан булган илоҳларни олқишлаймиз.

Озар наслидан булган яхши аъмолли зотларни олқишлаймиз.

Ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Саодатли Сурушни олқишлаймиз.

Уша мард ашаванни олқишлаймиз.

Ашаҳ — Ҳақиқатнинг бутун борлигини олқишлаймиз.



Ниҳоят ашаван Сипийтмон Зардушт мукофоти ва фравашийсини олқишлаймиз.

Ниҳоят барча ашаванларни олқишлаймиз.

Ўлкадаги ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Ўлкадан хорижда булган ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Эр ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Аёл ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

Зардушт биз учун аҳу ва ратувдир. Аҳура Мазда бизнинг олқиш ва эзгулигимиздан огоҳдир.

Бу ватанга мансуб булган ҳар нени — сувлар, замин, гиёҳларни олқишлаймиз..

1

Бу мукофотни олқишлаймиз.

Бу тўғриликни олқишлаймиз.

Бу дармонни олқишлаймиз.

Бу кенгликни олқишлаймиз.

Бу юксакликни олқишлаймиз.

«Аҳунавад гоҳ» ва «Айрямана ий-

шяҳ» орасида келган эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал саодатини олқишлаймиз. Қабих андиша, қабих сўз ва қабих амал билан курашмоқни шарафлаймиз.

2

«Айрямана ийшяҳ»нинг булимини олқишлаймиз.

Хоҳ ошкор, хоҳ унсиз, хоҳ қушиқ қилиб куйлангувчи ва эъзозлангувчи «Айрямана ийшяҳ»нинг ҳотлари, патмонлари, сўз ва бандларини олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

3

Мен Ашаҳ — Ҳақиқат намозини адо этаман.


«Ашим вуҳув...»

Девларни лаънатлайман.

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканимга иқрорман..

Йул бирдир ва у Ашаҳ — Ҳақиқат йулидир. Қолган барча йуллар йулсизликдир.

ОЛТИНЧИ ДАФТАР



КИЧИК АВЕСТО



ДАСТААБКИ УЧ АЛҚОВ



298

«Ашим вухув...»

Ашаҳ — Ҳақиқат энг гузал эзгулик ва фаровонлик моясидир.

Дуруст амалли, энг яхши хоҳиш — бу Ашаҳ — Ҳақиқат.

«Яса аҳу вайрю...»

У танланган рад, жаҳоний (аҳу) армон; мийну ради (рату) ва Мазда йулидаги тирикликнинг эзгу андишалари ва амаллари бунёдкорлари.

Шаҳриёрлик Аҳурага хосдир.

Аҳура уни (Зардуштни) дарвишларни асраш учун танлади.

«Йингҳи ҳотам...»

Мазда Аҳура Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари остида энг гузал амалларни бажарувчилардан огоҳ.

Мен ҳам шундай зотларни — улар бор эдилар ва буладилар — номма-ном олқишлайман ва олқиш билан уларга ёвуқ келаман.

БЕЛБОҒ БОҒЛАМОҚ ДУОСИ

Позанд:

— Эй, шоҳ Мазда!

Аҳриман нотавон булсин, кўзимиз унгида йўқолсин ва шикаст топсин.

Аҳриман, дев, дуруж, жоду, дурванд, кавай, карап, золим, гуноҳкор, ашмуғ, душман ва пари шикаст топсин!

Ёмон шаҳриёр нотавон булсин!

Душман мағлуб булсин!

Душман нотавон булсин!

— Эй, илоҳ Ҳурмузд!

Мен барча гуноҳларимдан пушаймонман ва патит қиламан (қайтаман).

Мен бу дунёда айтган ё қилган, ёхуд кунглимининг тубида кечган ҳар нечук қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалларимдан пушаймонман.

Мен ниятда, хаёлда вужуд ёхуд руҳим билан — хоҳ бу дунёда, хоҳ мийну оламида — қилган гуноҳларимдан гамдаман ва пушаймонман.

Мен бу уч нарсадан — қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалдан пушаймонман ва патит қиламан (қайтаман).

Аҳура Маздага хушнудлик!

Аҳриманга шикаст!

Аҳуранинг хоҳишига мос неки мавжуддир ошкор булсин!

Мен Ашаҳ — Ҳақиқат намозини адо қиламан.

«Ашим вухув... Яса аҳу...»

«Ашим вухув...»

— Эй, Мазда!

Менга мадад бер!

Мен — маздапарастман!

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканимга иқрорман.

Мен эзгу андиша билан андиша юритганга инонаман.

Мен эзгу сўз сўзлаганга инонаман.

Мен эзгу амалларнинг амалига инонаман.

Мен маздапарастлик динига инонаман, зеро у ҳурол ушлаганга чанг солади ва уни бирёқлик қилади; у қон-қардошлик робиталарини мустаҳкамлайди. У шу қадавр пок диндирки, ҳозирги ва кейин келадиган динлар орасида энг улуғи ва энг яхшисидир. Аҳуравий, Зардуштий дин.

Жамийки эзгу нарсалар Аҳура Маздага хос деб биламан.

Маздапарастлик динига эътиқод ва иқрор шундидир.

«Ашим вухув...»

СУРУШ БОЖ

Позанд:

Олий яздон Ҳурмузд номи билан.
Улуглиги ва шаън-шавкати зиёда бўлсин!

Порсо, баҳодир «тан-мансара», қаттиқ уруш қуроли соҳиби Суруш; Ҳурмузд яратган қаттиқ уруш қуроли соҳиблари булган йулбошчилар мадад берсин!

Барча гуноҳлардан пушаймонман ва патит қиламан (қайтаман)...

«Яса аҳу вайрю...»

«Ашим вухув...»

1

Мен маздапараст, зардуштий, девлар душмани ва аҳуравий эканлигимга иқрорман.

Рад ашаван — «Ушаҳин гоҳ» ашаванга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва таҳсин.

Рад ашаванлар — Бирижяҳ ва Нманяҳ ашаванларга олқиш, ҳамд-сано хушнудлик ва таҳсин.

Порсо, баҳодир «тан-мансара» қаттиқ уруш қуроли соҳиби.

Сурушга олқиш, ҳамд-сано, хушнудлик ва таҳсин.

Роспий:

«Аҳуна вайрю...» дейди менга Завт.

Завт:

«Асартуш ашот чийт ҳачо...» дейди порсо ва доно эр.

2

Рад ашаван, одамларга кенглик бағишлагувчи бахтиёр, чексиз қудрат соҳиби, порсо ва ашаван Сурушни олқишлаймиз.

«Аҳуна вайря...» танни асрайди.

«Яса аҳу вайрю...»

— Эй, Мазда!

Қачонки дурванд мени ранжитмоққа

бел боғласа, Ашаҳ — Ҳақиқат амалларидан огоҳ бўлиб тургувчи Озар ва эзгу ниятдан ташқари ким менга паноҳ бўлади?

— Эй, Мазда!

«Менинг динимни бу амрингдан огоҳ қил!»

— Эй, Мазда!

...Сенинг ҳидоятинг нурлари остида борларга паноҳ бағишлагувчи саодатманд ким?

— Эй, Мазда!

Мени тирикликка дармон, куч-қувват бағишлагувчи раддан огоҳ эт; Суруш ҳамда эзгу ният унга ва сен истаган зотларга таважжуҳ айласин.

3

— Эй, Мазда! Эй, Сипандормаз!

Бизни ганимларимиз адоватидан асрангиз!

— Эй, дев хулқли дуруж! Нобуд бўл!

Намоз, порсолик ва гайрат.

«Ашим вухув... Яса аҳу вайрю...»

Порсо, баҳодир «тан-мансара», қаттиқ уруш қуроли соҳиби, аҳуравий сурушга ҳамд-олқишлар, куч ва тавонолик.

«Ашим вухув...»

4

...Шоядки мен орзу этганимдек ҳузуримга келса.

«Ашим вухув...»

Минг дармон бағишлай.

«Ашим вухув...»

— Эй, Мазда!

Менинг ҳузуримга мадад бергали кел!

Эзгу хилқат бўлимиш Амани олқишлаймиз.



Аҳура яратган Баҳром, саодатли Упаратот, яхши яйловлар бағишлагувчи Ром, забардаст Андарвай ва бошқа хилқатларни олқишлаймиз.

Неки сенингдир — эй, ашаван Андарвай! — у Сипандмийнунингдир олқишлаймиз.

Абадий Свoш' поёнсиз Зарвон ва мангулик замонни олқишлаймиз.

«Ашим вуҳув...»

Позанд:

Эзгу амал воситасида гуноҳни рад қиламан.

Дустлик руҳ поклигида.

Эзгу амал ер юзидаги етти иқлим аҳлига, замин кенглиги, дарё узунлиги ва Қуёш баландлиги баробарида бекаму куст етгайдир!

Пок бул ва узоқ яша!

Шоядки мен орзу қилганимдек ҳузуримда ҳувайдо булса.

«Ашим вуҳув...»



ИВОХСАР





1. *Гоҳлар* — «Авесто»нинг энг қадимий булимларидан бири Ҳуд Зардуштнинг бешлик қушиқлари. «Авесто»да «госо», паҳлавий тилида «гос», форсийда «гоҳ» шаклида қўлланилади. Маъноси — қушиқ. Зардуштнинг жамийки бешлик қушиқлари шу унвон билан аталган. Форсийда «госо» урнига баъзан «гот» деб ёзилади. «Гоҳ» Шарқ мумтоз мусиқа санъатида ҳам қўлланилади, чунончи «Дугоҳ», «Сеғоҳ», «Чоргоҳ». Госолар баъзан «гот» шаклида қўлланишига қарамай «Авесто»да, асосан, «госо» шаклида ишлатилади. Чунончи, «Аҳунавайти госо», «Авшунавайти госо», «Сипантмиёну госо», «Ваҳухшашар госо», «Ваҳийштвайишт госо».

«Гос» сузи паҳлавий тилида икки маънони ифода этади. Биринчиси «госо» — «қушиқ», иккинчиси — «бир сатр шеър» (патмон-паймон.) «Авесто»да «афоман» Ҳуд «патмон», «госо».

2. *Аҳунавад гоҳ* (*Аҳунавайти госо*) — Зардуштга мансуб дастлабки бешликлар. (27—34 ҳотларни ўз ичига олади.) Аҳунавад гоҳни тўлиқ тасаввур қилиш учун «андаргоҳ»га мурожаат қилмоқ лозим. Андаргоҳ — уч юз олтинчи беш кундан иборат кабиса йили қадимги Шарқ халқларида жамулжам беш кунлик андаргоҳдан иборат булган Ҳуд ўша давр ҳафталаги беш кундан иборат эди. Андаргоҳ — ҳафтанинг ҳар бир куни Зардушт гоҳларининг алоҳида-алоҳида номлари билан аталган. Шарқда кабиса йилини «ваҳилжак», «газҳийзан», «угирланган бешлик», «гоҳоний беш кун», «панжа», «эзгу панжа», «гоҳ» ва «андаргоҳ» деб иомлаганлар. Араб манбаларида бу «хамсатун мустариқатун» тарзида учрайди.

3. *Ясна* — «Авесто»да «тоат ва саловатта муносиб» маъносини ифода этади. Бугунги «Авесто»нинг муҳим жузъи бўлиб, 72 ҳотдан иборат. Зардуштнинг бешлик гоҳлари (госолар) ҳам шу 72 ҳотнинг таркибидадир.

4. *Мазда* — асл авестойи шакли «Аҳураҳ Маздаҳ». Ашаҳ ва яхшилик оламининг бунёдкори. Бутун эзгулик ва поклик оламини

яратган қудрат. Маздапарастлик динининг Олий Илоҳи. Қўлаб Шарқ тилларида бу ном «Уҳра Мазд», «Ҳурмазд», «Урамазд», «Ахурой Мазд», форс тилида «Аҳура Мазда», «Ҳурмузд» шаклида қўлланилади. Гоҳларда бу ном қуйидаги уч ҳолатда зикр этилади: «Аҳура», «Мазда», «Мазда Аҳура». Аҳура Мазда икки жузъдан — «Аҳура» ва «Маздаҳ»дан таркиб топган. Дастлабки жузъ санскрит тилидаги «Асура» бўлиб, қадимги ҳинд асотириларида бир гуруҳ девларнинг номини ифодалаган. Шарқ халқлари афсона ва асотириларига табиал булғач «Худо», «Яратгучи» маъноларини касб этган. Қадимги ҳинд асотирий китоби «Праҷхо-пати»да (бошқа номи «Зарвон») «Бориқнинг Яратгучиси» исми Худолар отаси ҳақида суз боради. Ибтидода у — «Бориқнинг Яратгучиси» яккатанҳо эди. Эмишки худди шу Яратгучи ўз қудрати билан яна қўлаб худолар ва девларни, яъни ўз тили билан айтганда, «браҳмана», «дива» ва «асура»ларни яратди. Дивалар худоларга мансуб бўлиб, Яратгучининг дамида, асура дев қамига мансуб бўлиб, унинг ички елидан (бод) яралган эмиш.

«Авесто»да Аҳура «буюк» ва «сарвар» маъноларида қўлланилади. Меҳр, Апам Напат каби худоларнинг унвон Ҳуд сифати бўлиб келган урииларни ҳам учратиб мумкин. «Янги «Авесто»нинг гоҳларида одамларга нисбатан қўлланилганда «Улуг», «Фармон бергучи», «Солор» каби мазмунни ҳам ифода этган. «Авесто» паҳлавий тилига ағдарилганда Аҳура «Хутои» (Худо) шаклини олган.

Кейинча Шарқ халқлари бу номга «Мазда» сузини ҳам илова қилганлар. Маъноси — «хушёр», «доно», «огоҳ». Паҳлавийга таржима қилинганч «донак» (доно) шаклига кирган. Санскрит тилида ҳам доно, хушёр маъноларини ифодаловчи «мизос» сузи аслида Мазда демакдир.

Ҳар икки суз бирикиб қўлланилганда «Донно Сарвар», «Хушёр Яратгучи» маъноларини англатади. Зардушт ундан хабар келтиргунга ҳадар ва ундан кейин ҳам Аҳура Мазда яхши-

лик оламини, Ашаҳ, Эзгу Бунёдни халқ қилган Зот сифатида танилаган. «Спинта майню» (Сипанд Мийну) ҳам Аҳура Мазданинг «Янги Авесто»да учрагувчи сифати бўлиб, гоҳ унинг номи урнида, гоҳ номи баробарида қўлланилиб, яхшилик ва ёмонликнинг инқилобий яратилишида Аҳриманга (Ангра Майню) қарши туради.

5. *Ашаҳ (аша)* — тугрилиқ маъносини англатиб, Амшосипандлардан бири Ардабиҳишт («Авесто»)да «Ашаҳ-Ваҳишта» номининг жузидир. «Ашаҳ» гоҳларнинг ҳиндий, аврупоий ва форсий нусхаларида ростлик, ҳақ, ҳақиқат, ҳакам, олам тартиби, яратилишнинг абадий қонуни, мукамал назм ва тартиб, муқаррар маздойи қоида каби маъноларини мужассам этган. Бироқ шу пайтгача ҳеч ким бу сўз ҳақида охириги нуқтани чекканича йўқ. Шу билан куплаб мутаржимлар «Ашаҳ» истилоҳини таржима қилмай, айни ҳолатда қолдирганлар. Биз ҳам шу қоидага қисман риоя қилдик. (тарж.)

Ашаҳ маздапарастлик динининг муҳим ва асосий усулларидан бўлиб, бутун «Авесто»да (хусусан, бешлик гоҳларда) унга ишора қилинади. Айтиш мумкинки, бу динда барча тўғри ва ҳақ йўллар сўзсиз «Ашаҳ»га бориб қўшилиди.

Ашаҳ баъзи ҳолларда маздапарастларнинг уч муҳим дуоларидан бири «Ашим Вуху...» (Ашаҳ Ваҳишт) урнида қўлланилади. Эҳтимол узбек ва форс тилида кенг қўлланувчи «шоҳ» сўзининг узаги ҳам «ашаҳ»дир. (тарж.)

6. *Эзгу Ният* — авестойи «вуҳмана» ёхуд «вуҳманангаҳа» истилоҳларининг таржимаси. Форсийда «Манши Нек». Гоҳларда, асосан, Эзгу Ният шаклида қўлланилган. Бугунги энг кўп тарқалган шаклларида бири — Баҳман ёхуд Эзгу Ният гоҳларда Мазда Аҳуранинг нурларидан, «Янги Авесто»да Амшосипандлардан бири. У Яратгувчининг кашфиёти бўлмиш эзгу ният, фикр, хирадмандлик ва доноликни билдиради. Баҳман — Эзгу Ният одамларни ақл-тадбир билан баҳраманд айлаб, уни Яратгувчига қовуштиради. У Зардушт дунёга келиши биланоқ уни Аҳриман ва девлардан ҳимоя қилади. Зардушт ухлаган маҳал унинг руҳини аҳуравий оламга олиб элтади. Гоҳларда Баҳман — Эзгу Ният Аҳура Мазданинг угли дейилган. Сунгги кунда одамларнинг кирдорини у синовдан утқаради. Аҳура Мазда у туйфайли одамларнинг яхши ёхуд ёмон аъмолларидан огоҳ бўлади. «Авесто»нинг бошқа бир бўлимларида Аҳура Мазда

Баҳманинг мадади билан оламини яратади. Баҳман яхшиларни жаннатга элтади. Ҳаёт шарбати Баҳман иштирокидагина лаззатлидир. Ой ва юлдузлар илоҳлари Амшосипанд Баҳманинг ёронларидан. Аҳриманий Агамана ё Агамананнаҳ каби девлар унинг ёвларидан. Моддий оламда Баҳманинг яна бир эзгу амали жамийки самарабахш ҳайвонларни муҳофаза этмоқ. Эрта тонгда бонг чалиб, одамларни уйқудан уйғотувчи, уларни ҳаёт, тириликка сафарбар этгувчи хуроз ёхуд оқ ясмин гул ҳам Амшосипанд Баҳманинг белгисидир. Баъзи Шарқ мамакатларида (Эрон) ойнинг иккинчи кўни ва йилнинг ун биринчи ойи Амшосипанд Баҳман номи билан аталади.

7. *Гушварван* — авестойи «гивш аврвана». Маъноси — мавжудот руҳи, олам руҳи ё замин руҳи. Гоҳларда Аҳура Мазданинг нури. «Янги Авесто»да ҳайвонлар илоҳаси. Бу истилоҳ асарият авестойи манбаларда «гивш», «гўш», «гивш ташан» шаклида учрайди. Айрим авестошунослар Гушварвини ёлғиз «сигир руҳи» ёхуд жамийки чорпо ҳайвонларнинг намондаси деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар сигирларнинг яратгувчиси атамиш Гушташ билан Гушварвини алоҳида илоҳлар деб билганлар.

Гоҳларда (20-ясна, 1-банд) Гушварван девларнинг бадқирдорлиги ва одамларнинг ҳайвонларга нисбатан утказадиган зулмидан Аҳура Маздага шикоят қилади. Шундан сўнг, Зардушт олий Илоҳ томонидан ҳайвонларни ҳимоя қилишга буюрилади. «Янги Авесто»да Гушварван ҳайвонлар ҳимоятгари сифатида тавсиф қилинади. Паҳлавий адабиётида Гушварван илк сигир руҳи бўлиб жаҳон ақлини тарбият қилади. «Паҳлавий ривоят» китобида нақл қилинишича, Гушварван Гиршасп ҳимоясига отланади ва уни дузах азобидан халос этади. Гушварван Амшосипанд Баҳманинг ҳамқори ва дусту буган илоҳлардан ҳисобланади.

8. *Ормаитий (Ормайитий)* — Аҳура Мазданинг дустларидан. Гоҳларда муҳим дунёвий ва илоҳий юмушларни адо этади. «Янги Авесто»да «спинта», «спанд» сифатлари билан Спинта Ормаитий (Сипандормаз) шаклида ҳам қўлланилади. Сипандормаз — «Авесто»да «Спинта Ормаитий», паҳлавийда «Сипандормат» ё «Сипандормад». Форсийда «Сипандормаз», «Исфандормаз» ё «Исфанд». Бу истилоҳ икки жузъдан иборат: «спинта» — комил, мукамал ва Ормаитий ё Ормаитий — андиша, фидокорлик, сабрлилик каби маъно-



ларни узида ифода этади. Ибора тилимизга «Комил Ақл» тарзида таржима қилинди.

Гоҳларда иборанинг иккинчи жуъзи, яъни Ормантий қўлланилган. У Аҳура Мазданинг дуст. Аммо «Янги Авесто»да уч нафар илоҳа Амшосипандлар (Сипандормаз, Хурдо, Амурдо) иштирок этадилар. Улар Аҳура Мазданинг она худолари ҳисобланган. Бу Амшосипанд руҳий оламда сабралилик, дўстлик каби аҳуравий хислатлар ҳомийси бўлса, моддий оламда заминни қуриқлагувчи, уни пок тутгувчи ва барака ато этувчи илоҳадир. Сипандормаз, Хурдо ва Амурдо каби илоҳ илоҳ ва илоҳлар Яратувчи Аҳура Маздага энг яқин қудратлардир. Дунёдаги жамийки эзгуликлар, махлуқлар ҳаётининг осойишталиги, фаровонлик ва ободончилик ана шу кучларнинг зиммасида. Аҳура Мазда (Сипандийну ехуд Спинта Майню) амшосипандлар сардори. Шуни эслатиш жоизки, «Авесто»да етти нафар амшосипандлар ҳақида сўз боради. Базъи уринларда илоҳ Суруш амшосипандлар етакчиси дейилган.

Спинта Ормантий яратилмиш жамийки мавжудотни парварниш қилади. Одамлар у туйфайли файэ-барака топадилар. Аҳура Мазда уни сурувларга кум-кук утлоқлар яратиб бериши учун бунёд этди. «Янги Авесто»да ун минг доривор гиеҳнинг соҳибидир. Бу истилоҳ «Вандидод»да замин билан бир маънони ифода қилади. Авестошунос олим Баҳор ёзади: «Базъи манбалаарда «арамати» тарзида қўлланилган истилоҳ «замин» тарзида таржима қилинган. Бизнингча аслида «ара-мата» бўлиб, «она-замин» маъносига яқин».

9. *Олам Шаҳриёри* — «Авесто»да «зашра вайраёҳ», паҳлавийда «шаҳривар», форсийда «шаҳриёвар», «шаҳриёр». Маъноси — «умид дунёси», «армон шаҳриёри», «умид олами-нинг султони» ехуд «армон шахр».

Гоҳларда Аҳура Мазданинг дўстларидан бири, «Янги Авесто»да амшосипандлардан бири. Олим Шаҳриёри руҳлар дунёсида Аҳура Мазданинг ам-иродасини бажарса, моддий оламда маъданлар илоҳи, бечоралар ва гарибу бенаволарнинг паноҳидир. Уни меҳрибонлик ва жавонмардлик олами деб ҳам атаганлар.

Олам Шаҳриёри учлик эр амшосипандлардан (Баҳман, Ардабиҳишт, Шаҳриёвар) биридир. Олам Шаҳриёри Аҳура Мазданинг ота Худоси ҳисобланади. Гоҳларда келишича, Олам Шаҳриёри Аҳура Мазданинг энг сунгги хабар ва амрларини одамларга тақин қилади. Шаҳриёр сўзи, юқорида таъкидланганидек, мис маъданига ҳам далолат қилади. Шу маънода «қиздирилган темир», «ёниқ олов» каби авестойи ҳодисаларнинг ҳам у билан боғлиқлиги бор. Ой, кўёш, осмон, Ардвисура Анаҳита, ҳавм, Апам Напат каби руҳий ва моддий олам ҳодисалари ехуд илоҳлари Олам

Шаҳриёрининг ҳамкорларидан. Саврав исмли бадмастлик, ёмонлик деви унинг қаттол душмани. Маздапарастлар ойнинг туртинчи кунини, йилнинг олтинчи ойини амшосипанда Олам Шаҳриёри номи билан атаганлар. Амшосипанда — «Янги Авесто»да «Амиша спинга», паҳлавийда «Амишу спанд» ехуд «Амаҳараспанд». Маъноси — абадий онг. Маздапарастлар динида Аҳура Мазда гоёларини ташувчи ва ер юзига ёвучи илоҳларнинг унвони. Баҳман, Ардабиҳишт, Шаҳриёвар, Сипандормаз, Хурдо ва Амурдо каби илоҳ ва илоҳлар Яратувчи Аҳура Маздага энг яқин қудратлардир. Дунёдаги жамийки эзгуликлар, махлуқлар ҳаётининг осойишталиги, фаровонлик ва ободончилик ана шу кучларнинг зиммасида. Аҳура Мазда (Сипандийну ехуд Спинта Майню) амшосипандлар сардори. Шуни эслатиш жоизки, «Авесто»да етти нафар амшосипандлар ҳақида сўз боради. Базъи уринларда илоҳ Суруш амшосипандлар етакчиси дейилган.

10. *Гуштасп* — «Авесто»да «Вяштоспа». «Эгарланган от соҳиби» маъносини англатади. Зардуштга замонадош бўлган ҳукмдор. Маздапарастлар таълимотини одамлар орасида ташвиқ қила бошлаган Зардушт ҳукмдор Гуштасп ҳузурда паноҳ топди. Гуштасп Зардушт таълимотини қабул қилди. Гоҳларда Зардушт бу ҳукмдор номини уч уринда «Кавай Виштаспа» (Кай Гуштасп) тарзида тилга олади. «Кавай» ехуд «кай» ҳукмдорлик унвони бўлиб, каёний подшоҳларнинг номига қўшиб айтилган. Чунончи, каёний илоҳлардан бўлган Гуштасп ҳам Кай ехуд Кавай унвонига соҳиб эди. Ҳукмдор Гуштасп Зардуштийлар динининг кенг халойиқ уртасида томир ёйиши учун катта хизматларни адо этди. Шу боисдан унинг номига алоҳида насх бағишланган «Динкарт» китобида қайд этилган. (Динкарт — Динкард. Маъноси — «Диний амаллар» ехуд «Диний кирдорлар»). Паҳлавий тилида яратилган бу мўъжизавий китобни уламолар «Фарҳангнома» («Доиратул маъориф») деб номлаганлар. «Динкард» ақлий ва диний билимлар мажмуи. Бу буюк китоб милодий IX (ҳижрий II—III) асрда Бағдодда жамланган. Тўққиз бўлимдан иборат «Динкард»нинг дастлабки икки бўлими бугун мавжуд эмас. Қолган етти бўлим 169000 сўзни ўз ичига олади. Уни жамлаб хатга туширган зот Озар Фаранбог Фаррухзода углидир. Ундан кейин «Динкард»ни қайта жамлаган Озарпод Умид угли уни «Минг эшикли Динкард» деб номла-



ди. «Динкард» 1911 йил инглиз тилига Угири-либ, икки жилд шаклида чоп этилди).

Бугун мавжуд «Авесто»да ҳам Гуштасп ҳақда куйланган маъжияларни куплаб учратиш мумкин. «Авесто»нинг «Виспирад» деб номланган алоҳида бўлимида Зардуштнинг айнан Гуштасп шарафига айтган олқишлари мавжуд. «Шоҳнома»да Гуштасп сиймоси «Авесто»дагига нисбатан бутунлай тескари. Бундан шундай худоса қилиш мумкинки, эҳтимол, дин ҳомийси сифатида мазапарастлар уртасида обрў-эътибор қозонган Гуштасп оддий халқ орасида бу қадар мавқега эга бўлмагандир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Гуштасп ситамкор, найрангбоз, нотавон шоҳ сифатида тасвирланади. У туронликларнинг ҳамласига дош беролмай Сийстонга қочади. Бироқ «Шоҳнома»нинг порлоқ қаҳрамонларидан бири Исфандиёр Гуштаспнинг угли. Аммо бу қаҳрамон ҳам қўрқоқ ва хоин отасининг иродаси билан ўлдирилади.

11. *Фарашвстари Ҳуд* *Фрашвштар Ҳу-вуа* — «Янги Авесто»да «Фрашвштара» — «Ишчан ва юргун туя соҳиби» маъносини билдиради. Зардушт динини илк қабул қилган ва унга тарафдорлик қилган зотлардан. Зардуштнинг қайин отаси. «Ҳўгва» Ҳуд «ҳўва» унинг шажаравий номи. Фарашвстари ва унинг биродари Жомосп Ҳўгва Гуштаспнинг вазири, номдор мазапарастлардан эдилар. «Авесто»нинг бошдан сунгигача бу номлар ҳамд-саноларга кўмиб ташланган. Шаҳобиддин Сухравардий (Шайхи Ишроқ) узининг «Ҳикматул Ишроқ» китобида Фарашвстари, Жомосп ва Бузружмехрни қадимий Шарқнинг энг буюқ ҳакимларидан, Ишроқ — нур ва зулмат фалсафасининг асосчиларидан деб биледи.

12. *Мага* — гоҳларда учрагувчи бу сўз бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра мўътабар йигин, анжуман маъноларини ифода этади. Бошқа бир гуруҳ авестошунослар «мага» сўзининг илдизи асли «муғ»га бориб такалади, дейишади. (Муг — авестойи «муту» бўлиб, «буюк иш», «муҳим вазифа», «буюклик ва шукуҳ» маъноларини аниқлатади). «Мага» — «муғлар низоми» Ҳуд «муғларнинг биродарлик анжумани» маъноларида қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Буни «илохий ҳадея», «ҳаққоний дин» дегувчилар ҳам бор. Магалар асида бир гуруҳ хонандаalar бўлиб, гоҳларни уюшган ҳолда куйлаганлар. Кейинчалик қўшиқ куйланадиган ва хонандаalar жамланедиган макон номини ҳам аниқлатган. Юқоридан

ги фикрлар куплаб авестошуносларнинг «мага» ибораси атрофидаги нотугал ақидаларидир.

13. *Дин* — «Авесто»да «даина», паҳлавий ва «Занд»да «дин», «дийин», «дийно» е «дийнан», форсийда «дин». Узаги «до». Мазноси «фикрламоқ, танимоқ». «Авесто»да бу сўзни гоҳ мазаб ва равия, гоҳ эса одамнинг беш қувваи ҳофизасидан бири — виждон Ҳуд илохий қудрат, ёмонни яхшидан фарқлаш истеълоди, деб таъбир қилганлар. Бу пойдор қудрат муаззам Аҳура Мазда одам жисмига жо айлаган ҳодиса сифатида таъқин қилинган. Ушбу ботиний қудрат ўлмининг туртинчи кунни синов куприги бошида туриб марҳум руҳини қарши олади. Агар марҳум солиҳ амалли, ашаван ва пок бўлса, уша ботиний қудрат, яъни дин гоятда соҳибжамол қиз сиймосида намоён бўлади. Агар борди муарҳум гуноҳкор бўлса, уша ботиний куч гоятда абгор бир таъвия қиёфасида юз курсатади. Улар уз соҳибларини амалларига муносиб равишда, ё биҳишт ё дузахга бошлайди.

14. *Дурванд* — Ашаҳ — Ҳақиқатга муқобил куч, дуруж издоши, девпараст, гумроҳ, нопок.

15. *Гириҳма* — Зардушт ва унинг динига душман бўлган девпарастлар шахрири ва пешволаридан. Бу ном гоҳларда уч уринда дуч келади. «Авесто»нинг бошқа бирор бир урида учрамайди. Гириҳмалар охирида дузах қаърига ташланадилар.

16. *Караллар* — мазапарастлар динининг душмани. Гоҳларда девпарастлар гуруҳи пешволаридан. Караллар «Авесто»нинг бошқа нусхаларида ҳам жодугарлар, парилар ва ҳоказо ёмонлик кучлари билан бир уринда тилга олиннади.

17. *Кавай* — мазапарастлик дини душмани бўлган ҳукмдор. Аммо қарийб ҳамма уринларда бу шоҳ Гуштаспнинг унвони бўлиб келган. Гуштасп — Зардушт динининг ҳомийси. «Кавай» кейинча форс тилига «кай» шаклида ўзлашиб, барча ханий шоҳлар исмига қўшилиб келган. Кай Қубоддан то Кай Гуштаспгача.

18. *Хурдо* — «Авесто»да «Ҳараватот», паҳлавийда «Хурдо» е «Хурдот». «Комиллик», «тугрилик» маъноларини ифодалайди. Гоҳларда Аҳура Мазда илоҳларидан бири. «Янги Авесто»да Амшосипандлардан бири. Спандормаз ва Амурдо билан биргаликда илоҳа Амшосипандлар гуруҳини ташкил қиладди. Аҳура Мазданинги она худолари силсиласи-



305

да олий уринни эгалайди. Ушбу Амшосипанд илоҳанинг номи илоҳа Амурдоо билан бирга қўлланилади. У заминий ҳаётда сувларга пушт-паноҳ бўлади.

19. *Амурдоо* — «Авесто»да «Амирмитота», паҳлавийда «Амураод», форсийда «Амураод» в «Мурдоод». Маъноси — «умрбоқийлик», «абодият». Гоҳларда Аҳура Мазданинг илоҳаларидан, «Янги Авесто»да илоҳа Амшосипандадан бири.

20. *Уштавад гоҳ* — «уштавайти госо». Бешлик андаргоҳ кунларининг иккинчиси. Зардушт яратган бешлик қўшиқларнинг иккинчиси шундай номланади.

21. *Гарзмон* — гоҳларда «гарвдимана», «Авесто»нинг бошқа бахшларида «гарванмона». Паҳлавийда «гартмон». Маъноси — қўшиқ ва тоат-ибодатлар ижро этилувчи маскан ёҳуд тоат саройи. Аҳура Мазданинг макони, бадики биҳишт.

22. *Дуруж куюми* — бу таъбир дўзахга нисбатан қўлланилади. Дуруж куюми ёҳуд дўзах ёмонлик (акамана), девлар ва дуружлар яшайдиган саройдир (Дўзах ва Дуружга қаралсин.)

23. *Френа* — голя машҳур бўлган туронлик оилалардан бири. Бу хонадон аҳлининг нуфузлари Зардуштга дўст тутинганлар. Гоҳларда (46-ясна, 12-банд) ушбу оила аҳли яхшилик билан зикр этилади. «Авесто»да тилга олинган бу хонадоннинг энг номдор намоёниси Ювойштадир.

24. *Ҳачтаспийлар* — ҳажтаспа хонадонига мансуб бўлганлар. Зардушт гоҳларда (46-Ясна, 15-банд) уз хонадон аҳлини шу ном билан атайдн ва уларни уз панд-ўғитларини тинглаш учун ҳузурига чорлайди. Шунингдек, уша уринда (53-ясна, 3-банд) уз қизи Пуручистага Ҳачтаспий деб хитоб қилади. Ҳачтасп — «уловли от соҳиби» маъносини англатади. Зардушт аждодларидан бирининг номи. «Бундахишн», «Динкрад» китоблари, Масъудий, Табарий каби доғишмандларнинг қайда этишича, Ҳачтасп Зардуштнинг тўртинчи аждоди экан.

25. *Сипантмада гоҳ* — авестойи «спинта майню косо». Бешлик ҳафта — андаргоҳнинг учинчи кунн, учинчи госо (гоҳ)нинг номи.

26. *Сипандмийну* — «Авесто»да «Спинта майню». Маъноси — «Тафаккур олами». Гоҳларда (госо) Аҳура Мазданинг гоҳ руҳий қудрати, гоҳ нури; «Янги Авесто»да эса Олий Илоҳ Аҳуранинг узи ёҳуд зотининг сифати, увнони, мақоми. Унинг ашадий муҳолифи

«Ангра майню» — Аҳриман. Маъноси — «вузлик олами. Бу икки, бир-бирига қарама-қарши қудрат, уларнинг тобеинлари, пайрав — издошлари, тарафдорлари уртасидаги зиддият, муҳолифлик ва кураш бу дунёнинг — тириклик оламининг ибтидосидан интиҳосига қадар давом этади. Ҳаёт, Яратилиш, Мавжудият, умумаъ, борлиқнинг асл мазмун-моҳияти шу. Шундай эди, шундай бўлиб қолади. Гоҳларда (госо) кузатганимиздек оламнинг яралиш дақиқаларида Спинта майню ва Ангра майню уртасида кучли баҳс рўй беради. Спинта майню Ангра майнюга дейди: «Бизинг бутун борлигимиз, вужудимиз, тириклигимиз аввал бошдан буткул ва батамом қарама-қаршидир, бир-бирига муҳолиф — душмандир».

27. *Биндва* — девпараст шахриерлардан бири. Маздапарастлик дини ва Зардушт элтан хабар — пайгомларга голя қаттиқ қаршлик кўрсатади. Зардушт узининг учинчи қўшигида (49-гоҳ, 1 ва 2-бандлар) биндваини узининг «энг буюк душмани» ва «каззоблар устози» деб атайдн.

28. *Вуҳуъхштар гоҳ* — вуҳуъшасра госо — Зардуштнинг бешлик гоҳларидан тўртинчиси. Бешлик ҳафта — андаргоҳнинг тўртинчи кунн шу ном билан юритилади. Ваҳуъхштарининг маъноси «якши шаҳар», «гузал ўлка» (Аҳура Мазданинг абадий шаҳри). У тақрибан «Хшасра вайря». (Шаҳриёр) — учинчи амшосипанда билан тенгдир.

29. *Мадывмоҳ Сидийтмон* — «Авесто»да «Майдявий», «Майявий», «Мовангха». Паҳлавийда «Матяви моҳ». Маъноси — ой уртасида таваллуд топган. Маздапарастларнинг диний суннатлари, «Янги Авесто»даги айрим ишоратларга мувофиқ Мадывмоҳ Сидийтмон Зардушт амакисининг ўғлидир. У Зардушт динини биринчилардан бўлиб қабул қилган зотлардан. Мадывмоҳ Орастийнинг ўгли, Сидийтмон хонадонидан.

Зардушт уз гоҳларида Мадывмоҳ Сидийтмонни Мазда динини қабул этганидан сўнг, кўплаб халқларни бу динга даъват қилган узининг энг яқин ерлари қаторида тилга олади.

«Фарвардин яшт»да (95-банд) Фараваший мадҳ этилганидан кейин Мазда таълимотини биринчилардан бўлиб қабул қилган Мадывмоҳ Орастий ўғли эсланади.

«Бундахишн»да (32-булим, 3-банд) шундай қайда этилган: «Зардушт Ийрон-Вийжга уз динини олиб келгач Мадывмоҳ уни қабул қилди».

Бошқа бир тарихий манбада қайда этили-



шича, Зардушт пайгамбарлигининг дастлабки ун йили давомида ягона издоши бор эди. У ҳам бундас Мадаямвоҳ эди. Икки йилдан кейин Гуштасп унинг динини қабул қилди. «Дин-карт» китобида ҳам Мадаямвоҳ Мазда Аҳура эътиқодини даставвал эътироф ва қабул этган зотлар сафида тилга олинган.

(«Бундаҳишн» — маъноси «борлиқнинг яралиши». Қадимги динлар ва диний эътиқодлар ҳақидаги асотир ва ривоятлардан иборат — бу буюк китобнинг муаллифи маълум эмас. «Бундаҳишн» 46 бўлимдан иборат. Унинг икки қўлэмиси — «Ҳиндий бундаҳишн» ва «Буюк Бундаҳишн» мавжуд.

Китоб инглиз тилига «Висп» номи билан таржима қилиниб, «Машриқ заминнинг муқаддас китоблари» мажмуиға киритилган. Форс олими Меҳрлод Баҳор «Бундаҳишн» таржимасини тугаллаш арафасида. Унинг айрим бўлимлари чоп этилди).

30. Ваҳийшвайшт гоҳ — ваҳийшвайшт го-со. Бешлик гоҳларнинг бешинчиси. Ваҳийшвайшт — андаргоҳ — ҳафтанинг — бешинчи куни.

31. Пуручиста — «ямли» маъносини англатади. Зардуштнинг кенжа қизи. Зардуштийлар уртасида жуда кенг тарқалган ривоятларга кўра Пуручиста Гершаспнинг вазири ва маслаҳатчиси Жомоспнинг хотинидир. Қўлаб тадқиқотчилар Зардуштнинг сунгли бешлиги (ясна, 53-ҳот) Пуручиста ва Жомоспнинг турмуш қўришлари муносабати билан яратилган, дейишади.

32. «Ашим вуҳув...» — Зардуштий динидаги уч муҳим ва машҳур дуонинг бири. «Ашим вуҳув...» бу дуонинг дастлабки сўзлари булиб, дуо ҳам шу ном билан юритилади. Баъзи манбаларда бу дуони намоз, ҳамд-сано, алқов ё олқиш ҳам дегаилар. Дуонинг мазмуни ясналарнинг ибтидо қисмида келтирилди. (Иккинчи дафтар, ясна, ибтидо, 1-баид.)

33. «Фравараниҳи...». — Яснанинг (12-ҳот) дастлабки сўзи. Маздапарастларнинг бу динга пайровликлари, унинг буйруқларини сўзсиз адо этишга тайёр эканликлари хусусидаги иқроордуонинг дастлабки сўзи.

Бу иқроор, «Авесто»нинг барча бўлимларида урни-урни билан қўлланади. Яснанинг ушбу ҳоти «Фрауритий» (иқроор булиш) деб номланган. Зардуштийлар бир кеча-кундузда бир неча бор камар боғлаганларида (белбоғ) бу иқроор дуосини ўқиганлар. «Авесто»да «айвй-онгаҳана» (маъноси белбоғ, камарбанд), форс-сида «кушти», «кусти» деб номлангувчи бу

ном ва одат маздапарастлик динига хосдир.

Маздапарастлар динининг белбоғи ёхуд диний камарбанд оқ қўйнинг етмиш икки тола юнгидан иборат.

Бу камарбанд аёл мубад томонидан туқилади. Ун иккита толадан иборат олтига ип ришта, жами етмиш икки толали камарбанд — «Авесто»нинг муҳим қисми булган етмиш иккита ҳот, ун икки ой ва йил давомида маздапарастлар нишонлайдиган олтига диний маросимга ишора қилади. Олтигак ришта ёхуд ипни камар атрофида уч марта айлантириб боғлашади. Учлик маздапарастлар динининг бунёд ва асоси булган эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалга ишора қилади. Ришта камар атрофида иккинчи марта айлантирилганда олдиндан икки тугун қилинади; учинчи охири марта айлантирилганда эса орқа томондан иккита тугун тугадилар. «Бундаҳишн» тўрт тугунни шундай шарҳлайди. Биринчи тугун якка ва ягона Яратгувчининг борлиғига ишора, иккинчи тугун маздапарастлик динининг барҳақ ва аҳуравий эканига ишора, учинчи тугун Зардуштнинг пайгамбарлигига иқроорлик белгиси; тўртинчи тугун эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалга ишонч белгиси.

Камарбанд урэн танага кийиладиган махсус диний кўйлак — судра устидан боғланади. Ҳар бир зардуштий ун беш ёшга тулғач ба-логат нишонаси ва маздапарастлар сафиға қўшилганининг аломати сифатида судра кийиб, камарбанд боғлайди. Камарбанд боғламоқ ҳар бир зардуштий ҳаётидаги энг муҳим воқеа булгани учун у махсус маросим вази-фасини утаган. Бу маросимни Ҳиндистонда муқим яшовчи порсо зардуштийлар «нужут» дейдилар. Форс-сида «нузут» ё «нузуд». Машҳур авестошунос бу истилоқни «навзот» ё «навзод» деб аташ тугериоқ дейди.

Бунинг маъноси «қайта тугилиш», «янгидан яралиш» ёхуд «янгидан тугилмоқ»дир. Яъни камар боғламоқ маросими ҳар бир зардуштийнинг қайта тугилиши (диний-маънавий) ҳисобланган.

Маздапарастлар судра киймоқ ва камарбанд боғламоққа жуда катта эътибор берадилар. Чунончи, ун беш ёшдан ошган ва судра кийиб, камар боғламаган зардуштийнинг ҳар бир босган қадами буюк гуноҳ ҳисобланади. Шу боисдан ҳар бир зардуштийнинг эғнида судра, белнда белбоғ булиши қатъиян шарт. Бир кеча-кундузда бир неча бор энгил алмаштирар эканлар, белбоғни ечиш пайтида Яратгувчини маъд этадилар. Аҳриманга нафрат





уқийдилар, белбоғ боғламоқ дуосини зикр этадилар. Шундай аллозда қайта-қайта бу ҳол такрорланади. Камарбанд биринчи марта сүзсиз уйқудан турганда; иккинчи — қазойн ҳожатдан сунг; учинчи — намоз адо этмоқдан буруи; туртнчи — иссиқ сувга бориб, танани ювгач; бешинчи — хурақдан олдин боғланади. Кимда-ким уйқудан қузголгач, овқатдан олдин камарбанд боғламоқ одатини адо этмаса катта гуноҳ саналмайди, бироқ қолган уч ҳолатда гафлат раво эмас, албатта, белбоғ янгидан боғланмоғи шарт.

Белбоғ янгиланаётган пайтда агар бомдод — тонг сахар бўлса шарқда, агар тушдан — чошгоҳдан кейин бўлса гарбга ва агар тун бўлса чироқ ё ойга юз буриб турилади.

Умуман, бу одат етти ешдан ун беш ешгача булган даврда амалга оширилади. Бироқ ун бешдан утказмоқ мумкин эмас. Авестошунос Меҳрдо Абҳор камар боғламоқ хусусида шундай ёзади: «Камар боғламоқ зардуштийларнинг муқаддас одатларидандир. Уларнинг фикрига қура бу инсон танасининг иккига ажратиб турувчи пушта ёхуд девор. Таннинг юқори қисмидан яхши амаллар вужудга келади. Пастки қисмидан эса Аҳриман ёмон амалларни рўёбга чиқариши мумкин».

34. *Ҳована (ҳований)* — узбек тилида угир, кели; форс тилида ҳован, ҳована, маздапарастлик динида оташкаданинг энг муҳим ашеларидан биридир. Ҳавм гиеҳи ҳованада туюлган ва ундан ҳавм одатида ишлатиладиган шарбат олинган. Ҳованада гиеҳ туюлаётган пайтда янграган садо маздапарастларни чорлашга хизмат қилган. Масиҳийлар калисосида чалинадиган Ноқуснинг келиб чиқиши ҳам ҳованага бориб тақалади. Зардуштий динида бир кеча-кундуз беш қисдан иборат. Ҳовангоҳ — бомдоддан кун ярмигача булган пайт. Ҳовангоҳ бомдоддан чошгоҳга довуруқ қиладиган намоз-дуонинг ҳам номидир. «Хурада Авесто»да келтирилган бу дуо 10 банддан иборат. Ҳованан (ҳованлар) — саккиз кишидан иборат илк дин пешволари (мубаллар)нинг унвони. Ҳованлар илоҳий язишна маросимини утказишда бошчилик қиладилар. Бу маросимда ҳованларнинг муҳим урни бўлиб, маросимни ташки қилувчи раҳбар мубад — завтлардан кейинги мақомда турадилар ва ҳавм шарбати уларнинг зиммасида.

35. *Рад (рат)* — паҳлавий тилида «рат», форсийда «рад». Бу сүз «Авесто»да икки маънода қўлланилади. Биринчи — гоҳ, ҳангом, замон; иккинчи — илоҳий маҳкама ҳакам.

ми. Гоҳларда (29-ясна, 2, 3-бандлар; 31-ясна, 2-банд) Зардуштнинг узи рата (икки гуруҳ — маздапарастлар ва девпарастлар ўртасида ҳакам) деб аталган. «Янги Авесто»да «рат» сүзи «аҳу» сүзи билан қўшилган ҳолда буюк, сарвар, олам пешвоси маъноларини узиди мутассам этган.

36. *Озар (оташ)* — олов қуриқловчи илоҳ. Маздапарастлар динининг энг буюк илоҳларидан бири ҳисобланади. «Авесто»да — «отар», «отарш», Паҳлавийда — «отур», «отакш». Илоҳ Озарни улуғлаш мақсадида Аҳура Мазданинг угли деганилар, гоҳ эса аммосипандлар гуруҳидан жой берганлар. Қадимги Шарқ динларида илоҳ Озарнинг зиммасига гоят масъулиятли юмушлар юкланган. Озар аммосипанда Ардабиқишт билан биргаликда девларга қарши жанг қилади. Олам ва одамнинг сунги кунларида савоб ва ёзуқлар сарҳисобида иштирок этади.

37. «*Яса аҳу вайрю...*» — зардуштийлик динидаги энг муҳим ва машҳур олқиш, ҳамдано. Ҳамданинг номи унинг дастлабки сузларидан олинган. Бу олқиш «Авесто»да бошдан оёқ учрайди. У ҳар бир зардуштийнинг тилида мудом такрорланади. Тили чиққан ҳар бир зардуштий гудак даставвал ушбу дуони ёд олади. Бундан сунг яна бир муҳим ва машҳур дуо — «Ашим вухӯв...»ни, учинчи навбатда «*Йингхи ҳотам*» дуосини урганади.

Бу икки олқиш ёхуд дуо — «Ашим ваҳу...» ва «*Яса аҳу вайрю*»ни «қўшимча яшт» ҳам деганилар. Зеро, бу дуолар ҳар бир савобот, ҳамдларнинг ибтидо ва интиҳосида қайта-қайта такрорланган. Ва айтиш мумкинки, девлари барча ҳолларда ушбу такрор кузатилади. «Хурада Авесто» ва бугунги «Авесто» ҳам бу икки дуо билан бошланади. «*Яса аҳу вайрю...*» «Авесто»да «*Аҳуна вайря*», паҳлавийда «*Аҳунавар*» ё «*Хунавар*» деб аталади. Бу дуо «Авесто»нинг госога ухшаш (госоня) бўлими ҳисобланиб, ун олти ҳижоли уч сатрни ташкил этади. «*Яса аҳу вайрю...*» йигирма бир сүздан иборат. «Динкарда»да ёзилишича, Аҳура Мазда «Авесто»нинг 21 наскини (китоб) шу дуонинг йигирма битта сузлари миқдорида нозил қилади. «*Яса аҳу вайрю*» ёхуд «*Аҳунавар*» дин ва билимларнинг асоси ҳисоблангани учун 21 наск унинг уч сатрига мос равишда уш қисмга булинди: «госоняк», «дотяк» ва «ҳот монсряк».

Бу дуо тилимизга қуйидагича таржима қилинади: У буюк рад жаҳон аҳлининг армони бўлгани ҳам мийну ради ва бунёдқордир, тн-

рикликнинг эзгу амал ва андишалари Мазда йулидадир. Шаҳриёрлик Аҳурага хосдир. Аҳурадирким Уни дарвишларга паноҳ бўлиши учун танлади».

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки «Авесто» билан шугулланган кўплаб олимлар бу дуо — олқишни турли йусинда таржима қилганлар.

38. *Завт* — «Авесто»да завтара. Энг буюк дин пешвосининг унвони. У муҳим маросим ҳисобланмиш «язишна»ни бошқариб туради. Маросим чоги етти руҳоний мубадга раҳбарлик қилади. Улар бевосита завт амрларини адо этадилар. Бу мақомнинг (Завт) нақадар буюклиги хусусида «Бундаҳишн» ёзади (3-бўлим, 30-банд): «Қиёмат куни Аҳриманни ҳалок қилиш учун язишна маросими утказилади. Бу маросимда Аҳура Мазданинг ўзи «Завт» вазифасини ўз зиммасига олади». Шунингдек, гоҳларда (3-ясна, 6-банд) Зардушт узини «қўшиқчи-завт» деб атайди. «Динкард»да уқиймиз: «Олам сўнггида фарашкард — дунё ва диннинг янгилашиш палласида Зардушт ҳамд ўқимоқ учун кўтарилади ва бу маросим — язишнада унинг ўзи Завтга айланади».

39. *Мийну* — «Авесто»да «майю» ё «майну». Паҳлавийда «майнук». Маъноси — ўзга олам ёхуд моддий олам яралишидан бурунги олам. Мийну ё майню моддий олам тугаб, қўпган лаҳзада яна бино бўлади. Бизнинг тушунчамиздаги биҳишт ёхуд фирдавс мийнунинг мазмунига мос келади. Манбаларда келишича ҳар бир жонли, жонсиз нарса ҳали моддий оламга келмасдан бурун мийну оламида мавжуд бўлган. Шарқ адабиётида бу тушунча руҳ, жавҳар каби ҳодисаларни ифодалаган.

Мийну ёлғиз инсонларгагина хос ҳодиса эмас, балки жонварлар, гиёҳлар ҳатто жонсиз жисмлар ва ҳоказолар мийну оламида ўз мийнуларига эга бўлганлар. Аҳуравий олам ижодкори ёхуд яратувчиси Спинга Майню (Аҳура Мазда), аҳриманий оламнинг холиқи Ангар Майню (Аҳриман)нинг ҳар бири хилқатнинг алоҳида-алоҳида мийнусидир. Гоҳларда, «Янги Авесто»да ва бошқа бир қатор манбаларда бу икки ҳодиса хилқатнинг бирламчи мийнулари ёхуд икки эгиз (ҳамзод) мийну сифатида тилга олинади. Шунингдек, амшосипандларнинг ҳар бири, илоҳлар ниманингдир мийнуни ҳисобланади ва моддий оламда моддий-дунёвий жисмга кирадилар.

Авестошунос Меҳррод Баҳор оламнинг яралиши хусусида маздапарастлар фалсафаси-

ни таҳлил қилар экан шундай ёзади: «Аввалда замон чегара билмасди, бепоён, яъни азалий ва абадий эди. Жаҳон икки — ёруглик ва зулматдан иборат бўлиб, ёруглик ёхуд нур оламига Хурмузд (Аҳура Мазда) ва зулмат оламига Аҳриман ҳоким эди. Хурмузд Аҳриманни жамулжам зулмат, қоронгилик сифатида биларди. Бироқ у ўзини зулматнинг босимидан ёхуд тажовузидан ҳимоя қилиш учун чексизлик замонидан чегараланган замонга юз бурди ва 12 минг йиллик замонни яратди. У пайтда замоннинг ўзидан бошқа ҳеч бир хилқат мавжуд эмас эди. Хурмузд чегараланган вақт-замонни яратганини кўргач, у ҳам шундай қилишга азм этди. Бу ўн икки минг йилнинг уч минги жаҳон мийнусини яратмоққа кетди: амшосипандлар, илоҳлар ва моддий олам мийнулари — осмон, сув, замин, гиёҳлар, ҳайвонлар ва одамлар яратилди. Уч минг йиллик сўнггида Аҳриман ёруглик оламига ҳужум қилди ва муқаддас «Аҳунавар» («Яса аҳу вайрю») қўшигини эшитгач таққа тўхтади-да зулмат қаърига чўкди. Шундан кейин Хурмузд иккинчи уч минг йиллик ибтидосида моддий жаҳон мийнуларига таъвужуд бахш этди...»

40. «*Асартуш ашот чийт ҳача...*» — машҳур «Яса аҳу вайрю» дуосининг давоми. «Авесто»нинг кўп ўринларида олий руҳоний Завт донишманд порсолардан уни уқишни сўраган. Жумланинг маъноси 36-изоҳда келтирилди.

41. «*Фирастуйҳи...*» — маздапарастлар диний дуолардан бирининг номи.

42. *Савангҳий* — ўзаги «савангҳа». Маъноси — фойда, самара. Чорпо ҳайвонлар илоҳи Ҳованийнинг ҳамкоридир.

43. *Вяся* — «вик»дан олинган бўлиб, «қишлоқ» маъносини ифодалайди. Қишлоқлар илоҳи, Ҳованийнинг ҳамкорларидан.

44. *Гаҳинбар ёхуд гаҳанбор* — паҳлавийда «госонбор». Олти хилқат (яратилиш) байрамларининг номи. Бу байрамлар йил давомида муайян бир пайтда қайд этилган. Маздапарастлар эътиқодига кўра, Аҳура махлуқларини ёки ўз мавжудотини бир йил давомида олти галда яратган эмиш. Бу яралишнинг ҳар бири узининг алоҳида номига эга бўлиб, улар қуйидагича:

1. Биринчи гаҳанбор: «Майдюзарим» — осмоннинг яралиши.

2. Иккинчи гаҳанбор: «Мийдюшам» — сувнинг яралиши.

3. Учинчи гаҳанбор: «Патя Шҳим» — заминнинг яралиши.



4. Туртинчи гаҳанбор: «Аесрим» — гнеҳларнинг яралиши.

5. Бешинчи гаҳанбор: «Мийдѐрим» — жонварларнинг яралиши.

6. Олтинчи гаҳанбор: «Ҳамаспатмадам» — инсонларнинг яралиши.

45. *Раюманда* — «Авесто»да «раъйвант». Маъноси — шукуҳмандлиқ, қудрат ва фарогат соҳиби. Ахура Мазда, баъзи илоҳлар ва одамларнинг сифати. Аксарият ҳолларда «фаррихманда» сузига қушилган ҳолда келади.

Нишопурда «Рийванд» номи тоғ бор. Ундаги «Озари Бурзайн Миҳр» оташкадаси гоят машҳур.

46. *Фаррихманда* — «Авесто»да «Хавринавант». Маъноси — фаррадан кабардор ёхуд фарра соҳиби.

Фарра — «Авесто»да «Хаврина» ё «харвинанга», қадимги форс тилида «фарнаҳ», паҳлавийда «хаварраҳ» ёхуд «хаварага», монавий битикларда «фарриҳ», форсчада «фарр», «фарриҳ» ё «хаварриҳ» ё «хурриҳ». Бу шундай илоҳий фарогат ва муҳаббатдирки ундан огоҳ бўлган зот йўлбошчи, ҳукмдор бўлади, шахриёрлик мақомига эришадн, адолат соҳибига айланади.

Бир ашаван эрининг одамларга аҳравий йўлбошчи бўлиши, динни ёйишда, шахриёрликда ҳамма-ҳаммадан юксакикларга кўтарилиши фарри туйфайлидир. Фарр соҳибларининг икки фазилатли бўлишлари «Шохнома»да ҳам қайд этилади:

Дер илоҳий фарр бирлан мен узим,

Мубаду ҳам шахриёр, шулдир сузим.

Қисқаси шуки, маздапарастларнинг инонъятиқодига кура ашаванлар пешвоси ва яздонпарастлардан тортиб, ҳукмдорлар, шахриёрлар, санамлар ва паҳлавонлар, тўғри йўлдаги курашчиларнинг бари-бари фардан хабардордирлар ёхуд бу илоҳий фарогат ва муҳаббат уларга насиб этгандир. Шу жиҳатдан «Авесто»да ёлғиз Ажи дақок (Заҳҳок) ва бошқа кўплаб бедодгар паҳлавонлар ва шахриёрларга ҳарчанд интилсаларда фарр насиб этмади, балки Жамшид, Ковус каби фаррихманда сиймолар ҳам тўғри йўлдан озсалар, худписанда ва худбинлик касалига йўлиқсалар, ўз оёқлари остидаги гиламдан ташқарига қадам ташласалар, ёлгон билан тиларини булғасалар, бедодгарлик йўлини тутсалар фарр улардан юз буроади ва улар шум оқибатга дучор бўладилар.

Авестошунос Меҳрход Баҳор ёзади: «Фарр — саодат, шукуҳ ва порлоқ маъносини англатади. Авестойи ва кўлаб Шарқ аба-

диётларида «фарраҳ» (фараҳ) баракат, саодат, иқбол сузалари билан бир қаторда қўлланади. Дарвоқе барака топиш, саодатли бўлиш шак-шубҳасиз фаррга боғлиқдир. Бироқ фараҳ (фарр) албатта кишининг яхши амаллари эвазига қўлга киритилади.

Агар ҳар бир одам, табақа ёхуд қавм яхши амаллари бажо айласа, мудом тўғрилик ва ҳаққоният билан иш тутса, яъни ўз инсонлик бурчи, табақа ва қавм манфаати учун жон куйдирса фараҳманда (фарр соҳиби) ва саодатли бўлади.

Фарриҳ — кайҳоний ва илоҳий қудрат. Фарриҳ ёруглик, равшанлик бахш этгувчи. Унинг самовий ва илоҳийлиги шундаки, одамларнинг яхшилиги, солиҳ амаллари туйфайли қудрат, бойлик, муваффақият суратида одамларга таъсир курсатади ва шаклга кирди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, яхшилик самовий ва инсоний қудратнинг асосидир..

Фарриҳдан баҳраманд бўлиш бу руҳ вази-фасидир ва фақат солиҳ амаллар оқибатида ҳосил бўлади. Ҳар бир инсонга руҳ ато қилинган. Инсон ўз зиммасига юклатилган умумий ва хусусий вази-фасини бажариши ё бажармаслиги оқибатида биҳишт ёхуд дўзахга тушади. Ва бу руҳнинг иши бўлиб, ҳаёти дунёда инсонни саодатманда ва фарҳманда, ё аксинча, бахтсиз ва саодатсиз айлайди. Фарриҳ тушунчаси замонлар оша бошқа динларда ҳам пайдо бўлганини қайд этадилар. Чунончи, сомиё динлардан яҳудий таълимотида қўллангувчи «соксина» ёхуд Қуръони каримда олти уринда қўлланувчи «сақйна» фарр — фарриҳ маъносига яқин, дейилади. Саодийнинг таъбирига кура «фарриҳ» бу илоҳий саодат дуосидир.

47. *Меҳр* — «Авесто»да «мийсра», паҳлавийда «мийтр» ёхуд «мийҳр». «Янги Авесто»да фарогат ва ёруглик илоҳи. У қадимги Ҳинд ва Эрон динларидаги энг буюк илоҳлардан бири саналган. «Авесто»нинг унинчи яшти «Меҳр яшт» гоятда баланд ва гўзал қасидалардан бири ҳисобланади.

Меҳр қадимги Ҳинд асотирларида баракат бахш этгувчи қасамни асровчи ёхуд сақловчи илоҳ сифатида намоён бўлса, ижтимоий ўзгаришлар оқибатида жамийки табақа ва гуруҳлар илоҳига айланади. Бироқ у аҳд-вафо, қасамни қамиша ўз ҳимоясига олади. «Меҳрни алловчи» (меҳр дурж), «меҳр фириб», «меҳр озор» каби тушунчалар «қасамхўр», «аҳдсиз» маъноларини англата боради.



Гоҳларда (46-ясна, 5-банд) «мийсра» ёлғиз бир марта «дин амалларини бажарувчи» маъносида, «Вандидод»да (4-фаргара) «қасам» маъносида қўлланилади. «Меҳр яшт»нинг узида бу сўз баъзида «қасам» маъносини ифода этади.

«Авесто»да Меҳр исми кўпинча «Вууврүв-гавявятий» — «кенг яйловлар соҳиб» ёхуд «кенг яйлов» сифати билан келади.

Ойнинг ўн олтинчи кунни, йилнинг еттинчи ойни Меҳр илоҳи номи билан юртилади. «Бундахишн»да келишича бинафша Меҳрға хос гулдир.

Илоҳ Меҳр амшосипанд Шаҳриёварнинг ёр ва ҳамкорларидан бири. Мийну оламида унинг вазифаси охир замон соатларини санамоқ ва бу жараёнга раҳнамолик қилмоқ. Меҳр охир замонда илоҳлар Суруш ва Рашн билан Чайнвадпул (сирот кўприги) қошида туриб, ҳақ йўлидаги инсонлар руҳини дузах қазрига итқитмоқчи бўлган девлар исканжасидан халос айлайди.

Илоҳ Меҳрға бағишланган ҳамд ва мақтовлар ҳинд, умуман, қадим Шарқ динларида жуда кенг уринни эгаллаган. Кейинчалик эса махсус Меҳрнинг узига бағишланган маросим (Мийтроясм) пайдо бўлди. Бу маросим Гарб ва Шарқда кенг шухрат ёйди. Масиҳийлик ва бошқа бир қатор динлардаги амаллар Меҳр маросимларидан олинган иқтибослардир. Меҳрб (меҳрабо) қолдиқларининг жуда кўплаб калисолар вайроналари остида, шунингдек бугунги ибодатхоналарда учратиш мумкин. Илоҳ Меҳрнинг буюк ҳайкали Санкт Петербург, Ватикан, Рум ва унлаб калисолар, музей ва илм-ҳунар марказларида мавжуд.

«Меҳр руз» — ойнинг ўн олтинчи кунни; «Меҳр озор» — Меҳрға озор бергүвчи, қасамхўр; Меҳр дуруж — «Авесто»да «Мийсру дуруж» — Меҳрни алдагүвчи; «Меҳр фириб» — Меҳрни алдагүвчи; Меҳрқуш — ер юзига гоятда қаттиқ қаҳратон келтириб, уч йил мобайнида ёмғир, қор ва совуқ шамоллар тасририда ер юзидаги жамийки яшилликларни нест-нобуд айлайди ва ҳоказо. (Буларнинг ҳар бири хусусида ўрни-ўрни билан яна ҳикоя қилинади).

48. Ром — «Авесто»да «Рома» ё «Роман», маъноси — ором-осудалик. Ҳаво илоҳининг номи. Бу ном кўп уринларда «ваю», «вой», «вайи», «андарвай», «войваҳ», «биҳвой» шаклида ҳам ишлатилади. «Ром» «Авесто»да «ваю» ёхуд «вой»дан алоҳида, бироқ ўрта форс адабиетида у билан баробар

қўлланилган. Ойнинг йигирма биринчи кунини қуриқлаш Ромнинг зиммасида. Ун биринчи «Ром яшт» бу илоҳға бағишланган ҳамд-санолардан иборат. «Авесто»да у «яхши яйловлар соҳиб» сифати билан таърифланади ва илоҳ Меҳр билан ёнма-ён қўлланилади.

49. Хуршид — «Авесто»да «Хвари хшайта», маъноси «ёруғ доира». Машҳур самовий курра — қуёш ва илоҳ номи. Хуршид «Авесто»да «абადий», «барҳаёт», «раюманд» (шукҳли), «юргун отли» каби сифатлар билан қўлланилади. «Хуршид яшт» ва «Хуршид маросими» бу илоҳ шайнига бағишланган. Ойнинг ўн биринчи кунни ҳам Хуршиддир. Хуршид — қуёш Аҳура Мазда яратган илк инсон — «Каюмарт уругини покловчи ва уни асрагүвчи». «Бундахишн»нинг ёзишича, Хуршид — Қуёш етти қабат осмоннинг бешинчи поясида жойлашган.

50. Андарвай — «Авесто»да «антариваю» ё «ваю». Паҳлавий ва форсийда «андарвай» ё «дарв» ё «вой». Маъноси — ҳаво. «Андарвай» — ҳаво илоҳи. Аксарият ҳолларда «забардаст» сифати билан биргаликда қўлланилади. («Ром» изоҳига қаранг).

Ун бешинчи «Ром яшт»да ҳикоя қилинишича, мийну олами ва аҳриманий зулмат олами ўртасида «ваю» номи самовий кенглик мавжуд. «Ваю» Спинга Майно (Аҳура Мазда) хилқати ва Ангар майно (Аҳриман) хилқати ўртасида чегара вазифасини ўтайди. «Бундахишн»да ўқиймиз: «Юқорида абадий фарағат ҳукмронлиги бўлиб, у Аҳура Мазданинг маконидир. Қўйи манзилни абадий зулмат қоплаб олган. У Аҳриманнинг макони.

Ваю (ҳаво) ҳар икки олам ўртасидан жой олган. Биҳишт юқорида, дузах эса қуйида. Барзаҳ эса ўртада — ҳаво манзилида.

Бинобарин, мийну оламига ёвуқ ера жойлашган Андарвай аҳуравий покликдан огоҳ. Илоҳ Андарвай (Ваю) уни асрашга ва ҳимоялашга буюрилган. Шу боисдан у мадҳ қилишга муносиб илоҳ ҳисобланган.

Зулмат ва аҳриманий оламга яқин ераги ҳаво булганч, нопокдир. Улар, яъни ушбу нопок ҳаволар девлар қавмидан ҳисобланган.

«Авесто» ва «Ром яшт»нинг кўп уринларида қуйидаги хитобга дуч келамиз: «Эй, Андарвай! Сендан Сипандмийнуга мансуб бўлганларингина ҳамд этами!» Демак, икки хил «Вой» (Вою) мавжуд экан. Бири — пок ҳавони асрагүвчи, фойдали ва аҳуравийдир. Иккинчиси нопок, зиёнбахш, аҳриманий ҳавони қуриқловчи. «Ром яшт»да нопок аҳриманий



ҳаво девлари ҳақида ҳикоя қилинмаган. Бироқ «Вандадод»да (5-фаргард) бу дев ҳақида сўз юритилади ва у «Улим деви»га тенглаштирилади.

51. *Ушйдарина (Ушйдам)* — Сийстондаги тоғ. «Бундаҳиши»да ёзилишича, Зардушт — худди шу тоғ чўққисиди илоҳий пайгомий эшитди. «Ушйдарина» сўзининг маъноси — «хуш ёхуд хушёрлик бахш этгучи».

52. *Фраваший* — қадим форс тилида «фраватий», паҳлавийда «фравахр» ва форсийда «фравар» ё «фравард». Бешинчи мийиувий хилқат. У дунёвий, борлиқ тани вужудга келмасдан бурун мавжуд эди. Улимдан сунг ҳам пойдор бўлиб қолади. «Авесто» ва бошқа муътабар диний манбаларда бадкирдор фравашийлар ҳақида сўз бормайди. Ашаванлар, порсолар ва ҳақпарастлар фравашийга эгадирлар. Фақат «Бундаҳишн»да келишича, гуноҳкор шахснинг фравашийси дўзахда унинг ҳиди ва руҳи билан бирга буларкан. Аммо «Авесто»нинг гоёсига кўра, фравашийда девлик хусусияти бўлиб, гуноҳкор шахсдир. «Вандадод»да уқиймиз (8-фаргард, 31-банд); «У бутун тирклиги давомида дев кабидир. Улимдан бурун дев каби ва улимдан сунг новайдо девлардан бўлади...»

Фақатгина инсонлар ё Аҳура Мазда яратган бошқа мийнулар, чунончи, осмон, замин, олов, сув, гиёҳ ва жонварларнинг ҳам узларига муносиб фравашийлари бўлиб, маълум маънода уларни асрайди. Ҳатто Аҳура Мазданинг ўзи ҳам фравашийга эга. «Вандадод»да (19-фаргард, 14-банд) Аҳура Мазда Зардуштдан узининг барчадан буюкроқ, яхшироқ, гузалроқ, устуворроқ, хушёрроқ, қудратлироқ ва Ашаҳ — Ҳақиқатда энг баланд поядан урин олган мийну — фравашийсини ҳамда этмогини сурайди.

«Фраваший» сўзининг маъноси атрофидагн баҳслар у ҳақидаги энг сунгги нуқтани қўйганича йўқ. Авестошунос Иброҳим Пурдовуд «Фраваший» сўзини икки хил маънода таржима қилади: биринчиси — ҳимоя қиломоқ, тарафдорлик, паноҳ бермоқ; иккинчиси — кийинтирмоқ, бағрига олмақ. Бу маънолар фравашийнинг амалларига деярли мос келади. Бу хусусда авестошунос Баҳорнинг фикрлари ҳам диққатга сазвор. Фравашийларнинг зиммасида сонсиз вазифалар бор: аҳриманий кучларга қарши туриш, қариндош, эл-уруғ манфаатларини ҳимоялаш, баракат бахш этиш, жаҳонни асрашда Аҳура Мазда билан ҳамкорлик — буларнинг бари унинг уҳдасида. Қадимги Шарҳ халқлари

да фравашийга аждоғлар руҳи деб қаралган. Фравашийларнинг фазилат ва амаллари, тирликдаги уларнинг ўрни хусусида «Фарвардин яшт»да етарлича тавсиф борлиги боисидан шарҳни шу нуқтада тўхтатамиз».

53. *Роспий* — «Авесто»да «раисуюшкара». Саккиз нафар дий пешволарнинг (мубад) еттинчиси. Қадимда «язишна» (олқишлов) маросимини уюштиришда Роспийлар иштирок қилганлар. «Роспий» сўзининг маъноси «қўшувчи, омихта қилувчи» бўлиб, маросим чоғида еттинчи қатордан урин олиб, давмини сут, сув ва завр билан омихта айлаган. Бугун олқиш маросимларидаги барча расм-русм ва амаллар икки нафар дий пешвоси — Завт ва Роспийнинг зиммасидадир. Дарвоқе, Роспий Завт қўл остидаги етти нафар забардаст мубад вазифасини бажаради. «Қиёмат куниди, — дейилади «Бундаҳишн» китобида, — Язишна маросимида Аҳура Мазданинг ўзи Завт, Роспий эса парҳезкор фариштага айланади».

54. *Дадар (дий)* — яратгучи, худованд Аҳура Мазданинг сифати. Ойнинг саккизинчи, ун бешинчи, йигирма учинчи кунлари. Уларни бир-бирдан фарқлаш мақсадида «дий Озар», «дий Мехр» ёхуд «дий дин» дейдилар.

55. *Гивуш Ташана* — оламни яратгучи, борлиқни бино қилган маъноларни англатади. Гоҳларда кўп уринда Аҳура Мазданинг сифати бўлиб келади. «Янги Авесто»да чорполар ва туялар илоҳаси. Бу ном «Авесто»нинг аксарият уринларида «Гивуш Урван» (Гушварван) билан ёнма-ён ишлатилади. Баъзан сўзининг бир гузъи, яъни «Гивуш» истифода этилган. Дарвасп ҳам шу илоҳнинг бошқа бир номи. «Гивуш яшт» ёхуд «Дарвасп яшт» унинг ҳақидадир. Ойнинг ун тўртинчи кун илоҳа Гивуш Ташана номи билан аталади.

56. *Раписвийн* — «Авесто»да «раписвийна», паҳлавийда «раписвийн», «куннинг ярми» маъносини ифода этади. Авестойий эътиқодга кўра, беш гоҳдан иборат кеча-кундузнинг иккинчи қисми ёки гоҳи, яъни «раписвийн гоҳ». Раписвийн беш қисм — гоҳдан иборат кеча-кундузнинг иккинчи гоҳи — маҳалини асрагучи илоҳ номини ҳам англатади. Куннинг ярми ва ундан кейинги вақтга масъул бу илоҳ кичик чорполар илоҳи Фрадот Фшу, ноҳиялар илоҳи Зантума билан ёр ва ҳамкордир. Бу сўз зардуштийларнинг ривоятларида, қадимий матлабда турли шаклларида учрайди, чунончи: рафтин, рафтун, рапитидин, раписун, раптун, рабитн, рафитувн, рафийтан.



57. *Фрадот Фшу* — «майда чорполарни парвариш этгувчи» маъносини англатади. Бу илоҳ Илоҳ Раписвийнинг ҳамкорларидан.

58. *Зантум* — «зантув», яъни ноҳия ва ҳудудни ўз панохига олган илоҳ. У ҳам Фрадот Фшу каби илоҳ Раписвийнинг ҳамкорларидан ҳисобланади.

59. *Узоғрийн* — беш қисмдан иборат бир кеча-кундузнинг асрдан қуёш бутгунга қадар булган қисмини ўз панохига олган илоҳ. У илоҳлар Фрадот Вийра ва Дахйумнинг ҳамкорларидан.

60. *Фрадот Вийра* — «эрларни асрагувчи» маъносини ифода этади. Илоҳ Фрадот Вийра Узоғрийннинг ҳамкорларидан бўлиб, асосан, эрларни ҳимоя қилади ва уларнинг ер юзида қўлайишига мадад беради.

61. *Дахйум* — «Авесто»да «Дахйум». Маъноси — элат, улка, кишвар. Бу илоҳ ҳам Узоғрийннинг ҳамкорларидан бўлиб, элат ва улкаларни ўз панохига сақлайди.

62. *Напам Апат ёки Апам Напат* — сув ҳудоси. Бу таркибнинг маъноси «сувлар набираси»дир. Паҳлавийда бу илоҳ «Буразийд» деб аталади. «Авесто»да Напам Апат ёхуд Апам Напат шаклларида дуч келади ва «буюк рад», «улуғ шахриёр», «учқур» каби сифатлар билан қўлланади. Ҳиндларнинг «Видонома» китобидаги Апам Напат ҳам сувлар худосидир.

63. *Авийсрусрям* — Авийсрусрямгоҳ, яъни беш қисмдан иборат бир кеча-кундузнинг шомдан тун ярмича булган маҳалини асрагувчи илоҳ. «Тириклик паноҳи» маъносини англатувчи «айби гаяҳ» сифати кўп уринларда илоҳ Авийсрусрям номига қўшиб айтилади.

64. *Фрадот Виспам ҳужйойтий* — маъноси: гузаа тирикликка (ҳайёт) восита бўлгувчи, барча ҳодисаларни асрагувчи. Хуш-хуррам тириклик илоҳи. Илоҳ Авийсрусрямнинг ер ва ҳамкорларидан.

65. *Зардуштум* — «Авесто»да «Зардуштртима». «Зардуштга ўхшаш», «Зардушт каби» маъноларини ифода этади. Барча дин пешволарини ҳимоя қилиш, асраш унинг зиммасида.

Тадқиқотчилар ушбу сўзни энг муътабар дин пешвосининг унвони, мўлларнинг йўлбошчиси, сардори деб таъқин қилишган. Инчунин, унинг мақоми католиклар попи даражасида дейилган. Абу Райҳон Беруний «масмуг» ёхуд «муғлар пешвоси»нинг ҳукмронлик маркази Рай шахрида булганлигини қайд этади.

66. *Яйра Ҳуштий* — бутун йил давомида олти гаҳанборни (43-изоҳга қаранг) асрагувчи

илоҳ. Бу илоҳ одамларга яхши хонадонлар ва оромгоҳлар бахш этади.

67. *Ама* — куч-қудрат ва баҳодирлик илоҳи. У аксарият ҳолларда илоҳ Баҳромнинг номи билан баҳамти қўлланилади ва «макулҳлар сараси, яхшиси» ёхуд «забардаст» сифатлари билан зийнатланади. «Баҳром яшт»да (8—9-бандлар) илоҳ Баҳром новвос ва от жасадининг олдида намоён бўлади. Шунда илоҳ Ама новвос шоҳида ва от пешонасида кузга ташланади.

68. *Баҳром* — «Авесто»да «Вирисрагна», паҳлавийда «Вараҳрон», Маъноси — Вирисрани ургувчи ёхуд улдиргувчи. Уруш ва голиблик илоҳи. Маздапарастлик динидаги муҳим ва буюк илоҳлардан. Мақоми мийнун оламида илоҳ Суруш билан баробардир. Қадимги ҳинд асотириларида Вратраҳан — сувларни тусгувчи аждаҳо вритрани улдиргувчи ёхуд ургувчи илоҳ «Индра» сифати билан гоёт машҳур. «Авесто»да эса айни шу сифат (Индра) алоҳида илоҳ сифатида иштирок этади. «Меҳр яшт»да илоҳ Баҳром илоҳ Меҳрнинг ер ва ҳамкоридир. «Баҳром яшт»да эса илоҳлар Меҳр ва Раши илоҳ Баҳромнинг ҳамроҳлари сифатида кузга ташланади. Улар меҳрдуружларга (қасамхурлар) қарши мубориза қиладилар. Муборизлар музаффар бўлмоқ учун илоҳ Баҳромни ёрдамга чорлайдилар. Унинг шаънига мақтов, ҳамд-санолар ёғдирадилар, қурбонлик, назр-ниёзлар келтиришади. Илоҳ Баҳром уларни, шубҳасиз, ҳўлайди. «Баҳром яшт»нинг ибтидосида Ахура Мазда Зардуштнинг саволларига жавоб берар экан, Баҳромни мийнун илоҳлари орасида энг олийси дея таърифлайди.

Қадимги Шарқ халқлари диний адабиётлари, жумладан, маздапарастлар эътиқодига кўра ҳам кимса улимнинг тўртинчи куни эрта тонг маҳали унинг руҳи Чайивадпул кўприги бошида бир томондан илоҳлар Суруш, Бод ва Баҳром, иккинчи томондан, Улим девлари, уларнинг дастёрлари билан тўқнаш келади. Биринчи гуруҳ арвоҳни жаннатга олиб кириш учун курашадилар, иккинчи гуруҳ эса, уни дўзахга киритмоқ учун ҳаракат қиладилар. «Бундақишн»да келишича (37-булим, 24-банд), сийсанбар исмаи гиёҳ илоҳ Баҳромнинг белгиси эмиш. Бедмушк исмаи гулни ҳам «баҳромаж» ёки «баҳроман» дейдилар. Форслар Миррих (Марс) планетасини ҳам Баҳром деб атайдилар.

69. *Авпаратот* — афзаалик ва илгорлик маъноларини ифода этади. Афзаалик ва за-



бардастлик илоҳи. Бу илоҳнинг номи Баҳром ва Ама илоҳлари билан бир сафда зикр этилади ва фируз сифати билан таърифланади.

70. Ушоҳин — тун ярминдан қуш чиккунга қадар бўлган замон илоҳи.

71. Бирижяҳ — хурак данаклари илоҳи бўлиб, Нманяҳ ва Ушоҳин илоҳлари билан ҳамкордир.

72. Нманяҳ — уй-жойлари асрагувчи илоҳ. Илоҳ Ушоҳиннинг ҳамкори. «Нманяҳ» «Авесто» матлаарида «уй» маъносини англатади, гоҳларда «димона» шаклида қўллаинилган. «Хонумон» сўзи таркибидаги «мон» жуъзининг этимологияси ҳам авестой «нманяҳ»дир.

73. Суруш — «Авесто»да «сравша», «сру» ўзагидан. Маъноси — тингламоқ, тинглаш, итоаткорлик, яъни илоҳий амрларни тингламоқ ва илоҳий фармонлар ва аҳномларга итоат этмоқ. Маздапарастлик динидаги энг буюк илоҳлардан бири бўлиб, итоаткорлик, парҳезкорлик ва ҳалоллик рамзидир. Бу илоҳнинг мақомини илоҳ Меҳр билан баробар билишадан ва гоҳида амшосипандлар сафида зикр этишадди.

Суруш сўнги кунда одамларга ҳакамлик қилувчи илоҳлар сирасидан. Одамларнинг яхши-ёмон амалларини сарҳисоб қилиш илоҳ Сурушнинг зиммасида. Бу илоҳнинг номи «Авесто»да порсо, парҳезкор, дурустқирдор, пок, эгу, фируз, яхшиликни тақдирловчи, қудратли, қўрқмас, даҳшатли уруш қуроллари соҳиби, забардаст, тан-мансара, жаҳоноро, поклик ради, аҳуравий, Аҳура Мазда яратган азизларнинг бири сифатлари билан бирга зикр этилади. Ушбу сифатлар ичида «тан-мансара» иборасини алоҳида қайд этмоқ лозим бўлади. «Авесто»да «тан-мансара» шаклида қўлланилган бу сифатнинг маъноси бутун вужуди, жамулжам борлиги «мансара», яъни итоаткорлик, буйсинишдангина (илоҳий амрларга) иборат демакдир. Инчунин, бу сифат илоҳ Сурушнинг асл моҳиятига ҳам ҳамоҳангдир.

«Авесто»ни ўқирканмиз бу олиймақом илоҳ ҳақида қуйидагиларга гувоҳ бўламиз: Суруш Аҳура Мазда яратган махлуқлар орасида даставвал унинг шаънини улуглаган, унга ҳамд-санолар ўқиган ва васф этган зотлардан бири экан. Яраттувчи ва амшосипандлар шаънини биринчилардан бўлиб тараннум этган Суруш яъшина маросимлари ва Зардуштнинг бешлик қўшиқларини ҳам дастлаб ижро этади.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Суруш илк марта одамларни Парвардигорни ҳамд этмоққа чақирди. Зардуштийларнинг диний адабиётида Суруш илоҳий оят — беги ва аҳуравий сўзларни махлуқларга етказувчи сифатида таърифланади. Форсий ва арабий адабиётларда у Жаброил фаришта билан тенглаштирилади. Бироқ зардуштийликда бу вазифа Найрўсаиғхнинг зиммасида. Илоҳ Сурушнинг номи куп урииларда Меҳр Рашн каби илоҳлар ва илоҳа Аша билан биргаликда келади. «Арт яшт»да илоҳа Ашага дейилади: «Аҳура Мазда сенинг отанг, Сипандормаз — онаиғ. Эгу ва порсо Суруш, Рашн ва Меҳр сенинг биродарларинг...» Суруш ҳам илоҳ Меҳр каби тиним ва уйқу нимаалиғни билмайди. У моддий оламдаги жамийки мавжудот уйқуга кетгач, ўзиниғ қудратли қуроallarини олиб, уларни қўриқлаб туради.

Сурушнинг ҳам аравасини Меҳр каби туёқлари заррин, соясиз, оплоқ дурахшон туртта тулпор элтиб юради. Манзили ҳам Меҳрники катта Албурз тоғининг энг юксак чуққисиди бўлиб, минг устунли, ёруг юлаулар кабилдир. Суруш «Авесто»да ёлгончи дев билан мубориза қилади. Ҳар тун замин буйлаб уч қарра айланади ва девлар билан жанг қилади. Сурушнинг душмани бўлган Кундадев ҳамиша унга муқобил туради. Бироқ энчи, бедор, қўрқмас Суруш у билан муқорабанда баҳодирлик курсатиб, талаф айлайди. У Сурушнинг Кундадеванда даҳшатлироқ душмани бор. У — Аншам. Қаҳраи ва қонхур. Девларнинг комилликда энг сўнгиғси.

Эрта тонгда борлиқни уйқудан уйготувчи, ҳар субҳидам ўзининг ширин хониши билан одамларни тирикликка, яшашга ундовчи зақматқаш хўроз илоҳ Сурушнинг намояндаси ҳисобланади.

«Суруш яшт ҳоҳут» «Янги Авесто»нинг ун биринчи яшти, қадимий «Авесто»нинг йўқолиб кетган йигирманчи «Ҳоҳут наск»нинг бир парчаси ҳисобланади. «Тун боши Суруш яшт» (57-ясна) улимдан сўнғ уч кеча давомида ва бутун йил давомида ҳар тун уйқудан сўнғ ўқилади. «Кичик Авесто»даги «Суруш яшт» олқиши ва «Суруш дрвана» (3,8-ясна) дуоси ҳам буюк илоҳнинг қудрат ва азамати, бемисл фидокорлиғи, одампарварлиғидан далолат беради. Ойнинг ун еттинчи куни ҳам бу шон-шавкатли илоҳ номи билан юритилади.

74. Рашн — «Авесто»да «рашну». Маъноси — парҳезкорлик ёхуд порлоқлик).



Ҳакамлик илоҳи бўлиб, мазапарастлик динида муҳим ўрин тутаяди. Раши охираат кунини Меҳр ва Суруш илоҳларидан кейин учинчи мақомда туради ва одамларнинг яхши-ёмон амалларига ҳакамлик қилади. У Аҳура Мазда ва Сипандормазнинг ҳақони, илоҳи Ашанинг, Суруш, Меҳр ва маъбада Диннинг биродари. Илоҳ Раши Меҳр ва Баҳром илоҳлари билан биргаликда жангчилар сафида бўладилар ва уларга музафариат бахш этишади.

Бу илоҳнинг номига кўп уринларда «рост» ёхуд «барчадан рост, тугри, ҳақ» сифатлари илова қилиб айтилади. Илоҳ Аршот (Арштод, Аштод) билан яқин ҳамкорликда амал қилади. «Авесто»нинг ун иккинчи яшти, ойнинг ун саккизинчи кунини илоҳ Раши номи билан юритилади. «Раши яшт»дан маълум бўладики, бу илоҳ турғилар ва қароқчилар билан жанг қилади ҳамда ҳамиша уларни назорат қилиб туради. Раши наики ер юзидаги етти иқлим, қуруқлик ва дарёда, балки олий руҳоний оламда поёнсиз фазо кенгайликлари (гарзман), ой, қуёш ва юдузлар макониди ҳам ҳозирдир.

«Бундаҳиш»нинг ёзишича, Раши адолат ҳақами, ростлик, ҳақ ва ҳақоният мийнуси сифатида моддий (астумана) оламнинг ёмонлик, ёлгон ва разолат, аблаҳлик ва жаҳолатдан қутқармоқ учун бу қабоҳатларнинг асосий сабаблари бўлиш девларга қарши курашади ва уларни нест-нобуд айлайди. Кўплаб зардуштий адабиётларда Раши илоҳлар Меҳр, Суруш, Бод, Аштод, Баҳром ва ашаванларнинг фравашийлари (руҳлари) билан биргаликда уламнинг туртинчи кунини бомдоод чоғи марҳумнинг арвоҳини пешвоз олмақ учун ҳозир бўладилар. Бошқа адабиётлар илоҳ Раши охираат кунининг тарозисига соҳиблик қилади ва соч толаси қадар хатолик ёхуд бадқирдорлик унинг фаолиятига ётдир, деб ёзади. Настирин (настрин) гули илоҳ Рашининг рамзидир.

75. *Арштод* — «Авесто»да «Аршотот», «Арштий», лаҳлавий ва форсийда «Арштод», «Аштод». Зардуштий динидаги фаол илоҳлардан бири. Арштод — ростлик, тугрилик маъноларини ифода этади ва «жаҳонпарвар», «дунёни кенгайтиргувчи» каби сифатлар билан таърифланади. Бу илоҳнинг хайрли амаллари бобода «Дормустатар» «Занд Авесто», (2-жилд, 301-саҳифа) буюк «Бундаҳиш»дан иқтибос тарзида шундай ҳикоя қилади: «Арштод мийну ва жаҳон аҳлининг раҳнамоси, Замяд замин мийнусидир. Дейламишқи, Раши мурдаалар руҳини ҳисоб-китоб қилади, Арштод ва Замяд уларни тарозига солади». Яна уша

манбанинг гувоҳлик беришича, марҳумлар руҳи яхши ва ёмон амалларининг сарҳисоби учун Чайнвадпул қошига йиғилган пайтлариди амшосипанда Амуродиннинг дастёри Арштод, Раши ва Замяд билан биргаликда бу ерда ҳозир бўладилар.

Шундай қилиб, «Бундаҳиш»нинг таъриф беришича, илоҳ Арштоднинг хайрли амаллари бошқа илоҳлар билан ҳамкорликда охираат кунини одамларнинг яхши-ёмон амалларининг ҳисобини олиш, адолатли ҳакам вазифасини бажариб, оқни оқ, қорани қора демоқдир. Кўплаб зардуштий адабиётларда илоҳ Арштоднинг фаолиятига шу тарзда таърифот берилган. Илоҳнинг номи аксарият уринларда ҳакамлик илоҳи Раши билан бирга қўлланилади: чиндан ҳам унинг ёр ва ҳамкоридир. Зеро, ростлик ва адолат ҳакамлик тушунчаси билан эгиз.

«Авесто»нинг ун саккизинчи яшти (Арштод яшт) бу улуг илоҳнинг шаън-шавкати хусусида. Ойнинг йигирма олтинчи кунини илоҳ Арштод номи билан юритилади.

76. *Пурмоҳ* — «Авесто»да «пиринум-авнға». Ойнинг тулиши, ой доирасининг тулишиши, бадр шақлини олиши. «Занд Авесто»да у шундай таърифланади: «Панчаки диятгар» (панжом дудягар(?)). «Бундаҳиш» ёзади: Пурмоҳ — ойнинг унинчи кунидан ун бешинчи кунига қадардир. «Динкарт»да келишича, ҳар ой беш кундан иборат олти қисмдан ташкил толади. «Андармоҳ» — ойнинг ибтидосидан бешинчи кунига қадар; «пазираи андармоҳ» — олтинчи кундан унинчи кунгача; «пурмоҳ» — ун биринчидан то ун бешинчигача; «пазираи пурмоҳ» — ун олтинчидан йигирманчигача; «вайшаптаса» — йигирма биринчи кундан йигирма бешинчи кунгача; «пазираи вайшаптаса» — йигирма олтинчи кундан уттизинчи кунгача.

«Авесто»нинг аксарият уринларида «пурмоҳ» ойнинг беш кундан пурмоҳ қисмини ҳимоя қилувчи илоҳ тарзида намён бўлади ва кўплаб диний қушиқларда, дуоларда мадҳ этилади.

77. *Вайшаптаса* — «Динкарт»да келишича, ойнинг йигирма биринчи кунидан йигирма бешинчи кунигача бўлган қисмининг номи, шунингдек ушбу кунларни ҳимоя қилувчи илоҳ.

78. *Майдюзарин* — «Авесто»да «майзюий заримая», маъноси — баҳорнинг ўртаси. Олти қисмдан иборат гаҳанборнинг ибтидоси. Йилнинг қирқ бирдан қирқ бешингача бўлган кунлар. Яъни, хуршид рўздан (ун биринчи) то



меҳр рўзининг дайигача (ун бешинчи). Йил бошидан ушбу гаҳанборга қадар уртада қирқ кун бор. Демишларки, бу гаҳанборда Аҳура Мазда Осмонни яратди.

79. *Майдошам* — «Авесто»да «майзюий шима». Маъноси — ёзининг уртаси. Олти қисмдан иборат йил — гаҳанборнинг иккинчи палласи. Йилнинг юз биринчи кунидан юз бешинчи кунигача булган даври. Дастлабки гаҳанбордан майдошамга қадар уртада олтиш кун бор. Иккинчи гаҳанбор — майдошам даврда Аҳура Мазда сувни яратди.

80. *Патя Шҳим* — «Авесто»да «Пайташ ҳаҳя», паҳлавийда «Патя Шҳим». Учинчи гаҳанбор — йилнинг бир юз етмиш олтинчи кунидан то бир юз саксонинчи кунига довуру булган давр. «Патя шҳим» иборасининг маъноси — «уруғ келтирувчи» ёхуд «галлани йитиб олиш». Ушбу гаҳанбор галла, дондун хирмони кутарилган паллада қайд этилган.

81. *Айасрим* — «Авесто»да «айасарима». Туртинчи гаҳанбор — йилнинг икки юз олтинчи кунидан икки юз унинчи кунигача булган даври. Туртинчи гаҳанборда Аҳура Мазда гиёҳларни яратди. «Айасрим»нинг маъноси «уйга қайтмоқ». Жумладан, чўпончулиқларнинг ёзги яйловлардан уйга қайтишлари муносабати билан айасрим байрами утказилган.

82. *Майдарим* — «Авесто»да «майзайраҳ». Маъноси — йил уртаси. Бешинчи гаҳанбор — йилнинг икки юз саксон бешинчи кундач, икки юз тўқсонинчи кунига довуру булган даври.

Зимистон фаслида утказилган бу маросимнинг «йил уртаси» дейилишига сабаб, қадимий Шарқ тақвимида биноан йилнинг дастлабки етти ойи «буюк саратон» ва қолган беш ойи «буюк зимистон» деб аталган. Майдарим байрами ана шу икки буюк фаслнинг уртасида нишонланган. Туртинчи гаҳанбор билан бешинчи гаҳанбор оралиғида саксон кун бор. Бешинчи гаҳанборда Аҳура Мазда жонварларни яратди.

83. *Ҳамаспатмадам* — «Авесто»да «ҳамаспасмасидаяҳ». Маъноси — бутун сипоҳ ҳаракати. Олтинчи гаҳанбор — йилнинг уч юз олтишчинчи кунидан то уч юз олтиш бешинчи кунига довуру булган даври. Ушбу гаҳанборни одамларнинг яратилиши, инсонларнинг бино этилиши деб номлаганлар. Ҳамаспатмадамнинг асл асотирий маъноси Утган зотлар фравашийларининг (руҳлари) мийну оламидан астуманд (моддий) дунёга тушиб келишларига ишора

қилади. Иборанинг маъноси ҳам шу ҳолни ифода этади. Кейинги асрларда «Сиёвш мотами» маросими ҳам бу гаҳанборга қўшиб қайд этилган. Бешинчи гаҳанбор билан ҳамаспатмадамга қадар уртада етмиш беш кун бор. Навруз байрами ҳам бу гаҳанборнинг сунгига турги келади.

84. *Тиштар* — «Авесто»да «Тайштраҳ», паҳлавийда «Тиштар», форсийда «Яштар» ёхуд «Тийр». Юлдуз — илоҳнинг номи.

Тиштар — қадимги асотирлар, хусусан, маздапарастлар динида ёмгир илоҳи ва, умуман, эфг асосий илоҳлардан бири. Унинг шаънида куйланган қўшиқлар, бу улугвор илоҳнинг қурғоқчилик девига қарши мардонавор курашлари саккизинчи яшт — «Тийр яшт»да ҳикоя қилинади.

Тиштар номи «Авесто»да икки сифат — раюманд ва фаррихманд (изоҳга қаранг) билан бирга қўлланилади. «Сатавис», «Парвин», «Ҳафтурна» ва «Вананд» — бу турт илоҳ — юлдузлар «Тийр яшт» ва «Авесто»нинг бошқа булимларида Тиштар юлдузи билан биргаликда таърифланади. Умуман, «Авесто»да ана шу беш юлдуз номи тилга олинган, холос.

«Тийр яшт»да таърифланишича, Тиштар оҳ тусли, дурахшон ва олис-олислардан кузга ташланиб тургувчи юлдуздири. Унинг таркиби сувдан, гоят қудратли ва нажоди Апам Напатдир. Тиштар барча юлдузлар ради ҳисобланади. Олқиш ва шарафлаш бобида Аҳура Мазда билан рақобатлашади. Агар у булмаганда эди, қурғоқчилик (улим) деви бутун оламини расво қилган буларди. Тиштар юлдузи шаънига олқиш ва таърифлар, дуою ҳасанотлар ўқиб турилса, душманлар устидан галаба қўлга киритилиб, алалхусус, турли иллат ва касалликлар ер юзидан кутарилар эмиш. Унинг турт атрофга нур таратиб, чарақлаб чиқиши сарчашмаларнинг қайта қайнаб чиқишига сабаб бўлади. Тиштар эрлар, отлар ва снгирлар жасади устида имомён бўлади. Ибтидода қурғоқчилик деви Апуша томонидан мағлуб булган Тиштар эг сунги муҳорабада унинг устидан зафар қозонади ва бонг уради: «Эй, ерликлар, тирликки сизларга муборак бўлсин!» Шундан сунг, қут-баракатли дарё-дарё ҳаётбахш сув инсонларга томон равона бўлади.

Ойнинг ун учинчи кун, йилнинг туртинчи ойи Тиштар юлдузи номи билан аталади.

85. *Ой* — «Авесто»да «мовнаҳга». Дастлабки маъноси — узимиз билган ой, яъни машҳур осмоний қурра. Иккинчи маъноси, ой



нинг замин курраси атрофида уч кун чарх уриши. Учинчи маъноси — илоҳ. «Ой яшт» («Моҳ яшт») ёки «Ойнома» («Моҳ нийёш») каби «Авесто»нинг маълум жузъларида илоҳ Ой мадҳ этилади, «Ругс» исми гиёҳ Ойнинг рамзидир.

«Янги Авесто» ва «Бундаҳишн»да илоҳ Ой «Сигир уругини асрагувчи» (ёки умуман чорполарни ҳифз-ҳимоят этгувчи) дея таърифланган. «Бундаҳишн»нинг маълумоти беришича, Аҳура Мазда яратган илк жонвар Варзовдир. Аҳриман ранж, хасталик ва очлик деви Озни Варзовга қарши қўйди. Варзов бу аҳриманий кучдан шу қадар қаттиқ озор чекдики, оқибат нобуд бўлди. Унинг ҳар бир аъзосидан элик беш хил унсур ва ун икки хил дармон — гиёҳ яралди. Айни пок ва қудратли Варзов уругидан яралган нарсалар Ойга томон йуналдилар ва унинг нурларидан баҳра топдилар. Улардан зркак ва ургочи жонвар дунёга келди. Бу жуфтдан икки юз саксон икки хил жонвар пайдо бўлди.

Варзов жон таслим қилаётган паллада унинг руҳи (Гушварван) танадан жудо бўлиб, чиқиб вужуд қаршида турган ҳолатда шундай фарё чекдики, гуё мингта эр биргаликда фарё солаётгандек эди. Руҳ (Гушварван) замин устида жонварлар ёвуз кучлар дастидан чекаётган озорнинг беҳадлигидан Аҳура Маздага шикоят қилади:

— Жаҳон халқларини кимнинг ихтиёрига топширдин? Қабих амаллар ва ёвузликлар заминни вайрон қилдилар, ерда қургоқчилик бошланди, гиёҳлар сувсиз қолди. Қани у мардким, сен уни пайдо қилишинг ҳақида бизга хабар берган эдинг. Қани у халоскорлик ва росткорлик динини келтирувчи мард? Аҳура Мазда деди:

— Эй, Гушварван! Сенинг ранжинг Аҳриман дастидандир. Агар мен яралиши ҳақида хабар берган эр ҳозирнинг узида мавжуд бўлганда эди, Аҳриман бундай густоҳлик қила олмаган бўларди.

Шунда Гушварван юлдузлар сари шитоб этди. Ойга юзлангач яна нола чекди. Ниҳоят куш куррасига юз буради. У ерда Аҳура Мазда Зардуштнинг фравашийсини (руҳини) Гушварванга курсатиб, деди:

— Мен яратмоқчи бўлган мард — ана шу. У ер юзига халоскорлик ва ҳақиқат динини олиб келади.

Шундан кейин Гушварван шод бўлди ва одамларни парвариш қилишдан иборат бўлган уз вазифасини қабул қилди.

«Бундаҳишн» ҳикоя қилган ушбу парча илк гоҳларда ҳам учрайди.

Абу Райҳон Берунийнинг хабар беришича, қадимги форслар эътиқоидига қура ой доирасини нурдан яралган, заррин шохли ва кумуш туёқли сигир суараб юрармиш. Бу доира даймоҳнинг ун олтинчи кечаси атиги бир соатга намоён бўлармиш. Кимда-ким уни кўриб қолса, кунглида неки орзу-аъмоли бўлса рўёбга чиқар экан.

86. *Хурмаза* — Аҳура Мазда — Урмазд. «Хурмазаруз» — узбекча Хурмазд кунн. Яратувчи номи билан аталган ойнинг биринчи кунн.

87. *Аша* — паҳлавийда «Арт» ёки «Ард». Тавонгарлик ва муқофот илоҳаси. «Вангудий» (эзгулик) сифати билан бирга қўлланилади. Паҳлавийда бу сифат илоҳанинг номига қўшилган ҳолда ифода этилади: Аршанунг, Ашийшунг, Ашшунг, Аҳришунг, Аҳлишванг.

Гоҳларда Аша илоҳлар Озар ва Суруш билан бақамти тилга олинади. «Янги Авесто»да келишича, бу илоҳанинг моддий дунёдаги фаолияти ашаванларга, парҳезкор кишиларга бойлик, хуш-хурсандчилик бахш этиш; руҳлар оламида (мийну), хусусан, охиратда яхши амалларни муқофотлаш, ёмонликларнинг ҳам жазосини беришдир.

«Аша» сузининг тафсирида келишича, у «яхшилик ва ашавандликдан олингувчи тоvon». Аша илоҳ Сурушнинг ҳамнишини ва ҳамкоридир. Ойнинг йигирма бешинчи кунн унинг ихтиёрида бўлиб, баҳор чечаклари илоҳа Ашанинг рамзлари ҳисобланади. Яна бир илоҳа Порандий (Поранда) Ашанинг ёрларидан ва аксарият уринларда бу икки илоҳа ёнма-ён келади. «Янги Авесто»нинг қаҳрамонларидан бири, тоvon тўловчи ёки жазоловичи илоҳа Одани ҳам кўпчилик тадқиқотчилар илоҳа Аша билан бир, деб таъкидлаганлар. Илоҳа Ашани Аҳура Мазданинг қизи, аммосипандларнинг синглиси, деб таърифлайдилар. Шунингдек, Аҳура Мазда унинг отаси; Сипандормаз — онаси; Суруш, Рашн, Меҳр — биродарлари; илоҳа Дин эса синглиси дейишади. Еттинчи «Арт яшт» бу буюк илоҳа шаънида куйланган.

88. *Чиста* — паҳлавийда «фарзанг». Маъноси — билим, дониш, огоҳлик, фарзоналик. Илму дониш илоҳаси. Сифатлари — энг тўғри, Мазда яратган ёхуд Маздазода, Ашаван. Ушбу илоҳа кўп ҳолларда илоҳа Дин билан биргаликда фаолият курсатади. Шу боисдан ун олтинчи яшт — «Дин яшт»да илоҳа Чистага ҳам





кенг таърифот берилади, унинг шаънига олқиш ва мадҳиялар ўқилади. Узга яшлардан фарқи уларок, чунончи, бошқа яшлардан одатда шаҳриёрлар, паҳлавонлар, номдорлар, илоҳ ва илоҳалар мадҳ этилса, «Дин яшт»да ёлғиз Зардушт, унинг ёри ва рафиқаси Ҳувйи, дин пешвоси Отурбон, улка шаҳриёри ва илоҳа Чиста тараннум этилади.

Дарвоқе, ушбу авестойи матннинг «Дин яшт» номланиши, илм-фан, билим ва донишмандлик илоҳаси Чистанинг мадҳ этилиши шуни курсатадики, зардуштий динининг андишамандлари илм-фан ва диннинг уйғунлиги, бир бутунлигини таъкид этадилар. «Авесто» брүлимаирида Чиста ибораси билан бир сафда Чистий сузига ҳам дуч келамиз. Авестошунос Иброҳим Пурдовуднинг эътироф этишича, улар айни бир сиймоидирлар. Бироқ «Суруш яшт ҳоаухт»нинг 16-бандида «эзгу Чистий» ва «ҳақгуй Чиста» алоҳида, шунингдек, ёнма-ён қўлланилган. Бу ҳол И. Пурдовуд фикрларини шубҳа остида қолдиради.

Зардуштнинг кенжа қизи — Пуручиста сузининг таркибида ҳам «чиста» иборасига дуч келамиз.

«Меҳр яшт»нинг арава ҳайдаб бораётган илоҳ Меҳр тавсифланган урнида ўқиймиз: «Гоятда ҳақгуй Чиста Меҳр аравазининг чап қаюотида елиб бормоқда». («Меҳр яшт», 126-банд).

Бу бандда илоҳа Чиста «завр ниёз айлагувчи», «оқ либосли» сифатлари билан тавсифланади. Шу маънода, зардуштий динининг пешволари — отурбон — мубадларнинг оппоқ либос кийиш анъаналари бугунги кунгача сақланиб қолмоқда.

Ойнинг йигирма тўртинчи куни — «дин кун» («дин рўз») «Чиста куни»ни англатади.

89. *Ирис* — маздапарастлик дини илоҳаларидан. Бироқ бу илоҳанинг фаолияти хусусида ҳеч нарса қатъий маълум эмас. Шунга қарамай, унинг номи илоҳалар Аша, Чиста ва бошқалар сафида тилга олиншига қўра, илоҳ Ирис уларнинг ҳамкорларидан эканига шубҳа йўқ.

90. *Расатат* — маздапарастлик дини илоҳларидан бири. Бу лафзнинг маъносини «адолатлилик», «жувоимардлик» маъноларида таъвил қилганлар. Бу илоҳанинг номига «эзгу» сифати қўшилиб, бошқа бир илоҳа Ирис билан биргаликда қўлланилади. «Авесто»да бу илоҳанинг ҳам фаолияти хусусида гапирилмайди, бироқ унинг дустлари илоҳалар Аша ва Чиста эканидан билиш мумкинки,

илоҳа Расатат ҳам ахуравий эътиқод тарафдорларидан биридир.

91. *Дамуийш Упамана* — паҳлавийда «даҳм апарпа манишн язата». Илоҳ Меҳрнинг ёр ва ҳамкорларидан бўлган илоҳ. У одатда «кучли», «қўрқмас» сифатлари билан таърифланади. Бу суз солиҳ амалли ва порсонинг нафрати маъносини ифода этади, шунингдек, купинча «даҳм офритий» («даҳман офорин») — «солиҳ амалли ва порсонинг олқиши» ибораси билан ёнма-ён қўлланилади. «Дормустатар» китобида «Даймуши Упамана» (ҳисқаси Упамана) солиҳ ва порсолар нафрати деб таърифланади.

«Меҳр яшт»да (126-банд) бу илоҳ «маздапарастлик дини Упамани» тарзида эсланади. Уша яштнинг бошқа бир бандида ўқиймиз: «Қўрқмас Упамана ўткир тиша, кескир чангалли гарозийга минган ҳолда Меҳр араваси ортида елиб боряпти».

92. *Анийрон* — анагрон — «Авесто»да «Анагр равчав» ё «Анагр равча». Маъноси — ибтисозис фароғат ёхуд азалий ёруглик. Унинг бошқа номи «Гарман» («Гарвадима-на»), энг яхши биқишти, Ахура Мазданинг ёруг жаҳони. Қадимги Шарқ диний адабиётларида Анийрон ё Анагрон ойнинг ўттинчизи кунини асрагувчи илоҳ сифатида таърифланади. «Бундаҳиши»да бу илоҳ Анагр ё Анагрон тарзида ифодаланиб, осмонни тутиб тургувчи етти устун ҳақида ҳикоя қилинаркан, шундай дейилади: «Ёруг Анагр деб таърифланувчи Гарвдмон қўёшни тутиб тургувчи поя — устундир. Яна «Бундаҳиши»да ўқиймиз: «Мийну оламидаги Анагрон ёруг Анагрдир. Уни мийнулар (руҳлар) гавҳар ва ёҳуддан бино этганлар».

93. *Ҳовангоҳ* — маздапарастлар эътиқодида қўра, бир кеча-кундуз беш қисмга бўлинади. Бомдоа — эрта субҳидамдан то кун ярмигача бўлган маҳал «Ҳовангоҳ» деб юритилади. Аммо Ҳовангоҳнинг бошқа маъноси ҳам бор. Бомдоддан кун ярмига довуру ўқиладиган алқов, намознинг номи ҳам ҳовангоҳдир. «Кичик Авесто»да бу алқов ун бандда ифода этилган.

94. *Завр* — «Авесто»да «завсра», паҳлавий ва форсийда — «завҳар», «завр». Сут, ҳавм каби ичимлик ёхуд суюқликлар билан ўтказиладиган назр-ниёз, зиёфатлар маросими. Саналган таомлар ушбу маросимда қаттиқ таомлар билан бир қаторга қўйилган, яъни асосан суюқ таомлар билан ўтказиладиган завр тадбирнда суюқ бўлмаган таомлар ҳам

иштирок этган. Зардуштийларнинг ёзма манбаларида ушбу истилоҳни шу каби иборадан фарқлаш учун қуйидаги ҳолатда ёзганлар: «Завр суви», «завҳар суви», «завр маросими суви» эса Ардвисюра бону маросимига хосдир.

«Завр»нинг бошқа бир наъви ҳам мавжуд. Уни «зуҳар олови», «завр олови» дейдилар. Завр маздапарастлар дини илоҳаси бўлиб, ундан мадад ва имдод истаганлар.

95. Барсам — «Авесто»да «барисман». «Бариз» суздан олиingan бўлиб, унмоқ, усмоқ, яшнаш маъноларини ифода этади. Барсам — дарахтнинг янги кесилган новдалари. Барсам ҳақида Фирдавсий «Шоҳнома»сида ҳам маълумотлар учрайди.

«Авесто»нинг бирор бир урнида бу новдалар қайси дарахтдан олингани айтилмаган. Бироқ, маздапарастларнинг энг сунги адабиётларида барсам — анор дарахти новдаси деб таърифланган. Бу новдалар «барсамчин» деб номлангучи пичоқ востасида кесиб олинган. Барсамдан ювиниш чоги фойдаланилган. Маросим утказиладиган пайтда новдалар махсус барсамдонга қўйилади. Унинг бошқа бир номи «моҳрўй», яъни «ойюз». «Авесто»да барсам шохларининг узунлиги ва йўгонлиги ҳақида ҳам сўз юритилади. Новдаларнинг узунлиги мол қозигининг узунлиги баробарида бўлиб, йўгонлиги арпа донаси ҳажмида бўлмоғи керак. («Вандидод», 19-фарғард, 19-банд). Барсам новдаларининг саноғи ҳам аниқ булган: «Барсамни илк марта қўлга олган зот Сурушдир. Улар уч, етти, тўққизтадан бўлиб, токи тиззага етгулик қадар эди...» («Суруш яшт», 57-ясна, 6-банд).

Барсамлар миқдори турли маросимда турличадир. «Вандидод» ва «Виспарид» маросимларида 35 та, «Ясна» маросимида 23 та ва ҳоказо.

Барсамни ёйиб қўйиш ва қўлга олиш анъанаси олис тарихга эга. Масалан, «Ром яшт»да заррин ёстиқ ёнига ҳўйилган барсам Илоҳ Ваю (Андарвай)га назр қилинади. Барсам ва Заврга бағишланган ясна, 2-ҳот қадимги қўлёзмаларда «Барсам яшт» деб номланган.

Маросим чоги барсам новдалари хурмо баргидан ясалган банд билан боғланган. Чунончи, балоғат ёшига етган ҳар бир маздапараст белига белбоғ — гўштий — гўстий — боғлагани каби барсам шохларини боғлаган бандни ҳам «барсам белбоғи» дейишган.

Барсамни ёйиб қўйиш учун ёхуд уни қўлда

тутган ҳолда дуо ва ҳамд-санолар ўқишдан мақсад заминида анвойи гиёҳлар, усимликларни вужудга келтирган Яраттувчини эъзозлаш ва ардоқлаш демакдир. Барсам шохининг узунлиги мол қозиги ҳажмида, йўгонлиги эса арпа донаси ҳажмида бўлишининг ўзиёқ мадапарастларнинг деҳқончилик ва усимлик оламига таважжуҳларининг аломатидир. Маросим давомида барсам шохлари завр сувига солинган. Новдалар тозаланиб, қайта кучга кирганлар.

Ушбу ҳол ҳам ёгингарчилик, деҳқон далагарини сугоришига булган рағбатнинг ифодаси саналган.

Бутун «Авесто» давомида тез-тез учраб тургучи, «барсам ёйиш» ёхуд «ёйилган барсам» иборалари нимани англатади. Маросим чоги қурбонлик қилинган жонварнинг гўшти ёйилган барсам новдалари устига қўйилган.

«Вандидод»да ўқиймиз (19-фарғард, 18—19-баитлар). Зардуштнинг яраттувчини нечук олқишлайин деган саволига Аҳура Мазда жавоб беради: «Гузал дарахт (новдалари барсам учун олингучи дарахт) қошига борил-да ушбу сузаларни дегил: «Сенга олқишлар бўлсин, эй, Мазда яратган ашаван дарахт!..» Шундан сўнг ўқиймиз: «Бир ашаван узунлиги мол қозик ҳажмида ва йўгонлиги арпа донасидек қилиб уша дарахт шохларидан кесиб олсин-да, уни чап қўлида тутган ҳолда Аҳура Мазда ва амшосипандлар маҳқ қилинаётган маҳал... ундан нигоҳини узмасин».

Қадим ривоятлар китобида ҳикоя қилинишича олқишлар маросимини бошқариб турувчи руҳоний-мубад бутун маросим жараёнида қўлида ушлаб турган барсам шохларидан кўз узмаслиги керак.

Сосонийлар даври тарих китобларида ёзилишича, уша айёмда таом ёйишдан аввал барсам шохларини олганлар. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам бу ҳодиса бир ҳанча уринларда қайд этилган.

Чунончи, Хисрав Парвиз таом ёйишдан бурун қўлга барсам шохларини олади. Шунингдек, Яздигирд III Марвад тегиристонга яширингач, хурак ёйишдан аввал қўлга барсам оларди.

96. Суруш дрвана — ясналарнинг олти ҳотини (3—8-ҳотлар) шундай деб номлаганлар. Дрвана — «Авесто»да «дрвана» ёки «дрванангаҳ». Хамиртуршсиз, бир парча оқ нон. Дрвана — оқ нон маздапарастлар маросими чогида илоҳ Сурушга ниёз келтирилади. Сувлик, суюқ таомлардан ташқари илоҳларга тор-



тиқ қилинадиган барча таомлар — гушт, мева, нон ва бошқалар авестойи лугатда «мазда» дейилади.

Яснанинг 3—8-қотлари «Суруш арвана» деб номланади. Ясна, 11-хот, 3-бандда эса «арвана» мутлақо қурбонлик ёхуд назр-ниёз маъносидан истифода этилган. Авестошунос Баҳор ёзади: «Арвана супра ва нон булиб зардуштийларнинг диний маросимларидаги воситалардан бири саналган. Хоқ кичик, хоқ катта булсин бугдой унидан тайёрланган бу нон — арвана жаҳон устуворлигининг рамзидир. Дурваннинг ҳалқага монанд шакли ер шарини ҳалқадек ураб олган Албурз тоғининг рамзи; нон уртасига қуйилгучи «гушвод» исми мой Донтя дарёсининг рамзидир. Маълумки Донтя дарёси замин қаъридан ибтидо топади. Ноннинг юзи, кенглиги, сатҳи қуёш рамази; мутлақо ҳалоллик ва поклик билан яратилганлиги эса оёга ишора; супра устига қуйилгучи уч дон хушбуй чўп — эзгу сўз, эзгу ният, эзгу амал. Суд, яшиллик ва мева дарё, яйлов ва ўрмонларнинг рамзи саналган».

97. *Миязда* — паҳлавийда «мизд». Нон, гушт, мева каби зардуштийлар маросимида ишлатиладиган қаттиқ таомлар. Миязда «завр» — суюқ таомлар ёнига қуйилади. Авестошунос Баҳор ёзади: «Узига хос диний маросимда сарф қилинадиган гизо, таом». Арвана ҳам миязданинг бир жузъи ҳисобланади.

98. *Ҳавм* — «Авесто»да «ҳавма», санскрит тилида «савма». Муқаддас гиёҳнинг номи. Ҳавм шарбати, ҳавмдан олинган суюқлик маросим чоғи татилади Зардуштий динининг ибтидоий палласидан сунги даврларгача бу гиёҳ ва унинг шарбати маздапарастларнинг турли маросимларида асосий уринга эга булган. Ҳавм суви ёхуд шарбатини улимни енгувчи ёхуд улимни қайтарувчи деб талқин қилганлар ва бу ақидага қаттиқ эътиқод билан ишонганлар. Ҳавм гиёҳлар подшоҳи, сарвари ҳисобланган. Абдиқот (ануш) у туфайли барқарордир. «Бундаҳишн»да келишича, ҳавм гиёҳлар ичида энг мумтози, олий ва беқнёсидир.

Тадқиқотчиларнинг эътирофига қура, бугун Шарқда «ифдра», Оврүпода «ефедра» номи билан ном қозонган «ҳаума» ёхуд «ҳавм» гиёҳи Эрон ва Афғонистон тоғларида усдақ унинг ҳажми кичикроқ бутага тенг келади. Ҳавм ҳамма даврларда шифобахш гиёҳ саналган ва манбаларнинг шаҳодат беришича, унинг дуди ҳам саломатлик гарови булган. Бе-

морлар унинг таъсирини кучлироқ ҳис қилиш учун димоғлари билан ичга тортганлар. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган «риш буз» ёхуд «буз риш» гиёҳини ҳам ҳавм деганлар.

Гоҳларда икки марта (32-ясна, 14-банд; 48-ясна, 10-банд) ҳавмига ишора қилинса-да, номи қайд этилмайди. Аммо ажабланарлиси шундаки, уни тановул қилган кимса қаттиқ маст булади ва қабиҳ ишларга қўл уради. Бу ҳолатни маздапарастлар қаттиқ қоралайдилар.

«Янги Авесто»да, хусусан, 9—11-хотларда, ҳавм қайта-қайта тилга олинади ва унинг шаънига энг тотли ҳамд-санолар айтилади. Ҳавм гиёҳини қўлга киритиш эса амалларнинг энг баланди саналади.

Язишна маросими (маздапарастларнинг энг обрўли алқов йигини) чоғида ушбу маросимни бошқариб турувчи завдан кейинги уринда ҳованан — ҳавм шарбатини ҳозирловчи туради.

Ҳавм — муқаддас гиёҳни ва унинг билан боғлиқ маросимни асрагучи илоҳнинг номи. «Авесто»нинг йигирманчи яшти ана шу илоҳнинг шон-шавкатини тараннум этади.

«Шоҳнома»да тоғларда сўққабоб яшовчи гоят парҳезкор Ҳавм номи қаҳрамон бор. У Афросиёб ва Гарсиюзи банди қилиб Кайхисравга топширади ва бадкирдорликкари учун қатл қилишини сурайди.

Шубҳасиз, «Шоҳнома»нинг Ҳавми ҳавм гиёҳининг бир таркибидир. Зеро, ҳавм гиёҳи тоғларда усоди, илоҳ Ҳавм эса поклар ва ростларнинг ҳомийси. «Шоҳнома» муаллифи рамзвн ҳавм гиёҳини жонлантирган ва уни инсон сувратиға киритган.

99. *Праҳавм* — «Авесто»да «праҳавамаҳ». Маъноси — бошқа ҳавм. Ҳавм ва ҳазанаипата гиёҳи шарбати, сув ва сут аралашмаси. Бу ичимлик ҳам алқов маросимларида қўлланилади. «Авесто»нинг куп уринларида бу икки гиёҳ ёнма-ён келади.

100. «*Йингҳи хотам...*» — маздапарастларнинг маъве жиҳатидан учинчи мақомада турдиган ибодат дуоларидан бири. Ушбу дуо «Яса аҳу вайрю...» ва «Ашим вуҳав...» ибодат дуоларидан кейинги уринда туради. «Йингҳи хотам...» дуосининг бошқа бир номи «Яснү гиритий...» Дуо тилимизга қуйидаги зайлда таржима қилинди: «Мазда Аҳура Ҳақиқат — Ашаҳ нурулари остида энг мақбул амалларни бажаргучи зотларни билади. Мен ҳам шундай зотларниким, улар бор эдилар ва бундан кейин ҳам буладдилар, номма-ном олқишлайман ва ҳамд-сано билан уларга яқин келаман...»



101. *Вайвангхон* — *Жам Вайвангхон* — «Авесто»да «Йима» «Вайваҳванат» угли. Паҳлавий тилида «Йамак» ёхуд «Жамак» «Вайвангхон» угли. Санскрит тилида «Йамак» «Вайсуват» угли. Гоят қадимий Шарқ асотирларидаги ёрқин сиймолардан бири.

«Авесто»нинг нақл қилишича, Жамнинг отаси Вайвангхон замин инсонлари орасида биринчи бўлиб ҳавм гиёҳини сирқиратиб, ундан сувини олади. Бунинг эвазига фарзанди Жам дунёга келади. Жамнинг «Авесто»да бир қанча сифатлари бор. Улардан бири «хшанта», форс тилида «шайд». Маъноси — шоҳона ёхуд дураҳшо. Бошқа бир сифати «ҳваридариса». Маъноси — қуёш юзли. Бошқаси — «сраяр». Маъноси — гузал, иссиқ чехрали. Бошқа бир сифати — «ҳвасва». Паҳлавийда — «ҳвараман». Маъноси — яхши сурувлар соҳиби. «Вандидод»нинг иккинчи фарғарди («Жам достони») энг қадимий муътабар манбалардан бўлиб, ярим илоҳ, ярим одам бўлган бу шахсият ҳақида ҳикоя қилади.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Жам (Жамшид) бирмунча узгарган ҳолда тасвирланган бўлса-да, унинг асотирий белгилари сақланиб қолган. «Шоҳнома»да Жамшид қудратли шахриёр, шуқуҳли подшоҳдор ва узоқ замонлар олам унинг ихтиёрида. У одамларга яхшилаик қилади.

102. *Отбийн* — *Обтийн* — «Авесто»да «освая», санскритда «оптя». Фаридуннинг отаси. Инсонлар орасида ҳавм гиёҳидан иккинчи бўлиб ичимлик олган киши.

103. *Фаридун* — «Авесто»да «Сраитуна», «Осваянинг угли». Паҳлавийда «Фридун». Энг қадимий асотирий қаҳрамонлардан бири. Фаридун «Авесто»дан ташқари «Шоҳнома» ва яна бир қатор Исломдан кейинги арабий, форсий ва туркий адабиётларда кенг қўламда иштирок этади. Яснада (9-қот, 6-8-бандлар) Фаридуннинг отаси Отбийн астуманда (моддий) оламда инсонлар ичидан иккинчи бўлиб ҳавм гиёҳидан ичимлик олади. Бунинг муқофоти улароқ Фаридун исми фарзанди ёруг дунёга келади. Фаридун уч оғиз, уч калла, олти ҳузай Ажи даҳони маглуб этади ва унга банд солади. У Ажи даҳонинг икки хотинини (Жамшидинг қизлари ёхуд сингиллари) ҳам тортиб олади. Жамшидга мансуб булган шўхлик нишонаси — Вориган қуши танасидан ажралиб, Фаридунга утади ва унинг нурлари туйғайли энг саодатли инсонлардан бирига айланади.

«Вандидод»да Варина номли юрт Фаридуннинг ватани дейилади. Шунингдек, «Авесто»нинг бошқа уринларида ҳам Варина Фаридун ҳаётидаги муҳим воқеалар рўй берган макон тарзида тилга олинади.

«Вандидод»да (20-фарғарда) ер юзидаги энг биринчи дармонбахш ҳоким Срийта ҳақида сўз боради. Куплаб тадқиқотчиларнинг яқдиллик билан билдирган фикрига қўра бу дармонбахш ҳоким Фаридундир.

104. *Сом* — *Гаршасп* — «Авесто»да «Гаршаспа». Маъноси — логар от соҳиби. Қадимий Шарқ асотирларининг порлоқ чехраларидан бири. Яснада (9-қот, 10-банд) ҳикоя қилинишича, Гаршаспнинг отаси Срийта — Сом хонадонидан — ер юзида яшовчи инсонлардан учинчи бўлиб ҳавм сувини олди ва бунинг эвазига икки угли билан тақдирланди: Гаршасп ва унинг укаси — Урувахша. Яснанинг ушбу ҳотида «Авесто»нинг бошқа куплаб уринларида келгани хаби Гаршасп зарбадас, тик соч, гуризбардор каби сифатлар билан тавсифланган. «Замяд яшт»да келишича, (38-банд) Жамшидга хос булган уч хислатнинг бири — жанговарлик ва далерлик Жамшидни тарк этгач Гаршаспга қовушади. Эҳтимол, Исломдан кейин пайдо булган адабиётлардаги гуё Гаршаспнинг насли Жамшидга бориб тақалади қабилидаги қарашларининг сабаби шундандир.

Авестошунос Иброҳим Пурдовунинг ёзишича, «Авесто»нинг эътиборли қаҳрамони Гаршасп «Шоҳнома»даги Рустам ва юнон асотирларининг ёшлар шавкати қаҳрамони Ҳераклга монандир. Дарҳақиқат, бу қиёсга шак-шубҳа йўқ, «Авесто» ва бошқа адабиётларда тасвирланган Гаршасп сиймоси ва шахсиятининг таъсирбахш ва ёрқин нуқталаридан бири шундаки, Гаршаспнинг қаҳрамонона курашлари ва муҳорабалари оламни ёвузлик чангалига ташламоқчи булган аҳриманий мавжудотлар — девлар ва аждаҳоларга қарши олиб борган курашларида намоён бўлади. «Шоҳнома» қаҳрамони Рустам сиймоси Гаршасп қошида бирмунча хира тортади. Зеро, Рустамнинг курашлари заминий характерга эгадир.

«Шоҳнома», «Гаршаспнома» ва Исломдан кейинги бошқа адабиётларда Гаршасп, унинг отаси — Сом, бобоси — Наримон ҳақида сўз боради. Бу Гаршасп насли хусусида бирмунча тасаввур ҳосил қилишга асос яратди ва унинг сифатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишимизга қумаклашади. Гаршасп Наримон («Наримон»



321

бу уринда нар (эркак) феъл, қўрқмас, мард, далер маъноларини ифода этади). Абу Райҳон Беруний ушбу уч номнинг ҳақиқатда бир насл, уруг, авлод эканига ишора қилган.

Гаршасп сиймосининг улуворлиги шунда ҳам куринадики, «Авесто»нинг бугунги кунда йўқолиб кетган энг қадимий нусхаларининг муайян бўлими бу улуғ зотга бағишланган экан. («Суткарнак», 1Ғ-фаргард.) Йўқолган ушбу накснинг жуда кичик жуъзи бугунги паҳлавий тилидаги «Динкарт»да сақланган. Шунга қарамай «Авесто»нинг кўп уринларида (гоҳлардан ташқари) бу тик соч гурзибардор қақрамон жангномаларидан айрим лавҳаларни ёхуд унинг курашларидан баъзи бир нуқталарни учратганимиз мумкин.

Гаршасп абадиятга дахлдор зотлардан бўлиб, Сувшент ёрларидандир.

Сувшент — сувшёнс. «Авесто»да «сушент». Маъноси — фойдали ёхуд фойда берувчи. Купинча «қутқарувчи», «халос қилувчи» маъноларда ҳам қўлланилади. Гоҳларда бир неча уринда у Зардуштининг сифати бўлиб келган. Сувшент «Авесто»нинг бошқа бир уринларида зардуштийларнинг уч ваъдаси ёки уч буюқ ҳодисанинг бири, айнан эса, учинчи ваъда айёми — «Астут арита»дир.

«Астут арита» — маздапарастларнинг учинчи ёки энг сўнги сувшёнги (ваъда)нинг номи. Ақидага қўра, зардуштдан кейинги учинчи минг йиллик сўнггида, унинг Каёнсия (Ҳомун) дарёчасида сақланиб қолган уруги (ёхуд фарри) таъсирида Аридат Физрий исми онадан таваллуд топади ва дунё ҳамда маздапарастлик дини янгилинишини ниҳоясига етказилади. «Замяда яшт»да (93-94-бандлар) Астут Аританинг хайрли ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. «Авесто»нинг қай бир урнида «сушент» сузи тилга олинса, тўғридан-тўғри Астут Арита англашилади. Демак, Астут Аританинг уриига унинг сифати яна бир — фируз сифати билан биргаликда қўлланилади. Астут Аританинг пайдо бўлганигини курсатувчи нишона бу — қувшнинг осмон уртасида тўхтаб қолишидир. Астут Арита яралиши баробарида абадиятга дахлдор барча зотлар (Кайхусрав, Гуаруз, Тус, Пишутан, Гаршасп ва бошқалар) унга қўшиладилар-да қиёматни бунёд этадилар. Ас-туманда (моддий) олам поёнига етиб, Ашаҳ — Ҳақиқат ва мийну олами бошланади.

Шундай қилиб, Гаршасп, Сувшент аҳлидан бўлиб, улган эмас ва то Сувшент даврига қадар уйқуга кетган. «Вайдиадод»да нақд қилинишича, (1-фаргард, 10-банд) Ваиҳ Гирита сарзами-

ни яратилиши баробарида Аҳриман жодугар ва пари Хнасайтани яратади ва у Гаршаспга қўшилади.

«Бундақишн»да у қўйимиз: «Сом (мақсад Сом хонадонидан бўлган Гаршасп) абадий зотлардан биридир. Бироқ маздапарастлик динига нисбатан бўлган бепарволиги оқибатида душманлардан бири Пишёнса даштида (Кобул яқинида) уни захмдор қилади ва бушапс номига гайритабийий уйқу унга голиблик қилади. Унинг боши устида осмонда фарр доим кузати туради. Ажи Даҳока қайта замижир узиб, вайронагарчилик ва тубанкорлигини бошлаб юборган кунда, Гаршасп узоқ уйқусидан уйғониб, ўз гурзиси ёрдамида уни ер билан яксон қилиб ташлайди. Ун мингта ашаванининг фравашийси унинг жисмини қўриқлаб туришга вазифадор қилинган...» («Фарвардин яшт»да (61-банд) нақд қилинишича, Гаршасп жисмини ҳимоя этгувчи фравашийлар миқдори 9999 тадир. Маълум бўлишича, аслида «Бундақишн»да бу миқдор юз мингта бўлган. Кейинчалик иштибоҳ оқибатида ун мингта дейилган).

Бу ҳикоят «Баҳман яшт»да («Вуҳавман яшн», 9-бўлим, 12-24-бандлар) қуйидагича тасвирланади: «Қачонки Ажи Даҳока занжиригини узиб яна оламга юзлангач, жуда кўп қабоҳатларни амалга оширади. Қанчадан-қанча одамлар, тевадар, қўйлар ва илоҳ яратган не-не мавжудотлар ҳалок бўлади. Шунда сув, олов ва гиёҳ Аҳура Мазда даргоҳига мурожаат этадилар-да Фарийдунини қайта уйғотмоғини сўрашади, токи у Ажи Даҳокани нобуд қилсин: «Эй, Аҳура Мазда! Агар бизнинг хоҳишимизни адо этмасанг, биз ер юзидан буткул йўқ бўламиз». Олов дейди: «Мен порламасман!..» Сув дейди: «Мен қуриб қоламан!..» Шунда Аҳура Мазда Суруш ва Нарйўсангга дейди: «Сомнинг (Гаршасп) жисмини қимирлатинг, уйқудан уйғонсин. Илоҳ Суруш ва Нарйўсанг Гаршаспни уйғотмоқ учун уш марта наъра тортадилар. Туртинчи наърадан сўнг Гаршасп хушнудлик билан уйқудан кўз очади ва Ажи Даҳокка юзма-юз бўлади. Унинг сўзларига қулоқ солмайди. Гурзи билан уриб, нобуд қилади. Шундан кейин ер юзидан вайронагарчилик ва тубанкорликлар ариб, энг сўнги минг йиллик ибтидо топади. Сувшентлар дунёни қайтадан пок қиладилар, қиёмат қоим бўлиб, яғи даёт бошланади...»

«Фарвардин яшт»да ҳикоя қилинишича, (61-банд) ашаванларнинг пок ва қудратли фравашийларига хабар етказилиб, улардан 9999



322

таси Гаршасп жисмини қуриқлаш вазифаси топширилади.

«Динкарда» китобида (9-китоб, 14-булим) юқорида Гаршасп хусусида баён этилган фикрларни уқиймиз. «...Ахура Мазда Зардуштга Гаршасп руҳини таҳликали вазиятда намоеъ қилади. Инсонлар, уларнинг ҳур ва эркин яшашлари учун қанчадан-қанча фидокорликлар қилган бир зот руҳининг аянчли аҳволдан Зардушт изтиробга тушади. Гаршасп оловга нисбатан қилган ҳурматсизлиги учун Ахура Маздадан кечирлини илтижо қилади. Бунинг эвзига ахриманий девларга қарши жанг қилиб, улардан инсониятни халос этишга ваъда беради. Гаршасп кўплаб зиёнкор девлар, аждаҳо, пари ва жодуларни нобуд этиб, одамларни бу ёвузлик, разолат ва залолатдан қутқаради.

Гуршасп ҳар қанча қаҳрамонлик курсатмаси, илоҳ Озар ундан чеккан озори туфайли жаннат эшикларини унинг қаршисида ёшиб қяди ва биҳишта киришига монеалик қилади.

Гушварван эса Гаршаспдан курган яхшиликлари ҳурматида дузах дарвозаларини ёшиб, уни томуққа ташлашдан бош тортади. Ниҳоят Зардушт илоҳ Озардан Гаршасп гуноҳларидан утишини сурайди. Озар Зардуштнинг утинчини қабул қилади ва Гаршасп биҳиштагига дохил бўлади...»

105. Урувахшаҳ — Атраг (Сарийта)нинг угли, Гаршаспнинг биродари. Сом хонадонидан. Яснада (9-ҳот, 10-банд) у «адолатли ҳакам» сифатида тилга олинади. «Ром яшт» (28-банд), «Замяд яшт» (41-банд)да у ҳақда шундай ҳикоя қилинади: «Заррин тожли Ҳятасп Урувахшайни улдиради. Гаршасп биродарининг қасосини олиб Ҳятаспни нобуд қилади. Урувахшай ва Гаршасп оталари Сарийтанинг ҳавм гиёҳидан олган ичимлик туфайли вужудга келтирди».

106. Пурушаспа — маъноси — қари от соҳиби. Паҳлавий ва форсийда бу ном «Буршасп» ёхуд «Буршасп» тарзида ёзилади. Маъъудий узининг «Муружузузҳаб» китобида уни «Пуршасф» шаклида истифода этади.

«Ясна» (9-ҳот, 13-банд)да Пурушаспа замин фарзандлари ичидан туртинчилардан ҳавм шарбатини олмоққа мушарраф будди. Бу шарфли ҳодисадан сунг унинг хонадонида маздапарастлик динининг энг улуг вакили Зардушт дунёга келди.

107. Ийрон Вийж — «Авесто»да «Аряна Важа» ёхуд «Айриана Ваижанга». Маъноси — одамлар яшовчи сарзамин. Купчилик

«Авесто» тадқиқотчилари ва шарҳуносларнинг фикрига қура, бу юрт ҳозирги Урта Осиё ҳудудидаги Хоразм воҳаси, аниқроғи, Хива шаҳридир.

«Вандидод», 1-фаргарда, 3-бандда наҳл қилинишича, Ийрон Вийж Ахура Мазда яратган дастлабки ун олти сарзаминнинг энг бирламчиси ва жаҳон энг гузалидир. Ушбу олий жаноб шаҳарнинг қаршисида бадкирдор Аҳриман девлар яратгучи зимистонни яратади; у жаҳон ва жаҳон аҳли устидан голиб келади. «Авесто»да ва, умуман, қадим Шарқ асотирларининг аксариятида энг муҳим воқеа-ҳодисалар Ийрон Вийж сарзаминида ва уни ёқалаб оқгучи Даитя дарёси соҳилларида руй беради. «Вандидод»да (2-фаргарда, 21-31-бандлар) гувоҳ буламизки, Ахура Мазда ва мийну илоҳлари бир томондан; Жам ва халқу халойиқ бошқа томондан Даитя дарёси соҳилидаги Ийрон Вийжда анжуман утказадилар. Ахура Мазда бостириб келатган ажал зимистони ҳақида хабар беради ва одамлар ҳамда ҳайвонларни асраб қолиш учун «Варижамкарда» (ер ости шаҳарчаси) қуришларини буюради.

«Бундаҳишн» (32-булим, 3-банд)нинг ёзишича, Зардушт илк бор уз динини олиб келганда даставвал Ийрон Вийжда «язишна» — алқов ва ибодатлар маросимини уткарди. Шу ерда Мадьюмоҳ унинг динини қабул қилди.

«Обон яшт»да (17-18-бандлар) ҳикоя қилинишича, яратгучи Ахура Мазда Даитя дарёси соҳилидаги Ийрон Вийжда илоҳа Ардвисура Анаҳитани олқишлайди, унга салом ва пайгомлар юборади. Шунда у илоҳага Зардуштнинг фикр, суз ва амалда динга қаттиқ амал қилишини таъкид этади. «Авесто»нинг барча уринларида Ийрон Вийж ва Даитя атамаларига ҳайта-қайта дуч келамиз. Бир суз билан айтиш мумкинки, Ийрон Вийж зардуштий динидаги ва бутун шарқ халқлари тарихидаги энг машҳур ва маълум юртлардан биридир.

108. *Кавай* — гоҳларда Зардушт дини душманлари пешвосининг номи ё унвони. У ёмонлик ва бадкирдорлик рамзи. Бироқ баъзи уринларда «кавай» Гуштаспнинг унвони бўлиб келади. Гуштасп — Зардуштга дўст кучларининг раҳбари.

Худди шу суз — «кай» барча каёнийлар сулоласи шоҳларининг номига қўшилган ҳолда қўлланилган. Чунончи, Кай Қубоддан токи Кай Гуштаспгача. Гоҳлар ва «Авесто»нинг бошқа булимларида бу суз Зардушт дини душманларининг умумий номини ифода этади.



Авестошунос Баҳор «кавай» сүзини «пешво, руҳоний» тарзида таржима қилган.

109 *Карал-карапан* — гоҳларда маздапарастлик динининг душманлари, девпарастрлар пешволари гуруҳининг увони. «Янги Авесто»да ҳам аксарият ҳолларда бу номни куплик шаклида учратамиз. У девлар, жодулар, парилар, ашмуғлар ва золимлар билан бир сафда тилга олинади.

Паҳлавий тилида «карб» Зардушт динига муҳолиф эътиқод пешволарига нисбатан қўлланилади. Карб Зардушт динининг қаттол душмани. Жумладан, Турвародруш — Зардуштнинг қотили ҳам шу гуруҳдан. Санскрит тилида «калпа» мазҳабий расм-русумларни ижро этгувчиларга нисбатан қўлланилган.

110. *Ашмуғ* — «Авесто»да «аша муга», паҳлавийда «ашмуғ», «ашмук», «аҳрмук», «аҳлук». Лугатларда «ашмуғ» «ашани мағлуб этгувчи» тарзида таржима қилинади. Маздапарастлар диний адабиётида «динсиз», «динидан қайтган», «мулҳид», «тақвосиз», «нопарҳезкор», «ғумроҳ қилувчи», «каззоб руҳоний» каби маъноларга эга. Паҳлавий матнларида «бидъат тарқатувчи» тарзида истифода қилинади.

Бу сифат ё увон «Авесто»да аксарият ҳолларда «ғумроҳ қилувчи», «алдовчи» маъноларини ифода этган. Чунончи, «Журмузд яшт»нинг 10-бандида «ашмуғ» уч хил маънода зикр этилади: биринчи: каззоб; иккинчи: худписанд; учинчи: ёлгонга қўнғил боглаган ва унга пайравлик қилганлар.

Ашмуғ уз бадкирдорлиги билан барча тубанкорлар ва гуноҳкорлар сафида тилга олинб, ашаванлар ва парҳезкорларга қарама-қарши туради. Жумладан, «Бундаҳишн»да «ашаванлик» ибораси қўлланилгани каби, «ашмуғлик» сифати ҳам қўлланилган.

«Вандидод»да (4-фарғард, 49-банд) таомдан бош тортган ашмуғ ҳақида сўз боради. «Дормустатар» ушбу ҳолни зардуштийлар ва масихийлар ҳамда монавийлар ўртасидаги фикрий курашга ишора деб ҳисоблайди. Зеро, масихийлар ва монавийлар овқатдан тийилиш ва риёзаткашликни тарғиб қилишарди. «Бурҳони қотей» лугатида «ашмуғ» сўзига қўйидагича изоҳ берилган: «Ашмуғ Аҳриманга тобе булган девлардан. Сўз угирлаш, фитна-фасод, ёлгон сўзлаш, икки киши орасини бузиш ва адоват унга таалуқдир». Деҳжудо «Лугатнома»сида ушбу сўз остида шоир Тайённинг қўйидаги байтини ўқиймиз:

Дедилар жумлаким, ёлгон эрур бу,
Сўз угриси ашмуғ каби эди у.

111. *Кирсоний* — маздапарастлик дини душмаиларининг раҳнаомаларида. Кирсоний уз мулкда маздапарастлик динини тарғиб ва ташвиқ қилишларига йул қўймас эди. Илоҳ Ҳаам уни шахриёрликдан маҳрум қилади.

112. *Бож* — «Авесто»да «важ», паҳлавийда «вож», «вожак». Маъноси — сўз, калом. Маздапарастларнинг энг қисқа дуо ва оқшларининг умумий увони. Бож — сўз маздапарастлар лаб остида, пичирлаб тиловат қиладиган ихчам, қисқа алқов ва дуолардир. «Бож олмақ», «бож айтмоқ», «бож қилмоқ», «бож тутмоқ» каби ибораларнинг бари ихчам дуо ва оқшларни тиловат қилмоқ демак. «Вож», «вожа», «боз», «бож», «воп», «овоз», «овоза», «гвож», «гвожа» каби форсий ва айрим туркий сўзларининг узаги авестойи «важ»дир. Лотин, инглиз ва француз тилларидаги шуларга маънодош сўзларининг этимологияси ҳам «важ», яъни «бож» ҳисобланади.

Исломдан кейин араб, форс ва туркий адабиётларининг айрим намуналарида «бож» урнига «замзам» ёхуд «замзама» каби иборалар ҳам ишлатилган. Фирдавсийда ўқиймиз:

*«Жаҳондор олди мулкнинг божини,
Замзам ила айлади уз розини».*

*«Озари Зардушт ихлосмандлари,
Божу барсам бирла бордилар бари».*

*«Отдан энди, қулда барсам бор эди,
Замзама лабда яна тақрор эди».*

Абу Райҳон Беруний ёзади: «Суруш илк марта замзама қилмоққа фармон берди. Бу бурундан чиқадиган сўз демакдир. Бу тил билан сўйлангувчи аниқ сўз ё калом эмас. Шу йул билан Парвардигорни олқишлайдилар. Сунгра таом тановул қиладилар. Бироқ уйламак тақиқланади. Ҳамҳама ва ишора қиладилар, бироқ гапирмайдилар».

Авестошунос Баҳор ёзади: «Бож демоқлик» Парвардигор неъматларига шукрона қилмоқдир. Таом истеъмол қилишга бошладан олдин ва ундан кейин «бож» дейилади, «Авесто»дан парча тиловат қилинади. Маздапарастлар таомланмоқ асносида «бож» демасликни азим гуноҳ ҳисоблаганлар. Ардовираф мийнун оламига сафар қилган чоғида бир кимсаннинг рудига дуч келади. У ташналик ва очликдан «Уламан!» деб фарё чекар, соч ва соқолларини юлган кўйи қон ичарди. Ардовираф илоҳлар Суруш ва Озардан: «Бу одам нима гуноҳ қилди?»



деб сўради. «Бу заминий ҳаётида Хурдоо ва Амурдоодники булган сув ва гиёҳни гапириб турган ҳолатда тановул қилди, бож демади...», деди илоҳлар унга жавобан.

113. *Упойирий саина* — маъноси — лочин (шоҳин) ёхуд семургдан кучли. Тоғ номи. «Бундаҳиш»да «Апарсин» шаклида ифода-ланган ушбу тоғ хусусида кўп сўз юритилади. Китобнинг 12-булим, 9-бандида айтилишича, Апарсин Албурздан кейинги энг улуг тоғ ҳисобланади. Апарсин тоғи Сакистоидан бош-лаиб, Хузистоида тамом булади. Уша манба-да (16, 17, 21, 22-булимлар) айтилишича, Ҳирийруд Апарсин тоғидан бошлаб оқади. Са-кистондаги Ҳалмандрудининг боши ҳам Апар-син тоғидадир. Марвруд ҳам Апарсиндан иб-тидо тошади. Балхруд ҳам Апарсин тоғидан бошланиб, Бомёнга довуру оқиб келади.

Айтш мумкинки, Упойирий саина (Апар-син) Ҳиндукуш тоғининг Бохтар қисми, яъни Боботог (Кухи Бобо) силсиласидир. Бобо-тоғнинг баландлиги беш минг тўрт юз тўқсон метр бўлиб, унинг қайбатли тошлари ва чўққиларини ҳамisha қор қоплаган. «Замйад яшт»нинг 3-бандида Упойирий саина тоғидан олдин қўлланилган «ийшката» иборасини тадқиқотчилар «харсанг тош» деб таржима қилганлар.

Яснанинг 10-ҳот, 11-бандида таъкидлани-шича, Упойирий саина тоғи муқаддас ҳавм гиёҳи усадиган тоғлардан биридир.

114. *Старусара* — эҳтимол, аслида «Стару сара», яъни «Ситора сар» — «боши юл-дузларга теккан» маъносини англатувчи иборадир. Старусара муқаддас ҳавм гиёҳи усади-ган тоғларнинг бири ҳисобланади. «Дормус-татар» китобида келишича, Старусара Гур-банд тоғининг силсиласидир.

115. *Кусрупата* — маъноси «Ости ни-шеб». Яснада келишича, (10-ҳот, 11-банд) муқаддас ҳавм гиёҳи усадиган тоғлардан би-ри. «Дормустатар» китобида ёзилишича, Ку-срупата Гурбанд тоғининг силсиласидир. (Ата-манинг ўзи Карпат тоғларига ишора қил-пти — тарж.).

116. *Вийш паса* — маъноси ҳамма ёқда ёхуд айланма, гирдогирд. Муқаддас ҳавм гиёҳи усадиган тоғларнинг бири. «Дормус-татар» китобида ёзилишича, бу сўзнинг маъноси «утар жой» ва Ҳиндукуш тоғи ҳалқаларидан биридир.

117. *Спийта гуна* — маъноси — оқ тусли. Муқаддас ҳавм гиёҳи усадиган тоғлардан би-ри. «Дормустатар» китобининг гувоҳлик бе-

ришича, Спийта гуна Ҳиндукуш тоғи силсила-сидир.

118. *Гав дарфаш* — «Авесто»да «гавш драфша». Қалқиб турган ҳар нарсага нисба-тан қўлланиладиган тамсил.

Абу Райҳон Беруний ёзади: «Дарафш ко-биёи исми бу нарса, бир нақлга кура, айиқ пустидан, бошқа бир нақлга кура, шер пусти-дан ясалган бўлиб, зар ва гавқар билан бе-затилган».

119. *Ташт* — завр ташти — завр суви сақланадиган пиёла.

120. *Асприйс* — от чопадиган ёхуд чавгон уйнайдиган майдон. Асприйс — йул узунлиги ўлчови бўлиб, от чоптириладиган майдон бўйи баробарида буларкан. Асприйс майдони муай-ян бир андозага эга дейиш мумкин. Зеро, «Ванаидод»да (2-фарғард, 25-банд) Аҳура Мазда Жамга фармон беради: «Турт буржли асприйс узунлигига вар бино қил...»

Паҳлавий ёзма манбаларида келишича, варнинг эни ва бўйи икки «қосар», яъни, икки фарсанг экан. Бироқ «қосар» узунлик ўлчови учун турли хил андозаларни тавсия қиладил-лар. Чунончи, «Бундаҳиш»да келишича, (14-булим, 4-банд) бир қосар ер бир фарсанг қаж-мидадир. Бошқа уринда эса (16-булим, 7-банд) қосар фарсангнинг тўртдан бир қисми дейил-ган. Авестошунос Баҳор қайд этишича, асл авестойи мазмунига кура бир қосар бир асприйс узунлигига тенг келади. Бир асприйс эса, тахминан, 700 метр. «Асприйс» сузи ар-ман тилида «аспириз» шаклида қўлланилади. «Арманистон тарихи» китобида «отчопар майдони»нинг муайян масофаси ҳам курсатилган. Бу 230 метр узунликдаги майдондир. Шунга қарамай, асприйс узунлик ўлчовини 266 метрдан 1598 метргача дегувчилар бор.

121. *Арзон улим* — улимга сазовор. Қатлга маҳкум. Айбининг жазоси улим булган кимса. Пишавтану. Тановуҳар.

Пишавтанунинг маъноси — қилган гуноҳи эвазига танасини бағишлагувчи одам. Паҳла-вийда «таиопуҳр», «танофуҳр», «таиопуҳл» тарзда талаффуз қилиниб, «жазога гирифт-ор тана» маъносини англатувчи авестойи «танавпириса» узағидан олинган.

«Авесто»нинг шарҳи бўлмиш «Занд»да «таиопуҳр» сузи «арзон улим», яъни, улимга маҳкум этилган, қатлга лойиқ киши тарзда шарҳланган.

Баҳор «таиопуҳр» сузини қуйидагича изоҳлайди: «Бу шундай гуноҳ туркиим, соҳибини чайнавадул (кўприк)дан утишига мо-





нелик қилади. Унинг каффорати миғ икки юз дирҳам ёхуд икки юз қамчин...

«Вандидод»да аксар мавридаларда «пишавтану» аспаҳиқ-ашатра ва саравуш-чарана қамчинлари билан икки юз мартадан уриладиган жазо тури сифатида таърифланади. Аммо «пишавтану»нинг масаласи шу билан соддагина ҳал булавермайди. Худди шу «Вандидод»да уқиймиз (15-фарғард, 1-банд): «Пишавтану» шундай гуноҳқордирки, у товон тулаш йули билангина халос була олмайди. Юқоридаги таърифларнинг бирортаси на «танопухр» ва на «пишавтану»нинг маъносини тукис ифода этолмайди. «Дормустатар»да ҳам шундай чалқашликка дуч келамиз. Унда ёзилишича, «арзон улим» маъносини англаган «пишавтану» кейинчалик табила булиб, гуноҳи эвазига икки юз марта қамчин билан саваланувчи ёхуд миғ икки юз дирҳам товон тулагувчи ҳар нечук гуноҳқорга нисбатан қўлланаверган.

122. *Отурбон* — «Авесто»да «асравн» е «асаурвана», паҳлавийда «осраван» ёхуд «Осрун». Маъноси — оловни қуриқловчи. Дин пешволари, мубадлар унвони. Осрунлар учлик ижтимоий табақанинг бири саналиб, артишторлар (сипоҳлар, лашкарлар) ҳамда вастрюшлар (деҳқонлар) билан бир жабҳада булганлар. У форс тилида «Озарбон» ҳам дейилади.

123. *Даҳака* — Аҳура Мазда ёхуд Ҳурмузд оят-аломатларини инкор қилгувчи шахс. У одатда отурбон, мубадлар номи баробарида тилга олинади. Тафсифларда келишича, даҳока одатда дин ҳомиysi булган отурбонга мухолифдир. Даҳака диний аломатларини йўқотган одам.

124. *Маврак* — маздапарастлик динига душман гуруҳлардан. Учлик ижтимоий табақанинг бири — артиштарларга қарама-қарши куч. Машҳур авестомунос Иброҳим Пурдовуд бу сузни «ақли қосир», «ялқов», «тубан» ва «зарарли» тарзида шарҳлайди. «Авесто»нинг паҳлавий тилидаги нусхасида «маврак» «мавтан қартор» шаклида табила қилиниб, шу тарзда тавзиҳ берилган: «Мавтан барча-барча нарсани тубанлаштиради, яъни вайрон қилади».

125. *Варшна* — маздапарастлик динига душман гуруҳ. Учлик ижтимоий гуруҳнинг бири булган деҳқонларга мухолиф куч. Варшна ясналарда «пур ва сариза» (хилма-хил, турлитуман) сифати билан бирга қўлланилади. «Авесто»нинг паҳлавий тилидаги нусхаларида

«пурсартан варзитор» тарзида таржима қилинган булиб, «хилма-хил юмушларни бажарувчи» маъносини ифода этади, яъни, турли хил масъулиятни зиммасига олиб, бирор-бири ни бажара олмайдиган шахс — варшна.

126. *Афросиёб* — «Авесто»да «Франграсян». Маъноси — даҳшат солгувчи ёхуд қурқув солгувчи одам. Паҳлавий тилида «Фрасев», «Фрасеб» ёхуд «Фрасеф». Машҳур Турон шоҳи, Пушангнинг угли. Навзаршоҳ замонидан Кайхусрав салтанатига довуз гоят узоқ давом этган Эрон ва Турон жангларининг иштирокчиси, асл паҳлавон. Афросиёб ҳаётининг энг муҳим воқеалари бу унинг уз биродари Агрира ва шоҳ Ковуснинг угли паҳлавон шахзода Сиевушни улдиришидир. «Авесто»да бу икки ҳодиса Афросиёбнинг энг буюк гуноҳи тарзида қайд этилган. Афросиёб уз невараси, Сиевушининг угли Кайхусрав томонидан қатл қилинади. Бу Афросиёб содир этган гуноҳлар натижаси эди. Афросиёбнинг ҳаёт дафтарига қора чаплаган гуноҳлари ва аҳриманларча фаолияти билан бир қаторда яхшиликларни ҳам бордирки, бу унинг қули билан учқур дев Зингов дурванднинг улдиришидир. Зингов дурванд Эрон устидан галаба қозонди ва эронликлар Афросиёбдан мадада ишташди. Натижада Афросиёб уни мағлуб этди. Афросиёб саргузашти, унинг эронликлар билан юз берган қонли ва кашмакашли жанглари «Янги Авесто»да, шунингдек, паҳлавий матнларда анчайин ишоралар билан баён қилинган. Бу матнларда унинг шахсияти кўпроқ асотирий ва дев сифатдир. Бироқ «Шоҳнома» ва шунга ухшаш кўплаб тарихий-адабий матнларда Афросиёб дostonи хийла батафсил баён қилинган. Албатта, бу дostonларда Афросиёб аҳриманлик хусусиятига эга булган шоҳ ва паҳлавон тарзида намоён булади. Афросиёб шоҳ ва паҳлавон сифатида «Янги Авесто»да, паҳлавий матнларда, хусусан, «Шоҳнома» ва бошқа арабий-форсий ёдгорликларда иштирок этади. Бу паҳлавон шоҳ фаолияти акс этган охириги манбалардир. Афросиёб шахси, унинг образи қадамги ҳинд адабиётларида ҳам кўзга ташланади. Ушбу меросларда Афросиёб аждаҳо ва девлар баробарида эмас, балки илоҳларнинг самовий муҳорабаларида ҳам тенгсиз жангларга киришади. Чунончи, «Замяд яшт»да ҳақо қилинишича, Афросиёб Фарог Карт дарёсида эронлик баҳодирни қўлга олмоқчи булади. Гуе яхшилик ва ёмонлик, ҳулу қуруқни борлиқ оламида бутунлай барҳам бергудек газабга минади ва Аҳура

Мазданинг узини ҳам чуқуракларга итқитиб ташламоқда қасд қилади. Унинг бу кураши Хурмузд ва Аҳриман муҳорабасини ёдга солади.

«Бундақишн»да нақл қилинишча, Афросиеб Ййроншаҳрга ёғатган ёмгирни тўхтатиб қолади ва бутун шаҳарни қурғоқчилик балосига гирифтор этади. Ушбу ҳодиса «Шоҳнома»да эслатиб утилса-да, Афросиебнинг номи зикр қилинмайди. Бу қаҳрли паҳлавоннинг аждаҳосифат сувларни уз қаърига торта билиш, шу билан қурғоқчилик пайдо қилиш хусусияти борлигини ҳам намойиш қилади. «Зодсипарм» китобида хелишича, Амшосипанд Сипандормаз Афросиебнинг бу офатангиз қилимшларига барҳам беради. Яна бир ривоятда нақл қилинишча, Сийистондаги Каёнсия дарёсига қуйилгучи Ватаниий дарёсини Афросиеб оёқлари зарби билан қуритиб ташлайди.

127. *Жомосп* — Жомосп Ҳувгва — маздапарастлар динини биринчилардан бўлиб қабул қилган шахс. Зардуштийларга доир ривоятларнинг хабар беришича, у Зардуштнинг куёви (Зардуштнинг кенжа қизи Пуручастанинг эри)дир. Жомосп бир қатор паҳлавий манбаларда, шунингдек, «Шоҳнома»да Гүштаспнинг маслаҳатчиси ва вазири бўлган. Рустам, Исфандиёр каби афсонавий қаҳрамонлар билан бир сафда туради. «Хувгва» — «Хувава» Жомосп хонадонининг номи. Ушбу хонадонга масуб бўлган яна бир номдор шахс Фрашваштар «Авесто» қаҳрамонларидан бири, Жомоспнинг биродари. Паҳлавий манбаларда Жомосп «улканинг иккинчи қудратли кишини» маъносини аниқлатувчи «бийдухш» сифати билан таърифланади. Бу ҳозирги тушунчанимиздаги «буюк вазир», «садри аъзам» маъноларини ифодалайди. Жомоспга афсонавий донолик нисбат берилган. Чунончи, ун кун сурункали ёғадиган ёмгир томчиларининг миқдорини, ҳайси гул бугун ва қай бири эрта кун очилишини, қандай булут ёмгир ёғдирмаслигини аниқ айта олган экан. Паҳлавий тилидаги «Жомоспномак» («Жомоспнома») китоби 5000 сўздан иборат бўлиб, Жомоспнинг Гүштасп саволларига берган жавобидан иборат. Китобдаги Жомоспнинг жавоблари унинг тираи андишаси ва ҳаётий ҳикматларидан дарақ бериб туради.

128. *Пориндий* — Аша (Арт) каби илоҳанинг номи. Бу илоҳа бойлик ва қут-баракат, файз ва фаровонлик маъноларини ифодаловчи неъматларни асрагувчидир. Одатда илоҳа Аша билан биргаликда иштирок этади.

Сифати — «ноёб буйиноғ соҳиби ва енгил юргувчи». Пориндий «Авесто»нинг шарҳи «Занд»да «Поринд» шаклида қўлланилган. Янаининг санскрит тилидаги нусхасида (13-ҳот, 1-банд) келади: «Позанд яширин хазиналар посбони». «Яширин хазиналар»дан мақсад эҳтимол ер ости маъданларидир. Қадимий Шарқ нужум илмида «Поринд» номи билан атагувчи юлдуз бўлиб, уни айрим тадқиқотчилар «Насри тойир» ёхуд «Уй йўқ» деганлар. Форс кўрфазидида Дано тоғи этагида «Боринд» номи қишлоқ бор. Эҳтимол, ушбу атама ҳам афсонавий «Поринд» ёхуд «Пориндий»дан олингандир.

129. *Сүшэнт* — сүшэнс — «Авесто»да «сүшэнт», маъноси — судбахш, фойдали. Бошқа бир маъноси «қутқарувчи», «халос айлагувчи». Гоҳларда бу сифат бир неча уриларда Зардуштга нисбатан қўлланилган. Бироқ «Авесто»нинг бошқа бўлимларида «сүшэнт» зардуштий динидаги ҳар уч маъвулга (ваъда қилинган), хусусан, Астут арифтага нисбатан қўлланилади.

130. *Каюмарт* — «Авесто»да «Гаяҳ мариан», паҳлавийда «Гаюмард». Маъноси — улгувчи жон, йўқликка маҳкум жон. Форсийга у «Каюмарс» шаклида ўзлашган.

Каюмарт Аҳура Мазда яратган илк башардир. У Яратгучи бунёд этган астуманд (моддий) оламнинг олтинчиси. Унинг яратилиш муддати етмиш кун, яъни охири ғаҳанбор (яралишнинг сунгги палласи)да хотима топади. Каюмарт фикр қилгучи илк одам эди. Шу сабабли у Аҳура Мазданинг ният ва таълимотини англаб етди. Шундан, у «илк фикрловчи одам» деб аталади. Маша-машяҳ ва машена (оламдаги илк эр-хотин) Каюмартнинг асралиб қолган уруглигидан (нутфа, маний) икки шоҳли ребос гиеҳи шаклида ердан усиб чиқади. Кейинча у одам вужудига айланади. Каюмарт сузини таҳлил қилиш жараёнида шу фикрга келиш мумкинки, у конкрет воқеий инсондан кўра, умуман, инсониятга нисбат берилгандек туюлади.

«Авесто»да инсоният фравашийларига (руҳларига) олқини ва саломлар юборилаётган чоғда дейилади: «Каюмартдан Сүшэнтга қадар» (маздапарастларнинг энг сунгги ваъдалашган пайти, охир замон ва Аҳура Мазда яратган энг охириги ҳодиса). «Бундақишн»да уқиймиз (3-бўлим, 19—23-бандлар ва 15-бўлим): «Илк башар Каюмартни Аҳура Мазда яратди. У уч йил мобайнида ёлғиз тоғларда умр кечирди. Улим олдамдан унинг сулбидан





(жинсий азёо) маний оқиб чиқди. Маний қуеш нурали таъсирида соф бўлди ва тупроқ орасига сингди. Қирқ йилдан сунг уша нутф-манийдан икки шохли ребос шаклидаги гиёҳ ушиб чиқди. Гиёҳнинг икки шохи бир-бирига чирмалиб усарди. Гиёҳ меҳр ойининг меҳр кунинда ердан бош кутарган эди. Кейинчалик бу гиёҳ икки одам шаклига кирди. Одамлар бир-бирига жуда монанд бўлиб, бири эр, иккинчи аёл эди. Орадан эллик йил ўтиб, бу икки одам бир-бирига қушилади. Туққиз ойдан сунг улардан бир жуфт ўғил-қиз фарзандлар дунёга келди. Бу жуфтан жуфт-жуфт ўғил-қизлар тугилди. Дунё юзига қадам қўйган етти жуфтининг бири эр — Сиёмал ва хотин — Нисок (Висок) эди. Сиёмал ва Нисокдан бир жуфт тугилди. Улар Фраван ва Фравакайн эдилар. Улардан ўн беш жуфт фарзанд оламга келди. Етти иқлимдаги жамийки инсонлар ана шу жуфтлардан тарқалдилар. Ўн беш жуфтининг бири Ҳушанг ва хотини Гузак бўлиб, эронликлар ана шу пуштаандирлар».

131. *Отарвахш* — язишна маросимини утказувчи саккиз нафар мубаднинг учинчиси. Оловни ҳуриқлаш шу мубаднинг зиммасида бўлиб, у оловнинг ўнг қанотидан ўрин олади.

132. *Бод* — «Авесто»да «вот», паҳлавийда «вот». *Бод* — шамол илоҳи. У одатда «ҳурқмас», «бепарво» сифатлари билан Меҳр, Домуйиш, Упамана каби илоҳлар ҳаторида тилга олинади. «Бундаҳишн»нинг ёзишича (27-бўлим, 23-банд), «Вотрангбуй» (бодрангбуй) гиёҳи бу илоҳнинг рамзи эмиш. Илоҳ *Бод* Таштар ва Фарвардан билан бирга Амшосипандбону Хурдодининг ҳамкорларидан ҳисобланади. Таштар сувни Бодга топширади, *Бод* булутлар кўмагида уларни турли ўлкалар томон йўллайди.

«Зодсипарам» китобида нақл қилинишича, «Боднинг мийнуси эркак шаклида ер юзиде пайдо бўлди. Оёғида ёғоч кавш бор эди. Худди жон ҳаракатга келиб, танни қимирлатганидек, бод мийнуси унинг жисмини тебратди, ҳаракатга солди. Шундан сунг, *Бод* бутун ер юзи бўйлаб кеза бошлади ва сувни ағдариб юбориб, уни замин атрофига отиб ташлади...»

«Паҳлавий ривояти» китобида ҳикоя қилинган «Гаршаспин руҳи» дostonида келишича, девлар Бодни афсун қилдилар. Бод ўзимдан кўра қудратлироқ ҳеч бир жонзот йўқ, деган халғга борди ва шу қадар қаттиқ эса бошладики, натижада йўлида учрагувчи ҳар қандай дову даррахтни илдири билан ҳўпориб юборди. Дунёни қоронғи зулмат қоплаб

олди. Ниҳоят Гаршасп уни мағлуб қилиб, Хурмуза амрига мувофиқ бажариши лозим бўлган амалини адо этишга қасам ичтирди. Шундан сунг, *Бод* ер қаърига тушиб, замин ва осмонни қўриқлаш билан машғул бўлди...»

«Зодсипарам» китобида, шунингдек, *Бод* дев қақида суз боради. Аҳриман *Бод* дев *Таб* дев ва *Дард* девга бир юз эллик нафар девни ҳўшиб, Зардуштининг онасини бемор қилиш учун юборди. Аҳриманнинг мақсади ҳали она қоринида бўлган Зардуштни улдириш эди. Девлар хуружи натижасида Зардуштининг онаси касалликка чалинади. Шундай қилиб, маълум бўладики, қадимий Шарқ асотирларида илоҳ *Боддан* ташқари инсониятга ва борлиққа эиён-заҳмат етказувчи, вайронагарлик келтируви девсифат бодлар ҳам бор экан. Эҳтимол бугунги кунда тилимизда қўланувчи ва омма орасида «ажина шамол» таъбири билан машҳур бўлган «гирдбод» тушунчасининг тарихий-этимологик илдири юқориде қайд этилган «Туна бод» ёхуд «*Таб бод*» га бориб тақалса.

«Паҳлавий ривояти» китобида нақл қилинишича, Хурмуза растохез (қиймет) кунни мурдаларни қайтадан тириктириш чоғида суякни заминдан, қонни сувдан, сочи гиёҳдан, жонни бод (шамол)дан олар эмиш ва уларни бир-бировига омухта қилиш натижасида тирик жонлар жисмини пайдо қиларкан.

133. *Биҳишт* — «Авесто»да «ваҳишта». Олий ва энг яхши маъноларини ифодаловчи «вангҳав» сифатида олинган. Форс-тожики тилидагн «беҳ» ёхуд «биҳ», яъни «яхши», «аъло» маъноларини ифодаловчи сузнинг этимологияси «ваҳишт» ёки «биҳишт»дир. «Авесто»да бу сифат «жаҳон», «тириклик» маъноларини билдирувчи «ангҳав» сузи билан биргалиқда қўлланилиб «энг яхши жаҳон», «энг олий тириклик» маъноларини аналтади. Биҳишт мийну олами бўлиб, ашаванлар ва яхшиларнинг саройидир. Бу фароғат дунесига қарама-қарши ёмоналар ва ноашаванларнинг зулматли макони ҳам бор. У — дўзах, авестойи «дужангху». Амшосипанд Ардабиҳиштининг исмида ҳам «ваҳишта» ёхуд «биҳишт» сифатида қўлланилмоқда.

134. *Оз-Озий* — «Авесто»да «Озий», паҳлавий ва форсийда «Оз». *Оз* девининг номи ва афзунхоҳлик маъноларини ифодалайди. «Бундаҳишн»да бу дев хусусида ўқиймиз (28-бўлим, 27-банд): «*Оз* дев ҳеч қачон туймайди ва ҳеч нарсага қаноат қилмайди. Қачонки, назр унга тегмай қолса, ўз танасини ейди. *Оз*

шундай дуруждирки, (дев) агар бутун дунёни унга берсаларда қаноатланмайди ва туймайди. Ҳақ орасида шундай мақол ҳам бор: «Озмандларнинг кўзи шундай даштаркирми поёни йўқ». Узбек тилидаги «Оз» сузи ҳам эҳтимол аслан ана шу авестий дев номидан олинган бўлса, ажаб эмас. Очқуз, очофат, очарчилик каби сузлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ҳақда тилшуносларимиз ўйлаб кўрсалар манфаатли буларди. «Авесто»да бу девнинг номи аксарият ҳолларда «дайвадот» (девдод, дев яратган) сифати билан биргаликда қўлланилади. Гоҳ у «аҳриманий» ҳам деб аталади. «Вандидод»дан маълум бўладики, (18-фарғард, 19—21-бандлар) Оз дев Озарнинг душмандир. Бу илоҳ тонт саҳарда хонахудо ва деҳқондан оловга утин қалаб, покиза Озарни алангалатишларини сўрайди. Токи дев Оз унга ҳамла қилиб, нобуд қилмасин. Ибодат чоғи сут ва ёғни назр келтириш, тақдим қилиш дев Озни оёқдан чалади.

«Дормустатар»да келади: «Назаримизда шундай туюладики, «Озий» эҳтимол бирмунча шаклан ўзгарган «Ожий»дир. Қадимги асо-тирларда у Отар (Озар)га душмандир». Оз ва Отар уртасидаги энг катта муҳораба хусусида «Замяд яшт»нинг 50—46-бандларида ҳикоя қилинади.

«Динкард»да келади: «Аҳриманий Оз илоҳий улуғворлик ва фароғат асоси бўлмиш «фарр»дан («хурра») одамларни маҳрум этишга сафарбар қилинган. Яратгучи фаррни Оздан сақлаш учун ақл-хирадни яратди. Фаррнинг (хурра) ҳақтийлиги ақлнинг фарзоналигидан, унинг ҳалокати «варина» (шаҳват)дан». («Динкарт», 342—350-бет). Фатҳулла Мужтабой буюк Ҳофиз Шерозийнинг бир байтини шарҳларкан, шоир «Оз» (дев) ва «ақл»нинг «Динкарт» китобида юқорида нақл қилинган ҳолатини ажиб бир йўсинда ифода этганини қайд этади:

*Солҳо бандагнн мазҳаби риндон кардам,
То ба фатвойи хирад ҳирс ба зиндон кардам.*

*Неча йил бандалик ул мазҳаби риндон этдим,
Ақл фатвоси била ҳирсни зиндон этдим.*

135. *Муш пари* — «Авесто»да «муш пайри», паҳлавийда «муш парян». Тилимизга «сичқон пари» тарзида уғрилшиш мумкин. Маздапарастлар ибодат чоғи аҳриманий мавжудотлардан паноҳ сўраб, илтижо ва дуолар қилаётган чоғда муш парининг ҳам зийн-заҳмат етказмаслигини сўраб Яратгучига

ҳамд-санолар юборишади. 16-яснанинг 8-бандида «муш пари» ёхуд «сичқон пари» Оз деви билан бирга тилга олинади.

«Бундаҳишн» ёзади (5-булим, 2-банд): «Гузҳар ва муш пари аҳриманий амалларни ижро этгучи сайёр юлдузларга пайванд. Улар ой ва қуёшга зиддирлар». «Бундаҳишн»да «муш пари» уғри ва думли деб таърифланади. «Авесто»дан маълумдирки, парилар тоифаси бу думли юлдузлар туркумидан иборат. Яна «Бундаҳишн»да келишича, Қуёш муш парини ўзига ҳамроҳ қилиб, қасам ичтиради. Токи у гуноҳ амалларини қила олмасин. Қўйиб юборилган тақдирда эса, то қўлга илингунга ҳадар талай ёмонликларни содир этиши мумкин.

136. *Биризий Савангха—Биризий Сава* — бешлик оловнинг бири. Паҳлавийда «баланд сут» («баланд суд»). Ясналар шарҳида (17-хот, 11-банд) «Баҳром олови»нинг умумий номи сифатида қайд этилган. Бироқ «Бундаҳишн»да қайд этилишича (17-булим), Биризий Савангха (Биризий Сава) Аҳура Мазда ҳузурда доимо ёниб тургучи оловдир. Баҳром оловининг бунёди эса Озар спинийштага бориб тақалади.

«Зодсипарам» манбаларида Биризий Савангха хусусида уқиймиз: «У ҳам фалакдадир. Бу фарриҳ хонадон кадҳудоси янглиг Баҳром олови билан биргадир». Мазкур китобнинг ёзишича, тунда уйқуга кетган мавжудотни қуриқлаш ва илоҳ Сурушни қўллаб-қувватлаб туриш ҳам Биризий Савангха (Биризий Сава)нинг зиммасида.

137. *Вуҳу Френа* — бешлик оловнинг иккинчиси. Маъноси — эҳтимол яхшиликка дустдир. Паҳлавий тилига «Вих Фарнатор» тарзида уғрилган. Вуҳу Френа инсонлар ва жонварлар танасидаги олов (иссиқлик қуввати) дейилади.

138. *Урувазийшта* — бешлик оловнинг бири. Яснанинг паҳлавий тилидаги шарҳида «барчадан зиёд шодмонлик бахшида этгучи», «барчадан авло ҳузуур-ҳаловат бағишлагучи» тарзида келган. Урувазийшта гиёҳларнинг олови, деб қайд этилган.

«Зодсипарам» манбаларида «Урувазийшт» тарзида ифодаланган: «Урувазийшт гиёҳларда мавжуд булган ва уларнинг уругида бунёд этилган оловдир. Унинг зиммасида заминга ором бағишлаш; сув тараш; гиёҳларни гузал ва хушбўй қилиш; мевани етилтириб, унга маза киритиш каби эзгу амаллар бор.

139. *Возийшта* — паҳлавий тилида «Во-



зийшт». Маъноси — илгари элтувчи, олдинга етакловчи, фойдали, самарбахш. Бешлик оловнинг туртинчиси. Возийшта — булултар олови (Озархш е осмон чақини). Гуе илоҳ Тиштар гурзисидан учкун тарзида пайдо булиб, қурғоқчилик деви булмиш спинжаграни нобуд қилади.

140. Спинийшта — энг олий, энг мумтоз каби маънолари ифода этади. Бешлик оловнинг бири. «Авесто» шарҳида («Занд») бу олов Ахура Мазда ҳузурида (Гарзмонда) ғниб туради. «Бундаҳишн»нинг гувоҳлик беришича, бу олов — Спинийшта олам ишларига сафарбар қилинган ва Баҳром оловининг асоси ҳам Спинийштадир.

141. Нарюсанг — «Авесто»да «Найрюсангҳа». Паҳлавий тилида «Нарюсанг». Форс тилида «нарсий» ёхуд «нарсих». Маъноси — эр намойиши ёки одамлар намойиш. Илоҳ Нарюсанг Ахура Маздани хабарлар келтириш билан шугулланади. «Вандидод»да (19-фарғард, 34-банд) Нарюсанг Ахура Мазданинг дуси ва унинг хабарчиси, дейилади. Қадимий манбааларнинг бирида илоҳ Нарюсанг хусусида шундай ривоят бор. Ахура Мазда илоҳ Нарюсангни ун беш яшар йигит шаклида яланғоч яратиб, Ахриманининг орда томонида жой берди. Токи уни кўрган аёллар ошиқи беқарор булиб, Ахримандан сураб олсинлар. «Авесто»нинг баъзи бир уринларида илоҳ Суруш ҳам Ахура Мазданинг хабарчиси, дейилган, аммо Яратгувчидан хабарлар келтириш асида илоҳ Нарюсангнинг вазифасидир. «Авесто» шарҳларида Нарюсангнинг бошқа маънолари хусусида ҳам қайдлар бор. Жумладан, «Авесто»нинг бир неча уринларида Нарюсанг олов турларидан бири дейилади. Уша уринларда Нарюсанг «хшасру наптар» (шаҳриерлик киндиги, подшоҳлик набираси) сифати билан биргаликда қўлланилган. Гуе бу олов подшоҳнинг киндигида ёхуд унинг ортида жойлашган эмиш. Мелодий XII асрда яшаб ўтган Нарюсанг исми ҳинду зардуштий «Авесто»нинг бир қанча булимларини санскрит тилига таржима қилган.

142. Ясналарнинг учта ҳотига (19—21 ҳотлар) берилган ном. Маъноси — Илоҳларни шарафловчи қушиқ.

143. Аху — «ангху» — хонахудо; модина — «ангҳа». Маъноси — қадбону, сурур, дунёвий шодлик. Бу сўз «Авесто»нинг куп уринларида «рту» билан биргаликда қўлланилади ё Ахура Мазда ва Зардушт ушбу икки сифат билан тавсифланади. «Тийр

лшт»да (1-банд) Ахура Мазда Зардуштга дейди: «Сен жаҳон аҳлига «аху» ва «рту» бул». «Виспарид» Ахура Мазданинг узи «аху» ва «рту» сифатлари билан мадҳ этилади. «Аху» — жон. Бешлик одам аъзоларининг бири. Унинг вазифаси — танами асраш ва унинг яшашини таъмин этиш. У — жон тана билан бирга яшайди; улим билан ер юзини тарк айлади. Паҳлавий тилида уни «аху» дейдилар. Аху — «Авесто»да «ангҳа» ё «ангху». Астуманда олами ёхуд мийну. Дузаҳ, ёмонлик олами каби маънолари билдирувчи «ауж ангху» иборасининг таркибида ҳам «ангху», яъни жаҳон сузи ишлатилади.

144. Ист Востра — Зардуштнинг тўнгич фарзанди. Ҳозир Исд Востра шаклида ўқилади. Зардуштийлар суннатида у дастлабки отурбон (дин пешвоси) сифатида эътироф этилади. Ист Востра растохез (қиймат) кунни одамларнинг гуноҳ ва савоб амалларига ҳақамлик қилади.

145. Аряман — паҳлавийда «арёман». Дустанк, қардошлик ва осудалик илоҳи. Маздапарастлик динидаги энг буюк илоҳлардан бири. У мийну оламдаги илк табиб ҳисобланади. Барча дард-касалликлар, нохушликларнинг чора-тадбири унинг зиммасига юклатилган. Қачонки Ахриман ер юзига 9999 хил касалликларни юборди, Ахура Мазда бу дардларнинг давосини Арямаига топширади. Аряман сузининг маъноси ҳам «дуст-биродар»дир. Гоҳларда дин пешволарининг унвони. Бироқ, «Авесто»нинг бошқа булимларида ва «Бундаҳишн»да Аряман дардларга дармон бағишлагувчи илоҳ деб тавсифланади.

146. Ҳваматанам — «Етти ҳот»нинг илк ва сўнгги сузи. Ясна, 35-ҳотнинг 2-банди шу сўз билан бошланади. (Айрим авестошуносларнинг фикрича, «Етти ҳот» айнан шу банддан бошланади. «Ҳваматанам» «Авесто»нинг дярли кулаб уринларида дуч келади. Бу унинг нечоғи катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади. «Ҳваматанам» дуосининг таржимаси қуйидагича: «Эзгу фикр, эзгу қалом ва эзгу амаликим бу ерда ва ҳар ерда улуғланади ва улуғлангуси, мадҳ этаман. Ўзим ҳам жону дилим билан яхшиликка интиламан».

147. Восий — асотирий балиқ, Фарог Карт дарёсида яшар эмиш. «Эллик садваралик» сифати (эллик эшикли) билан қўлланилади. Бироқ бу сифатдан нима мақсад кузланганлиги маълум эмас. Айрим тадқиқотчилар Восий балигининг эллихта қаноти бор, деганлар. «Бундаҳишн»да (12-булим, 5—7-бандлар) келади:



«Эллик сатваронли Восий Фарог Карт дарёсининг уртасида яшайди. Унинг узунлиги шу қадарки, бир одам босмолдан номозшомга қадар югурса-да уни босиб ўтомайди. Мазда яратган ва Фарог Карт дарёсида яшовчи барча жонварлар унинг паноҳидадир».

148. *Хара* — бу жонварнинг номи «Авесто»да бир марта иштирок этади (42-ясна, 4 банд), бироқ шарҳланмайди. «Бундаҳишн»да бу жонвар хусусида муфассал шарҳ мавжуд: «Хара танаси оқ, уч оёқли, олти кўзи, тўққиз оғизли, икки қулоқли ва бир заррин шохлидан, минг шох ушиб чиққан махлуқ бўлиб, бу «қуроли» билан аҳриманий кучларни нобуд айлайди. Қулоқлари шу қадар улканки, бутун Мозандаронни қопаши мумкин. Бу жонвар Фарог Карт дарёси уртасида турган ҳолда бошини сувга гарқ қилиб, қулоқларини қимирлатса, дарё жўшу-хурушга келиб, Гановад тоғи этаклари ҳам ларзага келади. Унинг наъраси оқибатида барча ахуравий ургочи ҳайвонлар ҳомилали бўлиб, жамийки бугоз аҳриманий махлуқлар титроққа тушиб, даҳшатдан чуқиб кетадилар. (Дарё сувининг етти иқлимга тарқалиши ҳам хара тўфайли). Агар Ахура Мазда харани яратмаганда дарё суви Аҳриман тўфайли захарланарди ва барча жонварлар қалок бўларди». Бошқа адабиётларда ҳам («Кичик мийну», 62-булим, 26—27-бандлар) хара ҳақида қизикарли маълумотларга дуч келиш мумкин: «Бу (хара) мурдор тегиб булганган барча дарёлар сувини поклайди». Форс тилидаги «хар» (эшак) сўзининг асоси ҳам ана шу авестойи «хара»дир.

149. *Аряман ишях* — Яснанинг 54-ҳотида қўлланилган илк сўзи. Мазкур ҳот шу ном билан аталади. «Аряман ишях» маздапарастлар динининг маълум ва машҳур дуоларидан бири бўлиб, ҳозирги «Авесто»нинг бирор банди ёхуд гоҳларнинг таркиби эмас, аммо услуб ва оҳанги гоҳларнинг бир жузъи эканини тасдиқ этади. «Вандидод»да бу дуо «Яса аху вайрях» дуолари билан бир сафда тилга олинади. Одатда у тўрт марта ўқилган. «Аряман ишях» (54-ясна) икки банддан иборат бўлиб, унинг иккинчи банди насрзадир. Ҳинд форслари бугунги кунда бу дуони никоҳ чоғи ёхуд бемор учун ўқийдилар. «Аряман ишях» буюк намоз бўлиб, душманларга шикаст беради ва Ашаҳ — Ҳақиқат сўзлари, деб юритилади. «Авесто»нинг турли бандларида бу дуонинг мислсиз қўдрати ҳақида сўз боради. Жумладан, ушбу сўзлар фикримизни тасдиқлайди: «Аряман ишях шундай дуодир

ки, у Аҳримаң, жодулар ва париларни яксон қилади. У энг қудратли, энг яхши, энг гузал ва дармонбахш варжованд мансара ҳисобланади». «Ишях» Арямнинг сифати бўлиб, иззатли, ҳўрматли, олийжаноб маъноларини ифода этади.

150. *Ставута йисняҳ* — ясналарда (54—55-ҳотлар) ва «Авесто»нинг бир қанча уринларида бу муҳим алқов тилга олинади ва уни ўқиб муҳим амаллардан бири ҳисобланади. Яснанинг муайян бир қисмини ўзида жамалаган деган қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ «Ставута йисняҳ», умуман, ясналарнинг қайси жузъи экани тадқиқотчилар уртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ривоят китобларида «Студ яшт» ёки «Ставута йисняҳ» «Авесто»нинг дастлабки наски (китоби) ва 33 бўлимдан иборат, дейилган. Бошқа бир манбада айтилишича, бу ясна 14-ҳотдан бошланади, бироқ ҳаерда интиҳо топади, бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди. «Динкард» «Ставута йисняҳ» «Авесто»нинг йигирма биринчи наски (сунги китоби) деб қайд этади. «Вист» китобида нақд қилинишича, 14—18; 22—51; 53—55; 58—59-ҳотлар «Ставута йисняҳ»дир. «Дорму-статар» китобининг гувоҳлик беришича, 14—59-ҳотлар ва бошқа манбалар ҳам худди шундай фаразларни «Ставута йисняҳ» хусусида баён қилганлар. Турли паҳлавий манбаларда мазкур ясна «Ставут ясна», «Ставут яст», «Ставут яшт» тарзида ифода этилиб, бу хусусда шундай дейилган: «Авесто» наскларидан бири бўлиб, гоҳлар ва етти ҳотдан таркиб топган».

151. «*Тун боши Суруш яшт*» — ҳар оқшом ўқудан олдин ва одам вафотидан сунг уч кеча ўқилувчи яснанинг 57-ҳоти.

152. *Патман* — афсман — гоҳларда банд, жавоб маъноларини, баъзан эса бир сатр шеър маъносини англатади. «Авесто»нинг паҳлавий нусхаларида «патман» — «пийман» шаклида ифодаланиб, «андоза» ва «миқёс» маъноларини, баъзи уринларда эса «гос», «госо» — «қўшиқ» маъноларини ифода этган. «Афсман» сўзи ҳам назмга солинган, манзум тушунчаларини билдиради.

153. *Каяза* — қандайлиги маълум бўлмаган буюк гуноҳ. Бу истилоҳ баъзан гуноҳларга ҳам нисбат берилади. «Каяза» эрларга нисбатан қўлланилса, «кайзий» гуноҳроқ аёлга нисбатан ишлатилади. Авестошунос Иброҳим Пурдовудининг ёзишича, «каяз» угрилик, ҳароқчилик, жоду қилиш, аҳдсизлик каби огир гуноҳдир. «Кичик Авесто»да бу гуноҳ



динсилик ва маскаралаш каби маъноларни ифода этади.

154. *Кайзий* — каязанинг аёлларга нисбати (қаранг — «каяза»).

155. *Фшушу мансара* — маъноси — аҳил ва фойдали чорполар хусусидаги мансара. Яснанинг 58-ҳотига берилган унвон. Ушбу ҳот йўқолиб кетган йигирманчи «Ҳодухт наск»нинг бир жузъи. Фшушу мансара маздапарастларнинг машҳур алқов ва номозларидан ҳисобланиб, фаровонлик ва куюшайиш ҳақида. «Виспирад»да (1-булим, 3-9-бандлар) маздапарастларнинг энг муҳим ибодатлари қатори «фшушу мансара» ҳам тилга олинади. «Хурмузд яшт»да (13-банд) «Фшушу мансара» Ахура Мазданинг номи бўлиб келган, яъни Яратгувчининг узи чорполарни парварिश қилгучи, фаровонлик ва रिққ бергучи мансарадир.

156. *Хавнайраса-ҳанийрас; ханийра, хунийрас* Жаҳоннинг энг буюк улкаларидан. Етти иқлимнинг бири. Баъзи тадқиқотчилар бу улка ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган дейишларига қарамай, атаманинг узи бу улуг гуша Хоразм ёхуд Хива эканига даълолат қилляпти.

157. *Даҳмон дуолари* — «Авесто»да «даҳма». Маъноси — эзгу, пок. Даҳмон дуолари ёхуд алқовлари («даҳма офрайти», «даҳмон офарин») зардуштийларнинг маълум ва машҳур турт дуоларидан бири ҳисобланади. Бу дуо локиза зотлар, аждодлар шаънига уқилади. Даҳмон дуолари марҳум вафотининг туртинчи, унинчи, уттинчи ва йил бошида уқилади. Утганлар, уларнинг қолган ақроболарига бағишланади. Ашаванларнинг фравашийларига росткорлик ушбу дуолар воситасида суралади. Айрим тадқиқотчилар «даҳмон дуолари»ни тандурустлик дуолари деганлар. Мазкур дуо 13-банддан иборат бўлиб, «Кичик Авесто»нинг бир бўлиמידир.

158. *Кахвориза* — паҳлавийда «кухрийд» ё «кухрийт». Бу сўз яснада (61-ҳот, 2-банд) қўлланилган бўлиб, манбаларнинг даълолат беришича, Аҳриман яратган доимий қабиҳ амаллар билан машғул бўлган гуноҳкор бир қабиладир. «Авесто»нинг паҳлавий нусхаларида бу қабила аҳли «фарриҳ душманлари», яъни фарриҳни йўқ қиладиганлар тарзида қўлланилган. Бу гуруҳ қаҳр-газаб деви Манушакнинг Манучехрнинг синглиси билан қўшилишдан пайдо бўлган, дейишади.

159. *Кахворизий* — кахворизанинг (157-изоҳ) аёллар жинсидаги ифодаси. Ушбу ибора «Авесто»да бир марта қўлланилган (61-ҳот, 2-банд).

160. *Зандик* — «Авесто»да «занда». Маздапарастлар динида бўлмаган ёхуд ундан қайтган киши. Бу ибора одатда «жоду» сўзи билан биргаликда қўлланилади. Сосонийлар даврининг буюк мутафаккири Моний зардуштий мубадлар томонидан «зандлик» сифатида таърифланган. Ислождан кейин жуда кенг куламада истеъмол қилинган «зандик» сўзининг асоси ҳам авестойи «зандик»дир.

161. *Подёб* — «Авесто»да «пайти ёпа», паҳлавийда «потёб», «потёв». Маъноси — ювинмоқ, покланмоқ, гусл. Мусулмончиликда — вузу. Покланмоқчи бўлган одам даставвал «Ахура Мазданинг хушнудлиги» ва «Ашим вуҳув» дуоларини уқийди. Шундан кейин қўл-оёқларини ювиб, белбогини янгилайди, яъни белбогини ечиб, худога ҳамда айтади, Аҳриманни лаънатлайди. «Белбог боғлаш» дуосини уқиб бўлгач, уни қайтадан боғлайди.

162. *Аҳмойи раишча...* — 68-ясна-ҳот ун биринчи банднинг илк сўзлари. Бу банд маздапарастларнинг машҳур олқишларидан бири бўлиб, «Авесто»нинг турли уринларида тез-тез такрорланиб туради.

163. *Ода* — яхшилар мийнусининг ажри ва ҳар икки жаҳон гуноҳкорларининг жазоси маъноларини англатиб, гоҳлар ва «Янги Авесто»да такрор-такрор учрайди. Баъзида бу сўз илоҳни ҳам англатади (49-ясна, 1-банд; 68-ясна, 21-банд...) Бу илоҳ одатда тавонгарлик ва ажр илоҳаси Аша (Арт) билан биргаликда қўлланилганлиги учун айрим тадқиқотчилар Ашанинг иккинчи номи ҳам деганлар. «Ода-на», «адо», «азо» каби сўзлар «адо»нинг ўзгарган шакллари бўлиб, «до» — бермоқ, бағишламоқ маъноларини англатувчи узақдан олинган.

164. *Сиватмандгоҳ* — («спинта майню го-со») бешлик андаргоҳ кунларининг учинчиси.

165. *Сваша* — чаққон, эпчил маъносига. «Авесто»да ирмоқ, ҳаво, замин ва осмон уртасидаги фазони англатади. Ирмоқ ва фазо илоҳи. У кўп ҳолатларда абадий сифати билан биргаликда қўлланилади.

166. *Зарвона* — паҳлавийда «зурвон», форсийда «зарвон». «Замон, замона» маъноларини ифода этади. Шундай бир илоҳнинг номки, унга «поёнсиз» сифати қўшиб ишлатилади ва барча аҳуравий илоҳлар каби алқов ибодатга лойиқдир. Сосонийлар ҳукмронлиги даврида зардуштийлар орасида шундай бир фирқа мавжуд эдики, у Шахристионийнинг «Милла ва ниҳал» ҳамда бошқа бир қатор



манбаларда «зарвонийя» деб аталади. Ушбу фирқа эътиқодига қўра, Ахура Мазда ва Аҳриман ҳар иккиси Зарвон томонидан яратилган. Шаҳристоний шундай бир ривоят келтиради. Унга қўра, Зарвон нурдан яралган энг буюк қудрат эди. Унда недандир шак пайдо бўлди. Ана шу шакдан Аҳриман яралди. Шаҳристоний бошқа бир ривоятни ҳам нақл қилади. Буюк Зарвон угил кўриш умидида 9999 йил ҳамд-саю айтади. Бироқ унинг орзуси рўёбга чиқмайди. Шунда у, эҳтимол, бу дунё ҳеч нарса эмасдир, деган хаялга боради. Шу хаял Аҳриманни пайдо қилган бўлса, ҳақиқат оламидан ёхуд Зарвоннинг чин хаялларидан Хурмузд пайдо бўлди. Буларнинг иккиси ҳам она қорнида эдилар. Хурмузд биринчи бўлиб туғилиши лозим эди. Аммо Аҳриман найранг билан онаси қорини ёриб чиқди ва оламни забт қилди. Зардушт дини пешвоси билан Ислом дини пешвосининг савол-жавоблари жамланган ва номаълум муаллиф (эҳтимол, бирор зардуштий уламоси томонидан) тайёрланган рисолада уқиймиз: «Зардушт дини эътиқодига қўра Худо замондан бошқа ҳамма нарсани яратди. Замон Яратувчидир. Замон чексиздир. Унинг на боши, на охири бор. У ҳамиша бор эди ва ҳамиша бўлади. Агар заррача ақлинг бўлса, замон қаердан пайдо бўлди, дема. Зеро, ҳали шу қадар улуғворлиги билан Замон ҳам яратувчи эмасди. Шундан сўнг замон олов ва сувни яратди. Улар бир-бирига қушилган, Урмузд пайдо бўлди. Замон яратувчи ва яратилишига киришган Худованд бўлди. Урмузд ёруғ, пок, хушбўй, эзгу амалли ва барча яхшиликларга қодир эди. Урмузд қуйи 96 минг фарсанг узунликка боқди. Аҳриманни кўриб қолди. Қўра, палид, бадкирдор. Урмузд ҳайратланди. Аҳриман даҳшатли душман эди. Урмузд ва Аҳриман уртасида қонли жанглар бошланди. Замоннинг ўзи Урмуздга мадад берди. Урмузд галаба қозонди...» Афсона ва ривоятлардан шу нарса маълум бўладики, Зарвон ҳамма нарсадан бурун мавжуд эди. Минг йил ҳамд-санодан тўхтамади. Зарвон угил фарзанд умидида эди. Бу угил осмон ва замиң, шунингдек, бутун хилқатни яратиши лозим. Аммо минг йилдан сўнг Зарвонда шубҳа яралди. «Наҳотки, беҳуда ҳаракат қилдим...» Худди шу ҳолда Хурмузд ва Аҳриманнинг уруғлари унинг вужудида пайдо бўлди. Хурмузд — унинг фарзанд кўриш орзусидан; Аҳриман шак-шубҳасидан яралди. Зарвон фарзандлар пайдо бўлаганини у алардан Хурмузд она захдонининг

чиқиш туйнугига яқин ерда эканини билган, шундай деди: «Ким биринчи бўлиб ҳузуримга келса жаҳонга ҳукмдорлик унга насиб қилади». Ота ниятини билган Хурмузд она қорнида бу ҳолдан Аҳриманни огоҳ этди. Аҳриман биринчи бўлиб ота ҳузурига боришни мақсад қилиб қўйди. Қачонки Хурмузд захдон тешигига яқин қолди, Аҳриман бу тешикни йиртиб, ташқарига отилди ва ота ҳузурига бориб, деди: «Мен сенинг углингман...». Зарвон зулмат, ёмонлик ва бад бўйдан иборат фарзандини сўймади. Шу аснода бутун борлиги ёруғлик, хушбўйликдан иборат Хурмузд дунёга келди. Зарвон қасамеда қилгани учун жаҳонга ҳукмдорликни Аҳриманга топширди ва деди: «Эй, Аҳриман! Сени шаҳриёр қиламан. Сен тўққиз минг йил ҳукмдорлик қиласан. Аммо мен Хурмуздни шундай яратганманки, у сендан голиб бўлади. Тўққиз минг йилдан сўнг жаҳон шаҳриёриги унинг қўлига ўтади».

Шунда Зарвон Хурмуздага барсам дастасини берди. Бу жаҳонга мубаллик нишонаси эди. Зарвон деди: «То шу дамгача мен сенинг ҳаққинга дуолар қилам. Бундан сўнг сен мен учун дуолар қил...» Шундай қилиб, Аҳриман жаҳонга ҳукмронлик қилди. Хурмузд охир-оқибат ўз олқиш ва дуолари, ибодат ва намозлари билан Аҳриман устидан галаба қозонди.

Зарвон — Замон худоси. Унинг «Авесто»да деярли аҳамияти йўқ. Аммо сосонийлар даврига оид манбалар шундан далолат берадики, уша даврда Зарвонга нисбатан халойиқнинг эътибор ва таважжуҳи гоят баланд бўлган. Унинг борлиги — мангулик — чексизлик ва бутун хилқат унаадир. Борлиқ сарчашмаси, модда асоси, замон ва макон, бир сўз билан айтганда кулли борлиқ эди. Унинг ақл ва қудрати ҳам чексиз. Унинг ибтидоиси йўқ. Ибтидо — у. Унинг асоси йўқ. Асос — ўзи. Ҳеч ким унинг устидан ҳукмронлик қила олмайди. Зарвон — поёнсиз. Шу боисдан У яратган маҳлуқлар, ҳатто нлоҳларнинг ўзи ҳам унинг нима эканини билмайди. Чегарасиз, поёнсиз Зарвондан тўққиз минг йиллик ҳудуд — чегарага эга бўлган Зарвон яралди. Бу чегара Аҳриман билан нитҳога топади. Ўрни, Хурмузд ва Аҳриман уртасидаги аёвсиз кураш оқибатида поёни бор — чегараси муқаррар Аҳриманнинг замони тугаб, Хурмузд замони бошланади. Зарвоннинг самовий-кайҳоний вақтн тўққиз минг йил. Бу Мазда замони билан ун икки минг йилни ташкил қилади ва тўрт қисмга бўлинади, яъни тўртта



уч минг йилликни уз ичига олади. Баъзи авестошунослар Зарвоний таълимоти зардуштий динидан один пайдо булган ва унинг сосонийлар даврига ҳеч қандай алоҳаси йўқ деб қисоблайдилар. Хулоса қилиб шуни айтиш

мумкинки, Зарвон ва унинг тарихи хусусида бир-бирига яқин, бир-бирини тулдирувчи ривоятлардан ташқари, бир-бирини инкор қилувчи афсоналар ҳам бир талай.

ВАНДИДОД

1. *Фаргард* — маъноси — кесик ёхуд бўлак «Вандидод»нинг алоҳида бир қисми. Баъзи қадимий Шарқ адабиётлари ҳам шу ном билан аталган, жумладан, бу суз араб поэзиясига «фиржара» (кўплаги «фиржардот») шаклида кириб келган.

2. *Аҳура Мазда* — асл авестойи шакли «Аҳура Маздох». Ҳақиқат (Аша) ва эзгулик оламининг яратувчиси. Оламда неки пок, неки эзгу унинг номи билан боғланади. Маздапарастлик дини илоҳи. Қадимий манбаларда бу ном «Аҳура Мазд», «Хурмазд», «Урзамд», «Ахуройи Мазд», «Хурмуз» шаклларида қўлланилган. «Авесто» матнларида бу ном уч хил ҳолатда ишлатилган: «Аҳура», «Мазда», «Аҳура-Мазда».

«Аҳура Мазда» номи икки жуъдан иборат: «Аҳура» ва «Мазда» («Маздох»). «Аҳура» санскрит тилидаги «Осура», қадимги ҳинд асотириларидаги бир гуруҳ девлар ушонини ифодалайди. Шарқ асотириларига кенгроқ ёйилган бу ном оламларни яратган илоҳ маъносида қўлланилган. Ҳиндларнинг қадимги асотири булган «Пиражопатий»да «борлиқнинг яратувчиси» маъносини ифодалаган Аҳура Худолар отаси ибтидода елгиз булган Аҳура, ҳиндлар истилоҳи билан айтганда «браҳмана», «дива» ва «асура»ларни яратган. «Дива», яъни худолар унинг дамидан, «асура»лар — девлар унинг бодидан пайдо булган. «Авесто»да Аҳура буюклик ва ҳақдоният тимсоли. У худолар ва одамлар орасида фақат эзгулик, адолат, мардлик ва поклик ҳимоячиси. Паҳлавий тилига узлашгач «худойи» шаклини олган Аҳура, бора-бора «худойи» сузига айланди.

«Мазда» — ҳушёр, доно, огоҳ каби маъноларни ифодалайди. Паҳлавий тилига узлашгач, «данак», сунгра «доно» тусини олган. Санскрит тилидаги «Мизос» ҳам айни шу маънога эга. Хулоса қилиб айтганда «Аҳура Мазда» — «Доно раҳнамо, йулбошчи», «Оқил Яратувчи» маъноларини узида ифода этади.

3. *Сипийтмон* — «Авесто»да «сипийтома». Пайгамбар Зардушт оиласи шу ном билан юритилган. Маздапарастлик қонуни маъносига ҳам эга. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, «Сипийтмон» пайгамбар Зардуштнинг туҳқизинчи бобосининг номи. «Сипийтмон» сузининг аса маъноси тугал равшан эмас, дастлабки «сипийто» сузи «оқлик» маъносини англатади. Қадимги паҳлавий, форс ва араб манбаларида бу суз турлича шаклларида қўлланилган, чунончи: «спийтама», «исбиймон», «сипиймон», «сипийтамои», «испанатмон» ва ҳоказо. Баъзи авестошуносларнинг фикрига қура, «Сипийтмон» пайгамбарнинг болаликдаги исми булиб, унинг туҳқизинчи бобосидан олиб қўйилган, «Зардушт» исми эса пайгамбарликка эришганидан сунг берилган.

4. *Зардушт ёки Зартушт* — «Авесто»да «Зардуштара». Бир таъбирга қура «Сариқ туя соҳиби» маъносини билдиради. Бошқа таъбирга мувофиқ «Заррин ёруғлик эгаси» маъносини ифодалайди. Зардуштий ёхуд маздапарастлик динининг асосчиси.

5. *Ийрон Виж* — «Авесто»да «Айрйана Вайжа» ёки «Айрйана Ваижангоҳ». Қадимги Шарқ халқлари истиқомат қилган манзилнинг номи. Куплаб авестошуносларнинг яқдналик билан қилган эътирофига қура бу юрт ҳозирги Хиванинги урнида булган. «Вандидод» китобининг фаргард, 3-бандига қура «Ийрон Виж». Аҳура Мазда яратган ун олти сарзаминнинг энг бирламчиси ва энг гузалидир. Бунга қарши улароқ ёвузлик Худоси Аҳриман Аждаҳо, Қиш ва Девни яратади.

6. *Доитё ёки Доитий* — «Авесто»даги асотирий дарёнинг номи. Баъзи авестошунослар уни Амударё (Арс) ёхуд Зарафшон дарёларига нисбат берганлар.

7. *Аҳриман* — «Авесто»да «Ангар Майню». Паҳлавий ва форс тилларида «Аҳриман», «Ахриёман», «Аҳирман». Маъноси — Жанг ва Душманлик олами. «Янги Авесто»да ва маздапарастлар динида Аҳриман душман



девлар жодулар ва париларнинг сардори. Ахура Мазданинг муросасиз душмани. Бежиз эмаски, Ахура Мазда Аҳриман хусусида сўз юртаркан, «бутун борлиги ажал билан йўтрилган» деб таърифлайди.

8. *Аждаҳо* — «Авесто»да «Азидаҳона», паҳлавийда «Аздаҳог», форсчада «Аждаҳо» ёхуд «Заҳҳок». Бутун кирдори ёмонликдан иборат бўлган Аждаҳо, уч калла, уч огиз ва олти кузlidir. Унинг мақсади жаҳонни одам зотидан тозалаш. Ёмонлик илоҳи Аҳриман уни шу мақсадда яратган.

9. Баъзи шарқшунос олимлар, авестошунослар, махсусан доктор Муҳаммад Муъйиннинг фикрига қўра, гоят қадим замонларда, эҳтимолики бугун иқлими бениҳол муътадил бўлган бизнинг тупрогимизда ҳам йил фасллари ҳозиргига қараганда бирмунча фарқ қилган. Чунончи «Вандидод»нинг тўртинчи бандида таърифланганидек, қиш ун ой, ёз эса атиги икки ой.

10. *Храфстра* — барча заҳарли, зараркунанда жониворлар ва қашаротларнинг номи. Бутун кирдори ёмонликдан иборат бўлган аҳриманий мавжуд аҳуравий кучларга қарама-қарши ўлароқ яратилди. Маздапарастлар эътиқодига қўра, Храфстраларни ўлдириш ва йўқ қилиш хайрли амаллардан ҳисобланган.

11. *Скайятя* — Храфстра турига мансуб (10-изоҳга қаранг) ҳашарот. Борлиги ёмонликдан йўтрилган Аҳриман ер узининг иккинчи сарзамини — гузал Сугдани яратган Ахура Маздага қарши ўлароқ бу ҳашаротни яратди. У бутун сигирлар подасига қиргин келтириши керак эди. «Вандидод» шарҳларида келишича, скайятя қашароти галла ва усимликлар ичига яшириниб олади ва узининг заҳарли нишини ҳайвонга санчади.

12. *Бравара* — хусуматкор Аҳриман Балх сарзамини яратилиши билан жамики аҳуравий мавжудотга зидма-зид ўлароқ яратган жониворларнинг номи. Баъзи авестошунослар бу жониворни уруғларга қирин келтирувчи чумолига нисбат берган бўлсалар, тадқиқотчиларнинг баъзилари мазкур сўзнинг маъноси мавҳум деганлар.

13. Бу уринда сўз ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот ва унинг Ҳирируд дарёси ҳақида бораятир. Бу иборалар юзасидан ҳам турли мунозарали қарашлар йўқ эмас.

14. *Ванҳа Гирта* — бу авестойи истилоҳ қадимий паҳлавий тилига «бадсояли Кобул» тарзида таржима қилинган. Бу Ахура Мазда яратган гузал юртнинг номи. Бошқа манбалар

да ушбу истилоҳ «Вайу Кирта» шаклида дуч келади. Маъноси — Ҳаво мавжудоти. Бу иборанинг «Кобул»га нисбат берилиши «Авесто»нинг паҳлавий матнларида қўзга ташланади. Шунга қарамай уни Қандаҳор шаҳрига нисбат бергувчилар ҳам бор. Аммо «Соя» сифати юзасидан ҳам турли қарашлар мавжуд. Жумладан, нима узун Ахура Мазданинг гузал масканларидан бири «бадсоя», яъни «ёмон соя» ибораси билан сифатланиши ҳамон қоронгулигича қоламоқда.

15. *Хнасатай* — бутпарастлик париси. Аҳриман душманлик юзасидан Ахура Мазда яратган Ваиҳа Гирта (Кобул) шаҳри муқобилида қўради. У пари Гуршаспнинг руҳига йўл топади ва унга қовушади. «Вандидод»нинг бошқа булимларида ҳам бу пари тилга олинади. Чунончи, 19-фарғарднинг 5-бандида Зардушт Аҳриманга дейди: «Мен девлар яратгучи Хнасатай парини ўлдираман!»

16. *Гаршасп* — «Авесто»да «Кирсаспа». Маъноси — логар от эгаси. Қадим Шарҳ, асосан, Эрон асотирларидаги ёрқин чехралардан бири. «Авесто»нинг кўп уринларида Гаршасп «забардаст», «тик сочли», «гурзи кўтарган паҳлавон» сифатлари билан таърифланади. Машҳур Эрон авестошуноси Иброҳим Пурдовуд Гаршаспни «Шоҳнома» достонидаги Рустам ва юнон асотирларидаги Ҳераклга ўхшатади. Бу, албатта, тўғри қиёслаш. Бироқ, «Авесто» ва бошқа диний матнларда дуч келгучи Гаршасп илоҳийдир. Зеро, у ҳамisha гуллар, аждаҳолар, умуман, аҳриманий балоларга қарши буюк мардонаворлик билан курашади. Аммо «Шоҳнома»нинг мислсиз қаҳрамони Рустам сиймоси Гаршаспга нисбатан бирмунча хира тортади. Зеро, Рустамнинг жанглари заминий ва инсонийдир.

Ислождан кейинги «Шоҳнома», «Гаршаспнома» ва бошқа диний матнларда ҳам Гаршаспнинг афсонавий қаҳрамонликлари ҳақида ажойиб ривоятлар бор.

17. *Аврава* — Ахура Мазда яратган саккинчи сарзаминнинг номи. «Вандидод»да «Аврава» булиг яйдовлар юрти сифати билан қўланади. Айрим авестошунослар Авравани Тус вилоятида дейдилар.

18. *Хиннта* — Ахура Мазда яратган тўққизинчи сарзаминнинг номи. «Занд Вандидод»да («Вандидод шарҳи») келишича «Гургонда дарёлардан иборат Хиннта номи макон бор».

19. *Баччавозлик* — «Авесто»нинг форсча матнида «кун варзий» деб олинган бу исти-



лоҳнинг узбекча шакли вульгар маънони англатади. Ҳамма даври замонларда жамиятнинг қаттиқ норозилигига сабаб булган бу қабих одат бундан уч минг йил бурун дунёга келган «Авесто»да ҳам энг чиркин ҳодиса сифатида қораланади. Масалан, 8-фаргарднинг 31—32-бандида шундай дейилган: Зардушт Аҳура Маздадан сурайди:

«Дев ким?
Девпараст ким?
Эркак девлар билан ётгувчи ким?
Девлар билан ётгувчи ургочи ким?
Ургочи дев ким?
Ким у уз ичида дев сийратдир?

Ким у бутун тириклиги давомида девга монандир?

Ким у улимидан бурун ҳам девсимон эди ва улимидан кейин ҳам дев каби нолайдодир (йўқдир).

Аҳура Мазда жавоб берди:

Эркак билан қўшилган эркак ёхуд бир эркакнинг ўзи билан қўшилишига ижозат берган эркак девдир.

У девпарастдир.
У эркак девлар билан ётгувчидир.
У девлар билан ётгувчи ургочи девдир.
У ургочи девдир.
У уз ичида девсийратдир.
У бутун тириклиги давомида девга монандир.

У улимидан бурун ҳам девсимон эди ва улимидан кейин ҳам дев каби нолайдодир (йўқдир).

Эркак билан қўшилган эркак ёхуд бир эркакнинг ўзи билан қўшилишига ижозат берган эркак шундайдир. (Зардуштийлик динида бу қабих гуноҳга йул қўйган одамга ҳеч қандай далил-дастурсиз ва гувоҳсиз улим ҳукми буюрилган — *Тарж*).

20. *Ҳаравааята* —бу авестойи манзилни аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим тадқиқотчилар «Ҳарут» ёхуд «Ҳирот» деб талқин қилганлар. Аммо бу фикрда яқдиллик йўқ.

21. Бу ҳолнинг ҳикмати 3-фаргарднинг 36, 39-бандларида баён қилинади.

22. *Ҳийрманд* — Сийстондаги Ҳийрманд дарёси соҳилидаги серҳосил ва гузал Ҳийрманд. Аҳура Мазда яратган ун биринчи юрт.

23. *Чахра* — Аҳура Мазда яратган ун учинчи юрт. Аҳриман бу жаннатмакон юрт муқобилида «мурдор ёқгувчилар»нинг кечирилмас гуноҳини яратди. Баъзи авестошунослар бу юрт ҳақида ҳеч нарса маълум эмас, дейдилар. Баъзилари эса Хуросон ҳудудида

шундай юрт мавжуд булганини қайд этадилар.

24. «Мурдор ёқгувчилар». Бу тоифа хусусида 8-фаргарднинг 73—74-бандларида қуйидаги ривоят бор: «Зардушт Аҳура Маздадан сурайди:

Агар йўлда бораётган ёхуд суворий, ё аравада кетаётган маздапараст улик ёқилаётган ё пиширилаётган оловга дуч келсалар нима қилишлари керак?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Улар уликни ёқаётган кишини уладиришлари лозим. Улик ёқаётганини сўзсиз уладиришлари».

Зардуштийлик таълимотига қўра уликни (мурдор) ёқмоқ ё пиширмоқ гоят қаттиқ гуноҳ саналган. Бу таълимотга қўра тўрт тоифа одамлар далил-дастурсиз жойида уладирилади. Улар улик ёқгувчилар, қароқчилар, баччавозлар ва ҳар нечук жинойт устида қўлга тушган жинойтчилар.

25. *Фаридун* — «Авесто»да «Сараситуна». Осваянинг угли. Паҳлавийда «Фаридун». Форсийда «Офарийдун», «Офрийдун», «Офрийдун» ва Фаридун. «Авесто» ва бошқа диний манбалардаги энг қадимги асотирий сий молардан бири. Бу ном Исмодан кейинги қўлаб арабий, форсий ва туркий адабиётларда ҳам кенг иштирок этади. Унинг отаси дунёда иккинчилардан бўлиб, илоҳий ихсирини кашф этгани учун ундан Оразидун исми фарзанд дунёга келади. Фаридун уч огиз, уч калла ва олти кузли Аждаҳони енгади ва унга банд солади.

26. *Варина* — Аҳура Мазда бунёд этган тўрт гушали юрт. Тадқиқотчилар, дейилади манбаларнинг бирида, бу жуғрофий маконни қидириб, Албурз ва Қирмон тоғлари орасида сарсон-саргардондирлар. Варина Фаридун дунёга келган афсонавий юрт бўлиб, Туфонлар Худоси ва Аждаҳо, Туфон билан Фаридун уртасидаги жанглар шу тупроқда руй беради. Қадимги ривоятларга қўра осмоннинг тўрт дарвозаси булган. «Тўрт гушали Варина» ибораси ҳам шунга ишора бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

27. *Индаус дарёси*, ҳозирги Панжоб, балки яна ҳам тўғрироғи Етгусувдир.

28. Аҳриманнинг нима сабабдан «бемаҳал ҳайз курган аёллар қони»ни иккинчи марта яратаётгани маълум эмас.

29. Баъзи манбаларда келишнча, Рангҳа дарёси атрофидаги сарзамин Месопотамия дарёлари уртасидаги ноҳия бўлиши эҳтимол,



«Бесар халқлар» ибораси бирор-бир ҳукмронга буйсунмайдиган қавмларга ишора қилади. Бу ибора авестойи «асравша»нинг (саркаш, исенчи, қонунга буйсунмас) таржимаси. Соснийлар даврида икки дарё — Фрот ва Дажла оралигида яшовчи ва маздাপарастликини буйинга олмаган халқларга нисбатан қўлланилган.

30. *Ашаван* — Ашаҳнинг изидан боргувчи. Ашаҳ — Аша — «ростлик», «тўғрилиқ», «ҳақ», «ҳақиқат», «абодий қонун», «баркамол қонун ва тартиб» каби маъноларга эгиз. Урни билан яна изоҳ берилади.

31. *Жам* — «Авестода Ийима Вайвахвантнинг угли. Паҳлавийда Ямак ёҳуд Жамол Вайвангҳонининг угли. Санскритда Яма Вайавсватнинг угли. Шарқ асотирларида кўп учрагувчи қадимий сиймолардан бири. Жамнинг отаси биринчи бўлиб илоҳий ихсирини кашф этди ва бунинг эвазига фарзанди Жам дунёга келди. «Авесто»да Жам бир қанча сифатларга эга. Чунончи: «Хшанита» (форсийда «Шайд»). Маъноси — шоҳона ёҳуд дурахшон. Бошқа бир лақаби — «Хваридариса» — «қуёш юзли», «срайр» — «гузал», «иссиқ дийдор»; «ҳвасва» — паҳлавийда «ҳварапак», форсийда «Хуб рама», яъни «яхши сурувлар соҳиби». «Вандидод»нинг 2-фаргарди «Жам достони» деб юритилади. Ярим Худо, ярим одам бўлган Жам Шарқ асотир ва афсоналари, Ислождан кейинги адабиётларда энг ёрқин сиймолардан биридир.

32. *Сувра* — «Авесто»да «сувра», «суфра» ё «суфор». Аҳура Мазда оламга соҳиблик қилсин, деб Жамга тақдим этган икки нарсанинг бири. «Вандидод»да у «заррин» сўзи билан сифатланган. Авестошунослар Аҳура тақдим этган нарсанинг нималиги ҳақида мухталиф фикрлаар. Бу сўз «гист», «уқ», «муҳр» (ҳотам) каби маъноларда таржима қилинган. Бироқ бу фаргарларнинг бирортаси асосга эга эмас. Манбаларнинг далолат беришича, «сувра» иброний «шуфоф» сўзидан келиб чиққан, «Қадимги аҳд»да етмиш марта қўлланилган ва «Карнай» (форсийда «шайпур») маъносини ифодалаган. Бу кўплаб қарашларнинг бири.

33. *Аштра* — паҳлавийда «Аштра». Аҳура Мазда Жамга тақдим этган икки нарсанинг бири. Жам уни одамларни бошқаришда восита сифатида қўллаши керак. «Вандидод»да бу икки ҳодиса — «зарнишон аштра» ва «заррин суфра» ҳақида сўз боради. Юқорида таъкидланганидек, авестошунослик фанида бу икки ҳодиса хусусида килма-хил фикрлар бор. Баъ-

зилар «аштра» истилоҳига отни нуқтуғувчи ёки отни йўрттиришда фойдаланувчи таёқча маъносини берганлар. Қамчи, шамшир, асочуп дегувчилар ҳам бор. Авестошунос Меҳридо Баҳор «аштра» сўзига изоҳ бераркан ёзади: «Аштра» сўзи «Авесто» ва паҳлавийда «шаллоқ» ва «тозиёна» (қамчин) маъноларида ишлатилган. Аслида ҳам бу сўз қамчин ёҳуд соз чалгувчи олат маъноларига эга бўлиши ҳақиқатга яқин».

Айтиш керакки, «аштра» «Авесто»да ва «Вандидод»да ҳам қарийб барча уринларда «қамчин» маъносига қўлланилган.

34. *Сипандормаз* — «Авесто»да «Спинта Орамиста» ёҳуд «Сипаидармаз». «Авесто» гоҳларида «Аҳура Мазда»нинг нури сифатида талқин қилинади. «Янги Авесто»да замин илоҳаси. Бу уринда Жам унга муурожаат қилмоқда ва ер юзида рўй бераётган фалокатларнинг олдини олишга чақирмоқда.

35. *Астуманд* — суякли, жисмоний, моддий, дунёвий, заминий. «Астумандон» — аносир, аркон. «Астуманд» сўзининг ўзаги ва маъноси юнон тилидаги «устунхюн» сўзи билан айни бир килдир. Араб фалсафасидаги «устукус» истилоҳи ҳам шу маънони ифода этади. «Астуманд» сўзининг ўзаги «аста» бўлиб, «суяк» «устухон» демакдир. (Лотин тилида «ус», юнончада «устун»). Эҳтимол, араб тилидаги «асос» сўзининг илдизи ҳам «аста»га бориб тақалар.

36. *Аридий* — бу уринда мақсад ё баландлик ўлчови ёҳуд машхур асотирий дарё «Ариавюсвар»дир.

Эҳтимол, дарё баландликка қиёсланапти.

37. *Асприйс* — асосан, йул узунлиги ўлчови бўлиб, отчопар майдонининг узунлиги андазасида ўлчанади. Қадимги Шарқда йул узунлиги ўлчовлари отчопар майдонларининг ҳажмига нисбатан олинган. Маълум буладики, асприйс ўлчовининг муайян бир андазаси бор. Чунончи, «Вандидод» китобининг 2-фаргард, 25-бандида Аҳура Мазда Жамга фармон беради: «Одамлар ва жониворлар учун ҳар бирининг тўртта томони ҳам асприйс узунлигида бўлган вар қур».

«Вандидод»нинг паҳлавийча шарҳида варларнинг узунлиги икки ҳосар, яъни икки фарсанг дейилади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, асприйс икки фарсанг узунлигидаги ер (эҳтимол икки фарсанг кенгликда). Аммо ҳосар ўлчов бирлиги учун муайян бир андаза йўқ.

38. *Вар* — ер ости манзили. Аҳура Мазда-



337

нинг курсатмаси билан Жам одамлар ва ҳайвонлар учун бино қилган ер ости манзили.

39. «Ҳосар» узунлик улчовининг муайян бир андазаси йўқ, 37-изоҳга қаранг.

40. *Дуясана* — бир гуруҳ кимсаларнинг сифати ёхуд унвони. Аҳура Мазда бундай кимсаларнинг Жам барпо этган ер ости манзиллари — варларга йўл топишини истамайди. Бу сўз паҳлавий тилида бир неча маъноларда қўлланилади, жумладан, ҳаромзода боланинг ота-онаси маъносини ҳам билдиради.

41. *Дайвак* — бир жамоа одамларнинг сифат ва унвони. Аҳура Мазда бундай кимсаларнинг Жам барпо этган ер ости манзиллари — варларга йўл топишини истамайди. «Вандидод» шарҳида «дайвий» тарзида қўлланилган. Баъзи мутахассислар уни «ёлгон, аврагувчи» маънолари бор, деганлар. Бошқа бир гуруҳ авестошунослар «дайвий»ни бадандаги нуқс ё илат маъносига шарҳ этганлар.

42. *Касвиш* — кин ва жазо девининг исми.

43. *Визбориш* — беҳор ёхуд танасида иллати бор кимсалар гуруҳи. Аҳура Мазда Жамга бундай гуруҳларни ер ости манзил — варга киритмаслигини қатъий таъкидлайди.

44. Афсонавий қуш.

45. *Арвататнара* — паҳлавийда ва ҳозирги замон зардуштийлар истилоҳида — Арватаднар. Зардуштнинг иккинчи фарзанди. Маздапарастлар динида оламдаги биринчи деҳқон Арвататнара ҳисобланади. «Вандидод»нинг 2-фарғард, 42-бандида қайда этилишича, Жам бунёд этган вар аҳли орасида Зардушт ва Арвататнара энг буюк ва энг донодир. «Бундақишиш»да келади: «Арвататнар деҳқонларнинг улуги эди, энди Жам бунёд қилган варнинг буюгига айланади». Арвататнара абадий зотлар сирасидан.

46. *Барсам* — «Авесто»да «барис ман», «силамоқ», «серпимоқ» маъноларини ифода этади. Дарахтнинг янги кесилган шоки. Зардуштлар ҳамд-сано лаҳзаларида бу шохларни қўлда тутганлар. «Авесто»нинг бирор-бир урнида ушбу қай бир дарахтдан кесиб олинishi айтилмаган. Бирок, энг охири маздапарастлар дини адабиётида бу шохлар анор дарахтидан кесиб олинади, дейилган. Бу шохларни «барсамчин» номли пнчоқда кесиб олишган. Ювиниш маросимини бажо келтираётганда барсамдан фойдаланилган. Бошқа расм-русумлар адо этилаётганда барсамлар махсус «барсамдон» ёхуд «моҳруй»га қўйилган.

47. *Ҳована* — ҳовани — ҳозирги замон форс тилидаги «ҳован» (угир)нинг этимология-

си ушбу авестойи «ҳовано»га бориб тақалади. Авестойи этиқоқда кура, бир кеча-кундуз беш қисмдан иборат. Унинг дастлабки қисмини асрагувчи илоҳнинг номи Ҳованадир. Бундан ташқари маздапарастлар учун муқаддас саналган ҳвана усимлиги эзиб шарбати олинмаган махсус идишнинг номи ҳам ҳовандир. Ҳвана усимлиги янчилаётган чоғда янграган овоз оташпарастларни ибодатгоҳга чорлайди. Ҳовани масиҳийлар калисосидаги қўнгироқда ухшайди. Бу қўнгироқнинг келиб чиқиши манбаи ҳовандир, деган қарашлар мавжуд.

48. *Мубад, мубид* — оташпарастлик динида муғлардан мартабалироқ руҳоний.

49. *Аризвар* — асотирий тоғ. «Вандидод»да бу тоғ унгирилари ва чўққисига девлар жам бўлади, дейилади.

«Бундақишиш»да Аризвар тоғи унгирилари дўзах дарвозаси дейилган. Гуе ушбу дарвоза орқали девлар дўзах ва жисмоний олам оралиғида шитоб қилганлар. Бошқа зардуштий манбаларда ҳам Аризвар девлар жамланадиган манзил, дейилади.

50. Зардуштийлик таълимотида кура жасадларни қалаштириб кумиш оқибатида тулроқ булғанади.

51. *Насв* — паҳлавийда «наса» ёки «нас». Лош, жасад, мурдор жисм каби маъноларга эга. Насв — улик жисмга таъсир курсатувчи дев. Кимда-ким уликка яқин келса, е унга қўл теккизса, е ёлғиз бир ўзи уликни даҳмага олиб борса, насв — дев унинг баданидаги ҳамма тешиклар орқали ичига кириб булғаб чиқади. Мураанинг тепасида туриб Амшосипандларнинг номи тилга олинса, насв йўқ бўлади (Амшосипандлар Аҳура Маздага энг яқин кучлар). Насв мураанинг олдига Аҳриман ва девлар маконидан келади. Шу босилдан мурда олиб борилаётган йўлга насвни қўрқитиб, ҳайдаб юбориш учун тўртқуз ит боғлаб қўйилади.

52. *Дуруж* — «Авесто»да «Друж» е «Друг». Паҳлавийда — «Друз». Маъноси — дуруғ, ўзбекчада «ёлгон». Каззоб, аҳдсиз ургочи девнинг номи.

53. *Патити* — «Авесто»да «пайтита», паҳлавийда «папийт», «патит». Гуноҳлардан қайтиш, тавба қилиш.

Зардуштийлар диний адабиётида патит — истифгорнинг тўрт хил матни бизга маълум.

54. «Ардовирафном» китобда келишича, гуноҳкорга бериладиган жазо бундан баттарроқдир: «...Бир кишининг руҳини кўрдим. Унга одамлар жасадининг гўштини қон ва йи-



ринг аралаш егизишардилар. «Бу жасад нима гуноҳ қилди?» сурадим мен. Фаришта ва илоҳ Озар жавоб берди: «Бу руҳ дунёда рад этилганлардан. У ҳаёти дунёда қўлаб одамларнинг жасадини сув ва оловдан олиб ўтди. У якка-ёлғиз мурдакаш эди. Ва ўзини ҳеч қачон одатга мувофиқ ювмади (покламади — тарж.).»

55. *Ардовирафнома* — қисқартма шакли «Ард». Паҳлавий тилидаги рисола бўлиб, унда зардуштий динининг пешволаридан бири Вийрарнинг нариги дунёга сафари ҳақида ҳикоя қилинади. Вийрар бу сафарда жаннат ва дузах аҳлининг қисмати билан танишади. (Зардуштийлар пешвоси бўлмиш Вийрарнинг ўзи хусусида ҳам тури-туман қарашлар бор). Ушбу рисоладан айрим парчалар оверупойи тилларга таржима қилинган.

56. *Варжована мансараси* — аҳуравий муқаддас сўзлар. Илоҳий каломлар.

57. *Аспаҳиқ-ашатра* — гуноҳкорларни жазоловчи асбоб.

58. *Саравушу-чарана* — муайян гуноҳлар содир бўлганда қўлланилган жазо қуроли.

59. Ушбу вандидодий қасамларни 4-фаргарда уқиймиз. Одатда қасам келтирган томон ўз сузининг товони сифатида кейинги қасамни келтиради. Чунончи, қўй қасамнинг баҳоси бир қўй қийматида баробар. «Буюк ривоят» китобида «қўл қасам» ҳақида қуйидагиларни уқиймиз: «Бу ҳолда ҳар икки томон қўл сиқishi йули билан шартлашадилар».

60. «Буюк ривоят» китобида келишича, гуноҳ юки ёлғиз гуноҳкорнинг (қариндошларининг эмас) елкасига юкланган. Матнда уч юздан мингга довури ошиб борган баҳо китобда гуноҳкор руҳининг дузаҳда кечирган йиллари деб талқин қилинган.

61. *Очирипта* — «олмоқ» маъносида. «Вандидод» таъбирича, бир кишини урмоқ қасдида қўлга қурола-аслаҳа олган шахс гуноҳи шундай деб юритилади. («Вандидод», 4-фаргард, 17-банд).

62. *Аваурайишта* — «айлантирмоқ» маъносида. Қўлга қурол олиб, бировни урмоқ қасдида жаҳд билан уни айлантирган кимса гуноҳи шундай юритилади. («Вандидод», 4-фаргард, 17-банд).

63. *Аридуш* — қўлига қурол тутиб, бировни урмоққа қасдланган киши гуноҳининг номи. Бунда қасд қилган мазлумни урмайди, борд-ю урган тақдирда ҳам унинг захми уч кун ичида тузалиши керак.

64. *Пишавтану* — «Авесто»да «пишавта-

ну». «Ўз гуноҳи учун танасини бағишлаган одам» маъносини англатади. Унинг бошқа бир номи «арзон улим», яъни гуноҳлари эвазига улим жазосини топган шахс. Пишавтану гуноҳи учун бошқа жазо усуллари ҳам борлиги қўлаб адабиётларда қайд этилган.

65. *Аспиринна* — бир дирҳам.

66. *Астуваязуту* — паҳлавий тилида «астуяҳод». Улим девининг номи бўлиб, «таннинг заволи» ёхуд «суяк бағишловчи» маъноларини ифодалайди.

67. *Ашмуг* — алдовчи ва йўлдан оздирувчи девнинг номи. Шарқ адабиётида унинг «асмуг» шакли ҳам мавжуд. «Бурҳони қотей»да уқиймиз: «Аҳриманий кучлардан бўлиб, исми Асмугдир. Асмуг одамлар орасига ёлгон, фитна, адоват уругини сочади».

68. *Кодиҳ* — жой, утлоқ, сарой маъносида. Маздапарастлар қаҳратон чоғи улганларни сақлаш учун махсус «кодиҳ» қўрганлар. Мурда то об-ҳаво илигунга қадар ана шу ерда сақланган.

69. *Фарог Карт* — буюк бир дарёнинг номи. Бу дарё «Авесто»нинг ҳамма қисмларида учрайди. Эҳтимол, Амударёдир.

70. *Буйтяка* — Фарог Карт дарёсига қўшилувчи асотий дарё.

71. *Виспубиш* — барчага дармон бахш этувчи дарахт.

72. *Отурбон* — «Авесто»да «Осравон», «Олов қўриқловчи» маъносида. Дин пешволарининг уявони.

73. *Завт* — «Авесто»да «завтара». Буюк дин пешволаридан.

74. *Хованак* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг иккинчиси.

75. *Атарвашх* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг учинчиси.

76. *Фрабиритар* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг тўртинчиси.

77. *Обирит* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг бешинчиси.

78. *Оснатар* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг олтинчиси.

79. *Роспий* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг еттинчиси.

80. *Сравшавариз* — саккиз нафар муътабар дин пешволарининг саккизинчиси.

81. *Ҳавм* — «Авесто»да «ҳавма» ёхуд «ҳавома». Санскритда «савма». Муқаддас гийёҳ бўлиб, унинг сувидан истеъмол қилиш зардуштий динининг муборак расм-русумлардан бири ҳисобланади. Ҳавм суви «улими чекинтирувчи» сифати билан таърифланади.



«Бундаҳишн»да келишича, «ҳавм» гиёҳлар шоҳидир.

82. *Астудон* — суяклар сақлаувчи жой маъносини англатади. Жониворлар оёғи етмайдиган, даҳма ёнида махсус қурилаган чуқурлик ёҳуд тешик «Бурҳони қотёъ»да «Габр (оташпараст)ларнинг даҳма ё мақбараси» маъносида келган.

83. *Ардвисура Анаҳита* — сувлар илоҳаси. «Обон яшт» қасидаси «Авесто»нинг энг мукамал қисматларидан биридир.

84. *Вятасатий* — ун икки бармоқ ҳажмидаги узунлик улчови.

85. *Фрарасний* — ун тўрт бармоқ ҳажмидаги узунлик улчови.

86. *Фрабозу* — билак ҳажмидаги узунлик улчови.

87. *Вайбозу* — миқдори тугал маълум бўлмаган узунлик улчови. Баъзилар бир газ десалар, баъзилар ун одим демишлар.

88. *Стийр* — пул бирлиги.

89. *Завр* — сув билан бажариладиган диний русум.

90. *Урувасний* — паҳлавийда «роси». Хушбўй гиёҳ бўлиб, мурдор чиққан ерда куйдирилади.

91. *Вухав-гавна* — хушбўй гиёҳ.

92. *Вухав-гиритий* — бўйи удникига ухшаб кетадиган хушбўй гиёҳ.

93. *Ҳазанаипата* — ҳозиргача аниқланмаган хушбўй гиёҳ.

94. *Баҳром олови* — паҳлавийда «отахши ваҳромон» ёҳуд «отахши варҳорон». Зардуштийларнинг энг буюк, энг муқаддас олови ва оташкадаси. Унинг бошқа номи «Озари Баҳром». Эрондаги етти машҳур оташкадаларнинг бири. (Сосонийлар даври). У махсус бир оташкаданинг номи бўлмай, балки қўлаб йирик шаҳарларда Баҳром олови барқарор эди.

Ардашер Бобокон Ардашон жангидан сўнг, Форс кўрфазига қадам қўйгач, уз номнда бир қишлоқ бино қилади ва дарё соҳилга унта Баҳром олови оташкадасини қуришни амр эди. Авестошунос Дормустатар узининг шарҳларида («Занд Авесто») ёзади: «Оташкадалар икки хил бўлади. Улардан энг буюғи Баҳром олови деб аталади. Кичиклари одрон ёҳуд отергий дейилади. Бомбейда учта Баҳром олови оташкадаси ва юзта одрон бор. Баҳром олови ва одроннинг фарқи, асосан уларнинг оловида ҳамда тузилишидадир. Масалан, Баҳром олови сурункасига бир йил ёниб туради ва у ун уч хил оловдан ташкил топган.

95. *Гоҳлар ёки госсалр* — қўшиқ демак

дир. Зардуштийга мансуб барча битиклар бошидаги баланд руҳли, тантанавор шеърлар. Баъзи урииларда «гот» шаклида ҳам қўлланилади.

96. *Аламон* — марҳумнинг қавм-қариндошлари мотам тутиб, узгалардан хилватда яшовчи замон.

97. *Амшосипанда* — «Янги Авесто»да «Амиша Спинта», паҳлавийда «Амиус-панд» ё «Амҳараспанд». «Барҳаёт зотлар» маъносини англатади. Маздапарастлар динида Баҳман, Ардабиҳишт, Шахриёр, Сипандормаз, Хурдо ва Амууроод каби илоҳлар гуруҳи Амшосипандлардир. Бу муътабар зотлар Аҳура Мазданинг эзгу ва масъулятли вазифаларини ўз зиммаларига олганлар.

98. *Суруш* — «Авесто»да «сравша», узаги «срав». Маъноси — тинглаш, фармонга буйсуниш, итоаткорлик, яъни илоҳий амрларга тобеъ, демакдир. Маздапарастлик динидаги энг буюк илоҳлардан бири. У парҳезкорлик ва тўғрилик тимсоли. Унинг даражасини баъзан Меҳр худоси ва Амшосипандларга баробар деб билганлар.

Суруш охират ва оқибат амалларини ҳисоб-китоб қилувчи худолар сирасидан. «Авесто»да бу илоҳнинг номи порсо, парҳезкор, пок, эзгу каби сифатларга қўшилиб эзкр этилади.

99. *Чийнавод* — чийнавод, чийнавт, чийнавод. Синовчи, танловчи, айирувчи маъноларини ифодалайди. Бу ибора «Авесто»да «пири-сув», паҳлавийда «пуҳл» — пул, кўприк, йўлак маъноларини ифодаловчи бирикма билан бирга қўлланилади: «чийнаводпул» ёҳуд «чийнавтпул». Маздапарастлар эътиқодига хўра, ҳар бир марҳумнинг руҳи вафотидан тўрт кун ўтганидан кейин ана шу кўприк устидан ўтаркан. Шундан кейин, аъмолларининг даражасига қараб биҳишт ё дузахга йўл олади.

Худди ана шу кўприк бошида ҳар бир кимсанинг «дин»и (агар солиқ киши бўлса) бағоят гузал ва хуш андом болига қиз сиймосида, агар гуноҳкор бўлса, қари бир таъзия кампир сиймосида намоён бўлиб, истиқболига чиқади. «Динқарда»да келишича, (тўғқизинчи китоб, 19-бўлим, 3-банд) чийнаводпулнинг бир боши Ййрон-Вижган, бошқа бир учи Албурз чўққиларига туташган бўлиб, дузах дарвозаси унинг остидадир. Жамийқ яхшилар ва ёмонлар ана шу кўприк устидан ўтадилар. Бу кўприк ашаванлар (солиқ бандалар) учун тўғқиз найза баробарида женгайса, гуноҳкор



лар учун тиг учидек ўткир ва ингичка бўлиб қолади.

100. *Банга* — «Авесто»да «баногоҳ», паҳлавийда «банг» ёхуд «манг». Шоҳидона деб аталувчи гулли усимликнинг барг ва шохларини эзиб, ҳосил қилинган гард. Форс тилида уни «ҳашши» ёхуд «чарс» ҳам дейдилар. Булар гиёҳвандлик моддалари ҳисобланади. «Вандидод»да келишича (15-фаргард, 14-банд), аёллар ушбу ва яна бир қатор гиёҳванд моддалардан ҳомилаларини тушириш учун фойдаланганлар.

101. *Шайта* — болани туширишда аёллар фойдаланган доривор усимлик.

102. *Ғнон* — аёллар ҳомилани туширишда фойдаланадиган усимлик.

103. *Фраспота* — бир хил дорининг исми. Аёллар ҳомилани туширишда фойдаланишган.

104. *Озар* — Оловни қуриқловчи илоҳ. Маздапарастлик динининг буюк худоларидан. «Авесто»да «отар», «оташ», паҳлавийда «отар», «отакаш» шаклида қўлланилган. Илоҳ Озар сиймосига янада улугворлик бағишлаш мақсадида унн Ахура Мазданинг угли деб, Амшосипандлар сафидан жой бермишлар. Қадимги Шарқ динларида энг муҳим илоҳий вазифалар, энг масъулиятли амаллар Озарнинг зиммасидадир.

105. *Ашв-звашта* — маъноси — ҳақиқат муҳиб. Асотирий парранда (ҳаққуш) бўлиб, «Вандидод»да келишича (17-фаргард, 9-банд), маздапарастлар тирноқ синиқларини бир ерга туккач, уша қушнинг ҳақиға дуо ва салавоتلар айтишиб, девларни ларзага соладилар.

«Бундаҳишн»да айтилишича, тирноқ олган одамлар юқоридаги дуоларни ўқимаса, девлар ва жодугарлар уша тирноқларни қуролга айлантириб, ашв-звашта қушини нобуд қилишади. Дуо ва олқишлар адо этилгач, бояги қуш тирноқларни териб ейди. Дев ва жодуларнинг ҳамласи унга кор қилмайди.

106. *Мазандарий* (мазандарий девлар) — «Авесто»нинг куплаб болларида, хусусан, яшларда мазан (мозон) девлари қайта-қайта тилга олинади. Бу ибора «Авесто»нинг айрим нусхаларида, «Мазандарои девлари» тарзида қўлланилган. «Шоҳнома»даги Мозандарон девларининг келиб чиқиши ҳам эҳтимол авестойи манбалар таъсиридадир. Шунга қарамасдан авестошунослик фани бу иборанинг янги-янги маъноларини кашф этмоқда. Чунончи, «мазан», «азим» маъноси ни ифода-лаб, азимжусса девлар гуруҳига ишора қилади, дегувчи олимлар ҳам бор. «Динкард» но-

маларида мазанлар ёхуд мазандалар жуссаси қуйидагича таърифланади: «Уларнинг баладлиги шундайки, Фарог Кард дарёси то сонларига довур, балки киндикларигача етади, даренинг энг чуқур ери уларнинг огзига довур келади...»

107. *Паном* — «Авесто»да «пайти дона», паҳлавийда «паном», «пандом», «падом», «панум». Маздапарастлар маросимида кийилувчи либос. «Обон яшт»да (123-банд) илоҳа Ардвисура Анаҳита «зарринпаном»да тасвирланади. «Вандидод»да (14-фаргард, 9-банд) «паном» жангчиларнинг зарурий жузви, дейлади. Паномнинг бошқа бир маъноси: бир парча оқ матодан иборат огизбоғ. Ҳозирги замон табиблари қўлловчи огизбоғ айни паномнинг узи.

108. *Аштра-майря* — бошқача шакли «аспаҳиқ-ашатра». «Аштра-майря» истилоҳи ёлғиз бир марта «Вандидод»нинг 18-фаргард, 4-бандида тилга олинади. Унинг биринчи жузъи «аштра» хусусида ўтган изоҳларда маълумот берилган эди. Иккинчи «майря» жузъи — гуноқдор, ўлимга маҳкум маъноларини ифода этади.

109. *Маришана* — завол ва фаромуш деви. Аҳриманнинг энг буюк маҳрамларидан. «Занд Авесто»да бу ном «пинҳон руҳи сиж» деб таржима қилинган.

«Бундаҳишн»да ўқиймиз: «Сиж йўқлик ва завол келтирувчи ёвдир» (28-булим, 26-банд). Яна «Бундаҳишн»да ўқиймиз: «Сиж номли дуруж (дев) бор. Қай бир хонадонда гудак бўлса, уша ерга зарар етказад». (32-булим).

110. *Сиж* — сийж. Бошқа номи «маришана». Завол ва фаромуш деви. У пинҳон руҳли, деб сифатланади.

111. *Миязда* — паҳлавийда «мизд». Сув аралашмаган назр-ниёз, эҳсон, тортиқ. Чунончи, ноң, гушт, мева ва ҳоказо. Зардуштийларнинг сув иштирокида утказилувчи «завр» билан тенг ҳуқуқли «мязда» ҳам узига хос диний анжуман таоми ҳисобланади.

112. *Сравашавариз* — паҳлавийда «сурушаварз». Язишна — олқишлар маросимини ўз зиммасига олган саккиз нафар дин пешволари — мубадларнинг саккизинчиси. Сравашаваризнинг асосий вазифаси язишна маросимини тартибга солиб туради. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, «сравашавариз»нинг маъноси «илоҳ Сурушнинг хизматчиси»дир. Худди шу унвоини илоҳ Сурушнинг ер юзидаги маҳрамларидан бири — хурозга ҳам берганлар.





113. *Правдарш* — «олдиндан кура билгувчи» маъносини англатади. Бу унвон хурозга берилган. Хуроз илоҳ Сурушнинг ер юзидаги намоёнлмаси ҳисобланади. Одатда бу парранда тонг отишини барчадан аввал сезади ва гоят қудратли, сеҳрловчи овоз билан бонг уриб, одамларни уйқудан уйғотади, уларни ҳаётга, яшашга, меҳнатга ундайди. «Авесто»даги «храус» сузи, форсийдаги «хуус», «хуруш», туркийдаги «хуроз» билан уйқашдир. Айни фарёда ва хуруш қилиши муносабати билан бу жониворнинг номи хуроз, деб аталган.

114. *Қаҳрактос* — хурозни таҳқирловчи, унга номуносиб бўлган ном. «Авесто»да хурознинг асл номи «правдарш», яъни, «олдиндан кура билгувчи»дир. Аммо бадзабон одамлар хурозни ёмонотлиқ қилиш мақсадида «қаҳрактос» дейдилар.

115. *Бушасп* — бушасб. «Авесто»да «бушянста» ё «бушяста». Зоҳирий маъноси «олдин келгувчи» демакдир. Бемаҳал уйқу деви бўлган Бушасп одатда «узуңқул» сифати билан бирга қўлланилади. Форсий лугатларда «бушасп» — уйқу, туш маъноларини ифода этади.

116. *Оз, Озий* — «Авесто»да — Оз; форсий ва паҳлавийда Оз. Аҳриманий девлардан. «Бундаҳишн»да келади: «Ҳеч қачон ҳеч нарсага тўймайдиган, ҳеч нарсадан қаноат ҳосил қилмайдиган бир тоифа девлардан. Эмишки, тўймай қолган тақдирда ўз танасини ейишга бошларкан. Агар бутун олам незъматларини унга тортиқ қилсалар-да тўймас экан. Озга монанд кузлар (эҳтимол турк тилидаги «очкуз» сузи аслида «озкуз» бўлгандир — тарж.) шундай даштдирки, унга ниҳоят йўқдир». (28-булим, 27-банд).

«Авесто»да бу девнинг номи аксарият ҳолларда «даивадота» («дев яратган», «демондан») сифати билан қўлланилади. Гоҳида у «аҳриманий» таърифи билан бирга келади.

117. «*Ахуна-Вора*» ёхуд «Яса аху ваярв...» мазапарастларнинг маълум ва машҳур дуоларидан бири бўлиб, номи дуонинг дастлабки сузларидан олинган. Ушбу дуо «Авесто»нинг бутун таркибидан қизил ил бўлиб ўтади ва у мудом мазапарастларнинг тилидан тушмайди. Зардуштий уз фарзандининг огзига соладиган илк калималар ҳам айни шу дуодир. Иккинчи уринда «Ашим вухув...», учинчи навбатда эса «Йингҳи хотам...» дуоларидир. Икки дуо — «Яса аху ваярв...» ва «Ашим вухув...» дуоларини «яшт»лар нақорати ҳам деб атайдилар. Зеро, ҳар икки дуо қарийб

барча қасида ва мадҳияларнинг бошланиш ва хотимасида такрор-такрор зикр этилади. Ҳозирги замон «Авесто»сидаги «Кичик Авесто» бўлими ушбу икки дуо билан бошланади. «Яса аху ваярв...» дуоси «Авесто»да «Ахуна Вайрйх», паҳлавийда «Ахунавар», «Хунавар» тарзида ҳам қўлланилади.

«Яса аху ваярв...» дуосида йигирма битта суз бор. «Авесто»нинг йигирма бир наски (китоби)ни Зардушт айни шу дуо сузлари миқдорига тартиб берган.

«Яса аху ваярв...» дуоси ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади: «У (Зардушт) бу оламнинг армони ва танланган Зотидир. Олам халоскори, тирикликнинг солиҳ кирдор ва андишаларининг Яратгувчиси. У Ахуранинг шаҳриёр, Ҳақ дин пешвоси ва дарвишларни парварिश этгувчидир!»

118. «*Ҳваматанам...*» — «етти хот»нинг илк ва сунги сузи «ҳваматанам»дир. 2-яснанинг 35-хоти ушбу суз билан бошланади. «Ҳваматанам» дуосининг аҳамияти шунда кўринадикки, у «Авесто»нинг кўплаб уринларида дуч келади. Дуонинг ўзбек тилидаги таржимаси қуйидагича: «Эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амал ҳамини ва ҳар қаерда бордир. Салом ва олқишлар унга бўлсин. Биз-да жону дил билан эзгуликка интиламиз».

119. «*Хуҳшасрвтимом...*» — яснанинг 35-хот, бешинчи бандининг номи. Банднинг биринчи сузи билан аталгучи «Хуҳшасрвтимом» дуоси «Авесто»нинг кўплаб уринларида такрорланади. Таржимаси қуйидагича: «Шаҳриёр деб шундай зотни биламиз ва шундай зотни танлаймиз ва шундай зотни истаймизки, у ҳаммадан яхши шаҳриёрлик қила олсин: Мазада Ахура ва Ардибиҳишт».

120. «*Йингҳи хотам...*» — мазапарастларнинг учинчи энг муҳим дуоларидан бири. (Юқоридаги 117, 118, 119-изоҳларда келган дуоларни айрим тадқиқотчилар «намоз» деб таърифлаганлар. Ёзнинг тушунчамиздаги «намоз истилоҳи» бутунлай бошқача бўлгани боисдан биз бу қисқа ҳамларни «дуо» деб атадик — тарж.) Ушбу дуо «Яса аху ваярв...» ҳамда «Ашим вухув...» дуоларидан кейинги уринда туради. Таржимаси қуйидагича: «Мазада Ахура Ашаҳ — Ҳақиқат нурали остида гузалликни чандон кутлаганларни билади. Мен ҳам шундай кишиларни — улар бор ва бўладилар — мадҳ этаман, олқишлар билан уларга иттифоқ бўламан!»

ЯШТААР

АҶУРА МАЗДА ҚАСИДАСИ ҶАКИДА

Қасида бизнинг давримизгача бузилган ҳолда етиб келди, афтидан, у кейинги давр хаттотлари томонидан кўчириш жараёнида ё тўдирилган, ё бузилган. Алоҳида бадий қимматга эга эмаслигига қарамай, «Ҳурмузд яшт» катта аҳамиятга шунинг учун ҳам моликки, у яшлар силсиласининг аввал-бошидан урин олган ва унда зардуштийлик эътиқоди олий Илоҳи Аҳура Мазданинг жами исмлари зикр қилинган. Исмлар аввалда эҳтимол йиғирмата бўлгандир, бироқ кейинча бу саноқ яна эликтага қупайди (Аҳура ва Мазда исмлари истисно қилганда). Зардуштийлик дини Илоҳининг 72 номи бор. Мавжуд илмий адабий нуқсонларга қарамай, «Ҳурмузда яшт» зардуштийлар томонидан чуқур эҳтиром қилинади, зеро эътиқод буйича Аҳура Мазда исмларини тўқис зикр қилиш воситасида иблис, девлардан халос бўлиш мумкин. Эслатиш жоизки, бошқа динларда ҳам Илоҳ исмларининг ранг-баранглиги ва уни бот-бот ёд этиш энг афзал амаллардан биридир. Жумладан, Ислондаги Оллоҳнинг 99 исми («Ал-асмаъ ал-Ҳусна») бунинг ёрқин намунаси.

«Ҳурмузда яшт» ҳар кун тонги ибодатлардан сўнг, уйқудан олдин ва хусусан, юрт уэгартirilганда, албатта, ўқилган.

1. Бу ва қуйида биринчи бандигача келтирилган бошловчи дуолар барча яшлар учун умумийдир, улар фақат қасида ижро этилган куннинг вақти ва қавслар ичида келган пасаж — парчалар билан фарқланади. Қўштирнок ичида ва бошқа ўринларда гоҳлардан (Зардуштнинг шеърий ваъзалари) ва қўшлаб дуоларининг бошланиш қисмларидан иқтибос келтирилади (жумладан, «Аҳуна Вора», «Аша Ваҳишта» ва бошқа дуолар).

2. *Эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал* — зардуштийлик ахлоқининг асосий учлиги. Зардуштий бутун ҳаёти давомида ушбу учликни узидан мужассасан этмоғи керак. Улимдан сўнг марҳум руҳи устидан ўтказилувчи ҳисобки-тоб (суд) жараёнида Ҳақиқат илоҳи Рашиларни тарозидан салмоқлаб кўради. Тарозининг бир палласига эзгу фикрат, калом ва амаллар, бошқасига эса ёвуз фикрат, калом ва амаллар қўйилади. Бордию эзгу фикрат, калом ва амаллар салмоғи ёвуз фикрат, калом ва амаллар салмоғидан зиёдалиқ қилса,

марҳум руҳи юқорига — жаниатга, Аҳура Мазданинг ёруг масканига парвоз қилади, акс ҳолда тубанликка — Анҳра-Ману ва девлар жамиятининг машаққатли домига тушиб кетади.

3. «Ҳақиқат олий шарофатдир...» — моҳияти ва аҳамиятига кўра «Аҳуна-Вора»дан кейинги «Аша-Воҳишта» («Олий Ҳақиқат») дуосига ёхуд «Ашам-Воҳу» («Ҳақиқат — шарофат...») дуосининг илк калималарига тенг келувчи зардуштийлик дуоси.

4. Зардуштийликнинг «Ҳақиқат рамузи» асарининг «Фраворона» («инонаман, эътироф этаман, танлайман...») дейилувчи дуоси. Бу дуо Зардушт ўлимидан кейин киритилган. «Ҳақиқат рамузи»нинг тўлиқ таржимаси В. И. Аббаев томонидан бажарилган. «Қадимги Шарқ тарихи хрестоматияси», 2 қ. М., 1980, 63—64 б.; «Қадимги Шарқ адабиёти. Эрон, Ҳиндистон, Хитой». Боблар. МДД нашриёти, 1984, 9—10 б.

5. Бу дуо тонгда Илоҳ Ҳавми («ҳавми алоқадор», ҳавм — лугатга қаранг — тонг маҳали тайёрланган) ҳомийлик қиладиган — қуёш чиқишидан кун ярим бўлгунгача пайт — қасида билан ўқиладиган дуо. Зардуштийлик эътиқодига кўра бир кеча-кундуз беш нафар ҳомий ёхуд қисм — гоҳдан иборат. Уларнинг ҳар бирига алоҳида бошлиқ ва рақнамо — ротулар ҳомийлик қилган; қуёш чиқишидан чоптгоҳгача; чоптгоҳдан унинг иккинчи ярмига қадар (қуёш гарбга энаётган пайт); қуёш ботгунча; қуёш ботишидан тун ярмигача; тун ярмидан тонгга қадар. Тун ва куннинг бўлинишига кўра зардуштийларга беш маҳаллик ибодат буюрилган бўлса-да, улар амалда бир ибодатга иккинчисини қўшган ҳолда уч маҳал — эрталаб, кундузи ва кунботарда ибодат қиладилар.

Саванҳи — ҳайвонларга ҳомийлик қилувчи илоҳ; *Вся* — уруғ-насл ва қишлоқ илоҳи — айнан таржимаси «қишлоқ уругига тегишли».

6. *Равитвина* — куннинг иккинчи қисми илоҳи. Кундуз маҳали ўқилувчи қасида унга бағишланади. Фродот-Фшово — майда ҳайвонларга ҳомийлик қилувчи илоҳ; Зантума — қабилалар илоҳи.

7. Бу ифода куннинг иккинчи ярми — кунботарга яқин пайтда ўқилувчи қасида зикр





этилади. Узойирини — куннинг учинчи қисмига ҳомийлик қилувчи илоҳ, айнан: «Туягъ, куннинг сунгига тегишли». Куннинг тўртинчи қисмига илоҳ Ойвисрутрина; бешинчи қисмига илоҳ Ушоҳна ҳомийлик қилади.

Фрадот Вира — эркаларга ҳомийлик қилувчи илоҳ, айнан: «эрларни ўстиргувчи», Даҳюма — мамлакатлар илоҳи, «мамлакатларга тегишли».

8. Бир яштни бошқа биридан фарқлагувчи муножот-дуо. Кейинги қасидалар олдида улар руҳига мос муножотлар келтирилади.

9. «**Энг яхши илоҳ каби...**» — энг кўп ўқилгувчи зардуштий дуо, «Аҳуна Вора»нинг аввалги калималари. Бу дуо Зардушт томонидан айтилган дейилади. Зардуштийлар маросимида икки нафар мулозим хизматда бўлади; Гоҳоларни ижро этувчи ва ҳавм қуйгувчи бош мулозим хоҳин (заотар) ва унинг ҳаом тайерлагуви ёрдамчиси (роспий).

10. **Муқаддас сузлар** — мантралар назарда тутилади (лугатга қаранг).

11. Ушбу банд қуйидагича таржима қилинса матнга яқин бўлади: «Замон охир бўлганда энг кўп таъсир қилувчи» (эсхатологик маънода). Зардушт таълимотига мувофиқ, замон охир бўлганда яхшилик ёмонликдан тамомила ажралиб чиқади, ниҳоят ёмонлик умуман яқсон қилинади.

12. **Локиза руҳ** — айнан: ҳаётий мадор ва қалбни ҳаддан зиёд поклагувчи (янада аниқроғи «тозаловчи»).

13. **Суровчи** — таржима тахминий ва шарҳлидир. Бошқа ақидага кўра бу исм (Фраҳшта) «лиммо-лим, сероб, сербарака» шаклига яқин.

14. **Ҳисобчиси ҳамма нарсанинг** — эҳтимол «кишиларнинг жамийки яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларини ҳисоблагувчи» назарда тутилади (2-изоҳга қаранг).

15. **Кенг андоми** — ёки эҳтимол «кенг ҳужум майдонининг эгаси» — душман қисмлари ҳақидаги бу ифодани шундай тушуниш мумкин.

16. **«Подачи калом»** — «Тақводор пода-

чи...» сузалари билан бошланувчи дуонинг номи.

17. Камар богламоқ ва ечмоқ (72 адад Ясна боблари миқдоридоги юнг ипақдан туқилган камар, белга уч қарра айлантриб богланади) кундалик ойин турларидан. Балогатга етган ҳар бир эътиқодли зардуштий худди шундай камар тутмоғи шартдир, у ибодат жараёнида камарни ечиб, ҳар икки учини тутиб туради. Аҳриманнинг номи лаънатланган пайтда эса уни силтай бошлайди. Бу ёлгон ва ёвуз кучларга исбатан нафрат ифодасидир.

18. Бу ерда келтирилган йигирма адад исм бундан олдинги бандларда (12—15) келган исмларнинг кейинроқ қушиланганини тасдиқлайди.

19. Зардушт сузалари — гоҳдан иқтибос (Ясна 44.16).

20. Бу муҳим дуолар 3,9 изоҳларда шарҳланади.

21. Барча яштар учун умумий булган интиҳоний дуо («Йинғи ҳотам») билан «Хурмуз яшт» ниҳоя топади, кейинги бандлар йўқолган «Баҳман яшт»дан лавҳалар бўлиб, сўз ва шаклар бузилган, англиниши қийин.

22. Сунгги икки сатрнинг мазмуни қуйидагича: «топингувчи назарида улугвор туюлгувчи қурбонлик, илоҳ наздида энг муъжаз қурбонлик»дир.

23. Гоҳдан (Ясна 28.11 ва 30.4) келтирилган бу икки иқтибос билан Аҳура Мазданинг сузалари тугайди.

24. Эҳтимол бу ўринда иблис, девлар назарда тутилган.

25. Сузнинг боши бузилган, маъно гализ.

26. 30—31-бандлар «Аша-Воҳишта» дуосига уч марта «Ва тақводор эрининг...» сузалари билан такрорланади.

27. 33-банд интиҳоний ифодаларни мужасам этади. Бу барча яштар учун анъанавийдир, фақат қасида бахшида этилган илоҳга муножот-дуолар истисно қилинади. Яшт ўқувчиларига ва қурбонлик келтиргувчиларга тансиҳатлик ва бахт-саодат суралади.

АРДВИСУРА АНАҲИТА ҚАСИДАСИ ҲАҚИДА

Бешинчи яшт сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Ардвиги (айнан, эҳтимол «нам», «буг»га багишлангандир. Ардвиги ҳаминша «сура» сифатида (айнан, «қудратли») ва «Анаҳита» (айнан, «губорсиз, доккиза») исми билан биргаликда зикр этилади. У Амударё худосидир. Бу

яштининг бошқа номи — «Обон яшт», яъни «Сувлар қасидаси»дир. Қасида ҳинд-европу халқларининг қадимий қасидаларига хос асар жанрини белгиловчи уч структурадан иборат. Биринчи («мурожаатнома») қисмида маъбуданинг ўзига муножот қилинади. Биринча кенг

роқ иккинчи («ҳикоявий») қисмида қадимги илоҳлар ва баҳодирлар Ардвисура Анаҳитага келтирган қурбонлик ва тоат-ибодат ҳамда бу қурбонлик ва ибодат эвазига уларга берилган инъом-омадлар ҳақида ҳикоя қилинади. Учинчи, хотимавий («суровчи») қисм эса, Ардвисурага муножот қилган ҳожатмандлар, улар келтирган қурбонлик баёни билан хотима топади.

Баланд бадий савия, бой маълумотларга эга бу яшт «Авесто»нинг машҳур матнларидан биридир.

1. *Арта* — олов, низоом ва ҳақиқат руҳи.
2. *Ворқуша* — худолар маскани ҳисобланган муқаддас Ҳукариё тоғи этагидаги қул ёҳуд денгиз.
3. *Қоропонлик ҳукмдорлар* — қавайликларга қарши, уз навбатиде ёвуз кучлар тарафдорлари.
4. *Қавийликлар* — эзулик тарафдорларининг афсонавий династияси намояндалари.
5. *Орий-ожа* — («Орий кенгликлари») Аҳура яратган илк мамакатлардан бири.
6. *Дайтя* — тахминан Хоразм воҳасида ёҳуд Амударё ва Сирдарё оралигида жойлашган афсонавий дарё.
7. *Ҳушийанҳа-Парадата* — илк афсонавий қонунгузор шоҳлардан.
8. *Хоро* — худолар маскани бўлган муқаддас тоғ.
9. *Дурж* — ёлгон, ёлгончилик шайтони.
10. *Варна* — Аҳура яратган ун туртинчи мамакат, туртбурчак шаклида, Трэтонлар юрти.
11. *Йима* — машҳур сув тошқини ҳақидаги қадимий афсона қаҳрамонларидан, урта асрларда Жамшид.
12. *Ажи даҳока* — афсонавий маҳлуқ. Урта асрларда Аждаҳо.
13. *Боврай* — афсонавий ёвузлик мамакати (баъзи бир тахминларга қура Вавилон).
14. *Атвйа* — зардуштийлик анъанасига қура муқаддас ҳавм усимлиги шарбатини иккинчи бўлиб олган одам.
15. *Трэтона* — (Трэтотона, Фрэтотона) урта асрларда ва ундан кейинги даврларда яратилган қаҳрамонлик достонларида Фаридун номи билан машҳур баҳодир. У аждаҳо Даҳоқни улдиради.
16. *Керсасп* — Тритининг иккинчи угли, ҳавм усимлиги шарбатини иккинчи бўлиб сиққан одам.
17. *Пишина* — афсонавий қул.
18. *Ҳандарва* — (Гандҳарва) олтин уқчали иблис.
19. *Франҳрасйон* — турлар бошлиги, урта

асрларда — Афросиёб.

20. *Қавай-усан* — қавайлардан бири, шу уруг ҳукмдорларидан; урта асрларда каёнийлар.
21. *Эрзифия* — афсонавий тоғ.
22. *Хусрав* — (Қавай Хусрав) қавай, бола-сининг хуни учун Франҳрасйонни улдиради.
23. *Чечаст* — афсонавий қул.
24. *Тус* — шоҳлар насабидан бўлган эронлик баҳодир.
25. *Ҳшатросуқа* — афсонавий тоғ довони.
26. *Қонха* — мамакат номи (тахминан Хоразм).
27. *Восақ* — туронлик баҳодир.
28. *Паҳурва* — сирли саргузаштларни бошидан кечирган афсонавий қаҳрамон.
29. *Рангҳа* — афсонавий орол.
30. *Ашавазда ва трита* — туронликлар билан жанг қилган афсонавий қаҳрамонлар.
31. *Апам Напат* — шарафли баҳодирларга қул остидан ҳавм элтгувчи сувлар илоҳи.
32. *Данавийлар* — турларнинг афсонавий уруги — Қора, Вора, Дурақат — Ашавазда ва Трита билан жанг қилган тур баҳодирлари.
33. *Вистарав-нотарид* — қавайлар билан қуршалган эронлик баҳодир.
34. *Витангуҳайти* — дарё номи.
35. *Фрйонийлар хонадонидан йоҳишта* — афсунгар Аҳтйаниннг 99 жумбоғини очиб берган афсонавий қаҳрамон (Бу сюжетни одатда Эдип ва Сфинкс ҳақидаги афсонага ухшатадилар).
36. *Ратава* — моддий оламда яшовчи яхши одам.
37. *Артна, вавжақийлар, варнавашилар, варнавалар* — ёмонлик тарқатувчи ёвуз руҳлар.
38. *Олти юз, минг* — шартли, жуда ҳам кўп маъносиде.
39. *Ҳвовалиқлар* — қавайлар гуруҳидаги эронлик баҳодирлар.
40. *Баҳри фразданав* — афсоналарда учрагувчи денгиз.
- 41, 42, 43. *Тантрайвнт, пешона, аржатасп* — Друзга хизмат қилувчи тур баҳодирлари.
44. *Зариварай* — эронлик баҳодир Виштасп қушинларининг лашкарбошиси. (Илк урта асрларда Зарер, кейинроқ Зарир).
45. *Ҳумоляқа* — тур баҳодир.
46. Бу сифат ва ифодаларни ута аниқлиги тадқиқотчиларни турли безакалар ва қиммат-баҳо ашёлар билан безанган маъбуда ҳайкалининг мавжудлиги хусусидаги тахминга олиб келди.



ҚУЁШ ҚАСИДАСИ ҶАҚИДА

Бу қисқа яшт, афтидан, кейинги даврларда қоҳинлар томонидан улик тилда яратилган ва асосий манбага киритилган. Эҳтимол, қоҳинлар Қуёшга бағишланган алоҳида шундай яшт булишини лозим билганлар. Матн ҳар жиҳатдан сунъийдир ва бу каби сунъий матнлар «Авесто»да оз эмас. Яшнинг муайян қирралари Қуёшга бағишланган ва кунчиқар маҳали, чошгоҳ пайти, кунботар чоғида уқиладиган кундалик дуолардан бирига монанд. Яшт исталган вақтда уқилиши мумкин, бироқ Қуёш, Митра, Осмон каби алоҳида илоҳларга бағишланган кунларда уқиш шарт ва зарурдир. (Зардуштийлар тақвимига биноан, ўттиз ой кунининг ҳар бири алоҳида илоҳга бағишланган



346

«Меҳр яшт» «Авесто»нинг нисбатан узун ва машҳур қасидаларидан, унинг қадимий матнлари эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик урталарига, эҳтимол унданда қадимроқ даврларга тааллуқли, зотаң, Митра — Шарқ халқлари илоҳиётининг маъбуди, эрамиздан икки минг йиллар бурун ҳам аждодларимиз эътиқодининг мояси — меҳвари булган Митра илк даврларда, эҳтимол, алоҳида уруғ-қабилалар уртасидаги аҳд-шартномаларнинг (яйловлар ва сувлиқ ерлар уртасида) ҳаққониятини назорат қилгувчи илоҳ булгандир, бироқ кейинча, у ҳарб-зарб илоҳи сифатида эҳтиром қилина бошланди. Жангчи Митра тавфиқли, ўз аҳдига собит кимсалар томонида туриб, қавлига хиёнат қилган ёлгончи ва субутсиз кимсаларга қарши аёвсиз кураш олиб борди. Шунингдек, Митра одамлар устидан ҳакам-илоҳ (марҳумлар руҳи устидан қам ва Офтоб сайёраси илоҳи сифатида Қуёшни сёмовий сафариди кузатувчидир. Айрим Шарқ халқлари эътиқодида Митрага топиниш айна Қуёшнинг ўзига сигиниш тусини олади ва Меҳр, Мира (Митра сўзининг қадимий шакллари) сўзлари «қуёш» маъносини англа-та бошлади.

Митрага сигиниш Шарқ халқлари эътиқоди доирасидан чиқиб, олис жугрофий минтақаларга ёйилди. Жумладан, рим легионерларининг сирли эътиқоди — митраизмга асос солади. Митраизм, ўз навбатида бутун Өв-

жумладан, ойнинг 11-кунин Қуёшга, 16-кунин Митрага, 27-кунин Осмонга бағишланган).

1. Бу уринда асл матндаги Ҳуварно «бахт» деб таржима қилинган.

2. Маршаван — Ёлсизлик, хотирасизлик иблиси ёхуд дев.

3. «Авесто» матнларида ёвуз кучларга нисбатан «девлар лугати» истеъмоқ қилинади. Масалан, девлар «юрмайди», «тентирайди», уларда «юз» эмас, «башара» ёки «афт», «бош» эмас, «калла» бўлади.

4. Яшт аъёнага мувофиқ тарзда «Йинчиҳотам» дуоси билан ниҳоя топади. Давомидан эса хотимавий дуолар келади.

МИТРА ҚАСИДАСИ ҶАҚИДА

рупога тарқалди ва илк христианлик (насоро дини) билан рақобатга киришди.

«Меҳр яшт» ўзининг бадиий қиммати, мифологик ва маданий-тарихий шаҳодатга бойлиги, зардуштийлик дини тараққиёт босқичлари хусусиятларини ўзида мужассам этгани билан «Авесто» матнларининг нисбатан хийла куп урганган қисми саналади (гарчи унда ҳамон ноаён ва жумбоқли нуқталар куп бўлса-да) ва хийла тилларга таржима қилиниб, нашр этилди.

1. Митра — Қуёш маъбуди, унга эътиқод билан узвий боғлиқ шартнома, аҳднома илоҳи унинчи яшт Митрага бағишланган.

2. Зардуштийлик эътиқодига кура олов Ҳақиқатни Ёлгондан айиргувчи энг ишончли восита. Шунингдек, олов Аҳура Мазданинги ўгли дея эътироф этилади. «Мустақим (тўғри) йул» ибораси замирида Олий Ҳақиқатга томон элтгувчи тўғри йул англашилади.

3. Фраваш — таваллудга қадар ва улимдан кейин ҳам яшагувчи Қалб тавфиқли зотларнинг фраваш — Қалблари ўзига хос пушт-паноҳ, мададкор фаришталардир. Улар одамларга ёрдам бермоққа қоидир, шунинг учун бу фраваш — Қалблар иймон-эътиқодли кимсалар томонидан мададга чорланади.

4. Оламад мавжуд жумла яхшилик илоҳларини, бор згулаикларини яратган парвардигор Аҳура Мазда Митранинг ҳам яратгувчисидир.

5. «Авесто» матнидан тилимизга тахтуд-

лафз таржима қилинганда «яратиши (офари-ниш) қиёфаси» ибораси қайд этилади. Тадқиқотчиларнинг ақидасига қура, бу Музаффарият илоҳи Вартрагнадир.

6. *Хара* — Замин куррасини иҳота қилган афсонавий тоғ сисиласи. Хар-Баразайти атамасининг тахтуллафз таржимаси «Юксак Хара» дир. Кейинчалик бу атама Шимолий Эрон ва Қофқоз худудидаги Албурз тоғларида нисбат берилди. Хар икки атама ҳам авестойидир. Юксак Хара ёхуд Харати ҳақидаги тушунчалар замирида эҳтимол Помир-Ҳиндиқуш тоғлари ҳақидаги тасаввур ётгандир.

7. *Ишқат* — тахминан, порутлар (қадимги шарқий Эрон ҳудудида яшовчи халқлар) истиқомат қилувчи тоғли мамлакат, Гов — афтидан Сугд заминининг бир қисми, қолган вилоятларнинг — Ҳирий, Марв, Сугдиёна, Хоразм — жугрофий ўрни маълум.

8. Асл матннинг бу бандида етти иқлим (кишвар) тўлиқ эсланади: Аразаҳи — Шимол, Саваҳи — Гарб, Фродадафш — Шимолий-Шарқ, Видодафш — Шимолий-Гарб, Ворубаршти — Жанубий-Шимол, Воруҷарашти — Жанубий-Гарб, Ҳуванирата — Замин куррасининг одамлар истиқомат қилувчи марказий муътадил иқлими қисми.

9. *Деваарнинг калласи* — Қуёш қасидаси изоҳларининг 3-сига қаранг.

10. Олқиш хонаси (мақтовлар уйи) — Зардуштийлик дини жаннатининг номи. У ерда Олий Илоҳ Аҳура Мазда жами эзгулик кудолари ҳамда тавфиқли кимсалар руҳи билан биргаликда яшайди.

11. «*Қияқирар улар*» — Ёвлар, ёв қўшинлари назарда тутилади. «Забардастлар» — илоҳ Митра, Рашн (тартиб-интизом ва адолат илоҳи) ўлимдан кейин қалб устидан утказилгучи суд жараёнида Рашну қўлларидagi мезон (тарози) билан марҳумнинг эзгу фикр, калом ва амалларини салмоқлайди. Сраҳоша (тахтуллафз таржимаси «Итоатгўйлик») итоатгўйлик, интизом илоҳи. У қўлларидagi таёқ билан тартибсизларни жазолайди. Зардушт уни «улуғлардан улуғ» деб эҳтиром қилади. Чунки Сраҳоша назорати остидаги тоат-ибодат ойналари ва дуолар воситасида одамлар худога муножот қиладилар, ёвуз кучлар билан курашадилар.

12. *Нора-санҳа* — Олий Илоҳ Аҳура Мазданинг элчиси, гузал қиёфалар (чехралар) илоҳи.

13. 31-банд қайтарилди.

14. 32—34-бандлар қайтарилди.

15. Таржима мавҳум.

16. Тахтуллафз таржимаси «пушта», бироқ мулклар уртасидаги чегара, оралиқ маъносини ҳам англатиши мумкин.

17. Қуйида 24-банд такрорланади.

18. Голибият илоҳи мисолида Вартрагна назарда тутилаётган бўлиши мумкин, банднинг сунгги сатрларида эса, эҳтимол Илоҳ Аҳура Мазда элчиси Нора Санҳа назарда тутилгандир.

19. *Аша* — Эзгу Қисмат ва Эътиқод илоҳи (зардуштийликда Қисмат ва Эътиқод — Даона-Маздаёсна Митранинг сингиллари сифатида талқин қилинади).

20. *Митра араваси* — Бу аравани Аша бошқаради ва Эътиқод сари йўл очиб боради. «Жумла девлар, иблислар ва гуноҳкор каззоблар бари даҳшатда қолар» сатрларидаги «мавжуд девлар» мисолида идеал, ҳаёлотдаги, моддий оламда эмас, руҳий оламда мавжуд гайритабиий кучлар назарда тутилади. «Гуноҳкор каззоблар» — Варнада яшовчи гайри эътиқодли кишилар бўлиши мумкин «Арвасура қасидаси»га қаранг. Қуйида эса уша дев иблисларнинг сузалари келтирилади.

21. Вартрагнанинг «газобкор», «даргазаб қобон» қиёфасида намоён бўлиши «Вартрагна қасидаси» учун ҳам кос.

22. Марҳумлар руҳи устидан ҳукми Митра, Рашну ва Сраҳоша чиқаради. «Аҳура Мазда қасидаси»нинг 2-изоҳига қаранг.

23. *Биринчи қоҳин* — бу Ҳавннинг узи — илоҳий хизматчи. Ҳованда (угир) илк марта ҳавм усумлигининг шарбатини сирқитиб, ундан маросим ичимлигини тайёрлаган киши.

24. Бу уринда зардуштийлик маросимига тайёргарлик русуми баён қилинади. Маросимнинг асосий қисмларидан бири угирда ҳаома шарбатини сирқитиб, маросим ичимлигини тайёрлашдан иборатдир.

25. Илоҳ Митранинг қурол-аслаҳалари турличадир: гурзи, чуқмор, тўқмоқ ва ҳоказо. Ҳар эҳтимолга қура авестойи «вазра» сузи бу уринда тунждан ясалган (сарик маъдан — металл) жанг болтасидир. Археологик қазималар пайтида топилган шу каби аслаҳалар қадимги Шарқ халқларининг даҳшатли уруш қуроли булганлигини тасдиқлайди. Бу қуролларнинг «юз дамли», «юз тигли», «юз зарбли» каби сифатлашлар билан таърифланишининг эҳтимол муболага сифатида қабул қилиш лозим, чунончи, бир тиг — юз тиг, бир зарб — юз зарб.

26. Бундан сунг Митра дугатидаги дев ва иблисларни даҳшатга солувчи сузалар келади.



27. *Унг қанот* — ёки Жанубий. Митра қуёш ботганидан сунг Гербдан Шарққа томон парвоз қилади.

28. Матн мавҳум.

29. Олий Илоҳ Аҳура Мазданинг узи Зардуштга мурожаат қиломқда.

30. «*Уттиз зарба егани каби...*» — бу бандда зардуштийнинг покланиш маросими баён қилинади. Бирор ношоён юмушни қилиб қуйган зардуштий махсус қамчин билан уттиз марта саваланади.

31. «*Жумла соҳиблар ибодати*» — ёки Виспарид, таҳтуллафз таржимаси — «Барча ҳокимларнинг (рату — хужайин, ҳакам, сарвар, оқсоқол) ибодати». Ясналарни тундирувчи «Авесто» китобларидан бири. «Олқиш каломи» — Стаота-Йаоний, таҳтуллафз.



348

Үн туртинчи яшт Уруш ва Голибият илоҳи — Вартрагнага бағишланган. Вартрагна сузининг таҳтуллафз маъноси «химояни синдирувчи» ёки «химояни йиқувчи»дир. Унинг янада қадимийроқ шакли Шарқ афсонавий қаҳрамони — Баҳром номи билан боғлиқ. Шунинг учун у «Баҳром яшт» деб ҳам юритилди. Қасиданинг бошланиш сиақидидан қилган ибодатлари ва келтирган қурбонликлари эвазига Вартрагна берган мукофотлар ҳақида сўз боради. Қасиданинг бир неча банди сеҳрли Вараги қўшнинг муъжизакор парлари васфига бағишланган.

Қасида Вартрагнани улуғловчи банд билан якунланади.

1. Үн беш ёш зардуштийлик ойинига мувофиқ балоғат ешидир.

2. *Варагн* — бу йиртқич қўшни аниқлашининг имкони йўқ. Бироқ айрим авестошунослар унинг тимсолида бургут, қузғун, қирғий каби йиртқич қўшлар назарда тутилишини тахмин қиладилар. Варагн — бу эҳтимол (русча) «ворона»дир (қарга). Масалан, ҳинд-оврупо халқлари — германлар, скандинавларнинг афсоналарида лошлар билан озиқланувчи қўш — ворон (қарга) уруш ва ажал илоҳи Одини кузатиб юради. Баъзи ақидаларга кўра, бу қўшга қурбонлик ҳам келтирилмиш. Авестошунос С. Н. Соколовнинг фикри

«Олқиш ва таъзим каломи» — бу ясналарнинг қадимий ва асосий қисмларидан бири. Ҳар бир зардуштий бу дуоларни билиши зарурийдир. Готлар ҳам унинг таркибига киряди.

32. *Олқиш оромгоҳи ёки олқиш уйи* — жаннат аломатлари ва сифати.

33. Қасидага берилган изоҳларга (3-изоҳ) қаранг.

34. «*Тилло огизли пайкон*» — таҳтуллафз. «Тилло огизли». Эҳтимол бу ўқнинг нишонга қадалувчи — қонга буттовчи — пайконининг мажозий ифодасидир.

35. *Тиштар юлдузлари* — Тиштрия юлдузлар туркумининг ва алоҳида илоҳнинг номи. Бу илоҳга бағишланган алоҳида қасида бор (8-яшт, «Тиштар яшт»).

ВАРТРАГНА ҚАСИДАСИ ҲАҚИДА

га қура, рус тилидаги «ворон», Болтиқ ва Урол тилларидаги шунга ҳамоҳанг сузларнинг ҳам келиб чиқиши «варагн» булса керак, деб тахмин қилади.

3. 28-банд қайтарилди.

4. *Трайтаона* — аждаҳони мағлуб этган Шарқ афсонавий қаҳрамони. «Шоҳиома»да — Фаридун.

5. *Саона* — улуғвор афсонавий қўш — Семурғ.

6. *Новвос қалби* — авестойи Гуш-Урвон. Дуо билан улдирилган барча ҳайвонлар қалбини узиди мужассам этган ва фойдали жонлиқларни қўлайтиргувчи илоҳ.

7. *Хапараси* — тадқиқотчилар доимо яшнаб тургувчи дарактсимон бу усимликнинг арча эканига шубҳа қилмайдилар. Марказий Осиё халқларида бу усимлик Худонинг хушбўй тутатқиси сифатида маъруфдир. Намад — эҳтимол, яшил бутоқ, тоза шохчалар назарда тутилди. Зардуштийлар одатича, муқаддас оловга фақат тоза ва қуруқ ўтинлар олиб келинган. Гулханга қалашдан олдин ўтин обдон қуритилган. Зеро, гулханга ҳў ўтинни солиш, зардуштийлик этиқодига кўра, суви ҳақорат қилиш, демакдир. Зардуштий бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамийки яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир.

8. *Сигур тоши* — маълумки, бу ерда сўз қандайдир тумор, қузумчоқ ёки тилсим ҳақида бормоқда. Бироқ «сигур» сузининг асл маъноси маълум эмас.

АША ҚАСИДАСИ ҶАҶИДА

17-яшт саховатли тақдир ва бахт маъбуда-си Ашага багишланган. Қадимги юнон афсоналарида маъбуда Ашага ўхшаш қаҳрамонлар Тиха, Фортуна деб юритилади. Аша сўзи (этимологияси — Арти, мазмуни — эзгу амаллар учун берилган мукофот) Зардушт томонидан туқилган деган тахминлар бор. Зардушт ўзининг бир қатор шеърий ваъзларида — Готларда эзгу сўз, ўй, амал учун берилган мукофот туфайли Ашага қайта-қайта мурожаат қилади. Кейинчалик «саховатли», «меҳрибон», «олийжаноб» сифатлари Ашанинг доимий ҳамроҳи бўлди.

Қасида олийжаноб Аша тақдим қилган дунёвий эзгу амалларни таърифлашдан бошланади. Сунгроқда Ашанинг Сидийтмон уругидан бўлган пайгамбар Зардушт билан учрашгани баён қилинади. Ундан кейин Ашадан зафар ва омад утинган, бунга сазовор бўлган эронлик баҳодирлар таърифланади. Қасида меҳрибон Ашанинг жамий зурриятсиз эрлар ва хотинлардан шикоятли билан яқунланади.

1. Сунги икки сатр эҳтимол кейинги даврларда қўшилгандир. «Авесто»нинг баъзи бир манбаларида бу байт учрамайди. Илоҳа Аша Митранинг сингласи.

2. Биҳиштада хушрўй париларнинг тақводор зотларни кутиб интизорлик чекишлари қарийб барча динлар учун хосдир. Бу ҳол яна бир бор жаҳон динларининг муштарак бир гоёни (яъни Яратганни) турли шаклларида ифодалашини тасдиқлайди.

3. «Авесто» матнларида учрагувчи «кенгликларда учгувчи», «кенгликларда сузгувчи» иборалар Тиштар (Сириус) юлдузлар туркумига алоқадордир.

4. *Армайти-спанта* — Муқаддас Тақводорлик.

5. *Даона* — Ахура Маздага бўлган эътиқод. Митранинг сингласи.

6. *Ахуна Вора* — утган изоҳларда таъкидланганидек, зардуштийларнинг «Энг яхши Илоҳ каби...» сатри билан бошлангувчи улуг ва муқаддас дуоси. Моҳиятига қўра масиҳийларнинг «Отче наш» дуоси ва Куръони Каримнинг муқаддас «Фотиҳа» сурасига тенг келгувчи бу дуо зардуштий динининг машҳур матнларидан биридир.

7. *Аша Воҳишта* — зардуштийлик динининг моҳиятига қўра иккинчи уринда тургувчи муқаддас дуоси. Тахтуллафэ таржимаси «Олий Ҳақиқат». Дуо «Ҳақиқат олий шарофат...» сатри билан бошланади. Аша-Воҳишта Барҳат Авлиеларнинг бири ҳамдир.

8. *Сангҳавак ва Арнавак* — шоҳ-подачи, «Олтин аср»да Эрон ҳукмдори Йиманинг

сингиллари. Ёвуз Ажи Даҳоқа уларни угирлаб кетади. Баҳодир Трэтона уларни ҳалос қилади.

9. *Франҳрасян* — тур шоҳи. «Шоҳнома»да Турон шоҳи Афросиёб.

10. *Хусрав* — Қавийлар сулоласидан бўлган шоҳ. Қавай-Усаннинг невараси. Отаси Сиёваршанинг хуни учун душманлардан уч олади. «Шоҳнома»да каёнийлар сулоласидан бўлган Кайхусрав.

11. *Чайчаст* — жугрофий ўрни номаълум қул. Бу истилоҳ Тошкент (қадимги Чоч) жугрофий муҳити билан боғлиқ деган ақидалар ҳам мавжуд.

12. *Сиёваршан* — Қавай-Хусравнинг отаси. «Шоҳнома»да — Сиёвуш. Афросиёб томонидан уладирилган.

13. *Нарава (Нару)* — Аҳраарата мансуб бўлган эроний насаб.

14. *Аҳраарата* — нарава уругидан бўлган эрон сипоҳисы. Франҳрасян томонидан уладирилган.

15. *Аштаарванта* — Виштаспнинг рақиби, гайридин.

16. *Виспатарва* — Виштаспнинг рақиблирдан бирининг отаси.

17. Бундан кейин мавҳум сатр келтирилади, эҳтимол туялар яшайдиган ўрин-жой номидир. Бу ва кейинги бандларда зардуштийлик дини ва шоҳ Виштаспнинг душмани бўлган гайридинлар эсланади. Ҳияона — душман халқнинг номи. Эҳтимол, кейинчалик сосоний шоҳларга шарқдан ҳужум қилган «оқ хунлар»дир.

18. *Аражатаспа* — гайридин, шоҳ Виштаспнинг рақиби, эҳтимол, ҳияона халқининг бошлиқларидан биридир.

19. *Даршинина* — шоҳ Виштасп маглуб этган гайридин.

20. *Тантрияванта* — шоҳ Виштаспнинг рақиби, гайридин.

21. *Синжаурушна* — шоҳ Виштаспнинг рақиби, гайридин.

22. *Хумоя* — эҳтимол шоҳ Виштаспнинг қизидир.

23. *Варидана* — бу исмининг ўқилиши тахминий, мазмуни ноаён.

24. Матна «уруги қуриган эркак» ва «ҳайз (ой) кўрмас хотин» тарзида ифодаланган.

25. Бу уринда эҳтимол туронлар ва эронлар уртасида кечган навбатдаги ҳарбу зарб пайтида яширинган Ашани сотиб қўйган ёшларга ишора бордир.

26. Бундан сунг анъанавий-хотимавий дуолар келади.



Ун туққизинчи яшт анъанага мувофиқ «Замяд яшт» деб номланади ва гуё замин маъбуди — Замга бағишланган эмиш. Аммо, шуни қайд қилиш керакки, Заминда тоғларнинг пайдо булиши ифодаланган (тоғ номларининг катта қисмини изоҳлаш мумкин эмас) қасиданинг давомида сўз Хуварно — илоҳий моҳият ҳақида боради. Бу моҳиятга ноил булган киши бахт ва қудрат соҳиби бўлади. Хуварнога (кейинчалик Фарр) эгаллик қилганлар охири шоҳ бўладилар. Қасидада Хуварнога эргашган илоҳлар ва қаҳрамонлар мадҳ этилади. Эроний шоҳларнинг энг қадимги даврлар тарихи ифодаланган бу қасида кейинчалик миллий эпос — буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига асос бўлди. Шу боисдан мазкур қасида «Қисқа Шоҳнома» деб ҳам юритилади. Ярағувчи Ахура Mazdaдан кейин Хуварнога Парадата («Шоҳнома»да Пешдаидлар) шоҳлар сулоласи муассар бўлади. Кейинча зардуштий динининг душманлари зур бериб уни қулга киритмоқчи бўладилар. Воруҳаш денгизида илоҳ Апам Напат қўриқлагувчи қул етмас Хуқарно Қавай-Қаёний шоҳлар династиясига насиб қилади. Ун туққизинчи яшт Қаёнийлар қасидаси деб ҳам юритилади.

1. Қайд этилган тоғ номларининг қуйидагилари таржимага бўйсунди: Зардаза — «Ишқий...», Мануша — «Инсоний...», Ушида, Ушидарна — «Сабухий...», Эрзифия — «Бургут», Аразура — «Тик, тугри», Бумия — «Заминий», Раодита — «Малларанг, қизгиш», Мазишва — «Улугвор», Антар-Даҳю — «Мамлакат ичкараси», Эрзиша — «Тик, тугри». Ва тигайса — Тожин ва Мурғоб дарёлари орасида қад кўтарган Бадгис ёки Бадхиз вилоятига нисбат берилади.

2. Упарисаона тушунчаси абадий қорлар қоплаган Ҳиндуқуш тоғларини ифодалаш мумкин.

3. Бу уринда қайд қилинган тоғларнинг аксарияти шарҳ қилинмайди ёхуд уларнинг ҳаққоний маъноси маълум эмас. Таржимада ун туртта ном тушириб қолдирилган. Удалия — тахтуллафз эҳтимол «Суви» ёки «Сувсар» бўлиши мумкин. Раовант — «Нурли, ёруғ».

Бу Ҳамадон яқинидаги Алвонд тоғи билан боғлиқ ном.

4. Бошқача айтганда, қурбонлик нони диний маросимга бағишлаб ўтказилган йигин — жамоа аҳли. Бу маърака «дрон» деб юритилади ва тоғлар билан иҳота қилинган замин рамзини ифодалайди.

5. Урупи — тулиқ — Тахма-Урупи-Азинавант, тахтуллафз таржимаси, «Тулки терисини кийган баҳодир» ёки «Тери ёпинган баҳодир Тулки», «Шоҳнома»да Таҳмураас. Девларни жиловловчи, Ёвуз Рух (Аҳримаи)ни миниб юргувчи.

6. *Виваҳвант* — Йиманига отаси, Ҳаомани илк бор тайёрлаган кишилардан.

7. *Сарвара* — тахтуллафз «шоҳдор». Керсасп улдирган Илон-аждаҳонинг исми.

8. *Даштаяни* — гайридин, Керсасп унинг уғилларини улдирди.

9. *Патана* — Керсасп рақибларининг отаси.

10. *Нивика* — Керсасп рақибларининг отаси.

11. *Дану* — турлар қабиласининг номи. Эҳтимол, ана шу қабила соҳилида истиқомат қилган дарёнинг номи ҳам бўлиши мумкин (Дон, Сирдарё).

12. *Варашава* — дану қабиласидан булган тур сипоҳийси. Керсаспнинг душмани.

13. *Питаона* — гайридин, Керсаспнинг душмани.

14. *Арашошамана* — баҳодир сипоҳий, Керсасп томонидан улдирилади.

15. *Снавидка* — навқирон баҳодир, Керсасп улдирди.

16. *Спитура* — Йиманинг қатл этган отаси.

17. Ҳар бир омадсизликдан кейин Франҳрасян кўпдан-кўп ҳақорат сўзларини келтиради. Бу сўзларни таржима қилиб бўлмади.

18. Қайд қилинган дарёлар ва Канасава кули ҳам (ҳозирги Ҳомун) Сийистондадир.

19. Қавай унвонига эга булган ва қавайлар сулоласидан булган шоҳлар зикр этилади. Бу сулоланинг асосчиси Қавай-Қавата («Шоҳнома»да Қайқубод).



МАНСУР ЯШЛАР

1. *Етти кичик яшт* — «Авесто»нинг иккинчи яшти бўлиб, 15 банддан иборатдир ва етти тан Амшосипандлар шарафига куйланган.

2. *Савака* — паҳлавийда «суг». Бу шодлик, эъзоз ва илоҳий неъматни қуриқловчи илоҳанинг номи. Илоҳа яшларда ва «Вандидод»да «эзгу», «ашаван», «Мазда яратган» каби сифатлар билан қўлланилади.

«Бундаҳишн»да «Эзгу Суг» деб номланди ва Амшосипанд Шаҳриёварнинг ёр ва ҳамкорларидан. Уша китобнинг бошқа бир урнида Ойнинг йўлдоши дейилади. Чунончи, Ойга ҳамкор бўлган мийнуни Суг дейдилар. Абаргарлардан (олий мақоми аҳуравий илоҳлар) ҳосил бўлган барча яхшиликлар даставвал Сугга етиб келади. Суг уни Ойга етказди. Ой Ардвисурага; Ардвисура Шаҳриёварга; Шаҳриёвар оламга бахш айлайди.

3. *Гавригина* — паҳлавийда «гувгирина», маъноси — эҳтимол «сигир шоки». Асотирий дарахт бўлиб, уни «оқ ҳавм» ҳам дейдилар. «Бундаҳишн»нинг «эшичича, Фарог Карт даресининг ўртасида усармиш ва «чара» балиги уни Аҳриман ва аҳриманий ёвуз кучлардан асрар эмиш. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра «гавригина» ҳозирги тилимиздаги «кўхнор»нинг узидир.

«Бундаҳишн»нинг гувоҳлик беришича, илоҳ Ҳавм гавгиринида эмиш ва фарашкарда созлаш унинг ёрдамида амалга ошади. Шундай қилиб, Ҳадаиш сигири ва оқ ҳавмдан ануш номи мангулик хўроқи тайёрланади. Бу таомдан истеъмол қилган одамга абадий умр насиб этади. Худди шу китобда гавгирина дарахти «пари душмани», «тирилтиргувчи» (тириклик бахш этгувчи), «анушагар» (уликларни тириктирувчи) каби сифатлар билан таърифланади.

4. *Патйора* — «Авесто»да «пайтийора», паҳлавийда «патийорак». Зарар, шикаст, офат, ёмонлик, айб, душман, мухолиф, зид, ҳужум қилгувчи.

«Авесто» ва бошқа зардуштий адабиётларида бу ибора Аҳриман, девлар ва уларнинг малайлари сифати шаклида қўлланилади. Бу сифат Александр Македонскийга ҳам нисбат берилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonида «патйора» узининг асл маъносига қўлланилган. Умуман, Шарқ адабиётида бу сўз салбий хусусиятини сақлаб қолган. Ҳатто нуҳум илмида ҳам патйора — гуноҳ юдузидир.

5. *Тарумаятий* — гоҳларда «тармаятий». «Авесто»нинг бошқа булимларида «тарумаятий», паҳлавийда «тарумад». Маъноси фикр-

ни, андишани ҳеч нарса ёхуд арзимас деб билгувчи. Нонг ҳайсиҳ девининг сифати. Бу дев Амшосипандбону Сипандормазининг мухолифи бўлиб, гоҳ унинг номи, гоҳида сифати шаклида қўлланилади. «Бурҳони қотей» китобида бадкирдор деб изоҳланган «тараманшит» сўзи ҳам аслан авестойи тарумаятийдир.

6. *Пайримаятий* — ваҳм ва фикрсизлик деди ёки умуман, ваҳм, тагсиз хаёл, васваса.

7. *Хурдод яшт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг тўртинчиси. Бу қасида Амшосипандбону Хурдодга бағишланган бўлиб, ун бир банддан иборат.

8. *Ҳаший* — аҳриманий дев бўлиб Амшосипандлар, хусусан, илоҳа Хурдоднинг номи тилга олиниши баробарида бошқа девлар ҳатори нобуд бўлади. («Хурдод яшт», 2—3 бандлар).

9. *Баший* — дев. У «Авесто»да икки марта эсланади. («Хурдод яшт», 2—3 бандлар).

Авестошунос Пурдовудининг фикрига кўра, «баший» аслида касаллик номи. Баъзи қўлёзмаларда «гаший» тарзида ҳам қўлланилган.

10. *Саиний* — дев ёхуд касаллик. У фақат бир марта «Хурдод яшт»да (2-3 бандлар) учрайди.

11. *Бужий* — дев номи («Хурдод яшт» 2-банд). Авестошунос Пурдовудининг фикрига кўра, «бужий» аслида касалликдир.

12. *Ой яшт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг еттинчиси. У қисқа яшт бўлиб, олқиш ва дуолардан иборат етти банддан ташкил топган.

13. *Сигир уруги* — сигир «Авесто»да «гивуё», «гивуш». Барча чорполар, туяларнинг номи. Эҳтимол, уларнинг уруги, бунёди, асоси. Эмишки, уларнинг уруги (галла ва гиёҳлар уруги ҳам) ойда асраларкан «Вандидод»да уқиймиз (21-фаргарда, 9-банд). «Эй, сигир уругини ўзида асрагувчи Ой! Чиққил!..»

«Бундаҳишн»да уқиймиз: «Бешиччи жангни яккаю ягона яратилган сигир олиб борди. Улганидан сунг унинг тўкилган аъзоларидан гиёҳлар яради: элик беш нав галла, ун икки нав дармон гиёҳ ердан униб чиқди. Сигир уругида булган ёруғлик ва қураг оёга берилди. Ёруғлик Ой нурларига қўшилиб кетди...»

14. *Тийр яшт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг саккизинчиси. Тиштар юдузига бағишланган.

15. *Сатавийс* — «Авесто»да «сатаваиса», паҳлавийда «сатавис», «садийс». Маъноси их-



тилофли. «Юз хизматкор соҳиби» ёхуд «юз хо-на эгаси» каби. Илоҳ юдузининг номи бўлиб, Тиштар юдузининг ҳамкорларидан. Дарёлар унинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Юзув-уни Ноҳид юдузи унинг душмани.

16. *Вангуҳий* — «Авесто»да «яхши» сифа-тини англатади. Асотирий Доитё дарёсининг сифати. Гоҳида Вангуҳий Доитё урнига ёлғиз «Вангуҳий»нинг ўзи ишлатилади.

17. *Гивш* — «Авесто»да «гив», «гову», «говуш», «гивш». Паҳлавийда «гүш», фор-сийда — «гов». «Жаҳон», «олам», «борлиқ мажмуаси», шунингдек, барча чорполар, аҳил (хонахи) тевалар маъносини ифода этади. Бу истилоҳ айрим уринларда «гүшт», «сут» маъ-нolarини ҳам билдиради.

18. *Сув гавҳари* — ер юзидаги жамийки сувлар. Зардуштийлар эътиқодига қўра бу сув-лар юдузларда жойлашган. «Вандидод»да уқиймиз (21-фарғард, 13-банд): «Эй, сувлар гавҳарини ўзида асрагувчи юдузлар! Чиқин-гиз!»

«Дормустатар» ёзади: «Туфон илоҳи Тиштар ёмғир ёғдирач экан, юдуз жисмига сингади. Юдузлар ва ёмғир уртасида қандай-дир боғлиқлик бор, деб гумон қилинади...»

19. *Каита* — бакирадор ва қабих бир гу-руҳ. Бу хусусда бошқа маълумотга эга эмас-миз.

20. *Орш* — эронлик машҳур камончи. Ри-воятларга қўра, Манучеҳр шоҳ замонида Ал-бурз тоғи чуққисиди туриб, Амударё соҳили, Эрон ва Турон ҳудудидаги тоғ чуққисини ни-шонга олган эмиш.

«Тийр яшт»да («Тиштар қасидаси» 6-ва 37-бандлар). Орш тилга олинаркан, у отган ёй ўқи ёмғир илоҳи Тиштарнинг Фарог Карт дарёси томон шитоб билан боришига қиясла-нади. «Авесто»да унинг номи — «Ирихша», сифати — «хшу йўй ийшу», яъни, «қаттиқ ка-мон», «учқур ўқ соҳиби».

Абу Райҳон Беруний бу ҳақда ёзади: «Аф-росиеб Манучеҳр устидан галаба қозониб, Та-баристонда уни муҳосара қилгач, шундай қарорга келинади. Эрон ва Турон чегараси ой ўқи билан муайян қилинсин. Шуида фаришта Асфандормаз ҳозир бўлади ва фармон бериқ: «Камон ҳам, ўқ ҳам «Авесто»да таърифланган-ки каби танансин». (Бугунги «Авесто»да кам-ончи Орш, унинг қаҳрамонлиқ саргузаштла-ри хусусида деярли ҳеч нарса йўқ. Абу Райҳон Берунийнинг шаҳодати шуни тас-диқлайдики, унинг замонида «Авесто» бугун-гига нисбатан хийла мукамал бўлган).

Шундан сўнг, эл уртасида ўзининг обрў-иззати, ҳақимлиги ва диндорлиги билан

машҳур бўлган Оршни ўқ узиш учун чорлади-лар. Орш уст-бошини ечиб, яланғоч бўлди ва халойиққа юзланди:

— Эй, подшоҳ! Эй, одамлар! Мана, менинг танамга назар ташланглар. Унда на захм бор, на бирор жароҳат. Бироқ ўқ ўзганимдан ке-йин вужудим пора-пора бўлиб, сизлар учун фидо бўламан.

Орш сўзини яқунлаб, қўлига ёйни олди ва шу қадар шиддат билан ўқ уздики, жони танаси-дан жудо бўлди. Худованд бод (шамол)га амр қилди. Ўқ шамолнинг мадади билан Рўйон тоғидан Шарққа — Фарғонага томон шитоб эт-ди. У ерда Гардконий номли дунёда энг улкан дарахт бўларди. Ўқ ана шу дарахт танасига сан-чилди. Эмишки ўқ узилган ердан қадалган ман-зилга қаар бўлган масофа олт минг фарсанга тенг келармиш. «Тарихи Табарий», «Наврўзо-ма», «Равзатус сафо» каби манбаларда бу ри-воят бир оз ўзгарган ҳолда нақд қилинади.

21. *Арий Хшуса* — тирандоз Орш худди шу тоғ чуққисидан туриб, Эрон ва Турон чегараси-га томон ўқ узди. Бугун бу тоғнинг жўгрофий урнини аниқлаш хийла душвор. Абу Райҳон Беруний Арий Хшуса Табаристондаги Рўйон тоғи деса, Мирхонда Дамованд тоғини тирандоз Орш ўқ узган тоққа нисбат беради.

22. *Хунвант* — тирандоз Оршнинг камони-дан учган ўқ етиб борган тоғ — Эрон ва Ту-рон чегараси. Абу Райҳон Беруний ва бошқа муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Хунвант тоғи Амударё (Жайҳун) соҳилида ёхуд Фарғона музофотидадир.

23. *Тийштр-ийний* — ушбу истилоҳ «Авесто»да икки марта тилга олинади. («Тийр яшт», 12-банд ва 8-банддаги алқов). Ушбунинг маъноси хусусида авестошунос Пураовуд ёзади: «Тиштар юдузи атрофидаги бир туркум юдузлар. Қўлаб шарқшунослар бу туркумини Тиштар юдузининг ҳамкорлари-дан деб ҳисоблаганлар».

24. *Парвин* — «Авесто»да «павоиря й-ний», паҳлавийда — «парвиз», форсийда «парвийн», «паран», «парвин» ёхуд «парвин туркуми». Арабийда «сурайе» ёки «сурайе ақди». Юдузшунослик илмида — ойнинг унчи хонаси; Савр буржидаги тўрт юдуз мажмуи. Икки кичик юдузни ҳам ушбу ном билан атайдилар.

«Авесто»да Парвин бошқа юдузлар қато-ри шарафланади.

25. *Ҳафтуринг* — «Авесто»да — «ҳапту иринг». Паҳлавийда — «ҳафтуринг». Маъно-си — етти аломати бор. Етти юдуз туркуми. Ўзбек тилида «Етти оғайни» ёхуд «Етти қароқчи» юдузлар туркуми.



Паҳлавий адабиетида апохтарнинг бадкорлиги Ҳафтурангга нисбатан гоят аъвсиздир. Хурмаза номи юзгучи юдуз унинг душмани. Айримлар Ҳафтуранг «Дубби Акбар»нинг фалакадаги куриниши булмай, балки осмоннинг шимолий қутбдаги учинчи дурахшон юдуз, деб ҳисоблайдилар.

«Авесто»да айтилишича, ашаванларнинг 9999 забардаст фравашийси Ҳафтурангни қуриқлашга сафарбар этилган.

«Кичик Мийну»да уқиймиз (49-бўлим):

«Ҳафтуранг» 9999 нафар мард ашаванлар фравашийлари ва яхшилар билан биргаликда дузах дарвозалари ва бошқа бир қатор йулларни кузатиб турадилар, токи, собит юдузлар ва осмон илоҳлари девлар, пари ва жодулардан зиён кўрмасинлар».

26. Вананд — «Авесто»да «ванант». Маъноси — голиб, шикаст бергучи. Мазкур юдуз «Авесто»нинг кўп уринларида «Мазда яратган» ибораси билан тавсиф қилинган.

«Бундаҳшн»нинг далолат беришича, Вананд осмон жисмларидан булиб, юзгучи юдуз баҳром унинг душмани. «Кичик Мийну»да келишича, Вананд юдузи Албурз тоғи қопқалари ва утар жойларини қуриқлашга сафарбар этилган.

«Вананд яшт»нинг мазмунидан шу нарса англашиладикки, бу юдуз хрэфстраларнинг зиендан одамларни ва бошқа мавжудотни асрайди. Олқишловчилар ундан ана шу зараркундалардан паноҳ истаб, унга ибодат ва назр-ниёзлар келтирадилар.

27. Апаша — паҳлавийда — «апуш». Маъноси — ёшгучи ёхуд сувни йўқотгучи, сувни қуритгучи. Қурғоқчилик, ёмгирсизлик деви; Тиштар юдузининг душмани. «Тийр яшт»да (21, 27-бандлар) даҳшатли қора от жисмига кириб, Тиштарнинг қаршисига пайдо бўлади. Дастлабки туқнашувда Тиштар Апашадан мағлуб бўлади. Борлиқни қурғоқчилик қоплайди. Иккинчи жангда Тиштар Апашани қаттиқ мағлуб айлайди. Ер юзиде ёгингарчилик, се-робчилик ва ободончилик қарор топди.

28. Гар-гарий — исон ва ҳайвоннинг тери касаликларидан. «Тийр яшт» ва «Вандидод»да ушбу касалик хусусида сўз боради.

29. Кабаст — «Авесто»да «капастий». Бир турли офат бўлиб, агар халойиқ Тиштар юдузи шаънига муносиб тарзда олқиш ва ибодатлар келтирсалар, улар яшаган манзилларга ушбу офат йўл тополмайди.

Бу истилоҳ бошқа бир қатор лугатларда «ханзал», «Абужаҳл ҳиндувоноси» тарзида қўлланилиб, таъми ва меваси жуда аччиқдир. Бу гиёҳ доривор сифатида ҳам фойдаланила-

ди. Ёхуд жамийки заҳарли гиёҳларнинг умумий номини англатади.

Бошқа бир қатор манбаларда «кабаст» — «заҳар» ёхуд «заҳарли гиёҳ» тарзида таржима қилинган. «Вандидод»да покляниш дуоларида уқиймиз: «Мен кабастни узоқлаштирман...» Хулоса қилиш мумкинки, «кабаст» «заҳар» ёхуд умуман, бултовчи унсурдир.

30. Гивш яшт — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг туққизинчиси. Бу яшт (қасида) чорлодар ва туяларни асрагучи илоҳга (Гивш, Гивш Ташан ёхуд Дравоспа) олқишлардан иборат. У «Дравоспа қасидаси» деб ҳам юритилди. «Гивш (Дравоспа) яшт» етти бўлим, 33 банддан ташкил топган.

31. Ҳушанг Пешдодий — «Авесто»да «Ҳашянгоҳ». Маъноси — яхши уйлар қурувчи. Сифати — паразота. Маъноси — илк қонунчи ёхуд биринчи ҳакам. Эронлик ҳукмдорлардан бири булиб, «Шоҳнома» ва Исломдан бурунги манбаларда «Пешдодий» ёхуд «Пешдодийлар оиласидан» деб юритилган.

32. Ҳутусо — «Авесто»да «Ҳутусо». Навзар хонадонидан. Паҳлавийда «Ҳутус». Гуштаспнинг замонадоши. «Шоҳнома»да бу ҳақда деярли ҳеч қандай маълумот йўқ. Аммо паҳлавий манбаларда Гуштасп тилидан уқиймиз: «Ҳутас менга сингил ва хотиндир. Ундан угил, қиз булиб уч фарзанд дунёга келди...»

33. Вийспа Сурвуаштий — Гаршасп рақибларидан бири Ашта Авравантининг отаси. («Гивш яшт» 30-банд).

34. Ашта Авравант — Гуштаспнинг ашадий рақибиди. Сузнинг маъноси — учқур шакиз от эгаси. Бу шахс эҳтимол маздапарастлик динининг душмани, девлар ҳомийси ёхуд девпараст бўлса? У ҳақда «Гивш (Дравоспа) яшт»да уқиймиз:

«Узи ҳам бурро, ҳуроли ҳам бурро, азим гарданли, етти юзта туя соҳиби...» (30-банд).

35. Зайнёвара Хуйзоҳа — қандайдир манзилнинг номи. Бу ерда Гуштасп ўз рақибларини мағлуб этади.

36. Аржасп Хаюн — «Авесто»да «Арижат Аспа». Маъноси — қиммат от эгаси. Девпараст шоҳ булиб, Хаюн (Хаюн) қабилисидан. Зардушт ва унинг дини ҳомийларининг душмани. Унинг Гуштасп қўшинлари билан муҳорабалари бир қатор паҳлавий манбаларда, шунингдек, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида батафсил баён қилинган.

Аржасп Гуштаспнинг угли Асфандиёр томонидан уадирилади.

37. Даршиника — хиёнаткорона, номардларча ҳамла қилгучи киши. Гуштасп мухолифларидан бўлган девпараст.



38. *Тасривант* — маъноси — қора ниятли. Гуштасп мухолифларидан бири бўлиб, сифати «дуж дин» (динсиз). Оқибат Гуштасп томонидан уладиради.

39. *Спийнжа Урушка* — Гуштасп мухолифларидан булган девпараст. Паҳлавийда — «Спийнажруш».

40. *Хумой* — «Авесто»да «Хумё», «Хумоё», «Хумоя». Паҳлавийда «Хумон». Маъноси — ҳумоюн, қутлуг, бахтли. Гуштаспнинг икки қизидан бири. Эрон ва Турон ҳарбларида туронликлар томонидан асирга олинади. Асфандиёр сингиллари Хумой ва Варийзакаи асирликдан озод қилади. («Шоҳнома»да Варийзака — Беҳофарид).

41. *Варийзака* — Гуштаспнинг қизи. У сингиси Хумой билан Турон сипоҳиларига асир тушади. Асфандиёр уларни тутқуилликдан озод қилади.

42. *Суруш яшт ҳодухт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг ун биринчиси. Яшт 5 бўлим, 23 банддан иборат.

43. *Ҳодухт-ҳодухт наск* — қуҳна «Авесто»нинг йўқолиб кетган йигирманчи наски (китоби). «Суруш яшт ҳодухт» ушбу наскдан бир парча дейишади.

44. *Яшт* — «Авесто»да «яштий». Ясна билан маънодош бўлиб, «мақтов», «қутлов», «алқов», «эъзоз» каби маъноларни англатади. Ибодат қилгувчи, алқовчи ёхуд олқишловчи маъноларни англатувчи «яштар» сузининг ўзати ҳам яштар. Форсий тилидаги «жашн» (байрам, анжуман) сузининг бунёди ҳам яшт.

Ясна ва яшт уртасидаги тафовут шундаки, ясналарда алқов ва ибодатлар ом, яъни умумий бўлиб, яшлардаги олқишлар хос, яъни ҳар бир ҳодисага алоҳида-алоҳида багишловлардан иборатдир. Чунончи, йигирма бир яшт алоҳида Амшосипандалар ва илоҳларга багишланган.

45. *Рашн яшт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштидан ун иккинчиси. Ушбу яшт 38 банддан иборат бўлиб, илоҳ Рашн шаънига багишлангандир.

46. *Вар* — «Авесто»да «варангха». Ўзати — вар. «Тандамоқ», «иноимоқ» маъноларини билдиради. Дурустни нодурустан, тугри амалини нотугри амалдан ажратувчи диний маросимлардан. «Динкард»нинг саккизинчи китобида ёзилишича, қадимий «Авесто»нинг ун саккизинчи наски («Схотум наск») турли хилдаги варлар хусусида экан.

Бугунги «Авесто»да «вар» ғлизи «Рашн яшт» (3—6-бандлар) ва «Хурда Авесто»да («Гаҳанбор хилқати», 9-банд) дуч келади ва бошқа уринда сира учрамайди.

Диний паҳлавий матиларнинг гувоҳлик беришича, турли варларнинг саногии 33 тага етар экан. Бошқа бир манбада келишича, Яснадан 6 банд (36-ҳот) «Иссиқ вар»нинг олти хил тури ҳақида экан. «Хурда Авесто»да ҳам («Гаҳанбор хилқати», 9-банд) «Гариму варангха» («иссиқ вар») хусусида суз юртилади. У «совуқ вар» қаршисидан урин олган. «Динкард» китобининг шаҳодат беришича, қадимда бир неча хил варлар мавжуд булган, чунончи, «гарумак вар» (иссиқ вар), «барсамак вар» (барсам иштирокидаги вар) ёхуд «паурухурон» ва ҳоказо. Сунгги маросимда гурё икки даъвогар томон заҳар тановула қилади, ҳақ томон, гурё бу синовдан сиҳат-саломат чиқар эмиш. Бу одат ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор.

«Қиздирилган темир» ёхуд «эритилган кўргошин» каби одатлар ҳам варларга мансуб синов ҳисобланган. Жуда кўплаб паҳлавий манбаларнинг гувоҳлик беришича («Динкард», «Ардовирафнома» ва ҳоказо) мубдалар мубдади Под Меҳросипанд Озар «Авесто» китоби, маздапарастлар динининг ҳақлигини исботлаш мақсадида куксига эритилган кўргошин қуйишларига ижозат беради.

Қачонки унинг кукрагига эритилган кўргошинни қуйишади, ҳеч қандай асорат сезилмайди.

«Қасасиома» китобининг ёзишчи, («Ривоят» китобидан, Бомбай, 1922) Под Меҳросипанд Озарнинг куксига туққиз ман қайнаган кўргошин қуядилар. Бу синовнинг номи «вари найранг».

«Шойист ношойист» китобида ривоят қилинишича (15-булим, 15—17-бандлар), эритилган кўргошин синов шундайки, унда қайнатилган кўргошин суви кукрак устига қуйилади. Кукрак қуймайди. Под Меҳросипанд Озар шундай яшадики, унинг куксига кўргошин қуйгаиларида у соғилган сутнинг таъсирини ҳис қилди. Бироқ қиздирилган кўргошиндан гуноҳдор куксига томизилган эди, унинг танаси қуйиб, ўзи ҳалок бўлди.

«Ендирилган олов» синови ҳам варлардан бўлиб, «Шоҳнома» достонида пок Сиёвушнинг икки хирмон олов уртасидан бешикаст утиб кетиши айнан ана шу маросимдан гувоҳлик беради.

«Рашн яшт»да (3—6-бандлар) айрим варларнинг номи зикр этилади: «олов вари», «барсам вари», «лиммо-лим кафт вари», «мой вари», «ғиёҳ шираси вари». Бироқ бу варларнинг аниқ мазмунини билиш бирмунча мушкул. Авестошунос Иброҳим Пурдовунинг айтишича, «мой вари» эҳтимол доғ қилинган



мойнинг бирор андомга қўйилишидир. «Гиеҳ шираси вари» эса эҳтимол икки мударраийга захар ичириш маросимида яш.

Юқорида эслатилган яшт бандларида илоҳ Ақура Мазда Зардуштга шундай таъкидлайди: одамлар шу қадар пок, тўғри ва беғуноҳ бўлмақлари лозимки, синовлар чоғи титроққа тушмасинлар, пойдорлик курсатсинлар.

47. *Аризахий* — етти иқлимнинг бири. Бу манзил гўё дунёнинг шарқий қисмида эмиш.

48. *Савахий* — етти иқлимдан бири. Ер куррасининг гарбида жойлашган.

49. *Фрада Дафшу* — етти иқлимдан бири. Дунёнинг жанубий-шарқий улкаларидан.

50. *Ваيدا Зафшу* — етти иқлимдан бири. Дунёнинг жанубий-гарбий қисмидаги улкаларидан.

51. *Вуавру Баристий* — дунёнинг шимолий гарбида жойлашган улка. Етти иқлимнинг бири.

52. *Вуавру Чаристий* — дунёнинг шимолий-шарқда жойлашган улка. Етти иқлимнинг бири.

53. *Хунярса* — етти иқлимнинг энг улуғ улкаларидан бири. Айтишларича, Хуросон шу улка ҳудудида эмиш.

54. *Фарвардин* — жами «фарвард». Эски форс тилида «фарвартий», жами «фарвартин». Узаги авестойи «фраваший». Ойнинг ун тўққизинчи куни. Шамсий йилнинг биринчи ойи (21 март — 20 апрелга тўғри келади). «Авесто»нинг ун учинчи яшти шу ном билан аталади. (Изоҳнинг «фраваший» бўлимига қараган — тарж).

55. *Фарвардин яшт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг ун учинчиси бўлиб, 31 бўлим, 158 банддан иборат. Қасидада барча мард ва аёл ашаванлар, Каюмартдан (илк одам) то Сушентга қадар (сўнгги маздапараст) булган порсо зотларнинг фравашийлари улуғланади.

56. *Анграмийну-Аҳриман* — «Авесто»да «Ангар Майню». Форс ва турк тилларида — «Аҳриман» — душман, ёвузлик олами. Қадимги Шарқ халқлари қарашларига мувофиқ икки асл хилқатнинг бири; Спинта Майню (Сипандамийну)га мухолиф қудрат. Аҳриман ҳамма давру замоилар адабиёт ва фалсафасида ёвузлик тимсоли бўлиб келган.

«Янги Авесто» ва маздапарастлар диний адабиётида Аҳриман барча девларнинг саркарда ва солоридир.

Гоҳларда унинг номи бир марта эсланади, бироқ «Янги Авесто»да қайта-қайта тилга олинади. У дунёдаги жамийки нопокиклар, разиликлар ва зулм ситамнинг мойси. Аҳриман охир-оқибат эзгулик кучлари билан муҳорабада шикаст топади.

«Вандидод»нинг езишича, Аҳриманнинг макони апохтар (шимол) ва дўзахдадир.

Асотирларнинг гувоҳлик беришича, Спинта Майню ва Ангра Майню (Хурмузд ва Аҳриман) уртасидаги муҳораба 12 минг йил давом этади. Ун икки минг йилликнинг сўнгги икки минг йили учлик эзгу Сушентларнинг пайдо бўлиш замонидир.

Ун икки минг йиллик сўнггида Аҳриман буткул мағлуб бўлади ва Ашаҳ — Ҳақиқат замони ибтидо топади. Кейинги ун икки минг йиллик «поёни бор замон», деб юритилади. Бу «зарвон» — азалий ва абадий замоннинг ҳақиқатда мавжудлигини тасдиқлайди.

57. *Хштовий* — Хштова хонадонига мансуб. «Фарвардин яшт»да (37-банд) бу истилоҳга «қурқмас» сифати илова қилинган. Хштовийлар туронлик Дону I га қарши курашадилар.

58. *Дону* — Турон қабилаларидаи.

59. *Каршназ* — эронлик хонадонлардан бири. «Фарвардин яшт»да келишича, улар ашаванлар фравашийлари кумагида қудрат касб этадилар.

60. *Мадюмоҳ Сипийтмон* — «Авесто»да «Мадюйи Мовнгах». Паҳлавий тилида «Матюмоҳ». Маъноси — ой уртасида тугилган. Маздапарастлар адабиётларининг хабар беришича, Зардуштнинг амакиваччаси бўлиб, унинг динини биринчилар қаторида қабул қилган. Мадюмоҳ Орастий угли Сипийтмон хонадонидан.

Зардушт гоҳларда Мадюмоҳ Сипийтмонни узининг энг буюк ёрлари қаторида тилга олади.

«Фарвардин яшт»да (95-банд) фравашийлар шаъни улуғлангач, маздапарастлар динини биринчи бўлиб қабул қилган Мадюмоҳ Орастий углининг номи зикр этилади.

«Бундахшн» ёзади (32-бўлим, 3-банд): «Зардушт Ийрон Вижга дин олиб келгач, Мадюмоҳ уни қабул қилди».

«Зодсипарам»нинг хабар беришича, Зардушт пайгамбарлигининг дастлабки ун йили давомида биргина издоши бор эди. У Мадюмоҳ. Орадан яна икки йил ўтгач Гуштасп Зардушт динига кирди.

«Динкард» китобида ҳам (24-бўлим, 19-банд) Мадюмоҳ Зардушт динини эътироф этган ва қабул қилган зотларнинг аввалги сафида зикр қилинган.

61. *Ийрон* — «Авесто»да «Айряна». Маъноси — айрлар замини.

«Авесто»да («Фарвардин яшт», 133—134-бандлар) Ийрон (Эрон) сарзаминларининг эр ва аёллари фравашийлари Турон ва Сайряма каби сарзаминлар эр ва аёлларининг фравашийлари билан бир қаторда олқиланади.



«Шоҳнома»да (Фаридун салтанати дostonи) уқиймизки, Фаридун Ийрон, Турон ва Рум сарзаминлари ҳукмронлигини уч угли — Ийраж, Тур ва Салмга тақсимаб беради.

Ийраж — «Авесто»да «Айрѳва». Манучеҳр хонадонининг номи. «Фарвардин яшт»да (131-банд) Айрѳва хонадонидан Манучеҳрнинг фравашйиси олқишланади. «Шоҳнома»да Ийраж Фаридуннинг угли. У уз биродарлари Тур ва Салм томонидан улдирилади. Ийражнинг набираси Манучеҳр икки қотил биродарга қарши жанг қилади ва иккисини ҳам нобуд айлайди.

62. Тур, Турон — «Авесто»да «Тура». Маъноси — қурқмас, баҳодир. Амударе (Жайхун) дарсининг шимолий қисмидаги сарзаминлар. «Авесто»да «туйря» деб аталган турлар шу сарзаминларнинг аҳолиси қисобланган. Эҳтимол, турлар ва ийрлар (бугунги муомалада туронлик ва эронлик) уртасида қардошлик, қондошлик муносабатлар бирмунча мураккабликларга эга. «Авесто» китобида бир қанча Турон ҳукмдорлари — Афросиёб, Агрирас, Гарсиюз, Виса хонадони углонлари — Ювойишт, Аржоспа ва бошқалар; қабил ва хонадонлар — Дону, Хюн, Фрѳн, Виса шунингдек, жойлар, тоғлар ва дарёлар — Хшасрусук, Киат тоғи, Хвонунт тоғи ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар бор.

«Авесто»да айря, туйря ва сайряма (эронлик, туронлик ва салмалик) қавмлар ҳақида сўз боради. «Шоҳнома»нинг гувоҳлик беришича, Ийраж, Тур ва Салм — Фаридуннинг угиллари. Фаридун уз қули остидаги улкаларни угилларига тақсимаб берди. Бу улкалар уларнинг номи билан атала бошлади. Ийрлар ва турлар уртасида минг йилликларга қузилган қонли курашлар эҳтимол янги тарихдан бурунги гоят қадимий замонларда ана шу қавмларнинг узаро келишмовчилиги боисидан содир булгандир.

«Авесто»да бир қатор Тур ҳукмдорлари, чунончи, Агрирас, Вайвойишт ва бошқалар катта муҳаббат билан эъзозланади. Ҳатто Агрирас маздапарастлар динидаги барҳайт зотлар сафида тилга олинади.

63. Сайряма — гоят қадимий юрт ва қавмнинг номи булиб, кейинчалик Фаридуннинг уч угилларидан бири Салм (Сарм)нинг номи ана шу сўздан олинган. Сосонийлар ва Ислom дaври адабиётларида кичик Осие ва Сурия шу ном билан аталган.

«Шоҳнома»да Салм Фаридуннинг уч углидан бири булиб, Рум улкасининг ҳукмдоридир.

64. Соиний — улка номи булиб, «Фарвардин яшт»да (144-банд) у ерда истиқомат қилувчи ашаван эр ва аёллар фравашйилари олқишланади. Авестошунос Пурдовуднинг фикрига қура, Соиний мамлакатини аниқлашнинг мутлақо имкони йўқ. Бироқ, шунга қара-

май Соиний мамлакатини Чин (Хитой) дегуви-чилар ҳам бор.

65. Доҳий — ривоятларга қура, Сирдаре соҳиллари кенгликларидаги улка.

66. Ром яшт — Йигирма бир яшдан иборат «Авесто»нинг ун бешинчиси. Бу яшт илоҳ Ром (Биҳвай, Андарвай, Ваю)га бағишланган булиб, 11 бўлим 57 банддан иборат.

67. Зийнована Таҳмурис — «Авесто»да «Тахму Урупа». Ер шарининг етти иқлимига ҳукмдорлик қилган шоҳ. Девлар, дурванд одамлар, жодугарлар ва парилар, қавай ва қараларни мағлуб этиб, Аҳриманни бир от жисмига киритди ва уч йил бу отни миниб ер юзини айланди.

«Авесто»да Таҳмурис номи «зийнована» сифати билан қўлланилган. Бунинг маъноси «қуролланган», «мусаллаҳ».

«Шоҳнома» ва бошқа манбаларда Таҳмурис «дебанд», яъни девларни боғлаувчи, девларга банд солгувчи таъбири билан сифатланади. Бу Таҳмуриснинг жамийки аҳриманий кучлар устидан голиблигини билдиради.

Таҳмурис пешаодийлар сулоласининг ҳушангдан кейинги иккинчи намоянаси. Бу тартибни «Авесто»да ҳам кузатиш мумкин («Ром яшт», 11-13-бандлар). Таҳмурис Ҳушангдан сунг илоҳ Ваю (Андарвай)ни олқишлайди ва ундан комблек, куч-қудрат ва омад истайди.

Паҳлавий тилида «Таҳмурис» сузи «Тахмураб» шаклида қўлланилган. Ривоятларга қура, Таҳмурис сурункасига уч йил Аҳриманни от жисмига солиб миниб юрди. Ниҳоят Аҳриман ҳийла-найранг билан унинг хотинини йўлдан урди ва Таҳмуриснинг ожиз томонларини билиб олди. Албуэр тоғида бир тангликдан ўтар чоғда Таҳмурисни ерга уриб, ютиб юборди. Жамшид уни Аҳриманнинг қорнидан тортиб олди.

68. Квиринта — макон номи булиб, у ерда Ажидаҳоқ илоҳ Андарвайни олқишлайди ва ундан инсониятни батамом нест-нобуд этишида мадад беришини утинади («Ром яшт», 19-банд). Бу макон «қаттиҳ йўли» дея таърифланади.

Авестошунос Иброҳим Пурдовуднинг фикрига қура, Бобил ва Эрон оралигидаги бугунги Киринд тоғи авестойи Квинтадир. Бу ерга Ажидаҳоқа манзил қурган. Ушбу тоғ «Бундаҳиш»да «Аспруч», «Шоҳнома»да эса, «Аспрүз» шаклида қўлланилган.

69. Кавза — Ранга дарёсидаги шаршара. Бу шаршара наздида Гаршасп илоҳ Андарвайни олқишлайди ва ундан имод истайди.

70. Ашти Гафя — Гаршаспнинг рақибларидан бири. У Гаршасп томонидан улдирилади («Ром яшт», 7-бўлим, 27-28-бандлар).

71. Аяву Гафя — Гаршаспнинг қудратли рақибларидан.



72. *Заррин пошнаи Гандарива* — аҳриманий кучлардан бири булиб, «Обон яшт»да (37-банд) ҳикоя қилинишича, Гаршасп уни Фарог Карт дарёси соҳилида оёғидан тутиб олади ва нобуд қилади.

73. *Аврвасора* — Кайхусрав мағлуб этган лашкарбоши. («Ром яшт», 31-33-бандлар).

74. *Дин яшт* — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг ун олтинчиси. Бу қасида илоҳа Чистага ҳамд ва алқовлардан ташкил топган. «Дин яшт» етти булим, йигирма банддан иборат.

75. *Кара* — ҳайратли асотирий балиқ булиб, Фарог Карт дарёсида яшайди ва кавирна (оқ ҳавм) дарахтини Аҳриманнинг зараридан сақлайди.

«Бундаҳишн»да ривоят қилинишича, (18-булим) қурбақа Аҳриман яратган энг қабиҳ махлуқ. У Фарог Карт дарёсидаги оқ ҳавм дарахти атрофида айланиб юради ва уни чайнамоқчи бўлади. Кара балиги дарахтни қурбақадан ҳимоя қилади.

Кара балигининг қуриш қобилияти «Авесто»да мисол тарзида келтирилади. Зардушт илоҳа Чистани олқишлайди ва ундан Рангга дарёси тубларидagi соч толасидек нозик мавжларни ҳам минг одам бўйи баландиқдан

қура олгувчи Кара балиги қўзларидаги қудратни сурайди. (Дин яшт, 7-банд).

Жексоннинг «Сафарнома» китобида келишича, Тифлисдаги табиат музейида сақланган «Авесто»нинг энг қисқа яшларидан булиб, 9 банддан иборат.

76. *Аштод яшт* — «Авесто»нинг ун саккизинчи яшти. Илоҳа Аштод (Арштод)га бағишланган. «Авесто»нинг энг қисқа яшларидан булиб, 9 банддан иборат.

77. *Ҳавм яшт* — «Авесто»нинг йигирманчи яшти. Икки банддан иборат.

78. *Вананд яшт* — «Авесто»нинг энг сунгги ва энг қисқа яшларидан. У Вананд юдузига бағишланган.

79. *Ҳодухт наск* — қўҳна «Авесто»нинг йигирманчи наски ҳам деганлар. Айрим авестошунослар «Ҳодухт наск»ни йигирма иккинчи яшт деб атаганлар.

80. *Заримая* — лаззатли, кушбуй, гоят ёқимли мой булиб, биҳишт неъматини ҳисобланади. Заримая парҳезкорлар ва ашаванларнинг руҳи биҳиштга дохил бўлганидан сунг, уларга берилади.

Бу сифат «зарима» — баҳор маъносини билдиради.



ВИСПИРАД

Виспирад — «Авесто»да «Виспратув», маъноси — жамийки радлар мадҳи, «Янги Авесто»нинг бир қисми булиб, 24 булимдан иборат.

1. *Ҳадаюш* — асотирий сигир булиб, уни назорат қилиш Агрираснинг (Гувпат шоҳ) зиммасидадир. Ун иккинчи минг йиллик сунггида Сушент бу сигирни бугизлайди. Унинг қарвасидан ва оқ ҳавмдан (гавгирина) «ануш» деб

номланган таом тайёрлайди. Эмишки, бу таомни тановул қилганлар абадий ҳаёт кечирамишлар.

2. *Вайсуша* — «гуноҳни намоён этгувчи» маъносини билдиради. Завр сувига нисбатан қўлланилувчи сифат. Авестошунос Иброҳим Пурдовуднинг фикрига қура, эҳтимол бу ибора вар маросимида ишлатиладиган завр сувининг номи ёҳуд сифати.

«КИЧИК АВЕСТО»

1. «Кичик Авесто» ёҳуд «Хурда Авесто» бугунги «Авесто»нинг булимларидан бири. «Кичик Авесто» асосан, зардуштийларнинг кундузги тоат-ибодатлари, дуо ва алқовларидан ташкил топган.

2. *Суруш бож* — ҳар кун бомдо маҳали, уйқудан тургач ўқиладиган машҳур маздапарастлик дуоларидан. Уни «қўл ювиш дуоси» ҳам дейдилар.

«Суруш бож» тун қоронгулиги чекиниб, тонг ёриша бошлагач, бутун кеча давомида жаҳонни қўриқлаб турган илоҳ Суруш шаънига ўқилгувчи дуо. Зардуштийларнинг барча ма-

росимлари, хусусан, марҳумларни хотирлаш маросими «Суруш бож» дуоси билан бошланади.

«Суруш бож» 5 банддан иборат булиб, кичик қисмига икки позанд ҳам киритилган. Бу машҳур дуо «Хурда Авесто» («Кичик Авесто»)нинг таркибида.

3. *Свош* — тез, элчи, чаққон маъносидан. «Авесто»да сой, ҳаво, замин ва осмон уртасидаги фазо тушунчаларини ифода этади. Свош сой ва фазо илоҳининг номи булиб, кўп уринларда «абадий» сифати билан қўлланилади.

«АВЕСТО» ҲАҚИДА

Қадимги тарихимиз, бобокалонларимиз яшаган юртада кечган ижтимоий маданий ҳаёт, одамлар турмуш тарзи ва дунёқараш, маънавий жараён тамойиллари ҳақида мустақилликка эришгунга қадар жуда кўп тахминий, сохта ва гайриилмий гаплар айтилар, фақат археологларнинг оз бўлса-да инкор этиб бўлмас даражадаги тарихий, хотирамизга янгилик киритувчи топилмаларигина кўнгилга таскин бериб, утмиш даврларнинг қоронгу саҳифаларини ерита бошлаган эди.

Мустақиллик туфайли юртимизда қадим-қадим замонларда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётни атрофича таҳлил ва тадқиқ этиш имконияти вужудга келди.

«Энг муътабар, қадимги қўлеъзамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти, — деди Президентимиз Ислоҳ Каримов, тарихчи олимлар билан учрашувда. — Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дараё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодаларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

Президентимиз ўзбек халқининг бетакрор тарихи ва маданий-маънавий меросининг нақадар чуқур илдизга эга эканлигини «Туркистон» газетасининг муҳбири саволларига берган жавобда ҳам яна бир бор эслатиб ўтди: «Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминидан «Авесто» пайдо бўлган замонлардан бунинг ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади».

Ана шундай буюк маънавий меросимиз бўла туриб, шу кунгача «Авесто»нинг ўзбек тилида алоҳида китоб ҳолида чоп этилмаганлиги, чуқур илмий урганилмаганлиги ажабланарли ҳол, албатта.

Маънавий ҳаётимиздаги бу кемтикликни бартараф этиш ниятида «Тулистон» журналининг унинг таржимасини босиш ва йилгилан материалларни алоҳида китоб тарзида халқимизга етказишни мақсад қилиб қўйдик. Бунинг боиси «Авесто»нинг жаҳоншумул аҳамиятга эгаллигидир. У нанки ўзбек тилига, балки барча тилларга тўлиқ таржима қилиниши ва урга-

нилиши зарур бўлган маънавий қадриятдир. Зеро, «Авесто» умуман кoinот ва замин, инсон ва ҳаёт, улим ва абодият сингари бутун инсониятга муштарак жумбоқлар, саволлар ва савоблар ҳақида ҳикоя қилади.

«Авесто»да дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўзифодасини топган.

«Авесто» фақат одамнинггина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қўлтум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлиги ҳақидаги китоб. «Авесто» ернинг, дарёлару боғлар, тоғлару булоқлар, қўлу сақролар, оту тўялар уюри, молу итлар, ўсимлигу гиёҳлар, шаҳар ва манзилгоҳларнинг бунёд этиш тарихига доир асар; «Авесто» насронийни ҳақиқий насроний, мусулмонни ҳақиқий мусулмон этиб тарбиялайдиган китоб. У кўрнинг кўзини, қарнинг қўлогини очди, занглаган кўнгилларни ймон суви ила ювади, умидсиз бандаларга абодият шамчирогини тутқазади. Қисқаси, ҳаёт ва охират маъносини одамларга тушунтиради.

Дунёда бирор бир диний таълимот, ё бирор бир аллома заминини ва ундан унгувчи бугдоё, унинг ҳосиласи — нонни «Авесто» чалик кўчарга кутармаган.

«Зардушт илоҳ Аҳура Маэдадан сўради:
— Эй, Аҳура Маэда!

Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

Аҳура Маэда жавоб берди:
— Эй, Зардушт!

Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа..

Эй, Зардушт!

Кимки галла экса, у Ҳақиқатни экади...»

Зардушт таълимоти, «Авесто»да олга сурилган эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амал ҳамон инсониятни эзгуликка томон чорлаб, одамларни руҳан поклаб, маънавият чамани томон етаклаб келмоқда.

Биз-ку XXI асрдан туриб 2—3 минг йиллар илгари кечган маданий-маънавий ҳаётга буй чузиб қарашга интилсак-да, бироқ ниғоҳимизнинг нураган осор-атиқалар ва хира хотиралар қўюнида адашиб қолиш хавфи бор. Бизга нисбатан ўтмиш замонларга яқинроқ турган алломалар ҳам халқ ва мамлакат тарихи,



тақдири ҳақида тафаккур этганларида ҳайрат ёқаларини чок-чок этиб, фарёд алангасида ёниб утганини кураминз.

Тарихдан маълумки, Александр Македонский Урта Осиёга юриш қилган даврда бу ерда юксак цивилизация мавжуд эди ва бу тарққиёт турли босқинлар оқибатида минг йилларга тўхтатиб қўйилганди.

Ҳақиқатда, «Авесто»га қарши ҳужум Александр Македонский давридаёқ бошланган эди. Ибу Райҳон Беруний ёзади: «Подшоҳ Дорро ибн Дорро хазинасида (Абистонинг) ун икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни улардан вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун уша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто уттиз «наск» эди, мажусийлар қўлида ун икки наск чамаси қолди. Биз Қурьон булакарини ҳафтияклар деганимиздек, наск Абисто булакариндан ҳар бир булакнинг номидир».¹

Тарихчи Масъудийнинг «Муруж аз-зиҳоб» («Олтин водий») китобида қайд этилишича, Александр Македонский Истаҳр шаҳрини босиб олиб, олимларига «Авесто»даги тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир уринларни таржима қилиб, қолган қисмини ёқиб юборишни буюрган. Масъудий маълумотига қўра, «Авесто» матни 12 минг олтин тахтага ёзилган.

Тарихчи Балхийнинг «Форснома» китобида «Авесто» 12 минг ошланган мол терисига битилган ҳикматлар китоби эканлиги қайд этилади. Абу Али Муҳаммад бин Муҳаммад Балъамийнинг «Тарихи Балъамий» китобида ҳам «Авесто» шоҳ Гуштасп фармони билан 12 минг мол терисига подшоҳ мирзолари томонидан тилло сувида ёзилгани ҳақида ривоятлар бор.

Эрамининг VII—VIII асрларида рўй берган араблар босқини Урта Осиё халқлари бошига мисли қўрилмаган талофотлар олиб келган ҳам маълум.

Абу Райҳон Беруний ёзади: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини урганган ва билимини бошқаларга ургатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқати биллиб булмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба ибн Мус-

лим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб билимдонларини улдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёллаш қувватига сунянадиган бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач, улар ихтилофли нарсаларини унутиб, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар».²

Қадимги Хоразм тарихининг чуқур билимдони С. П. Толстовнинг археологик далиллар асосида исбот этишича, исломгача булган цивилизациянинг нодир ёдгорликлари, тарихий адабиёт, маънавият дурдоналари ёниб кулга айлантирилган.

Бинобарин, зардуштийлик таълимоти ва унинг муқаддас «Авесто» китоби ҳам ёндирилиб, йўқ қилиб юборилган. Узоқ тарихимиз ва маънавий меросимизнинг бу ноёб ёдгорлиги кейинги асрлардаги паҳлавий, форс тилларидаги талқини асосидагина бизгача этиб келган.

Зардуштийлик таълимоти ҳам барча динлар сингари аввал оғзаки тарзда пайдо бўлиб, кейинчалик хатга тушган. Эҳтимол зардуштийлик динининг асосчиси Сипийтмон Зардушт ҳам узи яратган таълимотининг ёзма шаклга келтирилиб, тарқалишини тасаввур қилмагандир. Олимларнинг тарихий манбалар устида турли даврларда олиб борган тадқиқотлари шундан далолат берадики, қадимги Хуросон, Форс, Ироқ, Мўғул, Балхдан тортиб, Сурия, Хитой, Рум, Турфон, Ҳабашистон ва Ҳиндистон каби давлатлар ҳудудида кенг тарқалган бу таълимот дастлаб коҳинлар томонидан ёд олинган ва оғиздан-оғизга ўтиб юрган.

Зардуштийлик таълимотининг Ҳиндистонда ҳам кенг ёйилганлиги ундаги «вид» ҳиндчада «вед», «дев» — «дева» каби сўзларнинг оҳангдош ва маънодош эканлигида ҳам кўринад.

В. А. Лившиц ёзишича, руҳоний Зардушт энг қадимги диний тасаввурларни ислоҳ қилган шахс сифатида майдонга чиқади. Унинг яшаган пайти, ватани ва қаерларда ўз таълимотини тарғиб қилгани мунозарали бўлса-да, унинг афсонавий шахс эмас, реал инсон бўлганлигига шубҳа йўқ.¹

Оврупода Зардушт таълимотининг «Зороастр» — «зороастризм» шаклида ёйилиб кетишига сабаб бу исм юнон тилидаги «астрон» (юлдаз) сўзига ўхшашлигидир. Қадимги риво-



Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1 том, Тошкент, «Фан», 1968, 238-бет.
Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1 том, Тошкент, «Фан», 1968, 72, 84-бетлар.
Авеста. В. А. Лившиц. Предисловие. «Адиб», 1990, 3-бет.

ят ҳамда манбаларда Зардушт донишманд-астронолог сифатида қайд этилиб, унинг таълимоти Ғарбга томон тарқалган, «зороастризм» тарзида зикр этила бошлаган.

Оташпарастилик пайдо бўлиб, энди тарқала бошлаган пайтларда бу динга эътиқод қўйган одамлар ёруғ осмон остида, баланд тоғ ва адирларда, дарё буйи, ҳовузлар, қуллар ёқаси, учоқлар ёнида ибодат қилишган. Кейинчалик уларнинг таълимоти Марказий Осиёдаги йирик-йирик давлатларда, жумладан, Парфия подшолари, аршакилар, сосонийлар империяси даврида расмий динга айланиб, мухташам ибодатхоналарга эга бўлган, уларнинг ичи ҳайкаллар билан безатилган, руҳонийлар сонин тобора кўпайиб борган. Ана шу даврларга хос аше ва далиллар Ўзбекистонда археологик қазилма ишларини олиб борган В. М. Массон, С. П. Толстов, Г. А. Пугаченкова, Э. В. Ртвеладзе, А. С. Сағдуллаев ва бошқа олимларнинг топилмаларида ўз ифодасини топган.

Тарихий манбалар шундан далолат берадмики, зардуштийлик дини ўз даврида жуда кенг тарқалган ва буддизм, иудаизм, насронийлик ҳамда ислом динларининг шаклланишига катта таъсир курсатган. Бошқа дин ва таълимотларнинг таъиқи натижасида давталар зардуштийликнинг ёзма ҳолда тарқалишига рухсат берилмаган ва кейинчалик паҳлавий хати замонидагина «Авесто» ёзма ҳолатга келтирилган.

Зардуштийлик дини пайдо бўлган замин ҳақидаги баҳс узоқ асрлардан буён давом этиб келмоқда. Ғарб олимларидан А. Мейе ва П. Тедесколар зардуштийликнинг ватани Парфия (ҳозирги Туркменистон) деган фаразни билдирадилар; Даристерер, Жексонлар зардуштийлик Атропатенда, Харцфельд эса Мидияда пайдо бўлган дейдилар; И. Маркварт, Б. А. Тураев, Х. Нюберг, Э. Бенвенист, Е. Э. Бертельс «Авесто»ни Шарқий Эрон билан боғлайдилар; Гайгер, Бартольд, Шпигель фикрига қараганда, зардуштийлик Бақтрияда пайдо бўлган; Э. Герцфельд узининг дастлабки археологик қазилмаларига биноан ҳамда В. В. Струве, К. В. Тревер, Ю. А. Рапопорт, С. Ф. Ольденбург, Н. Прохоров, М. Бойс, И. М. Дьяконов, В. В. Бартольд, В. М. Луконин, Б. И. Авдиев сингари олимларнинг фикрича, зардуштийлик Туронзаминда (Хоразм, Бақтрия, Сугдиёна, Фарғона) пайдо бўлиб, сунгра Эрон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.

Зардуштийлик дини ҳақида фундаментал тадқиқотлар муаллифи инглиз Мэри Бойс унинг бундай 3500 йиллар илгари Осиё чуллари замининда пайдо бўлгани ва бошқа динларнинг шаклланиши ва ривожланишига курсатган таъсиридан ташқари, олийжаноб дин эканлигини, асрлар мобайнида қувғинликка учраса-да, унга эътиқод қўйганлар сазй-ҳаракати туйфайи бизгача етиб келганлигини таъкидлайди.

Зардуштийлик — дуневий динлар орасида энг қадимгиси бўлиб, инсоният тараққиётига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир курсатган. Шунинг учун уни урганиш, зардуштийлик гоиларини тадқиқ этиш инсоният маънавий дунёси шаклланиши ва равиқи ҳақидаги тасаввурларни бойитади ва кенгайтиради.

Зардуштийлик буйича 4 томлик асар муаллифи Мэри Бойс ҳам оташпарастилар динининг муқаддас китоби «Авесто» қадимги Хоразм воҳасида пайдо бўлганини қайд этади.¹

Зардуштийлик таълимоти ва «Авесто»нинг Хоразмда пайдо бўлганлиги ҳақидаги фараз Б. Гофуров, Н. Маллаев, Ҳ. Ҳомидов, А. Қаюмов, И. Жумабоев, М. Исҳоқов, А. Саидов, М. Раҳмонов, Ф. Сулаймонова, И. Жаббаров, Г. Дресвянская, Й. Хужамуродов, А. Ирисов, М. Қодиров, Иброҳим Каримов, С. Ҳасановларнинг мақола ва тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.

Зардуштийлик дини ҳамда унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳақида гап кетганда шунинга назарда тутиш керакки, орадан 2,5—3 минг йил ўтганидан кейин бу таълимот ва китоб ҳақида фикр билдирилган экан, шубҳасиз, ҳар бир тадқиқотчи қўлига тушган маълумот асосида иш куради. Бу маълумотларнинг ҳачон ва ким томонидан, қайси тил ва хатда ёзилганлигига қараб, уларни уша тил ва уша замон билан боғлаб қўйиш илмий ҳақиқатга хилофдир. Бу таълимот ва муқаддас китобнинг асли бир неча асрлар илгари пайдо бўлганлиги, давра замонлар оша уларни ўзлаштирганлар «эгаллик» даъвосини қилганини ҳам унутмаслик керак. Бу уринда энг одил фикр уша қадимий таълимот ва китоб билан боғлиқ археологик топилмалар, лингвистик тадқиқотлар ҳамда халқ хотирасида, турмуш тарзида сақланиб қолган ривоятлар, расм-русумларни ҳуқур урганиш натижасида туғилади.

Тарихий воқеаларга муносабат ва ҳақиқатни кашф этиш хусусида Абу Райҳон Беруний



¹ Мэри Бойс. Зороастрийцы. Верования и обичаи. М., «Наука», 1988, 51-бет.

жуда ибратли фикрлар билдирган. Аллома тарихнинг бирор дин, бирор пайгамбар, ё бирон табиий офат, умуман, халқ ҳаётига дахлдор воқеалар билан бошланишини, дунё ва динга мансуб бундай ҳодисалар узоқ асрлар ва замонларни ўз ичига олишини таъкидлайди. Берунийнинг фикрича, тарихнинг тарихи одамзоднинг пайдо бўлиши ва башариятнинг бошланишидир. Шунга қарамай, бу соҳада ниҳоятда ихтилофли фикрлар мавжуд ва бундай хилма-хиллик ҳақиқатни топшига ҳалақит беради. Чунки «яратилишнинг бошланиши ва ўтмиш асрлар аҳволи орқали биринадиган ҳар бир нарса уйдирма гаплар ва афсоналар билан қоригандир, бу ишлар жуда узоқда қолиб, биз билан улар орасида кўп замон ўтиб кетган... Демак, уларнинг сузаларни ўз ҳолича қабул этмай, бу сузаларнинг тўғрилигини ишончлик бир китоб ёки кўпчиликнинг фикри асосида бизни ишонтира оладиган бирор хабар исбот этса, шундагина қабул этамиз».¹

Зардуштийлик динининг наинки қаерда пайдо бўлганига, балки қачон пайдо бўлганига хусусида ҳам археологик қазилмалар давомида ажойиб натижаларга эришган С. П. Толстовнинг фикрига қараганда, бу далиллар зардуштийлик дини ва унинг пайгамбари Зардуштинг Хоразмда тугилганини исбот қилади. «Авесто» ҳам бошқа кўплаб муқаддас китоблар сингари мураккаб ва кўп қатламлидир, — деб ёзади С. П. Толстов, — бироқ унда, шубҳасиз, Шарқий Эрон ва Урта Осиё (энг қадимий бобида эса худди Хоразм) тарихининг архаик даврига бориб тақалувчи маълумотлар устунлик қилади, ҳозир бизнинг қўлимизда бор материалларга асосланиб, бу даврни янги эрадаи аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.»¹

С. П. Толстовдан кейин зардуштийлик дини билан боғлиқ археологик қазилма ишлари тўхтаб қолди. Умуман, яқин тарихимизда диний маданиятимиз ва қадимги цивилизация билан боғлиқ илмий-қузатув ишлари ҳам чекланган эди. Навбатдаги илмий экспедицияларда зардуштийлик дини ва «Авесто»га дахлдор янгидан-янги маълумотлар кашф этилишига ишончимиз комил. Масалан, Тошкентнинг узида ҳозирги кунгача хароба тарзида сақланиб келаятган учта оташхоналарнинг ўзи бу қадимий дин ва таълимот тарихига жонли мисолдир.

Зардуштийлик билан боғлиқ этнографик ва лингвистик тадқиқотлар ҳам жуда кўп нарсаларни ойдинлаштириши мумкин. Масалан, Б. И. Авдиев зардуштийликнинг Хоразм билан боғлиқлигини куйидагича изоҳлайди: зардуштийликнинг биринчи муқаддас олови Хоразмда ёқилган. «Авесто»да тасвирланган «Айрйана-Вайжа» (Ийрон Виж) деган мамлакат Хоразм бўлиши эҳтимол, Аҳура Мазда шу мамлакатда Зардуштга кўриниш берган. «Айрйана-Вайжа» номли афсонавий мамлакатнинг «Авесто»даги тасвири Хоразмнинг жүгрофий шароитига тўғри келади.

«Аҳура Мазда Сигийтмон Зардуштдан ҳол сўради-да шундай деди:

— Мен ҳам бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратадим.

Агар мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратганимда, бутун-бутун халқлар Ийрон Вижга томон юз бурадилар... Шундан сўнг, бутун борлиги ажал билан йўрилган Аҳриман келади-да, Доитё дареси қаърида Аждаҳони яратади. Ва бу зминстон девларини борлиқ олам устидан голиб қилди...»

«Вандидод», I-фаргар, 1,3 бандлар.

«Авесто»даги Урва (Урганч); Арави (Амударё), Воруқаш (Орол денгизи) каби номлар ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, Хоразм сузининг ўзи ҳам «Қуёшли ер» («хвар» — қуёш ва «зам» — ер) деган маънони билдириб, унинг қуёшга сигниувчи мамлакат бўлганидан далолат беради.

И. Жабборов ва Г. Дресвянскаялар ҳам зардуштийликнинг ватани Урта Осиё, хусусан, Хоразм экаилигини этнографик мисоллар асосида исбот қилишга ҳаракат қиладилар. Масалан, қадимги хоразмийлар, бақтрияликлар, сўтдийлар, маргиёнлар ва ҳинд-эрон тилида гаплашган халқлар осмон ва ер худоларини «Асман» ва «Зам» деб, қуёш ва ой худоларини «Хвар» ва «Мох» деб атаганлар. Айрим олимлар «Хоразм» сузининг келиб чиқишини «Хвар» ва «Зам» сузаларининг бирлигидан деб биладилар ва шунинг асосида оташпарастлик ибтидоси ҳақида ҳужм чиқарадилар.¹

Шубҳа йўқки, бу қарашлар «Асман» — Осмон», «Зам» — «Замин», «Мох» — «Ой»



¹ Абу Рийдон Беруний. Талафган асарлар. 1 том, 1968, 50-бет.

² С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т. «Фан», 1964, 104-бет.

³ И. Жабборов. Г. Дресвянская. Духи, святые, боги Средней Азии. Ташкент, 1993, 53-бет.



каби сузларнинг ҳозирги маънолари узоқ замоналардан буён халқ тасаввурда узгармай келаётгани ҳақида анчайин тахминлар ва илмий фаразлар қилиш имконини беради. «Одам Ато» ва «Адам» сузларининг қисмати ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бу сузлар маъносидаги муштараклик ва улардан қайси бири қачон, қаерда илк бор пайдо бўлганлиги ҳам жумбоқдир. С. П. Толстовнинг «Дуализм» сузи билан боғлиқ мулоҳазалари қизқарли: «Қадимги Хоразм шаҳар ва қишлоқларининг «дуал» тарзида тузилганлиги (яъни, иккига бўлинганлиги), шубҳасиз, «дуал уругчилик тузуми» анъаналари яқши сақланиб қолганигидан дарак беради, бу зардуштийлик дини дуализмининг келиб чиқиши учун асос бўлади».¹

Биз «дуал» ва «девор» сузларининг маъно жиҳатдан узаро яқинлиги «дуализм»га асос бўлган дейиш фикридан йироқмиз. Бироқ агар «дуал» ёки «девор» сузлари ҳовли-жойни ажратиб ё бираштириб олиш маъносида қўлланишини ва «дуализм» моҳият эътибори билан ҳам моддий ва маънавий жараёнларни ажратиб ё бираштириб фикр юритиш эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу нуқтада кишини уйлантириб қўядиган жиҳатлар йўқ эмас.

Бундан ташқари, зардуштийлик моҳиятан инсон ҳаёти, онги ва тасаввурдаги, шунингдек, табиат ва жамиятдаги ажралиш, бўлиниш (яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва қабоҳат, саҳийлик ва баҳиллик, кун ва тун, ҳаёт ва улим, ёруғлик ва зулмат, адолат ва адолатсизлик) ва уларнинг узаро курашини ифодалаши, умумфалсафий «дуализм» тушунчаси замирида ҳам шарқона, тўғрироғ, туркона «дуал — девор» сузининг дастлабки маъноси йўқмикан, деган мулоҳазани тугдиради.

Оташпарастлар дунёқарашини билан боғлиқ «дев», «алвасти», «ажина», «аждаҳо» («Авесто»да «Ажи Даҳока»), «парилар ҳам ҳозиргача узининг дастлабки маъноларини ифодалайди. Девга қарши қалқон сифатида пичоқ ва нонни чақалоқ бошига қўйиш одати айрим жойларда ҳамон сақланиб қолган. Қишлоқларимизда баъзан тўзиган шамоллар қуюни (гирдоб) ҳозир ҳам «ажина шамол» тарзида идрок этилади.

Археологик ва лингвистик тадқиқотлар, минг йиллар давомида халқимиз орасида сақланиб келаётган айрим урф-одатлар зар-

душтийлик динининг ватани Хоразм эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Оташпарастларнинг Хоразмда топилган харобаларини илмий тадқиқ этган С. П. Толстов худосаларига қараганда «Деворлари ичида одам яшайдиган шаҳарлар»нинг тузилиши «Квадрат Вар»ларнинг — афсонавий қаҳрамонни Йима (урта аср дostonчилигида Жамшид) қурган истеҳкомлар — «Авесто»даги тасвирига жуда ўхшаб кетади».¹

«Ушанда Аҳура Мазда Жамга леги:

— Эй, Жам!

Қаҳрли қаҳратондан бурун сувлар шиддат билан оққан бу сарзаминларда гиёҳ ва ўтуланлар гоят сероб бўлади. Аммо, қаҳратон оғи етгач ва у бутунлай кириб келгач, қорларнинг қутуришини курсанг. Энди бу заминда сурувларнинг ҳайратбахш оқнимидан номиншон тополмайсан.

Шундан сунг — сен, эй Жам, — ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил. Қуйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдирғувчи қизил олов уруғларини у ерга олиб бор...»

«Вандиаод», 2-фарғард, 2-бўлим,
24—25-бандлар.

С. П. Толстов томонидан Жонбосқалъа, Тупроққалъада олиб борилган археологик қузатувлар шундан далолат берадики, тураржойларнинг муҳим белгиси бош куча билан дарвоза уртасидаги «оловкона»ларнинг ажралиб туришидир.

Абу Райҳон Беруний ва бошқа бир қатор тарихчи олимлар Урта Осиё халқларининг қадим замонларда жамоат бўлиб бир жойга тупланадиган, доимо олов ёниб турувчи муқаддас хоналари, яъни жамоа йигинлари ўтказиладиган, диний маросимлар чоғи купчилик келиб овқатланадиган оловхоналари (оташкада) бўлганлигини ёздадилар. «Шуниси қизиқиш, — дейди С. П. Толстов, — бу оловхоналарнинг қолдиқлари худди уша эски номида (оловхона) ҳозир ҳам тоғлик тожиклар уртасида сақланиб қолган.

Мачитлар ҳузурида бўлган бу оловхоналарда (бу ҳол мазкур оловхоналарнинг қадимий диний урф-одатлар билан боғлиқлигини курсатади) қишлоқ эрхаклари дам олган халфанаалар қилинган, жамоа йигинлари ўтказилган, шунингдек, сайёҳлар тунаб қолганлар.

¹ С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятининг излаб. Т., «Фан», 1964, 125-бет.

² С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятининг излаб. Т., «Фан», 1964, 102-бет.

Оловхоналар она-уруғчилик тузумининг сунгги босқичларида она ҳуқуқининг ҳали умри тугамаган, қондалари амак қилиб келаётган бир шароитда эркекларнинг жамиятда ҳукмрон мақега эга бўлиш учун кураш қуролларидан бири сифатида «эркак уйлари» деб аталган манзилларнинг қолдиги тариқасида ибтидоий жамоа муассасаларидан бирига бориб тақалади».¹

С. П. Толстовнинг бундай кузатув ҳамда хулосалари ўз-ўзидан ҳозирги замонда шарқ халқлари, хусусан, Урта Осиёда кенг тарқалган, эркекларнинг жамоа-жамоа бўлиб тулланадиган, кунгилхушлик қиладиган, маҳалла, куча, шаҳар, ҳатто, миллат тақдири ҳақида фикр алмашадиган маскан — чойхоналари ана шу «эркак уйлари» билан боғлиқ эмасмикан, деган тахмин ҳам уйғотади.

Демак, қадимий зардуштийлардан мерос қолган «эркак уйлари», одамлар келиб овқатланадиган «оловхоналар» замонавий чойхоналарнинг ибтидоси эмасмикан? Замонлар утиши билан қадимий оловхоналар, «эркак уйлари» чойхонага, олов эса сигиниш тимсоли эмас, учоқларда овқат пишириш воситасига айланиб қолганлигини Туронзамин халқларининг турмуш ва яшаш тарзи, урф-одатлари курсатиб турибди.

Зардуштийликда «яхши» ва «ёмон» ҳодисалар ҳақида гап боради. Аҳура Мазда узининг яхшиликка асосланган ерини (мамлакатини) барпо этса, Анҳра Ману (Ахриман) ёмонлик (жоҳиллик)ка асос солади. Ана шу тариқа яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим уртасидаги абадий кураш пайдо бўлади:

«Мен — Аҳура Мазда — яратган иккинчи сарзамин ва гузал юрт Сугда дёри эди.

Шундан сунг, бутун борлиги ажал билан йўғрилган Ахриман келд-да, храфстралар жинсига мансуб Скайатяни яратди. У бутун подага ўлим уругини сочди...»

(«Вандидод», 1-фарғард, 5-банд.)

Зардуштийликда экин ерларини купайтириш, шудгор қилиш, асраб-авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб сажда қилиш илоҳий низо тусини олган. Оловга сигиниш, ер ва олов худоси Митрага, яйлов худоси Романога ибодат қилиш, уй-жой қуриш, уни олов билан, уй ҳайвонлари, хотин, бола-чақа билан тўлдириш, усимлик ва дарахт кўкартириш, катта-кичик уй ҳайвонларини купайтириш, ерни парвариси

қилиш зардуштийлик динининг асосини ташкил этган.

«Эй, Оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кура бактлироқ булган дунёдаги иккинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой бир Ашаван уй тиклаган макондир. Уша уйда мубад рўзгор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади... Тевалар хуроки фаровон, яхши итларнинг риқи сероб. Уй бекаси бахтиёр. Фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тирикликнинг гузал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади...»

(«Вандидод», 3-фарғард, 2-3-бандлар.)

Зардуштийлик таълимотига эътиқод қўйган одам тозалик ва покликка риоя қилиб, ит ва ҳайвонларга озор бермаслики керак. Хонадон ва чорвани асраб-авайлашда катта роль уйнайдиган итларга бузлаган ёки қайноқ овқат бериш гуноҳи азим ҳисобланган.

«...кимки қаттиқ суюкни ёхуд бениҳоят қайноқ хўрақни тала ёки хонаки итга берса:

Агар уша суюк ит тишлари ёхуд томоғига тиқилиб қолса ёки қайноқ хўрак унинг тил ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи пишавтану, яъни арзон улимдир...»

(«Вандидод», 15-фарғард, 3-банд.)

Соч ва тирноқларга булган покиза муносабат ҳам Аҳура Маздага ёқадиган хусусият саналган. Бу нарса ҳатто ҳозирги замон кишиларида ҳам учраб туради: сартарошхоналарда соч толалари тезда оёқ остидан супуриб олинадик; тирноқлар дуч келган жойга ташланмайди, улар ҳам йигилиб тоза жойга қўйилади; боланинг тиши тушса уни ё тозароқ ёки «суюк тишини ол, темир тишмини бер» деб томга отиб юбориш одатимиз бор.

«Зардушт Аҳура Мазладан суради:

— Эй, Аҳура Мазда! Эй, коинот нури! Эй, оламларни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одамларнинг девларни хушнуд ва сарафроз қиладиган энг қабиҳ ва ашадаий гуноҳлари нималардан иборат?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Кимки соч тараса ёхуд уни олса ёхуд тирноғини олса, уни ҳеч қандай расм-русумсиз бирор чуқурга ё қавакка тўкиб юборса,



¹ С. П. Толстов Қадимий Хоразм маданиятини излб. Т., «Фан», 1964, 125—126-бетлар.

бу қабих амал девларни дуо билан оққишлаб, кучлантирган, нусрат бахш этган билан баробардир.

(«Вандидод», 1-фарғард, 1—2-бандлар.)

Бундан ташқари ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида келин-куёвни олов атрофида айлантиргандан кейин гушангага олиб кириш, қабр утига шам ёқиш, тут ва садалар шохига турли латталардан «алам» боғлаш сингари расм-русумлар сақланиб қолганки, уларнинг мазмун-моҳияти зардуштийлик дунёқарошига бориб тақалади. Жумладан, зардуштийларда «табиат муҳофазаси ва муҳит тозаллигини сақлаш, турли касалликларнинг тарқалишининг олдини олиш мақсадида, — деб ёзади С. Ҳасанов, — санитария-гигиена қоидалари амалга оширилган: ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш; олов, иссиқлик ва совуқлик йўли билан кийим-кечаклар ва озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар тутатиш...»¹

«...агар мурдани хона ичига жойлаштириш уни дахмага олиб бормоқдан осонроқ бўлса, маздапарастлар мурдани хонада қолдириб, уни тарк этмоқлари лозим. Хона урувасний, вуҳав-тавна, вуҳав-гиритий, ҳазанаипата каби хушбўй гиёҳлар билан ислантирилади».

(«Вандидод», 8-фарғард, 3-банд.)

Ҳозир ҳам ўзбекларда исриқ, ҳиндларда сандал тутатиш микробларни зарарсизлантириш воситаси сифатида ишлатилади.

Ер, сув, ҳаво ҳамда барча усимдикларни эъозлаш натижаси улароқ, табиатнинг ҳаётчилиги ва гуллаб-яшнашидан далолат берувчи баҳорий гузаллик «Навруз»ни шоду хуррамлик билан кутиб олиш ҳам зардуштийлик замонларидан буён бизга мерос бўлиб келаятган байрамдир.

Қадимги бобоқалонларимиз дини зардуштийлик давридан келаятган удулардан бири қурбонлик учун сўйилган жон қалласини даврада утирган кексалар олдига қўйишдир.

Оташпарастларнинг асосий машгулотлари чорвачилик ва деҳқончилик бўлгани учун улар уй ҳайвонларига узгача муносабатда бўлганлар. Масалан, сигирлар, отлар ва итлар анча эътиборда бўлган. Мабодо қурбонлик қилиб, мол сўйилса, унинг тили ва чап жағи қоҳин олдига қўйилган. Бундан ташқари қурбонлик

қилинган мол гўшти ибодатдан сунг қоҳиналар ва диний маросимда иштирок этган кишилар уртасида тақсимланган.

Бундай қурбонлик ёки «худоий» — қўй сўйиш, пиширилган қаллани кексалар олдига қўйиш, сўйилган тана гўштини «хомталаш» қилиб, қўни-қўшнилarga тарқатиш удуми ҳозир ҳам халқимиз уртасида учраб туради.

Озодаликка интилиш, диний маросимларни ўтказишда ишлатилган идишларни ювиб, саранжом-сариршта қилиш ҳам зарур эди. Чунки озодалик, тозаллик турли-туман ифлослик ва ёмоилликлардан кишини асрайди, деб тушунилган. Бундай одатларнинг идишлар ҳам узгача тасаввурлар қаноотида бизгача етиб келганини кўрамоқ. Она ва момоларимиз кечқурун ишлатилган қозон ва идиш-товоқларни ювиб-тозалаб, ҳар қандай шароитда ҳам уларни эртача ювуқсиз қолдирмайдилар. Бу нарсани ниҳоятда ҳосиятсиз нарса деб биладилар.

«— Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Одамлар овқатланганини идишлар итлар ё инсонлар мурдорига тегиб кетса, уларни поклаб бўладими?»

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Поклаб бўлади.

— Қандай йўл билан поклаш мумкин?

— Агар идиш олтидан бўлса, бир марта кумиз (новвос пешоби) билан ювилади, бир марта тупроққа беланади; бир марта сувга чайилади. Шунда пок бўлади...»

(«Вандидод», 7-фарғард, 73-74-бандлар.)

Аҳура Маздага эргашган одамлар Анҳра Ману билан боғлиқ барча ифлослик ва касаллик, чанг ва занг, хиёнат ва исқиртлик, чирк ва чуруқ, сулган ва қуриган нарсаларга қарши кутаршган. Бу жараёнда сувга бўлган муносабат алоҳида ажралиб туради. Тоза сув билан боғлиқ кул, қудуқ ва бўлоқларга ҳар қандай нопок нарсалар ақинлашмаслиги керак. Оловга ҳам худди шундай айрича муносабат бўлган. Оловга тоза, қуруқ утин ташлаш билан бирга ахлатларни ёқиш маи этилган. Иложи борича чиқинди чиқармасликка ва нарсаларнинг бузилиб, ёмон ҳид таратишидан аввал алоҳида ажратилган жойларда ёқиб юборилган.

«Покиза сув ва ёниб турган олов қаршида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда топғуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан муҳдишдир...»

(«Вандидод», 4-фарғард, 54-банд.)



¹ Қаранг. Солижон Ҳасанов «Авесто» — ҳуқуқ манбаи». «Мулоқот», 1999, 1-сон, 50-бет.

Шунинг учун барча ифлос нарсалар, инсонга зарар ва хавф келтирувчи чаён ва илоҳлар, ваҳший ҳайвонлар Анҳра Ману кирди-корларни сифатида қоралаган.

Улим ҳаётнинг акиси ва душмани сифатида идрок этилгани учун, Улим Ёвуз кунларнинг асорати билан содир бўлгани учун унга муносабат ҳам бошқача. Уликка фақат белгиланган одамларгина яқинлашганлар, алоҳида ўлик ювадиганлар бўлган, иложи борича ўлган кунининг ўзидаёқ жасадни махсус жойга олиб боришга ҳаракат қилганлар. Жасад алоҳида ажратилган минораларга, қадим-қадим замонларда эса очиқ тоғ ён-бағирларига, чул ва тошлоқ жойларга қўйилиб, қуш-қумурсқалар, ёввойи ҳайвонларга емиш бўлган. Бундан мақсад жасад ерни ифлос қилмаслиги, сувни булғамаслиги, ўтларни заҳарламаслиги керак. Жасад гўшдан тозаланган, суяклар тўпланиб астудон деган сопол идишларга солиб қумилган.

«Мурда, қушлар парвозга шайлангунча, гиёҳлар буй чўзгунча, селоблар равон бўлгунча ва баҳорий насимлар ер юзини қуритгунча қадар бир тун ё уч кеча ёхуд бир ой у ерда сақланмоғи лозим.

Қачонки қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кутарса, селоблар равон бўлиб, баҳорий бодлар ер сатҳини қурита бошласа, маздапарастлар улик жисмини кунгай ерига қўйсинлар...»

(«Вандиод», 5-фарғард, 12—13-бандлар.)

Аста-секин ўлик олдида тиловатлар ўқиш ва унинг гуноҳини худодан кечиришини сураш одатлари шаклланиб борган.

Шундай қилиб, поклик оташпарастлар учун ҳамма нарсадан устун ахлоқий бурч саналган. Улар бошдан-оёққача ювинишни одат қилганлар.

Ҳеродотнинг хабар беришича, қадимги перслар дарёни жуда ҳурмат қилишган. Унга қараб сиймаганлар, тупурмаганлар ва қўлини тикиб туриб юлмаганлар.

Кейинчалик сосонийлар даврида барча диндорлар ва одамлар орасида «Баж олиш» одати кучли бўлган. «Важ» («Баж») сўз олиш ёки ваъда бериш маъносини аниқлаган. Бу одатга кура бирор ишга қўл уришдан, ухлашдан, овқат ейишдан ёки диний ибодатдан аввал «Авесто»даги бирор оят тақрорланган.¹ Бу одат замонлар ўтиши билан ўзининг оташпарастлик дини билан боғлиқ хусусиятларини

йўқотиб борган ва бизнинг замонамизгача одамларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида «Сўз бериш», «Қасам ичиш», «Ваъдалашиш» маъноларида сақланиб қолган. Айрим одамлар учун бирор иш, юмуш ёки хизмат юзасидан бошқа бировни ишонтириш учун қимматбаҳо кафолатдан кура «Чин инсоний сўз», «Йигит сўзи», «Ваъда» афзал туюлади:

«— Эй, дунёни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қасамларнинг саноғи нечадир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Менинг қасамларим олтига:

биринчи — сўз қасами;

иккинчи — қўл қасами;

учинчи — қўй қасами;

тўртинчи — ситир қасами;

бешинчи — одам қасами;

олтинчи — экин қасами».

(«Вандиод», 4-фарғард, 2-банд.)

Зардуштийлар давридан келаётган тасаввурга кура жинлар, асосан, мозорларда, ёнғоқ дарахти ва жийдалар остида кўпроқ бўлади. Шунга кура ёнғоқ ва жийда дарахти тағида ётиш беҳосият ҳисобланган. Фақат мазор, ёнғоқ ва жийдалар эмас, барча ташландиқ хароба ва ифлос жойлар жинлар уяси бўлиб, оташпарастлар дунёқарашига кура яхшилик доимо тозалик, ёруғлик ва ҳаёт билан боғлиқ, ёмонлик эса ифлослик, қоронғулик ва хароба-зор рамзи.

Зардуштийликда «Пари», «Паирика» тушунчаси бўлган. Ҳозир ҳам «Фалон аёлнинг париси бор», «Сув париси» деган иборалар мавжуд. Парилар билан бир қаторда бахши, фолбин, кинначилар ҳам одамлар танасидан «ёмон жинлар»ни қувишда ёрдам берганлар.

Тарихий ҳодисалар ва ҳодисаларнинг тарихийлигида шундай жиҳатлар борки, буларни бир-бири билан мантиқан таққослаш инсоният ўтмиши нақадар чуқур илдишларга эга эканлигидан далолат беради.

Зардуштийлик замони ва ундан кейинги ўтган давр ичида халқимиз руҳияти ва тасаввурдаги айрим ўхшаш жиҳатлар, ҳақиқатда тарих халқ хотираси эканлигидан дарак беради. Масалан, яна бир нарсага эътибор берайлик: «Авесто»нинг ҳозирча маълум бўлган нусхаларини олимлар 21 насх-китоб (қисм)дан иборат демоқдалар. Улардан 7 китоб худодар, коинотнинг пайдо бўлиши ва инсоният тарихига доир; кейинги 7 китоб ибодат масалала-



365

¹ Қаранг: Мэри Бойс. Зорастрийцы. Верования и обычаи. М., «Наука», 1988, 55, 58, 168-бетлар.

ри, дин дастурлари, халқнинг яшаш тарзини ифода этади; охириги 7 китобда тиббиёт, астрономияга доир маълумотлар жамланган. Тавсиф ва иловалар эса ривоятлар деб аталган. Бинобарин, «Етти улчаб, бир кес» мақоли бежиз бўлмаса керак.

Оташпарастрлар учун нисон ҳаётининг моҳияти ҳалол ва покликда. Инсон «Эзгу фикрат», «Эзгу калом» ва «Эзгу амал» орқали ёмонлик билан курашади. Моддий иёматларни купайтириш ёмонлик кучларини синдириш воситаси ҳисобланади.

Одамларнинг турмуш тарзи ҳам маълум қонун-қоидалар асосига қурилган. Масалан, ҳўрознинг биринчи қичқиригидан кейин оташхона меҳробларининг хизматчилари; иккинчи қичқиридан кейин — қўшчилар; учинчисидан сўнг бошқа одамлар уйғонишган.

«Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

— Бутун вужуди илоҳий калом — мансаралар билан қўролланган қўдратли илоҳ Сурўшнинг сравашаваризи ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашаван Зардушт!

У правдарш қўшаидр (ҳўроз)... Бу қўш бомдоо маҳали эрта тонгда шундай деб бонг уради:

— Эй, инсонлар!

Оёққа қалқин! Девларни итқитиб ташла-гучи энг гузал Аша — Ҳақиқатни васф айлан!..»

(«Вандидод», 18-фарғард, 14, 15, 16-баитлар.)

Фақат 15 ёшга тулгандан кейингина успи-ринлар 72 хил рангли иплардан туқилган бел-боғ билан белларини ураш ва узларини яхши-лик йўлига бахшида этиш ҳўқўқига эга бўлган-лар.

«... Урнингдан қўзғол. Белинги сириб богла. Энгил-бош кий. Қўлларингни ювгил, сўнгра утин ола менинг ҳўзуримга ошиқ!..»

(«Вандидод» 18-фарғард, 19-банд.)

Оташпарастрлар расм-русумларнинг тозали-гига катта аҳамият берганлар. Таҳоратнинг турт хили бўлиб, ҳар бир линий маросим чоғида қоҳинлар иштирок этишган. Уларга ҳатто мусиқачилар, конанда ва аёллар ёрдам беришган.¹

Шундай қилиб, олимларнинг тадқиқотла-рига қараганда, зардуштийлик таълимоти

одамларда ҳаётга ва яшашга иштиёқ ва ишонч бағишлаган, кўпгина қонулаштирилган ода-лардан фориғ бўлган дунёвий қувонч ва расм-русумларни уз ичига олган, тулақонли маъна-вий ҳаёт кечирish имконини берган. Бу таъли-мотнинг барҳаётлик асоси одамларни ёрғ дунёдан воз кечишга эмас, ундан бақраманда бўлишга қаратилган. Шунингдек, Зардушт аф-сонавий сиймоми, ё тарихий шахсми, деган ма-сала ҳам кўп баҳсларга сабаб бўлиб келади.

Зардушт Спитома уругига мансуб Проу-шаспинг угли ҳам дейдилар. Шундай экан, бу тахминларнинг нечоғли тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар, «Спитома» уруги ва Александр Македонскийга қарши озодлик урушига бош-чилик қилган «Спитамен» номларидаги ўхшашиқ ва оҳангошликнинг ўзи, Зардушт ватанини Туронзаминдан излаш кераклигига даъват этади. Чунки «Спитома» ва «Спита-мен» номларининг ўхшашиги, оҳангошлиги бежиз бўлмаса керак.

Зардушт пайгамбарнинг қачон ва қаерда тугилган ҳамда ўз таълимотини қандай тарқатганилиги ҳақида турли-туман қарашлар мавжуд. Баъзи манбаларга қўра, Зардушт қадимги Рей, яъни Мидияда тугилган, бошқа олимлар уни Балхда таваллуд топган деб ёза-дилар. Абу Райҳон Беруний Озарбойжонни Зардушт ватани деб билган ва ҳоқазо.

Е. Э. Бертельс кўпчилик олимларининг Зар-душт эрамиздан аввал 569 йили тугилган деган фикрига ҳақли эътироз билдиради. «Бу тах-минга биноан, — деб ёзади Е. Э. Бертельс, — Зардушт таълимотини қабул қилган одам аҳмонийлар шоҳи Доро Гуштаспинг отаси Виттасп бўлган. Юзаки қараганда бу тахмин ҳақиқатга яқинроқ туюлади. Унга «Авес-то»нинг қисмларидан бўлган ҳамда Зардушт-нинг ўзи томонидан ёзилган деб тахмин қили-надиган готлар нима учун ҳиндларнинг энг қадимги китоблари ведларнинг кўҳна тилига ўхшаб кетади, деган савол тугилади. Бундан ташқари, Осиё воқеаларига катта аҳамият бер-ган ва Зардуштни йирик файласуф сифатида тан олган греклар унинг 569 йили тугилганига аҳамият бермай, жуда қадим замонларда фао-лият кўрсатган шахс сифатида қабул қилган-лар. Шунингдек, агар Зардушт 569 йили тугил-ган дейилса, демак у 30 ёшга тулмасиданоқ аҳмонийлар давлатида ислоҳотлар олиб бор-ган бўлади. Бу ҳол ҳар қандай афсонага тўғри келмайди. Бизнинг фикримизча, Зардушт фао-

¹ Қаринг: И. Джавбаров, Г. Арсвинская. Души, святые боги Средней Азии, Т., «Ўзбекистон», 1993, 49—51-бетлар.



лиятини эрамиздан аввалги икки мингинчи йилларнинг охирида, деб билган маъқулроқ. Чунки агар готлар тарихий Зардушт томонидан яратилган десак, «Авесто»нинг энг қадимги қисмларини ана шу давр билан изоҳлаш тугрироқ буларди»¹.

«Авесто»га донр маълумотлар, унинг айрим боблари, биринчидан, зардуштийликнинг қадим-қадим замонларда таркиб топиб, узоқ вақт жуда кўп халқларнинг диний қараши сифатида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, бизгача етиб келган «Авесто» булакларини ҳам асл нусхаси билан муштарак деб бўлмайди. Неча-неча замонлар, мамлакатлар ва халқлар тасавурида арақланган, тўдирилган, тўкилган, тўқилган ва қайта бунёд этилган парчалар бизга аниқ тарихий маълумотлар бермасе-да, ўтган бобокалонларимиз дунёқараши, онги ва ҳаёт тарзидан ҳикоя қилиши билан қимматлидир.

Зардуштийлик таълимоти билан кейинчалик греклар, арманлар, сосонийлар, араб ва ҳиндлар қолдирган манбалар орқали ҳам тасавву ҳосил қилиш мумкин. Лекин бу манбалар ҳам Зардушт ҳақида изчил маълумот бера олмайди.

Е. Э. Бертельс 1278 йили Рее шаҳрида Пажду ўгли Баҳром ўгли Зардушт томонидан ёзилган «Зардуштнома» достони ҳақида гапирар экан, шоирнинг ўзи зардуштийлар динига мансуб бўлиб, қадимги руҳоний оятларни асраб-авайлаган ҳолда ўз асарини ёзганлигини баён этади. Бироқ шоир Зардушт ҳам қачон, қаердан, қанақа манбалардан фойдаланганини айтмаган, фақат отасининг дарий ва паҳлавий тилларини билганини ёзади.

Гарчи дoston ёзилишига сабаб бўлган ва фойдаланилган манбалар тилга олинмаган бўлса-да, унда баён этилган воқеа, ҳодиса ҳамда дунёқараш дostonнинг жуда қадимий асоси борлигидан далолат беради.

«Авесто»да ривоят қилинадиган воқеалар силсиласи шундан далолат берадики, ибтидоий одамлар даражасидаги қавмлар кун ва туннинг, ҳаёт ва улимнинг алмашуви, яхшилик ва ёмонликнинг барқарорлигини кундалик ҳаётларида идрок эта бошлаганлар ҳамда бундай қонуниятнинг аса моҳиятини белгилловчи алақандай куч-ирода мавжудлигига ишонганлар. Бу гумонни тарқатувчи ишонч, улимни энгувчи ҳаёт нафаси тарзида ўз тасавуруларида Аҳура Мазда каби яхшилик, ёруғлик ва э-

гулик амалларининг тимсолини яратганлар.

Ясна ва яшларда баён этилганидек, кинот ва ҳаётнинг яратувчиси Аҳура Мазда бепоён оламнинг эгаси, кўзлари — қўёш, осмон эса юдузлар билан нақшланган унинг либосидир, Отар (Озар) деган ўгли олов бўлиб, хотинлари булутлардан ёғилажак ёмғирлардир.

«Эй, Мазда Аҳура!

Ҳақиқат — Аша ҳимоясида Сенинг Қудратли Озарингни истагайдирмиз. У абадийдир ва қудрат унингдир. Дусларига пайваста ошкор имдоа қўлини чўзади. Душманлар озор ва гуноҳига нигоҳимиз унгида барҳам беради».

(Ясна, 42-ҳот)



Аҳура Мазда зардуштийлик эътиқодининг олий тангриси, «доншмандлик худоси» маъноси англатади. Бу исмининг бирмунча қадимийроқ шакли ҳам мавжуд — Ормузд, Хурмузд.

Пайгамбар Зардушт дунёнинг пайдо бўлиши ва ундаги ҳаёт билан улим уртасидаги курашни Аҳура Мазда ва Анҳра Ману каби бири-бирига зид ва душман ака-ука кучларга ажратди. Булар ўз тафаккури, сўзи ва ҳаракатларида яхшилик ва ёмонлик тимсоли. Улар бири-бири билан тўқнаш келиб воқеалик ва йўқликни яратдилар, кимки ёлгон (Анҳра Ману)га эргашса уни энг ёмон нарсалар кутади, кимки яхши йўлга (Аҳура Мазда) қадам қўйса уни эзгулик қарши олади. Кейинчалик бу икки тушунча «яхши воқеалик» ҳамда «ёмон турмуш», «жаннат», «беҳишт» ва «дузах» сингари тасавуруларни шакллантиради. Инсоннинг ўз ихтиёри билан танлаб оладиган бу икки йўли уни ё «ҳаёт», ё «улим» маконларига элтади.

«Эй, Мазда!

Қачон ул қутлуғ тонг отгайким, Ҳақиқат—Ашаҳ жаҳон ва унинг аҳлини асраш учун ўзининг доншмандона таълимоти маъносини бошимиз узра нур таратгайдир?

Эзгу Ният ҳимоясига ва имдодига келадиган зотлар кимлардир?

Эй, Аҳура!

Мен ёлғиз Сенинг таълимотингнингина қабул қиламан.

Бадном, бадкирдор ва тубанкор дурванд — девлар Ашаҳ — Ҳақиқат муҳибларини шаҳар ё буткул ер юзида тириклик қилишдан тўхтатмоқ буладилар.

Эй, Мазда!

Кимки жон-дили, бутун куч-қудрати билан



¹ Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. М., «Наука», 1960, 47-бет.

у (дев) билаи жаиг қиларкан, жаҳон аҳлини
эзгу йўдан оғодлантиради ва уларга йул бош-
ловчи булади!..»

(Ясна, 46-ҳот.)

Барча яхшилик, гузаллик ва эзгулик
ҳомийси Аҳура Маздага олтига ёрқин кучлар
мадада беради. «Абадий яхшилик», «Яхши
фикр», «Яхши тартиб», «Муносиб қудрат»,
«Илоҳий тобеълик», «Сиҳат-саломатлик»,
«Абадийлик» сингари тушунчаларнинг уз
илоҳлари булиб Аҳура Мазда атрофида яхши-
лик уругини сепиб юради. Табиат воқеалари
ҳамада яхшилик билан боглиқ турли тушунча-
лар реал маъно касб этиб, инсонийлашган қиё-
фада тасаввур қилинган. Мол, олов, темир,
момақалдироқ, булутлар, юлузлар, ер, сув
ҳамада ўсимликларнинг уз худолари булган.
Масалан, Митра нур, ҳақиқат ва поклик худо-
си саналган.

Емонлик ва разолат худоси Анҳра Ману-
нинг ҳам уз ишонган руҳ ва кучлари мавжуд.
Анҳра Ману иложи борича Аҳура Маздага зар-
рар келтиришга, уни коинотдан сиқиб
чиқаришга ҳаракат қилади. У ёлгончилик, фи-
рибгарлик, иккиюзламалик, жаҳолат ва
қабоҳат тимсоли. Унга девлар ёрдам беради.
Айниқса, олтига дев маълум «Емон фикр»ни
ифодаловчи Апа Мана, «сулиш» ва «улим»
девлари Туарви ва Зариклардир.

Барча гузаллик ва яхшиликни вайрон
қилувчи, қутуриш, бузиш ҳамада вайронагарчи-
лик деви Айшма ҳисобланади. У уруш, жан-
жал, тўполон ва гина-қудурат қўзғатувчи,
маст булишга даъват этгувчидир. Ичиқоралик,
мижговлик, беандишалик, дангасалик, қизган-
чиқлик ва ҳоказо қусурларнинг ҳам уз девла-
ри булган.

Агар Аҳура Мазда яхши ва гузал нарса-
ларни бунёд этса, Анҳра Ману ёмон ва хунук
нарсаларни яратади. Бури, аждаҳо, илон, ча-
ён, қурбақа, чивин, чумоли ва турли-туман зар-
рарунанда ҳашаротлар шулар жумласидан-
дир. Агар ит вафодор ва фойдали жонивор
деб тасаввур қилинса, бури Анҳра Ману ярат-
ган ёвузлик тимсоли ҳисобланган.

Шундай қилиб, зардуштийлар дини ва таъ-
лимотидаги «Эзгу фикрат», «Эзгу калом» ва
«Эзгу амал» бирлиги нафақат уларнинг фал-
сафий-ахлоқий, шунингдек, умумий дунёқара-
шени ҳам белгиллаган.

Зардуштийлар XX асргача етиб келган
булсаларда улар асосан, Эрон, Ҳиндистонда
паноҳ топдилар. Мэри Бойснинг ёзишича,
1900 йилларда Яздада 10 мингга яқин оташпа-
растлар булган. XX аср бошларида Жаиубий
Эрон зардуштлари Бомбей оташпараствлари
билан алоқа боглаб турганлар. Зардуштийлар
таълимоти тарафдорларидан бир гуруҳининг
Ҳиндистондан Англия, Канада ва АҚШга
кучиб кетганлиги ҳам маълум.

1976 йилги статистик маълумотларга қара-
ганда дунёда 129 миғ зардуштийлик дини ва
таълимотига эътиқод қўйган одамлардан 82
миғи Ҳиндистонда, 5 миғи Покистонда, 500
киши Цейлонда, 25 миғи Эронда, улардан 19
миғи Техронда, 3 миғ киши — Англия, Ка-
нада, АҚШда, 200 киши Австралияда яшайди.
Санокди зардуштлар Гонконг ва Сингапурда,
Аден, Шанхай, Кантон ва бошқа жойларда ис-
тиқомат қилмоқдалар.

«70-йиллари, — деб ёзади Мэри Бойс, —
эронликлар Ҳиндистонда зардуштийлар феде-
рациясини туздилар. 1975 йили Төронтода
зардуштийларнинг I Шимолий-Америка сим-
позиуми қақрилли. 1960 йили Техронда зардуш-
тийларнинг I жаҳон конгресси, навбатдагилари
1964 ва 1978 йиллари Бомбейда утказилди.
Зардуштийларнинг II Шимолий-Америка сим-
позиуми 1977 йили Чикагода қақриллиди.

Бу конгрессларда оташпараствлар руҳоний-
ларининг сони, жамоа фаолиятида урфо-оадат-
лар аҳамияти, ибодат қилиш йул-йуриқлари,
болалар тарбияси, гайридин билан никоҳ
булгандаги аҳво, улим маросимлари ва ҳока-
золар муҳокама қилинди.

Зардуштийлар тобора камайиб ва йуқ
булиб бораётган булсалар ҳам уз эътиқодла-
рига қаттиқ ишонган одамлар. Улар асрлар
мобайнида одамларда келажакка умид, қаҳра-
монлик, яхшилик, эзгулик, ижодкорлик
туйғуларини тарбиялаб келганлар!»¹

Зардуштийлик динининг хуртаклари ибти-
дий жамоа даврида вужудга келгани, Марка-
зий Осие, Эрон ва Озарбойжонда кенг тарқал-
гани эътироф этган Н. Маллаев ёзган эди:
«Авесто» ҳақидаги баъзи масалалар ҳозирга
қадар жиддий мунозараларга сабаб булиб кел-
моқда. Бу мунозаралар «Авесто»нинг мазму-
ни ва моҳияти масалаларини ҳамада унинг ярат-
илган даври ва жойи каби проблемаларни уз
ичига олади. Шу билан бирга, «Авесто»нинг
таржималари ҳам бир-бирдан хийла, баъзан



¹ Мэри Бойс. Зороастрийцы. М., «Наука», 1988, 270—271-бетлар.

эса жуда кескин равишда фарқ қилиб, мунозаралар доирасини кенгайтиради».¹

Узоқ тарихий даврлардан буён ҳозирги Урта Осиё ҳудудида яшаган халқларнинг айригувчи белгиларидан кура муштарак хусусият ва умумиятлари кўпроқ бўлган замонлардан мерос қолган бу ёдгорликнинг қачон ва ким томонидан яратилгани ҳам тарих илми учун ниҳоятда зарур бўлса-да ҳозир биз унинг, биринчидан, халқимиз маънавий меросининг нодир саҳифаларидан бири сифатида қабул қилишимиз ва, иккинчидан, унинг Эрон, Озарбойжон ҳамда бошқа улкаларга ҳам кириб бориб, у ерларда маълум узгарिशлар ва янгиланишларга дучор бўлганини тан олишимиз лозим. Ана шунинг учун Н. М. Маллаев таъкидлаганидек, «Авесто»га Урта Осиё халқларининг (узбеклар, тожиклар, туркманларнинг) қадимги ота-боболари асос солиши билан бирга, унга эронликлар ҳам, озарбойжонликлар ҳам қатта ҳисса қўшдилар. Бу «Авесто»га маълум муштарак ёдгорлик тусини бери».²

«Авесто»нинг тили ҳақида ҳам фаразлар кўп. «Занд» тилида («Занд — Авесто») ёзилган деган фараз ҳам асоссиз; мидия тилида, бақтрия тилида; авесто тилида, сўғдиёна тилида ва ҳоказо тилларда ёзилган деган тахминлар учрайди.

Бир нарса равшанки, «Авесто» матни узоқ асрлар давомида қоҳинлар хотираларида сақланиб, кейинчалик бу қоҳинларнинг яшаш жойи ва тилига қараб эрамыздан аввал III асрда ёзма тус олганиги ҳақиқатга яқин. Ҳар қалай, нима бўлганда ҳам «Авесто» воқеалари ва қоҳинлар фаолияти Яқин ва Урта Шарқ оралигида кечгани, Хоразм эса бу масканнинг маркази бўлгани тарихан маълумдир. Шу тариқа парфян алфавитида ёзиб олинган қисмларгина кейинги авлодлар сўзига парча-парча ҳолда бўлса ҳам етиб келади.

«Шундай қилиб, — дейди Е. Э. Бертельс, — Кушан давлатидан илгарироқ эрамыздан аввалги II аср сосонийлар Эронда эмас, шарқий туманларда бу муқаддас китоб матни вужудга келади ва Аршакилар мамлакатида (эрамыздан аввалги 250-йиллар — эрамызнинг 226 йиллари) Бақтрия ва Сўғдиёнадан келтирилган тайёр ёзма китоблар ҳам мавжуд бўлган».

Е. Э. Бертельснинг бундай тахминлари ҳам

ҳақиқатнинг ойдинлашувига ёрдам беради. Кейинчалик бу китобларни кучириш ва тарқатиш ишлари Эрон, Мидия ва Озарбойжонда кенг тус олади.

«Авесто»нинг ҳозирги бизга маълум бўлган энг қадимги, 1324 йили кучирилган нусхаси Копенгаген шаҳрида сақланади. 1996 йили Эронда чоп этилган икки жилдли «Авесто» ҳам анча мукамалдан нашр ҳисобланади. Тадқиқотчилар фикрига қараганда, сосонийлар давридан «Авесто»нинг 21 китоби (наск) сақланиб қолган. У 348 бобдан ташкил топиб, 345700 сўздан иборат бўлган. Бу боблар тангрини мадҳ этиш, яхшилик ва нажот топишга бағишланган муножот тарзндаги ноалалар, ҳамду санолардан ташкил топган.

Огзаки тарзда авлоддан авлодга, замонлардан замонларга ўтиб келган бу муножотлар худди тукилган маржон доналаридай қачонлардир, қаерлардадир йўқолган, қамайиб борган. Натижада сунги даврларгача «Авесто»нинг тўртдан бир қисми (83000 сўздан иборат), алоҳида-алоҳида боблари, парчалари сақланиб қолган.

«Авесто» — маздапарастлар динига мансуб барча адабиётларнинг умумий номи. «Авесто» сузи қадимий маздапарастларнинг узигагина мансуб бўлиб, «А» артикули ва «виста» феълидан иборат. «Виста» сузининг узаги «вид», «ванд» бўлиб, маъноси «танимоқ», «билмоқ», «топилоқ», «қуринмоқ» каби дир. Ҳиндларнинг энг қадимий «Видо» китобининг номи билан илдизи бир. Шу маънода «Авесто»ни «Огоҳнома» ё «Донишнома» маъносига тушуниш мумкин.

Ҳозирги маълумотларга кура «Авесто» Ясна, Яшт, Виспарад, Вандидод, Кичик Авесто қисмларидан иборатдир. Е. Э. Бертельс, И. С. Брагинский ва Н. М. Маллаевлар «Авесто»нинг бу қисмларини қуйидагича изоҳлайдилар:

— Ясна — ҳамду сано, муножот ва қурбонлик дуоларидан ташкил топган 72 бобли тўплам. Унинг 17 боби готлар — гимнлар деб аталади. Улар «Авесто»нинг энг қадимги боблари ҳисобланади. Готларнинг асосий гоъси «эгу фикрат, эгу калом, эгу амал»ларнинг бирлигини мадҳ этишдан иборат;

Яштлар — зардуштийларнинг алоҳида худоларини мадҳ этувчи қушиқ-оятлардир. Уларда қадимий ривоятлар қўлаб учрайди. Бу ривоятларнинг айримлари Фирдавсийнинг



369

¹ Н. М. Маллаев. Узбекистон адабиёти тарихи. Тошкент, «Урта ва олий мактаб нашриёти», 1963, 72-бет.

² Н. М. Маллаев. Узбекистон адабиёти тарихи. Тошкент, 1963, 74-бет.



«Шоҳнома»сида уз ифодасини топган. Яштарнинг аксарияти шеърйи шаклда битилган; Виспарод — асияларга қўшимча тарзда ёзилган, 24 бобдаи иборат ибодатга доир қўшиқлардир;

«Вандидод» — «Видидаводата» сузининг узгарган шакли булиб, девларга қарши қону маъносини англатади. У ёмонлик, жаҳолат ва разолат тимсоллари — девларга қарши кураш қонуномаси ҳисобланган. Унда ибодат қилиш тартиби, буни бузганларни жазолаш қонун-қоидалари ҳам акс этган. «Вандидод» 22 бобдан ташкил топган.

«Вандидод»да, шунингдек, уликни ерга кумиб, уни ҳаром қилган ёки ёлгон ваъда берган одамни жазолаш, табиблар хусусида, уликларни қўядиган даҳмалар қуриш, кумиш маросими ва уликдан ёмон жинларни қувиш учун ёнига ит олиб бориш, ит боқиш ва уларни эҳтиёт қилиш, аёллар билан ойнинг қайси кунлари муносабатда булиш, соч ва тирноқларни қачон олиш ва уларни тоза сақлаш, уз қичқирғи билан ёмон нарсаларни қочирувчи хуроз ҳақида, сувнинг шифобахшлиги, чақалоқни парваришlash, Аҳура Мазданинг одамларни турли бало-қазолардан асраши ва ҳоказолар баён этилади.

«Кичик Авесто» — у Қўёш, Ой, Ардвисура, Баҳром сингари худо ҳамда маъбудалар шарафига айтилган дуо матнларини уз ичига олади.

Зардуштийлик сосонийлар даврида давлат дини мақомини олгач, «Кичик Авесто» ҳам ёзма тус ола бошлайди.¹

Жаҳон олимлари бир нарсада муштарак фикрга келдиларки, «Авесто» матнлари қадим замонларда бир-бирга яқин ва қўшни халқлар томонидан ҳар хил тилларда авлодан-авлодга мерос қолдирган маънавий қадриятимизнинг нодир намунасидир. Гарчи бу

ажойиб ва муқаддас меросимизнинг қачон ва ким томонидан бунёд этилганини ҳозирча очиқ-ойдин айтиб бериш қийин бўлса-да, тарихчи, археолог ва тилшунос олимларнинг тадқиқотларини умумлаштирган ҳолда унинг ватани Хоразм деган фикрни ҳеч қандай шакшубҳасиз эътироф этиш мумкин.

Биринчи марта «Авесто»нинг таржимасини «Санъат» журналида 1991 йили эълон қилишимиздан олдин Абдусодиқ Ирисовдан бу таржима билан танишиб чиқиш ва иложи бўлса уз фикр-мулоҳазаларини ёзиб беришни илтимос қилганимизда у киши таржимага сўзбоши иншо этиб қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Бу уринда «Авесто»ни биринчи бор узбекчага ўғирришга бел болаган таржимон Асқар Маҳкамни табрикламоқчиман. У киши бундай ута савобли, олижаноб ишга бел боглабдилар, асарни синчковлик билан урганиб, ҳар бир ибора, сатр, сузаларига эҳтиёткорона ёндашиб, уни шарқу изоҳлар билан таъминлабдилар, таржимани дид қаламлари билан безабдилар. У кишининг бу ишга бел болаганларига офаринлар айтаман».

Ана шу тариқа бизнинг «Авесто»га бағишланган қарийб ўн йиллик фаолиятимиз натижаси улароқ қўлингиздаги унинг биринчи бор ҳозирги замон узбек тилига ўғиррилган матнининг дастлабки наشري дунёга келди.

Таржима ва матн шарҳларида айрим камчиликлар, етишмовчиликлар, англашилмовчиликлар булиши мумкин. Бу ҳол табиий. Буни хайрли иш йулидаги заҳматлар эвазига маъзур тутасиз ва китоб тахририяти барча холисона танқидий мулоҳазаларни иккинчи жидди чоп этиш асносида, албатта, инобатга олади. Чунки биз «Авесто»да зикр этилган «Эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амал» руҳида меҳнат қилишга ҳаракат қилдик.

II

Инсоният тарихи — табиат ва ҳаёт ҳақидаги оддий тасаввурлардан, чекланган эҳтиёжлардан мураккаб маънавий фаолият даражасигача ўсиш жараёнини уз ичига олади. Инсоний цивилизациянинг бошланишида маънавият бир пайтнинг узида инсоннинг қоричма тафаккури ҳосиласи ҳамда сабаби тарзида кузга ташланади.

¹ И. С. Брагинский. Из истории таджикской народной поэзии. М., «Наука», 1956; Э. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. М., «Наука», 1960; Н. М. Маллаев. Узбек адабиётини тарихи. Тошкент, «Урта ва олий мактаб», 1961.

¹ Абдусодиқ Ирисов. «Авесто» китоби. Санъат, 1991, 3-сон, 7-бет.

маънавият йўлини қанчалик узун ва узлуксиз эканлигидан далолат беради. Бу йўл шунчалик сўқмоқларга мўл эканки, одамзод ҳақиқат ва ҳақ бекатига етиб келгунча жуда кўп тафаккур ва руҳий қалъаларни қуришга, ўзи қурган «қалъа»ларни ўзи бузиб, яна бошқа тасаввур манзиллари яратишга тўғри келди.

Бизнинг асримизда олиб борилган археологик қазилмалар шундан далолат берадики, одамзод ибтидоий даврлардаёқ дунё ва коинот ҳақидаги қарашларида икки нарсани, яъни олам тўғрисидаги тушунча билан олам ҳақидаги тасаввурларини доимо бирга қўшган ҳолда тараққий этган.

Тасаввур тушунчани етаклаган, тушунча эса тасавурни етаклаган. Булар тинимсиз оқувчи дарёнинг икки қирғоғини боғловчи ҳам кўприк, ҳам йўловчи вазифасини бажарганлар.

Инсоният табиат, жамият ва коинот ҳақида қанчалик билим ва тажриба тўпламасин, бир томонда, атроф-муҳитга унинг мослашуви ва яшаш тарзи осонлашган билан, иккинчи томондан, чуқурлашган маънавият уни янгидан-янги жумбоқлар, саволлар ва даъволар олдидан оғиз етиб қўйверган. Одамзод ўз ақлий эркинлигини кучайтирган сари маънавий эркинликка эришишнинг мушкуллигига гирфтор бўлиб бораверган.

Йўқдан бор бўлиши ва борнинг охириқабат йўқ бўлиб кетишини тушуниш одамзод тафаккурини ҳаракатга келтирувчи асосий омилга айланган ва мана шу жараёни идрок этгандан кейинги даврни инсоният цивилизациянинг бошланиш нуқтаси деса бўлади. Одамзод ўзини инсон сифатида ҳис қилгандан буюн, бир томондан, ўзини янги мавжудот сифатида тасдиқлаш йўлини меҳнат ва тажрибадан топса, иккинчи томондан, инсон умри ва тасаввурининг абадийлигини таъкидлаш жараёни ҳам давом этди. Абадият тушунчаси инсоннинг ҳам оғизлик, ҳам қудратига чиқарилган хулоса эди.

Табиат ва коинотдаги инсон идрок этолмаган сиру синоатлар уни оғизлигини ҳис қилдирад, бироқ улар билан бўлажак руҳий мулоқотлар илнжи уда куч ва ишонч туйғусини уйғотарди.

Ана шунинг учун ибтидоий одамлар дунёни чуқур билишдан аввал умуман «қуриш»ни, умуман «идрок этиш»ни афзал билганлар. Бу табиий эди. Одамзод ҳали инсоният бўлиб шаклланимаган эди. Табиат табиатлигича, одам узича, коинот сирлидигича яшарди. Табиатдан

одамзод, одамзоддан табиат ажралмаган замонлар эди.

Қачонки, одамзод ўзини табиат ва коинот сарвари сифатида ҳис қилгандан кейин, жамият ҳаёти ва инсон умри инсоий эҳтиёжларини ақл билан қондириш ва маънавий муносабатларни ўрнатиш эканлигини тушуниб етгандан кейин тасаввур ва тушунча ўртасидаги зиддият камаё борди, жамият деб аталмиш одамларни бир-бирига боғлиқ ва бир-бирисиз яшашининг иложи бўлмаган бирлиги вужудга келди.

Одамзод пайдо бўлгандан буюн икки хил эҳтиёж билан яшаб келади: бири моддий талабот, иккинчиси маънавий чанқоқлик. Уларнинг ҳар иккаласи одамларнинг турмуш тарзини белгилайди. Агар аввал моддий талаботлар устунлик қилиб, инсон яшаш ва ҳаёти учун биринчи даражали зарурият ҳисобланган бўлса, жамият тараққийнинг маълум даврларига келиб, маънавий эҳтиёжлар, руҳий олам моддий оламни белгиловчи кучга айланади. Шу тариқа емоқ, ичмоқ, киймоқдан кура лаззатланмоқ, қўвонмоқ, заъқ олмоқ, севмоқ устунлик қила бошлайди. Агар моддий эҳтиёжлар ўз чегараси ва доирасига эга бўлса маънавий эҳтиёжлар поёнсиз ва узлуксиз руҳий оламга айланади. Чанқаш, қарчаш, оғизликлари қондириш чегараси мавжуд, аммо севги, ирода, илм, гузалликка интилиш сингари маънавий эҳтиёжларнинг чегараси йўқ.

Инсоният маънавий юксалишидаги энг буюк нуқталардан бири — уни табиат ва одамзод ҳаётидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносибликнинг мавжудлигини идрок этиш, табиат, инсон ва дунёнинг тартибли яратилиши ҳақидаги тушунча бўлди. Тун кетидан куннинг келиши, дарёларнинг юқоридан пастга оқиши, иссиқ билан совуқнинг фарқи, аччиқ билан чучук, яхши билан ёмоннинг фарқига бориш одамзоднинг инсон бўлиб шаклланишида жуда катта аҳамият касб этди. Буни қадим-қадим замонларда яшаб ўтган аждодаларимиз дини, санъати ва осори атиқалари исботлаб беради. «Авесто» парчалари билан танишганда мингминг йиллар илгари яшаган одамларнинг дунёқарashi, табиат ва жамиятга муносабати қанчалик мураккаб тарзда шаклланишига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги замон цивилизацияси даражасида туриб утмиш аждодаларимизнинг «Ҳақиқат нима?», «Гузаллик нима?», «Яхшлик нима?», «Ёмонлик нима?», «Хунулик нима?» деган саволларга берган жавоблари билан танишиб,





уларнинг қанчалик ҳаёт билан узвий алоқада эканлигига ҳайрон қоламиз. Кониотдаги нур ва зулмат, иссиқ ва совуқ, ҳаёт ва улим, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, гузаллик ва хунуқлик, ҳақиқат ва ёлгон ҳақидаги оташпарастларнинг тушунчалари воқеликка хос булган гармоник мутаносиблик ва унинг бузилиши, узилиш ҳолатлар, табиат, инсон ва жамиятга эстетик муносабат инсон камолотидан дарак берувчи фазилат эканлигини чуқур ҳис қилинганлигидан далолат беради.

Тушунча ва тасаввурлардаги ижтимоий тажрибанинг ожиз ва торлиги, уз навбатига, мифология тафаккур тараққиётини ҳам белгилаган. Афсона ва ривоятларда инсоният болалик чоғининг дастлабки бадий-эстетик тафаккур тарзи уз ифодасини топган. Нимаики инсон диққатини жалб этган бўлса, ниманики инсон хоҳлаган ёки тасдиқламоқчи бўлса, албатта, бундай ният, орзу ва амал гуначалари образли хаёлот пардаси билан уралган. Ана шу тариқа диний, фалсафий, бадий тафаккурнинг бирлигидан ташкил топувчи мифология (афсона, ривоятлар) инсоният билими ҳамда ахлоқий-эстетик тасаввурларининг дастлабки қомуси вазифасини бажарган. «Нима учун ва қандай қилиб?» деган савол биринчи бор афсона ва ривоятларда уртага ташланиб, ҳодиса ҳамда воқеалар уртасидаги сабаб-оқибат масаласи диний таълимотларда узининг мутлақ тасдиқ ҳукмини олган.

Инсоният тарихи — бу инсон тафаккури ва тасаввурининг кенгайиш ва чуқурлашиш тарихидир. Кенгайган тафаккурга дунё кенг туюлган, тор тафаккурга — дунё тор кўрилган.

Бинобарин, ҳар бир миллат тарихи ва қадриятларини билиш учун, унинг инсоният бағрида қолдирган маънавий жавоҳирларини англамоқ учун унинг дини, тафаккур тарзи, бадий-эстетик идеали ва руҳоний кечинмаларини биламоқ зарур. Инсон жамияти юксалган сари бу маънавий жавоҳирлар ҳам муштараклик, ҳам узига хослик қонуниятлари асосида тараққий этиб, миллат ва мамлакатнинг тарихий уриш ва қадрини ҳам белгилаб келган. Уз маданияти, тарихи ва тақдири жуда узоқ замонларга бориб тақалувчи Урта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, бадий-эстетик ва фалсафий тафаккурининг зардуштийлик дини билан боғлиниши бежиз эмас.

Эрамиздан аввалги минг йиллар даврида Урта Осиё, Эрон ҳамда Ҳиндистонда кенг тарқалган зардуштийлик дини нанкики уз даври, балки кейинги давр жаҳон маънавий-руҳоний тараққиёти тарихида ҳам жуда катта роль ўйнаган.

Бу диний таълимдан бошлаб дунёни фалсафий идрок этиш, ахлоқан покланиш, инсоният маънавий оламига чуқур кириб бориш, инсон бурчи, нафосатни илғаш сингари масалалар одамларнинг одатига айлана боради. Зардуштийлик динининг марказида ҳам жисмоний ва руҳий оламнинг яратилиши ётади. «Бир қасидада пайгамбар Зардушт сурайдик: «Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам суннишини яратган? Ким ерни ва тушиб кетмасини деб булувларни ушлаб туради? Ким сув ва даракларни яратган? Ким шомол тезлигини булувлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, туш ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушқи пайт ва кечага итоат этувчининг, руҳини бошқаради? Ким отаниннг юрагига утил кўриш орзусини солган?»

Бунинг ҳаммасини Ахура Мазда бунёд этган. Уни узи уз руҳидан, одамни жонли, онгли, узини узи англагувчи қилиб яратган».¹

Зардуштийлик динининг фалсафий моҳиятида дунё мураккабликкари, уларни тушуниш ва тушунтириш муаммолари уз ифодасини топган. Дуализмга, руҳ ва моддийликнинг ҳаётлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига биноан, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва улим, таъна ва жон, яхшилик ва ёмонлик, ижобий ва салбий, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобеълик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий кўрашидан иборат. «Мен азалдан таркиб топган иккита нарса қаҳида галирмоқчиман, дейилади «Авесто»да, — ёзади А. О. Маковельский, — илоҳий субстанция Аҳриманга — нолок субстанцияга шуни уқтирадики, бизнинг фикримиз, бизнинг таълимимиз, бизнинг ниятимиз, бизнинг эътиқодимиз, теран нутқимиз бизнинг амалларимиз, бизнинг вужудимиз ва руҳимиз бир-биримизга тамомилка қарам-қаршидир».²

Шунга биноан кураш табиатда (нур ва зулмат), борлиқда (ҳаёт ва улим), ижтимоий ҳаётда (адолат ва адолатсизлик), ахлоқда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гузаллик ва хунуқлик), динда (Ахура Мазда билан Анҳра Мануни азалий ва абадий келишмаслиги) намён бўлади.

¹ А. А. Погодин. Реалия зороастризма. Спб., 1903, 14—15-бетлар.

² А. О. Маковельский. Авесто. Ваву, 1960, 2-бет.

Аҳура Мазда барча ёрқинлик, яхшилик ва адолат мойси, Анҳра Ману эса зулмат, зулм, хунукалик ва ноҳақлик уругини сочгучи. Бири бахт ва шодлик белгиси, иккинчиси разолат ва жаҳолат тимсоли.

3. Бу ибтидоий руҳлар эгизак бўлсалар-да ўз фикрати, каломи ва амалларида бир-бирига тескарисидир. Улар — яхшилик ва ёмонлик фазилатларида эмас, гуноҳларида фарқ қиладилар.

4. Бу икки руҳ пайдо бўлгач, ҳаёт ва ўлимни яратдилар; охирагда Айёр руҳ гуноҳкорларга, Фозил руҳ эса сомеъларга насиб қилгай.

5. Айёр руҳ барча ёмонликларни ўз тасаруфига олди, Маздага инонганлар эса фозил руҳ шаънида бўлади.

6. Улар уртасидаги фарқни ажрата олмаганлар девлар олдига югурдилар ва Айёр руҳ тузоғига илиндилар, газаб худосига учрашиб одамларни касалликлар билан қийнашга тутидилар.

7. Фозил руҳга барча эзгуликлар қолди, унинг вужуди олижаноблик билан сугорилди.

8. О, Мазда! Қачон бу жиҳолар жазоланади? Қачон сени подшоҳлигиндан ёлгон кетиб, ҳақиқат қарор топади?

9. Ана шунда Айёр руҳнинг кунни битади. Барча фозил руҳ — Мазда ва Ҳаққониятнинг гузал масканига тулланиб, дорилмомон яшашга муяссар бўлади».¹ (Ясна, XXX).

Мана шу икки руҳ, икки куч дунёни бошқаради. Улар уртасидаги кураш абдий. Бу курашда бутун олам ва қуёшни яратган Аҳура Маздага унинг доно ва ўлмас руҳонийлари ёрдам беради, Анҳра Ману эса ўзини барча қора ва жоҳил ишларини қора ва жоҳил кучлар орқали амалга оширади: «Ибтидода бу икки тугишган — ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири эзгулик, бири ёмонлик узаро сужбат қурдилар.

Бу иккидан бири, яъни эзгуликни ундан огоҳлар ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар.

Бу икки олам бир-бирига етишганидан сунгра илк бор «тирилик» ва «нотирлик»ни бунёд айладилар. Бу ҳол олам сунгига-ча давом этавереди...» (Ясна, 30-қоҳж, 3-4 бандлар).

Аҳура Мазда дунёни яратиб, ерларни, молларни одамларга тақсимаб, бошпана берар эваң, тинч меҳнатдан роҳатлаишни, бог яратишни, мол боқишни, деҳқончилик қилиб,

уй қуришни ва покиза ҳаёт кечиришни ато этади. Анҳра Ману бўлса дунёга жоҳилик ва касаллик уругини сепади, одамлар уртасида жанжал ва қон тўкиш, уруш ва тўполонлар уйғотишга интилади.

«Авесто»да баён этилган яхшилик руҳи — бу яратувчилик, бунёдкорлик кучи, ёмонлик руҳи эса — бузиш ва бузгунчиликка олиб келади. Яхшилик — ҳаёт рамзи, ерни одамлар, фойдали ҳайвонлар ва усимликлар билан тўлдириш, инсоният умрини соғлиқ, куч-қудрат, бахт ва шодлик, умид ва ишонч, гузаллик ва эзгу фикрат, тўкин-сочиналик билан мунавар этмақдир. Ёмонлик эса қурғоқчилик ва очарчилик, молларнинг қирилиб кетиши, касаллик ва офат, жисмоний ва руҳий бузилишнинг оқибати.

Бу кураш асносида гоҳо ёлгон ва зуравонлик, зулмат ва бетоблик, ноҳақлик ва фирибгарлик устун келиб қолса-да, Аҳура Мазданинг ёрқин кучлари пировардида Анҳра Ману устидан голиб чиқадилар ва дунёда нур яхшилик, гузаллик ва қувонч тантана қилади.

Ана шу тариқа Зардушт Аҳура Мазда орқали дунёда одам нуҳсасида юрадиган барча девларни, жаҳолат ва разолат кучларини етти қават ернинг тагига киритиб юборади.

Зардуштийларнинг дунёқарашига кура дунё худо томонидан яратилган ва охирагда ҳам ҳаёт мавжуд. Зардушт дуализм принципига содиқ қолган ҳолда ўлган одамнинг охирагдаги қисматида ҳам тозалик ва покликнинг, яхшилик ва эзгуликнинг асосий омили бўлиб қолишини таъкидлайди.

XXII Яшда Зардушт Аҳура Маздадан тақводор киши ўлгандан кейин уч кун мобайнида унинг жони қаерда бўлади, деб сўрайди. Аҳура Мазда жавобига кура, жон одам бошининг атрофида бўлиб, ўша кечаси тирик пайтида кўрган барча завқ-шавқларига тенг роҳат олади. Уч кундан кейин тақводор жони усимликлар узра қалқиб туради. Уни жануб мамлакатлардан эсган бошқа шамоллардан-да муаттар бўлган шамол қаршилайди. Шамол журигида унинг дини нурга чўмилган, оқбада, тиқмачоқ, қадади-қомати келишган, моҳирўй, кўкраклари ойдақ, ёйсимон белли, олижаноб ва юзидан нур ётилган, ўн беш ёшли, барча гузалликлар гузали сиймосидаги қиз келади.

Бу гузал қиз ўз ҳаётида кўп яхшиликлар, пок ва олижаноб ишлар қилган тақводор



¹ К. Г. Зелеман. Всеобщая история литературы. Под редакцией В. Корши, вып. I, СПб., 1880, 174-бет.

одамнинг диний-эътиқод рамзи сифатида пайдо бўлади.

«Авесто»да жон тафсилоти худди реал одамларнинг ҳаёлидай зикр қилинади. Одамнинг жони утган дунёдаги нарсаларни тақрорлайди, инсоннинг жони чиқиши билан қилган яхши амаллари унга мукофот тарзида қайтиб келади. Ёруг дунёда яхши амаллар қилган йигитни жони гузалдир. Йигитнинг жони қиз сиймосида «мулоим эдим, янада мулоимроқ қилдинг, чиройли эдим, янада гузал қилдинг, баланда эдим, эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амаллар билан мени янада баландроқ кутардинг» дейди.

Қурииб турибдики, Зардушт фикрича, жон танани тарк этган инсоннинг яхши ва гузал амалларидир. Уз ҳаёти давомида гузаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида хизмат қилган одам порсо ва ҳақгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни бегараз кутган, хотинини севиб, ерни, молларни парвариш қилган, одамларнинг молу мулкига куз олайтирмаган, табиати асраб-авайлаб ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурланади.

Гуноҳқорнинг эса жони чиққач, унинг жони боши атрофида тентирайди ва уч кун давомида барча ёмон одамлар тортадиган нохушликни куради. Уч кундан кейин гуноҳқор жони ўзи бунёд этган барча ёмонлик ва разолатлар устида учади. Гуноҳқор жони ҳаёт чоғида курмаган хунук, бадбашара бир қизни учратади. «Эй, қора юрак, заҳар тили, мунофиқ гуноҳқор, — дейди у, — мен қиз эмасман, сен ҳаётда қилган ёмон амалларингман. Чунки сен ҳаётда худога эътиқод қўйганларни кўриб туриб, девларга сизингмансан. Яқин-узоқдан келган мусофир одамларга бошпана берганда, меҳнат қилганда, хайр-садақа улашганда яхши одамларни камситиб, ҳақорат қилгансан, эшигингни ёпиб қўйгансан. Ҳаққоний ҳукм чиқарилганда, пора олинмаганда, тўғри гувоҳлик берилганда ва тўғри гапирганда сен кўриб туриб, адолатсизлик, ноҳақлик қилиб, ёлгон сузлар айтгансан. Ол! Мен сен уйлаган, айтган ва қилган ёмон фикрат, ёмон калом ва ёмон амалларингман. Номуссиз эдим, сен туйфайли баттар оримни йўқотдим, жирканч эдим, янада нафратли бўлдим, шарманда эдим, баттар расво бўлдим».¹ Ёмон ва разил одамларни ҳам охиратда ана шундай нарсалар ку-

тади. Гуноҳқорни улимидан кейин кутаётган нарса унинг танаси билан жони ўртасидаги ихтилофдир. Гуноҳқор дунёда фикри, сузи ва ишларидаги тартиб ва бирлиكنи йўқотгач, иложи борича яхшиликнинг тантанасига ҳалал беришга ҳаракат қилади, мол-чорвага, экинга, бола тугилишига, аёллар ҳуснига, эркаклар шухратига зарар келтиришга ҳаракат қилгани учун тана билан жон ўртасида низо келиб чиқади.

Бу нарса зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик моҳиятини яққол намоён қилади. Қарда фикр, суз ва иш уйғунлиги бўлса, уша ерда олижаноблик ва гузаллик галаба қозонади, қачонки тана ва жон нифоққа учраса, инсон ҳаёти таназулда, жони эса қилган ёмонликлари жабрини тортиб, азобда қолади. «Кимки ёруг жаҳонда ақлли бўлса, донишмандалик саалнати булган у дунёда абдий қолади».¹

Қурииб турибдики, кейинчалик урта асрлар фалсафасининг марказий муаммоси булган тан ва жон, руҳ ва қалб, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва улим, гузаллик ва хунукликни идрок этиш масалалари зардуштийлик таълимотининг асосини ташкил этган.

Агар зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик қарашларига назар ташлайдиган бўлсак, шу нарса кўзга яққол куринадики, бу диний таълимотнинг асосий фалсафий йўналиши купроқ инсоннинг, реал ҳаёт тажрибаларига қаратилган. Жон тушунчасининг ўзи ҳаётини мағизга эга булган маънавий субстанция тарзида тушунилади. Жон яшаш ва амал доирасида ўта илоҳийлаштирилмасдан пиरोвард оқибатда, ўз эгаси билан мулоқот қилувчи инсон виждони сифатида кўзга ташланади.

Дунё, коинот, табиат ҳақидаги тасаввур ҳамда тушунчаларни икки қўтб ўртасидаги кураш тарзида идрок этиш, барча ҳодисалар замирида Аҳура Мазда ва Анҳра Ману бунёд этган яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва улим ўртасидаги кураш ётишини таъкидлаш зардуштийлик фалсафаси инсон табиати бўйича нақадар чуқур таълимот қолдирганидан дарак беради.

Зардуштийлар таълимотида кура, бир томонда, худо яратган қуёш, ой, юлдузлар ва «нур олами» мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ерга энг яқини юлдузлар, иккинчиси — ой сатҳи, учинчиси — қуёш ва туртинчиси «жан-



¹ Қаранг: К. Г. Залеман. Очерк истории древне-персидской или иранской литературы — Всеобщая история литературы, под ред. В. Корша, вып. 1, Спб., 1880, 183-бет.
² К. Коссович. Четыре статьи из Зендавесты. Спб., 1861, 42-бет.

нат» макони. Бундан ташқари, «Авесто»да қадимги бобокалонларимизнинг ҳаёт ва инсон, ахлоқ ва одоб, гузаллик ва ижод, қишлоқ хўжалиги ва жамиятдаги адолат тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топган.

Бундай бевосита ҳаётий эҳтиёж билан боғлиқ ўғит ва кўрсатмалар диний ақидалар билан йўғрилган ҳолда зардуштийлар дунёқарашининг дуалистик табиатини белгилайди.

Тинч меҳнат ва одамларнинг осойишта ҳаётига хайрихоҳлик зардуштийлик гоёларининг узига хос жиҳатларидан биридир. Босқинчилик, уруш, талонгарчилик, ноҳақликка нисбатан норозилик, тинч-тотув меҳнат қилиш орзуси «Авесто»да ўз ифодасини топган: «О, Мазда, қачон бизга яхши ҳаёт ва яйловлар ҳада этувчи Ҳақиқат ва куч-қудрат билан биргаликда Тинчлик келади? Ким бизни ёлгон, қонхурларнинг панжасидан қутқаради?»

Зардуштийлар учун Ҳақиқат, Қудрат ва Тинчлик тантана қилган ҳаёт гузал ҳисобланган. «Авесто»да Ҳақиқат, Тинчлик ва эркин ҳаёт билан боғлиқ ижтимоий идеални излаш нидоли сатрларда ўз ифодасини топган. Қандай қилиб Ҳақиқат ва Тинчликка эришиш мумкин? Қандай қилиб порсо бўлиб, Ахура Мазда ҳурматига сазовор бўлиш мумкин?

«Авесто»да уқиймиз: «Кимда-ким бугдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқат) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қурадли қилади.

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар уринларидан қупадилар.

Қачонки бугдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки бугдой ун берса, девлар нола чекадилар.

Қачонки бугдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

Қай бир хонадонда бугдой омбори бўлса, гуё қиздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди...» («Вандидод», 3-фарғард, 31-32-бандлар).

Бинобарин, тинч меҳнат, инсоннинг яратувчилик фаолияти тана ва жондаги барча нопок кучларни қувади; фақат меҳнат ва олиё

жаноб амаллар орқали нур ва шодлик олами кўпайтириш; фақат меҳнат туфайли Ҳақиқат, Тинчлик ва Давлатга эришиш мумкин.

Инсоннинг бундай яратувчилик қудратини идрок этиш жуда қадим замонларда яшган бобокалонларимизнинг тафаккур ва маънавий заковатидан дарак беради.

Ерга ва нонга бўлган мана шундай юксак ҳурмат ва эҳтиром ҳамон Шарқ халқлари тасавурида сақланиб қолган. «Она-замин», «Она-Ватан» тушунчалари ҳамда ерда ётган бир бурда нонни авайлаб покиза жойга олиб қўйилиши бунинг исботидир.

«Вандидод»да баён этилишича, ерни худди қизни севгандай севмоқ, унга яхши уруглар сепмоқ, уни мул-кўл ҳосил берувчи онага айлантирмоқ керак. Ахура Мазданинг кўрсатмасига биноан «ерга яхши ва кучли уруг сепмоқ» дунёдаги энг зарур қонун ҳисобланади: «Ёш келин эрига гўдак ҳада этганидай, ер ҳам уни чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан парвариш қилган одамга мул-кўл ҳосил беради. Ишлов берилмаган ва экилмаган ер эрсиз ва фарзандсиз жоҳил қиз каби бахтсиздир. Қиз яхши эрни орзу қилганидай, ер ҳам яхши қўшчига илҳақ».

Бу сўзлар зардуштийлар дунёқарашининг қанчалик оптимистик руҳда эканлигидан, воқеликка фаол муносабат ва инсоннинг яратувчилик қудратига ишонч туйғуси кучли бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, «Авесто» матнида жамоа ҳаётининг турли томонлари ўз ифодасини топиши билан баробар, жамоа меҳнати, жамоа манфаати ва жамоа идеали масаласи ҳам ёрқин гавдаланган. Ўз даврининг ахлоқий ва эстетик, фалсафий ва ижтимоий идеалларини ифодаловчи бу дунёқараш коинот воқеаларини инсонийлаштириш ва инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини илоҳийлаштириш бўйича кейинги аср ва даврларда таркиб топган турли-туман фалсафий оқимларга манба бўлиб қолади.

Шундай қилиб, зардуштийлик фалсафаси дунёга ахлоқий неъмат ва ҳикматнинг, гузаллик олами бахш этувчи завқ-шавқнинг, адолат ва тинчлик келтирувчи осойишталикнинг, покликнинг натижаси бўлган инсоний комилликнинг безавол қўшиқлари бўлиб тарқалди.

Бинобарин яхшилик қилмоқ учун, деҳқончилик ва дон экмоқ учун инсон фаол ҳақгўй бўлмоғи даркор. Инсоннинг фаоллиги ва ўз ишини билиши туфайли яхшилик дунёси





қупайиб, инсон ўз қалбидаги қат-қат ёмонлик, зулмат ва золимликдан фориг бўлади.

А. Л. Погодиннинг фикрига қура, зардуштийлик таълимоти биринчи навбатда ахлоқий ва эстетик идеалларнинг муштарак бирлигига асосланади: «Ўз яккахудалик таълимотидан илҳомланиб кетган Зардушт ахлоқий покликни тарғиб қила бошлайди; ахлоқ тангрисини пантеистик руҳда талқин қилингани учун унинг динига олам гузаллиги ва тартибдан эстетик завқ олиш белгиси ҳам кириб келди ва унга ерни, сувни, илоҳий олов ва барча ҳаёт гулзорини ифлос қилиб қўймаслик хавфи ҳам қушлади. Ҳар қандай жисмоний ва маънавий ифлослик мазапарастларда нафрат уйғотган. Покланиш — уларни биринчи ибодати саналган. Зардуштийларнинг таълимоти ана шундай ахлоқий-эстетик характер касб этган».¹

Шунинг учун «Авесто»нинг барча қисмлари инсонга ҳурмат туйғулари билан сугорилган: еру кўлдаги барча ҳаётий нозу неъматларни севиш ва ардоқлаш инсон учун муқаддас бурч ҳамда вазифа ҳисобланган.

Эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал бирлиги инсонни комиллик сари етакловчи руҳ бўлиб, унга эришган одам Оллоҳ таолога яқинлашиб боради. Ҳақ йўлида эзгу амаллар ила ахлоқий покликка эришган, шуурини тазарру тўлқинлари эгаллаган инсон моҳияти кейинчалик урта асрлар фалсафасининг тасаввуф оқимида ўз тараққиёт узанига эга бўлади.

Зардуштийлар тасавурида ўз фаолият майдонини кўпроқ ҳаётий неъматлар сари интилиб, эзгу амаллар бажаришга интилувчи инсон комил ҳисобланган. Унинг абадийлиги ҳам яхши ҳаётий эҳтиёж ва яхши ҳаётий орзуларининг тантанаси сифатида тушунилган.

Ахлоқий-эстетик баркамоллик асосида ҳам ҳаётий идеални кураманз. «Буюк уйғонишлар ва тараққиёт йўлида эришиладиган балоғатга содиқ қолайлик. Аҳура Маздага ухшаган, ўз халқига хайрихоҳ, одил тузувчи мос яхшиликлар қиладиган бўлайлик. Бизнинг ниятларимиз ҳақиқий донолик истиқомат қиладиган манзилларга интилсин. Комиллик таркиб топгач, бузгунчилик бурони ёлгончилик шайтони устига қулаб, уни барча кирдикорлари кунпаякун бўлмай. Кимки ўз ҳаёт йўлида яхши шуҳрат ва виждон билан юрган бўлса тезда Аҳура Мазда порсолари билан олий тангри даргоҳида тулпанадилар». (Ясна 30).

Инсон бурчининг бундай юксак қадрланиши, шахсий ахлоқий камолотни бошқаларга хайрихоҳлик туйғуси билан йўғрилиши, ҳақиқий донишмандликка интилиш ҳамда ёлгончилик ва ёмонликка нисбатан нафрат зардуштий ахлоқий таълимоти эришган катта муваффақият эди. Бу таълимот оптимистик руҳ билан сугорилган бўлиб, унга қура яхшилик ёмонлик устидан, нур зулмат устидан, гузаллик хунуқлик устидан галаба қозонади. Охиратда ҳам ахлоқий пок одамлар разил ва мунофиқларни енгиб, абадий қувонч бағрида яйрайдилар. Лекин қаҳрли ёмонлик инсон қалбига ёпишиб олиб, гоҳида ташқарига чиқиб, ҳаётнинг Ерқин кучлари билан олишиб туради. Яхшилик кучларининг галабаси ҳақиқий пайгамбар келгандан кейин содир бўлади ва у Анҳра Мануни батамом йўқ қилиб ташлайди. Кимки Зардушт ақидаларига амал қилса қуйидагиларга эришади: «Ҳар кун икки марта сув оқиб ўтадиган, сугориладиган бир булак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшлик хотини. Ҳовли-жойида олов ёниб турадиган, хотини бўлган, кўп фарзандли, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрган, ерни яхши парвариш қиладиган, молга яхши қарайдиган одам бегуноҳдир».

Кўриниб турибдики, Зардуштнинг ижтимоий идеали бевосита тинч ҳаёт, озик-овқатларнинг мулкўллиги, сеvimли хотин, кўп бола, соғлиқ ва узоқ умр билан боғлиқ. Шунинг учун Зардушт оламида на совуқ шамол, на жазирама офтоб, на касаллик, на ўлим бўлади!

«Вандидод»да ёзилишича, «Бунда баҳс-жанжал, бўҳтон, жоҳиллик, тиш тушиши, паканалик ва бошқа Анҳра Манунинг одамларга юқтирган бало-қазолари бўлмайди».

«Зардуштийлик дини илгари сурган ахлоқий-ижтимоий идеал кейинчалик урта асрлар фалсафасида ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳуқуқсизликка қарши курашиб, ҳаққоний, инсонпарвар ва эркин ҳаёт яратган яхши ва одил подшоҳар ҳақидаги қарашларда узининг маънавий ривожини топади. «Авесто»да эстетика фанининг марказий категорияларидан бири бўлган гузаллик Аҳура Мазда яратган уйғунлик ва тартибнинг муштараклиги сифатида талқин этилади. Бу уйғунликнинг бузилиши хунуқлик аломатидир. Мулк-ҳул ҳосил берган ергина, катта ва соғлом подагина, ерни сугорадиган дарё, оламни мунаввар этиб, одамларга завқ-шавқ уйғотувчи қуёшги-

¹ Проф. А. Л. Погодин. Религия Зороастра. СПб., 1903, 10-бет.

на гузалдир. Шунинг учун ҳамма ерга нур ва яхшилик, бахт ва роҳат уругини сепгувчи Аҳура Мазда гузалдир.

Тартиб ва олам уйғунлигига раҳна солувчи Анҳра Ману хунуқлик тимсоли. Бузгунчилик, талофат, очарчилик ва офат, ёмонлик ва касаллик, нопоклик ва ёлгон Анҳра Манунинг жирканч ва хунуқ руҳидан пайдо бўлади. «Ясна»да ёзилган: «Ҳавм, сенга дуолар булсин, ким бу уйда, бу қишлоқда, бу масканда бўлса, бизнинг қалбимизни танамизни ҳақорат қилса, унинг оёқларининг кучини ол, онгини хиралаштир, ақлини қисқа қил. Оёгига куч кирмасин, қўли кучга тулмасин, кўзлари ерни кўрмасин, кўзлари табиатдан қувонмасин!».

Зардуштийлар инсон гузаллигини ҳам инсоннинг ижтимоий идеал ҳамда амалларининг гузаллиги билан улчайди. Масалан, Яснадаги ривоятга биноан, Гайсу деган йигит ҳам қадди-қомати, ҳам руҳи билан шунинг учун гузалки, у отларни, одамларни ютаётган, ям-яшил заҳари урта бармоқдай йўғоналикда оқиб турган даҳшатли илонни улдиради.

Бинобарин, Зардуштининг воқеликка эстетик муносабати унинг ҳаётга бўлган қизиқишларининг натижаси сифатида кўзга ташланади. Гузаллик қаерда ва қачон намоён бўлмасин, у яхшиликнинг ёмонлик устидан, нафосатнинг хунуқлик устидан галабаси, ҳаёт, нур, олов ҳамда меҳнат тантанаси тарзида тасаввур қилинади. «Мен тоғ чуққиларида сени баданинг яйраб-яшнашига имкон берадиган булут ва ёмғирни дуо қиламан. Ҳавм, сен усган баланд-баланд тоғларни дуо қиламан. Мен сенга оталик қилган кенг, бепойи, унумли ерни дуо қиламан. Мен сен усаётган муаттар ҳилли заминни дуо қиламан. Сен қушлар мисоли, порсолик мойси бўлиб усгин. Менинг паноҳимда бутун баданинг, бутун шохларинг, бутун баргларинг билан усгин». (Ясна, X, III).

Зардушт таълимотида қанчалик чуқур қириб борсак, унда инсон гузаллиги қанчалик юксак ахлоқий-эстетик идеал нуқтаи назаридан таъқин этилганини кўрамиз. Инсон фикри, сузи ва иши билан гузалдир деган гоя «Авесто»нинг бошдан охиригача асосий фалсафий-эстетик гоя бўлиб ўтади. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гузаллигини белгилайди. Суз Зардушт наздида яхши фикр ва эзгу амал ифодасидир. Шунинг учун овознинг ширалиги ва майинлиги, шеърларни чиройли ўқий билиш ва дуолар тиловатида меъёрни сақлай олиш

инсон эстетик маданиятининг белгиси ҳисобланган. Яснада ёзилганидек, Зардушт тугилган заҳоти, шеърини дуоларни тўрт марта тухтаб-тухтаб, ҳар гал овозини баланароқ кўтариб ўқиган.

Демак, зардуштийлар инсон овозига хос булган эстетик таъсир этиш қувватидан дуоларни ўқий ва одамлар руҳиятига кириб боришда усталик билан фойдаланганлар.

Инсон гузаллиги жисмоний ва маънавий салоҳиятлар уйғунлигида ташкил толади. Порсо одам барча гузал нарсалар меъёри, зардуштийларнинг ахлоқий-эстетик қарашлари моҳиятини ташкил этади. Шунга биноан зардуштийлар фалсафасида эстетик, ахлоқий тасаввур ҳамда тушунчалар чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Худолар ҳам инсоний тус олишиб, улар ҳам эстетик жиҳатдан баҳоланган: Яхшилик ва Эзгулик худоси — комил, чиройли ва қудратлидир.

Аҳура Мазда барча инсоний яхши фазилатлар билан йўғрилгани учун унга ибодат қилиш, унга интилиш, у билан маслаҳатлашиш, уни ҳурмат қилиш керак. Унинг ўзи осмону фалакда турса ҳам ердаги барча яхши ва эзгу амалларни бошқаради. У реал инсонлар қиёфасидаги гузалликдир.

Бу нарса зардуштийларнинг инсон, жамоат ва ҳаёт устида қайғуриш билан боғлиқ гуманистик гояларини белгилайди. Чунки Аҳура Мазда дунёга гузаллик билан ҳаққониятни ўрнатиш учун келган. Агар зардуштийлар «гузаллик» тушунчасига Аҳура Мазда томонидан бунёд этилган мутаносиблик, дунёвий бирлик ва тартибни қўйган бўлсалар, чиройлилик конкрет ҳиссий идрок этилувчи маънога эга. Масалан, эркак киши соғлом ва дуркун аёлга уйланиши керак бўлса, отларнинг кучли ва оқ ранглиси яхши саналган ва ҳоказо.

Худо, инсон, табиат ва коинот гузаллиги ҳақидаги тасаввурлар ҳаётини кузатувларга асосланган. Инсон кўзига ва қалбига роҳат бағишлаган нарсалар чиройли саналган. Аҳура Маздага бағишланган тиловатлар ҳам инсонга илоҳий ҳузур бахш этадиган баланд тоғ чуққиларида ўқилган. Инсон руҳини, дилини, тасаввурини улуғлаш ва кўтариш, инсоннинг маънавият осмонига парвоз этишида мададкор бўлиш «Авесто» қушиқларининг романтик тантанаворлигидан далолат беради.

Масалан, намгарчилик ва ҳосилдорлик худоси Анаҳита шундай таърифланади:



У падарлик нутфасини яратгувчидир,
 У яратгай бу оламда бор аёл жинсин.
 Тугриқ учун водаллик багр — огушини.
 Тулгоқ дардин осон айлар аёл зотининг
 Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга тулдирар
 Она куксини.
 Қутлуг қадам ҳамда беҳудуд,
 Узунлиги тенг куррайи замин оралаб
 Оққан барча дарёларга, барча сувларга,
 Хунариё чуққисидан улоқиб, баҳри
 Варкушага етгувчи уқтам.
 Варкушанинг қиргоқлари қайғуда қолар,
 Кукрагида қулгай ваҳм ичра тулқинлар,
 Қачон уларнинг сорига,
 Қачон улар жонибига елиб келгай
 Арвисура Анаҳита...
 Арвисура Анаҳита
 Оқиб борди унга томон.
 Бир ларируй тимсолида,
 Сарвқомат ва шамшодваш,
 Камарбаста ва шоиста,
 Бошмоқлари туپиқчача ярқираган,
 Тиллодандр шокиласи.

Илоҳа Анаҳита ана шундай либос ва зебу-
 зиннатга бурканган, қадам-қомати келишган,
 пок ниятли қиз сиймосида гавдаланади:

Қуллариди барсман унинг бир мезърда,
 Балдоқлари ярақлаган, —
 Турт қиррали,
 Олтин суви юргизилган.
 Шафқатпеша Арвисура Анаҳита
 Гарданига чирмашгандир
 Гузал шода.
 У қоматин тараиғ тутар,
 Буртиб чиқсин учун сулим сийналари
 Ва одамлар нигоҳини қаратмоққа
 Узи томон

Пешонасин зебо этмиш
 Арвисура Анаҳита
 Жозибали гардиш билан
 Юз туслаги ранглар уни безатмишдир,
 Тилло суви юргизилган.
 Саккиз қисм аравадек
 Шокилалар ҳилпираган афсуннамо
 Уртасида гузал ҳалқа
 Моҳирона яратилган.

Зардуштийларнинг фалсафий-эстетик
 дунёқарашига ёруғлик ва қувонч, яхшилик ва
 ҳаёт, гузаллик ва ҳақиқатни улуглаш ва куй-

лаш хос булган. Уларни ижтимоий идеали ҳам
 худди шу қувонч, ҳаётдан завқланиш,
 бунёдкорлик туйғуларини ардоқлаш билан
 боғлиқ. Табиатнинг соф ва бегубор чиройи,
 тинч меҳнат гашти, ҳаётга муҳаббат, деҳқон-
 чилик ва чорвачиликка ўзгача бир меҳр, барча
 эзгу фикрат ва эзгу амалларни қадрлаш эсте-
 тик кечималарнинг асосини ташкил этган.

Бу нарсалар «Авесто»нинг эстетик моҳия-
 ти афсонавий образлар орқали меҳнатга,
 гузалликка ва инсоний олийжанобликка
 туҳилган қасидалар дейишга олиб келади.

«Авесто» — нафақат Шарқ халқларининг,
 балки бутун инсониятнинг фараҳли «бола-
 лик» паллалари билан боғлиқ олам ҳақидаги
 эътиқод, билим ва тасаввурлар қомусидир.

Бу нодир маънавий қадрият намунасини
 ўқиган сари шундай хулосага келамизки, ди-
 ний эътиқод ҳали инсоннинг дунёни билиш са-
 лоҳиятига қуланка ташламай, имон ва эътиқод
 дунёни билишнинг ўзига хос шакли, билим эса
 инсоннинг ривоятларга ишончи ва ҳали кен-
 гаийб, чуқурлашиб кетмаган амалий фаолияти-
 нинг натижаси сифатида намоён бўлади. Ин-
 сон ривоятлар ва гаройиботлар билан йўғрил-
 гаи тасаввурда чинакам ҳаётий жараёнлар
 қаторида ҳаёлий кучларнинг мавжудлигига
 ҳам ишонган, жамият миқёсида шахснинг ўзи-
 га хос хусусиятлари ва белгиларини тас-
 диқлаш мураккаб ҳаёлот жимжималари зами-
 рида содир булган. Халотнинг ҳаётийлигига
 ишонини ва унга эътиқод қўйиш зардуштийлар-
 нинг фалсафий, ахлоқий ва эстетик қарашла-
 рига қанот бағишлаган.

Зардуштийлик ривоятларга тўлиб-тошган
 дунёқарашига қарамай, ҳар нарсада инсонлар-
 варликни, тинчлик ва бунёдкорликни биринчи
 уринга қўйиши уни инсоният тарихида, Шарқ
 тақдири, хусусан, Ўзбекистон халқлари тари-
 хида буюк маънавий мерос сифатида беназир
 аҳамиятга моликдир.

Утган асрнинг охирларида Фаргона вилоят-
 тининг Сух қишлоғида бир тумор топилган.
 Қора тошдан ишланган бу туморда бир-бирига
 чирмашган икхита заҳарли илон тасвирланган.
 Бу илонлар образи зардуштийларнинг ёруғ ва
 зулмат кучларининг кураши рамзи бўлиши
 эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки «Авесто»да Аж-
 даҳо ёмонлик ва улим тимсоли сифатида жуда
 кўп марта тилга олинади. Тумор ҳам ана шун-
 дай кишида қўрқинч ва даҳшат туйғуларини
 уйғотади.

Шунингдек, бу туморнинг қора тошдан
 ишланиши ҳам бежиз эмас. Ҳам илонларнинг,



ҳам қора рангининг ёмонлик, зулмат ва улим билан боғлиқлиги «Авесто»нинг ҳар бир қисмида таъкидлаб утилади. Бинобарин, Сух қишлоғидан топилган туморга қараб зардуштийларнинг бадий-эстетик тасавурлари буйича маълум хулосаларга келиш мумкин.

Сух қишлоғининг «тош илонлари»га ухшаш топималар кейинчалик Месопотамияда ҳам учрайди. Гулдонга иккита илоннинг бургут билан жанги туширилган. Бу ерда илонлар ёмонлик тимсоли бўлса, бургут куч ва адолат рамзи бўлиб гавдаланади. Худди шундай ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик кучларининг кураш рамзи сифатида Озарбойжоннинг Эронга тегишли қишлоғидан топилган иккита илонни чангаллаб турган бургут тасвири ҳам мавжуд.¹

Ўзбекистонда топилган археологик қазилмалар ва Хоразмдаги қадимги қалъаларни тадқиқ этиш шундан далолат берадики, жуда кўп халқ амалий санъати ва меъморий обидалар оташпарастлар ақидаси ва уларнинг дунёқарашига бориб тақалади. Топилган сопол буюмлар ва ҳайкалчалар, тумор ва кўзmunчоқлар аксарият ҳолларда илоҳийлаштирилган рамзий образлар шаклида ишланган.

1984 йили Фаргонанинڭ Ҳақ қишлоғида бронза ва кумушдан ясалган буюмлар хазинаси топилган эди. Унда бош томонга фигуралар урнатилган, бронзадан ясалган тўгноғич бор. Бу тўгноғични Г. А. Пугаченкова ва Л. И. Ремпеллар эрамиздан аввалги 3—2 мингинчи йиллар билан изоҳлайдилар.

Биринчидан, бу тўгноғичнинг ана шундай қадимийлиги зардуштийлар таълимотини ҳам қадимийлигига ашёвий далил бўлса, иккинчидан, тўгноғичда тасвирланган сигир, бузоқ ва аёл образлари ҳам зардуштийлар дунёқарашини ва ҳаёт тарзи ҳақида етарли маълумот бера олади. Тўгноғич дастаси бошида сигир, у бузоқни ялаётгандай, қулоқларини осилтириб, осойишта турибди. Ён томондаги аёл сигирнинг қорни томон икки қўлини кутариб, уни соғайтган ҳолатда тасвираган.

Эрамиздан 3—2 минг йиллар аввал яратилган бу санъат асарининг яратилишига туртки бўлган тушунча ва тасавуurlарга мурожаат этилган бўлсак, унинг зардуштийлар дунёқарашига қанчалик яқин эканлигини кўраимиз.

Юқорида зикр этилганидай, зардуштийлар мол боқиш, айниқса, сигирларни парвариш қилишини сигиниш даражасида муқаддас сана-

ганлар. Тўгноғичда тасвир этилган образларнинг умумий руҳи тинч қишлоқ ҳаётига хос бўлган фароғатдан ҳикоя қилади. Бу эса тинчлик, омонлик, меҳнат, аёллар ва моду мулкни ардоқлашни асосий вазифа қилиб қўйган зардуштийларнинг ҳаётий нияти ва мақсади бўлган. Худди шу гоё тўгноғичда реалистик тасвир орқали ўз ифодасини топган.

Фаргонанинڭ Ҳақ қишлоғидаги топилган амалий санъат намунасига ухшаш тўгноғич Эроннинг Тепа-Ҳисор қишлоғидан ҳам топилган. Унда ҳам зардуштий фаолиятини белгилловчи ер ҳайдаш, шудгор қилиш, ерни эъзолаш гоёси ўзининг бадий-эстетик ифодасини топган. Унда иккита ҳўкиз ва улар ёрдамида ер ҳайдаётган деҳқон образини кўраимиз. Бу тўгноғичнинг пайдо бўлишини олимлар турлича талқин этишди: В. М. Массон уни эрамиздан аввалги 2 мингинчи йилларга тақаса, С. Пиллотт 2000—1500 йиллар билан изоҳлайди.

Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, зардуштий даври бадий-эстетик тафаккурида илоҳийёт ҳақидаги тасавуurlар ҳаётий эҳтиёж ва амалларнинг маънавий ифодаси бўлган.

Чирчиқ дарёси бўйлаб, хусусан, Хумсон ва Обираҳмат қишлоқларидан топилган билакузуқлар ҳам эрамиздан аввалги XII — XI асрларга бориб тақалади. Буюмларнинг табиийлигига катта аҳамият берилиши, билакузуқ икки учининг худди ёш кийик ё энкиларнинг шохига қиёсан ишланиши ўзи давр санъаткорлари оламфаҳми ўз даври моддий-маънавий эҳтиёжлари доирасида тараққий этганидан далолат беради. Фаргонанинڭ Водил қишлоғи қабристонидан топилган билакузуқнинг кўриниши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бустонлиқ районининг Хумсон қишлоғидан топилган, эрамиздан аввалги I мингинчи йилларга тааллуқли, ҳозир Эрмитажда сақланаётган тўгноғичсимон буюм ҳам зардуштийлик таълимоти ва «Авесто»да ҳикоя қилган воқеалар билан ҳамоҳанг.

Бронзадан қуйилган бу тўгноғичсимон буюм худди қўполроқ стаканни эслатиб, унинг атрофига одам ҳайкалчалари қўюб, ёпиштирилган. Юқори — уч қисми баҳайбат ёввойи ҳайвонни эслатади. У орқасига бироз чўккан, боши йўгон ва қалта, панжалари семиз ва оғир. Унинг икки биқинига иккита боласи ёпишиб олгандай. Бааки бу айиқнинг, ё шеринг тимсолидир. Идининг пастки қисмида унингга тушайтган аёллар образи ифода этилган.



¹ М. Э. Воронцов. Каменное изображение змей из хищника Сох, Ферганской области. — КСИИМК, 61, 1956, 53-бет; Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. История искусств Узбекистана. М., Искусство, 1963, 21—24-бетлар.



380

Бу кичкина ҳайкалча катта маҳобатли санъат асарига хос хусусиятга эга. Унда гуё осмону фалакка, ғ бутун борлиқ узра қараб турган аллақандай куч-қудрат тисоли ва унинг натижаси улароқ пастдаги аёллар рақси — қувончи. Бу ҳайкалча ҳам аллақандай яхшилик тантанаси, улугворлик голиблиги ҳақида ҳикоя қилаётгандай тасаввур уйғотади.

«Авесто» матни, унинг образлар дунёси, археологлар томонидан Ўзбекистонда тошлаган ва тадқиқ этилган халқ амалий санъати ва осори атиқаларнинг инсоният нҳтимоний-фалсафий ва бадий-эстетик тараққиётининг қадимий даврига тўғри келувчи бу обидалари уша даврнинг ҳаётга булган муносабатларида диний ва бадий тафаккурнинг муштарак тараққий этганидаи далолат беради. А. И. Ремпель таъбири билан айтганда, «архаик санъат шартлилиги уруғдошлик қабиласи муҳитининг натижаси, дунёни диний ва бадий идрок этиш шакли, воқеаларнинг узаро алоқадорлик ва боғлиқлиги ҳақидаги ҳиссий ва мантиқий ифодалаш усули эди. Бу нарса улардаги маъноларнинг яширин-пардали тасвирлаиши, ҳиссиёт ва мантиқий тафаккурнинг ажралмаслиги, доимий равишда бир хил кайфиятлар ёки фикрнинг узаро ўрин алмашиб туришида кўринади».¹

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, «Авесто» даври санъати, «Авесто» матни гарчи ута умумлаштирилган ва шартлилик асосида қурилган бўлса-да улар ўзининг ҳаётий мазмуни, моҳияти билан бебаҳодир. Ҳаётдан олиш ва ҳаётга қайтариш «Авесто» даври бадий-эстетик ва фалсафий тафаккурининг асосий йуналишини белгилайди.

«Авесто»да қўёш худоси Митрага бағишланган қасида бор:

*Ва бу аравани элтадир
Тўрт оппоқ тулпор.
Абадий ва уққур аргумоқ
Руҳи билан ўсган жонварлар.
Олд туёғи тиллодан унинг,
Орт туёғи кумушдан унинг,
Ва ягона бўйинтуруққа
Боглангандир тўртталови ҳам,
Мустаҳкамдир тоза шотиси,
Илгақлидир ва чидамандир.*

Амударёдан топилаган, эраимиздан аввалги V—IV асрларга тегишли хазинада худди мана шу сўзларнинг иллюстрациясини кўраимиз. Ун-

да тўртта отга қўшилган аравача устидаги икита одам сиймоси олтин ҳайкалча тарзида ишланган.

«Авесто» матнининг бунчалик аниқ ва реал тарзда бадий талқин этилиши, зардуштийлик ўз даври бадий тафаккурининг асосигина эмас, унинг воситаси булганлигидан ҳам далолат беради. Олтин ҳайкалчада рамзий образлар маъноси реал шакллар орқали ҳаётий гавдаланган. Бу аравача модели орқали қўёш худоси Митранинг улугвор, олийжаноб ва ёрқин образи тасвирланади. Унинг ўтиришида абадият туйғусига йўғрилган улугворлик кайфияти мужассамлашган. Ана шу Амударёдан топилаган хазинадаги қанотли ҳуқиз ва қанотли эчкиларнинг тасвири ҳам ҳаётий реал мавжудотларга афсонавий маъно бериш ва афсонавий ривоятларни реал мавжудотлар тарзида идрок этган зардуштийлик таълимотига ёрқин мисол бўла олади.

Моддий-маънавий илдиэларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи яна бир нодир топилмалардан бири 1939 йили Катта Фаргона канали қурилиши пайтида топилаган, ҳозир Ўзбекистон тарихи музейида сақланаётган, эраимиздан аввалги VI—IV асрларда қуйилган катта бронза қозондир. Қозоннинг четларидаги тўртта қўлоқлари орасига бир-бирининг орқасидан кетаётгандай тўртта эчки ҳайкалчалари урнатилган. Оғир қозон маълум ибодат анжомларидан бири бўлиши мумкин. У асао бирор оила учун мулжалланган эмас. Хусусан, ундаги ҳайкалчалар шаклидаги қўлоқлар ҳам чархпалак дунё ва унда айланма ҳаракат қилаётган эчкилар ҳақида ҳикоя қилади. Агар зардуштийлар таълимоти ва уша давр дунёқарашини нуқтаи назардан уни томоша қилсақ, уч оёқда турган қозон дунё, эчкилар эса осмондаги сайёраларнинг узлуксиз ҳаракати ҳақида ҳикоя қилаётгандек. Қозоннинг диний маросим ёки ҳаётий эҳтиёжлар туйфайли яратилганига, балки «Наврўз»да табиатга булган айрича муносабат белгиси эмасмикин, шундай қозонларда «Авесто»да куйланган «Ҳома»лар, сумалак ёки ҳаалимлар пширирилган эмасмикин, деган хаёл тугилади. Чунки зардуштийлар ҳар бир яхши ва пок инсоний эҳтиёжларни қадрлашни илоҳий ибодат тарзида бажарганликлари маълуи.

Зардуштийлар таълимотининг оптимистик ва гуманистик моҳияти бу таълимот таъсирида ёки заминида яратилган бадий тасвир

¹ Г. А. Пугаченкова, А. И. Ремпель. История искусства Узбекистана. М., Искусство, 1963, 25—26-бетлар.

асарларининг соддалиги, халқчиллиги ва рамзий шартли образлар тилида ҳам қуринилади. Бу асарларнинг мазмуни ва бадиий тасвир хусусиятлари билан уларни бунёд этган ижтимоий ҳаёт ва дунёқараш уртасида зиддият қуринмайди. Диний-фалсафий ва ижтимоий тафаккур бадиий идрок билан шундай чирмашиб кетганки, бадиий онгдан диний-фалсафий ва ижтимоий маънони, диний-фалсафий ва ижтимоий идеаллардан бадиий туқимани ажратитиш қийин бўлиб қолади.

Ўзбекистон санъати тарихи шундан далолат берадики, диний тасаввурлар, афсонавий ривоятлар, фалсафий тушунчалар, ахлоқий-эстетик қарашлар одамларнинг моддий ҳаёт тарзи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлагани одамларнинг индивидуал ва ижтимоий ҳаёти умумий моддий-маънавий фаолияти билан қўшилган бўлиб, бу фаолият эса инсонни ураган воқелик, муҳитдан озиқланиб турган. Шунинг учун ривоятларда ҳаёт, ҳаётда ривоят устунлик қилган.

Бу жараён аҳмонийлар даврида ҳам давом этган. Масала, эраמידан аввалги 8—7 асрларга тааллуқли «Бошида эчки кўтарган худо» (Техрон, Форуғий коллекцияси) бронза ҳайкалчада одамларга ўз туғфаларини тортиқ қилаётган ҳосилдорлик ва чорвачилик ҳудоси тасвирланади. Ҳайкалча юксак илоҳий мурув ва руҳида ишланган. Агар тарихдан аҳмонийлар подшолигининг зардуштийликни ўзининг расмий дини сифатида қабул қилганини эътиборга оласак, бу даврга келиб энди барча бадиий-тасвирий асарларда зардуштийлар таълимоти очиқ-ойдин ва кенг қўламда ўзининг эстетик моҳиятини намоён этганини кўраимиз.

Ҳайкалчалар, халқ амалий санъати ва бинолардан тортиб, барча инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳодисалар яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва улим уртасидаги кураш фалсафаси асосида яратила бошлайди. Масала, Пересполь шаҳрига кираверишдаги бинонинг тўрт томонида Ксерксдан қолган қуйидаги сузалар мавжуд бўлган: «Ақура-Маэда ёрдами орқали барча халқлар ва барча мамлакатларга мен шу дарвозани кўрадим. Бу ерда бошқа кўп ажойиб биноларни мен қўрган эдим, отам қўрадирган эди. Нимакни қўрилган ва гузал бунёд этилган бўлса, биз Ақура Маэда ёрдами орқали қилганмиз».¹

Эраמידан аввалги 6—5 минг йилликка тааллуқли, буқани гажийётган шерни тасвирлаган

зинапойдаги рельеф бор. Бу рельефда шер образи куч-қудрат ва давлат рамзи сифатида тасвирланган. У яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва улим ҳақидаги тушунчага асосланган бўлса-да рамзий маънолар мураккаблашиб кетади. Бир томондан шер давлат ва инсон қудрати бўлиб туюлади. Иккинчи томондан, буқа азоб чекаётган, жабр тортаётган, покизалик ва гузаллик рамзи сифатида меҳр-шафқат уйғотади. Ана шу тариқа буқа ҳаётнинг ёрқин ва яхши мавжудоти сифатида талқин қилинади.

Зинапой шоҳ Дария-Ксеркс оромгоҳи томон йўналгани учун ҳайкалтарош асосий эътиборни давлатнинг куч-қудратини улуғлашга қаратишга мажбур эди.

Аҳмонийлар даврида яратилган гулдоннинг тоғ такасига ўхшаш қўлоги худди бегубор фаришталар сингари юксак маънавият билан йўғрилган. Бу гузаллик туйғуси, эркинлик идеалининг рамзий ифодасидир. Поклик, озолик ва олийжанобликнинг шартли тасвири реал инсоний кечинмалар уйини орқали берилган.

Қанотли фаришта образи кейинчалик Шарқ поэзияси ва санъатида софлик, муҳаббат ва гузаллигининг улмас ва абадий тимсолига айланиб қолади.

Г. А. Пугаченкованинг ёзишича, эраמידан бошланиш биринчи асрларида Урта Осиёда она-замин билан боғлиқ тангрилар образини ифода-лаш санъатда аввалгидай давом этган. Археологик қазилмалар жараёнида Хоразм, Бақтрия ва қадимги Сугдиёна ерларида Кушан подшолари сиймоси зарб этилган тангалар қатори жуда кўп аёл тимсолларидаги худоларнинг сопол ҳайкалчалари топилган.

«Афросиёбдан топилган туркум ҳайкалчаларни «Анахит»лар деб юритиш одат тусига кирди, — деб ёзади Г. А. Пугаченкова. — Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саккиз қирралик қимматбаҳо тошлар билан безатилган чамбарак таққан, белидан юқорироқ белбоғ боғлаган, қўнауз мўйнасини устига ташлаб олган «Авесто»даги гузал қиз сиймосидаги Ардвисура Анахитага улар деради ўхшаш эмас, чунки булар қиз эмас, бош кийимларига қараганда турмуш қўрган аёлларни эсаптади... Сугдиёна тангриси табиатнинг ҳаётбахш кучларини ифодалайди. У «Авесто» билан боғлиқ Анахита, Ашаҳ ва Хайрватат сингари худоларнинг йигма, кейинчалик турли маҳаллий шароитларга мослаштириб гавдалантирилган қуринишидир».²



¹ Қаранг: Памятники мирового искусства. Искусство Древнего Востока, М., 1968, 93-бет.

² Г. А. Пугаченкова, А. И. Ремпель. История искусств Узбекистана. М., Искусство, 1965, 122-бет.



Ибтидоий замонлардан тортиб зардуштийлик даври фалсафий-эстетик тафаккур хусусиятларини ўзида инъикос этган бадий ижодият турли даврларда халқ ва профессионал санъатининг ранг-баранг шаклларида тараққий этиб келди. Бадий онгининг яхлит қўлами айрим эстетик ирмоқларга ажралмаган ҳолда санъатнинг ўзига хос ва шартлилик қонуниятларини ривожлантириб борди. Инсон гавдаси, қўл тузилишлари, юз ифодасидаги маълум тартибга асосланган тасвирлар турли тангрилар образи учун ҳам ўзгармас тимсол вазифасини бажаради. Бироқ худолар образида ҳар бир муҳит ва давр тамгаси бўлмиш маҳаллий этник белгилар ҳам ўз аксини топа бошлади. Бунинг оқибатида барча ўтқинчи ва абадий нарсаларнинг яратувчиси бўлган худолар ва руҳонийларнинг умумлаша тасвирли образларида улугворлик кайфияти ва ахлоқий-маънавий мезон кучайди. Шунингдек, қар бир тангри маълум вақт маҳсули ҳамда маълум ўз таъсир маконига эга бўлгани учун унинг образи маҳаллий ва этник ҳаётини чизгилар билан бойиб борди.

Шунинг учун худолар ва табиат ҳодисаларининг тасвири гавдалантирилган образларида халқнинг кинот ҳақидаги романтик идеали, афсоналарга йўғрилган гузаллик туйғулари ўз ифодасини топган.

Урта Осиё санъатининг эстетик дунёси, бир томондан мифологик образлар, лавҳалар

билан йўғрилган бўлса, иккинчи томондан, бундай ривоятлар билаи реал ҳаёт маизараларининг бириккуви санъатнинг тур ва жанрлари ранг-баранглигига ҳам олиб келди.

Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистон халқларининг афсона ҳамда ривоятлари ниҳоятда кўп қатламли бўлиб, уларда шомонийлик, зардуштийлик, буддизм ва бошқа эътиқодларга хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Шуниси қизиқки, ривоятлар қачон ва қайси эътиқод туйғайли пайдо бўлмасин, уларда яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гузаллик ва хунуқлик, адолат ва адолатсизлик, нур ва зулмат масалалари асосий ўринни эгаллаган.

Ривоятлар ҳамда таълимотлар қанчалик диний тушунчалар орқали тарқалмасин, уларда одамларнинг бевосита яшаш тарзи ва муҳит хусусиятлари ҳам муҳрланиб қолаверган. Шунинг учун барча таълимот ва ривоятлар халқ фантазияси билан бойиган, натижада афсона ва ривоятлар халқнинг фалсафий, бадий-эстетик ва ахлоқий гоиларини ифода этиш шаклига айланган.

Табиат ва инсонни, жамият ва ҳаётни инсон учун яратилган моддий-маънавий неъмат сифатида талқин этиш, уни асраб-авайлашга даъват этиш қадимги маънавий меросимизнинг буюк гуманистик мазмунини ташкил этади.

«Авесто» — бунинг ёрқин намунаси.

Тялаб МАҲМУДОВ

МУҲДАРИЖА

<i>Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ «Авесто» хусусида .</i>	3
<i>Нарзулла Жураев. «Авесто» зарурати . . .</i>	4
<i>Биринчи дафтар. Гоҳлар .</i>	8
<i>Иккинчи дафтар. Ясна</i>	34
<i>Учинчи дафтар. Вандидод . . .</i>	106
<i>Туртинчи дафтар. Яштлар . .</i>	166
<i>Мансур яштлар .</i>	224
<i>Бешинчи дафтар. Виспирад</i>	280
<i>Олтинчи дафтар. Кичик Авесто (Хурда Авесто)</i>	298
<i>Изоҳлар .</i>	301
<i>Сунг сўз. Тилаб Маҳмудов. «Авесто» ҳақида</i>	358

АВЕСТО

Тарихий-адабий ёдгорлик

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир *Барнобек Эшпулатов*
Бадий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Компьютерда саҳифаловчи *Татьяна Огай*
Мусафҳиқлар *Юлдуз Бизаатова, Нозима Мухамедиева*

Теришга берилди 22.04.2001. Босишга рухсат этилди 9.08.2001. Бичими 60x90 1/4,
«Muth» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 48,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 53,0.
Умумий адади 5.000 (биринчи завод 2.000) нусха. Буюртма № 2071. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
Тошкент, 700083, «Буюк Турон» кучаси, 41.

35/02

